

ГАРРИЭТ БИЧЕР-СТОУ

ТОМ ТОФАНИНГ КУЛБАСИ

ИККИНЧИ НАШРИ



И. ЦЕЙТЛИН
расмлари

Ўзбекистон ССР Маданият министрилиги
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
„Ёш гвардия“ нашриёти
Тошкент — 1960

*Детгизнинг 1940 йил нашридан
Шариф Ризо таржимаси*

БИЧЕР-СТОУ ВА УНИНГ КИТОВИ

I

Унинг номи Гарриэт.

У қувноқ қиз эди, уни қўшиқ айтгани ҳам, ўйинга тушгани ҳам қўймасдилар. У ҳеч қачон болалар билан ўйнамасди. Унга эртак айтиб, қизиқ шеърлар ўқиб беришмасди. Унинг битта ҳам гулдор кўйлаги йўқ эди. Гарриэт вақтичоғликни гуноҳ деб ҳисоблайдиган жуда диндор оиласда туғилиб ўди.

Унинг отаси домла эди. Гарриэт кичкиналиқ чоғида отаси ўқиб берган биринчи болалар китобчаси: «Худз-нинг қаҳрига учраган гуноҳкор бандалар» деб аталаарди.

Бу китоб мазмунан жуда ваҳимали бўлиб, унда агар болалар шўхлик қилсалар, ўлганларидан кейин дўзахда қаттиқ азобга тушадилар, деб ёзилганди.

Домланинг ўнта боласи бор эди, домла ҳамма болаларига: Сизлар ёмон гуноҳкорсизлар, тез-тез ибодат ва тавба қилиб туринглар, деб насиҳат қиларди.

Бундай жаҳолатпаст тарбия, ғайратли ва шўх Гарриётнинг йўлига ҳар қадам сайин ғов эди.

Унинг опаси Қатерина қўшни шаҳарда кичкина бир мактаб очди. Гарриэт ўн уч ёшга кирганда бу мактабда

Ўқитувчиллик қила бошлади. Унинг кўпгина ўқувчилари ўзидан катта эди, лекин улар олдида у, ўзини катта кишилардек тутарди. Мактабда ўқитувчи етишмасди. Шунинг учун у, нимжонлигига, жуда қаттиқ чарчашига қарамай, мактабда эртадан қора кечгача ишларди.

Гарриэт Америкада 1811 йилда туғилган. У туғилган жойдаги одамларнинг кўпчилиги унинг каби оғир кун кечиришарди. У жойларнинг аҳолиси меҳнаткаш, диндор, хафақон, ўзларига ҳамда бошқаларга қаттиқ-қўл бўлган одамлар эди. Агар бирор, оғир касал бўлмаса-ю, лоақал бир якшанба черковга бормаса балога қоларди: бундай кишидан ҳамма қавм-қариндош ва ошна-оғайнилари юз ўгиради. Уни ишидан қувишар, у оч-ялангоч қоларди.

Гарриэт болалик чоғини ўтказган жойнинг урфодати мана шундаقا эди. Бу кенг ўлка Янги Англия деб аталади. Унга Американинг энг эски штатлари киради. Бу ерда XVII асрда океанинг нариги томонидан қочиб келган инглизларнинг биринчи колониялари пайдо бўлди. Янги Англиянинг қоқ ўртасига жойлашган Коннектикут штатидаги Личфилд шаҳри Гарриэтнинг ватани эди.

Гарриэт йигирма бир ёшга кирганди, отаси оиласи билан Фарбга — Огайо штатидаги Цинциннати шаҳрига кўчиб борди. Катерина у ерда ҳам қизлар учун мактаб очди. Гарриэт бу мактабда ҳам аввалгича иштиёқ билан география ва бошқа фанлардан дарс бера бошлади. У жуда банд эди, ҳатто шундай ойлар бўлардики бир марта боққа чиқиб, бирпас саир қылгани вақт тополмас эди. Оқшом, ўқитиш тугаган ҳамон, ўзи ўқий бошларди. Лотин, итальян ва француз тилларини ўрганар, чизмакашлик ва рассомлик билан шуғулланарди. Ҳатто, баъзан овқатланишга ҳам вақти бўлмасди: овқатни тўғри синфнинг ўзига олиб келишарди.

Унинг еттита ака-укалари бўлиб, уларнинг ҳаммаси оталарига тортиб домла бўлишда, Гарриэт йигирма

беш ёшида, Цинциннатида турмушга чиқди. Унинг эри ҳам домла эди. Эри камбағал киши бўлиб, китоблардан бўлак ҳеч қандай мол-мулки йўқ эди. Гарриэтнинг бор-йўқ сепи — баҳоси ўн бир доллардан ошмайдиган идиш-товоқдан иборат эди.

Кўнгилсиз оиласи ҳаёт бошланди. Бу аёлда жуда зўр истеъдод яшириниб ётганни ва вақти келиб миллионларча кишиларни ҳаяжонга солажаклигини у чақда ҳеч ким ўйламаганди. Пул топиш учун у, майда-чўйда мақолачалар ёза бошлади. Бу мақолалар майда журналларда босиларди.

1849 йилда Цинциннатида вабо бўлиб, унинг ўгли Чарли ўлди.

Гарриэт, ўглини кўмгандан кейин, оиласи билан ватани Янги Англияга кўчиб кетди. Эри янги хизматга жойлашди. Мана шу ерда, Мон штатида, 1851 йилда еттинчи боласи янги түғилган кунларда ҳафтада бир марта чиқадиган «Миллий давр» номли журналинг пошири унга негрлар ҳаётидан катта ҳикоя ёзишини тақлиф қилди. Бу вақтларда негрлар қулликда яшардилар ва улар ҳақида Америкада негрларни қулликдан озод қўймоқ керакми ёки умрбод ўз хўжаларининг асоратида қолиб кетаверсинларми, деган мавзууда узундан-узоқ мунозаралар бораради. Мунозаралар йилдан-йил қизғинлаша борди. Кўпгина ёзувчилар каби Бичер-Стоу ҳам бу мунозараларда актив қатнашди, шунда у қора баданлиларнинг ҳаддан зиёд оғир ҳаётларини тасвир этмоқни хоҳлади, мақсади — энг бегараз китобхонга ҳам қулдорликнинг жамиятда шармандали ва жиноий бир ҳол эканлигини англашмоқ эди.

У повестига «Том тоғанинг кулбаси» деб ном қўйди ва даставвал Том тоғанинг фожиали ўлими тасвирланадиган бобларни ёзди. У: «Повесть кичик бўлар ва журналнинг тўқиз ёки ўн сонида тамом бўлар», деб ўйлаган эди. Аммо ёзган сайин унинг сюжети кенгая борди. Унинг қалбида қулликка қарши нафрат тобора

авж ола берди, натижада повестнинг ҳажми кенгайиб, уни тугаллаш учун журналнинг қирқдан ортиқ сони талаб қилинди. Повестни ишлаш, безаш учун Бичер-Стогуниг ҳеч қандай имконияти йўқ эди, чунки ҳар боб охирида «давоми келар сонда» деб ёзиб қўйиларди, шунинг учун ҳам шошиб, давомини ёзиш керак эди. Ҳар ҳафта сайнин у, бутун бирнин ёзиб тугатарди.

Журналда бу повесть унча шов-шувга эга бўлмади. Бичер-Стогуга унинг учун жуда оз ҳақ бердилар.

II

Орадан икки-уч ой ўтгач, бир қашшоқ ношир шу ҳикояни алоҳида китоб қилиб босиб чиқарди. Мана шунда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир ҳол юз берди.

Бу китоб шу қадар зўр муваффақият қозондики, унгача ёзилган ҳеч бир китоб бундай муваффақият қозонмаганди. Китоб босилиб чиқсан куниёқ сотилиб бўлди.

Франция, Англия ва Американинг машҳур ёзувчилари бу китобни энг гўзал санъат асари деб, астойдил табриклидилар. Биргина Лондоннинг ўзида бу китоб ҳар кун ўн минг нусхадан сотиларди. Бу китобни босиб чиқараётган нашриёт, китобхонларнинг талабини гарчи қисман бўлса ҳам қондириш мақсадида янгитдан бир мингта ишчи қабул қилишга мажбур бўлди. Китобни йигирма уч тилга: француз, немис, рус, швед, дания, испания, арман, итальян ва бошқа тилларга таржима қилдилар. Ҳамма жойда бу китобдан завқланган янгидан-янги ўқувчилар чиқарди.

Турли мамлакатларнинг драматурглари бу повесть асосида кўпгина пьесалар ёздилар ва бу пьесалар Европанинг деярли ҳамма пойтахт шаҳарларида ва Американинг барча Шимолий штатларида жуда кўп марта-лаб саҳнага қўйилди. 1853—1854 йил қишида Нью-Йоркдаги катта театрларнинг бирида «Кулбажи» бир ҳаф-

тада ўн саккиз марта саҳнага қўйғанлар ва ҳар сафар театр одамга тўла бўлган. Кишини шу нарса ҳайратда қолдирадики, бу пьеса Нью-Йоркда ҳанузгача қўйилади ва уни томошабин илгаригидек зўр хайриҳоҳлик билан кутиб олади.

«Кулба» пайдо бўлгандан буён тўқсон йилдан ортиқ вақт ўтиб кетди. Бир вақтлар шуҳрат қозонгани ўн мингларча китоблар бу давр ичида ескириб, ўқувчининг ёдидан кўтарилиб кетди. Аммо «Том тоғанинг кулбаси» эса ҳозир ҳам миллионларча китобхоннинг диққатини ўзига тортади. Бу китоб жуда умрли бўлиб чиқди, инсоният уки унтишни ҳеч бир истамайди. Бунинг ўзи китобнинг ўз замонида адабиётда қанчалик зўр ҳодиса бўлганидан далолат беради.

Киши назаридан узоқ жойда, фақир ина яшаган кўп болали қирқ яшар камтар аёл бутун дунёга машҳур ёзувчи бўлиб ном чиқарди.

1853 йилда у, ўзининг кўпдан буён дилида сақлаб юрган орзусига етиб, Европага саёҳат қилди. У, оғир меҳнат ва оиласий ташвишлар билан шундай ҳолсизланган эдикки, уни пароходга олиб келганларида оёғида зўрга туради.

Англияда уни шундай қизғиш хурсандлик билан кутиб олдиларки, у чарчаганларини ҳам унуди. У қаерга бормасин, ҳар бир станция ва ҳар бир пристанда уни минг-минглаб одам кутиб олар ва уни кўрган ҳар бир киши ўзини баҳтиёр ҳисобларди. Дехқонлар, ишчилар, басовлат эркак ва аёл лордлар, катта мансабдорлар, машҳур ёзувчилар, болалар уни самимий табриклардилар. Айрим кишилар ва ҳар хил жамиятлар негрларни озод қилишга сарфлаш учун кўпгина пуллар бердилар. Англиядан у Францияга, кейин Германия ва Швецарияга борди. Бу ерларда ҳам унинг саёҳати катта тантанага айланниб кетди. Қамишдан тўқилган оддий шляпа ва кул ранг камзулча кийган, ранги қонсиз, оғзин аёлни ҳамма бу ерда бутун инсони-

ятнинг озодлиги ва бахти учун курашаётган буюк курашчини кутгандек кутиб олардилар. У, ўза китобида фақат негрларнинг озодлиги учун курашса ҳам, бутун жаҳон китобхонига бу асар ҳар қанақа зулм ва қулликка қарши курашга чақириқ бўлиб кўринди.

III

Негрлар кўпчилик эътибори билан мамлакатнинг жанубида — жазирама қуёш нури остида пахта, шакарпоя ва маис¹ унадиган жойларда қул эдилар.

Жануб плантаторларига бу арzon ишчи кучларидан жуда кўп фойда келарди. Улар калтак зўридан ҳар йил минг-минг акр² ёсилдор ерларда ишлардилар. Плантаторлар XVII асрда Африкадан зўрлаб ёки алдаб-сулдаб олиб келинган жуда кўп негрларни сотиб олгандилар.

Шимолий штатларнинг аҳолисига эса, у чоқда қуллар меҳнати даркор бўлмай қолди. Шимолда шакарпоя ва пахтазорлар йўқ эди. Шимолда машина асосига ҳурилган фабрика- завод ишлаб чиқариши жуда ўсан ва ёрксиз қул меҳнатидан кўра ёлланиб ишловчи ишчи меҳнати фойдалироқ эди.

Қуллик мамлакатнинг бундан кейинги иқтисодий тарақиёти учун катта тўсқин бўлиб қўлди.

Шимолда ва Жанубда хусусан ёшлар орасидан, олижаноб, фидокор ва бамаъни кишилар чиқиб, ўзларининг бутун кучларини негрлар озодлиги учун сарф этдилар. Улар негрларга хўжайнлариникидан қочишга ёрдам беришар, қулдор-помешчикларга қарши курашиш учун жамиятлар ташкил этар, ҳар дамда муюлишдан отиб ўлдирилиш хавфига қарамай, қулдорлар яшайдиган энг

¹ М а и с — Жўхорининг бир тури.

² А к р --(инглизча) ер ўлчови, 4017 квадрат метрга тенг.

узоқ жойларда улар қаҳрамонларма ташвиқот ва тарғиббот юргизардилар.

Уша вақтда Америка бир-бирига душмана бўлган уч лагерга бўлинди. Бир лагерда қуллик тарафдорлари, иккинчида — негрларни дарҳол озод этиш учун курашлилар турарди; иккинчи лагерь тарафдорларини у вақтда аболиционистлар деб атадилар.

Бу икки лагерь ўртасида, ғоят нуфузли ва сони кўп учинчи тоифа турарди. Булар —«аста-секинчилар»— либераллар бўлиб, негрларни мұтадил йўл билан озод қилиш тарафдорлари эди. Улар шундай дердилар: Албатта озодлик жуда соз нарса, аммо негрларни эҳтиётлик билан, қўзғовчи нутқлар сўзламасдан, қонли қўзғолонсиз, аста-секин озод этиш лозим, акс ҳолда революция бўлиб, бутун давлат ҳалок бўлади.

Гарриэт Бичер-Стоу ҳам анча вақтгача мана шу «аста-секинчилар» орасида бўлди.

Цинциннати шаҳрида қуллар йўқ эди, чунки бу шаҳарни ўз ичига олган Огайо штати қулдор штатлар жумласига кирмасди. Аммо Цинциннати қулдор Кентукки штатига чегарадош бўлиб, бу қўшини штатдан дарё орқали қочиб ўтган кўлгина негрлар, табиий, шу шаҳарда яширинарди. Гарриэт ва унинг оиласи қочоқларга тортинмай бошпана берар, уларга овқат, кийим-кечак ва пулдан ёрдамлашарди, аммо бошқа ҳамма либераллар каби, у, негрлар келажакда тўла озод бўлишлари лозим, деб ҳисобларди.

Бироқ шимолликлар билан жанубликларнинг кураши кун сайин шиддатли тус ола бошлади. Тезда шундай воқиалар юз бердики, ҳатто мұтадил либераллар ҳам қулларнинг дарҳол озод этилишини талаб этиб, қаҳрли нутқлар сўзлай бошладилар.

Ҳукуматнинг 1850 йилда чиқарган бир қонуни уларни, айниқса ғазаблантирди. Бу қонунга биноан ҳукумат, Шимолга қочиб ўтган барча қулларни жануб плантаторларига дарҳол тутиб беришни шимолликлардан талаб қыл-

ди; ҳатто қочиб ўтганига бир неча йил бўлган қуллар ҳам тутиб хўжайинларига берилиши лозим эди.

Бу қонун Гарриэт Бичер-Стоу ҳётида жуда катта роль ўйнади. Ундаги мұтадил либерализмдан ҳеч нарса қолмади. Уни бу янги қонун жуда ҳам ғазаблантириди ва қонун чиққан күнларидаәқ у, мақола ёзиб, ҳукуматга бўйсумасликка чақирди. Худди шу вақтда «Миллий давр» журнали негрлар ҳақида қулликни дарҳол йўқотишни тарғиб этувчи повесть ёзишни таклиф этди.

Бичер-Стоу мана шу мақсад билан ўз повестини ёза бошлади.

IV

Повестда шундай бир воқиа ҳам тасвирланади.

Қутурган золим плантатор Легри содда дил ва ювош негр Томни уриб ўлдирмоқчи бўлади. Лекин чўрилардан бири ёвуз Легрига аллақандай дори бериб, қаттиқ ухлатиб қўяди.

— Золимни ўлдир,— дейди чўри, Томга.— Агар уни ўлдирсанг, умрбод озод бўласан... Ўз қаҳрамонлигинг билан сен муқаррар ҳалокатга маҳкум бўлган ўнларча кишини озод этасан.

Саховатпарвар Том, ўзининг қул биродарларига жуда-жуда раҳми келса ҳам, золимнинг жазосини беришдан қатъий бош тортади, чунки, у ғоят художўй непр; дин эса унга: «қул ҳар қанча жабр-жафо бўлса чидаши керак, бунинг эвазига худо уни қиёматда абадий баҳтиёр қиласди» деб таълим берган. Хўжайинларга қарши ҳар қандай норозилик билдириш, ҳар қандай исён кўтариш, Томнинг назарида жуда катта гуноҳ ҳисобланарди.

Бичер-Стоуннинг фикрича ҳам, Том ўз хўжайинини ўлдирмай жуда тўғри қилган: унингча китобхон, Томнинг ўлгандан кейинги баҳтга бўлган алангали эътиқодидан ҳаяжонланиши лозим.

Лекин бу ерда қизиқ бир аҳвол юз берди. Ёзувчи, динни миллионларча қора қулларнинг ишончли таянчи деб мақтамоқчи бўлган-у, аммо ўзининг асл муддаосига зид бўлгани ҳолда бу қуллар ҳаётида диннинг жуда ёмон роль ўйнашини, уларнинг ўз озодликлари учун ва одамгарчилиги бўлмаган хўжайинларига қарши курашларига халал беришини, бу диннинг фақат Легри ва Гэли каби қулдор плантаторларгагина фойдали эканини кўрсатиб берди. Агар Том болалик чоғидан бошлаб «нариги дунёроҳати» деган беҳуда сўзлар билан алданмагандা эди, ўзидағи ақл ва жисмоний куч билан, олижаноблик ва мардлик билан негрлар қўзғолонини уюштирас ва ўзини ҳамда бошқаларни озод этарди.

Плантатор Шелби, Томни ўтакетган хониларча, бир абллаҳга сотади. Эртасига саҳарда Томни кишанлаб олиб ватанидан, хотини ва болаларидан ажратиб, ҳалокатга олиб кетишлари керак, аммо Том бу ҳалокатдан қочиб қутулиши мумкин. Лекин у қочмайди, ҳатто у хўжайинидан гина ҳам қилмайди, чунки инжил унга: жабр-жафога бардош бер, душманларни айблама, балки уларга яхшилик тила, деб таълим берган.

— Ундан гина қилиб бўлмайди, унга бўйсуниш меннинг бурчим,— дейди у хотинига хўжайинни ҳақида.

Бичер-Стоу қулларнинг муридларча содиқлиги қулдорларга нақадар фойдали эканлигини китобида бир неча бор баён қиласди. Қулдор бу йиртқичлар, уялмай-нетмай: «Тақводор негр учун иккى ҳисса ортиқ пул тўласа арзийди, чунки тақводор негр — аъло сифатли мол»— дейдилар.

Ёзувчи ўз китобининг кўп жойида кўрсатади: негрлар севиб ўқнидиган барча диний дуолар, барча инжил ҳодисалари ва оқлар тарқатаётган барча диний тарғиботлар негрларнинг онгига биргина нарсани сингдиради, у ҳам бўлса жабр-жафога чидаш кераклиги ҳақидағи насиҳатдир.

Хуллас, Бичер-Стоу ўз ғоясига зид бўлгани ҳолда китобхонни бир нарсага ишонтиради: негрларининг диний тарбиясидан шу мақсад кўзда тутиладики, улар ўз хўжайинларига қарши бош кўтаришини хаёлларига ҳам келтирмасинлар, балки то ўлгуналарича уларнинг бўйин-туруқли моли бўлиб қосинлар.

Қандай қилиб ёзувчи ўзи қарши чиққан? Қандай қилиб у, ўз муддаоларини барбод этиб, мақтамоқчи бўлган нарсасини қоралаб чиққан? Нима сабабдан бу китоб динга қарши айномага айланниб кетган? Ахир ёзувчининг ўзи ҳам Том тоға каби художўй эди-ку!

Буларга сабаб — ёзувчининг росттўйлиги, унда бўлган зўр реалистик талантдир. Бу талант ёзувчининг ҳамма фикри-зикри ва муддаоларидан зўр чиққан.

Амалда кўпинча шундай бўлади. Сохта идеялар гирдобига тушиб қолган ёзувчи, бу идеяларни ҳар доим ўз асарида мужассамлантиришга эриша олавермайди.

Агар у реалист ёзувчи бўлса, ўз фикр ва эътиқодларини тарғиб қилиш учун воқеликни ўзгартириб, бошқача қилиб кўрсата олмайди. Ёзувчи тасвирлаётган воқелик унинг эътиқод ва фикрларидан кучли бўлиб чиқади. Воқелик унинг қалами остидан шундай ёрқин ва ишончли бўлиб чиқадики, ёзувчининг ҳар қандай муддаолари тутиш каби тарқалиб кетади. Гоголининг асарларини эслайлик: Гоголь ўзини эски анъаналарнинг қўриқчиси деб ҳисобларди, аммо унинг реалистик истеъоди шундай кучли ва ҳаққоний эдик, унинг муддаоларига қарамай, бу истеъодод, ёзувчи ҳимоя қилмоқчи бўлган анъаналарни революцион йўл билан вайрон қилишга ёрдамлашиди.

Чин реализм, Энгельснинг айтишича: «Ҳатто ёзувчининг назарларига қара масадан ҳам майдонга чиқади», масалан, ёзувчининг меҳри ўлимга маҳкум этилган синиф томонида бўлиши мумкин. Буюк француз романчиси Бальзакда ҳам шундай ҳол мавжуд бўлган. Бальзак аристократик партияларга хайриҳоҳ бўлгани ҳолда, ўзининг гениал романларида, Энгельснинг таъбирича «ўзи-

унинг синифий дид-меҳрларига ва сиёсий урф-одатларига қарши юришга мажбур бўлган эди.¹ Реализм уни аристократларнинг ғоят расvosини чиқариб тасвирилашга, ўзининг энг ашаддий муҳолифларни эса мақтаб ёзишга мажбур қилди; бу — реализмнинг энг зўр ғалабаларидан бири эди.

Албатта, Бичер-Стоу Бальзак ҳам эмас, Гоголь ҳам эмас. Аммо унинг реалистик истеъоди у хизмат қилмоқчи бўлган идеяларга бутунлай қарама-қарши бўлиб чиқкан.

Масалан, революция унга мутлақо бегона эди. «Негрлар революция қилишлари мумкин» деган фикрнинг ўзи уни жуда чўчитарди. Лекин у, ботқоқли Қизил дарё этакларида қулларнинг жуда оғир ҳаётини китоб охирида тасвиirlар экан, ўзининг назарларига қарамай, китобхон: фақатгина қўзғолон бу бахтсиз кишиларни қутултириши мумкин, деган қатъий холосага олиб келади. Китобхон чин кўнгли билан: «Бу қўзғолон мумкин қадар тезроқ бўлса экан ва охиригача муваффақиятли чиқса экан», дейди. Ёзувчи тасвиirlаган оғир Қул турмуши уни шундай дейишга мажбур этади. Қуллар, ҳақоратдан бошқа ҳеч сўз эшитмайдилар, қамчидан бошқа нарсани кўрмайдилар. Улар инсонга хос заррача қувончдан ҳам маҳрумдирлар. Шунинг учун саҳоватпарвар Томпинг дуогўйликлари уларни халос этмайди, уларни фақатгина золимларга қарши ташкилий кураш қутқазади. Бичер-Стоу томонидан ғоят реалистик, ростгўйлик билан тасвиirlанган воқиаларнинг барчаси китобхонни ана шундай фикрга келтиради.

Рост, ёзувчи тез-тез сентименталлик ва йиглоқилик қиласди, бадий тасвиrot ўрнига диний ваъзхонлик билан шуғулланади. Бундай чоқларда ундан талант дарҳол йўқолади ва повесть саҳифаларидан ҳаётчанлик ва бадийлик ҳам учади.

¹ Маркс ва Энгельс адабиёт ҳақида, 1933 йил нашри, 168 бет.

Шуниси яхшики, бундай саҳифалар китобда жуда оз учрайди. Ёзувчидаги реализм бу масалада унга катта ёрдам кўрсатган.

Ёзувчининг тасвиричиллик кучи ҳам ғоят зўр. У тасвирилаган деярли ҳар бир тип бизнинг кўзимизга жонли киши бўлиб гавдаланади. Ҳатто китобда жуда оз кўрсатилган — ўзи арзимаган, аллақандай слифта, ялқов ва эси паст малай — Адольф ҳам шундай тўғри ва аниқ тасвириланганки, сиз уни «жуда кўп кўрганман» деб ўйлайсиз. Топси, Мэркс, ўз худбинлиги қурбони Мэри, мистер Шелби, Ева, Хлоя хола ва бошқа ўнлаб портретлар жуда моҳир устанинг чевар қўли билан чизилган.

Унинг баъзи таърифотлари жуда мураккаб ва нозик: улар қарама-қарши кўланкаларга жуда бой. Масалан, хушкўнгил Огюстен Сен-Клэрни эслайлик. Ёзувчи, унинг гўзаллиги, жуда ўткир ақли, беҳаёликкача бориб етувчи ҳазилкашлиги жуда-жуда нозик табиатлилигини кўриб суюнади, фахрланади.

Аммо, бу жонон кишини кўриб суюниш билан бирга. Бичер-Стоу унинг ўз ҳашаматли саройида бекорчилик, йиরтқиличик ва эксплуатация билан тўлган ҳаётини ҳам эсдан чиқармайди. Энг муҳими — ёзувчи, Огюстен ўз турмушининг бомазагарчиликдан иборат эканини қаттиқ азоб чекиб тушунганини, бу турмушни ўзгартиб, ўзини қўршаб олган муҳитга барҳам беришга қобилиятсиз бўлгани учун ўзига ўзи нафрат билан қарашини кўрсатади.

Повесть босилиб чиққач, жануб газеталари: «Бу китоб ёзувчининг жиловсиз фантазиясига асосланган ёлғон ва бўхтондан иборат», деб шовқин-сурон кўтардилар. Бу айблашларга жавобан Бичер-Стоу «Том тога кулбасининг калити» деган янги китоб ёэди ва бунда ҳақиқий турмушдан олинниб, ўнларча ишончли гувоҳлар томонидан тасдиқланган чин фактларни келтирди, бу билан «Том тоганинг кулбаси»да турмушда бўлган воқналар аниқ тасвириланганкини ҳужжатлар билан исбот этди.

Кам истеъдодли бошқа бир ёзувчи бўлганда, у, негрларни озод қилиш учун ташвиқот қиларкан, уларнинг ҳаммаси бениҳоя яхши ва бегуноҳ одамлар сифатида, ҳамма плантаторларни эса ёппасига ёвуз, қонхўр қилиб кўрсатарди. Бичер-Стоу бу масалада ҳам ўзининг реалистик табиатига содиқ бўлиб қолади, у негрлар орасида ҳам Сэмбо ва Квимбо каби баъзи бир сотқин, лаганбардор, ёмон кишиларнинг борлигини кўрсатади. Китоб — айрим кишиларга эмас, балки фалокатдан иборат бутун қуллик системасига зарба беради.

«Том тоганинг кулбаси» босилиб чиққандан кейин, Бичер-Стоу яна қирқ беш йил яшади ва кўпгина романлар ёзди. Буларнинг ичидаги яхшилари «Дрэд» (бу ҳам негрлар ҳаётидан олинган) ва Янги Англияning урф одатларини тасвир этувчи «Орр оролининг гавҳарлари» номли романлардир. Бичер-Стоунинг бу романлари, ўзларининг фазилатларига қарамай, унинг биринчи повести бўлмиш «Том тоганинг кулбаси» сингари жаҳон миқёсда шуҳрат қозонолмади ва Бичер-Стоу ўз ҳаётининг охириги кунигача миллионларча китобхонлар назарида ёлғиз биттагина повесть ёзган ёзувчи бўлиб қолди.

Бичер-Стоу, Массачусет штатида 1896 йилда, ўз невара-эваралари орасида, саксон олти ёшга кирганида вафот қилди.

1865 йилда негрлар «озод» қилинди. Бичер-Стоу ҳариган чоғида негрларни «озод» қилиш — улар кутган ҳақиқий озодликка муяссар этмаганингни тушундимишкан? Негрлар ерсиз «озод» қилиндилаар, шунинг учун улар «озод» этилганларидан кейин «эркин ёлланган» батраклар сифатида яна ўзларининг илгариги хўжайинлари асоратига тушиб қолдилар. Американинг жанубий штатларида яшайдиган негрлар ҳозирги вақтда қашшоқ, хўр, оч-яланғоч ҳаёт кечирадилар, чунки уларга тантанали равишда «озодлик» инъом қилган Америка бойлари

уларни яна аста-секин барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилдилар. Ҳозир, негр қиттак гуноҳ қилиб қўйса, уни «Линч суди» деб аталган жазога дучор қиладилар, яъни уни осиб, йиртқичларча кўзини қон босгани оломон ўртасида ёндирадилар. Негрлар қуллиги янги шаклда ҳозир ҳам давом этади. Негрлар янгидан узил-кесил озод бўлиш учун курашадилар. Том тоғанинг набиралари бувга чин революцион йўл билан эришажаклар.

(К. Чуковский ёзган сўз бошидан).



I БОБ

Бунда китобхон энг инсонпарвар шахс билан танишади

Изғирин февраль кунин кечқурун Кентуккининг П. шаҳрида икки жентльмен туппа-тузук жиҳозланган мөхмонахонада вино ичишиб ўтиришарди. Бўлмада хизматкорлар йўқ. Бу жентльменлар курсиларини яқин қўйиншиб, аллақандай бир нинди қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Уларнинг икковини ҳам ҳозир биз қулай бўлсин деган андиша билан жентльмен деб атадик. Синчилаб қаралса, улардан бирисининг бу номга асло муносиб эмаслиги яқъол билинади. У — қўпол ва беҳаё, пастак ва букри киши.

Үстидаги ҳаддан зиёд ярқироқ ва олифта либоси унинг афт-ангорига жуда мос: устида дидга ўтиrmай-

диган, ранго-ранг матодан тикилган нимча; бўйнида бачкаса сариқ ҳол тўла ҳаво ранг галстук чапанича боғланган. Унинг катта ва фўлабур қўлининг бармоқла-рида кўпгина узуклар ярқирайди; соатининг йўғон тилла занжирларига ранго-ранг мунчоқлар осилган; у қизгин ҳангама вақтида буларни завқ билан ўйнаб ўтиради. Сўзлаганда тил қоидаларига риоя қилмасдан гапиради; шунга кўра, биз ўз қиссамизни жонли ва ёрқинроқ қилишни истасак ҳам, унинг ҳар бир қулай пайтда ишлатаётган одобсиз, беъмани гапларини ёзиши маъқул топмадик.

Иккинчи суҳбатдош — мистар Шелби бўлиб, афти-ангоридан ҳақиқий жентльменнинг ўзгинаси. Уйининг жиҳозланиши унинг тўқ яшашидан, ҳатто бойлигидан дарак беради.

Юқорида айтганимиздек, улар иккиси гап билан овора.

— Бу ишни мен ана шундай қилиб тўғрилардим,— деди мистер Шелби.

— Йўқ, мен бу йўсинда савдо қилолмайман... мутлақо қилслмайман, мистер Шелби! — деди унинг суҳбатдоши, стаканин кўтариб ёруққа тутиб қааркан.

— Нима учун қилолмайсиз, Гэли? Ахир Том жуда ажойиб одам, уни бу пулга ҳамма ерда олишаверади. Инсофли, қобилиятли, ишончли. У менинг қўрамдаги ишларнинг барини жуда яхши идора қиляпти.

— Инсофли эмиш, негрнинг инсофлилиги қаергача борарди! — деб мийигида кулди Гэли, ўз стаканига ароқ қўйиб.

— Йўқ, у чиндан ҳам жуда инсофли, софдил, фаҳм-фаросатли ва тақводор одам... Унга мен ҳамма нарсани: пул, уй ва отларни ишониб топшириб қўйганиман, бутун мамлакатда эркин юришга ижозат берганман. У менга ҳамма нарсада ҳамиша содиқ, у жуда ростгўй...

— Негрларнинг ҳам тақводори бор эканлигига кўплар ишонмайди, лекин мен ишонаман,— деди Гэли ўз гапининг тўғрилигига самимий ишонганингни қўл қимирлатиш билан ифодалаб.— Шу йи. ёзда, Орлеанга олиб борган тўдамда ўшандака бир негр бор эди. Унинг ибодат қилганини кўрсангиз ҳайрон бўлардингиз! Жуда хушкўнгил, гап уқадиган... Уни жуда катта пулга сотиб юбордим. Ўзини эса, кимошиби савдосига арzonга со-

тиб олгандим... Ундан роппа-роса олти юз доллар фойда қилдим. Шунинг учун мен негринг художўйлигини жуда соз деб ҳисоблайман, агар унинг бу художўйлиги сохта бўлмай, чинакам художўйлик бўлса, албатта.

— Том каби ҳалол негрни топиш мумкин эмас,— деди унга жавобан мистер Шелби.— Утган йил кузакда мен унинг ёлгиз ўзини бир иш билан Цинцинатига юбордим. У, топширгимни бажариб, уйга беш юз доллар пул олиб келди. Жўнатаётганимда унга: «Том, сенга ишонаман; биламанки, мени алдаб кетмайсан», дедим. Том айтганимни қилиб, қайтиб келди. Унинг қайтиб келишини билардим. Унга кўп абраҳлар: Том, Канадага қочиб кетавермайсанми?— дейишган экан, у: «Хўжайин менга ишонади, уни алдамайман», деб жавоб қайтарибди. Менга ундан ажралиш оғир. Агар сизда қатрача инсоф қолган бўлса, Гэли, сиз Томни ҳамма қарзим бараварига олишингиз керак.

— Савдогар одамга қанча инсоф керак бўлса, ўшашча инсофим борку-я,— деб кулимсиради Гэли,— албатта, дўстларимни хурсанд қилиш учун айтганимдан унча-мунча қайтишим мумкин, аммо сиз мендан ҳаддан зиёдини талаб қиляпсиз.

Савдогар ташвишланиб уф тортди ва стаканига пи-ча ароқ қўйди.

— Ҳўп, Гэли, айтинг-чи, шартларингиз қандай,— деб сўради мистер Шелби, бир неча минут сукунатдан кейин.

— Томнинг ёнига қўшиб берадиган ўғил ёки қиз болангиз йўқми?

— Ҳм! Мен ҳеч кимдан ажралолмайман. Ростини айтсан, мен хизматкорларимни ноиложлиқдан сотяпман. Улардан ажралишни ёмон кўраман!

Шу чоғ 9шик очилиб, ёши тўрт яримларда бўлган бир кичкина квартерон¹ бўлмага кириб келди. У, жуда чиройли ва жозибадор эди. Унинг чуқурчоқли юмалоқ юзи атрофида илакдек майин, қоп-қора қўнғир соchlари ярқираб, жамалак бўлиб, узун киприклари остидан жозибали, майин, жавадироқ қора кўзлари чақнаб туарди. Бола бўлманинг ҳар томонини қизиқиб кўздан ке-

¹ Квартерон — бир озгина негр қони қушнилган одам.



чирди. Катак-катақ қизғиш-сариқ, матсдан яхши тикилган бежирим костюм унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Унинг афти-ангоридан ўзига жуда ишонганик сезилар, бу эса бола хўжайиннинг эркаси эканлигини кўрсатарди.

— Ҳа, бўталоғим, Жим! — деди мистер Шелби, кейин у ҳуштак чалиб, бир шингил узум ташлади.— Ма, илиб ол!

Бола эпчилик билан сакраб, узумни илиб олди. Хўжайн кулиб юборди.

— Бу ёққа кел, Жим, қарогим,— деди у.

Бола келди. Хўжайн унинг қўнғир сочли бошини силаб, бағбақасига уриб қўйди.

— Қани, Жим, мана бу жентльменга ашулангдан айтиб, ўйинларингни кўрсат-чи.

Бола кучли ва соғ овоз билан ажойиб бир негрча қўшиқни айтабошлади; қўшиқ айтаркан, қўл, оёқ ва бутун гавдасини қизиқ қилиб қимирлатарди. Ў, оҳанг—ритмни бузмасдан, жуда яхши айтатётгани сезилиб турарди.

— Яша! — деб Гэли болага чоракта апельсин ташлади.

— Энди, Жим, Куджо амакинг бод касали қўзғаб қолганда қандай юради, қилиб кўрсат.— деди хўжанин.

Боланинг қайишқоқ гавдачаси бир лаҳзада буқчайди; у муккайди-да, хўжайниннинг ҳассасига суюниб олиб, бўлмада оқсоқлаб юра бошлади. Бола, азоб чеккандек юзини тириштириди-да, чолга тақлид қилиб ҳар томонга тупураверди.

Иккала сухбатдош қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

— Балли! Балли! Отангга раҳмат! — деди Гэли.— Бола жойида, азбаройи худо, боладан одам чиқади. Сизга айтсан,— деди у туйқусдан, мистер Шелбининг елкасига уриб:— Болани қўшиб беринг-у, шу билан иковимиз ора очиқ бўла қолайлик. Айтинг-чи, бу инсофдан эмасми?

Эшик оҳиста очилиб, бўлмага йигирма беш яшар квартирронка кирди.

Кирган аёл бу боланинг онаси эканлигини биринчи кўришдаёқ билиш мумкин эди. Худди боланини сингари, унинг ҳам қора кўзлафи катта ва жозибали, қўнгир қора соchlари ипакдек майин эди. У, тортина масдан, завқланиб қараб турган бегона кишини кўргач, дарров қизариб кетди. Устига кийган либоси унинг қаддикомати келишганлигини яна бўртдириб турарди. Сотиладиган одамларга бир кўз ташлаши биланоқ, баҳо беришга одатланган одамфуруш унинг нозик қўллари ва келишган оёқларига ҳам диққат билан қарди.

— Нима дейсан, Элизаде? — деб сўради хўжайини, аёл унга қарашибга ботинмай тўхтаб қолганини кўргач.

— Кечирасиз, сэр, мен Гарри шу ердамикин деб қарагани киргандим.

Бола унга ташланиб, кўйлагининг этагига яшириб олган апельсинни кўрсатди.

— Ол бўлмаса, уни бу ердан олиб кета қол! — деди мистер Шелби.

Ёш аёл боласини қўлига олиб, шошилганича бўлмадан чиқиб кетди.

— Падар қусур-эй! Мол, ана бу! — деди савдогар завқланиб. — Янги Орлеанда унинг учун жуда катта пул берадилар. Бундан ёмон қизларга ҳам минг-минг лаб тўлашганини кўрганман.

— Уни сотиб давлат орттириши истамайман, — деб совуққина жавоб қайтарди мистер Шелби.

Суҳбатни ўзгартириш мақсадида у янги бир шишани очди ва суҳбатдошидан: «Қалай, вино маъқулми?» — деб сўради.

— Жуда ўткир экан, сэр! Биринчи нав экан! — деди савдогар ва мистер Шелбининг елкасига такаллуфсизлик билан уриб сўради: — Хўш, ўз нархингизни айтингчи. Бу хотин учун қанча сўрайсиз?

— Мистер Гэли, у сотилмайди, — деди Шелби. — Бу квартиронканинг бўйи баравар олтин берганингизда ҳам хотиним ундан асло ажралмайди.

— Бе! Хотинларнинг бундай дейишларининг сабаби шуки, улар пул санашни билмайдилар. Лекин, агар бу тиллаларга нечта соат, қанча туюқуш пати-ю, қанча

ўйинчоқ-мунчоқ олиш мумкин эканлигини айтсангиз, дарров кўнадилар.

— Сизга қайтариб айтаманки, Гэли, бу тўғрида гапириб овора бўлманг. Йўқ дедим, йўқ, вассалом,— деди Шелби чўрт кесиб.

— Бўбди, ундан бўлса болани бера қолинг,— деди савдогар.— Иккор бўлишингиз керак, сиздан жуда оз оляпман.

— Бу гўдак сизга нима учун керак бўлиши мумкин, айтинг-чи?— деб сўради мистер Шелби.

— Биласизми, менинг битта оғайним бор, унинг касби шунаقا: чиройли ўғил болаларни сотиб олади-да, боқади, кейин катта ҳилиб сотади. Булар оддий мол эмас, бошқача мол. Бундай чиройли болаларни бойлар яхши пул тўлаб малайликка оладилар. Бадавлат кишилар, кўчадан келганда эшикни чиройли болалар очишини ва дастурхон ёнида шуларнинг хизмат қилишини севадилар. Бундай болалар савдоси катта даромад келтиради. Энди бу кичкингай шайтонга келганимизда, у шундай қизиқки... Музикага ҳам қобилияти бор экан... Худди бизга зарур молнинг ўзгинаси-да.

— Сотгани кўнглим йўқ,— хаёл сурнаб деди мистер Шелби.— Биласизми, сэр, мен инсонпарвар одамман, онани боласидан ажратишни жуда ёмон кўраман.

— Рости билан-а?.. Хайр, нима дердик, бу табиий ҳол. Бу ерда хотинлар билан иш қилишга тўғри келганини яхши тушунияпман. Бу эса унчаям ёқимли ишлардан эмас. Мен ўзим ҳам хотинларнинг чийиллаб додлашини жон-жаҳдим билан ёмон кўраман... Аммо менинг ўз ишим шундай яхши йўлга қўйилганки, хотинлар бунга тумшуқларини суқа олмайдилар, сэр. Онасини бир-икки кунга бирор ёқса жўнатсангиз нима бўлади! Шундай қилганингизда биз бу ишни шовқин-суронсиз битказиб олардик. Ўйга қайтганида ҳамма иш битган бўларди. Хотинингиз унга исирғами, янги усти-бошми ёки шунга ўхшаш бирор нарса совға қилса, дарров юпанади.

— Бундан ҳеч нарса чиқмайди, деб қўрқаман-да!

— Асло қўрқманг! Бу махлуқлар оқларга ўхшаган эмас: тезда кўнишиб қолишаверади. Фақат ишга астойдил киришиш керак. Одамфурушлик,— деди Гэли, ўзини жуда кўнгли очиқ қилиб кўрсатгандек бўлиб,— бизни

тошюрак қилиб қўярмиш. Менингча, бу гап нотўғри. Росстини айтсам, мен бу ишда одамфурушларнинг кўпига қараганла анча мулойим кўнгилман. Қайбер савдогарлар бўладики, болани сатаётганда, унинг онаси нинг қўлидан шартта юлиб олишади, онаси эса бу вақт жинидек дод-вой сола бошлайди... Бу жуда ёмои усул... У молни бузади ва оналарини яна ишга ярамайдиган қилиб қўяди. Мен Орлеанда жуда чиройли бир хотинни билардим... Бу хотин мана шундай муомала натижасида ўлди. Уни сотиб олган кишига боласи керакмас экан. Хотин эса ғашини келтиришганда қутуриб кетарди. Биласизми, у, боласини маҳкам бағрига босиб, тўхтовсиз гапирадиган бўлиб қолди. Унга қараб қўрқардингиз. Эсимга тушса, ҳозир ҳам этларим увишиб кетади. Уни уйга қамаб, боласини олиб кетганиларидан кейин, жинни бўлиб қолди ва бир неча кундан кейин ўлди. Нуқул зиён, сэр, бир минг доллар зиён! Бунинг ҳаммасиги сабаб шуки, бундай ишларни бартараф қилиш йўлини билмайдилар. Ҳа, сэр, инсончасига иш тутсангиз доим фойда қиласиз, буни мен тажрибадан биламан.

Сўқбат мавзуи Гэлинни жуда ҳам қизиқтирганлиги кўришиб туради, чунки мистер Шелби, хаёл сурганча, апельсин тозаларкан, Гэли, гўё ҳақиқий ҳолни охиригача изҳор этиш тилаги билан тўлиб-тошгандек шу мавзуда яна гапира бошлади.

— Албатта, одам ўзини ўзи мақташи яхши эмас, лекин бундай дейишимига сабаб шуки, бу ҳақ гап. Менинг бозорга чиқарадиган негрларим энг яхши мол ҳисобла нади. Буни менинг ўзимга минг марта айтишган. Мен шу нарсани ўзимга қонда қилиб қўйганман: негрларим хушчақчақ, семиз ва соғ бўлсинлар. Бошқаларнидан кўра, менда негр оз ўлади. Бунинг сабаби шуки, сэр, мен улар билан муомала қилишин биламан... Шуни айтишим керакки, инсонпарварлик — менинг негрлар билан қила-диган муомаламнинг негизи бўлади.

Мистер Шелби нима жавоб беринини билмасдан:

— Рости билан-а? — деб сўради.

— Ҳа, менинг принципларим бор, сэр. Одамлар бу принципларимни масхара қилиб, менга: «Принципларнинг йиғиштириб қўй», деб неча мартадан айтишган. Бундай принциплар жуда камдан-кам учрайди деяверинг; булар туфайли ўзимга анча душман орттириб олганман, лекин бу принципларга доим қаттиқ риоя

қилиб келдим... Бунинг соясида анчагина пул ҳам ишлаб олдим... Ҳа, сэр, бу принциплар менга хиёлгина даромад берди, десам бўлади.

Савдогар, шу сўзларни айтиб бўлгач, ўз ҳазилидан хурсанд бўлиб, кулиб юборди. Инсонпараарликни бу хилда мақташ шу қадар эриш кўринардики, мистер Шелби ҳам кулиб юборди.

Мистер Шелбининг кулиши савдогарни тетиклантири ва у давом этди:

— Қизиқ иш! Буни мен одамларнинг миясига ҳеч сингдиролмадим. Натчезда Том Локер деган эски шернгам бор эди. Ақли жойида эди-ю, лекин негрлар билан муомалада итдай қутуриб кетарди. Узи жуда хушкўнгилли одам бўлгани ҳолда, принцип жиҳатидан негрларни урадди. Унинг тутган системаси шунақа эди, сэр. Мен унга ҳамиша: «Хой Том, нега сен негр аёлларнинг босиға чертасан? Нега улар додлай бошлаганда урасан? Бу ишларнинг ярамайди, зиёни ҳам катта. Ингласа-инглайверсин, менингча, бундан ҳеч зарар йўқ. Агар улар тўйиб йиглаб олмаса, қайғуси кўкрагига тўпланиб қолиб, кейин бошқа бир нарсада ўзини кўрсатади. Билиб қўй, Том, бу ишнинг молни бузади. Сенинг қизларнинг касал, эси паст, баъзилари эса, айниқса ёшлари майиб бўлиб қолади... Буларни тузатиш учун қанча куч керак бўлишини биласанми? Нима учун улар билан яхшироқ муомала қилмайсан? Чертиш ва дўйпослаш билан мақсадга етиш қийин, Том. Инсонларча муомала қилсанг, тезроқ муродга эришасан», дердим. Лекин Том бу ҳақ гапни тушунолмади ва менинг шунча молимни ишдан чиқардики, унинг жуда софқўнгил ва жуда коранда бўлишига қарамай, у билан алоқани узишига мажбур бўлдим.

— Сиз ўз системангизни уларнидан яхши деб ўйлайсизми? — деб сўради мистер Шелби.

— Албатта, сэр, бу ҳақда ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Мен мумкин қадар кўнгилсиз воқиналардан ўзимни нари олиб қочаман. Кичкина болаларни сотадиган куним оналарини бирор ёқса жўнатиб, кўздан гойиб қиласман. Кўздан гойиб бўлдими — шовқин-сурон ҳам бўлмайди. Иш абжирлик билан, силлиққина бажарилгандан кейин, оналари ўз қисматларига ишлож кўнишиб қолишади. Булар — «Хотин ва бола-чақаларингдан ажралмасдан яаш керак» деб таълим оладиган оқлар

эмас-ку, ахир. Кўнгилдагидек тарбияланган негрларнинг хаёлига бу каби нарсалар келмайди ҳам. Шунинг учун, уларда бунақа можаролар анча осонлик билан ўтиб кетаверади.

— Менинг негрларим кўнгилдагидек тарбияланманга бўлсалар керак, деб қўрқаман,— деди мистер Шелби.

— Эҳтимол, Сиз, кентуккилар, ўз негрларингизни бузиб қўясизлар. Уларга яхшилик қилмоқчи бўласизлар-у, аммо мен бунда чинакам яхшиликни кўрмаяпман. Биласизми, негр дунёда сотилиш учун яратилган: у гоҳ Том, гоҳ Дик, гоҳ яна бошқа бирвларга ўтиб, қўлма-қўл юриши керак. Унинг кўнглида ҳар қандай умидлар туғдириб, ҳаддан зиёд инсонпарварлик билан тарбиялаш — яхшилик қилиш эмас, чунки кейин унинг бошига тушадиган ҳамма кулфатлар унга янада оғирроқ кўриниб қолади. Мен ўйлайманки, бошқа плантацияларнинг негрлари қаҳ-қаҳлашиб қўшиқ айтадиган жойларда, сизнинг негрларингиз йиғлашарди. Албатта, мистер Шелби, ҳар ким ўз тутган ишини бошқаларнидан яхши деб ўйлади. Шунинг учун, менимча, негрлар қандай муомалага лойиқ бўлсалар, улар билан шундай муомала қилаётган бўлсам керак.

— Ўзидан хурсанд одамни бахтли одам дейиш керак,— деди мистер Шелби, елкасини оз-моз учирив, сезилар-сезилмас жирканиш билан. Иккала сұхбатдош ёнғоқ чақишаркан бирмунча вақт индамай ўтириши.

— Хўш, пировардида қандай қарорга келдингиз?— деб сўради Гэли.

— Пича ўйлаб, хотиним билан кенгашиб кўраман,— деб жавоб берди мистер Шелби,— лекин, Гэли, ортиқча шовқин бўлишини истамасангиз, қўчи-қўшнига айта кўрманг. Агар сотиш ҳақидаги овозаларни одамларим эшитиб қолишиса, кейин биронта негрни ҳам жўнгина сотиб бўлмайди. Уларнинг феълини биламан.

— Хотиржам бўлинг! Менинг оғзим маҳкам. Лекин сизга айтсан, ишим жуда зарур ва ошиғич, шунинг учун, қарорингиз қандай бўлишини мумкни қадар тезроқ эшитишни истардим.

Гэли ўринидан туриб, пальтосини кийди.

— Бугун кечқурун соат олти билан еттининг орасида киринг, жавобини оласиз,— деди мистер Шелби.

Савдогар таъзим қилиб, бўлмадан чиқди.

«Уни зинадан ташлаб юбориш қўлимдан келганда эди,— деди мистер Шелби, меҳмон чиқиб эшик ёпилгач.— Шундақа ҳам ўзидан мамнун сурбет бўладими! Аммо, у билади — мен унинг қўлидаман. Агар бурун менга бирор: «Сен Томни Жанубга, мана шу каби аглаҳларнинг бирига сотасан», деб қолса борми, дангал: «Менинг қулим ит эмас!»— деб жавоб берардим. Энди бундан қутулишнинг иложи йўқ. Элизанинг боласи-чи? Биламанки, унинг туфайли хотиним билан иккаламиз ўртамиизда ҳам катта можаро бўлади... Том туфайлиям. Ҳаммаси қарзнинг касофати! Батамом унинг қўлида эканлигимни билади-да, аглаҳ, мумкин бўлган нарсани қўймай мендан суғуриб олади».

Мистер Шелби ёмон одам эмас: мулойим, хушкўнгил, атрофдагиларга раҳмдил киши эди. У, ўз мулкидаги негрларнинг аҳволини яхшилаш учун ҳеч нарсани аямасди. Лекин у катта спекуляцияга киришиб кетди; бу эса зиёнли бўлиб чиқди. У, қарзга ботиб қолиб, унинг векселлари Гэлининг кўлига тушди.

Ўчакишгандек, Элиза эшик ёнига келиб, бўлма ичидан бўлаётган сўзларни эшитди ва тушундикни, савдогар мистер Шелбига қандайдир бир негрни сотишни таклиф қиляпти.

У, эшик ёнида гуриб, яна қулоқ соларди-ю, лекин шу чоғ бека чақириб қолганидан, унинг ёнига кетди.

Бироқ унга, савдогар унинг боласини сотиш ҳақида гапиргандек туюлди. Балки янгишгандир? Юраги урмай қолди: у, нима қилишини билмай, боласини кўксига қатниқ босди, бола унга ҳайрон бўлиб қаради.

Бошидан ҳуши учган Элиза суви тўла кўзани йиқитиб юборди, иш столчасини ағдарди ва, ниҳоят, шкафдан шойи кўйлакни олиб келиш ўринига, бекасига тунги узун кўйлакни узатди, шунда бека ундан:

— Элиза, азизим, бугун сенга нима бўлди? — деб сўради.

Элиза чўчиб тушди.

— Э, хоним! — деди Элиза бошини кўтариб; кейин кўзидан ёш қуйилди-да, курсига ўтириб йиғлай бошлади.

— Элиза, болагинам, нима гап ўзи? — деб сўради бека.

— Э, хоним, хоним! — деди Элиза.— Ошхонада хўжайин билан қулфуруш гаплашяпти. Мен уларнинг гапини эшитдим.

— Ҳа, хўп, галиришса гапиришибди, лекин уларнинг ганидан сенга нима зиёни, тентак?

— Э, хоним, қандай деб ўйлайсиз: наҳотки, хўжайин менинг Гаррийимни сотишга рози бўлса!

Бечора аёл курсига ташланди ва титраб ҳўнграй бошлади.

— Гаррини сотади дейсанми? Жинни бўлдингми? Сен биласан-ку, хўжайини бу жанубий қулфурушлар билан ҳеч олди-сотди қилмайди, у ўзларини яхши олиб юрган хизматкорларнини сотмайди ҳам. Ақдинг йўқ, боласан, сенинг Гаррийингни ким сотиб оларди? У сенга қандай ширин бўлса, бошқаларга ҳам шунаقا кўринади, деб ўйлайсанми? Қўй, йиглама, кўйлагимнинг тугмасини сол, сочимни ўриб, чиройли причёска қилиб қўй — яқинда ўргатишган причёска эсингда турибдими? Ушанақа қил... Эшик тагига бориб бирорнинг гапига ҳеч қулоқ солма.

— Лекин хоним, сиз, Гаррининг сотилишига... Йўл қўймасангиз керак, дейман-а...

— Йўқ, йўқ... Беҳуда гап! Нега бу тўғрида гапирансан? Унинг ўрнига ўз боламнинг бирортасини сотишга рози бўламан. Уз ўғилчангни ҳаддан ташқари яхши кўрасан дейман, Элиза? Эшикда бирор кўринниши билан, сен дарров: «Менинг ўғлимни олгани келибди», деб ўйлайсан.

Беканинг ўзинга ишониб сўзлашидан кўнгли тинчиган Элиза, унга кийинишга тез ва эпчилик билан кўмаклашаркан, у билан бирғалашиб ўзининг қўрқувидан кулади.

Шелбихоним эрининг пул қийинчилкларидан хабарсиз эди; шунинг учун, унинг саховатпарварлигини билганидан, Элизанинг гумонига дарвоҷе ишонмасди. Кечқурун меҳмонга бориш керак эди; шунинг тарафдуди билан банд бўлиб, тезда буни мутлақо эсидан чиқарди

II БОБ

Она

Элизани ёшлигидан беканинг ўзи тарбиялади. У, Элизани севар ва эркаларди.

Жанубий штатларни кезган сайёҳлар шу парсани аллақачон пайқаган бўлсалар керак: квартиронка ва му-

латкаларда ўзларига хос туғма нозиклик, овоз ва хулқ-ларида табиий мұлойиммек бўлади. Квартеронкаларнинг қадди-қоматлари келишган бўлиши билан, кўпинча, жуда чиройли ва жозибали ҳам бўладилар.

Элиза — хаёлий тасаввур самараси бўлмай, балки ёзувчининг ўзи уни бир вақтлар Кентуккита кўрган ва унинг расмини эсида қолганча чизган.

Унинг эри — чиройли, истеъдодли қул — мулат Жорж Гаррис қўшни қўрғончада яшарди.

Жоржнинг хўжайини уни қоп-қанор фабрикасига берди. Жорж эпчиллиги ва ихтирочилиги соясидаги фабрикада биринчи ўрин олди. У, каноп тозалайдиган машина ихтиро этди; унинг жуда оз билим эгаси эканлигини назарга олганда, унинг механика соҳасидаги ҳақиқатан ҳам бир гений эканлигини эътироф қилмасдан бўлмайди.

Чиройли ва хушфөйл Жоржни фабрикада ҳамма севарди. Лекин қонун унга — инсон эмас, балки буюм деб қараганидан, унинг барча фазилатлари беҳаёс, тентак бир золимнинг ихтиёрига топширилган эди. Бу хўжайин, Жоржнинг ихтиро этган машинасини ҳамма мақтаётгапини эшишиб, ўзига қарашли бу жонли буюмининг ини қилганини кўриш учун фабрикага келди.

Фабрика эгаси Жоржнинг хўжайинини шодиёна кутуб олиб, бундай қиммат баҳо қули борлигя учун табриклиди.

Жорж хўжайинини фабрикага олиб кириб, ўзи ихтиро этган машинани кўрсатди. Жорж ҳаяжонланиб, жуда чечан сўзлар, ўзини эркин тутар, шундай мардонавор ва гўзал кўринардики, хўжайин унинг ўзидан афзаллигини пайқаб кайфи қочди. Нима учун унинг қули мамлакатда томоша қилиб юриш ҳуқуқидан фойдаланаркан? Нима учун машиналар ихтиро қиларкан? Жентльменлар билан ўзини тенгдек тутаркан? Бунга чек қўйиш керак. Хўжайин: «Уни уйга олиб бораман-у, ер қазишга мажбур этаман; ана ундан кейин кўрамиз — фурурлигидан нима қолганини!»— деган қарорга келди. Хўжайин тўсатдан Жоржнинг маошини талаб қилиб, уни ҳозирнинг ўзидаёқ уйга олиб кетмоқчи эканлигини билдириди. Буни эшиктган фабрика эгаси ва ҳамма ишчилар шу даражада таажжубландиларки, уни тасвиirlаш ҳам қийин.

— Мистер Гаррис,— деди фабрика эгаси,— қароригизда андаккина мулоҳазасизлик йўқми?

— Бўлганда нима эди? Ё бўлмаса, бу одам менинг мулким эмасми?

— Ойлигини ҳам дарҳол оширадик, сэр.

— Гал унда эмас, сэр. Ишчи кучини ҳушимга келса ёллангани бераман, ҳушимга келмаса бермайман. Бунга ҳастиёжим йўқ.

— Лекин, сэр, бу ишда у зўр қобилият кўрсатган эди...

— Кўрсатса кўрсатгандир. Аммо менинг уйимдаги ишларда заррача қобилият кўрсатган эмас. Яна шуни айтишим керакки...

— Унинг қандай машина ихтиро қилганини ҳам ўйлаб кўринг!— деди гап келган бир пайтда ишчилардан бири.

— Э-ҳа! Қулларни меҳнатдан ҳалос қиласданган машинаси-а? Худди шунақа машина ихтиро қилишини олдиндан билгандим. Негр фақатгина мана шуадай машинани ўйлаб топади-да! Холбуки, мегрларнинг ўзлари машина! Гап битта, у мен билан кетади.

Жорж хўжайинининг ўтакетган ўжарлигини биларди; шуадай бўлишига қарамай, хўжайнининг ўзи ҳақидаги ҳукмини эшишиб, қотиб қолди. У, қўлларини қовуштириди; кўксинда аччиқ туғуулар ёнганидан, лабларини маҳкам қисиб олди; каттакон қора кўзлари чўғлек яшнади. У тез-тез нафас ола бошлади. Қаҳр-ғазаби ошибб-тошиб кетган Жоржнинг бирон бемаъни иш қилиб қўйишига сал қолган эди, ҳайрнятки, шу чоғ хушкўнгил фабрика эгаси, унинг қўлидан ушлаб:

— Начора, Жорж, кўна қол. Хўжайнининг билан боравер. Биз сенга ёрдам беришга ҳаракат қиласмиш,— деди.

Золим хўжайнин бу шивир-шивирни эшилди; у, нима дейилганини аниқ билмаса ҳам; тахминий мазмунини фаҳмлади. Бу ҳол, ўз қулини қўлдан асло чиқармаслик ҳақидаги фикрини янаям мустаҳкамлади.

Жорж хўжайнининкига қайтариб келтирилгандан кейин энг оғир ишга қўйилди. У норозилигини босишга мажбур бўлди ва индамай юраверди. Аммо чақнаб турган кўзлари ва тиришган пешонаси, одамни буюм қилиш асло мумкин эмаслигини яққол айтиб туарди.

Жорж фабрикада ишлаб юрган яхши кунларида Элизавага ўйланганди. У вақтда, фабрика эгасининг хушкўнгиллиги туфайли, Жорж ўз билганича иш тута оларди.

Никоҳ, хоним Шелбининг розилиги билан бўлди: у ўзининг чиройли эркасини ҳар жиҳатдан муносиб бўлган

кишига беришга хурсанд эди. Никоҳ маросими Шелбихоним уйидаги катта залда ўтказилди; қаллиқнинг гўзал сочларини беканинг ўзи гуллар билан безади, сўнгра унинг бошига никоҳ рўмолини ёпинтирди. Бу рўмол



Элизанинг бошидай гўзал бошини биринчи марта безаши бўлса керак. Ҳамма оқ қўлқоп кийган; пирог билан вино сероб. Меҳмонлар қаллиқнинг гўзаллигидан ва беканинг хушкўнгиллиги ва сахиyllигидан завқланардилар. Биринки йил Элиза эри билан тез-тез кўришиб турди, улар-

нинг бахти турмушларига ҳеч нарса халал бермади. Элизанинг бу даврда биргина қайғуси бўлиб, бу қайғу — жонидан ҳам яхши кўрган икки боласининг вафоти эди. У, болаларининг ўлими учун жуда қаттиқ мусибат тортди, бека эса оналардай ғамхўрлик қилиб, шириңсўзлик билан уни юпатар ва жўшқин феълли Элизани ақл-идрок йўлига солиб юбориш учун ҳаракат қиласарди.

Жажжигина Гарри туғилгандан кейин Элиза астасекин овунди. У, эри Жорж фабрикада тўсатдан ишдан олиниб, қонуний эгасининг жабр-зулми остида қолиб кетгунигача ўзини тўла бахтиёр ҳис этди.

Ўз сўзиага содиқ фабрикант Жорж кетгандан икки ҳафта ўтгандан кейин: «Мистер Гарриснинг аччиғи бо- силгандир энди», деган умид билан унинг олдига келди ва ҳар хил баҳоналар билан уни — Жоржни фабрикага юборишга кўндиromoқчи бўлди.

— Бундай гаплар билан беҳуда овора бўлманг,— деди хўжайин қатъий суратда.— Нима қилишим кераклиги ни яхши биламан, сэр.

— Сизнинг ишинингизга аралашиб ҳаддим йўқ, сэр. Аммо, мен ўйловдимки, биз таклиф қилаётган шартларни қабул қилиб, уни бизга берсангиз, сиз учун фойдали бўлар эди.

— Эй, гапнинг таги қаерда эканлигини яхши биламан! Сизнинг Жорж билан пичирлашганингизни кўрганман! Мени қўлга тушуролмайсиз! Биз озод мамлакатда яшаймиз, сэр! Бу одам менини, уни нима қилсан ўз ихтиёrim.

Жоржнинг сўнгти умиди ҳам чиппакка чиқди. Демак, унинг келгусидаги ҳаёти захмат ва кулфатларга тўла бўлади, бераҳм, золим хўжайнининг бачканага қилиқлари ва жабр-зулмлари унинг ҳаётини бурунгидан бадтар оғирлаштиради.

III БОБ

Эр ва ота

Шелбихоним меҳмонга кетди. Элиза эса айвонда туриб, йироқлашиб бораётган файтон орқасидан маъюс қараб қолди. Шу чоғ, тўсатдан елкасига бироннинг қўли текканини сезди. Элиза ўгирилиб қаради ва чиройли шаҳло кўзларida табассум ёйилди.

— Сенмисан, Жорж! Жуда кўрқнтиб юбординг! Келғанинг учун жуда хурсандман! Бека меҳмонга кетди, кеч қайтади. Юр бўлмамга.

Шу сўзлар билан у, эрини айвон олдидаги шинам уйчасига олиб кирди. Бу ерда у, одатда чок тикиб ўтирас ва бекасига яқин бўлганидан, чақирган замон унинг олдига келарди.

— Мен жуда бахтиёрман!.. Нега қовоғинг солиқ?.. Гаррига қара, катта йигит бўлиб қолди!

Бола онасининг дазмолланган бурма кўйлагидан ушлаб, кўзига тушиб турган кокили остидан отасига кўрқиб-писиб боқарди.

— Бунинг яхшилигини кўр!— деди Элиза, боланинг узун кокилини кўзи устидан олиб, уни ўпаркан.

— Дунёга келмагани яхшироқ эди!— деди Жорж қайғуриб.—Менинг ўзим ҳам туғилмаганим яхшироқ эди!

Бу сўзлардан чўчиган ва таажжубланган Элиза курсига ўтириб қолди. Кейин бошини эрининг елкасига қўйиб, йиглай бошлади.

— Менга шуниси оғиркى, сени ҳам азоб чекишга мажбур қиляпман,— деди Жорж майнингина,— нега бир-бири миз билан учрашдик? Мен бўлмасам, сен бахтиёр бўлардинг.

— Жорж, Жорж, бундай сўзларни айтгани қанлай қилиб тилинг боради! Бошингга бирон кулфат тушиб қолдими? Мен шу чоққача ўзимизни жуда бахтиёрмиз, деб юрадим.

— Тўғри, бахтиёр эдик, азизим!— деди Жорж.

У, ўғилласини тиззасига ўтқазди-да, гўзал қора кўзларига тикилиб, узун қокилларини тарай бошлади.

— Ҳудди ўзинг-а, Элиза! Мен сендай чиройли ва яхши одамни ҳеч бир кўрган эмасман. Шундай бўлса ҳам, сен билан учрашмасам яхшироқ бўларди!

— Ҳой, Жорж, нима деяпсан?

— Шундай, Элиза келгусимиз қайғу, алам, ҳасратдан иборат. Менинг турмушим қалампирдек аччиқ! Мендаги ҳаётга бўлган ҳавас ва иштиёқ битди. Мен юқ ташийдиган бечора ва шўрлик бир маҳлуқман. Менинг касофатимга учраб сен ҳам бахтсиз бўласан. Мен сени ҳам жарга судраяпман. Бирор иш қилиш учун, бирор нарсани ўрганиш ва бирор нарсага эрнинш учун ҳаракат қилишнинг нима кераги бор? Яшаб нима қиласман? Оҳ, ўлиб қўя қолсам дейман?

— Бундай ёмон гапларни сўзлагани уялмайсанми, азизим Жорж? Фабрикалаги жойингдан маҳрум қилинг учун қаттиқ азоб чекаётганингни ҳам, хўжайнингни бераҳмлигини ҳам биламан. Аммо ёлвориб сўрайман: сабр қил. Эҳтимол...

— Сабр қил эмиш? — деди у, Элизанинг сўзини бўлиб. — Мен сабр қилмаяпманми? Ҳамма мен билан жуда хушмуомалада бўлган фабрикага хўжайним келиб, ҳеч қандай важсиз, тўсатдан у ердан олиб кетганда, мен бир сўз айтдимми? Маошимни тийинингача унга бериб келдим; фабрикада ишимга ҳамма қойил эди.

— Рост, бу жуда ёмон-ку-я, — деди Элиза. — Лекин начора, у сенинг хўжайнинг.

— Хўжайнинг эмиш! Уни ким менга хўжайнин қилибди? Мен ҳам ўшанга ўшаган одамман. Ҳатто ундан яхшироқман: ҳар қандай ишни ундан яхшироқ тушуман ва уддалайман, мен ундан яхшироқ хўжайниман, ундан кўра яхшироқ ўқис. ёза оламан. Буларнинг ҳаммасини ўзим ўрганганиман, менинг ундан қарзим йўқ. Аксинча, у менинг ўқишимга халал беряпти. Бас, шундай экан, унинг мени отдай ишлатишга нима ҳақи бор? Мени яхши билган ишимдан ажратиб, ҳар бир от ҳам қиласверадиган ишни бериш инсофданми? У мени расво қилиш учун жўрттага энг ифлос ва оғир ишга юборади. Менга: «Сени оёқсти қиласман, хўрлайман», дейди.

— Ҳой Жорж, Жорж, қўрқаман! Сен ҳеч вақт бундака гапирмасдинг. Бирор ёмон иш қилиб қўясан, деб қўрқяпман. Биласман — сенга осон эмас, лекин оғир бўл, азбаройи мен ва ўғилчанг ҳақи ўзингни тут!

— Оғирлик қилдим, чидадим, лекин кун сайин бадтарроқ бўляпти. Энди менинг таиам бундай азобларга бардош беролмайди. Хўжайнин мени унар-унмасга ҳадеб ҳақорат қилгани ҳаракат қилади. Ишни тез ва яхшилаб бажарсам, ўқишим учун бўш вақт қолади, деб ўйлагандим. Аммо қанча кўп ишласам, у устимга шунча кўп иш юклайди. У менга: «Сен жимгина юрсанг ҳам ичингда шайтон бор, мен ўша шайтонни ичингдан ҳайдаб чиқараман!» — дейди. Улай агар бир кунмас-бир кун ўша шайтон озодликка чиқиб, бу золимнинг танбиҳини бермас!

— Ҳай азизим! Нима қилсак экан? — деб сўради Элиза маъюсланиб.

— Кечака аравага тош юклэётгандим, ёш мистер¹ Том отнииг ёнида қамчи ўйнатиб турарди. Қамчини кўриб, от ҳуркди. Мен ундан, яхшиликча қамчини бу ерда ўйнат-маслигии сўрасам, қулоқ солмади. Мен яна илтимос қилдим, у, ўгирила солиб, қамчиси билан мени ура бошлади. Қамчилабётган қўлинин ушлагандим, додлаб питирлай бошлади, сўнгра отасининг олдига бориб: «Мени урди», деб чақди. Хаш-паш дегунча, отаси ғазаб билан югуриб келиб, менга: «Хўжайнинг ким эканлигини билдириб қўяман!», — деди ва мени дараҳтга боғлаб, анча хипчин кесди ва ўғлига бериб: «Қўлларинг чарчагунча ур!» — деди. Уғли отаси айтганча қилди. Майли! Бир кун мен ҳам буларнинг барини унинг ёдига солиб қўяман!

Йигитнинг юзида хафақонлик кезди. Қўзлари даҳшат акс этиб чақнади, ёш хотин чўчиб кетди.

— Бу одамни менга ким хўжайнин қилиб қўйган, шуни билгим келади! — деди у.

Элиза титраганидан чурқ этмасди. У ҳеч қачон эри ни бундай дарғазаб кўрмаган эди.

— Менга совға қилган бечора кучугинг эсингда борми? — деб сўзини улади Жорж. — Бу ит мен чеккан барча жафо ва машаққатларимда ҳамдам эди. Кечаси бирга ётардик, кундузлари эса, қаерга борсам, орқамдан әргашиб борарди, менинг сезгиларимни тушунгандек, юзимга қарапди. Яқинда ошхона эшиги тагида унга салқит овқатлар едириб тургандим, хўжайнин келиб қолди ва менга қараб: «Итинг ҳам хўжайниннинг овқатини ейди; ҳар қайси негрнинг биттадан ит асрashingа йўл қўёлмайман. Итнинг бўйнига тош боғлаб, ҳовузга ташла!» — деди.

— Жорж, сен буни қилмаган бўлсанг керак-ку!

— Қилолмадим-у, аммо унинг ўзи итни сувга чўқтириб юборди. Чўкиб кетаётган итни Том иккови тошпаррон қилишди. Шўрлик ит! У худди мен уни қутқазиб олмаётгандай қўзларини жовдиратиб, қутқармаётганимга ҳайрон бўлгандек қарапди. Кейин эса: «Итни сувга чўқтиришдан бош тортдинг», деб мени калтакладилар. Майлига, калтаклайверсинлар! Бир кун менга ҳам гал келар ва калтак еб, ювош бўлмаганимни хўжайнин ўз

¹ Америкада хизматкорлар хўжайнинларнин «мистер» деб атайдилар.

танаасига гушган зарбалардан билиб қолади. Агар ўзини тиймаса, танбиҳини бераман. Сенинг бу гаплардан ҳали хабаринг йўқ.

— Яна нималар бўлиши мумкин?

— Яқинда хўжайнин менга: «Элизага уйланишингга ижозат бериб, жуда чакки қилдим»— дейди. Мистер Шелбини ҳам, унинг яқин кишиларини ҳам жуда ёмон кўрганингини айтди. Улар магтур эмиш, хўжайнинни писанд қилмасмишлар. Унинг айтишича, олифталик қилишни менга сен ўргатармишсан. Шунинг учун мени энди бу ёқса юбормасмиш, бошқа хотин олиб бериб, ўз мулкидан жой қилиб берармиш. Авваллар у вайсаб сўкинарди, холос, кеча эса: «Минага уйланиб, бостирмага жой қилиб ол, йўқса. Жанубга сотиб юбораман сени!»— деди.

— Ахир, сен менга уйлангансан-ку! Домла оқларга ўқигандай қилиб, бизга ҳам никоҳ ўқиган-ку,— деб қичқирди Элиза содда диллик билан.

— Наинки, қулнинг уйлана олмаслигини билмасанг? Қулга никоҳ аҳди қилиш учун рухсат берадиган қонун йўқ. Агар хўжайнин бизни бир-биримиздан ажратишни истаса, сен менинг хотиним бўлмай қолаверасан. Шунинг учун ҳам, сени кўрмаганимда яхшироқ бўларди, дунёга туғилмасам яхшироқ эди, деб айтаман. Бизнинг иккимиз учун ҳам ўшанда яхши бўларди. Мана бу шўрлик бола учун ҳам яхши бўларди! Шундай оғир кулфат бунинг бошига ҳам тушиши мумкин.

— Ахир, менинг хўжайним, муруватли одам!

— Ким билсин? У вафот этса, болани номаълум жойга сотиб юборишади. Бунда, боланинг ҳусни, ақли ва қувноқлигидан нима фойда? Кўрасан, Элиза, ўғлингдаги ҳамма яхши фазилатлар учун, унинг ҳаётдан оладиган ҳар бир қувончи учун жонингни қаттиқ азобга соладилар. Бола чиндан ажойиб бола бўлиб етишганида ҳам, барибир ёнингда сақлаб қоломайсан.

Элиза бу сўзларни юраги ачиб тингларди. Кўз ўнгига қулфурушнинг жирканч сиймоси лайдо бўлди. Унинг ранги ўчиб кетди, ўлим шабадасини сезгандек, нафаси тўхтаб қолди. Үғли айвонга чиқиб кетганди; у, чўчиб айвонга қаради. Үғил, ўз ота-онасининг хафақон сұхбатидан зерикиб, ташқарида мистер Шелбининг таёқчасини миниб, тўполон қилиб чопиб юради. Элиза эрига ўз гумонларини айтмоқчи бўлди-ю, ўзини тутиб қолди.



«Иўқ, айтиб нима ҳам қила-
ман, унинг аҳволи бусиз ҳам
оғир,— деб ўйлади у.— Балки
гумоним асоссиздир. Бека бизни
ҳеч вақт алдамайди».

— Хўш, азизим, Элиза, ру-
ҳинг тушмасин! Хайрлашайлик,
мен кетаман,— деди эри маъюс-
лик билан.

— Кетасанми, Жорж? Қаерга
кетасан?

— Канадага!!— деди у қома-
тини ростлаб.— Канадага бор-
ганимдан кейин сени сотиб олиб
чўриликдан қутқазаман. Биз-
нинг биргина умидимиз мана шу.
холос. Хўжайининг хушкўнгил
одам, ўғлим иккингизни менга
сотгани унаса керак.

— Ҳой Жорж, қўрқаман!.
Ушлаб олсалар нима бўлади?

— Ушлаёлмайдилар! Ўлсам
ўламан-ку, ушлатмайман. Е ўла-
ман, ё озод бўламан!

— Жорж, наҳотки ўзингни
ўзинг ўлдирсанг?

— Бунга эҳтиёж бўлмас дейман, улар ўзлари мени
ўлдиришади. Тирик эканман, мени Жанубий штатларга
ҳеч қаҷон сотолмайдилар.

— Ҳой Жорж, агар мени десанг, эҳтиёт бўлиб иш тут!
Ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам ёш жонидан айрма.

— Планимни эшишт, Элиза. Хўжайнинг қўнимга хат
бериб, Симмс деган бир мистернинг олдига юбормоқчи.
У мистер бу ердан бир миль нарида яшар экан. Сенга
шуни айтиб қўяйки, у, менга берастган ҳамма азобла-
ри ҳақида сенга ҳикоя қилиб беришимни истайди. Унинг
айтишинча, «Шелбининг уруғи» ундан газабланниб тут-
ган ишини қораласа, хурсанд бўлар эмиш. Мен унинг
ҳамма дилозорликларини унутиб, «пешонамга ёзилгани

¹ Канада — Англиянига шимолий Америкадаги мустамла-
каси. Канадада қулдорлик тақиқлангани сабабли у ерга келиб
ҳолган ҳар бир қул озод киши деб ҳисобланарди. Шунинг учун
америкалик ҳар бир қул Канадага ўтиб олнини орзу қиларди.

шу экан-да» деб, уйга мүмин бўлиб тинчгина қайтаман. Қочишининг тараддудини кўриб ҳам қўйганман; менга ёрдамлашадиган одамлар ҳам бор. Бир ҳафтадан кейин мен бедарак йўқолиб кетаман. Ҳайр энди,— деди Жорж Элизанинг қўлидан ушлаб ва кўзнига қараб.

Улар бир нафас жим туришди. Сўнгги сўзлар гапирилди, йиги-сиги бўлиб, аччиқ кўз ёшлар тўкилди! Қайтиб сира учрашиш умиди йўқ кишилар агадий видолашгандек, эр-хотин хайрлашди.

IV БОБ

Том тога кулбасида бир кеча

Том тоғанинг кулбаси деб хўжайнининг уйига туашган кичкина ёғоч бино айтиларди. Кулбанинг олдингинасида яхшигина боғча қилинган бўлиб, астойдил парвариш қилинганидан, ҳар йил ёзда қулупнай ва малиналар, турли мева-чева ва сабзавот битар эди. Деворнинг олдинги томонини қип-қизил катта бегония гуллари ва ранг-баранг жайдари гуллар чулғаб олган эди, бу гуллар бир-бири билан бус-бутун чирмашиб, кулбанинг дағал болорларини қоплаб олганди. Гулзорда яшиш бегониялар, олтин ранг гуллар, бўтакўзлар яшнаб ётарди. Хлоя хола бу гуллар билан фахрланар ва юпанардил.

Хўжайнининг уйида кечки овқат еб бўлинди; бош ошпаз вазифасини ўтовчи Хлоя хола қозон-товоқларни тозалаш ва ювишни ёрдамчиларига топшириб, ўзи чолини овқатлантиргани уйига жўнади — у, эрини «чолим» деб атарди.

Мана у плита ёнида туриб, овқатнинг биқирлаб қайнаётганига ташвиш ва қизиқиш билан қулоқ сола бошлиди; кейин, тез қозонча қопқоғини олди — отилиб чиқкан буғ мазали овқат пишаётганидан дарак берди.

Унинг хушчеҳра, юмалоқ қора юзи ярқираб кетди, худди у юзига, пирог бетига суркагандай, тухум оқи суркаб олганга ўхшарди. Оҳарланган қалпоқча остида бу юз чиройли мамнунлик акс этарди. Хлоя холанинг мамнун бўлишига сабаб бор: у, теварак-атрофда энг яхши пазанда бўлиб ном чиқарган.

Дарҳақиқат у чин ошпаз эди. Паррандалар қўрасинда Хлоя хола пайдо бўлиши билан, ҳар бир жўжа, курка боласи ва ўрдак жўжасини қалтироқ босиб: «Энди

ажалим етибди», дегандай кўринарди. Эҳтимол, бу жўжалар Хлоя холанинг ҳамиша қўйма, қовурма каби хонаки қушларга даҳшат соладиган овқатларни ўйлаб юришини пайқагандирлар. Унинг макка унидан қила оладиган пиrogларининг сон-саноғи йўқ; пончиклар-у, ширмойлар-у, майиз кулчаларни айтинг... Буларни шунчалик ширин ва мазали қилинб пиширишни ҳеч ким билмасди. Унинг бу ҳунарига бировларнинг тақлид этиб, беҳуда овора бўлгани ҳақида кеккайиб гапира бошлаганида унинг семиз бадани селкилларди.

Атайнин чақирилган меҳмонлар учун тушкин ёки кечки овқат тайёрланадиган бўлса, Хлоя холанинг ғайратига ғайрат қўшиларди. Меҳмонлар келиб, айвон чамадонга тўлиб қолганда, у жуда ҳузур қиласарди; чунки бу нарса яна меҳнат қилишдан ва яна шуҳрат қозонишдан дарак берарди.

Ҳозир Хлоя хола овқат тайёрлаш билан банд. Уни қозон ёнида қолдириб, Том тоға яшайдиган уйнинг тасвирини тугаллайлик.

Бир бурчагида каравот қўйилган, устига яхшилаб оппоқ рўжа ёзилган, каравот пастида, полда каттагина



гилам солиғлиқ. Бу бурчак — уйнинг энг иззатли жойи —
Хлоя холанинг қароргоҳи эди; гилам билан каравот
ва умуман бутунлайча шу бурчак ёш авлоднинг куфур-
ларча қилинадиган вайронкорлик босқинидан имкон бо-
рича маҳкам қўриқланарди. Бу бурчак меҳмонхона ҳи-
собланарди.

Уйнинг иккинчи бурчагига яна бир каравот қўйилган,
аммо у биринчисидай ясатилган эмас. Афтидан унда
ётсалар керак. Манқал печка (камин)нинг чап дево-
ри инжилдан олиб ишланган манзаралар ва генерал
Вашингтоннинг¹ расми билан безатилган, генералнинг
расми шунчалик ранго-ранг қилиб бўялганки, мабодо
бирор вақт Вашингтон ўзининг бу расмини кўра қолса
ҳайратдан оғзи очилиб қолар эди.

Бурчакда, қора кўз, думалоқ юзли, қўнғир соч иккита
бала дагал ишланган скамейкада ўтириб, кички-
нагина қиз боланинг тета-поя қилишини томоша қили-
шарди. Қиз бола салгина оёқ босиб турарди-да, кейин
полга йиқиларди. Унинг ҳар бир йиқилишини, болалар
ажойиб, оқилона иш сингари жуда завқли кулги билан
қаршилардилар.

Манқал печка олдида устига дастурхон ёниғлиқ, оёги
қалтираб турган стол турарди. Унинг устида идишлар
ва умуман овқатланиш учун зарур нарсалар бор
эди.

Стол ёнида мистер Шелбиннинг ўнг қўли ҳисоблан-
миш Том тоға ўтирмоқда. Том тоға бош қаҳрамонлари-
миз бўлгани учун уни ўқувчиларимизга яхшигина тас-
виirlab беришимиз керак. У — барваста, кучли, кифт-
лари кенг, қора териси ялтираб турган одам эди, унинг
юзларида жиддийлик ва ақллилик акс этарди. У, сўз-
лашганда иззатга лойиқ йўзинда ўзини дадил, ҳамда
шу билан бирга, камтар ва содда тутарди.

У, олдидаги тоштахтага секин ва зеҳн қўйиб ҳарф-
лар ёзарди, унинг бу ишига ўн уч яшар шўх бола — ёш
мистер Жорж қараб турарди, у зўр яштиёқ билан ўқи-
тувчилик ролини бажаарарди.

— Бундаймас, Том тоға, бундаймас! — деди у астой-
дил қичқириб. Том тоғанинг «Е» ҳарфининг думини но-

¹ Жорж Вашингтон (1732—1799) Америка Қўшма
Штатларининг бириичи президенти, Америка истиқолияти учун
кураш жангларининг қаҳрамони (1775—1783).



тўғри ёққа чиқараётганни кўриб.— Сеники «Е» эмас, «З» бўлиб чиқяпти.

— Рост, бошқа нарса чиқяпти!— деди Том тоға, кичкина муаллимининг «Е» ва «З» ҳарфларини катта-катта қилиб бир неча марта ёзишига эҳтиром ва ҳавас билан қараб.

Том тоға йўғон бармоқлари билан тоштахтани яна ушлаб, қунт билан ҳарфларни ёза бошлади.

Хлоя хола бир чеккада, пирог пиширадиган товага чўчқа ёғи соларкан:

— Оқлар шунаقا ишларни бирпасда қилиб ташлайди-я!— деди, ишини бир дам тўхтатиб.

У завқ билан Жоржга қаради:

— Жудаям ажойиб: ҳам ўқийди, ҳам ёзади, тағин кечқурун келиб бизларни ўқитади ҳам.

— Хлоя хола, қорним жуда очди,— деди Жорж.— Пирог ҳали ҳам пишгани йўқми?

— Ҳозир пишади, мистер Жорж,— деди Хлоя хола, пирог пишаётган печканинг қолқоғини кўтариб.— Қизарип пишаётганини кўринг! Пирог пиширишга чакана-масман. Яқинда бекамиз «ўргансин» деб Сэллига пирог пиширитириди. Шунда мен: «Оҳ, бекам,— дедим унга,— шунча нарсанинг нобуд бўлишига чидаб туролмайман! Ахир кўринг, пирог худди кавушимга ўхшаб қийшайнib кетди, ҳунуклигини кўринг, афтига қараб бўлмайди-я; уят, номус қиласан киши! Э, бу унинг ишими ахир!»

Хлоя хола Сэллининг тажрибасизлигига ижирғаниб қараганини ана шу тарзда изҳор қилиб, печкани очди, шунда ҳаммалари жуда яхши пиширилган ширин пирогни кўрдиларки, шаҳар кондитерлари ҳам бундай пирог пиширсалар жон дердилар.

Энг муҳим иш қилингач, энди Хлоя хола қувонч билан дастурхон ёза бошлади.

— Қани, ҳай Моз, ҳай Пит, йўлни тўсманг, негрчалар! Нарироқ тур, Полли, жонгинам, онанг ҳозир сени ҳам знёфат қиласди. Мистер Жорж, китобни йигиштириб, чолим ёнига ўтириинг. Учоқдан колбасани олай, кейин бир зумда тарелкангизда пирог ҳозир бўлади.

— Мени овқатлангани уйга чақиргандилар,— деди Жорж,— лекин, Хлоя хола, сизникида ширин овқат пишишини кўнглим сезиб турувди.

— Ҳар ҳолда қолиб ютқизмадингиз!— деди Хлоя хола, унинг тарелкасига ҳовури бурқиб чиқаётган пирогни қўя туриб,— кампир сизга пирогнинг энг яхши жойини олиб қўйишини биласиз-да! Сиз ҳам чакана-массиз!

У, димоги чоғликтан Жоржни бармоғи билан туртди ва шу ондаёқ товага ўгирилди.

— Қани, пирогга қарайлик!— деди Жорж, плита ёнида ивисиравшлар бир оз тингач ва катта пичоқни олиб, пирогни кесмоқчи бўлди.

— Мистер Жорж, худо ёрлақагур!— деди Хлоя хола, қўрқиб қулоч ёзаркан.— Пирогни ҳали шундай катта пичоқ билан кесмоқчимисиз? Пирог чўкиб, мазаси кетади. Менинг кичкина эски пичоқчам бор, атайлаб қайраб қўйганман. Буни кўринг, қушнинг патидек сингил... Ана энди, олаверинг, марҳамат. Бундақа яхши пирогни ҳеч қачон емагансиз!

— Том Линкольн айтишича,— деди Жорж, оғзини пирогга тўлдириб,— уларнинг Джинни деган ошпазлари сендан яхши пиширармиш.

— Қўйсангиз-чи шу Том Линкольнингизни!— деди нафратомуз Хлоя хола.— Линкольнларни бизнинг хўжайинларимиз билан тенглаштирасиз-а! Албатта улар ҳам ҳурматли одамлар-у, аммо ростини айтганда, соддароқ одамлар. Улар яхши овқат қандай бўлишини билишмайди. Мистер Линкольнни мистер Шелби билан тенглаштириб бўладими, ахир! Линкольн хоним эса, уйга менинг бекам каби улуғворлик билан кира оладими? Шундай мағурурлик ва жиддийлик билан-а? Э, менга Линкольнларни пеш қилмай қўя қолинг!

Бу сўзларни айтаркан, Хлоя хола: «Бунақа ишларни бошқалар тушунмаса ҳам мен жуда яхши тушуман», дегандек, бошини чайқаб турарди.

— Джинни жуда моҳир ошпаз, деб мақтаганингни ўзим эшигандим-ку,— деб унинг сўзини бўлди Жорж.

— Ҳа, айтганман, айтаман ҳам. Джинни оддий овқатларни яхши пишира олади... Картошка пиширишга уста... Лекин макка пирогларининг мазаси йўқ, бошқа ошпазларнидан яхши ҳам эмас, ёмон ҳам. Аммо, аъло даражада пазандаликни олсангиз, бу масалада у нима тушунади? Албатта, у паштет овқатини пишира олади, лекин уни қирмоч олдириб юборади! У, оғизга тушмасдан эриб кетадиган, тивитдек енгил пироженое пишира оладими? Эсимда бор: Мэри хоним эрга тегаётгандা, Джинни пиширган пирогини менга кўрсатди. Джинни билан биз қалин дўстмиз, шунинг учун унга ҳеч нима демадим... Лекин, мистер Жорж, мен шунақа пирог пиширсам борми, номус қилганимдан, бир ҳафтагача ухлаёлмасдим.

— Эҳтимол, Джинни ўзи пиширган пирогини энг яхши пирог, деб ўйлаган бўлса керак,— деди Жорж...

— Бўлмасамчи! Энг яхши деб ўйлаган, албатта! Йўқса, уни кўрсатиб мақтанаарниди, бечора! Унинг бир пақирга арзимаслиги хаёлига ҳам келмаган. Бутун гап шундаки, у пирог пиширишни билмайди. Унинг хўжайинлари эса бунинг фаҳмига етишмайди! Унда айб ҳам йўқ, ундан ҳеч нарса талаб қилиб ҳам бўлмайди! Э, мистер Жорж, қандай баҳтиёр оиласда яшаётганингизни билмайсиз ҳам!

Хлоя хола шу гапларни айтиб уф тортди ва таъсирланганидан кўзини юқори кўтарди.

— Бизнинг паштет ва пудингларимиз бошқаларнидан яхши эканлигини жуда яхши биламан ва бундан фахрланаман ҳам,— деди Жорж.— Том Линкольндан сўранг-чи, уни кўрганда, ҳар сафар унинг ғашини келтириб, пирогларини масхара қиласман.

Хлоя хола курсига ўтиаркан, ёш хўжайиннинг ҳазилидан хурсанд бўлиб, қаҳ-қаҳлаб кулди. У қаттиқ кулганидан, ялтироқ қора бетларидан ёшлар оқса бошлиди. У, Жоржни тутиб ва елкасига қоқиб, «Ҳазилингиз тушмасин, мени кулдириб ўлдираёздингиз», деб қотиб-қотиб кула берди. У шундай кулардики, Жорж ўзини: «Мен — чиндан ҳам ўтқир ҳазилкаш бўлибман шекили», деб ўйлади.

— Сиз Томга шундай деб айтдингизми? Томнинг гашини келтирмадингизми? Роса бопладингизми? Мистер Жорж, ҳар қандай одамни кулдирасиз!

— Ҳа,— деди Жорж.— Унга мени: «Том, сен Хлоя холанинг пирогларини кўр! Ана уши пирог деса арзиди!»— дедим.

— Бечора Том! Афсуски, у пирогларимни кўролмайди-да,— деди Хлоя хола. Том Линкольннинг мушкул аҳволга тушиб қолғанлигига бу хушкўнгил аёлнинг қайгураётганлиги кўриниб турарди.— Уни обедга чақирганингизда, жуда яхши бўларди-да. Биласизми, мистер Жорж, ҳеч кимнинг олдида катталик қилиш керакмас. Буни эсингиздан чиқарманг,— деди Хлоя хола жуда жиддий равишда.

— Томни келаси ҳафта чақираман,— деди Жорж,— сен эса, Хлоя хола, бир унинг оғзини очириб қўй. Бир тўйдирки, икки ҳафтагача овқат еёлмасин.

— Тўйдираман ҳам!— деди завқ билан Хлоя хола.

— Кўрасиз! Бизнинг баъзи овқатларимиз эсингизда борми? Генерал Нокс бизникида зиёфатда бўлганида пиширган товуқ паштетимни унтиб бўладими? Ушакда қирмочини талашиб бека билан уришиб қолаётгандик. Билмайман, гоҳо хонимнинг миясига ғалати нарсалар келади. Одамнинг зиммасига жуда катта жавобгарлик иш юкланган экан, ошпаз у овқатга бор ҳунарни ишлатиши керак, улар бўлса теварагимизда ивирсишиб, ҳар нарсага аралашаверадилар, ишга халал беришади. Бека тепамга келиб олиб, ҳадеб: «Ундей қилма, бундай қил», деяверадилар. Ниҳоят, тоқатим тоқ бўлиб кетиб: «Бека, бармоқлари узун, чиройли оқ қўлларингизга бир қаранг. Узукларингиз менинг оқ нилуфарларимга тушган шабнамдек ярқирайди. Лекин менинг қора чўлтоқ қўлларимга ҳам қаранг. Буларни кўриб, ўйламайсизмики, худой таоло мени «сошхонада паштет пиширсин» деб, сизни эса «меҳмонхонада фароғат қилсан» деб яратган? У кишига мен ана шундай қаттиқ гапиргман, мистер Жорж.

— Онам нима деб жавоб берди?

— Нима деб жавоб берарди? Каттакон шаҳло кўзларини ўйнатиб кулди-қўйди. Кейин: «Хўп, хўп, гапинг тўғри, Хлоя хола», деб ўгирилиб, меҳмонхонага кириб кетди. Аслида менинг бундай дағал сўзлигим учун бошимни узиб ташлаши керак эди-ю, лекин нима қилай,

фөйлим қурғур шунақа: бека ошхонада бўлса ишлаёлмайман.

— Үшандада жуда ширин овқат пиширган эдинг: эсимда... Ҳаммалари мақташганди,— деди Жорж.

— Ҳа, балли! Үшандада мен овқатхонанинг эшиги тағида турмабмидим? Генералнинг: «Шу паштетдан солинсин», деб тарелкасини уч марта узатганини кўрмабмидим? Боз устига: «Шелбихоним, кўп ажойиб ошпазиңиз бер экан-да!»— демабмиди? Суюнганимдан ёрилиб кетай дедим, азбарои худо! Генерал эса, овқатнинг ма-засини кўп тушунадиган одам!— деб, жиддият билан сўзини давом этарди Хлоя хола.— Жуда яхши одам экан бу генерал! Қадимги Виргиниянинг¹ энг отоқли зотларидан экан. Овқатнинг фаҳмини ҳам мендан кам тушумайди. Биласиэми, пирог шундай нарсаки, уни тушуниб сийиш керак, аммо бунинг энг муҳим жойи нимада эканлигини ҳар ким билавермайди. Генерал бўлса, буни билар экан, буни дарҳол сездим. Ҳа, у пирогнинг қадрқимматини тушунар экан!

Бу орада Жорж шу ҳолга етдики, ҳатто ўғил болалар ҳам (рост, бундай ҳол кам учрайди) бу даражага етганларида ортиқ бир тўғрам ҳам сёлмай қоладилар. Шундагина у, қўнғир сочли, шаҳдо кўз негрчаларга кўзи тушди: улар уйнинг нариги бурчидан катта иштаҳа билан Жоржга ва Хлоя холага қараб турардилар.

— Ушла, Моз, Пит!— деди у, пирогдан бурдалаб синдириб, негрчаларга ташларкан.— Ейсизларми? Хлоя хола, уларга ҳам пишириб бер.

Жорж билан Том манқал печка ёнидаги бежиримги на бурчакка ўтириб олишди; Хлоя хола эса, анча-мунча пирог пишириб, кейин қизчани тиззасига ўтиргизди-да, навбат билан дам ўзининг оғзига, дам боланинг оғзига бурдалаб пирог тиқа бошлади. Пит билан Моз, афтидан, овқатни стол остида ейишни бехатар ва маъқул кўрдилар шекилли, тоғ бир-бирларини қитиқлаб, тоғ қизчанинг оёқ учидан тортиб, у ерда анчагача юмашдилар.

¹ Виргиния — шарқи-жанубий штатларнинг бири. Инглизлар Америка қитъасига келганларида аввал Виргинияга жойлашганлар. Шунинг учун уни қадимги Виргиния деб атадилар.

— Кетинглар бундан! — деди она, стол остида тұполон жуда қучайиб кеттанды, уларни оёғи билан секин туртиб. — Оқлар уйнингизга мәҳмонға келганды одобли бўлинглар. Бўлди, бўлди дейман. Иўқса, таъзирингизни сизсизлар. Мистер Жорж кетсин-чи, сизлариниң одоблингни бермасам...

Бу даҳшатли пўписанинг нимадан иборат эканлиги-ни тушунириш учун осон эмас. Худди мана шунинг учун ҳам ёш гуноҳкорларга бу гап жуда суст таъсир қилди.

— Ана энди, шундай авжга чиқишилки, энди ўзларини тўхтатиша олмадиым! — деди Том.

Болалар стол тагидан чиқиши; уларнинг қўл ва юзлари шира эди; шу аҳволларича улар қизчани зўр бериб ўпа бошлилди.

— Йўқолинглар бу ердан! — деб қичқирди она, уларнинг қўнғир соч бошларидан тортиб. — Ҳадемай шира бетларингиз бир-бирига ёпишади, агар ўзларингизни шундай тутсаларингиз, кейин ҳеч ажратолмайсизлар! Ариққа бориб юзларингни ювинглар.

Бу маслаҳат орқасидан қаттиқ шапалоқ тушди, бундан болалар янайм қаттиқроқ кулишди. Остона орқасида улар шиддат билан бир-бирларига тўқнашди ва завқланиб яна чийиллашди.

— Бундай бўлмагур болаларни ҳеч кўргашмасиз? — деди Хлоя хола мамнунлик билан.

У, шу иш учун маҳсус равишда сақланган эски сочиқни олди, кейин ёриқ чойнакдаги сув билан ҳўллади-да, қизчанинг бети ва қўлидаги ширани арта бошлиди. Хлоя хола қизчанинг юзини ялтиратиб тозалагач, уни Томнинг тиззасига қўйиб, ўзи стол устини йигинтиришга киришди.

Қизча Томнинг бурнидан тортар, бетини тимдалар, семиз қўлчаларини унинг қўнғир соchlари ичига яширада бундан жуда ҳузурланаар эди.

— Жудаям шўх қиз-да! — деди Том, уни бошдан-оёқ кўрсатиш учун қўлига баланд кўтариб.

Том ўрнидан туриб, қизчасини ўз елкасига миндирди-да, сакраб ўйнай бошлиди. Жорж қизчага дастрўмолчасини кўрсатиб уни айлантирадар, юзларини ювиб қайтиб келган Моз билан Пит эса қизчага қараб айик сингари бўкиришарди; ниҳоят, Хлоя хола уларга: «Шов-қинингиздан бошим ёрилниб кетаёзди», деди, Бироқ унинг

тапларни кор қилмади. Бундай тўполон, унинг айтишича, кулбада оддий ҳодиса бўлиб, хушчақчақлик ҳаммалари ҳолдан толиб йиқилиб қолгунча давом этарди.

— Ўйинларинг тамом бўлгандир,— деди Хлоя хола, қўпол йигма каравотни ёзаркан.— Энди Моз ва Пит, ётиб ухланглар, чунки тезда ибодат қилгани одамлар келишади.

— Ухлашни хоҳламаймиз, ойи. Ўтириб одамларнинг ибодат қилишини кўрамиз. Жуда қизиқ бўлади! Томоша қилайлик, ойи, хўпми?

— Ҳой, Хлоя хола, каравотни йиғиштириб қўй; ўтира са ўтиришаверсии,— леди Жорж ҳалиги каравотни бирданига телиб.

Одобга риоя қилганидан хурсанд бўлган Хлоя хола, очиқдан-очиқ суюниб, каравотни яшираркан: «Балки уларга бунинг фойдаси тегиб қолар», деди.

Ўйдагилар қандай қилиб ибодатга яхшироқ тайёрланиш ҳақида маслаҳатлаша бошлишади.

— Шунча курсини қаердан топаман, бошим қотди,— деди Хлоя хола.

Шунн айтиш керакки, Том тоғанинг кулбасида ибодат маросими ҳар ҳафтада бир миқдорда курси билан ўтарди, шунга биноан, ибодат қилгани келувчиларнинг бу сафар ҳам бир илож қилиб жойлашишларига ишонса бўларди.

— Ўтган ҳафта Питер тоға ана бу курсининг иккита оёғини синдириб қўйди,— деди қўққисдан Моз.

— Йўқол, ўзинг синдиргансан, сенинг қилигинг бу,— деди Хлоя хола.

— Майли, деворга суяб қўяман, тураверади!— деди Моз.

— Лекин унга Питер тоғани ўтиреғизиш керакмас,— деди Пит.— Питер тоға ибодат қилаётганда курсини доим миниб юради. Ўтган сафар у, курсини миниб ўйни бир айланиб чиқди.

— Йўқ, уни албатта оёқсиз курсига ўтиреғизиш керак,— деб эътиroz билдириди Моз.— У: «Маъсумлар ва гуноҳкорлар, келинглар, менинг сўзимга қулоқ солинглар» дуосини мақомга солиб ўқий бошлиши билан курси тақ этиб синади-ю, у полга дўмбалоқ ошиб тушади.

Моз, кекса Питер тоғани масҳаралаб, дўнғиллаб дуо ўқиди, кейин бўлиши мумкин саналган фалокатни қилиб кўрсатиш мақсадида полга юмаланди.

— Тузук ўтири! — деди Хлоя хола. — Уялмайсанми?

Мистер Жорж масхараабознинг тарафини олиб, «Моз яхши бола», деди. Шунинг учун ҳам, онанинг гапи ҳеч натижа бермади.

— Қани, чол, — деди Хлоя хола эрига, — бочкачаларни олиб кел бу ёқса.

— Эсингда борми, ўтган ҳафта битта бочканинг таги тушиб кетиб, ибодат қилаётганда ҳаммалари йиқилди, — деди Пит.

— Қизиқ бўлувди-да!

Уйга иккита бочкачани олиб кирдилар ва қимирласин учун остига тош тираб, устига тахта қўйдилар. Кейин бир неча тоғора ва пақирларни тўнтариб қўйдилар, оёғи бутун курсиларни жой-жойига ўрнаштирилар. Шу билан ҳозирлик тамом бўлди.

— Мистер Жорж жуда яхши ўқийдилар. Шу ерда қолиб, бизга ўқиб берсалар, жуда ажойиб иш бўлардида! — деди Хлоя хола.

Жорж дарҳол унади, чунки ҳар бир бола катталик қилишни яхши кўради.

Үй ичи тез орада турли-туман одамларга тўлди; бу ерда саксон яшар оппоқ сочли бобо ҳам, ёши ўн бешдан ошмаган болалар ҳам бор эди. Беғараз лақмалик бошланди; Сэлли хола бунча чиройли рўмолни қаердан олди экан? Бека ўзига янги кийим тиктиргач, муслин кўйлагини Элизага бермасмикан? Мистер Шелби шундай той сотиб олармишки, довруғи ҳамма ёқса кетармиш. Келувчиларнинг баъзилари бошқа хўжайнинларнинг қуллари бўлиб, бу ерга эгаларининг рухсати билан келишган эдилар. Улар бошқа қўрғончаларда нималар бўлаётгани ҳақида бир қоп гап, ғийбат олиб келгандилар. Хуллас, юқори табақа кишилари тўпланишганда янги хабарларни бир-бирларига қандай айтишсалар, бу ерда ҳам шундай эди.

Бир оздан кейин қироат бошланиб, ҳамма суюниб кетди. Овозлар бирмунча димогдан чиқса ҳам, бу туфма қироатхонларнинг илҳом билан ўқиган қироатларида қандайдир нафосат бор эди.

Қуйидаги сўзлар айниқса чуқур ҳис ва виқор билан ўқилди:

Улайлик жанг майдонида,

Улайлик жанг майдонида,

Шон-шарафлар бўлур бизаларга!

Севиб ўқиладиган яна бир сурада қўйидаги сўзлар кўп марта тақрорланарди:

Фароғатга борчпман — мен билан кетмайсанми?
Фарншталар меки чорлар — кўрсанманми!
Мангу зар шаҳри, сўнмас кун кутар бизни!

«Дажла соҳиллари», «Ханаан даштлари» ва «янги Куддус шариф» сўзлари тўхтовсиз эслатиб ўтиладиган байтлар ҳам бор эди; чунки, таъсирга берилувчи тетик негрлар жўшқинли иборалар ҳамда яхши тасвирланган образларни ёқтирадилар. Қироат вақтида улар гоҳ кулишар, гоҳ йиглашар, гоҳ чиндан ҳам бошқа соҳилга эсон-омон етиб олгандек, чапак уришиб, бир-бирла-рига бош қоқишарди.

Улар, қироат билан бирга, насиҳатгўйлик ва ибратли қиссалар ҳам айтишарди. Анчадан бўён ишламай қолган, ўтмишнинг жонли тарихи каби, ҳамма ҳурмат қиладиган бир оқсоқ кампир ўрнидан турди-да, ҳассасига суюниб, деди:

— Болаларим, мен сизларни яна бир марта кўриб, қироатларингни эшитганим учун баҳтиёрман, чунки мен фароғатда бўлувчилар юртига қачон кўчич кетишимидаи бехабарман; лекин, болаларим, мен тайёрман; сафар тугуним боғланган; қалпоқчам бошимда, фақатгина менинг энгизига элтиб қўядиган аравани кутяпман, холос. Баъзи вақт кечалари бу араванинг ғилдирак овозларини эшитгандек бўлиб пойлайман. Болаларим, сизлар ҳам шайланиб туринглар,— деди у таёғини полга уриб,— чунки фароғат буюк ишдир. Сизлар эса унинг ғамини емаялсизлар. Бу ишингизга ҳайронман.

Кампир ўтиаркан, кўз ёшлари юзидан оқарди, атрофлаги кишилар эса:

Ҳой Ханаан, ёруғ Ханаан
Ханаан юртига тезроқ етайдерман!

деб қироат қила бошладилар.

Мистер Жорждан Апокалипсиснинг² сўнгги боблари-

¹ Ханаан, Ханаан юрти — Фалестин. Худо диндор ва тақвадор яхудиёнларга ато қилган деб ҳисобланган учун, Фалестин «муборак юрт» деб аталарди. Кейин Ханаан христианларининг жашнати деб аталадиган бўлди.

² Апокалипсис — инжилининг бир қисми бўлиб, унда шубҳали за вахҳамили башорат талқин қидинган.

ни ўқиб беришни илтимос қилдилар; у, ўқиркан, унинг қироати:

— Вой-вой!

— Буни қаранг-а!

— Шу гапларнинг ҳаммаси бўлармиカン? — деган сўзлар билан бўлиниб турарди.

Жорж зеҳили, зийрак бола эди. Ҳамма ундан завқ-лангаётганини сезиб, у гоҳ-гоҳ, тушунарли бўлмаган жойларга ўзидан сўз қўшиб, талқинлаб борди ва бу билан кичикларнинг завқига ва катталарнинг миннатдорчилигига сазовор бўлди. Ҳамма: «домланинг ўзлари ҳам инжилни бундан яхши тушунтириб беролмасдилар, жуда соа» деб хурсанд бўларди.

Диний ишларда бу ўртанинг одамлари Том тоғани худди муфти каби ҳисобларди. У, гоят ахлоқли, кўпгина негрларга қараганда ақлли ва билимлироқ бўлиб, улар Том тоғани худди домла каби ҳурмат қилишарди; унинг содда, самимий ва юракдан чиқариб айтадиган насиҳатлари билимлироқ тингловчиларни ҳам таъсирлантиради. У, айниқса ибодатни яхши қиласади. У таъсирлантирувчи соддалик, болаларча қизиқиш ва иштиёқ билан ибодат қиласади. У ибодат қилаётганида инжилдан суралар келтирас ва бу суралар ҳамма вақт ўринли бўларди. Эски бир диндор негрнинг сўзича: «у бехато ибодат қиласади». Одатда унинг қироатлари тақводор сомеларга шу қадар кучли таъсир қиласадики, ҳамма ёқни қаттиқ йиги ва оҳ-воҳ садолари босарди.

Кулнинг уйи — хурсандчилик, унинг хўжайинининг уйи эса — қаттиқ хафақонлик билан тўлганди.

Овқатхонада мистер Шелби ва савдогар ўтиришарди. Уларнинг олдиндаги стол устида бир қанча қофоз ва ёзув асбоблари ётарди.

Мистер Шелби бир туркум векселларни санаб, Гэлига узатар, у эса яна санарди.

— Ишлар энди жойида бўлди.—деди савдогар,— фақат мана бу тилхатларга қўл қўйилса, бас.

Мистер Шелби васиқани олдига тортди-да, гўё ёқимсиз бир мажбуриятдан тезроқ қутулишга ҳаракат қылгандек, унга шошилиб қўл қўйди ва пуллар билан бирга нарига суриб қўйди.

Гэли ҳамёнидан бир қофозни олиб, унга кўз югуртириб чиқди-да, кейин мистер Шелбига узатди. Мистер Шелби бу қофозни очкўзлик билан маҳкам ушлаб олди.

— Ана эди ишимиз битди! — деди савдогар ўрнидан туриб.

— Битди! — диққат бўлиб деди мистер Шелби. Кеъин оғир уф тортиб тақорлади: — Битди!

Бу итлар сизга унча маъқул тушмади шекилли,— деди савдогар.

— Гэли,— деди мистер Шелби ўйламасдан,— ишонаманки, сиз ўз ваъдангизни бажариб, Томни ёмон одамга сотмасангиз керак.

— Сиз ўзингиз уни ёмон одамга сотдингиз-ку, сэр,— деди савдогар.

— Мени бунга шароит мажбур қилганини яхши биласиз,— деди мистер Шелби тақаббурона.

— Шароит мени ҳам мажбур қилиши мумкин,— деб жавоб қайтарди қулфуруш,— лекин ҳар ҳолда Томни яхши ерга жойлашга уриниб кўраман. Ўзим бўлсам уни ранжитмайман, хотиржам бўлинг. Худота шукур, мен ҳеч қачон, ҳеч бир шароитда шафқатсиз бўлмайман.

Мистер Шелби юқорида айтганимиздек, бу одамнинг инсонпарварлик принципи нимадан иборат эканлигини билганди: шунинг учун қулфурушнинг ваъдаси унинг кўнглини тинчтимади. Лекин шу топда мистер Шелби виждонига хилоф иш қилишга мажбур эди; шу туфайли у савдогарга бир оғиз ҳам жавоб бермаслини афзалроқ кўрди. У индамай савдогар билан хайрлашди да, сугара чека бошлади.

V БОБ

Тирик молнинг эгаси ўзгаргач, ҳоли нима кечади?

Мистер Шелби билан Шелбихоним ётоқхонага кирдилар.

Мистер Шелби кенг креслога чўзилиб, тушки пайтдан кейин келган хатларни кўздан кечира бошлади. Шелбихоним эса кўзгу олдида туриб, Элиза ўриб кўйган гўзал соч ва кокилларини тараарди. У, Элиза юзининг оқариб ва кўзларининг хумдек шишганини кўриб, унга: «Кўй, ўзим ечинаман; сен уйингга кириб ёт», деди. Аммо сочини ёзаркан, ёш аёл билан эргалаб бўлган сұҳбат унинг ёдига тушди; у қайрилиб зрига қараб, бепарво сўради.



— Ҳа, айтмоқчи, Артур, бугун обедга судраб келгани одобсиз одаминг ким эди?

— Оти — Гэли,— деб жавоб берди Шелби, креслода ўнгайсиз айланаркан, хатдан кўзини узмасдан.

— Гэли? У ким ўзи? Бу ерда нима иши бор экан?

— Мен сўнгги марта Натчезга борганимда у билан олди-сотди қилгандим.

— Бир марта олди-сотди қилганинг учун, бу ерни ўз уйидек фаҳмлаб, бизникида обед қилишга журъат қилибдими?

— Уни ўзим таклиф қилдим. У билан баъзи бир ҳи-
собларим бор эди.

— У қулфурушми?— деб сўради Шелбихоним, эри-
нинг афт-ангоридан қандайдир ўнгайсизликни пайқаб.

— Нима бўлди сенга, азизим? Бундай беҳуда гап-
ларни сенга ким айтди?— деди Шелби унга қараб.

— Ҳеч ким. Фақат обеддан кейин Элиза, бу ер-
га қон-қора қақшаб югуриб келиб, сенинг қулфуруш
билан сўзлашаётганингни ва у сенга: «Шу хотиннинг
боласини сотинг менга» деганини айтди. Тентак хо-
тин!

— Элиза айтдими? Шундайми?— деди Шелби, яна
хат ўқий бошлаб.

У бир қанча вақт ўзини хат ўқиш билан банддек
кўрсатиб ўтири; ҳолбуки хатни тескари ушлаган ва
буни сезмасди.

У дилида: «Бу иш барибир маълум бўлади, яхшиси
тезроқ маълум бўлиб қўя қолсин», деб ўйлади.

— Мен Элизага: «Аҳмоқсан, қўрқишиларингнинг ҳам-
маси беҳуда, мистер Шелбининг қулфуруш билан ҳеч
қандай алоқаси йўқ», деб айтдим,— деди Шелбихоним
сочини тараб.— Мен ишонаманки, сен ўз одамларигн-
дан бирортасини ҳам сотмайсан. Элизанинг боласи у
ёқда турсин, ҳатто энг ёмонини ҳам сотмайсан.

— Ҳа, Эмили,— деди мистер Шелби,— мен ўзим
ҳам илгари шундай деб ўйлардим. Аммо, ионложмиз:
ҳозир менинг ишларим шундай аҳволдаки, одамларим-
дан бирортасини сотишга тўғри келади!

— Шу аblaҳга-я? Йўқ! Мистер Шелби, ҳазиллаш-
манг!

— Афсуски, чинини айтяпман. Томни сотишга рози-
лик бердим.

— Нима, Томимизни-я? Ешлигидан буён сенинг со-
диқ хизматкоринг бўлиб келган, энг хушкўнгил ва ва-
фодор одамни-я? Ҳой мистер Шелби, сиз унга озодлик
ваъда қилгандингиз — бу тўғрида унга ўзингиз ҳам,
мен ҳам юз марта айтганмиз! Энди мен бутун гапга
ишонсан бўлади! Шўрлик Элизанинг ёлғиз ўғли кички-
на Гаррини сотиб юборишингизга ҳам энди ишона-
ман!— деди Шелбихоним ғазаб ва ачиниш билан.

— Агар жуда билгинг келса,— майли айтиб қўя қо-
лай: мен уларнинг иккисини — Томни ҳам, Гаррини ҳам
сотишга розилик бердим. Лекин шунга тушунмайман-

ки, бошқа одамлар ҳар кун қилаётган ишни мен бир марта қилған эканман, нима учун менга худди девга қарагандек қарайдилар?

— Хүш, нега сиз бошқа бирорни эмас, балки, албатта Том билан Гаррини фидо қиласынан бўлдингиз?— деб сўради Шелбихоним.— Нега сиз бизнинг шунча негрларимиз орасидан фақат шуларни сотмоқчи бўлдингиз.

— Чунки бошқалардан кўра булар учун менга кўпроқ пул беришади. Ана шунинг учун, агар хоҳласанғ бошқаларини ҳам сотавераман. Савдогар, масалан, Элиза учун катта пул таклиф қиляпти. Лекин биламан, бундай қиссан сен хафа бўласан.

— Балбахт, абраҳ!— деб ғазаб билан қичқирди Шелбихоним.

— Аввал сени кўнглинг деб, унинг сўзига қулоқ солишини ҳам истамадим. Ёлғон десам, ҳар нарса бўлай, ишон!

— Дўстим,— деди Шелбихоним, ўзини босиб олиб.— Менин афв эт. Мен пича қизиққонлик қилдим. Кутилмаганда бу кулфат бошимга тушиб қолди. Мен бунга мутлақо ҳозирланмагандим, шунинг учун бунчалик ҳаяжонга тушдим. Лекин, бу шўрликларни ҳимоя қилиши ҳақида менга сўз берасанми? Том қора бадан бўлса ҳам, олижаноб ва содиқ киши. Менинг имоним комил, мистер Шелби, агар зарур бўлиб қолса у бизни деб жонини фидо қиласи.

— Бунга мен ҳам шубҳа қилмайман. Аммо, вақт ўтди. Қўлимдан ҳеч нарса келмайди.

— Пулдан кечсак бўлмайдими? Мен ҳар қандай машаққатларни тортишга тайёрман. Агар биз шу қуриб кетгур даромадимизни деб ҳалол ва содиқ Томни сотсак, мен бу одамларнинг юзига қайси юз билан қарайман? Мен Элиза билан унинг боласи тўғрисида, боласига нисбатан унинг мажбуриятлари ва уни қандай тарбиялаш кераклиги тўғрисида сўзлашиб, насиҳатлар қилгандим; агар унинг боласини тортиб олиб сотадиган бўлсанг, унга мен нима деб айтаман? У бизнинг алдаганимизни ва боласини сотиб юборганимизни кўрса, бизга энди ишонадими?

— Бу ишларга сенинг шу қадар куюнишинг менга ҳам оғир ботади,— деди мистер Шелби.— Сенинг кечираётган ҳисларингга тамоман қўшилмасам ҳам уларга

тән бераман. Аммо, сенга яна айтай: нақадар куюнсанг ҳам барибир фойдасиз; не қилай, бошқа иложим йўқ. Сенга бу ҳақда узундан-узоқ гапирмоқчи эмасман, Эмили. Лекин, аслини суриштирганда, бу оғир аҳволдан чиқиш учун фақат биргина йўл бор: ё бизнинг бутун қўрғончамизни сотиш керак, ё буларнинг иккисини. Ё булар сотилади, ё ҳамма мулк кетади. Гэлининг қўлида гаров қофози бор; агар унга қарзимизни дарҳол тўламасам, бу қофозга мувофиқ, бизнинг ҳамма мулкимизни олади. Мен пул жамғардим, тежадим, қарз олдим, фақат гадойлик қилмадим, холос. Учма-уч қилиш учун шунинг икковини сотишга тўғри келди. Гэли болани олгиси келди ва фақат шу шарт билан қўрғончага бўлган ўз ҳуқуқидан кечишга кўнадинган бўлди. Мен унинг қўлида эдим, шунинг учун унинг айтганига кўнишга мажбур эдим. Буларнинг икковига жуда раҳминг келади, майли, лекин бутун мол-мулкингдан ажралганингда бундан ҳам ёмон бўлмасмиди?

Шелбихонимнинг қути ўчди. Кейин пардоз-жавончага ўгирилиб, бошини қўли билан ушлаб, оҳ торта бошлади.

— Ўзингни тут, азиҳим! — деди Шелби.— Менинг қароримнинг заруриятдан эканлигини, мушкул ишни мумкин қадар жўнлик билан уddaлашга ҳаракат қиласмини тушунгандирсан энди?

— Албатта, албатта! — деди Шелбихоним, гаранглик билан тилла соатини қўлида айлантирапкан.— Менда қиммат баҳо ва нодир нарсалар йўқ,— хаёл суреб давом этди у,— лекин бу соатни ҳам анча пулга олар? Бир вақтлари бу соатга катта пул тўланганди. Мен Элизанинг боласини қутқазиш учун ҳамма нарсамнинг баҳридан кечардим.

— Эмили, юз бераётган бу ишлар учун шунчалик гам чекаётганингга хафаман, жуда хафаман. Лекин, нима қилай, ҳеч иложимиз йўқ. Иш битган, Эмили. Сотилганлиги ҳақидаги қофозларга қўл қўйилиб, Гэлига толширилган. Ишнинг янада ҳунукроқ бўлмагани учун сен миннатдор бўлишинг керак. Бу одам бизни хонавайрон қилиши мумкин эди, лекин энди биз қутулдик... Агар сен бу одамни мен билганимча билганингда эди, бизнинг ҳалокат жарининг ёқасига бориб қолганимизни тушунардинг.

— У шу қадар шафқатсизми?

— Йўқ, шафқатсиз эмас.. аммо шундай одамки, фақат савдогарликни ва фойда қилишни билади. У, худди мозордек, худди ажалнинг ўзидек совуқ, гапидан қайтмайдиган бераҳм киши. Мен амнимани, у онасига ҳеч бир ёмонлик тиламайди, аммо шунга қарамай, кўп пул берилшини, яхши фойда қилишини билса, онасини ҳам сотиб юборадиган киши...

Шундай аглаҳ энди хушкўнгил ва садоқатли Том билан Элиза боласининг хўжайнини бўлди дегин?

— Ростини айтсан, бунинг учун мен ҳам жуда диққатман, азизим. Хусусан яна шунга ачиняпманки, Гэли уларнинг икковини ҳам эртага олиб кетмоқчи. Шўрлик Томни кўрмаслик учун, баравқт отга миниб кетаман. Сен ҳам Элизани бирор ёққа олиб кетсанг бўларди. Иш усиз битиб қўя қолсин.

— Йўқ, йўқ,— деди Шелбихоним.— Мен бу ҳунук ишга иштирокчи бўлишини истамайман. Мен бориб бечора кекса Томни қўраман, қайғусига ҳамдамлашаман, худо уни паноҳида асрасин! Лоақал бекаларининг уларга хайриҳоҳлигини ва улар билан бирга қайғураётганини кўрадилар-ку. Элиза ҳақида эса бир нарса деёлмайман ҳам. Нима гуноҳ қилган эканмизки, бошимизга бундай ёмон кулфат тушди?!

Мистер Шелби билан Шелбихоним ўртасида бўлаётган бу гапларни яна бир киши эшигаётганидан уларнинг мутлақо хабарлари йўқ эди.

Уларнинг ётоқҳоналарига катта омбор туташар ва унинг эшиги даҳлизга чиқарди. Шелбихоним Элизани чиқариб юборганди, қони қизиб кетган бу жувоннинг хаёлига дарҳол шу омбор тушганди. У, ўша омборга кириб яширинди-да, эшик ёриғига қулогини қўйиб, бўлган гапнинг ҳаммасини эшилди. Овоз тингандан кейин оҳиста турди-да, чиқиб кетди.



Ранги ўчган, титраган лаблариниң қимтиб хұмрайған бу жувон ҳозиргача күрганимиз құрқоқ ва нозик аәлга мутлақо ўхшамасди. У айвондан әхтиётлик билан ўтди, Шелбихонимнинг эшиги ёнида бир дам тұхтади. Кейин орқасига қайрилди-да, қадамининг овозини чиқармасдан ўз бўлмачасига кириб кетди.

Унинг бўлмачаси шинам, озода бўлиб, беканинг бўлмаси билан бир қаватда эди. Мана қадрдон ёруғ дераза: Элиза шу деразанинг олдидаги ўтириб чок тикиш ва қўшиқ айтишни яхши кўрарди. Мана — китоб қўйилган кичкина шкафча; унинг тахталарига узунасига ҳар хил майда-чуйда буюмлар — рождество байрамида олган совғалари териб қўйилган. Мана шкафда ва комод қутиларидаги унинг соддагина тикилган кийим-кепакларин тахланган — хуллас, бу ер унинг истиқомат қиласидиган жойи, бу ерда у баҳтиёр яшарди! Худди шу ерда, каравотчада унинг боласи ҳам ухлаб ётибди. Унинг узун қўнғир сочлари манглайн устида тўзиб ётар, кичкина оғзи салгина очиқ, момиқдай юмшоқ қўлчалари кўрвага чўзилган, юзида эса, қуёш нуридек табассум унинг ҳуснинг ҳусн қўшарди.

— Бечора бола! — деб пичирлади Элиза. — Сени сотишибди! Лекин, онанг ҳалок бўлишингга асло йўл қўймайди!

Боланинг ёстиғига унинг бир томчи ҳам кўз ёши тўкилмади. Элиза, бир варақ қофоз билан қалам олдида, тез-тез ёза бошлади.

«Бекам, азиз бекам, менинг ишшукур деб ҳисобланмаг, менинг ҳақимда ёмон гап ўйламанг! Бугун кечқурун хўжайин билан гаплашган сўзларингизнинг ҳаммасини эшилдим. Ўз боламни қутқазишга уриниб кўраман — бунинг учун мени қораламанг! Яхшиликларингиз учун сизни худо ёфлақасин!»

Элиза шу сўзларни ёзиг бўлгандан кейин шкаф ёнига келиб, ўғлининг кийим-бошини кичкина тугунчага солди-да, уни дастрўмолча билан камарига боғлади.

Онанинг меҳр муҳаббати шундай ширинки, ҳатто шу қадар даҳшатли дақиқалар кечираётган чоқда ҳам у, боласининг севимли ўйинчоқларини тугунчага солиб қўйинши унутмади. У, бола уйғонгандага овунтириш учун, ранго-ранг бўёқлар суркалган тұти қуш ўйинчогини алоҳида ажратиб қўйди. Уни уйғотиш осон эмас-

ди, лекин шундай бўлса-да, уйғонди ва онаси қалпоқчани кийиб, рўмолини ўаркан, каравотчада ўз қушини ўйнаб ўтириди.

— Ойи, қаерга борасан?— деб сўради у, Элиза унинг пальтосини ва шапкасини ушлаб, каравот ёнига келганда.

Она ўғлини кўксига босди ва унинг безовталанган назаридан, бола ёмон бир воқна бўлганини сезди.

— Жим, Гарри,— деди у.— Қаттиқ сўзлама, тағин эшитиб қолишимасин. Ёмон бир одам келибди: у кичкина Гаррини ойисидан тортиб олиб, бир томонга — ҳоронги дунёга олиб кетармиш. Лекин, ойиси Гаррини бермайди. Онаси ўзининг кичкина Гаррисига пальтосини, шапкачасини кийгизиб, у билан бирга қочади-кетади: ёмон одам уни ушлаётмайди.

Элиза бу сўзларни айтаркан, боланинг кийимини кийинтириб, тугмаларини соларди; кейин уни кўтардилада, қулогига пичирлаб, мумкин қадар жим бўлиш кераклигини тайинлади. Сўнгра, айвонга чиқадиган бўлмачасининг эшигини очиб, шов-шувсиз чиқди.

Юлдузли совуқ тун эди. Она боласини рўмолга ўради: бола унинг бўйнидан қучоқлади-да, аллақандай даҳшатли воқна бўлишини сезгандай, жим бўлди.

Эшик тагида ётган Ньюфаундленд зотли катта кўпак — қари Бруно Элизанинг яқинлашишини сезиб, бўғиқ овоз билан ҳурди-да, иргиб ўрнидан турди. Элиза унинг номини айтиб мулойим чақирланди, болалик чогида у билан бирга ўйнаган Бруно думини қимирилатиб, унинг орқасидан жўнашга ҳозирланди. Ит, юз бераётган воқианинг асл маъносини тушунарлик идро-ки бўлмагани учун, Элизанинг эҳтиётсизлик билан кечаси томошага чиқинишдан мақсад нима эканлигини сира билолмасди. У гоҳ Элизага, гоҳ уйга қараб тез-тез тўхтар, кейин гўё иш нима эканлигини пайқагандек янга унинг орқасидан эргашарди. Беш минутдан сўнг улар Том тоғанинг кулбасига етдилар; Элиза секингинз деразали қоқди.

— Ким?— деб қичқирди Хлоя хола иргиб туриб, пардани тез кўтараркан.— Агар бу Элиза бўлмаса мени ер ютсин! Кийин чол, тезроқ бўл! Унинг орқасидан қари Бруно ҳам эргашиб келибди. Нима ҳодиса юз берди экан? Мен ҳозир эшикни очаман.

У туриб эшикни дарров очди. Том шошилганича шамни ёқди; шунда қочоқнинг азоб чеккаш юзига ва жовдираган қора кўзига ёруғ тушди.

— Ё раббим! Нима бўлди, Элиза, афтинга қараб бўлмайди-а? Қасалмисан?

— Том тоға, Хлоя хола, мен боламни олиб қочиб кетинман. Хўжайин боламни сотибди.

— Сотибди?!— акси садодек тақрорлашди ҳар иккиси, гоят қўрққанларидан қўлларини тепага кўтариб.

— Ҳа, боламни сотибди,— қатъний деди Элиза.— Бугун кечқурун мен омборга кириб, бека бўлмасининг эшиги тагида туриб эшилдим: хўжайин бекамга менинг Гаррини.. кейин... Том тоға, сизни.. икковингизни қул-фурушга сотганини айтди. Хўжайин саҳарлаб отга мениб кетар экан, кундуз эса, сизларни олиб кетгани у одам келаркан.

Том унинг сўзларини эшитаркан, гўё булар ҳаммаси тушида бўлаётгандек кўринарди. Кўзлари катта очилганди Қўли тепага кўтарилганча турарди. Ниҳоят, бу янги гап секин-секин унинг миясига етиб борди. У худди ҳушидан кетгандек, эски курсига Йиқилди-ю, боши тиззасига ҳам бўлиб қолди.

— Бундай бўлиши сира мумкин эмас!— деди Хлоя хола.— Чолим нима ёмонлик қилибди экан! Хўжайин уни нима учун сотмоқчи бўлади?

— Том тоға ҳеч қандай ёмонлик қилганимас, хўжайин ўзи ҳам уни сотишни истамаган экан. Бека ҳам... У жуда хушкўнгил... Беканинг унга ялиниб, бизни олиб қолишни сўраганини ўзим эшилдим. Лекин хўжайин: «иложи йўқ» деди. Хўжайин у одамдан қарздор бўлиб, унинг қўлига қарам бўлиб қолибди... Агар қарзини бут қилиб узмаса, бутун мол-мулкни, ҳамма одамларни сотиб жўнашга тўғри келаркан. Ҳа, у худди шундай деди... Ўзим эшилдим... Ё Том билан Гаррини сотиш керак, ё қолган ҳамма мол-мулкни, деди... у одам хўжайинни шу даражага етказибдики, хўжайнин: «мен ҳам жуда хафаман» дейди. Бека эса... агар унинг айтган гапларини эшилсангиз эди!

— Ҳой чол,— деди Хлоя хола.— Нима учун сен ҳам қочмайсан? Сени Жанубга жўнатишларини кутасанми? У ерда негрлар очликдан ва калтакнинг зарбидан ўларкан. Мен ўлимга рози бўлардим-у, аммо бундай азобга бормасдим. Пайтдан фойдаланиб, Элиза билан бирга

қоч. Дарҳол! Сустлик қилма! Ҳозир нарсаларингни йиғишириб бераман.

Том бошини оҳиста кўтарди, ғамгин, аммо вазминлик билан разм солди-да, деди:

— Мен бормайман. Элиза қочсин, майли — бу унинг иши! Уни мен айнитмайман. Унинг қолиши мумкинmas. Лекин унинг галини эшиздингми? Агарда ё мени, ё қолган ҳаммани сотиш лозим бўлса, яхиси, мени сотишсан. Мен бошқа ҳар бир кимса каби, бoshимга тушган кулфатга бардош бераман,— деди у, аммо бу онда фифон ёки ҳўнграш каби бир нарса унинг кенг кўксини ларзага солди.— Ҳўжайин мени ҳамма вақт ўз жойимдан топган — эндиликда ҳам ўз жойимдан топади. Уни мен ҳеч алдамаганман, сўзини қайтармаганман ва ҳеч қайтармайман. Бутун қўргончани талон-торож қилиб, ҳаммани сотгандан кўра, битта менинг ўзимни сотгандари яхши. Бу ишда ҳўжайинни айлаш мумкинmas, Хлоя: у сенга ва бизнинг бечора.. болаларимизга ғамхўрлик...

У, қўпол ва пастқам йигма каравотга назар ташлади-да, унда ётган болаларининг қўнғир соч бошларини кўриб, мадори кетди. У курсининг орқасига бағрини бериб, кенг кафтлари билан юзини ёпди. Унинг хириллаб оғир ва қаттиқ йиғлашидан курси ларзага келар ва кўз ёшлари бармоқлари орасидан маржон бўлиб оқарди — сэр, сизнинг тўнғич ўғлингиз тобутига тўқадиган кўз ёшингиз каби, ҳамда хоним, сизнинг жон берадиган болангизнинг додини эшишиб тўқадиган кўз ёшингиз каби ёш оқарди. Чунки у ҳам худди сиз каби инсон эди.

— Бугун тушдан кейин эримни кўриб эдим,— деди Элиза, бир дам эшик олдида тўхтаб.— У билан кўришган вақтимда бундай ҳодиса бўлиши хаёлимга ҳам келмаганди! Уни шундай ёмон аҳволга етказибдиларки, у менга қочишига қарор берганлигини айтди. Агар иложини топсангиз, менинг тўғримда унга хабар беринг. Менинг қандай кетганимни ва нима учун кетганимни унга айтинг. Яна айтингки, мен Канадага бориб олишга уриниб кўраман. Унга айтингки, мен уни севаман ва энди у билан учрашиш менга ҳеч қачон насиб бўлмайди! — деди ва бир лаҳза орқасини ўғирди.— Унга айтингки, шу чоққача бўлган феъл-авторини бундан кейин ҳам асло бузмасин... Брунони чақиринг,— деди яна

у.— Эшикни ёпиб, ташқари чиқарманг! Бечора ит! У менга эргашиб кетмасин!

Яна кўз ёши тўкилди, яна бир неча видолашув сўзлари айтилди-да, таажжубланган ва чўчиған болани бағрига босиб, Элиза кулбадан оҳиста чиқди.

VI БОБ *Маълум бўлиш*

Мистер Шелби билан Шелбихоним эртасига одатдагидан кечроқ турдилар, чунки кечаси икки ўртада анча гап бўлганидан, бир талай вақт узоқ гаплашиб ухламагандилар.

Шелбихоним бир неча марта қўнғироқ чалса ҳам ҳеч ким келмади.

— Бу Элизага нима бўлди экан, тушунолмайман,— деди у.

Мистер Шелби кўзгу олдида ўтириб устара қайради.

Шу чоғ эшик очилди ва соқол қириш учун сув кўтариб қора бадан малай кирди.

— Энди,— деди унга бека,— Элизанинг эшигини қочқиб, уч марта қўнғироқ чалганимни унга айт... Бечора!— деб пиҷирлади у хўрсиниб.

Хаял ўтмай, Энди, жуда таажжубланган ҳолда кўзларини бакрайтириб югуриб келди.

— Вой хоним!— Лизанинг ҳамма қутилари очиқ, нарсалари сочилган! У худди шу топда бир ёққа жўнаб кетгандек...

Эр ва хотин, нима воқна содир бўлганини дарҳол тушундилар.

— У ҳамма нарсани пайқагану, қочган!— деб қичқирди эр.

— Худога шукур!— деди Шелбихоним.— Илоҳим қоччиб олган бўлсин!

— Хотин, сен ақли йўқ кишидек гапирасан!— деди мистер Шелби.— Агар у ростдан ҳам қочган бўлса, мен жуда чатоқ аҳволга тушиб қоламан. Гэли менинг иккиманганимни, у болани сотишни истамаганимни кўрганди; шунинг учун уни мени розилигим билан яширишган, деб ўйлади. Номусга ўламан-ал!

Шу сўзларни айтиб, мистер Шелби шошилганича бўлмадан чиқиб кетди.

Үйда чорак соат давомида қора, оқ ва қорача юзли кишилар ҳар томонга югуришди, дам-бадам хитоб овозлари, эшик тарақлашлари эшитилиб турди. Бу ҳодисани фақат Хлоя хола очиқ айтиб бероларди, аммо у чурқ этмади.

Унинг одатда қувноқ чеҳраси, қора булут каби хафақон эди, лекин у атрофида бўлаётган тўполонни эшиитмагандек конуштага бисквит пишираверди. Тезда ўнтача негр болалари айвон панжарасига қарға каби тизилишди, уларнинг ҳар қайсиси, қулфурушининг омади қўлдан кетганини энг аввал унга хабар беришга тоқатсизлик билан ҳозирланарди.

— Буни эшитса, жинни бўлиб қолади, худо урсин,— деди Энди.

— Роса сўкинади-да! — деди кичкина қора Жек.

— Бўлмасамчи! У сўкишга уста-ку-я! — деди қўнғир соч Мэнди.— Мен кеча овқат еганида гаптрган гапини эшитдим. Мен бекамиз қўзаларни қўядиган даҳлизда туриб, гапларини битта қўймай эшитдим.

Мэнди эшитган ҳақоратли сўзларнинг маъносини қора мушукдан ортиқ тушунмаган бўлса ҳам негр болалар орасида керилиб юра бошлиди, ҳолбуки қулфуруш мистер Шелби билан сўзлашаётганда, у даҳлизда — қўзалар орасида юмалоқ бўлиб, қаттиқ ухламоқда эди ва буни болаларга айтишни унуганди.

Мана оёғида шпорли этик кийган Гэли ҳам пайдо бўлди. Ҳаммалари унга кўнгилсиз хабарни шошилиб баравар айтишиди.

Шайтончаларнинг айтганлари дарвоҷе тўғри чиқди: Гэли шундай сўкиндики, болалар унинг паришонлигини кўриб жуда ҳузур-ҳузур қилдилар. У, қамчиси билан болаларга ҳамла қилганди, уларнинг ҳаммаси чийиллашиб ва кулишиб айвон тагидаги ўт ичига ташланишди. Уларнинг қичқириши, масхаралashi ва питирлаши давом этаверди.

— Агар бу шайтончалар меники бўлса... — тишлари орасидан овоз чиқа, ўб вайсади Гэли.

— Сеникимас-да, сеникимас! — деди кесатиб. Энди, омади келмаган савдогар орқасидан юзини масхараомуз иржайтириб.

— Бундай ҳам расвогарчилик бўладими, Шелби? — деди Гэли меҳмонхонага ўйқусдан кириб.— Падари қусур жувон боласини олиб қочибди, деб эшитдим,

— Мистер Гэли, бу ерда хотиним утирибди,— деди мистер Шелби.

- Кечирасиз, хоним,— деди Гэли, назар-писандсиз таъзим қиласкан, ҳамон хўмрайиб.— Аммо, мен бояги сўзимни тақоролаб айтаманки, мен жуда ғалати гап эшитиб қолдим. Бу гап ростми, сэр?

— Сэр,— деди мистер Шелби,— агар сиз мен билан бир иш қилмоқчи бўлсангиз, ўзингизни жентльменларча тутишингиз лозим. Ҳай. Энди, мистер Гэлининг шляпаси билан қамчисини ол. Утиринг, сэр. Шундай, сэр, сизга зўр ачиниш билан айтишим лозимки, у жувон бизнинг икки ўртамиздаги галимизга бирор жойдан қулоқ солиб турибдими, ёки бизнинг муддаомиз ҳақида бирор кишидан хабар эшитидими, ишқилиб бугун кечаси боласини олиб номаълум ёқقا қочибди.

— Ростини айтсан, мен ҳалол савдони кутгандим,— деди Гэли.

— Сизнинг сўзингизни қандай тушуниш керак, сэр?— деб қатъий сўради мистер Шелби, унга юзини ўгириб.— Менинг виждонли эканимдан гумон қиладиган одамларга биттагина жавобим бор, холос.

Бу сўзларни эшитиб савдогарнинг эти учди ва анча босиқ оҳанг билан: «Ўзим ҳалол иш тута туриб, аҳмоқ бўлиб қолганимга жуда ачинаман», деди.

— Мистер Гэли,— деди мистер Шелби,— агар сизнинг койиш учун сабабларингиз борлигни билмаганимда эди, меҳмонхонамизга қўполлик билан, одобга риоя қилмай, бостириб киришингизга чираб туролмасдим. Тақрор айтаман, гарчи шароит менга қарши бўлса ҳам, «сен бу алдовнинг иштирокчисисан» деган гинанинг менга ташланишига йўл қўймайман. Мен сизга ёрдам қилишга ўзимни мажбур деб биламан ва сизнинг мулкингизни топиш учун отлару, хизматкорлар ва бошқа зарур ҳамма нарсаларни ихтиёрингизга бераман. Хуллас, Гэли,— деди у, тўсатдан ўзининг одатдаги хушмуомалалигига қайтиб,— сизнинг учун энг яхшиси вазмин бўлиш ва биз билан бирга нонушта қилишдир. Ундан кейин, нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашайлик, тузукмӣ?

Шелбихоним ўрнидан туриб: «Баъзи бир ишларим борлиги сабабли сизлар билан нонушта қилолмайман», деди ва уйда ҳамма жуда ҳурматлайдиган мулат аёлга

ионушта вақтида дастёрлик қилишни топшириб, бўлмадан чиқиб кетди.

— Кампир хонимингиз каминани уича ёқтирамадилар,— деди Гэли, ўзинн мистер Шелбига қалин олмоқчи бўлиб, аммо унинг бу ҳазили қўпол чиқди.

— Хотиним ҳақида ўзга кишининг бундай гап ганиришига кўнкмаганман,— деди мистер Шелби совуқ қилиб.

— Афв сўрайман. ҳазиллашгандим,— деди Гэли, мажбуран кулиб.

— Ҳар қандай ҳазил ҳам ўринли бўлавермайди,— деб эътиroz этди Шелби.

«Уша қоғозларга қўл қўйганимдан буён бу одам ҳаддидан ошиб кетяпти,— деб дўнгиллади Гэли ўзиға.— Кечадан буён бурни кўтарилиб қолди иблиснинг!»

Томнинг қисмати ҳақидаги хабар унинг қора бадан ўртоқлари орасида шундай ҳаяжон қўзгадики, бунинг олдида биринчи вазирнинг ўрнидан тушганлиги ҳақидаги хабарни эшигандан сарой доираларинда қўзгаладиган ҳаяжонлар ҳеч нима эди. Далада ҳам, уйда ҳам ҳеч ким ишламасди, ҳамма бу ишнинг турли оқибатини муҳокама қилиш билангина овора эди. Элизанинг қочиши Шелби қўргончасида шу вақтгача сира юз бермаган воқна бўлиб, бу нарса ҳамманинг ҳаяжонини янада ошириб юборди.

Сэм қора (ҳамма қора баданлардан ҳам қорароқ бўлгани учун унга шундай лақаб бергандилар) бу воқиани ҳар тарафлама муҳокама қилас ва ўзининг даражаси ошиши ҳақида шундай планлар тузардики, уни кўриб Вашингтондаги ҳар бир оқ бадан ватанипарвар ҳавас қилса бўларди.

— Ҳеч бир томонга эсмаган шамол — ёмон шамол бўлади,— дерди Сэм насиҳатомуз, иштонини юқори тортиб ва подтяжкасининг узилган тугмаси ўрнига абжирлик билан узун михни тиқиб.— Ҳа, ҳеч бир томонга эсмаган шамол — бемаза шамол бўлади,— деб такрорлади у.— Мана, Том ҳам ўриндан тушди. Табиий, унинг ўрнини бошқа бир негр босиши керак. Унинг ўрнига нима учун мен ўтирмас эканман? Том ялтиллаган этикларни кийиб... чўнтағига пропускасини солиб... худди муътабар одамдек отга миниб, теварак атрофда айланниб юради. Нима учун Том юради? Нега Сэм эмас? Ана шуни билгим келади!

— Алло, Сэм, Сэм!.. Хўжайин сенга Билл билан Жеррини эгарласин деди,— деб қичқирди. Энди Сэмнинг вутқини бузиб.

— Нима учун экан, акаси?

— Билмайсанми, Лиза боласини олиб қочибди.

— Бу хабарни ачангга айт!— деди Сэм бениҳоя нафрат билан.— Сэм бу хабарни сендан бурунроқ эшигтан! Сэм сен ўйлагандака пандавоқилардан эмас!

— Яхши! Лекин, хўжайин Билл билан Жерри тезроқ эгарлансан, деб буюрди. Сен билан мен мистер Гэли билан биргаликда Элизани ахтаргани борарканмиз.

— Оҳ-ҳо! Ана бу соз!— деди Сэм.— Сэмга ана шундай муҳим ишни топширибдилар. Отангга раҳмат, Сэм! Мен уни албатта ушлайман, кўрасан! Сэмнинг қўлидан нималар келишини хўжайин билиб қўйсин!

— Лекин, Сэм,— деди Энди,— шуни ҳам билиб қўйки, Элизанинг ушланишини бека истамайди; агар сен уни ушласанг, бека соchlарингни юлиб олади.

— Рости билан-а!— деди Сэм!— Сэм, таажжубланганидан кўзини бақрайтириб.— Буни қаердан билсан-а?

— Ўз қулоғим билан эшидим! Бугун эрталаб хўжайнинг соқол олиш учун сув олиб киргандим, бека мени «бор, Лизани қара, нега ҳалигача кийинишимга ёрдамлашгани чиқмайди?», деб юборди. Мен қайтиб келиб: «Лиза дом-дараксиз гойиб бўлибди» десам, бека «Худога шукур!» деди. Хўжайин эса жинни бўлиб қолаёзди ва бекага қараб: «Хотин, сен аҳмоқ одамга ўхшаб гапирасан», деди. Аммо, бека ўз деганини қилади. Мен биламан! Шунинг учун беканинг тарафида бўлиш ҳар вақт хатарсизроқ бўлади, билиб қўй.

Сэм қўнғир соч бошини қашлади, унинг боши унча донишманд бошлардан эмас, аммо барча мамлакатларнинг сиёсатдонлари каби «соннинг қайси томонига ёғ суркалганини» билиш пайига тушарди. Шунинг учун тафаккурга чулғаниб, иштонининг липпасини яна тортиб қўйди: бу эса ҳар доим унинг ақли равон ишлашига ёрдам берарди.

— Бека, Лизани толиш учун бутун дунёни тинтиб чиқишга тайёр деб ўйловдим,— деди у хаёл сурган ҳолда.

— Ана холос! — деди Энди. — Билмайсанми, сен қора негр, ахир, бека Элизанинг боласи анави мистер Гэлининг қўлига тушишини жон-жаҳди билан истамайди.

— Аҳа,— деди Сэм негрларга хос оҳанг билан.

— Биласанми Сэм, деди Энди,— менингча, тезроқ отларни эгарлагани жўнаганинг яхшироқ, чунки сени бека сўраётганини эшитувдим. Бу ерда лақиллайверишнинг фойдаси йўқ.

Сэм ўша ондаёқ топшириқни бажаргани югурди ва ҳаял ўтмай пиллапоя ёнига Билл билан Жеррини тантанали суратда чоптириб олиб келди. У, югуриб келаётib, от устига миниб олди ва Гэлининг ҳуркак тойи боғланган қозиқ ёнига чопиб келди. Ҳуркак той чўчиб, тизгинини тортди.

— Ҳа-ҳа, қўрқдингми? — деди Сэм, унинг қора юзида ғалати табассум пайдо бўлди. — Сени ҳозир тинчигиб қўяман.

Баҳайбат бук дарахти бу жойга кенг кўланкасини барада энлаб ташлаган, унинг уч қиррали ёнгоқлари ердаги ўтлар орасида ётарди. Сэм, Гэлининг тойи ёнига келиб, уни тинчитмоқчи бўлгандек, бўйинин силабсийпади. Кейин, тойнинг эгарини тузатмоқчи бўлиб, эгар остига қиррали ёнгоқчани тиқиб қўйди. Қани энди бирор унинг эгарини босиб кўрсин — асов той, орқасида ярир эмас, ҳатто чақа жой ҳам бўлмагани ҳолда, жинни бўлиб дингиллади.

— Тайёр! — деди Сэм, ўзининг бу ишидан мамнун бўлганидан кўзларини жовдиратиб ва илжайиб,— уни тинчигиб қўйдим!

Айвонда Шелбихоним кўринди ва Сэмни имлаб ҷақирди.

— Нега бундай сусайиб қолибсан Сэм? Мен Эндини сенинг олдингга «тезроқ бўлсин» деб юборувдим. Сен, мистер Гэли билан бирга борасан; унга йўлни кўрсат, ёрдам бер. Отларни эҳтиёт қил. Жеррининг ўтган ҳафтадан буён оқсоқлаётганини биласан-ку. Уни қаттиқ чоптирма.

Шелбихоним сўнгги сўзларни овозини пасайтириб ва жуда уқдириб айтди.

— Менга ишонаверинг,— деди Сэм, кўзини маънодор жовдиратиб.— Отларни эҳтиёт қиласман бека, хотиржам бўлинг.

— Биласанми Энди,— деди Сэм, дарахт остидаги ўз жойига қайтиб,— бу жентльмен отига минганды, оти чўччанглай бошлаши ҳам ажаб эмас, отнинг тез-тез чўччанглашини биласан-ку,— деб у, Эндининг биқинига туртиб қўйди.

— Аҳа!— деди Энди, у гапнинг таги нимада эканлигини дарров тушунганлиги маълум бўлди.

— Тушундингми Энди, бека вақтдан ютмоқчи — бу ҳар кимга равшан, ҳатто аҳмоқ одамга ҳам. Бекани мақсадига етказишга ёрдам бераман.

Энди иржайди.

— Биласанми Энди, агар мистер Гэлининг тойи гожлик қилса, сен билан мен дарҳол отимиздан тушиб унга ёрдам берамиз. Ёрдамни боплаймиз, хотиржам бўл!

Сэм билан Энди бошларини орқага ташлаб қаҳқаҳлаб кулганларни, бармоқларини қарсилатиб, завқ билан оёқларини силтаб ўйнай бошладилар.

Шу чор айвонда Гэли кўринди. Бир неча пиёла аччиқ кофе бир оз кайфини очганди, шумнинг учун у, кулимсираган ҳолда, мистер Шелби билан гаплаша туриб, ташқарига чиқди. Сэм билан Энди, негрлар шляпа ўрнига киядиган ва хурмо баргидан тўқилган саватчаларни қўлларига олдилар ва хўжайнинг ёрдамга тайёр эканликларини билдиргансизмон отларнинг ёнига югурдилар.

Сэмнинг бошидаги саватчанинг хурмо барглари шалпайиб, айниқса четлари ҳар томонга осилиб кетган эди. Бу унинг қиёфасини ёввойи фиджлар қабиласининг оқсоқоли каби сарбаст ва қўрқмас қилиб кўрсатарди. Энди кийган шляпанинг зийлари мутлақо йўқ эди, у шляпасини эпчиллик билан бошининг ўртасига тортид, у гўё: «Қани, бошимдагини бирор шляпа демай кўрсинчи!» демоқчи бўлгандек, ўзидан гоят мамнун кўринарди.

— Қани, йигитлар,— деди Гэли,— тезроқ бўлинг! Вақтни бой бермаслигимиз керак.

— Ақалли бир минутни ҳам қўлдан бермаймиз, мистер,— деди Сэм, от тизгинин Гэлига узатаркан, бу вақт Энди бошқа икки отни ечарди.

Гэли эгарга тегиши биланоқ, асов от бирдан чўччанглаб, эгасини бир неча қадам нарига отиб юборди. Савдогар юмшоқ қуруқ ўт устига йиқилди.

Сэм қаттиқ қичқириб, тезроқ тизгинни ушлашга шошилди. Бу чор Сэмнинг бошидаги хурмо баргидан қилинган шляпанинг ўткир учлари отнинг кўзига тегдики, бу ҳам отнинг асовлигини босишга ҳеч қанча ёрдам бермади. От, Сэмни шиддат билан йиқитди-да, уч-тўрт бор пишқириб, икки оёғини осмонинг кўтарди. Шундан кейин, у, ариқнинг пастки томонига қараб қочди, унинг орқасидан Билл билан Жерри ҳам чопдилар,— отларнинг тизгинларини бўшатиб юборган Энди ҳар хил иҳайё тортиб, қийқириб, уларнинг янам жадал чопишлирига сабаб бўларди. Жуда ёмон тўс-тўполон бошланди. Сэм билан Энди чопишиб бақиришарди, ўнг ва сўл томондан итлар вовиллашарди. Майк, Моз, Мэнди, Фэнни ва яна бир қанча ўғил ва қиз болалар пойга қилиб югуришар, чапак чалишар ва зўр бериб чинқиришарди.

Гэлининг жуда чопонғич оқ оти бу пойгага астойдил қатнашаётгандек кўринарди. У кенг майсазорга қараб чопиб кетди. Майсазор катта, узуннга камида яrim, энiga ҳам яrim милча келарди. Унинг тўрт томони дарахтзор эди. Қувиб келаётган кишиларни от яқиннинг келтирас, лекин бирор кишининг қўли сал унга тегиши билан титраб, пишқириб, дарахтзор томонга қочарди. Бундан у, жуда роҳат олгандай эди. Сэм, отни ушлаш учун ҳақиқатан қаҳрамонларча иш қилгандек кўриниса ҳам аслида отни ушлаш унинг хаёлига ҳам келмасди. Доим қаттиқ жанг ичидан кўринган Арслон юрак Ричардинг¹ қиличи каби, Сэмнинг бошидаги хурмо барглари ҳам отни ушлаш хавфи мутлақо йўқ жойларда парпираб қоларди. У, «Ушла! Ушла! Тут уни!» деб бақирава чопар, бу билан албатта умумий тўполонни янада кучайтириб юборарди.

Гэли отни лаънатлаб, сўкиниб ва тепиниб у ёқдан-бу ёққа чопарди. Мистер Шелби ҳам айвонда туриб, қичқириб, буйруқлар бермоқчи бўларди, лекин булар беҳуда эди. Шелбихоним ўз бўлмасининг дсрзасидан бу манзараға кулиб қараб турарди. Бу тўполоннинг сабабини дилида пайқаса ҳам буларнинг ҳаммаси унга ғалати кўринарди.

¹ Ричард Арслон юрак—1189 йилдан 1199 йилгача подшолик қилган инглиз қироли. У Фаластинга салб юришлари вақтида жасурлиги билан шуҳрат қозонганди.



Фақат пешин пайтига бориб ғолибона қиёфада Сэм кўринди: у Жеррига мингани ва Гэлининг отини етаклаб олганди. Гэлининг оти терга пишган, чақнаб турган кўзлари ва бурнининг керилиб ва пучайиб туриши ундаги озодлик руҳининг ҳали батамом йўқолмаганини билдириб турарди.

— Ушладим! — деб тантанали суратда қичқирди Сэм. — Ҳеч кимга тутқич бермади, лекин мен тутдим!

— Сен-а! — деб тўнғиллади Гэли. — Сен бўлмаганингда, бундай ҳодиса бўлмасди ҳам.

— Худо ёрлақасин, мистер! — деб қичқирди Сэм, бегуноҳ ҳақоратланган кишидек. — Отингизнинг орқасидан шундай ўзгурдимки, терга пишиб сув бўлиб кетдим!

— Ҳўп, ҳўп, — деди Гэли. — Сенинг лаънати каллаварамлигинг касофатига мен уч соатча вақтни бой бердим! Аҳмоқлик қилганинг бўлади энди!

— Қўйсангизчи, мистер! — гина қилгандек деди Сэм. — Ҳаммамизни сидирғасига ўлдирасиз шекилли, бизни ҳам, отларни ҳам! Бизлар роса ҳолдан тойиб, йиқилиб қолаёздик, отлар бўлса кўпиклаб кетди. Тушдан кейин жўнасак яхши эмасми, мистер? Отингизни

тозалаш керак, мистер, лой сачраганини кўринг. Жери ҳам оқсоқлайди. Бека бизни дам олдирмасдан жұнатмас дейман. Лизини эса бирпасда ушлаб оламиз, хотиржам бўлинг. Лизи тез чопишни билмайди!

Айвонда турган Шелбихоним бу гапларни роҳат қилиб тингларкан, гапга ўзи ҳам қатнашишга қарор қилди. У Гэлининг ёнига келди ва рўй берган ҳодиса учун мулоҳимлик билан таассуф билдириб, обедга қолишини таклиф этди ва овқат тайёр эканлигини айтди.

Гэли бутун аҳволни тушунганидан, бу сафар ўзини жуда одобли тутди ва беканинг самимилигига ишонмаётганлигини яшириб-нетиб турмай, овқатхонага жўнади. Сэм эса унинг орқасидан, кўзини тасвирлаб бўлмайдиган даражада олайтириб, отларни етаклади-да, жиддият билан отхонага жўнади.

— Кўрдингми уни, Энди? Кўрдингми? — деб сўради Сэм, отларни устунига боғлаб, омбор орқасига ўтаркан.

— Ё раббим, унинг типирчилаб юришларини, сен билан мени сўкишини кўриб жуда маза қилдим-да! Сўкинавер, қари шайтон,— дедим ичимда.—«Агар отим яна қайтиб қўлимга кирсин десанг, то ушлагунимча сабр қил». Худо урсин, Энди, уни жуда болладим-да!

Сэм билан Энди деворга суюндилар-да, чин юракдан қаҳ-қаҳлаб қула бошладилар.

— Отни олиб келганимда, унинг ғазабланганини кўрсангди! Агар қўлидан келса, мени ўлдирарди. Мен эсам унинг олдида, бегуноҳ кишидек итоат билан унга қараб туравердим.

— Тўғри, тўғри, кўрдим,— деди Энди.— Сен эски муғомбирсан, азбаройи худо!

— Бўлмасамчи! — деди Сэм.— Беканинг юқорила дераза ёнида туриб кулганини кўрдингми?

— Кулиб турдими? Кўрмабман,— деди Энди.

— Тушуняпсанми,— деди Сэм, улуғворлик билан Гэлининг отини тозалагани бораркан,— нима десам экан, ҳа, мен зийраклик билан ҳамма нарсани дарров пайқаб олишга одатланганман. Бу жуда яхши одат. Энди... Сен ҳали ёшсан, бу одатни ўрган. Отнинг орқа оёғини эҳтиёт бўлиб кўтар, Энди! Биласанми, Энди, негрлар бир-бирларидан зийраклик билан ажralадилар. Шамол қаёқдан келаётганини бугун эрталаб пайқамадингми? Бека менга ҳеч нима демаган бўлса ҳам, унинг раъйини фаҳмламадимми? Бунинг ҳаммаси зий-

ракликдан, Энди! Истеъдод деган нарса ана шунаقا бўлади. Истеъдод ҳар кимда ҳар хил бўлади, агар уни авж олдиришни эплай олсанг, жуда барака толиб кетишинг мумкин!

— Агар мен эрта билан сенинг зийраклигингга ёрдам бермаганимда, ҳозир бурнингни бундай кўтармаган бўлардинг!— деди Энди.

— Энди,— деди Сэм,— сен одам бўладиган боласан, бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ. Сенинг ҳақинингда яхши фикрдаман, Энди аҳён-аҳёnda сендан батзи нарсани ўрганишдан ҳам уялмайман. Биз ҳеч кимга нафрат кўзи билан қарамаслигимиз керак, чунки энг абжирларимиз ҳам гоҳо янглишиб қолишимиз мумкин. Қани, Энди уйга борайлик. Ишонаманки, бека бизни ширин-ширин нарсалар билан зиёфат қизларса қерак.

VII БОБ

Онанинг кураши

Элиза, Том тоғанинг кулбасидан чиқиб кетган кечаси ўзини шундай ёлғиз ва бахтсиз ҳис этдики, инсон боласини бундай аҳволда тасаввур этиш қийин.

У ўзининг бутун ёшлик даврини ўтказган бирдан-бир уйни ташлаб, севикли ва ҳурматли дўстининг ҳимоясидан маҳрум бўлиб, ўзини хавф-хатарга чоғлади; бунинг натижасида чекаётган руҳий азоби устига яна бошига кулфат тушган эрининг ва хавф остида қолган боласининг ғами қўшилди. Элиза кўнишиб қолган ҳамма нарсасидан жудо бўлди; униб-ўсган қўрадан, остида ўйнаган дараҳтлардан, энг бахтли кунларида кечқурунлари ёш эри билан қўлни-қўлга беришиб сайд қилган дараҳтзордан айрилди. Осмонда юлдузлар чараклаб турган мусаффо совуқ тунда унинг бутун ўтмиши уни койигандек «бундай уйдан нечук кетдинг?» деб сўраёттандек бўларди.

Шунга қарамай, оналик муҳаббатининг ҳамма нарсадан кучли бўлиши ва даҳшатли хавфнинг яқинлиги, уни ақл билан сира ҳисоблашмай, бутун ҳисга берилиб, шу чорани кўришга мажбур этди. Гарри энди кичкина бола эмас; у, онасининг ёнида кетса бўлаверар ва одатда Элиза уни етаклаб юрарди. Бироқ, ҳозир эса: «боламни қучогимдан чиқарниб юборишим мумкин» де-

ган фикрнинг ўзи хаёлига келганда, чўчиб тушар ва уни изтироб билан кўксига босиб, илгари жадалларди.

Агар оёғининг остида музлаган ер андаккина гирчиллаб кетса ҳам, уни қаттиқ қалтироқ босарди. Қимирлаган ҳар бир сояни, шамол учирив келаётган ҳар бир баргни кўриб, юраги дукиллаб урар ва у қадамиши яна илдамроқ босарди. Ў, «бунча куч менга қаердан келяпти?» деб таажжубланаарди. Бола унга қушдек енгил кўрипар ва қўрқсан сайнинг кучига-куч қўшилгандек туюларди.

Хой, оналар, агар сизнинг Гаррингизни ёки Виллингизни эртага сиздан тортиб олиб, золим қулфуруш қўлига толширадиган бўлганларида эди, агар сиз бу қулфурушни ўз кўзингиз билан кўрганингизда эди, агар сиз болангизнинг олди-сотдиси битганлигини ўз қулоғингиз билан эшитганингизда ва ишончли манзилга етиб олиш учун сизнинг ихтиёргизда фақат ўн икки соат қолганини билганингизда эди — гоят абжирлик билан югуриш учун сизнинг ҳам кучингиз етарди, рост эмасми? Айтингчи, севикили жигаргўшангизни бағрингизга босиб, унинг ухлаётган боши елкангизда эканлигини ва нафис қўлчалари бўйнингизни ишонч билан қучиб олганини сезганингизда, сиз ўзингиз ҳам шу қисқа фурсат ичидан қанча-қанча йўл босардигиз?

Бола ухларди. Аввал у, аҳволнинг янгилигидан ва қўрқувдан ухлаёлмади. Лекин она: «агар товушингни чиқармасанг, сени албатта қутқазаман», деб ишонтирди ва унга қаттиқ нафас чиқаргани ҳам қўймади. Бола, уйқу енга бошлагач, қўлчалари билан онасининг бўйнидан оҳиста қучоқлади-да, сўради:

— Ая, мен ҳеч ухламайми?

— Йўқ, азизим, уйқунг келса, ухлайвер

— Афв, агар ухлаб қолсам. мени у одамга бериб қўймайсизми?

— Йўқ-йўқ! — деб жавоб берди она, ранги оқариб. Унинг катта қора кўзлари янаем чақнади.

— Ростдан бермайсиз-а, ая?

— Албатта, бермайман!

Элиза ўз овозидан қўрқиб кетди — бу овоз унга бошқа кишининг овозидек туюлди. Чарчаган бола бошчасини унинг елкасига ташлади-да, тезда ухлаб қолди. Бўйнига иссиқ қўлчаларнинг тегиши ва ширин

нафас ҳовуриининг уриши уни руҳлантириб, ғайратига-ғайрат қўшгандек бўларди.

Қўранинг чегараси — хиёбон ва кичкина чакалак-зор жуда тез орқада қолиб кетди. Элиза эса, таниш жойлар ёнидан бирин-кетин ўтиб, чарчаши сезмай, тўхтамасдан ҳамон олға борарди. Пушти тонг нурлари ёнила бошлаган пайтда, у, қадрдон жойлардан узоқдаги катта йўлга чиқиб олди.

У, бека билан бирга бу ёрга Огайо¹ дарёсидан узоқда бўлмаган Т... қишлоғига тез-тез келиб турар ва бу йўлни яхши биларди.

Элиза учун Огайо дарёсининг нариги томонига ўтиб олиш — қутулиш демак эди.

Йўлда от ва аравалар кўрина бошлагач, Элиза хавф-хатар чоғида кўпинча инсонга хос тез фаросат билан тушундикни, унинг тез юриши ва паришон аҳволи ўткинчиларда шубҳа туғдириши мумкин. Шунга кўра у, болани ерга қўйди-да, кийим-бошини тузатиб, қадамини секинлаштириди. Тугунчасида сомса ва олма бор эди, шулардан фойдаланиб, болани тез юргизарди. У, олмани ерга юмалатиб юборар, бола олма орқасидан чопарди. Шу айёрликни такрорлаш натижасида, болани тобора нарига овинтириб борарди.

Тезда Элиза қалин ўрмонга етиб олди, ўрмонда жилдираб зилол·бир жилга оқарди. Бола очлик ва ташналиктан шикоят қилгани учун у, бола билан бирга говдан ўтди-да, йўлдан уларни пана қилиб турган катта тош орқасига ўтиб, тугунидан овқат олди ва болани ионушта қилдира бошлади. Бола онасининг ҳеч нарса емаганини кўриб, бунга аввал таажжубланди, сўнгра хафа бўлди. У, онасининг бўйнидан қулоқлаб, унинг оғзига сомса тиқмоқчи бўлар, лекин онасининг оғзидан овқат ўтмасди.

- Йўқ, йўқ, азизим Гарри! То сен хатардан чиқмагунингча онанг овқат еёлмайди. То дарёга етиб олгунимизча юришимиз керак.

¹ Огайо дарёси — Миссисипи дарёсининг чап тармоги. У, Кентукки штатини, Иллинойс, Индиана ва Огайо штатларидан ажратиб туради. Кентукки қулдорлик штати бўлиб, Иллинойс ва Огайолар — эркин штатлар эди. Кентуккини қуллар Огайо дарёсидан эркин штатларга ўтишин орзу қиласардилар, аммо эркин штатларининг маъмурлари одатда қочоқларни ушлаб, уларни эгаларига қайтариб юборар эдилар. Фақат Канадага етиб олган қочоқ қулгина ўзини хавф-хатардан бутунлай қутулган, деб сезарди.

Кейин у яна йўлга чиқди-да, ўзини оғир ва бир текисда олға қадам босишга мажбур этди.

Элиза, одамлари уни яхши таниган яқин қишлоқлардан ўтди. У: «Менинг хўжайнинларимнинг яхшилиги ҳаммага маълум, шу сабабли мени кўрган киши «қочибди деб гумон қилмайди», деб ўзига таскин берарди. Бундан ташқари, Элиза ва унинг боласи шу қадар оқ эдиларки, фақат диққат билан қарагандагина асл негрлигини пайқаш мумкин эди.

У, пешиндан кейин яхшигина бир фермада тўхтаб, дам олмоқчи ва ўзи ҳамда боласи учун овқат сотиб олмоқчи бўлди. Ҳатардан узоқлашган сайин, ундаги ҳаддан ошиқ асабий ҳаяжон пасаяр, шу билан бирга у ўзининг чарчаганини ва очқаганини сезарди.

Ферма бекаси хушкўнгил ва эзма хотин бўлиб, бирор билан лақиллашиб гап сотиш имкониятига мусассар бўлганига хурсанд эди, у Элизанинг қўшини қишлоққа, дўстларимникига бир ҳафта-ярим ҳафта меҳмон бўлгани кетяпман, деган сўзинг лаққа ишонди. Кошки бу сўз рост бўлсайди!

Қуёш ботишга бир соат қолганда у, Огайо бўйидаги Т... қишлоғига кирди. У, чарчаган, оёқлари оғрирди, лекин бу ҳол унинг қарорини бўшаштирамади. У, ҳаммадан илгари дарёга назар ташлади, чунки дарёнинг нариги томонида уни озодлик кутмоқда эди!

Илк баҳор пайти, дарё тўлган ва ҳайқиради. Қайнаб-тошиб оқаётган сувда катта-катта муз парчалари оқарди. Кентукки штатига қаравали нариги соҳилнинг алоҳида шакли шундан иборатки, дарёнинг бу қирғоги сувнинг ичига анча ёриб киради, шунинг учун дарёнинг бу ери бошқа жойларга қараганда тор бўлиб, муз парчалари бир-бирига киришиб кетганди. Бу музлар худди сузуб бораёттандай катта бир солга ўхшаб, бутун дарёни энлаган ва Кентукки соҳилларигача чўзилганди.

Элиза бир дам тўхтаб дарёга назар ташлади. У, қайиқка ишониш мумкин эмаслигини тушунди, чунки бу муз парчаларини ҳеч қандай кема ёриб ўтолмаслиги равшан эди. Шу туфайли у нариги соҳилга қандай қилиб ўтишни сўраш учун кичкина мусофирихонага жўнади.

Жизиллаётган плита ёнида туриб, кечки овқат пишираётган мусофирихона бекасининг қулогига Элизанинг майин ва қайғули овози эшитилди.

— Нима дейсиз?— деб сўради у.

— Бу ерда одамларни нариги томонга, Б... га олиб ўтиб қўядиган кема ёки қайиқ йўқми?— деб сўради Элиза.

— Албатта йўқ!— деб жавоб берди мусофирихона бекаси.— Қайнқлар юрмай қўйган.

Элиза қўрқсан ва кайфи бузук эди; унинг бу қиёфасидан ҳайратланган бека сўради:

— Нариги томонга ўтмоқчимисиз? Бирор кишингиз касал бўлиб қолдими? Сиз жуда ташвишланган кўринасиз.

— Менинг болам хатарда қолди, қутқариш кепрак,— деди Элиза.— Буни мен шу кун кечаси билдим ва «Мени дарёдан қайиқда ўтказиб қўядилар», деган умид билан кўп йўл босиб келдим.

— Вой шўрим!— деди шу он оналик туйғуси уйғонган аёл.— Қандай қилиб сизга ёрдам берсам экан! Соғомон!— деб қичқирди у ҳовли ўртасидаги кичкина кулбага, деразадан қараб.

Эшик ёнида чарм фартуқли, қўллари ифлос бир эркак кўринди.

— Ҳой, Сол,— деди аёл унга,— у одам бугун кечаси дарёдан ўтармикан?

— У, агар муз камайса, ўтишга ҳаракат қилиб кўраман, деяпти,— деди Соғомон.

— Бу ерда бир одам бор. У, бугун кечқурун нариги томонга мол олиб ўтмоқчи. У одам бу ерга овқат қилгани келади. У келгунча, бу ерда кутиб ўтиринг. Болангиз жуда яхши экан-а!— деди аёл, Гаррига сомса узатиб.

Йўл машаққатидан қийналган бола эса, сомеага қарамай, йиглай берди.

— Бечора бола! У юриб ўрганимаган, мен эсам тез юргизиб келдим,— деди Элиза.

— Болангизни манави хонага ётқизиб қўйинг,— деди аёл, ичида бежиримгина каравот турган кичкина ётоқхонани кўрсатиб.

Элиза ҳориган болани ётқизди ва то у ухлагунча қўлчаларини ушлаб турди. Элиза, кетидан қувиб келувчиларни ўйлар ва бу ўй уни тинмай азобларди. У, тўлқинланиб оқаётган тунд дарёнинг, ўзига озодлик бахш этадиган нариги қирғоқча суқланиб боқарди.

Элизани ҳозирча шу ерда қолдириб, уни таъқиб этувчиларнинг нима қилаётганлигини гапириб берайлик.

Гарчи Шелбихоним: «овқат ҳозир столга қўйилади», деб ваъда қилган бўлса ҳам ҳақиқатда бундай эмаслиги жуда тез аён бўлди. Бирин-кетин беш-олтита бола орқали овқат дарров тайёрлансан, деган буйруқ Гэлининг ҳузурида Хлоя холага юборилган бўлишига қарамай, муҳтарам ошпаз ойим бунга жавобан пиқилаб кулиб, бошини силкди-да, абжирлик билан ўз ишини бемалол давом этдираверди.

Бундай қараганди, бу ҳол жуда ғалати кўринса ҳам хизматкорлар беканинг сусткашликка хафа бўлмаслигини сезиб турадилар. Яна шуниси ажойибки, ишни чўзиш учун бу пайт жуда кўп имкон тугилиб қолди! Иши юришмаган бирор қовурманни ағдариб юборди. Астойдил эътибор ва қоидаси билан янгидан қовурма пиширишга тўғри келди. Хлоя хола аранг қимирлар ва тезроқ бўлиш ҳақидаги ҳамма илтимосларга: «Бирор бирорни тезроқ тутиб олсин, деб дастурхонга хом қовурманни чиқармайман», деб жавоб берарди. Сувга юборилган бола пақирни ағдариб юборди ва яна қудуққа жўнашга тўғри келди. Бошқа бирор ёғни тўкиб юборди. Шунинг учун ўқтин-ўқтин: «Мистер Гэлининг кайфи жойида эмас, курсида ўтиrolмай, бу бурчакдан-у бурчакка ивиришиб юриб турибди», деган овозалар келарди.

— Майли! — деди Хлоя хола ғазаб билан. — Агар тузалмаса, иши ёмон бўлади. Унинг орқасида жон эгаси азроилни юборганда, кўрамиз — у қандай сайраркан!

— Унинг тўппа-тўғри дўзахга тушиши турган гап,— деди кичкина Жек.

— У жуда дўзахбоб,— деди Хлоя хола,— у жуда кўп кишиларнинг юрагини поралаган! — деб давом қилди у, қўлидаги вилкани баланд кўтариб. — Мистер Жоржнинг қиёмат куни худо олдида қасос сўровчи жонлар тўгрисида ўқиб берган китоби эсингиздами? Худой-таоло ахири уларнинг овозини эшитади.

Ошхонада Хлоя холани ҳамма ҳурмат қиласар, унинг сўзларини ғоят эътибор билан тинглардилар; овқат дастурхонга узатилганди, шунинг учун бутун ошхона-

даги халойиқ у билан лақиллашиб, сўзларини қулоқ-қа олиш имконига мусассар эди.

— Унга ўшаганлар дўзахда абадий ёнса керак дейман-а?— деб сўради Энди.

— Унинг дўзахда ёнганини кўрсам маза қиласдимда,— деди кичкина Жек.

— Ҳой, болалар!— деб тўсатдан овоз чиқди ва ҳамма чўчиб тушди.

Бу — Том тоға бўлиб, ошхонага ҳалигина кирган ва эшик ёнида тўхтаб, гапларга қулоқ соларди.

— Болалар,— деди у,— тилларнинг нима деб вайсаётганини ўзларнинг тушунмайсиз. Абадийлик жуда даҳшатли сўз, болаларим. У тўғрида ҳатто ўйлаш ҳам даҳшатли бўлади. Ҳеч бир кимсага абадий азоб тилаб бўлмайди.

— Биз, қулфурушлардан бошқа ҳеч кимга абадий азобни тиламаймиз,— деди Энди.— Уларни эса ҳамма, «умрбод дўзахда ёнса экан» дейди. Уларнинг ўзи шундай ёвуз бўлганидан кейин, сиз билан биз нима қилолардик.

— Табнатнинг ўзи уларга қарши фарёд қилмаяптими, ахир?— деди Хлоя хола.— Улар, оналарнинг бағридан болани тортиб олиб, сотмайдиларми? Болалар оналарнинг этагига ёпишиб қий-чув йиғлаганларига қарамай, улар шу болаларни тортиб олиб сотадилар. Улар хотинни эридан жудо қиласдилар,— деб давом этаркан Хлоя хола, йиғлаб юборди,— холбуки, хотин билан эр учун айрилиқ ўлимдан ҳам ёмон. Одамларнинг бошига қаттиқ қайғу тушиб заҳар ютадилар, булар бўлса май ичиб, тамаки чекиб кайф сурадилар. Ё раббим, агар буларни шайтон ўз жойинга олиб кетмаса, шайтоннинг нима кераги бор?

Хлоя хола катак-катак этаги билан юзини ёпиб, қаттиқ ҳўнграй бошлади.

Ўз душманларнингизнинг омонлиги учун ибодат қилингиз — худойи таоло сизга мана шундай амр қиласан,— деди Том.

— Буни қаранг, уларнинг омонлиги учун ибодат қилингиз эмиш!— деб хитоб қилди Хлоя хола.— Тавба қилдим, сен ҳаддан зиёд талаб қиласан! Мен уларнинг омонлиги учун ибодат қилолмайман.

— Мен шу нарсага жуда хурсанд бўлдимки, хўжайин бугун эрталаб ҳеч қаёққа кетмабди,— деди

Том.—Агар у кетиб қолганда жуда хафа бўлардим. Мени сотиб юборганидан ҳам ортиқ хафа бўлардим. Балки унинг учун мен билан хайрлашмай бемалол кетавериш ҳеч нима бўлмаса ҳам менга оғир бўларди: ахир, мен уни гўдаклик чоғидан биламан-а. Мен хўжайинни кўрдим, энди ҳеч нарса демай, худонинг иродасига бўйсунаман. Хўжайнинг бошқа иложи бўлмаган, у, тўғри иш қилган. Аммо, шундан қўрқаманки, мен кеттандан кейин бу ерда ҳамма нарса вайрон бўлмаса. Хўжайн ҳар бир майда-чуйдага, мен каби қараб, текшириб туради, деб бўлмайди. Ёшларнинг жуда яхши ниятлари бўлса ҳам, ўзлари ўтакетган беғамлар. Мени ташвишлантирадигани — ана шу.

Бу вақт қўнғироқ чалиниб, Томни овқатхонага чақирдилар.

— Том,—деди унга хўжайн мулойимлик билан,— сенга шуни айтиб қўймоқчиман; агар сен зарур бўлиб қолганингда ўз жойингда бўлмасанг, мен мана бу жентльменга бир минг доллар тўлашим керак бўлади. Бу киши ҳозир ўз иши билан кетяпти, қайтиб келгунча сен бўшсан. Бир айланиб кел, дўстим.

— Раҳмат, хўжайн,— деди Том.

— Буни эсингда тут,— деди савдогар,— айёрлик қила кўрма. Сен негрларнинг найрангларингни биламан. Ишқилиб, хўжайнингни алдама. Агар йўқолиб қолсанг, ундан бир центигача қўймай, суғуриб оламан. Мен унга: буларнинг ҳеч бирига ишонманг, деб маслаҳат берардим — сизлар питиллаб қўлдан чиқиб кетаверасизлар.

— Хўжайн,— деди Том қаддини ростлаб,— она-игиз сизни менинг қўлимга тутқизганда роса саккиз ёшда эдим, сиз бўлсангиж бир яшар ҳам эмасдингиз, «Том, деди онангиз,— бу сенинг ёш хўжайнинг бўлади. Уни яхшилаб аср», деди у киши менга. Энди, хўжайн, сиздан шуни сўрайманки, сизни ҳеч алладими? Сизнинг галикгизга кирмаган вақтим ҳеч бир бўлганими?

Мистер Шелби қаттиқ таъсирланди, унинг кўзларидан жиққа ёш чиқиб кетди.

— Айтган гапларинг ҳаммаси рост, азиз дўстим,— деди у.— Иложи бўлганида эди, сени асло сотмасдим.

— Имкон бўлиши биланоқ сени қайтариб сотиб оламиз, Том,— деди Шелбихоним ва Гэлига мурожаат

қилди:— Сэр, сотадиган одамингизнинг кимлигини яхши билиб, дарҳол менга хабар қилинг.

— Албатта,— деди савдогар.— Буни мен бир йилдан кейин қайта олиб келиб, ўзингизга сотишм мумкин.

— Шундай қилсангиз, яхши пул ишлаб оласиз,— деди Шелбихоним.

— Албатта,— деди савдогар.— Уни кимга сотиш мен учун баб-баравар, ишқилиб фойда қилсам, бас. Менга фойдадан бўлак ҳеч нарса керакмас, хоним. Ҳамма одамлар ҳам аслини сўрасангиз, фақат фойда қилишини ўйлайдилар.

Савдогарнинг беҳаёс сурбетлиги мистер Шелби ва Шелбихонимнинг ғашига тегар ва уларни ҳақоратла-гандек туюларди. Аммо, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзларни босишга мажбур эди. Савдогар ўз муддаосини тобора очиқ айтиб, қўполлигини оширган сари, Шелбихоним Элиза ва унинг боласи учун қаттиқроқ қўрқарди; «Агар улар бу одамнинг чангалига тушиб қолса ҳоли ним кечади?»— деб ўйланар ва унинг мумкин қадар кўпроқ вақтини олиш учун хотинларга хос ҳар хил айёрликларни зўр бериб ишга соларди. У хушта-каллуф кулимсирар, эркин сўзлашар, ишқилиб вақт билиммай ўтсин учун ҳамма воситаларни ишлатарди.

Соат иккода Сэм билан Энди отларни олиб келишди; отлар эрталабки пойгага қарамай, дам олган ва тетик кўринардилар.

Еғлик овқатга тўйган Сэм зўр бериб ишга тушишга ҳар лаҳзада тайёрдек кўринарди. Гэли етиб келганида у, Эндига чиройли сўзлар айтиб мақтана бошлади: «Овимиз жуда ўнгидан келади, бунга кўнглим тўқ», дерди у.

— Хўжайнингиз ит сақласа керак, деб ўйлайман?— деб ташвишланиб сўради Гэли, отга минишга ҳаракат қиласкан.

— Бир гала!— деди Сэм завқланиб.— Брунога қаранг — одамни ейман дейди-я! Бундан ташқари, негрларимизнинг деярли ҳаммасидаям ит бор...

— Тфу!— деди Гэли ва итларга қараб шундай бир гап ташладики, Сэм:

— Нега уларни бунчалик сўкасиз?— деб гудунглади.

— Негрларни ушлайдиган ит сақламайдими хўжаинингиз? Ҳа, бунақа итлар унда йўқлигини ўзим ҳам биламан.

Сэм унинг муддаосини жуда яхши тушунса ҳам ўзини пандавақиликка солди.

— Итларимизнинг сезгирилги чакки эмас. Итларимиз — худди сизга керак итлардан; буига имоним комил. Фақат уларининг бунақа ишларда тажрибаси камроқ. Булар асл ит, қўйиб юборсангиз кўрасиз,— деб ҳуштак чалиб итни чақирди:— Бруно, бу ёққа кел!

Катта ньюфаунделенд кўпмаги унга ўзини ташлади.

— Ҳе, падар қусур!— деди Гэли.— Тез бўл! Кетдик!

Сэм отга иргиб минаркан, Эндини бир қитиқлаб қўйишга ҳам улгурди. Сўнгра қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Бунга жаҳли чиққан Гэли унга бир қамчи тушириди.

— Ҳайронман сенга, Энди,— деди Сэм пинагини бузмасдан.— Ишимиз жуда жиддий, ҳазилнинг вақти эмас. Мистерга ёрдам бериш шунақа бўлмайди.

— Тикка дарёга!— қатъий деди Гэли, улар қўрғонча чегарасига етганларида.— Негрларнинг ҳийласини биламан,— ҳаммаси дарёнинг нариги томонига қочади!

— Албатта,— деди Сэм,— бу гапингиз тўғри.— Мистер Гэли тўғри нишонга уради! Лекин, дарёга иккита йўл боради. Мистер булардан қайси бирини танлайдилар?

Энди, йўл ҳақидаги бу янги гапни эшлиб, таажжубланган ҳолда Сэмга қаради, лекин бунинг маъносини дарров тушуниб, унга шам берди.

— Лиза эски йўлдан юрган бўлса керак,— деди Сэм,— чунки, бундан одам кам қатнайди.

Ўзини жуда иш кўрган деб ҳисобловчи ва бирорга алдатмасликка қаттиқ ишонган Гэлининг ўзи ҳам шундай фикрда эди.

— Агар икковингиз ҳам бундай ёлғончи бўлмаганингизда эди...— бир оз ўйланиб деди Гэли.

Бу сўзларнинг хаёл сурган ҳолда мужмаллик билан айтилиши Эндига жуда кулгили туюлди ва у, ўзини эгарга чалқанча ташлаб шундай қаттиқ кулдикни, отдан иккилиб кетаётди. Сэмнинг афти-ангори эса ғоят жиддий эди.

- Албатта,— деди Сэм.— Мистер ўз билганларича иш тутишлари мумкин. Агар мистер: «янги йўлдан бо-

риш яхши» десалар. янги йўлдан бораверамиз, бизга барибир. Менинг назаримда эвди янги йўл яхшироқ кўриняпти.

— У одам қатнамайдиган йўлдан кетган-ку-я,— деб овозини чиқариб фикрлади Гэли, Сэмнинг мулоҳазасига эътибор бермай.

— Бундай деб бўлмайди! Хотин кишини тушуниш қийин. Сиз уни ана бундай қиласди, деб ўйлайсиз, у эса бошқача иш тутади. Кўпинча тескарисича иш тутади. Уларнинг азалдан яратилиши шунаقا: ҳамма вақт аксинча иш қилишади. Шунинг учун агар сиз, у шу йўлдан кетган бўлса керак, деб ўйлаган бўлсангиз, биллингки, у аниқ бошқа йўлдан кетган. Мен, Лиза эски йўлдан кетган, деб ўйлайман, шунинг учун янги йўлдан бориш керак.

Хотинлар ҳақидаги бу чуқур маъноли мулоҳазаларни эшитгая Гэли, ўз фикрини янги йўл фойдасига ўзгартиргандек кўринди. У чўрт кесиб: «Эски йўлдан борамиз!» — деди ва ўша эски йўлга қачон етиб олишларини Сэмдан сўради.

— Тез етамиз,— деди Сэм ва Эндиға қараб кўзини қисиб, жиддий суратда давом этди:— Лекин, мен ҳар жиҳатдан ўйлаб кўрдим ва мен учун бир нарса мутлақо равшан бўлиб қолди: эски йўлдан бормаслигимиз керак. Мен у йўлдан ҳеч юрганмасман. У шундай бекатновки, адашиб қолишимиз мумкин. Худо билади, ундан қандай қилиб чиқиб оларканмиз!

— Қандай бўлмасин, мен эски йўлдан бораман!— деди Гэли.

— Ҳа, мен яна шуни ҳам ўйлайман: бу йўлда сой жуда кўп дейишади. Ростми, Энди?

Энди бу ҳақда аниқ ҳеч нарса билмасди. У, эски йўл тўғрисидаги гапларни эшитган-у, ўзи унда ҳеч юрганди.

— Хуллас, билмайман дедим — билмайман,— деди у. Елғондакам гапларга кўникиб қолган Гэли: «Сэм жўрттага эски йўлни ёмонлаётган бўлса керак, бу хумпар аввал тўғрисини гапириб қўйди-ю, энди Элизани қўлга туширмаслик учун қип-қизил ёлғончилик қиляпти», деган қарорга келди.

Ниҳоят, улар йўлга чиқиб олишди. Сэм ва Эндидан иборат навкарлари билан Гэли олдинга отилди.

Дарҳақиқат, бу эски йўл бўлиб, бурун дарёга олиб

борарди, аммо бир неча йилдан бўён қолиб кетганикдан, кишилар янги йўлдан қатнайдиган бўлиб қолгандилар. Эски йўлдан бир соатча бемалол юриш мумкин бўлса ҳам ундан кейин юриш ғоят оғир эди, чунки йўл бутунисича девор ва фёрмалар билан тўсиб ташланганди. Сэм буни жуда яхши биларди, аммо Энди бўлса бу йўл тўғрисида ҳатто эшитган ҳам эмасди, чунки унинг ёпилиб кетганига жуда кўп вақт ўтиб кетганди. Лекин, бунга қарамай, Сэм бўйсуниб илгари борар ва гоҳ-гоҳ: «бундай ўнқир-чўнқир йўл Жеррининг бёғини нобуд қиласи» деб ғудунгларди.

— Энди, мен сенларнинг найрангларнинг батамом тушундим!— деб қичқирди Гэли.— Мени жўрттага бу йўлга алдаб бошладинглар! Яхшиси дамингизни чиқармай қўя қолинг!

— Йўл танлаш, хўжайни, сизнинг ихтиёригизда!— Гамгин бўйсунган бўлиб деди Сэм, аммо шу он Эндига қараб кўзини қистанди, у кулгидан ўзини зўрға босиб қолди.

Сэм ўзини жуда тетик кўрсатар, кўзимни йўлнинг икки четидан ҳеч узмаяпман, деб Гэлинин ишонтирас, баъзида эса, узоқ тепаликлар чўққисида «хотин кишининг қалпоқчасини кўрдим» деб қичқирар ёки Эндида:

— Ҳа, пастқам жойдаги анов кўринган Лизага ўхшайдими?— деб сўраб қўярди.

У, бу гапларни отни чоптириб бориш мумкин бўлмайдиган ўнқир-чўнқир ёки сертош жойларда айтар ва шу билан Гэлинин пароканда қилиб қўярди.

Бир соат йўл босгандан сўнг учала чавандоз шовқин-сурон билан катта бир ферма қўрасига кириб келишди. Ҳамма далада ишда бўлганидан, фермада ҳеч ким йўқ эди. Ферманинг ўзи бўлса, йўлни тўсиб тургани сабабли, бу ёғига юриш мумкин эмаслиги аниқланди.

— Буни сизга айтмаганимидим ахир, мистер?— дели Сэм, бегуноҳ дашном еган кишидек.— Бегона киши, бу ерда туғилиб, катта бўлган одам каби, бу ёрларни билармиди?

— Аблаҳ!— деб қичқирди Гэли.— Сен ҳаммасини билгансан!

— «Биламан» деб сизга айтмовдимми? Сиз эса менга ишонмадингиз. Йўлнинг мана шунга ўхшаган тўсиқлигини айтгандим, бу йўлдан юра олишимизга ақлим етмагани. Буни Энди ҳам тасдиқлаши мумкин!



Бунинг ҳаммаси жуда равшан эди. Шўринг қурғур савдогар ўз ғазабини босишга мажбур бўлди; пировардидаги учовлари ҳам от бошини ўнг томонга — янги йўлга қараб буришди.

Мана шу тўхталишлар соясида, Элизанинг боласига Гэли ва унинг одамлари етиб келгунча, қишлоқ меҳмонхонасида бир соатча ухлаб олди. Элиза дераза ёнинда нариги томонга қараб турарди; зийрак кўзли Сэм уни кўриб қолди. Гэли билан Энди бир оз орқароқда эди. Сэм бошидан қалпоғини олиб қаттиқ қичқирди. Элиза бу овозни эшишиб чўчиб тушди ва ўзини орқага ташлади. Отлиқлар дераза тагида, кўча-эшик ёнида тўхтадилар.

Элиза бир лаҳзада минг-минг азоб чекди. Элиза турган хонанинг ён эшиги дарё томонга чиқарди. У болани кўтарди-да, пиллапояллардан узун-узун сакраб ташқари чиқди. У тепалик орқасида ғойиб бўлаётганда, Гэли уни кўриб қолиши биланоқ, отдан тушиб Сэм билан Эндини қаттиқ овоз билан чақирди-да, ўлжаси орқасидан қувган итдек. Элиза орқасидан юурдди. Элиза

бутун кучи борича чопиб,
бир зумда сув бўйига етди.
У, орқасидан қувиб келаёт-
ган савдогарни унга етиб
олаётгандек сезарди. Кейин,
ғайри-табий бир куч билан
руҳланиб, бирдан қаттиқ
қичқирди-да, дарё ёқасида
лойқаланиб оқаётган сувдан
бир сакраб, муз парчаси
устига ўтди. Бу — андиша-
сиз сакраш бўлиб, ақлдан
озган ёки дунёдан умидини
узган кишигина шундай қи-
ла олиши мумкин эди, Гэли
ҳам, Сэм ҳам, Энди ҳам бе-
ихтиёр қичқириб, қўлларини
кўтарганларича қолдилар.

Элиза чиқиб олган катта кўқимтил муз унинг оғир-
лигига бардош беролмай қирсиллаб синди, лекин, у,
бунинг устида бир секунддан ортиқ тўхтамади. У, қат-
тиқ додлагани ҳолда, таваккал қилиб бир муздан ик-
кинчи музга сакраб ўтар, қоқилар, тийганиб кетар,
сакрап ва бир дақиқа ҳам тўхтамай, тобора олдинга
жиларди. Унинг оёғидан кавушлари тушиб кетди, пай-
поқлари тилкаланди, товонлари қонга бўялди. Лекин

унинг кўзига ҳеч нима кў-
ринмас, у ҳеч нарсанни
сезмасди: У Оғайо дарёси-
нинг худди тушдаги каби
ғира-шира соҳилини ва
қирғоққа чиқиб олиш учун
унга ёрдам берган бир
одамни кўргандан кейин-
гина ўзига келди.

— Кимлигингни бил-
майман-у, лекин балли
сенга! — деди у одам.

Элиза уни таниди. Бу
одамнинг фермаси Элизан-
нинг илгарни яшаган уйига
яқин эди.

— Ҳой, мистер Симмс,

мени қутқазинг, мени яширинг!— деб қичқирди Элиза.

— Нима гап ўзи? Тинчликми?— деб сўради мистер Симмс.— Вой, бу Шелбига қарашли аёллардан-ку!

— У, менинг ўғлимни... мана бу болани сотди! Бунинг янги хўжайини, ҳу ана — турибди,— деди Элиза нариги қирғоқни кўрсатиб.— Ҳой мистер Симмс, сизнинг ҳам ўғилчангиз бор-ку!

— Ҳа, бор,— деди бу одам, уни тикка қирғоқча тортиб чиқаркан қўполроқ қилиб, аммо мулоим оҳанг билан.— Лекин, сенга қойилман! Довюракларни яхши кўраман, азбаройи худо!

Қирғоқдаги тепаликка кўтарилигач, ҳалтиги одам тўхтади.

— Сенга бирор фойда етказсам, ўзим ҳам хурсанд бўлардим-у,— деди у,— аммо сени яширадиган жойим йўқ. Яххиси, сен, ҳу ана у ерга бор,— деб катта кўчадаги ҳайбатли оқ уйни кўрсатди. Ӯша ерга бор. У ерда яхши одамлар яшайди. Улар сенга ёрдам беради. Улар ҳар бир ҳожатмандга чин кўнгилдан ёрдам кўрсашибади.

— Раҳмат сизга, катта раҳмат!— деди Элиза, чин кўнглидан миннатдорлик билдириб.

— Арзимайди, арзимайди!— деди бу одам.— Ҳечқи си йўқ! Нима қилдимки, раҳмат дейсан?

— Лекин, сэр, ҳеч кимга айтмассиз деб ўйлайман?

— Бу нима деганинг! Мени ким деб гумон қиляпсан? Албатта, айтмайман,— деди бу одам.— Боравер. Сен ақлли, яхши жувон экансан. Сен озод бўлишга арзисан; озодликка албатта эришасан ҳам.

Элиза, боласини кўксига босиб жўнади. У одам унинг орқасидан қараб қолди.

— Шелби эҳтимол энди мени «қўшничиликка муносиб бўлмаган иш қилибди», деб ўйлар. Лекин, нима ҳам қилардим? Менинг негр аёлларимдан биронтаси у томонга қочиб ўтар экан, майли, у ҳам шундай қилаверсин. Мен, одамнинг орқасидан ит олиб қувганларига қараб чидаёлмасдим. Яна шуниси ҳам борки, бирорининг қули орқасидан қувиб нима ҳузур кўраман?

Элиза нариги қирғоқда кўздан йўқолганга қадар, Гэли гаранг бўлиб турди. Кўздан ғойиб бўлгач, Сэм билан Эндига, «бу нима қилганларинг», дегандек тикилиб қолди.

— Тоза боплади-я! — деди Сэм.

— Бу хотин бало экан! — деди Гэли. — Музлар устидан, худди ёввойи мушукдек сакраб ўтди-я!

— Ишонаманки, — деди Сэм бошини қашиб, — унинг орқасидан қувлаб ўзимизни музга ташламаганимиз учун мистер биздан хафа бўлмасалар керак. Ўлай агар, мен асло бетлаёлмасдим! — деб, Сэм пиқиллаб кулди.

— Тағин куласан-а! — деб бўкирди савдогар унга.

— Оҳ мистер, кулгим қистаяпти, ўзимни ҳеч тўхтатолмаяпман, — деди Сэм, анчадан буён босиб келган қувончига эркинлик бериб. — У жуда қизиқ чопти-да, ахир! Гоҳ «апчийди, гоҳ ирғийди... муз қисирлайди, сувнинг «спилқ-спилқ, шалоп-шулуп» овози эшитилади, холос! Е худо, унинг чопишини қаранг!

Сэм билан Энди то кўзларидан ёш чиққунча кулдилар.

— Тўхтаб тур, сенларни бошқачасига кулдираман ҳозир! — деб кичқирди савдогар, уларга қамчиси билан ҳамма қилиб.

Икковлари ҳам қамчига чап бердилар-да, қийқириб қирроққа югурдилар ва Гэли етиб келгувча, отларига миндилар.

— Яхши қолинг, мистер! — деди Сэм жиддий равишда. — Эҳтимол бекамиз Жерридан ташвишланаётгандирлар. Сиз бизни ортиқ тутиб турмасангиз керак. Биз Лизани ушлаймиз, деб отларни шундай панд кўприк устига солиб юборганимизда, беканинг биздан хафа бўлиши турган гап.

У ҳазиллашиб Эндининг биқинига туртди ва икковлари от бошини қўйвордилар. Шамол уларнинг қаттиқ кулги овозларини Гэли қулоғига гира-шира етказарди.

VIII БОБ

Элизанинг қочиши

Сўнгги оқшом ёруғи сўнаётган чорда Элиза дарёнинг нарги қиргоғига ўтиб олди. У, қирроққа кўтарилиганда, дарёдан оҳиста кўтарилаётган ку.. ранг кечки туман уни чулғаб кўздан яширди, қайнаб оқаётган сув ва бир-бирига туташган муз парчалари уни таъқибчилардан қутъазди.

Қайғуга тушган Гэли, энди нима тадбир кўриш кераклигини ўйлаб, меҳмонхонага секин қайтиб келди. Бир аёл, эски гилам ёзилган кичкина меҳмонхона эшигини унга очди. Меҳмонхонада устига қора ярқироқ клеёнка ёпилган стол ва баланд ёғоч суюнгичли ҳар хил ингичка курсилар турарди: манқал печкада — ўти зўрга ёниб турган ўчоқ устида гипсдан ишланган ва ялтиллатиб бўялган ҳайкалчалар турарди. Учоқ олдида, ўлтириш учун ишқулай, узун ва қаттиқ скамейка турарди; Гэли шунга ўтириб олди-да, кишидаги умид-орзунинг ва умуман одам иқболининг пандлиги ҳақида хаёл сура бошлади.

— Хўш, бу бола менга нима учун керак эди? — дерди у ўзига.— Шуни деб мен, эшакдек аҳмоқ бўлдим-а!

Кейин Гэли гамини енгиллатиш учун, ўзини шундай сара иборалар билан сўка бошладики, бу сўзлар ҳақиқатнинг ўзгинасини ифодалаб беришига қарамай, камтарликка риоя қилиб, уларни ёзмай қўя қолдик.

Аллакимнинг ташқаридан келган қаттиқ ва кескин овози уни бу ҳолатдан чиқарди; овоз эгаси афтидан мусофирихона эшиги олдида отдан тушарди. Гэли шошибаройи дераза ёнига келди.

— Ҳе сабил! Ана уни қаранг! Хизирдек келишини қаранг-а! — деб қичқирди Гэли.— Бу Том Локер-ку, азбаройи худо!

Гэли шундай деди-ю, дарров шошилиб ташқарига чиқди.

Хонанинг бурчагидаги лештахта ёнида бўйи олти фут келадиган, кифти кенг, қорача одам турарди

Унинг эгнида қўтос терисидан тикилган, жуни тескари калта пўстинча бўлиб, унинг қиёфасини ваҳимали қилиб кўрсатарди. Унинг афти-ангари ҳам худди шундай ваҳимали эди. Унинг ўтакетган бераҳм одамлиги ва ҳаддан зиёд баджаҳлиги яққол кўриниб турарди. Агар ўқувчи бу одамнинг ташқи кўриниши ҳақида маълумот олмоқчи бўлса, пўстинча ва қалпоқ кийиб юрган бульдог итни кўз олдига келтирса бас. Ҳамроҳининг кўриниши эса ҳамма жиҳатдан унга батамом қарама-қарши бўлиб, у паст бўйли, бадбуруш, эпчил ва мушукдек айёрлик билан ҳаракат қиласидиган киши эди. Унинг ўтирик қора кўзлари гўё сичқон пойлаётгандек қарап ва бу нарса унинг бутун юз-қиёфасини худди кўзларидек ўтирик қилиб кўрсатарди.

Улкан одам катта стаканга ярим қилиб тоза спирт қўйди ва чурқ этмай ичиб юборди. Пакана одам эса оёқ учига кўтарили-да, бошини ўнг ва чапга буриб, ҳар хил шишаларни ҳидлади ва хотинчалиш чириллаган овоз билан гулоб талаб қилди. Стаканга гулоб қуйиб бергандилар, у янгишмаганини билган кишидак, стаканга диққат ва мамнунлик билан қаради-да, гулобни эҳтиётлик билан қултум-қултум юта бошлади.

— Сени учратган баҳтидан ўргилай!. Кимнинг хаёлига келиши мумкин эди! Салом, Локер! — деди Гэли, улканига қўлини узатиб.

— Иблис! — деган «такаллуфнамо» жавоб айтилди. — Бу ерга сени қайси шамол учирив келди, Гэли?

Мушукка ўҳшаган одамча — унинг номи Мэркс эди — гулоб қултиллатишини дарҳол тўхтатди-да, тумшүғини чўччайтириб, янги ошнага бошдан-оёқ синчиклаб қарай бошлади. Одатда, қуриган барг қимирлаганда, мушук унга ҳудди ана шундай қарайди.

— Сенга дуч келишим жуда соз бўлди-да, Том! Сабил қолсан, мен жуда мушкул аҳволга тушиб турибман... Бундан чиқиб олишда сен менга ёрдам бермасанг бўлмайди, оғайнни...

— Турган гап! — деб ғудунглади унинг хушмуомала ошнаси. — Агар сен кимгаки: «Сени кўриб жуда хурсанд бўлдим» десанг, у одам ўзининг сенга керак бўлиб ҳолганини дарҳол пайқаб олади-я. Хўш, нима гап ўзи?

— Бу сенинг оғайнингми? — деб сўради Гэли, Мэрксга савол аломати билан қараб: — Е шеригингми?

— Ҳа, оғайним. Бу ёққа кел, Мэркс! Мен мана шу олифта билан Натчезда бирга ишлагандим.

— Бу ёқ билан танишганим учун хурсандман, — деди Мэркс, қарганинг пайжаси каби ўзун ва ингичка қўлини узатиб. — Агар янгишмасам, мистер Гэли бўлсалар керак?

— Ўшанинг ўзи, сэр! — деди Гэли. — Энди, жентльменлар, модомики бундай яхши учрашганимиздан кейин, мен сизларни шу овқатхонада жиндаккина меҳмон қилишим керак. Қани чол, — деди пештахта ёнида турган одамга қараб, — бизга қайноқ сув, қақд, сигара ҳамда обиҳаётдан кўпроқ беринг, яхшилаб бир кайфсафо қиласлилар.

Шундай қилиб, шамлар ёқилди, ўчоқда ўт ҳам алангаланиб ёниб турибди; ичкилик ҳамда ноз-неъмат

билин түлган ва кишини дўстона сұхбатга чорлайдиган стол атрофида уч улфат ўтиришибди.

Гэли ўз саргузаштлари ҳақида таъсири қилиб, бир бошдан гапириб кетди. Локер индамасдан хўмрайиб, унинг гапини тингларди. Ўз дидига мослаб пўнш тайёрлаш билан овора Мэркс, гоҳо ўз машғулотини ташлар ва наштардек бурни билан иягини Гэлининг юзига теккизаёзил, унинг сўзинга зўр эътибор билан қулоқ соларди. Ҳикоянинг сўнгги қисми уни чексиз суюнтириди шекилли, елкаси ва биқинлари товушсиз титради ва ингичка лаби табассумдан қийшади.

— Демак, қўлга тушибсиз-да? — деди у.— Ҳи-ҳи-ҳи! Боплашибди!

— Ёш болалар билан овора бўлиш ишимизга кўп халал беради-да — деб ҳасрат қилди Гэли.

— Мабодо биз, болаларини севмайдиган хотинлар зотини чиқаролганимизда, бу нарса ҳозирги замон фанинг жуда катта муваффақияти бўларди-я,— деди Мэркс ва ўз ҳазилини қувватлаш учун ҳиқиллаб кулди.

— Тўғри, тўғри! — деди Гэли.— Мен: «хотинлар ниша учун ўз болаларига бунчалик чирмашиб олишаркин?» деб ҳеч тушунолмасдим. Улар учун чақалоқ ортиқча ташвиш бўлиши ва бу дардисардан қутулгандарига севинишлари керак эди, ахир. Йўқ, ундаи қилмайдилар! Бола қанчаки ташвишни кўп ортдирса, унга шу қадар қаттиқроқ ёпишадилар.

— Шундай, мистер Гэли,— деди Мэркс.— Менга қайноқ сувни узатиб юборинг. Шундай, сэр, сиз худди менинг кўнглимдаги гапни айтдингиз. Мен савдо гарчиллик қилиб юрганимда, бир хотин сотиб олдим. Ўзи бақувват, афти-башараси ҳам туппа-тузук эди. Уша хотиннинг дардчил букри боласи бор эди. Мен бу болани бир одамга совға қилдим, у одам: «Текин келган болани сотсан, бирор нарса ишлаб оламан-ку», — деб умид қилганди. Аммо болани тофтуб олгандан кейин, хотиннинг не ҳолга тушганини билсангиз; дайрон бўлардингиз! Унинг аҳволини кўрсангизди! Боласининг буқрилиги, инжиқлиги ва унга тинчлик бермагани учун янада кўпроқ раҳми келяпти, деб ўйлаш мумкин эди, азбаройи худо! У, жўрттага қилган, деб ҳам ўйламанг. У тинмай йиғлар, боласини чақирап, у бурчакдан бу бурчакка борар, худди ўзининг энг қадрдан дўстларини йўқотгандек изларди. Эсимга тўшса кулгим келали. Хотин-

ларда бўлган ажойиб ва гаройиб хулқларнинг ниҳояси йўқ!

— Мен билан ҳам шундай бир вақиа бўлганди,— деди Гэли.— Утган ёз Қизил дарёнинг этагида бир хотинни чиройлигина боласи билан сотиб олдим. Боланинг кўзи худди сиз билан бизнинг кўзимиздек чақнаб турарди. Лекин зеҳн солиб қарасам, кўр экан. Рост гап, мутлақо кўрмайди! Ана шундан кейин мен, онасига ҳеч нима демай, болани бирор ёққа сотиб юборсам жуда соз иш қилган бўламан, деган фикрга келдим-да, кейин секингни, бир бочка винога айирбош қилдим. Лекин уни онасидан ажратиб олиш учун келганиларида, она худди йўлбарсанинг ўзи бўлиб ҳурпайиб кетди. Биз йўлга чиққанимизча йўқ ва менинг негрларим кишанланмаганди. Нима қилди у қурғур денг? Мушукдек, бир лаҳзада той пахта устига сакраб чиқиб, бир матроснинг пичоғини тортиб олди ва у, азбаройи худо, бир минутда ҳаммамизни тумтарақай қочирди! Аммо бу иши ёрдам бермаслигини кўргач, орқага қайрилди-ю, боласи билан бирга ўзини дарёга ташлаб, бир зумда чўкиб кетди.

— Эҳ!— деди, бу ҳикояни ижирғаниб тинглаётган Том Локер.— Ҳаммаларинг ҳўқизисизлар! Бошқача эмас. Менинг аёлларим бунақа нағмаларни қилмайди.

— Рости билан-а? Уларни қандай қилиб эпақага соляпсиз?— деб, дарров сўради Мэркс.

— Қандай эпақага соляпманми? Мана бундай қилиб. Мабодо аёл сотиб олсам-у, унинг сотадиган боласи бўлса, олдига келиб, тумшуғинга муштимни ўқталиб, шундай дейман: «Буни кўрдингми? Агар чурқ этсанг, тумшуғингни пачоқлайман! Овозингни чиқара кўрма. Бола сеники эмас, меники. Бола билан энди ишинг бўлмасин. Қулай пайт келиши билан, уни сотаман. Шовқин сόла кўрма, йўқса, шундай калтак ейсанки, дунёга келганинга пушаймон қиласан». Азбаройи худо, улар бу гапларимнинг ҳазил эмаслигини ўз кўзлари билан кўриб, худди балиқдай индамай қоладилар. Борди-ю, бирортаси додлай бошласа, у вақтда...— деб мистер Локер столга чунон мушт урдики, ҳаммалари уни сўзсиз ҳам тушундилар.

— Одамга гап уқдириш мана бундай бўлади!— деди Мэркс, Гэлининг биқинига туртиб, ҳиқиллаб кулиб.— Бунинг учун Томга «балли!» дейиш көракмасми?

Ҳи-ҳи-ҳи! Том, агар сиз иблицнинг ўзи бўлмасангиз ҳам, унинг укаси бўласиз, азбаройи худо!

Том бу мақтовни муносиб камтарлик билан қабул қилди.

— Қани, ишга ўтайлик. Хўш, мистер Гэли, нима бўлди энди? — деб сўради Мэркс. — Сиз бизга: «Аёлимни тутишга ёрдам беринг», демоқчимисиз?

— Аёл менини эмас, у Шелбиннинг моли. Фақат боласини, холос. Бу маймунни сотиб олган мен — аҳмоқ!

— Сен умуман аҳмоқсан-ку, — деди Том қўпол равишда.

— Қўйинг, Локер, қўпоплик қилманг, — деди Мэркс, лабини ялаб. — Мистер Гэли бизга аҳволни гапириб берди. Бир оз дамингизни чиқарманг, ҳаммасини тўғрилайман. Бунақа ишларни тўғрилаш — менинг касбим. У хотиннинг афт-ангари қандай, мистер Гэли?

— Оқ, чиройли... Яхши тарбия кўрган. Мен Шелбинга бу аёл учун саккиз юз ёки бир минг доллар таклиф қилиб эдим. Шунда ҳам яхши фойда қиласдим.

— Оқ, чиройли... Яхши тарбия кўрган, — деди Мэркс ва унинг чўччайган қиёфасига жон кирди. — Менга қаранг, Локер, ишнинг боши ёмонмас. Зиён қилмаймиз. Уларни тутамиз: болани, албатта, мистер Гэли олади, аёлни эса ўзимиз. Янги Орлеангага олиб бориб, яхшилаб пул қиласмиз. Ажойиб иш бўлмайдими бу.

Катта оғзини ним очиб, гапга қулоқ солиб ўтирган Том оғзини гўшт парчасини тишлаб олган ит каби бирдан ёпди ва Мэркс изҳор этган фикрни ҳазм қилаёт-гандек кўринди.

— Биласизми, — деди Мэркс, ўз пўнишини аралашти-раркан, Гэлига мурожаат қилиб, — дарё бўйидаги ҳамма шаҳарларда бизга жуда яхши ёрдам берадиган болта судлар бор. Маълумки, Том муштлашишни жуда яхши кўради. Мен бўлсам, башарти қасам ичиш керак бўлиб қолганида, у ерга ясаниб, ялтиллаган ботинкамни кийиб бораман, эгнимдаги ҳамма либосим биринчи навли бўлади. Бундай ишларни қандай қилиб тўғрилашимни кўрсангиз эди, — деди Мэркс, ўз касбидан гуурланиб, қизариб. — Чунончи, бугун мен янги орлеанглик мистер Туйкэмман. Эртага — Марварид дарёсида ги плантациямдан келган плантаторман; у ерда менинг етти юзта негрим ишлаб ётибди. Эртадан кейин мен мистер Генри Клейнинг ёки кентуккилик яна бирорта эшак-

нинг узоқ қариндошиман. Биласизми, истеъдод деганингиз ҳар хил бўлади. Мана, Томни олсангиз, у, муштлаш ва жаижалнинг пири ҳисобланади. Аммо Томнинг ёлғон гапиришга ҳеч қандай истеъдоди йўқ. Албатта, мен ўзимни Том билан сира тенглаштирмайман; лекин, агар бу мамлакатда ҳар нарсага ва ҳар кимга мендан ҳам устароқ қасам ича оладиган, ҳар бир ишнинг тафсилотини ва найрангларини худди мен каби синчилаб суриштира оладиган одам топилса, уни бир томоша қилярдим! Имоним комилки, ҳатто судларимиз гапга юрадиган бўлмаганларида ҳам, мен ҳар қандай жойдан, илондек сирғаниб ёки ўрмалаб ўтолардим. Баъзи вақт мен ўзимга, судлар қаттиқроқ текширсалар экан, уларни боплаб, аллардим, ҳузур қилярдим, дейман...

Юқорида айтилганича, фикри ҳам, ўзи ҳам оғир қимирловчи Том, қўққисдан Мэркснинг сўзини бўлиб, бир мушт билан столни чунон урдики, ҳамма нарса жаранглаб кетди.

— Шундай қилганимиз бўлсин! — деб бақирди у.

— Худо ёрлақасин, Том, стаканлар синмасин ишқилиб, — деди Мэркс, — муштингизни эҳтиёт қилинг, ҳали керак бўлади.

— Лекин, жентльменлар, фойдадан менга ҳам ҳисса тегадими? — деб сўради Гэли.

— Сенга болангни ушлаб берганимизнинг ўзи кифоя қилмайдими? — деб сўради Локер. — Яна нима керак сенга?

— Лекин, — деди Гэли, — агар сизга мен фойдали бир ишни таклиф қилган эканман, бу ахир, бирор нарсага арзир. Менга ўн процент берасизлар. Чиқимларини ўзингиз тўлайсиз.

— Нима? — деди Локер қаттиқ сўкиниб ва столга муштини уриб. — Сени билмайманми, Дэн Гэли? Мени алдайман деган фикрингни миянгдан чиқар. Биз, Мэркс билан икковимиз фақат «сен сингари жентльменларга ёрдам қиласиз-у, ўзимиз қуруқ қолаверамиз», деб бу ишга киришамизми? Шундай деб ўйловдингми? Йўқ, оғайнини, бу номернинг ўтмайди! Хотинни биз оламиз, сен дамингни чиқармайсан, йўқса боланги ҳам олиб қўямиз. Бизга ким халал беради? Улжани бизга кўрсатиб қўйдинг. Энди у бизники ҳам, сенини ҳам. Агар сен ёки Шелби бизнинг орқамиздан қувадиган бўлсангиз,



сизни шундай қарши оламиэки, кейин ҳеч қачон эсин-гиздан чиқармайсиз.

— Хўп, сизнинг айтганингиз бўлсин,— деди Гэли қўрқиб.— Фақат менга болани ушлаб берсаларинг бас... Сен, Том, мен билан доим ҳалол иш қилгансан, ҳар вақт сўзингнинг устидан чиқиб келгансан.

— Ҳеч қачон сен каби анқов бўлганмасман, лекин пул ҳисобига келганда, шайтонга ҳам ёлғон сўзламайман. Буни яхши биласан. Еир ишни қиласман десам, қиласман, буни ҳам биласан, Дэн Гэли.

— Тўғри, тўғри, Том,— деди Гэли.—«Бир ҳафтадан кейин фалон жойда болани қўлингга топшираман», деб ваъда берсанг бўлади. Менга бошқа ҳеч нима керакмас.

— Аммо мен бўлсам, яна бир нималарни истайман,— деб эътиroz қилди Том.— Натчезда, сен учун ҳеч бир ишни текинга қилмаганим эсингда бўлса керак? Билиб қўй, менинг қўлимига кирган нарса қайтиб чиқмайди. Сен ҳамёнингни қоқиб, шу оннинг ўзидаёқ бизга эллик доллар нақд беришинг керак, йўқса, болани ҳам кўрмайсан! Сени биламан!

— Кўлларингда бир минг, ҳатто бир минг олти юз доллар фойда келтирадиган иш турибди-ку! Бунақа чақа пуллардан нима наф кўрасан, Том? — деди Гэли.

— Бу иш биз учун камида беш ҳафталик ишмасми, ахир? Фараз қилдик, биз ҳамма ишимизни йифиштириб қўйиб, чакалакзорларда сенинг болангни ахтардик, борди-ю, пироварди бу хотинни тополмадик, кейин-чи? Ахир, хотин кишини тутиш нима-ю, ажинаки тутиш нима, баб-баравар! Кейин нима бўлади? Бизга бир цент ҳам ҳақ тўламайсанми? Тўлайсан! Кўраман ўшавда қанча тўларкансан? Иўқ, иўқ! Чиқар бу ёққа элликни! Агар биз ишни ютиб чиқсаг-у, бизга даромад берса, пулингни қайтариб бераман. Агар натижа чиқмаса, меҳнатимизга серна-сер бўлади. Гапим тўғрими, Мэркс?

— Албатта, албатта,— деди Мэркс, муросасозлик қилиб.— Бу фақат заколат! Ҳи-ҳи-ҳи! Ахир, билсангиз, биз закончимиз. Биз ҳамма ишни яхшиликча, тинч битиришимиз керак. Том, болангизни истаган жойнингизга етказиб беради. Тўғрими, Том?

— Агар болани топсам, Цинциннатига олиб келиб, пристандаги Гренни Белчерга қўйиб кетаман,— деди Локер.

Мэркс чўнтағидан ёғ бостан ҳамёнини чиқариб, ундан бир варақ қоғоз олгач, ўтириб олди-да, қоғозга ўткир қора кўзини тикиб, гулдурай бошлади.

— «Барнес, Шелби округи¹, негр Жим — тириги ёки ўлиги учун уч юз доллар... Эдварс, Дик ва Люси, эрхотин — олти юз доллар... Полли икки боласи билан — ўзи ёки калласи учун олти юз доллар». Сизнинг ишингиэга кириш учун имконимиз бормикан деб, қўлимиздаги ишларни кўряпман... Локер,— деди у бир оз ўйланиб,— биз Адамс билан Спрингерни мана бу непрлар орқасидан юборишимиз керак.

— Адамс билан Спрингер жуда қиммат олишади,— деди Том.

— Ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Улар бу ишда янги, шунинг учун арzonроқ олишлари керак,— деди Мэркс, ўқиша давом этиб.— Учтаси енгил иш, чунки биз непрларни ё отиб ташлашимиз, ёки «отдик» деб қасам ичишимиз керак. Улар бундай арзимайдиган иш учун қиммат олишмайди. Қолган ишларни,— деди у, қоғозни

¹ Шелби округи — Кентукки штатининг шимолида.

тахлаб,— кейинчалик қилиш мумкин. Энди ишнинг тафсилотига ўтайлик. Мистер Гэли, жувоннинг нариги қирғоққа ўтганини кўрдингизми?

— Сизни шу топда қандай аниқ кўриб турсам, унинг ўтганини ҳам шундай аниқ кўрдим.

— Дарёдан чиқишга ёрдам берган одамни ҳам кўрдингизми?— деди Локер.

— Сўзсиз, кўрдим.

— Энг аниғи шуки,— деди Мэркс— уни бирорта уйга яшириб қўйишиган. Лекин қайси уйга? Буни билиш қийин. Сиз нима дейсиз, Том?

— Биз дарёдан шу бугун кечаси ўтишимиз керак,— деди Том.

— Лекин бу ерда бирорта ҳам қайиқ йўқ,— деб эътиroz билдириди Мэркс.— Муз бўлса, қутуриб оққани-оққан. Хавфли эмасми, Том?

— Хавфни ўйлаб нима қиласан? Дарёдан ўтиш керак, вассалом,— қатъий деди Том.

— Ё раббим!— ташвишланиб хитоб қилди Мэркс— Қеракликка-керакку-я,— деб у дераза ёнита келди.— Гўрдай қоп-қоронғи, кейин, Том...

— Сен қўрқяпсан, Мэркс, аниқ қўрқяпсан. Аммо бошқа чоранг йўқ, сенга йўлга чиқишга тўғри келади. Ё бўлмаса, хотин — Сандаскийга¹ етиб олгунча, бу ерда кутиб ўтироқчимисан?

— Йўғ-эй, ҳеч қўрққаним йўқ,— деди Мэркс,— лекин...

— Нима лекин?— деди Том.

— Қайиқни қаердан топамиз? Бу ерда қайиқ йўғ-у.

— Мусофирхонанинг бекаси: «Бугун оқшом бу ёрда бир қайиқ бўлади», деганини эшитдим. Нариги томонга бирор ўтмоқчи экан,— деди Том.— Биз албатта шу қайиқка тушишимиз керак.

— Яхши итлар ҳам топгандирсиз?— деди Гэли.

— Жуда ўткирларини топганимиз!— деб мақтаниб қўйди Мэркс.— Лекин ундан нима фойда? Итларга искатиш учун сизда унинг ҳеч бир нарсаси бўлмаса керак.

— Ўша нарсасидан бор-да!— тантанали суратда қичқирди Гэли.— Мана, унинг рўмоли. Шошилиб бу ёрдаги каравотда қолдириб кетибди. Бундан ташқари, қалпоқчаси ҳам қолибди.

¹ Сандаский — Оғайо штатидан жуда катта Эри кўлининг жанубий қирғонига қурилган шаҳарча. Эри кўлининг шимолий қирғони Канадага қарабиди.

— Жуда яхши! — деди Локер.

Лекин итлар унга қўққисдан ташланиб, уни ғажиб қўйишлари мумкин-ку, — деди Гэли.

— Гапингиз тўғри! — деди Мэркс. — Бу ерга яқин бўлган Мобиль деган жойда итлар бир непрни бурда-бурда қилиб ташлаган. Итларни ҳайдаёлмасдан қолаверганимиз.

— Кўрдингизми, — деди Гэли. — У эса, шундай молки, бутун қиймати — гўзаллигида. Ҳуснини бузиш ҳеч мумкинмас!

— Тўғри, тўғри, — деди Мэркс. — Бундан ташқари агар у, у томонга ўтиб олган бўлса, ҳеч нима қилиб бўлмайди. Бу жониворлар қочиб ўтадиган штатларда итлар иш бермайди. Унинг излари бошқа излар билан босилиб кетиб ҳеч нарсани топиб бўлмайди. Итлар бу ерда, плантацияларда иш беради: бу ерда негр якка ўзи қочади ва унга ҳеч ким ёрдам бермайди.

— Ана, — деди майхона пештахтаси ёнига маълумот олиш учун борган Локер, — ҳозир қайиқининг эгаси шу ерга келаркан. Шундай қилиб, Мэркс...

Мэркс, ҳозир чиқиб кетиши керак бўлган шинам хонага афсусланиб қаради, лекин бўйсунган ҳолда, курсидан секин қўзғалди.

Гэли бошланаётган иш ҳақида Том билан яна бир оз гаплашгандан кейин, истар-истамас унга эллик долларни чўэди; кейин уч жентльмен бир-биридан ажралишди.

Мусофирихонада бу воқиа давом этаркан, Сэм билан Энди ўзида йўқ хурсанд бўлиб, уйларига жўнадилар.

Сэмнинг қайфи чоғ, у, хурсандчилигини турли-туман қичқириш, қийқириш, ғалати сакраш ва буралишлар билан ифода этарди. Гоҳо у отга тескари миниб олар, отвинг думига қараб борар, кейин қичқириб дўмбалоқ ошиб, яна эгарга ўнг ўтирас ва Эндиға қараб, жиддий равишда: «нега кулиб аҳмоқлик қиласан?» — деб танбеҳлар берарди. Кейин ўз ёnlарига шапалоқ уриб, жон-жаҳди билан кула бошлар ва улар ёнидан ўтиб кетаётган қалин ўрмон бу кулги овозидан жарангларди. Бу нағмаларга қарамай, улар от бошини барала қўйиб боришарди; шунинг учун отлар айвон ёнидаги

тошларга яқин қадам босгандан соат ўн бир ҳам бўлмаганди. Шелбихоним панжара ёнига югуриб келди.

— Сенмисан, Сэм? Хўш, нима бўлди?

— Мистер Гэли мусоғирхонада дам оляпти. У жуда ёмон чарчади, хоним.

— Элизачи?

— Элиза, шак-шубҳасиз, Дажладан ўтиб олди. У ҳозир Ханаан юртида десак бўлади.¹

— Нима дединг, Сэм? Нима демоқчисан?— деб сўради Шелбихоним.

У, Сэм айтган сўзларнинг маъносини фаҳмлаб олгач, нафаси тўхтаб, ҳушидан кетиб қолаёзди!

— Лиза Оғайодага дарёдан ўтиб олди, хоним. Уни худонинг ўзи икки от қўшилган аравасида олиб ўтиб қўйди, шекилли.

— Бу ёққа кел, Сэм,— деди, хотинининг орқасидан айвонга чиқсан мистер Шелби,— бекангга ҳамма воқиани айтиб бер. Юр, Эмили,— деди у, хотинини қучоқлаб.— Совқотибсан, қалтираб кетялсан. Нега бундай ташвишланасан?

Нега ташвишланмайман? Мен ҳам хотин эмасмиман? Мен ҳам она эмасмиман, ахир?

— Бу ёққа кел, Энди! Ҳой негр, тезроқ бўлсангчи!— деб қичқирди. Сэм, айвон ёнида туриб.— Отларни омборга боғла. Эшитмаяпсанми — мени хўжайнин чақиряпти.

Хаял ўтмай, меҳмонхона эшигига қўлига хурмо баргларини ушлаган Сэм кўринди.

— Энди Сэм, бўлган воқиаларнинг ҳаммасини мусфассал айтиб бер,— деди мистер Шелби,— сен билсанми, Элиза қаерда?

— Гап шундай хўжайнин: унинг оқар муз устидан чопиб дарёдан ўтиб кетганлигини ўз_кўзим билан кўрдим. Бу, ҳақиқатан ҳам мұъжиза бўлди. Битта одам уни қирғоққа чиқариб қўйганини ҳам кўрдим, кейин туманда гойиб бўлди.

— Дарҳақиқат, бунинг ҳаммаси ақл бовар қиломайдиган мұъжиза!— деди мистер Шелби.— Оқар муз устидан югуриб дарёдан ўтиш осонми?

¹ У вақтларда ўлган одамларни «Дажладан ўтиб Ханаан юртига кирди» дердилар. Шунинг учун Шелбихоним Сэмнинг сўзидан «Элиза ўлдарилибди», деб тушунганди.

Ранги ўчган ва ҳаяжонланган Шелбихоним, Сэмнинг ҳикоясини нафасини чиқармай тинглаб турарди.

— Худога шукур, тирик экан! — енгиз нафас олиб деди Шелбихоним... — Ҳозир у бечора қаерда экан энди?

— Унинг ғамини худонинг ўзи ейди! — деди Сэм, тақводорларча кўзини осмонга қаратиб. — Уни, шакшубҳасиз, бекамиз бизларга айтган худонинг иродаси қутқазди. Бизнинг ҳаммамиз фақат худо иродасининг қуролимиз. Агар мен бугун худо иродасининг қуроли бўлмаганимда эди, Элизани ўн марта ушлаган бўлардим. Эрта билан отларни қўйвориб, тушки овқат маҳалигача тутолмаган мен эмасми? Агар мен бугун оқшом мистер Гэлини йўлдан беш миль нарига олиб кетмаганимда, ит енотни¹ қандай осон тутиб олса, у ҳам Лизани худди шундай тутиб олмасмиди? Худонинг иродаси ана бунақа бўлади.

— Бу шундай худо иродасики, кейин бунинг учун пушаймон қилмасанг деб қўрқаман, мистер Сэм. Менинг қўрамда жентльменларга бундай муомала қилишга йўл қўймайман, — деди мистер Шелби, ҳозирги шарондада қўлидан келган қадар қаттиққўллик қилиб.

Ёш болани лўписа билан алдаш қийин бўлгани каби, негрни ҳам алдаш қийин, ҳар иккисидан ҳам ҳеч қандай ясамачилик билан ҳақиқатни яшириб бўлмайди. Шунинг учун бу ҳайфсан Сэмга заррача таъсир қилмайди; амо шундай бўлса-да, у жуда қайғурган-симон лабини осилтирди.

— Хўжайн тўғри айтадилар, жуда тўғри: мен жуда ёмон иш қилдим. Аниқ гал, хўжайн билан бека бундай қилғинликларимизга «ҳай баракалла» деёлмайдилар. Мен бечора негрману, аммо мистер Гэлига ўшаган одамларни кўрсам, уларни талтидан тушадиган бир ғалати иш кўрсатгим келаверади. Уни жентльмен деманг. Мен сингари тарбия олган ҳар бир киши жентльмен нима-ю, бошқа нима эканлигини сал-пал тушувнади.

— Модомики сен ўз гуноҳингга иқрор бўлдинг. Сэм, — деди Шелбихоним, — энди Хлоя холанинг олдига бориб, тушки овқатдан қолган чўчқа гўштини сўраб олишинг мумкин. Энди билан иккенинг тоза оч қоғандирсиз?

¹ Ҳайвон.

— Бека бизга жуда саховатлилар,— деди Сэм, шошилиб таъзим қилиб чиқаркан.

Шуни айтиш керакки, мистер Сэмнинг табиий истеъдоди бўлиб, агар сиёсат билан шугулланганида, бу истеъдод унга жуда катта фойда етказган бўларди: бу истеъдод шундан иборат эдик, у ҳар қандай шароитдан ўзи учун шухрат ва ҳурмат ортдириб чиқарди. У, меҳмонхонадаги хўжайнинларини художўйлик ва ювошлик билан овутганидан кейин, энг шалаб ва снгил табиатли қиёфада ҳурмо баргидан тўқилган қалпогини чаккасига тортил ва ошхонада боллаб мақтаниш мақсадида Хлоя хола томонга жўнади.

«— Бу негрларни бир ҳайрон қолдирай!— дерди Сэм ўзига.— Кўзларини косахонасидан чиқариб юборай!

Шуни ҳам айтиш зарурки, Сэм ўз хўжайнини ҳар қандай сиёсий йиғилишларга кузатиб боришни ҳамма нарсадан яхши кўради; у ерда четан девор орқасига яшириниб ёки дараҳтга чиқиб олиб, нотиқларга қулоқ солар ва уларнинг сўзларини ҳузур қилиб тинглар, кейин эса қора бадан оғайниларини тўплаб, уларни ўзининг ажойиб гапдоилиги билан таажжублантирас ва завқлантирасди; унинг айтган бу гаплари, гарчи бирорлардан эшитиб олинган бўлса ҳам, ҳашаматли ва тантанали чиқарди. Кўпинча, қора баданлилар билан бирга, унинг гапларини тинглагани оқлар ҳам келишар ва Сэмнинг сўзини тинглашаркан, бир-бирларига Қараб кулишиб, кўз қисишар, Сэм эса, бундан ғоят зўр ором оларди. Хуллас, Сэм нотиқлик санъатини ўзига хос қисоблар ва пайти келганда, гапдоилик қилишидан асло қайтмасди.

Хлоя хола билан Сэм орасида азалдан адоват, ёки тўғрироғи — ўта даражада совуқлик давом этиб келарди; аммо ҳозир Сэмга овқат зарур бўлгани учун, бу сафар мумкин қадар кўпроқ сулҳпарварлик қилмоқчи бўлди, чунки у «беканинг буйруғи» шубҳасиз аниқ бажарилса ҳам бу буйруқ кўнгил қўйиб бажарилганда, анча кўп фойда қилишини яхши биларди. Шунинг учун у Хлоя хола олдида, кишини таъсирантирадиган дараҷада ювош бўлиб ва гўё ўзининг хўрланган биродарларини ҳимоя қилиб, ҳозиргина жуда кўп жафо чеккан кишидек, аянчли қиёфада ҳозир бўлди; у, Хлоя холага: «бека менинг заифланган вужудимга дармон бериш

учун тўппа-тўғри сизнинг ҳуэурингизга юборди», деди ва бу сўз билан Хлоянинг ошхона диёрига олий ҳукмрон эканлигига иқрор бўлди.

Мўлжал тўғри чиқди. Сайловларда сиёсий фитна-корнинг зўр эпчиллик билан қилган найрангига учган бечора, содда ва хушфазилатди фуқаро ҳам, Хлоя хола Сэмнинг такаллуфига учгандек, ҳеч қачон учмагандир. Сэм, башарти уйидан қочиб кетган ўғил бўлганида ҳам, ўз уйига қайтиб келиб бунчалик яхши кутиб олинмаган бўларди. Ҳаял ўтмай, у стол ёнида ўзини мағрур ва баҳтиёр ҳис этиб ўтиради; унинг олдига катта тунука тоғора қўйилган, ичи икки кундан буён қилинган ҳамма лазиз таомларнинг қолдиқларига тўла эди. Селавалик чўчқа гўштининг бурдалари, олтин ранг макка кулча бурдалари, саноқсиз пирог парчалари, жўжка қанотлари, қорин ва оёқлари аралашиб чиройли манзара ҳосил қиласади. Сэм, кўз олдидаши шу нарсаларнинг ҳаммаси ўзига қарашли деб, қиролдек, стол ёнида кеккайиб ўтиради у, хурмо баргидан тўқилган қалпогини чаккасига тортида ва ўнг қўлида ўтирган Эндига, унча-мунча парчаларни марҳаматан узатиб турди.

Ошхона унинг ёр-биродарларига тўла, улар бу куннинг можаролари нима билан тугаганини эшлиши учун ўз кулбаларидан келишганди. Сэм учун шон-шараф пайти етиб келди. Бу кунги воқна янгидан ҳикоя қилинди; унга таъсирни кучайтириш учун зарур бўлган кўпгина муболагалар қўшилди. Ҳикояни эшиتاётган ҳамма қаҳ-қаҳлаб кулишарди; полда ўрмалаб юрган ёки бурчакда фирмайиб ўтирган кичкинтой болаларгacha ҳамма куларди. Ҳамма кулса ҳам, Сэм ўзини ғоят жиддий тутар ва гоҳо кўзини жаланглатиб, гапини тўхтатмаган ҳолда, тингловчиларга жуда қизиқ назар ташлаб қўярди.

— Энди кўриб турибсиз, фуқароларим,— деди Сэм, курка оёғини дангал ҳавода силтаб,— энди кўриб турибсизки, сизнинг ҳаммангизни ҳимоя қила оладиган одамнингиз бор. Чунки, сизнинг биттангизни қутқазган одам, қолган ҳаммангизни ҳам қутқаза олади, бу масалада принцип битта. Бу ерда ҳамма ёқни исказ юрган савдо-гарнинг ҳар қайсиси ўз йўлида менга дуч келади; у мен билан муомала қилиши керак. Менинг олдимга қела-вернглар, биродарларим, сизларни ҳимоя қила ола-

ман... Сўнгти нафасим борича сизларнинг ҳуқуқингизни ҳимоя қиласман!

— Сэм, нега сен менга: «Лизани ушлашда мистер Гэлига ёрдам бермоқчиман», дединг? Менингча, гапинги тушяпти,— деди Энди.

— Бундай нарсаларда сен калтафаҳмлик қиляпсан, ука,— деди Сэм, ўзини жуда билармандек кўрсашибга уринниб,— шунинг учун, бу ишларга аралашмаслигинги маслаҳат бераман. Сенга ўхшаган болалар, Энди, эҳтимол, унча ёмон ҳам эмасдиirlар-у, аммо улардан буюк фойларни тушунишини талаб қилиш қийин.

Эндининг афти худди ҳайфсан олгандагидек бўзрайди; хусусан «тушунишини» деган сўз уни хижолат қилди, чунки бу сўз шу ерда ўтирган ҳамма ёшларга жуда асослидек кўринди. Сэм эса сўзини давом этдираверади:

— Менинг виждоним бунга мажбур қилди, Энди. Мен Лизанинг орқасидан қувмоқчи бўлганимда, «хўжайин чиндан ҳам унинг ушланишини хоҳларкан» деб ўйловдим. Бека буннинг тескарисини хоҳлашини билганимдан кейин, виждоним илгаригидан кучлироқ, лекин бошқачасига ҳаракат қилишга мажбур этди, чунки хўжайин томонда бўлгандан кўра, бека томонда бўлган ҳар вақт фойдалироқ; кўрдингизми, мен виждонимнинг талабини бажараман-у, шу билан бирга ўз принципимда ҳам қаттиқ тураман. Ҳа, принципимда қаттиқ тураман!— деб хитоб қилди. Сэм, жўжанинг ҳалқумини завқ билан юқори отиб.— Агар принципингида барқарор бўлмасангиз, ундан нима фойда бор? Энди, ана бу суюкни тозалаб қўй, уни мен чала едим.

Негрлар Сэмнинг гапларига анқайиб қулоқ солишарди, шунинг учун ҳам у гапини бемалол давом этдираверди.

— Барқарорликнинг маъниси ана шундай бўлади, негр оғайниларим,— деди Сэм, жуда умумий маънони ифодалайдиган нарсалар ҳақида сўзлаётган оҳанг билан.— Барқарорликнинг нималигини ҳар ким тушувадермайди. Башарти бирор бугун бир нарсани хоҳлаб, эртасига бошқа нарсани хоҳлар экан, ундей одамни беқарор дейдилар ва мутлақо тўғри айтадилар. Менга ана у пирог парчасини оливор, Энди. Бироқ, бу ишга чуқурроқ қарайлар. Ишонаманки бундай содда таққосла-

шим учун жентльменлар ва гўзал хонимлар менин афу этсалар керак. Фараз қилдик, мен пичан ғарами устига чиқмоқчиман. Мен ўз нарвонимни ғарамнинг бир томонига қўйдим-у, лекин бу ердан чиқолмадим. Хўш, майли, бу ердан чиқишга ортиқ ҳаракат қилмайман-у, нарвонимни бошқа томондан қўяман. Айтинг-чи, бу менинг барқарорлигим эмасми? Менинг учун нарвонимнинг қайси томонда туриши аҳамиятлимас, балки ғарамнинг устига чиқиш аҳамиятли ва бу масалада мен барқарорман.

— Сенинг фақат шу масаладагина барқарорлигинг худога ҳам аён,— деб ғудуллади Хлоя хола тоқати-тоқ бўлиб: ҳамманинг анчадан буён ўзларини қувноқ ҳис қилиб ўтиришига у жуда диққат бўлиб кетганди.

— Ана шундоқ!— деди Сэм сўз охирида, шуҳрат қозониб ва қорнини тўйдириб бўлгач,— бундоқ, муҳтарам жентльменлар ва муҳтарам хонимлар, менда принцип бор. Мен ўша принципнинг борлиги учун фахрланаман. Бу принцип ҳозирги давримизда ҳам, бошқа ҳамма даврларда ҳам керак бўлади. Менинг принципим бор ва мен унга ҳамиша содиқман. Принцип деб ҳисоблаган нарсамдан қайтмайман. Узимни тириклай кабоб қилдиришга розиманки, аммо ҳеч бир принципимга зид иш қилмайман! Мен, қўрқмасдан, дор тагига бориб: «Мана мен ўз ҳаётимни азбаройи принципларим учун, ватаним учун, жамиятнинг ривожи учун бергани келдим!»— дейман.

— Яна бир принцип ушласанг,— деди Хлоя хола:— барвақт ётсанг-у, одамларни тонг отгунча ушлаб ўтирасанг. Ҳой, кичкитойлар, биттадан шапалоқ ейишни истамасаларинг, кетинг энди бу ердан!

— Негрлар!— деди Сэм, хурмо баргидан тўқилган қалпогини улуғвор айлантириб.— Умрларингга худо барака берсан! Уйингизга бориб ухланг, ўзингизни яхши тутиб юринг.

Ана шундай тантанали дуодан сўнг, халойиқ уй-уйларига тарқалишиди.

IX БОБ

Бундан маълум бўладики, сенатор ҳам бир одам экан

Сенатор Бэрд этигини ечиб, янги, чиройли туфлиси-ни кияёттанди (бу туфлини у сенат сессиясига кетган

вақтида хотипи тикиб қўйганди) ўчоқдаги аланга шинам меҳмонхонанинг катта ва кичик гиламларига шуъла ташлар, у, пиёлаларда, яхши тозаланган чойнакда ялтиллаб акс этарди. Бахтиёрлиги кўзга ташланиб турган Бэрдхоним столга дастурхон тортилишига назорат қиласар ва шўхлик қилиб ўйнашаётган болаларни ўқтинг-ўқтин тартибга чақиради.

— Том, эшикнинг дастасига тегаверма! Ҳа, анжун шундай. Мэри! Мэри! Мушукнинг думидан тортма!.. Бечора мушукча! Жим, столга чиқма!.. Йўқ, йўқ... Бугун уйда бўлганингга нақадар хурсандлигимни билансими, азизим?— деб хитоб қилди у, инҳоят, эри билан сўзлашиш учун имкон бўлгач.

— Уйда сизлар билан бирликда бир оз бўлса ҳам истироҳат қиласан деб, кечаси билан ухламай, мумкин қадар тез етиб келишга қарор қилдим. Үлгудек чарчаганиман, бошим оғрияпти.

Бэрдхоним ним очиқ шкафда турган камфорали шишаочага назар ташлади ва уни «олайми, олмайми?» деб ўйланиб турганда, унинг ўйини эри бузди:

— Йўқ, йўқ, Мэри, дори керакмас! Бир оз уйнинг роҳати билан бир пиёла яхши қайноқ чойини бўлса — менга кифоя. Оббо, қонун чиқариш осон ишмас экан-да!

Кейин сенатор кулимсираб қўйди: «Ўзимни ватан учун қурбон қиляпман», деб ўйларкан, бу фикр ўзига маъқул кўришгандек бўлди.

— Хўш,— деди унинг хотини, чой столи атрофини сукунат босгач,— сенатларингда нима гап?

Кўркам ва кичкина Бэрдхонимнинг сенат ишлари устида бош қотиришга сира тоби йўқ эди. У «ўз ташвишим ҳам ўзимга етиб ортади» деб, бошқа ишларга ҳеч аралашмасди. Шунинг учун мистер Бэрд унинг бу саволига жуда таажжубланди, лекин шундай бўлса ҳам жавоб берди:

— Айтгундай муҳим бир гап йўқ.

— Ўйларимизнинг олдидан ўтадиган бечора қочоқ негрларга ҳеч ким овқат бермасин, деган қонун чиқарибисизлар, шу ростми? Аллақандай қонун тўғрисида гапиргандарини эшийтдим, лекин уни тасдиқламаган бўлсаларинг керак, дейман?

— Мэри, сенга нима бўлди? Сиёsat билан шуғулланмоқчимисан?

— Бўлмаган гап! Сизларнинг сиёсатларининг қора чақага ҳам олмайман, лекин бундай қонун ҳаддан зиёд адолатсизлик ва шафқатсизлик бўлади, деб ҳисоблайман. Бу қонун ўтмаган бўлса керак, азизим.

— Йўқ, жоним, ўтди. Бу қонун Кентуккидан¹ қочувчи қулларга аҳолининг ёрдам кўрсатишини тақиқлайди!..

— Лекин, янги қонун бу бечораларга бир кеча-ярим кеча бошпана, оз-моз овқат ва эски кийим-кечакларни миздан беришимизини тақиқламаса керак?

— Албатта тақиқлайди, азизим! Ахир, қочоқ негрларга ёрдам қилиш шундан иборат бўлар эди.

Бэрдхоним бўйи тўрт футдан ошмайдиган, хушкўнгиллигини билдириб турадиган шаҳло кўзли, шафтоли рангли, майин юзли, мулойим овозли, қуёш юрак, кичкина аёл эди. Унинг юзи тез-тез қизариб, яшнаб турарди.

Жасурлик масаласига келганда, кўпдан буён маълум эдики, энг оддий курка биринчи марта қулқиллаши биланоқ уни қочириб юборарди, ҳовли сақлайдиган барваста, лекин тинч ит эса, тишини кўрсатиши биланоқ, Бэрдхонимдан ғолиб чиқарди. Унинг учун бутун олам — эри билан болаларидан иборат бўлиб, Бэрдхоним бу оламни, буйруқ ва далиллардан кўра кўпроқ илтимос билан иш кўриб идора қиласарди. Уни ёлғиз бир нарса бетоқат қилиши мумкин эдики, у ҳам бўлса — шафқатсизлик эди; ҳар қандай шафқатсизлик унинг ҳамиша мулойим феълига мос келмаган газабини қўзгарди.

У юмшоқ кўнгилли оналардан эди, аммо унинг ўғилларини бир воқиани асло ёдларидан чиқармасдилар; унинг ўғилларини бир кун қўшниларнинг ёмон болалари билан бирга, ҳимоясиз бир мушукчани тошпаррон қиласеттандилар. Бэрдхоним буни кўриб қолиб, уларнинг шундай қаттиқ одобини бердики, иккинчи бундай қилмаслик учун сўз бердилар.

Бэрдхоним эрининг қонун ҳақидаги сўзини эшитгач, қизариб кетди ва бундан у, янада кўркам бўлиб кўрини-

¹ Бу ерда ёзувчи Америка сенати томонидан 1850 йилда чиқарилган «Қочоқ қуллар ҳақидаги қонун»ни назарда тутади. Бу қонун эркани штатлар маъмурларига қочоқ қулларни эгаларига қайтаришга ва қочоқларни ишнганиларни қаттиқ жазолашга мажбур қиласарди.

ди; у, қатъият билан эрининг ёнига келиб, дадил сўради:

— Шунни билмоқчиман, Джон! буни сен ҳам адолатли қонун деб ҳисоблайсанми?

— Агар «ҳа» десам мени ўлдирмассан, Мэри?

— Хаёлимга ҳам келган эмас, Джон! Сен у қонунга овоз бермагандирсан?

— Албатта, овоз бердим, жонон сиёсатчим!

— Уялмайсанми, Джон! Улар бошпанасиз кўчада қолган бечора кишилар бўлса! Шармандали, шафқатсиз жуда расво қонун бу; қулай пайт келиши биланоқ, уни биринчи бўлиб ўзим бузганим бўлсин. Аминманки, бундай пайт келади! Қандай кунларга қолдикки, хотин киши бахтсиз ва оч одамга бошпана бериб, унинг қоринни тўйғазолмаса! Бу шўрликнинг гуноҳи шуки, уни умр бўйи эзиб, ҳақорат қилиб келганлар!

— Мэри, гапимга қулоқ сол! Сенинг бу эътирозларинг жуда асослидир, азизим. Бу фикрларинг сен учун шарафдир, шунинг учун сени жуда севаман ҳам. Лекин биз ўз ҳиссиётимизни ақл-идрокка бўйсундиришимиз керакми, ахир. Шунни билки, бу ерда бизнинг шахсий орзуларимизга ўрин йўқ, бу ерда кенг ижтимоний манфаатлар устида гап боради. Жамнит шундай ҳаяжонга келганки, биз ўз шахсий ҳиссиётларимизни йигишириб қўйишимиш керак.

— Беҳуда гап! Сен тоңг отгунча гап сотсанг ҳам ҳеч нарсани исбот қилолмайсан... Хўш, Джон, менга тўғри жавоб бер-чи: бир оч-яланғоч, бечора негр титраб-қалтираб эшигингга келса, уни, фақат «қочоқ» бўлгани учун ҳайдаб юборармидинг?

Бэрдхоним эрининг қийин аҳволга тушиб қолганини пайқаб, ҳужум қилишни давом этдириди.

— Сенинг бундай тошюракликка қандай бетлаганингни бир кўргим келади. Қаҳратон, қорбўронли қиши кунида, чунончи бир муштипар аёлни эшигингдан қувиб юбориши... Бу қандай гап, ахир... Қувиб юборишигина эмас, балки уни тутиб, турмага бериб юбориши... Шундай қилиш сенга ярашадими?

— Албатта, бу менга юят оғир бурч бўларди... — леди мистер Бэрд муросасозлик йўлига тушиб.

— Бурч эмиш, Джон! Қўйсанг-чи бундай гапларингни. Бу — бурчмас, бурч бундай бўлмайди. «Негрларим мендан қочмасин» деган одам улар билан тузукроқ

муомала қиласин. Агар вақти келиб, менинг эшигимда ҳам қуллар бўлиб қолса (ишонаманки, эшигимда ҳеч қачон қуллар бўлмайди), уларни бутун эркин қўйиб бераман: истаса мендан ёки сендан қочаверсин. Одамлар ўзларини баҳтиёр ҳис этсалар қочмайдилар, ахир. Қочганларида эса, у бечоралар йўлнинг ўзида ҳам тоза очликка, совуққа гирифтор бўладилар, кечирган ҳар бир минутлари қўрқув билан ўтади; бас, шундай экан, уларга қарши ҳаммани олкишлатишининг нима кераги бор? Иўқ, мен бундай қонууларга бўйсунмайман!

Шу нозик пайтда эшик қия очилди-да, уларнинг қора бадан хизматкори кекса Куджо қўринди; у, бекани: «ошхонага бир чиқсалар», деб илтимос қилди. Сенатор хархашадан қутулгани учун ўзини енгил ҳис этди. У, кичкина хотинининг орқасидан қаради ва унинг юзида бир онда ҳам ҳузурланиш, ҳам афсуслашиб аломатлари пайдо бўлди. У курсига ўтираб, газетхонликка кириши.

Аммо, хиёл ўтмай, эшикдан хотинининг ҳаяжонланган овози келди:

— Джон! Джон! Бир минутга бу ёққа чиқ!

У газеталарни бир четга қўйиб, ошхонага чиқди: Мистер Бэрд, ошхонадаги манзарани кўриб жуда ҳайратда қолди. Кўйлаги музлаб йиртилган, басовзат бир жувон икки курси устида беҳуш ётарди. Бир оёғида кавushi йўқ, пайпоқлари узилган, тилингани оёқларидан қон оқарди. Юзида хўрланганлик белгиси бўлишига қарамай, унинг жўшқин ва ғамгин гўзаллиги барқ уриб турарди. Сенатор, жувоннинг тошдек қотиб қолган юзини, мурданамо беҳаракат ва совуқ назарини кўриб, бир чўчиб тушди.

Сенатор тез-тез нафас олиб, индамай туради. Унинг хотини ва бу уйдаги ягона қора бадан оқсочи Дина хола жувоннинг атрофида айланиб, уни ҳушига келтиришга уринардилар, кекса Куджо эса, болани тиззасига ўтиргизиб, унинг пайпоқлари билан кавушини ечар ва совқотган оёқчаларини иситишга уринарди.

— Буни қаранг, ойжамол эмасми бу?— деди Дина кампир раҳмдиллик билан.— Буни иссиқ элнитди шекилли. Бу ерга кириб: «бир оз исиниб олай» деб рухсат сўраганда, тетик эди. Аммо: «Қаердан келдингиз?»— деб сўрай бошлашим биланоқ, гуп этиб ерга йиқилди... Қўйларини кўринг: сира қора иш қилмаганга ўхшайди.

Жувон каттакон шаҳло кўзларини оҳиста очиб, Бэрдхонимга бепарво қараган эди, Бэрдхоним: «Бечора!»— деди.

Жувоннинг юзида қўққисдан зўр қўрқув аломати пайдо бўлди. У, ўрнидан иргиб туриб, қичқирди:

— Гарри! Кўзичноғим Гарри! Уни олиб кетишдими?

Буни эшитган бола Куджонинг тиззасидан тушдида, жувоннинг олдига чолиб келиб, қўлчаларини узатди.

— Шу ерда экан! Шу ерда экан, хайрият!— деб хитоб қилди жувон ва ғоят қизғин ҳаяжон билан Бэрдхонимга мурожаат қилди:

— Ҳой хоним, бизни ҳимоя қилинг! Буни олиб кетишларига йўл қўйманг!

— Бу ерда ҳеч ким сизга тегмайди, бечора,— жувоннинг кўнглига далда бериб деди Бэрдхоним.— Қўрқманг, хавф-хатардан хотиржам бўлинг.

Жувон юзини қўли билан ёпиб, йиглай бошлади. Бола буни кўриб, тиззасига чиқишига уринди.

Хонимнинг меҳрибонлиги соясида жувон аста-секин тинчий бошлади. Унга вақтича ўзоқ ёнидаги күшетка (кат)га жой солиб бердилар, у, ўзидан кўра кўпроқ чарчаган боласини қучоқлаб, қаттиқ ухлаб қолди. «Болангиз бошқа жойда ётсин», дейилган эрка сўзлар айтилса ҳам, унамади, ҳаяжонланиб, бу таклифни рад қилди. Ҳатто уйқусида ҳам уни қучогидан чиқармади; қучогидан чиқиши билан, уни ўғирлаб кетишларидан қўрққандек кўринарди.

Мистер Бэрд ва унинг хотини меҳмонхонага қайтиб келганларидан кейин, нечукдир бояги суҳбатларини давом этдирамадилар. Бэрдхоним тўр тўқиши билан шуғулланди, мистер Бэрд эса, қўлига газета олиб, уни ўқиётгандек кўринарди. Охири у, газеталарни қўйди-да:

— Қизиқ, бу хотин ким бўлса экан-а,— деди.

— Ўйғонсин, бир оз дам олсин, кейин биламиз,— деди Бэрдхоним.

— Ҳой, хотин!— деди мистер Бэрд, индамай узоқ ўйлагандан кейин.

— Нима дейсан, азизим?

— Агарда бирор кўйлагингни чўзиб кентгайтирса, унга тўғри келмасмикан? У сенга қараганда анча бўла шекилли.

Бэрдхоним сезилар-сезилмас, мийигида кулимсиради.

— Кўрамиз,— деди у.

Яна сукунат чўқди, уни яна мистер Бэрд бузди:

— Азизим...

— Нима дейсан тағин?

— Мен тушки овқатдан кейин ухлаганимда устимга ёпадиган эски бумазея плашч бор-ку... Ушани базур беравер, унга кийим керак.

Шу чоқ хонага Дина кириб келди ва деди:

— У хотин уйғонди, «бекани кўрсам» деяпти.

Мистер Бэрд ва унинг хотини, орқаларидан икки катта ўғилларини эргаштириб ошхонага чиқиши. Болаларнинг кичкиналари бу вақт bemalol ухламоқда эди.

Жувон ўчоқ ёнида ўтга тикилиб ўтиради. У ғамгин ва босиқ кўринарди. Унинг илгариги ёввойи ҳаяжонидан асар ҳам қолмаганди.

— Сиз мени кўрмоқчи бўлдингизми?— деб мулоимгина сўради Бэрдхоним.— Энди ўзингизни анча дуруст ҳис қилаётган бўлсангиз керак?

Оғир ва чуқур хўрсиниш бу саволга ягона жавоб бўлди. Жувон Бэрдхонимга ёлвориб ва умидсизлик назари билан телмуриб қараган эди, Бэрдхонимнинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Сиз ҳеч нарсадан қўрқманг. Бу ерда ҳаммамиз сизнинг дўстларингиз бўламиз. Қаердан келдингиз ва шу топда сизга нима зарур? Шуни менга айтиб берсангиз,— деди Бэрдхоним.

— Кентуккидан келдим,— деб жавоб берди жувон.

— Қачон?— деб сўради мистер Бэрд.

— Бугун кечаси.

— Қандай қилиб келолдингиз?

— Муздан ўтиб келдим.

— Муздан ўтиб келибди-я?— деб ҳаммалари бара-вар қичқиришиди.

— Ҳа,— деди оҳиста, жувон,— муздан ўтиб келдим, чунки улар орқамдан қувишганди... жуда яқин келиб қолишганди... бошқа иложим йўқ эди!

— Оҳ, бека,— деди Куджо,— дарё ҳали музлаганмас; дарёда музлар ҳар томонга гир айланаб оқялти.

— Ҳозир муз оқар вақт эканлигини билгандим,— қўмсағ деди жувон,— шундай бўлса ҳам, ўзимни дарёга

ташладим! Бу томонга ўтиб олишга умид қилмагандим, лекин менинг учун бундан бошқа қутулиш йўли йўқ эди! Менга фақат шу — ё ўлиш, ёки оқар музларга ташлаш қолганди,— деди жувон кўзини яшнатиб.

- Сиз чўримидингиз? — деб сўради мистер Бэрд.
- Ҳа, сэр. Менинг хўжайиним Кентуккида.
- У сизга ёмон муомала қиласмили?
- Йўқ, сэр. У яхши хўжайин эди.
- Демак, бекангиз ёмон экан-да?
- Йўғ-э, сэр! Бекам ҳам менга жуда яхши муомала қиласди.

— Бўлмаса, яхши уйни ташлаб, бундай хавф-хатарларга қарамасдан қочнинг сизни нима мажбур этди?

Жувон, Бэрдхонимга бир бор кўз ташлаши биланоқ, унинг мотамда эканини пайқаб олди.

— Хоним,— деди у,— сиз ҳеч қачон болангиздан жудо бўлганмисиз?

Қўқисдан берилган бу савол Бэрдхонимнинг янгиана битган жароҳатини очиб юборди. Бундан атиги бир ой аввал Бэрдларнинг битта боласи вафот этган эди.

Мистер Бэрд юзини ўгириб, дераза ёнига кетди, Бэрдхоним эса бирдан йиглаб юборди. Шунга қарамай, у бирпасда ўзини тутиб олиб, деди:

— Нега сиз бундай савол беряпсиз? Тўғри, мен кенжা боламдан ажралганман.

— Unday bўlsa, siz mенинг мусибатимни тушунасиз. Мен бирин-кетин иккита боламдан ажралганман. Уларнинг қабрини ташлаб келдим. Менинг биттагина шу болам қолди. Менинг бор-йўғим шу эди. Менинг юпанчигим ва ифтихорим шу эди. Лекин, хоним шу боламни ҳам мендан тортиб олмоқчи бўлдилар... Жанубга сотмоқчи бўлдилар... У ерга ёлғиз ўзини жўнатмоқчи бўлдилар, хоним! Бир умр онасидан ажралмаган болани-я! Бунга мен чидаёлмадим, хоним! Уни сотсалар, ҳалок бўлишимни билардим. Қоғозларга қўл қўйилиб, унинг сотилганини билганимдан кейин, кечаси боламни олиб қочдим. Боламни сотиб олган одам билан хўжайинимнинг одамларидан баъзи бирлари орқамдан қувишили; улар менга етиб олай деганларида, уларнинг овозларини ҳам эшилдим. Шунинг учун тўғри оқар музга қараб сакрадим. Ундан қандай ўтганимни билмайман. Менинг

даставвал кўрганим — қирғоққа чиқиб олишда менга ёрдам қилган киши эди.

Жувон йиғламасди, у, кўзда ёш қурийдиган даражага етганди, лекин унинг атрофидаги ҳар бир киши унга ўзича хайриҳоҳлигини изҳор этарди.

Икки ўғил чўнтакларини ковлаб дастрўмолча ахтариб, тополмадилар — болаларнинг чўнтағида дастрўмолча турмаслиги оналарга маълум — кейин оналарининг кўйлагига бошларини қўйниб, ҳўнграй бошладилар, кўз ёшлари ва бурунларини эса, кўйлакка артәрдилар. Бэрдхоним ҳам юзини дастрўмолча билан ёпиб йиғларди. Дина холанинг маъсум қора юзидан ёш оқарди. Кекса Куджо зўр бериб мушти билан кўзини ишқар ва юзини қаттиқ буриштиради. Сенаторимиз эса давлат арбоби бўлгани сабабли, уни бўлак оддий кишилар сиңгари йиғлайди деб ўйлаш мумкин эмасди, албатта, шунинг учун у, деразага қараб, ошхонадагиларга орқасини ўғирди-да, яхшилаб кекиртагини тозалаш ва кўзойнагини артиш билан шуғулланди; у, гоҳо шундай шимириардики, буни кўрган зийрак одам, унинг нима қилиши ҳақида бирмунча гумонсираб ҳам қолиши мумкин эди.

— Сиз менга: «Хўжайним яхши одам», деб айтдингиз-ку? — деди бирдан мистер Бэрд, томогига келиб қолган бир нарсани шиддат билан ютиб жувонга юзини ўгириб.

— У чиндан ҳам яхши хўжайнин, буни мен ҳамма вақт айтаман. Бека ҳам яхши. Лекин, улар ҳеч нарса қилолмадилар. Уларнинг қарзлари бор экан, буни мен тушунолмайман-у, аммо улар бирорнинг қўлига тушиб қолиб, унинг талабига бўйсунишга мажбур бўлибдилар. Бу тўғрида хўжайнининг bekaga айтган гапларини, мени ўғлимдан ажратмаслигини сўраб, bekанинг унга ялинигланларини эшитдим. Хўжайнин, энди ҳеч нарса қилолмаслигини, қофозларга қўл қўйилганини айтди. Бу гапларни эшитганимдан кейин, боламни олиб, уйдан қочдим. Агар уни сотишса, мен ортиқ яшаёлмаслигимни билардим. Бу боладан бошқа менинг ҳеч кимим йўқ.

— Эрингиз йўқми. ҳали?

— Бор-у, лекин у бошқа хўжайнининг қўлида. Эримнинг хўжайнини ундан жуда хафа, шунинг учун мен билан кўришгани рухсат бермайди. Жуда баджаҳл одам: бизни борган сари ёмон кўряпти ва эримни Жанубга сотиб

юбораман, деб қўрқитяпти. Эҳтимол, энди мен эримни ҳеч кўрмасам керак.

У, бу сузларни шундай хотиржамлик билан айтди-ки, бундай қараганда, бу хотин эри билан жудоликка мутлақо бепарво экан, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин, унинг каттакон шаҳло кўзларида ноумидлик, руҳан азобланиш белгилари кўриниб турарди.

— Энди қаерга бормоқчисиз, жоним? — деб сўради Бэрдхоним.

— Агар қаердалигини билсан, Қанадага борардим. Қанада жуда олисми? — деб сўради у, Бэрдхонимнинг юзига ишонч билан қараб.

— Бечора! — деди Бэрдхоним беихтиёр.

— Жуда ҳам олисми? — деб жиддий равишда сўради жувон.

— Сиз ўйлаганингиздан ҳам анча олис, бечора бўталогим, — деди Бэрдхоним. — Лекин биз, ҳар ҳолда сиз учун бирон иложини қилиб кўрамиз. Дина, сен ошхона ёнидаги ўз хонангдан бу жувонга жой тайёрла, унга қандай ёрдам кўрсатиш ҳақида эрталаб ўйлаб кўраман. Унгача сиз ҳеч нимадан қўрқманг, жоним.

Бэрдхоним ва унинг эри меҳмонхонага қайтишиди. Бэрдхоним ўт олдида турган чайқалма курсига ўтириди-да, хаёл сурисиб, тебрана бошлади. Мистер Бэрд эса катта-катта одимлаб юаркан: «Ҳм, чигал, чатоқ иш экан! — деб гудунгларди. Ниҳоят у, хотинининг ёнига келиб, деди:

— Менга қара, хотин: у, шу кун кечасиёқ бу ердан кетиши керак. Қулфуруш унинг изидан жўнаган бўлса, эрталаб бу ерда бўлади, албатта. Агар ўзи ёлғиз бўлганида қулфуруш кетгунча яшириб қўйса ҳам бўларди-ю, лекин болани «ковозингни чиқармасдан қимиirlамай ўтири» деб мажбур қилиб бўлмайди. У, деразадан ёки эшикдан қарайди-ю, бутун ишни расво қиласди. Мабодо улар билан бирга ушланиб қолсан, ўзингга маълум, шаънимга яхши бўлмайди! Йўқ, бўлмайди, уларни шу кечасиёқ жўнатиш керак!

— Кечаси? Кечаси жўнатиб бўладими? Қаерга?

— Қаерга жўнатишни ўзим биламан, — деди сенатор, хаёл сурган ҳолда этигини кияркан.

У этикнинг бир пойини ярмигача кийди-да, икки қўли билан тиззасини қучоқлаганича қолди ва чуқур хаёлга чўмиб кетгандек кўринди.

— Савил қолсин, ёмон расво иш бўлди-да! — деди у яна этигини кия бошлаб.

Сенатор этикнинг бир пойини кийгач, қўлига иккинчи пойини ушлаб ўтирди ва гиламнинг гулларини диққат билан қарай бошлади.

— Жўнаш керак,— деди у, гиламдан кўзини узиб.— Қуриб кетсан бу ишларнинг ҳаммаси!

У ташвишланиб этикнинг иккинчи пойини ҳам кийди-да, бориб деразага қаради.

Бэрдхоним боодоб хотин эди. У ҳеч қачон бировга: «Сенга айтмовдимми? — деб гина қилган киши эмас. Шу топда ҳам, эрининг қандай ўйга чулғанганини жуда яхши билиб турган бўлса ҳам, курсида жим ўтирас ва унинг хаёlinи бузмасди.

-- Ван-Троми деган бир эски мижозим,— деди у хотинига,— Кентуккидан кўчиб, ўзининг ҳамма қулларини озод қилиб юборган. У дарё ёқасида етти миъ юқоридан қўра сотиб олган; қўраси қалин ўрмонда, жуда зарур иши тушиб қолмаса, у ерга ҳеч ким бормайди. Қўрасининг ўзини төлиш ҳам осон эмас. У ерда бу хотин хавф-хатарлардан мутлақо тинч бўларди. Аммо, шуниси чатоқки, кечаси у ерга мендан бўлак ҳеч ким боролмайди.

— Нега? Куджо кучерликни яхши билади-ку.

— Тўғри-ю, лекин икки жойда дарё шохобчасидан ўтиш керак. Иккинчи шохобчаси, худди мендек билагон одам бўлмаса, ўтиш учун жуда хавфли. Мен у ердан юз мартача отлиқ ўтганман ва қаерда бурилиш кераклигини жуда яхши биламан. Хуллас, бошқа чора йўқ. Куджога айт, соат ўн иккиларга бориб, секин отларни қўшсин, уни ўзим обориб қўяман. Ишқилиб, буни ҳеч ким билмасин. Мени Куджо яқин ўртадаги таверна (ошхона)га оборади, у ерда мен кечаси соат уч билан тўртнинг орасида Колумбусга кетадиган дилижансни оламан; қўрган киши мени маҳсус шунинг учун келган экан, деб ўйлайди. Эрталаб эса, тўпоа-тўғри мажлисга етиб бораман. Шуни ҳам айтайинки, бу ерда бўлган воқия ва гаплардан кейин, мажлисда ўзимни унча яхши сезмасам керак... Ҳай, бошқа чора йўқ.

-- Сенинг қалбинг бошингдан яхши, Джон,— деди Бэрдхоним, кичкина оқ қўлчасини унинг қўлига қўйиб.— Сени мен ўзингдан кўра яхшироқ билмаганимда, яхши кўрармидим?

Унинг кўзида ёш томчилари дурланарди. Шу дақиқада бу кичкина хотин шундай соз эдики, сенатор: «Бундай гўзал маликани шунчалик эритиб юбордим, демак, чиндан ҳам ақлли одам эканман», деб ўйлади.

Шундай хулосага келгандан кейин мистер Бэрдга отларининг аравага қўшилаётганини кўриб келиш учун ташқарига чиқишдан бўлак иш қолмади. Бироқ, у эшик ёнида тўхтади, кейин орқасига қайтиб, иккилангансиз мон деди:

— Мэри, билмайман, бунга қандай қарапкансан... У ерда, комод ғаладонида раҳматли Гарричамизининг нарсалари бор эди...

Ортиқ бир сўз айтолмади-да, орқасини ўғириб шошилганича чиқди ва эшикни ёпди. Бэрдхоним ўз бўлмасига туташган ётоқчага кириб, стол устига шамни қўйди. Кейин калитни олиб, комод қулфига солди-да, бирдан ўйланиб қолди. Оналари орқасидан индамай юрган икки бола ҳам тўхтаб, унинг юзига маънодор тикилиб қолишиди.

Бэрдхоним ғаладонни оҳистагина очди. Ғаладонга турли фасонда тикилган камзулчалар, кўпгина фартукча ва пайпоқчалар тахлаб қўйилган эди. Ҳатто, кийилиб, тумшуғи қирилиб қолган бир жуфт кавушча ҳам қогоз орасидан кўринниб турарди. Ўйинчоқ-тойчоқ, аравача, пилдироқ ва копток ҳам шу ерда бўлиб, бу нарсалар унинг эгасини ёдга солиб юракни яралар ва кўздан ёш оқизарди! У ғаладон олдига ўтириб, юзини қўли билан ёпди-да, то кўз ёшлари бармоқ орасидан ғаладонга тома бошлагунча йиғлади. Кейин, бирдан бошини кўтарди-да, энг бутун ва маҳкам буюмларни ажратиб, уларни бир тугунга боғлади.

Сўнгра Бэрдхоним шкафни очиб, ундан бир жуфт оддий, лекин пишиқ кўйлагини олди ва эрининг маслаҳатига амал қилиб, иш столчасига ўтириди-да, қўлига қайчи билан игна олиб, шошилганича уларни бўй ва энинг ёза бошлади. У, деворга осигуриқ кўхна соат ярим кечага занг уриб, эшик ёнида ғилдирак овози келгунча тикиди.

— Мэри,— деди унинг ҳри, қўлида пальтоси билан кирапкан,— энди уни чиқиб ўйғот. Жўнаш керак.

Бэрдхоним териб олиниган нарсаларни шошилинича разишда бир сандиқчага солиб, қулфлади-да, эридан бўни экипажга чиқариб қўйишни илтимос қилиб, жувонни

үйғотгани чиқиб кетди. Хиёл ўтмай, эшик ёнида Элиза қўринди; у, муруватли Бэрдхоним берган пальто ҳам қалпоқчани кийган ва боласини кўтариб олганди. Мистер Бэрд уни дарров экипажга ўтиргизди. Бэрдхоним экипажнинг останови ёнига келди. Элиза экипаждан бошини чиқариб, қўлинни чўзди: бу қўл ҳам Бэрдхонимнинг унга томон чўзилган қўли каби нозик ва гўзал эди. У бир нарса демоқчи бўлгандек Бэрдхонимга қаради. Лаблари қимирлади, бир-икки марта алланималар демоқчи бўлди-ю, лекин ҳеч овоз чиқмади. Шундан кейин ўтиргичга йиқилди-да, юзини қўли билан ёпди.

Экипаж эшиги беркилди, отлар жўнади.

Анчадан бери ёмғир ёғарди; ёмғир вақтида эса, Оғайо штатидаги семиз ерларнинг қадам босиб бўлмайдиган даражада лой бўлиб кетиши азалдан маълум.

Ғарбнинг ана шу баракали областларида лойгарчиллик вақтда кўп жойлар кенг ва чуқур кўлга айланади, шунинг учун йўлларда юмaloқ катта ходаларни қатор ётқизиб, устига тупроқ, чим ва шунга ўхшаган ҳар хил нарсаларни тўқадилар. Халойиқ қувониб бу иншоотни йўл деб атайди ва унинг устидан мардонавор ўтиб олишга ҳаракат қиласди. Кейинчалик ёмғир тупроқ билди чимни ювиб, ходаларни ҳар томонга сурисиб юборади ва уларнинг орасида одам ўтиб бўлмайдиган қоп-қора ботқоқлик ҳосил бўлади.

Сенаторимиз худди мана шундай йўлдан силкниб-қоқиниб борарди. У, йўлда бораркан, ҳозиргача рўй берган ва яна албатта рўй берадиган воқиалар ҳақида ҳаёл сурисиб кетди. Экипаж зўрга илгари босади, бомп! Бомп! Бомп! Кейин шалоп этиб лойга тушиб кетади. Сенатор, жувон ва бола қўқисдан экипажнинг ён дегразаси томонга йиқиладилар. Экипаж лойга чўка бошлийди, отларни чу деётган Куджонинг овози эшитилади. Экипажни лойдан чиқариш учун кўп уринадилар, аммо натижага чиқмайди; Сенаторнинг тоқати-тоқ бўлиб экипаждан чиқиб кетишга чоғланган онда, экипаж отилиб лойдан чиқади ва энди ўнғарилиши билан олдинги иккни билдираги яна лойга тушиб кетади. Сенатор, жувон ва бола мукчайиб олдинги ўтиргичга йиқиладилар. Сенаторнинг шляпаси сурисиб, унинг кўзларини ва бурнини ёпди ва у: «Энди тамом бўлдим шекилли» деб ўйлайди; бола йиғлагани-йиғлаган. Куджо бўлса, отларга хитобан қизғин вутқ сўзламоқда. Отлар питир-



лайдилар, тўхтовсиз қамчи зарби остида лойдан чи-
қишига ҳаракат қилиб, экипажни силтаб тортадилар.
Экипаж сапчиб тушади; орқа ғилдиракка янгидан зар-
ба тегади, натижада сенатор, жувон ва бола орқа ғил-
диракка — ўтиргич томонга ағнайди. Сенаторнинг тир-
саги жувоннинг қалпоқчасига тегади. Жувоннинг икки
оёғи сенаторнинг ерда ётган шляпасига тушади. Ниҳо-
ят, ботқоқликдан чиқадилар, отлар оғир ҳансирағ тўх-
тайди. Сенатор шляпасини топиб олади, жувон қалпоқ-
чинини тузатади, боласини аллалайди; шундай қилиб,
улар янги ларзаларга тайёрланиб, бир-бирларига яқин
ўтиришади.

Бирмунича вақт фақат «шалоп, шалоп» этган овозлар
эшитилиб борали; суст ларзалар, шўнғиши ва силкниш
сезилиб туради. Мусофирилар: «Хайрият, тузук йўлга
чиқиб олдик-а» деб ўзларига таскин бера бошлайдилар.
Шу чоқ яна даҳшатли ларза юз беради — ҳаммалари
сапчиб, ўринларидан турадилар-да, кейин яна ўтиргич-
га йиқиладилар. Экипаж тўхтайди ва бирпас тўпалон-
дан кейин, ташқарида — эшик олдида Куджо кўринади.

— Афв этинг, сэр, лекин бу ер жудаям ёмон жой экан. Бу ердан қандай чиқишимизни билмай қолдим. Гилдирак тагига хода қўйсакмикин дейман.

Сенатор нима қилишини билмай, экипаждан чиқдида, қаттиқроқ ер ахтариб, пайпаслаб қадам босмоқчи бўлди. Лекин оёғи чуқурга тушиб кетди. У, оёғини тортиб олмоқчи бўлганида, мувозанатни йўқотиб лойга ийқилди; лойдан уни Қуджо тортиб олди. Шу чор сенаторинг бутун қиёфаси паришон ҳолда эди.

Лойга ботган экипаж, ниҳоят, бу ботқоқликлардан чиқиб, катта ферма дарвозаси олдида тўхтаганда, ярим кечадан анча ўтганди.

Фермадагиларни уйғотишга ҳам анча вақт кетди. Ниҳоят, унинг муҳтарам эгаси чиқиб, эшикни очди. Бу одам — айиққа ўҳшаган, бўйи олти футдан узунроқ ва этнига қизил бомазей ов кўйлак кийган, новча ва йўғон киши эди. Бошидаги тўзиқ ва қалин қизғиши сочи ҳамда анча вақтдан бўён қирилмаган соқоли бу мутьтабар кишининг қиёфасини ҳунук қилиб кўрсатарди. У, қўлида шамни тутган ҳолда, мусофириларга бир неча минут бақрайиб қараб турдики, бу жуда қизиқ кўринарди. Сенатор унга воқиани зўрга тушунтира олди.

Кекса Джон Ван-Тромп бир замонлар Кентуккида катта помешчик ва қулдорлардан саналарди. У, азалдан олижаноб табнатли ва адолатпарвар бўлиб, унинг бу фазилати катталик жиҳатидан улкан бастига тамоман мос тушарди. У қулларнинг доимий жабрланишини бир неча йил давомида яқиндан кўрди. Ниҳоят, унинг саҳоватли юраги бардош бермади. У, дарёдан ўтиб, Огайо штатига келди ва серҳосил, яхши ер участкаси сотиб олди, ўз қуллари — эркагу, хотину болаларнинг ҳаммасига эркиннома бериб, уларни ҳраваларга ўтиргиздида, ўзининг янги участкасига олиб келиб жойлаштирди. Софдил Джон ана шу ҳайрли ишни қилгандан кейин, ўзи сойнинг юқори томонига жўнади ва ёлғиз ўзи фермада истиқомат қила бошлади.

— Мана бу болалик бечора хотинга бошпана бероласиэми? Уни қул овчилари таъқиб қиласптилар,— деб тўппа-тўғри гапга ўтди сенатор.

— Беролсам керак,— деб маънодор жавоб берди софдил Джон.

— Зотан бунга шак-шубҳам йўқ эди,— деди сенатор.

—Шуни ҳам айтиб қўяйки, агар бу ерга унинг орқасидан бирор киши келиб қолгудай бўлса,— деди Джон жиддий қиёфага кириб, пайдор қаддини ростлаб,— уни вхшилаб кутиб олишга ҳамиша тайёрман. Менинг олтита ўғлим бор, ҳар бирининг бўйи олти футдан, улар ҳам тайёр турибди... Бинобарин, бу овчиларга бизнинг таъзимимизни билдиринг ва айтингки, биз улар билан сұхбатлашишга ҳамма вақт ҳозирмиз.

Шу сўзларни айтиб бўлгач, Джон сочига бармоқлашини тиқиб, қаттиқ кула бошлади.

Чарчаган, чала ўлик бўлиб ҳолсизланган Элиза, қотиб ухлаётган болани кўтариб, эшик томонга аранг одимлади. Тўзғин соч одам шамни унинг юзига яқин келтириб қаради-да, мулойим оҳанг билан бир нима деди, кейин, кенг ошхонага туташган кичкина ётоқхона эшигини очиб, Элизани киришга таклиф қилди. У, яна бир шам ёқиб, ўни стол устига қўйди.

— Ҳеч нарсадан қўрқма, азизим. Ким келса кела-версин. Улар учун менинг зиёфатим тайёр!— деди у, манқал тепасида осиёлиқ милтиқларни кўрсатиб.— Мен билан таниш одамлар, уйимдаги меҳмонни менинг хоҳишинга қарши олиб кетмоқчи бўлганларнинг омон қолмасликларини яхши биладилар. Энди ёт, худди онангнинг бешигида ётгандек ухла,— деб Джон эшикни беркитиб чиқди.

— Жуда чиройли экан!— деди у сенаторга.— Эҳ, ана шундай чиройли хотинлар, агар ахлоқли бўлсалар, кўпинча қочиб жон сақлайдилар-да. Биламан буни!

Сенатор Элизанинг қиссасини қисқача айтиб берди.

— Ҳай, ҳай!— дея хайриҳоҳ хитоб қилди саховатдор.— Унинг орқасидан худди кийик овлагандек қувишаркан-да! Унинг орқасидан шунинг учун қувишадики, у, ҳар бир она каби иш тутибди! Худо урсин, бундай воқиаларни эшитсан, қаттиқ сўкингим келади,— деди қалби пок Джон, сепкилли, катта, сариқ қўли билан кўзини артиб.— Поплар инжил қулликни тақозо қилади, деганлари учун, мен бир неча йилдан бўён бутхонага бормай қўйганман. Ахир, поплар билан мен масала ташмайман: улар яҳудий ва юнон тилларини биладилар-да...

Шундай деб, Джон ичида кўпикли ичимлиги бор бир шишани оча бошлади.

— Тонг отгунча бу ерда қолинг,— деди у қувонч билан,— кампирни чақираман, бирпасда жой солиб беради.

— Раҳмат, яхши дўстим,— деди сенатор.— Колумбуста борадиган тунги дилижонга улгуриш учун ҳозир жўнашим керак.

— Хайр, модомикни жўнашинги зарур экан, сизни айнлишгача кузатиб, яхши йўлни кўрсатиб қўяй. Сиз бу ерга жуда ёмон йўлдан келибсиз.

Джон кийинди ва қўлига фонус олиб, сенатор экипажини уй кетидаги жарлик ичидан ўтадиган йўлга олиб чиқди. Хайрлашаркан, сенатор унинг қўлига ўн доллар берди.

— Унга бериб қўясиз,— деди у қисқача.

— Хўп,— деб жавоб берди Джон.

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқишиб, ажраплишиди.

X БОБ

Мол жўнатани

Ёмғирли февраль тонги Том тоға кулбасининг дерасидан боқди ва зўр дард акс этиб турган ғамгин юзларни ёритди.

Устига дазмол дастурхон ёпилган кичкина стол ўт олдида турарди. Дағал матодан тўқилган ва ҳозиргина дазмолланган икки-учта кўйлак ўт ёнида курсига осиглиқ эди, стол устида — Хлоя хола олдида эса яна биттаси ёзилганди. Хлоя хола унинг ҳар бир буришгани жойини ва қатини зўр ҳафсала билан ёзар ва қўлини гоҳ-гоҳ кўтариб, юзидан оқаётган ёшни артарди.

Унинг ёнида бошини ушлаганича ўйга ботиб Том ўтиради. Икковлари ҳам индамасдилар. Вақт ҳали зрта. Болалар ўзларининг қўпол йиғма каравотларида ухлашарди.

Бошқа жуда кўп шўрлик негрлар каби, бутун вужуди билан оиласа берилган Том ўрнидан турди-да, оҳиста болаларнинг ёвига келиб, уларга тикилди.

— Охирги марта!— деди у.

Хлоя хола жавоб бермай, қаттиқ кўйлакка дазмол босишини давом этдиради, ҳолбуки у аллақачон дазмолланганди. Бирданига у жуда ноумид қиёфада дазмолни

қўйди-да, стол ёнига ўтириб, қаттиқ ҳўнграб йиғлай-вёри.

— Айтадиларки, биз бўйсунишимиз лозим эмиш. Ё раббим, қандай қилиб бўйсuna оламаи? Кошки сени қаерга олиб кетишларини ва сен билан қандай муомала қилишларини билсан! Бека айтадики, сени бир-икки йилдан кейин қайтариб сотиб олишармиш. Азбаройи худо, у ердан ҳали ҳеч ким қайтиб келганмас! Негрларни у ерда қийнаб ўлдиришаркан! У ерлардаги плантацияларда ишлатавериб ўлдиришаркан, деб эшиздим.

— Хлоя,— деди Том,— сени ёки болаларимни эмас, балки мени сотишиди. Шунинг учун худога шукур қилиш имкониятим керак. Болалар кетмайди ёки сен кетмайсан, мен кетаман. Бу ерда сизларга ҳеч ким озор бермайди. Борди-ю, бир ҳодиса бўла қолса, менга бўлади. Мени худо паноҳида асрар... Биламан, худо асрайди.

Том дард чекиб, бўлиб-бўлиб сўзларди, унинг овозида ишонч ва мардлик оҳангига жаранглаб турарди.

— Хўжайини ўз қарзи учун сенинг сотилишинингга йўл қўймаслиги керак эди!— деди Хлоя.— Сен ўз меҳнатиниг билан унга, ҳозир у сен учун олган пулига қараганда икки хисса ортиқ даромад бергансан. У сени озод қилиб юбориши керак эди; у сени бир неча йил илтари қўйиб юбориши керак эди. Балки ҳозир унинг аҳволи жуда тангдир-у, лекин мен унинг ҳунук иш қилганини сезялман. Ҳеч ким мени бошқача ўйлашта мажбур этолмайди. Сендеқ содиқ одамни сотса-я! Сен унинг ишларига ўз ишингдан ҳам зиёд ғамхўрлик қиласдинг, сен унга хотининг ва болаларингдан кўра кўпроқ жонбозлик қиласдинг! Ташвишдан қутуламан деб, содиқ ва меҳрибон дўстни сотса-я! Бунинг учун худо жазосини бермасмикан?.. Лекин, гапиришдан нима фойда!.. Ҳозир мен макка пирог пишириб, сени тўйдирив нонушта қилдираман. Энди бундай ширин таомларни, ким билади, қачон кўрассан!

Жануб плантацияларига сотиладиган негрларнинг нақадар азоб чекишларини яхши тушуниб олиш учун шуни унумаслик керакки, негрлар ғоят нозик ҳиссиётли бўладилар. Улар яшаб келган жойларига жуда боғланиб қоладилар. Ўлар учун жасурлик ва корчаллонлик эмас, балки ўз уй-жойларига муҳаббат қўйиш ва дил-сўзлик хусусият ҳисобланади. Ҳар бир негрни болалик чоғидан «Жанубга сотиласан» деб қўрқитишади. Бу

таҳдид ҳар бир негр устида унинг ёшлик чоғидан бошлаб энг даҳшатли жазо бўлиб осилиб туради ва бу таҳдиддан у, дарраланишдан ва энг қаттиқ азоблардан кўра ортиқроқ қўрқади. Негрлар ўзларининг бу ҳиссиятларини қандай ифода этишларини ўзимиз эшитганмиз; улар бир-бирлари билан сұхбатлашган чөвларида «дарёнинг қуи томони» ҳақидаги қиссаларни юраклари ёрилгудек бўлиб ҳикоя қиладилар. Улар назаридага «дарёнинг қуи томони» чиндан ҳам борса келмас мамлакат ҳисобланади.

Тузуккина дастурхон ёзилган, овқат устидан буғ кўтариларди. Шелбихоним бугун эрталаб Хлоя холани катта уйдаги ишидан озод қилганди. Бу видолашув зиёфатини тайёрлаш учун Хлоя бечора ўзининг бор кучини тўплади; энг яхши жўжаларини сўйиб қовурди, ёрига жуда маъқул бўладиган қилиб маис пирог пишириди ва манқал печка токчасига бир нечта кўза қўйди; бу кўзалар жуда муҳим ҳодисалар юз берган маҳалдагина пайдо бўларди.

— Ҳой Пит,— деди Моз,— бугун нонуштамиз ажойиб бўладиганга ўхшайди-ку.

Шундай деди-ю, жўжанинг бир бўлагини кўтарди.

Хлоя хола унинг қулоғидан чўзиб қўйди.

— Эй худо, бу нима гап! Бечора отаси уйда сўнгги бор ейдиган овқатга ўзини ташлайди-я!

— Ҳой Хлоя!— деб қўйди Том ювошгина.

— Бунинг ёмонлигини ўзим ҳам биламан, лекин наchora,— деди Хлоя хола юзини фартуғига яшириб.— Бугун бошим чархдек айланяпти.

Болалар дам оталарига, дам оналарига қараб индамай турардилар, қизалоқ эса, Хлоянинг кўйлагига чирмашиб, қаттиқ додлай бошлади.

— Бас!— деди Хлоя хола, кўзичи артиб ва қизчасини кўтариб.— Энди йигламайман! Овқатга ўтиринглар. Мана менинг энг яхши товуқларим. Болалар, олинг, еявенинг. Бечоралар, бугун сизни кўп хафа қилдим.

Болалар иккинчи таклифни кутмасдан, ўша ондаёқ бир-бирларини қувлашиб, стол ёнига келишди.

Нонуштадан кейин Хлоя хола стол устини йигишти-раркан, деди:

— Энди мен сенинг кийим-кечагингни жойлашим керак. Мана, қараб қўй, бод касалингнинг давоси — бома-зей бу бурчакда. Уни эҳтиёт қил: сенга янгисини ҳеч ким

қилиб бермайди. Бу ерда эски кўйлакларинг, бу ерда — янгилари; пайпоқни ўтган кечаси тўқиб қўйдим, ичига ямоқ учун юмалоқ ип солғанман. Худойим! Энди сенинг йиртиқ-ямоғингни ким қиласди?— Хлоя хола ўз қайғусини яна енголмай, бошини сандиқчага қўйиб, йиглайверди.— Уйлаб кўр, ахир! Соғмисан, касалмисан, бу тўғрида ғам гўйдиган, хабар оладиган қишинг йўқ-ку энди! Сенсиз мен иккимага ҳам ярайман!

Болалар столдаги ҳамма таомни еб бўлгач, рўй берминш воқиалар ҳақида ўйлай бошладилар. Оналарининг йиглаётганини, оталарининг маъюслигини кўриб, улар ҳам кўзларини ишқаб мингиллай бошладилар. Том тоға қиззасини тиззасида ўтиргизиб, шўхлик қилдира бошлади: у, отасининг юзини таталаб, сочидан тортиб севинганидан куларди.

— Севин, севин, бечора!— деди Хлоя хола.— Сенинг бошингга ҳам шу кулфатлар тушади. Катта бўлганингда кўрасан — эрингни сотадилар, балки ўзингни ҳам сотишар. Бу болалар ҳам қўлидан иш келадиган бўлиши билан хойнаҳой сотилиб кетади. Бунга имоним комил.

Шу чоқ болалардан бири қичқирди:

— Бека келяптилар.

— У бизга ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Келишининг нима кераги бор?— деди Хлоя хола.

Шелбихоним хонага кириб қелди. Хлоя хола ғашланаб, ҳўмрайганича уни курсига таклиф қилди. Шелбихоним унинг қовоги солинганига эътибор бермади. Унинг рағни ўчган ва ҳаяжонланганди.

— Том,— деди у,— мен сенинг олдингга...— деб бирдан тўхталиб қолди, кейин жим бўлиб қолган оиласа қараб курсига ўтирида-да, юзига дастрўмолча ёпиб, йиглайверди.

— Ҳой, бека, йигламанг, қўйинг, йиглаш керак эмас,— деди Хлоя хола ва ўзи ҳам йиглай бошлиди.

Бир неча минутдан кейин ҳаммалари баравар йиглай бошлиди.

— Жон дўстим,— деди Шелбихоним,— сенинг учун ҳеч нарса қилолмайман! Пул берай десам, сендан барни бир тортиб олишади. Лекин, қатъий сўз бераманки, сенинг изингни асло йўқотмайман ва қўлимга пул тушиши билан сени қайтариб сотиб оламан!

Бу чоқ болалар: «Мистер Гэли келяпти!»— деб қичқирнишиди. Эшик бетакаллуф итарилди. Остонада Гэли

пайдо бўлди. Бу кечада от устида кўп чопгани учун кайфи жуда бузук ва сайндини тутолмаганидан баджаҳл эди.

— Юр!— деб қичқирди у.— Тайёрмисан негр?.. Сизнинг содик хизматкорингизман, хоним,— деди у, Шелбихонимни кўргач, бошидан шляпасини олиб.

Хлоя хола сандиқчани қулфлаб, устидан чилвир тортиб боғларкан, қулфурушга чақчайиб қаради, унинг кўз ёшлари ўт учқунига айланиб кетгандек бўлди.

Том итоат билан ўрнидан турди-да, елкасига оғир сандиқчани кўтариб, янги хўжайнин орқасидан юра бошлади. Хлоя хола қиззасини кўтариб, Томни аравагача кузатгани борди, болалар эса йиғлашиб, уларнинг орқасидан жўнадилар.

Шелбихоним савдогарнинг ёнига келиб, у билан бир нима тўғрисида қизғин сўзлаша бошлади. Бу уни иккичунут ушлаб қолди. Бу вақт Том тоғанинг хотини ва болалари эшик ёнида турган арава олдига келишди. Ешу қари негрлар ўзларининг эски ўртоқларига оқ йўл тилаб қолиш учун аравани ўраб олишганди. Томни қўрада бош хизматкор ва христиан воизи сифатида севиб ҳурматлашарди. Унинг кетиши хусусан хотинларни кўп қайғуга солди.

— Э, Хлоя, сен жудоликка енгилроқ бардош берар экансан,— деди ҳўнграётган хотинлардан бири, Хлоя холанинг арава ёнида ғамгин хотиржамлик билан турганини кўриб.

— Мен кўз ёшимнинг ҳаммасини тўкиб бўлдим, энди чирогим,— деди Хлоя хола, савдогарга ҳўмрайиб қараб.— Мен бу аблах олдида йиғламайман, йиғлашни истамайман ҳам!

— Чиқ!— деди Гэли Томга, ҳўмрайиб унга қараб турган қуллар орасидан ўтиб келиб.

Том аравага чиқди. Гэли эса ўтиргич остидан оғир кишан олиб, унинг оёғига солди.

Оломон орасидан ғазаб шов-шуви кўтарилди: айвондан Шелбихонимнинг овози эшишилди.

— Мистер Гэли, бу эҳтиётгарчилигингиз ортиқча.

— Билмайман, хоним. Бу ерда мен энди бир марта беш юз доллардан ажрадим; яна ажрашга қурбим етмайди.

— Бека ундан нима ҳам кутиши мумкин эди?— Ғазаб билан деди Хлоя хола.



Икки бола ўз оталарининг бошига нима тушишини ниҳоят тушундилар-да, оналарининг кўйлагини ушлаб, тўхтовсиз йиғлай бошладилар.

— Аттанг, мистер Жорж бир ёққа кетган экан! — деди Том.

Жорж ўртоқлари билан бир неча кунга қўшни қўргончага кетганди. Мистер Жорж у ерга барвақт кетганидан Томнинг бошига тушган мусибатдан хабарсиз эди.

— Мистер Жоржга мендан салом айтинг,— деди самимий равишда Том.

Гэли отларга қамчи урди. Том таниш ва қадрдон жойларга сўнгги марта маъюс термилиб, узоқ қаради. Арава жўнаб, тезда кўздан ғойиб бўлди.

Бу вақтда мистер Шелби уйда йўқ эди. У, Томнинг оила билан ажralиши чоғида содир бўлиши мумкин оғир манзараларни кўргиси келмай, «қайтиб келгунимча ҳамма иш тамом бўлади» деб ўйлаб, аҳамиятсиз бир ишни баҳона қилиб, эрталаб кетганди.

Том билан Гэли чанг йўлда аравани гумбурлатиб, жадал борардилар. Тезда уларга яйдоқ тепалар кўринди. Бир миль йўл босгач, Гэли темирчи дўкони олдида бирдан тўхтади-да, аравадан бир жуфт қўл кишан олди ва уни темирчига тузатгани берди.

— Унинг қўлига бир оз кичиклик қиляпти,— деди Гэли, кишанинн ушлаганича Томни кўрсатиб.

— Тавба қилдим! Ҳа, бу Том-ку! Шелби уни сотдими-а?— деб ҳайров бўлди темирчи.

— Ҳа, сотди,— деди Гэли.

— Ақлим ишонмайди! Ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган иш!— деди темирчи.— Биласизми, бу одамга кишиан керакмас. У, жуда виждонли, олижаноб одам....

— Балли, балли,— деди Гэли.— Лекин ҳамма олижаноб одамлар қочишнинг пайида бўлади. Фақат аҳмоқ одам қочмайди, чунки у қаерга борса — барибир, кейин пияниста қочмайди, чунки ҳеч нарса унинг парвойига келмайди. Аммо, олижаноб одамлар эса, қулликни офатдан ҳам ёмон кўрадилар, шунинг учун уларни кишанлашга тўғри келади. Оёғини бўшатиб қўйдингми, дарҳол уни ишга соладилар. Ҳа, бунга амин бўлинг!

— Бутун бало шундаки,— деди темирчи, асбобларини олиб,— бизнинг кентуккилик негрларимиз дарёнинг пастидаги плантациялардан ниҳоятда қўрқадилар. У ерда бу бечоралар жуда тез ўлишаркан.

— Бу гапнингз тўғри, у жойларда негрлар — об-ҳав шароити жуда оғирлигидан пашибадек қирилаверади. Лекин, ана шундай кўплаб ўлганликлари учун ҳам уларнинг бозори чаққон, шу туфайли қул савдоси гуллайди.

— Лекин, ҳар ҳолда, Том каби яхши ва ювощ одамнинг у ердаги қанд плантацияларидан бирида нобуд бўлиб кетишига жуда қаттиқ афсусланасан, киши.

— Йўқ, у нобуд бўлмайди! «У билан яхши муомала қиласман» деб Шелбига ваъда берганман. Уни яхши бир мұтабар оиласа хизматкорликка жойлаштириб қўяман; агар ҳавосига ўрганиб, иситмага бардош бера олса, негрга насиб бўлганидан ҳам яхши турмуш кечираверади.

— Қўрада хотин ва болаларини қолдиргандир?

— Ҳа, қолдирди, лекин у ерда бошқа хотин толиб олади. Хотинлар ҳамма жойда серёб,— деди Гэли.

Бу сухбат вақтида Том устахона олдида тўхтатиб қўйилган аравада маъюс ўтиради. Бирдан унинг орқаси-

дан от туёқларининг овози эшитилди. Том, бу нима бўлса экан, деб ўйлаб ҳам улгурмасдан, қўққисдан ёш мистер Жорж аравага ирғиб юниб, унинг бўйнига ташланди ва йирлаб-сиқтаб, ота-оналарини қаттиқ койиб кетди.

— Мен уларга: «свиждонсизлик қилибсизлар!» деб айтдим. Улар нима демасинлар — менга барибир. Бу қабиҳ — расво, жудаям уят иш бўлибди! Агар мен катта бўлганимда эди, улар сени сотгани ботинолмасдилар! Улай агар, ботинолмасдилар! — деди Жорж, йигисини босиб.

— Қандингни ур, мистер Жорж! Жуда севиндим! — деди Том.— Сиз билан кўришмасдан кетаётганим учун қаттиқ ачингандим! Нечоғлиқ баҳтли эканлигимни айта олмайман ҳам.

Том оёғини секин қимирлатганди, Жоржнинг кўзи унинг кишанига тушди.

— Бу қанақа шарманда гарчилик! — деб хитоб қилди у, қўлини кўтариб.— Бу абллаҳни ўлдираман!... Ҳа, ўлдираман!

— Керакмас, мистер Жорж, бундай қаттиқ гапирманг ҳам. Бу билан менга ёрдам бера олмайсиз. Фақат унинг яна бадтарроқ аччиғини чиқариб қўясиз.

— Хўп, азбаройи сенинг ҳақинг учун унга тегмайман. Аммо, ўйлаб кўр, бу шармандалик эмасми, ахир! Улар менга ҳеч кимни юбормадилар, бир оғиз хат ҳам ёзмабдилар; азбаройи шифо, агар Том Линкольн бўлмаса, ҳеч нима билмай қолаверардим. Сенга рост айтаман: уйда ҳаммасини боллаб сўқдим!

— Чакки қилибсиз, мистер Жорж.

— Сўюмасам бўлмасди, ахир! Бу қадар уят иш бўладими! Буни кўр, Том тоға,— деди у, темирчилик дўконига яширинча орқасини ўгириб,— сенга мен ўз долларимни келтирдим!

— Вой-вой! Унингизни олишни хаёлимга ҳам келтиришим мумкинмас! Асло олмайман! — деди ғоят таъсирланган Том.

— Йўқ, оласан! — деди Жорж.— Мен Хлоя холага: «Том торага ўз долларимни бермоқчиман» деб айтгандим, у: «Ундей бўлса, тешиб ип ўтказиб қўйинг», деди. Айтганини қилдим: мана, бўйнингга осиб олсанг ҳам бўлади, ҳеч ким кўрмайди. Йўқса, бу абллаҳ кўриб қолиб, сендан тортиб олади. Сенга рост айтаман, Том: уни бир боллагим келяпти! Жуда маза қилардим-да!

— Иўқ, керакмас, мистер Жорж, Бундан менга ҳеч фойда бўлмайди.

— Хайр, майли, сенинг учун уни омон қолдираман,— деди Жорж Томнинг бўйнига абжирлик билан долларнинг ипини боғларкан.— Энди камзулингнинг тугмасини яхшилаб сол ва долларимни эҳтиёт қил: унга ҳар сафар қараганингда шу нарса ёдингда турсинки, мен албатта сенинг орқангдан бир куни бориб, қайтариб олиб кела-ман. Биз бу тўғрида Хлоя хола билан сўзлашдик. Унга: «бу тўғрида ташвишланманг» деб айтдим. Мен бу ишга ўзим бош қўшаман ва отамни то сени қайтариб сотиб олмагунча тинч қўймайман.

Темирчи дўконидан қўлида кишанинн ушлаб, Гэли чиқди.

— Ҳой, мистер,— деди Жорж,— сизнинг Том тоғага қандай муомала қилганингизни ота-онамга айтаман.

— Бош устига,— деди савдогар.

— Бутун умрингиз одам сотиш ва уларни ҳайвондек кишанлаш билан ўтгани учун ўзингиз ҳам уялсангиз керак. Мен сизнинг ўрнингизда булсам, ўзимни абллаҳ деб билардим.

— Сиз «аслзодалар» уларни сотиб олавераркансиз, мен ҳам сотовераман, вассалом!— деди Гэли.— Сизлардан менинг нимам ёмон? Модомики олиш мумкин экан, демак сотиш ҳам мумкин.

— Катта бўлганимда мен ҳеч кимни ҳеч қачон олмайман ҳам, сотмайман ҳам,— деди Жорж.— Энди мен кентуккилик бўлганим учун номус қиласман, илгари эса фахрланардим.

Жорж эгар устида қоматини ростлади ва бу сўзлари Кентукки штатига қандай таъсир қилганлигини билмоқчи бўлгандек атрофга назар ташлади.

— Кўришгунча хайр, Том тоға! Умидинг узилмасин. Маҳкам бўл!

— Хайр кўришгунча, мистер Жорж!— деди Том, унга меҳрибонлик ва завқ билан қараб.— Аттанг, Кентуккида сизга ўҳшаганлар кам-да!— деб хитоб қилиди у чин юракдан, содда дил боланинг юзи кўздан гойиб бўлга.

Жорж отини чоптириб кетди. Том эса от туёғининг овози учунча, унинг орқасидан қаради. Қадрдан уйнинг сўнгги садоси! Аммо, унинг бўйнига бола қўли тақиб қўйган қиммат баҳо доллар унинг юрагини иситгандек туюл-

ди. Том қўлини камзул остига тиқиб, долларни бағрига босди.

— Энди Том, сенга айтадиган сўзим шу,— деди Гэли аравага чиқаркан, унга қўл кишани ташлаб.— Мен ўз негрларим билан қандай яхши муомала қиласам, сен билан ҳам шундай яхши муомала қиласман, аммо сенга узил-кесил айтиб қўяйин — мени хафа қилассанг, сени ҳам хафа қиласман. Мен ўз негрларимни ҳеч хафа қиласман. Улар учун қўлимдан келган нарсани қиласман. Үнгайроқ ўтириб ол ва менга найрангбозлик қила кўрма, чунки мен негрларнинг ҳамма найрангларини биласан, мени алдаёлмайсан. Агар негр менинг қўлимда ўзини ювош тутиб, қочишга ҳаракат қилассан экан, унга яхши қарайман. Борди-ю, қочишни орзу қиласа, кейин ўзидан кўрсинг...

Том: «менда заррача қочиш нияти йўқ» деб Гэлинин ишонтиради. Чиндан ҳам оёқларига оғир темир кишан солиб қўйилган одам қандай қилиб қоча олсин! Мистер Гэлинининг одати шу эди: янги мол билан ҳар доим ана шундай насиҳат айтиб иш бошларди. У, бундай насиҳатлар билан янги молда тетик ва қувноқ ҳиссийт туғдириб, кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй беришига йўл қўймаслини мўлжалларди.

Бу ерда биз Том билан вақтинча хайрлашиб, ҳикоямиздаги бошқа қаҳрамонларнинг аҳволларини кўздан ўтказамиз.

XI БОБ

Тирик мулкда нобоп фикрлар пайдо бўляпти

Вақт кеч, ёмғир майдалаб ёгарди; шу вақтда Кентукки штатининг А. қишлоғидаги кичкина ошхонанинг ҳизиги ёнига бир сайдек келиб тўхтади. Ошхонада хилма-хил халойиқ тўпланишган. Бу кишилар ёмғирдан қочиб, бу жойга киргандилар. Овчилик кўйлакларини кийган новча ва барваста кентуккилар, ўзларининг эски одатларичз, курсларда бетакаллуф, чалқанчасига чўзилиб ўтирадилар. Уларнинг милтиқлари бурчакка тўплаб қўйилганди; ўқдонлар, халталар, този итлар ва негр-баччалар тўпланиб, ҳамма бурчакларни эгаллагандилар.

Учоқнинг иккى томонида иккى жентльмен — бирин ўнг томонда ва иккинчиси — чап томонда ўтиради. Икков-



лари ҳам узун оёқ, икковлари ҳам курсиларини орқага сурисиб олишган, этиклари лой ва бошларидан шляпалари ни олмай ўтирадилар. Уларнинг оёқлари ўчоқ тахтаси устида улугворона чўзилиб ётарди. Биз ўқувчиларимизга шуни билдиришимиз лозимки, гарбдаги ошхоналарнинг ҳамма мижозлари мана шундай ўтиришни севадилар, чунки бу ҳол уларнинг ақлларининг яхши ишлашига ва фикрларининг баландпарвоз қилишига ёрдам беради.

Пештахта орқасида турган трактирчи, кўпчилик ватандошлари каби барваста ва хушфеъл одам бўлиб, бошнадиги қалин соchlарини баланд шляпа қоплаб турарди.

Бу хонада ҳамма бошидаги шляпасини олмай ўтиради. Ким қандай шляпа кийган бўлмасин — фетр шляпами, пальметтоми ёки кир касгор шляпами, ёки олифта французча шляпами — ҳар ким ўз таъбига мослаб бошқанинг кийишинг сира ўхшатмасдан кийганди. Гўё ҳар ким ўз хулқига мос келадиган шляпани танлаб олгандек кўринарди. Баъзилар шляпани чаккага қўйиб кийгандилар — булар хушчақчақ ва шўх, тетик одамлар эди. Бошка бирорлар тўғри бурунларига бостириб олгандилар —

булар гапидан қайтмас ўжар одамлар эди. Баъзилар бор эдикни, шляпаларини энгсаларига суреб олгандинлар — булар ҳар бир нарсани иғнасидан-иplitигача текширадиган ҳушёр одамлар эди. Бошига шляпанинг қандай кийилгани билан иши йўқ одамлар эса, шляпаларини у ёқдан-бу ёқса суреб ўтирадилар.

Кенг иштон ва тор полотно кўйлак кийган негрлар бу ўтирганлар орасидан югуриб ютирадилар. Улар, хўжайин билан унинг меҳмонларига дастёрик қилишга доим тайёр бўлсалар ҳам, ҳеч қандай фойда келтирмасдилар. Бу манзарага, ичиде чарсиллаб ўт ёниб турган катта ўчиқни, ланг очиқ эшик ва деразаларни, булардан кираётган қаттиқ ва муздек шамолнинг каленкор пардаларни кўтариб учирив туришини қўйсангиз, Кентукки штатидаги Гам-Фуссасиз ошхона тасаввуринга ўга бўласиз.

Хозирги кентуккиликларнинг боболари овчи бўлганлар. Улар ўрмонларда кун кечирганлар, кечалари очиқ ҳавода ётганлар ва қоронги кечалари уларга шам ўрнига юлдузлар ёруғлик бериб турган. Бу овчиларнинг ҳозирги замон авлоди шу кунгача ўз уйига бивуак (вақтинча дам оладиган манзил) деб қарайди — уйга кирганда, ҳеч қачон бошидан шляпасини олмайди; боболари кўк майса устида оёқларини дарахтга ёки тўнгакка тираб ётгандек, оёғини курсининг орқасига ёки ўчиқ супасига қўйиб, чўзилиб ётади, кенг ўпкаси кўпроқ ҳаво эмсин учун кентуккилик киши қиши ва ёз на эшикни ва на деразани ёпади. Писандиз такаллуф билан у ҳамма мусофирини «бегона юртлик» деб айтади; умуман айтганда, кентуккилик — дунёда энг содда дил, қувноқ ва юраги кенг одам.

Юқорида айтилган сайёҳимизнинг ошхонага кириб кўрган бегам улфатлари — мана шулардан иборат эди.

Сайёҳ ҳовлиқмароқ ҳаракатли, юмалоқ ва хушфеъл юзли, паст бўйли, яхши кийинган сөмиз одам эди. Унинг ўзи чамадон ва зонтигини ғоят эҳтиёт қилаётганилиги кўриниб туради; кўпгина хизматкорларнинг ёрдам бериш ҳақидаги таклифларини ўжарлик билан рад қилиб, чамадон билан зонтикни хонага ўзи кўтариб кирди. У ҳадиксираб бирпас аланглагандан кейин, ўз юклари билан ўтга яқинроқ келиб, юкларни курси остига қўйди; курсига ўтиргач, ёнидаги одамга ҳавфсираб қаради: бу беодоб, жоҳил одамнинг оёқлари ўчиқ тахтасини «безатиб» турар ва ўзи ўнгу чапга шундай зўр бериб тупураг-

дики, бу хил қилиқлари яхши хулқли, аммо нозик табиатли ҳар бир жентльменни сал чўчитиши табиний эди.

— Қалайсиз, бегона юртлик? — деб сўради узун оёқ, оғзидағи тамаки сувини унинг томонига тупуриб ва шутариқа уни иззат билан табриклагандек.

— Раҳмат, яхши,— деб жавоб берди у, оз-моз чўчиб, тупурикка чап берид.

— Нима янгилик? — деб сўради узун оёқ, чўнтағидан қатланган тамаки ва ов пичоқни чиқараркан.

— Билишимча ҳеч қандай янгилик йўқ,— деди мусоғир.

— Тамаки тортасизми? — деб сўради узун оёқ, жентльменга бир чеким тамакини дўстона узатиб.

— Йўқ, раҳмат... менга зиёни бор,— деди кичкина одам, ўзини сал нарига тортиб.

— Э, тортмайсизми? — деб сўради узун оёқ, атрофидаги халойиқнинг эҳтиёжи учун янги тамаки суви запасини тайёрлаш мақсадида, ўз оғзига тўлдириб тамаки тиқаркан.

Кекса жентльмен, новча қўшниси унинг томонига ҳарсафар тупурик отганда чўчиб тушарди. Узун оёқ энг охир буни сезди-да, хушкўнгиллилук билан ўз артиллериясини бошқа томонга буриб, ўчоқ супасини ўқса тутабошлади ва бу соҳада шундай ҳарбий истеъдод кўрсатдики, бу истеъдод унга бир бутун шаҳарни фатҳ қилгани етарди.

— У ерда нима гап? — деб сўради кекса жентльмен, ошхонадаги баъзи кишилар катта афишани ўраб олганларини кўриб.

— Бир негр тўғрисида билдириш,— деб,— оломон ичидан биттаси лўндагина жавоб қайтарди.

Мистер Вилсон — кекса жентльменни шундай деб етардилар — ўриндан туриб, чамадон ва зонтигини яхшилаб тузатди, сўнгра шошилмасдан кўзойнагини олиб, бурни устига маҳкам жойлаштириб. Бу тараддуни тамомлагач, қўйилдаги сўзларни ўқиди:

Қўйида қўл қўйган кишининг қўлидан Жорж номли ёш мулат қочди. Бўйик олти фут, бадани оқ, соchlари қўнғир-қиэғиши Жуда зеҳили, чечан сўзлайди, ўқиш-ёзиши билади. Эҳтимол ўзини оқ деб кўрсатса керак. Орқасида ва елкала-рида чуқур яра изларп бор. Унг қўлнига «Г» ҳарфи тамагланган.

Тирик ушлаганига тўрт юз доллар бераман, ўлдирилгани ҳақида етарли даражада инобатли далил кўрсатганга ҳам тўрт юз доллар бераман.

Қекса жентльмен худди билдиришни ёдлаб олмоқчи бўлгандек овозини чиқариб бошидан-охиригача ўқиди.

Учоқ панжарасининг узун оёқ бомбардимончиси ул-кан ҳоматини кўтариб ўрнидан турди-да, билдириш ёнига келди ва оғзидағи тамаки сувини шошилмасдан билдиришга тулурди.

— Бу тўғрида мен ана бундай ўйлайман,— деди у қисқача қилиб, кейин яна жойига бориб ўтири.

— Бу нима қилганингиз энди?— деб сўради ошхона эгаси.

— Бу билдиришни ёзган одам шу ерда бўлса унинг юзига ҳам шундай тупурардим,— деди узун оёқ, тамакисини бамайлихотир қирқаркан.— Бундай соз қулга эга бўла туриб, у билан муомала қилишни билмаган одам қулинни қочириб юборган экан, ўзи айбли. Бундай билдиришлар — Кентуккига ҳақорат! Қимки менинг фикримни билмоқчи бўлса — фикрим, мана шу.

— Нима ҳам дердик, сиз ҳақлисиз,— деди хўжаин, ҳисоб дафтарига бир нимани ёзаркан.

— Менинг бир гала негрим бор, сэр,— деди узун оёқ, учоқ панжарасига янгидан ҳужум бошлаб.— Уларга мен доим: «Иигитлар, қани қочаверинглар! Тезроқ қочнинглар! Мен орқаларингдан қарамайман ҳам!» дейман. Уларни ана шундай қилиб тутиб тураман. Майли, улар истаган вақтда қочиб кета олишларини билснилар; буни билганиларидан кейин қочмайдилар. Бундан ташқари, уларга эркиннома ҳам тайёрлаб қўйганман, ўлишим олдидан бу ҳужжатни ҳар қайсишининг қўлига бераман; улар буни ҳам биладилар. Ҳой, бегона юртли, сизга шуни айтайки, бутун округда негрлардан ҳеч ким ҳали мендек даромад олган эмас. Мана, менинг негрларим ҳар бирни беш юз доллар турадиган отларни олиб Цинциннатига боришида ва отларни сотиб, пулини роса вақтида келтириб беришиди. Ўзи равшан. Уларни итга ўхшатиб боқсангиз, улар ҳам итчасига ишлайдилар ва итчасига ҳаракат қиласдилар. Улар билан инсоний муомала қилинг, кўрасизки, улар ҳам инсон каби ишлайдилар.

Қизиб кетган ҳалол молфуруш ўз ҳиссиётини мустаҳкамламоқчи бўлиб учоқ панжарасига боплаб тупурди.

Жуда тўғри гапирияпсиз оғайнин,— деди мистер Вилсон.— Бу билдиришда ёзилган қул, шубҳасиз ақлли одам. У, менинг фабрикамда олти йилча ишлаган, ме-

нинг фабрикам қоп-қанор ишлаб чиқаради, у, энг яхши уста эди, сэр. Бундан ташқари у каноп тозалайдиган бир машина ихтиро қилди — жуда даромадли кашфиёт эди. Унинг хўжайини бу ихтиро учун шаҳодатномани ўз номига ёздирив олди.

— Шубҳа қилмайманки,— деди молфуруш,— у шаҳодатномани ҳам ўз номига ёздирган, пулни ҳам олган, кейин бу бечоранинг шармандасини чиқарган. Агар баҳтимдан бўлиб қулай пайт келса, уни шундай боллаб адабини берайки, мени умрбод ёдидан чиқармасин!

— Ҳар вақт бундай қобилиятли ва илмли негрлар нинг ташвиши кўп бўлади,— деди хонанинг бошқа бурчагидаги дағалроқ қиёфали бир одам.— Шунинг учун хўжайнлари уларни уриб, шарманда қиладилар. Агар бу негрлар ўзларини яхши тутсалар, уларга ҳам яхшиликча муомала қилардилар.

— Сиз уларни ҳайвоинг айлантиришнинг энг яхши усулини таклиф қилипсиз,— деди молфуруш.

— Қобилиятли негрлар ўз хўжайнларига ҳеч қандай фойда етказмайдилар,— деди у, ўз суҳбатдошининг нафратомуз сўзларини пайқамай.— Агар қобилиятидан ўзингиз учун манфаат тополмасангиз, унинг нима кераги бор? Улар ўз қобилиятларини сизни алдаш учун ишлатадилар. Менда шундай негр йигитлар бор эди, уларни дарҳол «дарёнинг қуян томонига» сотиб юбордим. Башарти уларни сотмасам, бир кунмас, бир кун қочиб кетишларини жуда яхши билардим.

Ошхонага яқинлашиб келаётган кичкина, бир кишилик экипажга ҳамма тикилиб қолди; шу он суҳбат узилди. Экипаж жуда чиройли бўлиб, хизматкор негр кучерлик қилас, экипажнинг тўрида эса, яхши кийинган бир жентльмен ўтиради.

Ошхонада ўтирганларнинг бари бу жентльменга ғоят қизиқиб қаради, одатда, ёмғир кунида ҳамма бекорчиilar ҳар бир янги келган кишига шундай қизиқиб қарайдилар.

Новчадан келган, қорача юзли бу киши испанга ўхшарди. Кўзлари ва ялтиллаган қўнгир сочлари қоп-қора эди. Унинг гўзал қарчигай бурни, тўғри ва юпқа лаби ва чиройли қадди-қомати ошхонада тўпланганларнинг ҳаммасида жуда катта таъсир қолдирди. У, одамлар орасидан оҳиста ўтди, хизматкорга ишора қилиб нарсаларни қўядиган жойни кўрсатди, ўлтирганларга таъзим

қылди, шляпасини қўлида ушлаганича шошилмас, ап пештахта ёнига келди-да, ўзини Шелби округи, Окленд шаҳаридан келган Генри Бэтлер деб ёзиб қўйишни буюрди. Кейин орқасини ўгиринб, бамайлихотир билдиришни ўқиб чиқди.

— Жим,— деди у, ўз хизматкорига,— биз Бернен яқинида шунаقا бир йигитни учратувдик шекилли, эсингиздами?

— Шундай, хўжайнин,— деди Жим.— Фақат қўлидаги тамғаси тўғрисида гумоним бор.

— Унинг қўлини мен ҳам кўрганим йўқ,— деди нотаниш киши бепарво, эснаётуб.

У, ошхона эгасининг олдига келиб, ўзига алоҳидэ бўлма берилшини талаб қылди ва бунга сабаб қилиб, у дарҳол бир хат ёзмоқчи эканини билдириди.

Ошхона эгаси қулларча таъзим қилиб, топшириқни бажаргани югурди, шунда еттига қари ва ёш негрлар - эркак ва хотинлар шошилиб, бир-бирларига туфтиниб ва оёқларини босишиб, тўрага бўлма тайёрлагани чопдилар. Бу вақт нотаниш одам курсига баъзўр ўтириб, ёнидаги киши билан сўзлаша бошлади.

Нотаниш одам кириб келгандан бўён мистер Вилсон унга хавфсираган ҳолда қизиқиб тўхтосиз қаарди. У, бу одам билан қаердадир танишганман деб ўйлар, аммо қаерда танишганлигини ҳеч эслаб ололмасди. Бу одам сўзлаганда, қимирлаганда ёки кулганда мистер Вилсон бир неча марта иргиб туриб, унга диққат билан қаргуси келди, аммо ҳар сафар катта қора кўзли нотаниш одамининг совуқ назари уни тўхтатарди. Бирдан унинг ёлига бир нарса тушди ва нотаниш одамга шундай ҳайрат билан хавфсираб тикилиб қолдики, нотаниш одам унинг ёнига келишга мажбур бўлди.

— Янглишмасам, мистер Вилсон бўлсангиз керак,— леди нотаниш одам, гўё уни эндигина танигандек қўлини узатиб.— Афя этасиз, сизни аввал танимадим. Қарасам, ёдингизда бор эканман,— мистер Бэтлер, Шелби округи, Окленд шаҳридан.

— Ҳа... ҳа... ҳа... сэр,— деб ғудуллади мистер Вилсон, худди тушидаги каби.

Бу вақт бир негр-бачча кириб, тўрага алоҳида хона тайёрлигини билдириди.

— Жим, боҳабар бўл, чамадонларни олиб кирсилар,— писинд қилмай гапирди нотаниш одам ва мистер

Вилсонга қараб деди:— Мен бир иш тўғрисида сиз билан сўзлашишни истардим... агар вақтингиз бўлса менинг бўлмамда гаплашсак.

Мистер Вилсон худди тушидаги каби, унинг орқасидан эргашди. Улар тепадаги катта бўлмага кирдилар; бу ерда ҳозиргина ёқилган ўт чирсиллаб ёнар, аңчагина хизматкорлар бўлма тузашни тамомлаш билан овора эдилар.

Хизматкорлар чиқиб кетгач, нотаниш одам эшикни шошилмасдан қулфлаб калитини чўнтағига солди-да, юзини ўгирди ва қўлини кўксига қўйинб, мистер Вилсонга дикқат билан тикилди.

— Жорж, сенисан! — деб қичқирди Вилсон.

— Балли, Жоржман, — деди Йигит.

— Етти ухлаб тушимга кирмаган ҳодиса!

— Менингча, қиёфамни боллаб ўзgartирган бўлсам керак, — деди Йигит табассум билан, — ёнғоқ пўстлоги менинг сариқ баданимни киборларга хос бугдой ранг қилиб қўйди, сочини эса қора рангга бўядим. Кўрдингизми энди, мен билдиришда ёзилган одамга сира ўхшамайман шекилли.

— Ҳой, Жорж, сен хавфли ўйин бошлабсан! Эҳтиёт бўл! Мен сенга буни маслаҳат бермасдим...

— Ўзимга ўзим жавобгарман! — деди. Жорж яна боягидай мағруона илжайиб.

Гап орасида шуни айтиб ўтайликки, Жоржнинг отаси оқ бадан, онаси эса, ҳаддан зиёд чиройли бўлганидан ўз ҳокимининг нафсоний ҳис қурбони ва отасини билмас болаларнинг онаси бўлиб қоладиган баҳтсиз негр аёллардан бири эди. Жоржга гўзал ва нозик европача ташқи қиёфа ҳамда жўшқинли, ҳеч нимага бўйсунмас хуљ Кентуккидаги энг отоқли оиласларнинг биридан мерос бўлиб текканди. Онадан унга қорача бадан, ранги ва ажойиб қора кўз ўтганди. У, бадан ва сочининг рангини салгина ўзгартиш соясида, чин испанинг ўзи бўлиб қолди. Унинг азалдан ўзига хос бўлган кўркам феълатвори, ўз хизматкори билан сабҳат қилаётган жентльмен ролини осонгина ўйнашга имкон берди, бу эслашубҳасиз хатарли роль эди.

Хушкўнгил, лекин эҳтиётчан кекса жентльмен мистер Вилсон бўлманинг у бошидан-бу бошига юарар ва «Жоржга ёрдам берайми ёки қонун ва тартибга риоя қиласайми?» деган масалани ҳал этолмай иккиланарди.

— Хўп, яхши, Жорж. Фараз қилдик — қочибсан... ўз қонуний хўжайинингни ташлабсан... Бунга таажжублан-майман. Лекин шу билан бирга мен хафаман, Жорж... Шуни сенга айтишим керакки, Жорж... Буни сенга айтиш менинг бурчим.

— Нимадан хафасиз, сэр? — деб хотиржам сўради Жорж.

— Шунинг учун хафаманки, сен ўз ватанингниғ қонунига қарши иш қиляпсан.

— Ватанинг эмиш! — афсусланиб деди Жорж.— Қабрдан бўлак менинг ватаним йўқ. Кошки эди тезроқ ўша қабрга кирсам!

— Нима бўлди сенга, Жорж! Йўқ, йўқ, бундай дема! Сенинг хўжайининг бераҳм одам, бу тўғри... Уни мен ҳимоя қилолмайман. Лекин...

— Ўз озодлигим учун курашсам ёмон иш қилган бў-
ламанми? — деб сўради Жорж.

— Булар ҳаммаси мутлақо табний, Жорж,— деди хушкўнгил Вилсон, зўр бериб мишириб.— Ҳа, мутлақо табний, аммо сенинг бундай фактларингни қувватламаслик менинг бурчим бўлади. Шундай, болам, сенга жуда раҳмим келади... Жуда кўнгилсиз воқиа, жуда кўнгилсиз! Лекин ҳаммамиз худонинг иродасига бўйсунши-
миз керак, Жорж!.. Шундай эмасми?

Жорж бошнин орқага ташлаб, қўлларини кўксига кўйиб, маъюсона кулимсираб туради.

— Мистер Вилсон, мен шуни билмоқчиман, чуончи, айтайлик ҳиндлар келиб сизнинг хотин ва болала-
рингиздан ажратиб олиб кетсалар-у, умр бўйин ўзлари-
нинг ерларини чопишга мажбур қилсалар, «менинг бур-
чим — бўйсуниш» деб юраверармидингиз? Аксинча, мен ўйлайманки, биринчи учраган отни миниб қочардингиз
ва буни — «худонинг иродаси шу» деб ҳисоблардингиз,
шундай эмасми?

Паст бўйли жентльмен бу гапни эшитгач, кўзлари олайди. Гарчи у доно мутафаккир бўлмаса ҳам, бундай вақтда ҳар бир мутафаккир каби иш тутиш учун ақли етар эди: далил асосли бўлгандан кейин унга қарши ёътиroz билдирамаслик лозим. У, зонтигини яхшилаб силаб-сийлаб, ҳамма қатларини ёзиб, насиҳатини давом этдириди:

— Жорж, сен жуда яхши биласан — мен ҳамиша сенга дўст бўлиб келдим. Сенга нимаки деган бўлсам,

сенинг фойданг учун деганман. Лекин, меннигча, сен жуда хатарли иш бошлабсан. Биламанки, плаинингнинг рўёбга чиқишига ўзингнинг ҳам кўзинг етмайди. Агар сени ушлаб олсалар, аҳволинг илгаригидан ҳам бадтарроқ бўлади. Шармандангни чиқарадилар, чала ўлик қилиб калтаклайдилар, кейин Жанубга сотадилар.

— Мистер Вилсон, мен буларнинг ҳаммасини тушуняпман. Мен жуда мудҳиш таваккал йўлига тушдим, аммо... — деб у кўкрагини очганди, мистер Вилсон иккита тўппонча билан йигма пичоқни кўрди.— Мана! — деди у.— Мен ҳамма нарсага тайёрман. Ҳеч қачон Жанубга бормайман. Агар иш шунга бориб қолса, ўзимга қабр учун олти фут ерни уришиб ола биламан.— Кентуккида биринчи бор ва охирги марта ер эгаси бўламан.

— Биласанми, Жорж, сенинг фикрларинг жуда ёмон. Бу фикрларинг энсамни қотирмоқда, Жорж. Мен хафаман. Ўз ватанингнинг қонунларини бузиш. Бу нима деган гап, ахир...

— Яна «ўз ватанинг» дейсиз! Мистер Вилсон, сизнинг ватанингиз бор, лекин мен каби чўри оналардан туғилган увол одамларнинг қандай ватани бўлиши мумкин, ахир? Қонунларни биз ўйлаб чиқарганимасиз, бу қонунлар учун бизнинг розилигимизни сўраганмаслар ва биз бу қонунлар билан ҳисоблашмаймиз. Бу қонунлар бизни фақат эзади ва хўрлайди.

Жоржга мистер Вилсоннинг чин кўнгилдан раҳми келар ва уни ҳаяжонлантираётган ҳиссиётларни у мужмал тасаввур этарди. Лекин у, «Менинг бурчим — қаттиқ туриб — зўр бериб уни ҳақиқат йўлига солиш» деб ўйларди.

— Жорж, бу ишинг яхшимас! Мен сенинг дўстинг бўлганимдан шунни айтишим лозимки, сен бундай фикрларга амал қилиб чакки қиляпсан. Яхшимас, сен каби одамга жуда ҳам яхшимас... жуда, жуда...

Шу сўзларни айтиб бўлгач, мистер Вилсон стол ёнига ўтириди-да, зонтигининг дастасини асабийлашганидан чайнай бошлади.

— Менга қаранг, мистер Вилсон,— деди Жорж, унинг рўпарасига жиддий қиёфада ўтириб олиб — разм солинг менга. Мана, сизнинг олдингизда ўтирибман — мен ҳам сиз каби одаммасми? Юзимга, қўлимга, танамга қаранг,— деб йигит қаддини мағруона ростлади.— Нима учун мен ҳам бошқалар каби инсон деб санал-

маман? Қулоқ солинг, мистер Вилсон, сизга бир ҳикояни айтиб берай. Менинг отам Кентуккининг энг отоқли кишиларидан бири бўлган... У: «мен ўлганимдан кейин, кредиторларимни рози қилмоқ учун Жоржни итларим ва отларим билан бирга сотиб юбормасинлар» деб ўйламаган ҳам. Аукцион залига онам билан унинг сттита боласини келтиришди. Болаларни турли хўжайиларга онамнинг кўз ўнгига бирин-кетин сотишиди. Мен энг кичкинаси эдим. Онам мени сотиб олаётган одамга: «мени шу бола билан бирга қўшиб олинг, ҳеч бўлмаса биттагина гўдагим ёнимда бўлсин» деб, тиз чўкиб ёлборди. Лекин, у одам онамни этиги билан тепиб юборди. Буни ўз кўзим билан кўрганман. Хўжайнин мени қўрасига олиб кетмоқчи бўлиб отининг бўйнига боғлаётганда, онамнинг додлаб қичқирган овозини сўйгги марта эшитдим.

— Кейинчى?

— Уса бошладим. Узоқ-узоқ йиллар отасиз, онасиз, опасиз күн кечирдим, менга ғамхўрлик қиласидиган бирорта инс-жинс бўлмади. Ҳақорат, калтак ва очликдан бошқа ҳеч нарса кўрмадим. Ҳа, сэр, мен шу қадар оч қолардимки, хўжайнилар итларнинг олдинга ташлаган суякларни чайнасан ўзимни баҳтиёр деб билардим. Лекин, кичкина болалик чофимда кечалари ухламай йиғлаб ётганимда, очликдан ёки калтакдан йиғламасдим. Йўқ, сэр. Мен онамни соғиниб, сингилларимни соғиниб йиғлардим, чунки дунёда менинг ҳеч кимим йўқ эди, ҳеч ким менинг севмасди. Мен, осойишталик нима, иссиқ ўй нима, ҳеч билмай ўтдим. То сизнинг фабрикангизга киргунча ҳеч бир ширин сўз эшитмадим. Мистер Вилсон, сиз менга яхши муомала қиласингиз. Сиз, менда ишламоқ, ўқимоқ ва маданий одам бўлиб етишмоқ учун бўлган орзу-ҳавасни қўллардингиз. Бунинг учун сизга нақадар миннатдор эканлигим худога аён. Кейин, сэр, мен ўз хотинимни учратдим. Уни кўргансиз, унинг гўзаллигини биласиз. Унинг мени яхши кўришини билганимдан ҳамда унга ўйланганимдан кейин, шундай баҳтиёр бўлдимки, ўзимга жон кирди, деб ҳис қилдим. Унинг дили ҳам, қиёфаси ҳам чиройли экан. Кейин нима бўлди? Кейин хўжайним келиб мени ўз ишимдан, ёр-дўстларимдан, ишқ қўйган бутун ишимдан ажратиб, лойга тиқди. Хўш, нима учун? Чунки ўзимнинг ким эканлигимни унугланмишман! Мени фақатгина негр

Эканлигимни эслашга мажбур қиласмиш! Пировардида у мен билан хотинимнинг орамизга гов бўлиб кўтарилиди ва менга: «буни ташлаб, бошқа хотин оласан» деди. Билиб қўйинг, сизнинг қонунларингиз инсониятчиликка батамом хилоф бўлган ана шундай ишларни қилиш учун унга ҳуқуқ беради! Мистер Вилсон, қаранг ахир! Бу ерда гап — менинг онамнинг, сингилларимнинг, хотинимнинг ва ўзимнинг юрагимни поралаган шафқатсизликдагина эмас, бу ерда гап -- бундай шафқатсизликка йўл қўйиб, Кентуккида шундай ишни қилиш учун ҳаркимга ҳуқуқ берадиган сизнинг қонунларингизда. Золимга бир оғиз ҳай дейишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ! Тагин бу бошвоқсизликни сиз «сенинг ватанингнинг қонулари» деб атайдиз-а? Сэр, менинг отам бўлмаганидек, ватаним ҳам йўқ. Аммо, ватанга эга бўламан! Сизнинг ватанингиздан ҳеч нарса истамайман, керакмас, фақат менга ундан тинч чиқиб кетишга имкон берсалар, бас. Қонунлари мени қўриқладиган Канадага борганимдан кейин, у ер менинг ватаним бўлади, ана шунда унинг қонунларига бўйсунаман. Лекин бирор мени бу ерда тўхтатишга уринаркан — ёмон қиласман, чунки пичоқ суюгимга етди. Мен ўз озодлигим учун бир томчи қоним қолгунча олишаман!

Жорж гоҳ стол ёнига ўтириб, гоҳ бўлманинг у бошидан-бу бошига юриб, кўзидан ёшлар тўкиб, жонидан тўйган киши каби имолар қилиб, кўзлари яшнаб сўзларди. Бу юракдан чиққан сўзлар хушкўнгил чолни ҳаяжонга солди. У катта, сариқ шойи дастрўмолчасини олиб, юз-кўзларини зўр бериб арта бошлади.

— Уларнинг ҳаммасига лаънатлар бўлсин! — деб туйқусдан қичқирди у. — «Улар аглаҳ» деб сенга айтмовдимми? Олға, Жорж, олға! Аммо, эҳтиёт бўл, болам. Ҳеч кимни ўлдирма... Жуда бўлмай қолса, билмайман... Хотининг қаерда, Жорж? — деб сўради у, ҳаяжонланганича иргиб туриб, бўлмада нари-бери юра бошлаб.

— Кетибди, сэр, қўлига боласини олиб, кетибди. Қаерга кетганини худо билади. Шимолга кетибди. Энди у билан учрашармиканмиз?

— Бўлмаган гап! Рости билан-а? Шундай яхши хўжайниларни ташлаб кетибдими?

— Яхши хўжайнилар қарздор бўлиб қоладилар. Бизнинг ватанимизнинг қонунлари эса, кредиторларнинг

пулини тўлаш учун уларга онасидан боласини тортиб олиб сотишга ижозат беради,— ачиниб деди Жорж.

— Мана, Жорж,— деди кекса саховаткор, чўнтағини ковлаб, кўпгина қоғоз пул чиқариб.— Балки мен ўз маслагимга зид иш қилаётгандирман, аммо маслагимнинг йўлига юролмайман ахир...

— Йўқ, керакмас, саховатли ва яхши сәрим!— деб хитоб қилди Жорж.— Сиз менга бусиз ҳам кўп яхшилик қилдингиз. Бунинг туфайлидан сизга таъбиҳираликлар бўлиши мумкин. Мўлжаллаган жойимга бориб олиш учун пулим етса керак, деб ўйлайман.

— Йўқ, албатта оласан, Жорж. Пул ҳамма вақт мадад беради. Пул, агар ҳалоллик билан топилган бўлса, ҳар қанчаси ҳам ортиқча бўлмайди. Ол буни, ҳозир ол. Олишинг керак, болам!

— Кейинчалик қайтариб бериш шарти билан, сәр,— деди Жорж пулни оларкан.

— Энди менга шуни айт, Жорж: шундай қиёфада сен яна қанча вақт саёҳат қилимоқчисан? Саёҳатинг узоққа бормаса керак, деб ўйлайман. Бу ҳийланг ёмонмаску, аммо бунга жуда довюраклик керак. У қора боланг ким?

— У ишончли бола. У бир йил муқаддам Канадага қочиб кетганди, аммо унга: «қочғанинг учун хўжайнинг жуда аччиғланиб, кампир онангни савалади» деб етказибдилар. Шунинг учун у, онасига ёрдам бериш ва иложини топса, ўзи билан бирга олиб кетиш учун Канададан қайтиб келган.

— Хўш, олиб кетибдиларми?

— Йўқ, ҳали. У, хўжайнининг қўраси атрофида кезибди, аммо қулай пайт бўлмабди, ҳали у мен билан Оғайогача боради; у ерда унга ёрдам берадиган дўстлари бор... У менин ўз дўстларига таништириб, кейни онасини олиб кетгани қайтмоқчи.

— Хавфли иш, жуда хавфли!— деди чол.

Жорж қаддини ростлаб, нафратомуз кулди.

Мистер Вилсон содда диллик билан завқланиб унга бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Жорж, сенда аллақандай ҳарикулодда бир ҳодиса рўй берибди. Ўзингни шундай тутиб гаплашасанки. худди бошқа одам бўлиб қолганга ўхшайсан.

— Чунки, мен озод инсонман,— деб магрур жавоб

берди Жорж.— Шундай, сэр, энди мен ҳеч кимни «хўжайнинм» деб айтмайман. Мен озодман!

— Эҳтнёт бўл! Ҳали сени ушлаб олишлари мумкин!

— Қабрда ҳамма одам озод ва тенг, мистер Вилсон,— деди Жорж.

— Сенинг довюраклигингга қойилман,— деди мистер Вилсон.— Қўрқмасдан энг яқин ошхонага келибсан-а!

— Мистер Вилсон, бундай қилиш учун чиндан довюраклик керак; кейин ошхона, ҳақиқатан, шу ҳадар яқинки, бу ердан мени қидириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Мени узоқроқ жойлардан излайдилар, ҳамма воқиани ёлғиз сиз биларсиз. Жимнинг хўжайини бу ерда яшамайди ва бу томонларда уни ҳеч ким танимайдиям.

— Қўлингдаги тамға-чи?

Жорж қўлқопини ечиб, янги изни кўрсатди.

— Бу мистер Гарриснинг хайрлашув олдидан қилган илтифоти,— нафраторуз деди у.— Икки ҳафта бурун у мени тамғалаш пайига тушди, чунки мени «бир куни маис бир кун қочиб кетади» деб гумон қилган бўлса керак. Қизиқ-а, нима дедингиз?— деди у, яна қўлқопини кийиб.

— Сенинг аҳволингни ва бошингга тушган хатарни ўйласам, қўрқишимдан сочим тикка туриб, томиримдаги қоним музлаб қолгандай бўлади-я!— деди мистер Вилсон.

— Менинг қоним бир неча йилдан бўён музлаганди, лекин ҳозир қайнаш даражаснга етди,— деб жавоб берди Жорж.— Азиз сэrim,— деб давом этди Жорж, бир неча минут сукут қилгац,— мени, дарров таниб қолганингизни кўриб, ҳамма гапни сизга айтишга дарҳол қарор қўлдим, чунки, сизнинг менга таажжубланиб қарашларингиз сиримни очиб қўйинчи мумкин эди. Мен ўртага эрталаб, тонг ёришганда жўнаб кетаман. Эртага кечаси Огайода тинч ухларман, деб умид қиласман. Мен кундузи саёҳат қиласман, энг яхши мусофирихоналарга тушаман, киборлар билан бир столда овқатланаман. Шу билан, яхши қолинг, сэр! Агар мени ушлабдилар, деб эшиксангиз, билингки, мен тирикмаоман!

Жорж тоғдек маҳкам турарди, у шоҳона ҳаракат билан мистер Вилсонга қўл узатди. Чол унинг қўлини астойдил қисди ва ҳадиксираб орқасига қараганича зонтигини олиб чиқди. Жорж ёпилаётган эшикка хаёл сурған ҳолда қаради. Унинг миясида янги фикр лип этиб ўтди. У эшик ёнига жадал келди-да, уни очиб:

— Мистер Вилсон, яна бир сўз қолибди! — деди.

Кекса жентльмен қайтди. Жорж илгаригидек эшикни қулфлади ва полга сустланиб қараб, бир неча минут индамай турди. Ниҳоят, аранг бошини кўтарниб, деди:

— Мистер Вилсон, сизга бир илтимосим бор: яна бир саховатли иш қиласангиз.

— Хўп, Жорж.

— Айтган гапларингиз ҳаммаси тўғри: мен хавфли ўйин бошладим. Агар мен нобуд бўлсан, ҳеч ким афсусланмайди. Мени ўлдириб, бир итдек кўмиб юборадилар. Бир кундан кейин ҳеч ким мени ёдига ҳам олмайди — бечора хотинимдан бошқа ҳеч ким ёдламайди! Бечора! Ёлғиз ўша мени эслаб йиглайди, соғинади. Мистер Вилсон, агар сиз унга мана шу тўғноғични юборишга рози бўлсангиз эди! Унга мана шу тўғноғични бериб айтсангизки, мен охирги минутгача уни севдим... Менинг илтимосимни бажарасизми! Бажарасизми? — деб қаттиқ туриб сўради у.

— Албатта... бечора дўстим! Албатта! — кўзидан ёш тўкиб леди кекса жентльмен ва Жорждан тўғноғични олди.

— Унга айтингки,— деб давом этди Жорж,— агар эплаёлса тезроқ Канадага борсин. Бу менинг сўнгги тилагим. Ўз қадрдан уйини қандай яхши кўрмасин, бека унга нақадар хушмуомала бўлмасин, лекин ҳар ҳолда уйга қайтиб бормасин. «Уйга қайтма» деб илтимос қилинг, чунки, қуллик доим фалокат билан тугайди. Унга айтингки, боламизни озод инсон қилиб таобияласин, шундагина у, мен каби жафо тортмайди. Шу сўзларинг ҳаммасини айтинг, мистер Вилсон. Менинг илтимосимни бажо келтирасизми?

— Ҳа, Жорж, унга ҳамма сўзларингни айтаман. Лекин, ишонаманки, сен ўлмайсан. Руҳинг тушмасин... сенинг мард ва жасур юрагинг бор!

XII БОБ

Қонуний савдо матижасида юз берган саргузаш

Мистер Гэли билан Том аравада силкинишиб борар ва ҳар қайсиси ўз хаёлига шўнғиганди. Улар бир ўтиргичда ёнма-ён ўтиришар ва уларниг кўз ўнгидан бир хилда манзаралар ўтиб борар, аммо мияларидаги фикрлар ҳар хил эди.

Масалан, мистер Гэли, Томнинг қуввати, бўй-басти тўғрисида ўйлар ва то сотилгунча уни яхши сақлаб, этидан туширилмаса, қанчага пул қилиш мумкинлигини чамаларди. У, бозорга олиб чиқилган бир тўда негрлари тўғрисида ўйларди. У, ҳали ўзи кўрмаган эркак, хотин ва болалардан тўп қилиб бозорга олиб чиқадиган негрларни қанчага пул қилиш ва шу каби ўз касбига алоқадор нарсалар тўғрисида хаёл сурарди. Кейин у, ўзи тўғрисида ўйланана бошлади: «Қандай саховатли ва инсонпарвар одамман-а,— дерди у, ўз-ўзига.— Бошқа савдогарлар ўз негрларининг ҳам қўл, ҳам оёқларига кишан соладилар, мен бўлсам Томнинг фақат оёғига кишан солдим. Том ўзини жўн тутаркан, қўлини кишанламайман». Кейин уф тортиб яна ўйлади: «Одамлар ношукур бўлади. Мана, масалан, Том менинг яхшилигимни, шубҳасиз, қадрла маётгандир. Ўзларига нисбатан яхши муомала қилган негрларим бу яхшиликларимни ҳеч қадрлаганимаслар. Тағин ҳам шу чоққача меҳру шафқатлилигични йўқотмай юрибман-да!»— деб ҳайрон бўларди у.

Гэли чўнтағидан газета олди ва билдиришларни қараб, уларни қизиқиб ўқин ўйлади. У ўқишга нўноқроқ эди ва ўқиркан, кўзидан ўтаеттган сўзларни ўз қулоги билан эшишиб текширмоқчи бўлгандек, ним овоз чиқариб ғудунгларди. У, қўйидаги билдиришни зўр-баъзўр ўқиб чиқди:

Ким ошди савдоси! Негрлар сотилади!. Суд қарорига мувофиқ 20 февраль пайшанба куни Кентуккидан Вашингтон шаҳарининг суд биносида қўйндаги негрлар сотилади: Агарь — 60 яшар; Жон — 30 яшар; Бен — 21 яшар; Саул — 26 яшар; Альберт — 14 яшар.

Бу негрлар, мистер Жесс Блатчфорднинг кредиторлари ва меросхўрларининг ҳақини қондириш учун сотиладилар.

Мутаваллилар:
Сэмюэл Моррис, Томас Флант.

— Буларни бир кўришим керак экан,— деди Гэли, Томга хитобан, чунки у шу топда, ким бўлмасин, бирор билан сўзлашиши керак эди.— Биласанми, Том, мен бозор учун негрларни яхши бир тўп қилиб сен билан бирга юбормоқчиман. Яхши улфатлар ичida кайфинг чоғ бўлади. Даставвал биз Вашингтонга борамиз, у ерда мен, то ўз ишларимни битиргунимча, сени турмага ўтқазиб қўяман.

Том бу «хушхабарни» индамай, тавозе билан тинглаб турди. «Бу шўринг қурғурларининг ҳам,— деб ўйларди

Том,— кўпларнда хотин ва болалари бордир ва улар ҳам ажралиш вақтида аччиқ-аччиқ қайғу чексалар керак». Гэлининг Томни турмага ўтиргизиб қўйиш ҳақида «содда диллик» билан айтган хабари уни ҳеч қувонтиrolмасди: ахир Том ҳар доим ўз шаънига доғ туширмаганилиги учун фахрланарди. Ҳа, шуни айтиш керакки, Том дар-ҳақиқат, ўзининг ана шу ҳалоллиги, олижаноблилиги учун фахрланарди, чунки унинг бундан бошқа фахрла-налигига нарсаси йўқ эди.

Шундай қилиб, кун ўтди, оқшом Вашингтонга келди-лар ва қулай жойлашдилар: бири — мусофирихонага жой-лашди, яна бири турмага.

Эртаниси кун эрталаб соат ўн бирда, суд залига кирадиган пиллапоя олдиди ҳилма-хил одамлар тўпланишди. Бирор чеккан, бирор тамаки шимиган, бирор тупуриб сўкинган, ҳар ким ўз лиди ва майлига қараб сўзларди. Ҳамма савдо бошланишига мунтазир эди. Сотиққа қўйилган эркак ва аёллар алоҳида тўп бўлиб ўтириб, ним овозда бир-бирлари билан сўзлашардилар.

Билдиришда номи Агарь деб айтилган хотин асли африкалик эди. Эҳтимол у олтмиш ёшдадир-у, аммо дард ва ҳаддан зиёд оғир меҳнат уни эрта қаритгандир. Унинг кўзи деярли кўрмас ва бод касали қаддини буқчайтиб қўйганди. Унинг ёнида ўғли Альберт — ўн тўрт яшар, тетик бола турарди. Агарнииг, бир вақтлари гоят катта онасидан ёлғиз шу бола бутун қолганди. Бошқалари Жанубдаги қул бозорларида бирин-кетин сотилиб кетганди. Онаси уни қўллари қалтираган ҳолда ушлаб турар ва уни кўргани келган ҳар бир кишига титраб боқарди.

— Кўрқма, Агарь хола,—деди негрларнинг энг қариси,— мен Томас хўжайин билан сўзлашдим, у: «Агарни босаси билан қўшиб сотиб юборолсан керак» дейди.

— Улар, мени энди ҳеч нарсага ярамай қолибди, деб айтмасинлар,— деди Агарь, қалтираган қўлларини кўтариб.— Мен ҳали овқат пиширишга, шипир-сидирга, қозон-товоқ ювишга ярайман. Мени олса арзинди, албатта, арzon баҳога. Бу гапимни уларга айт!— деб қизғин илтимос қиласарди у.

Гэли оломон орасидан ўтиб, қари негрнинг олдига келди-да, унинг оғзини йириб очиб, ичига қаради, тишлирини ушлаб кўрди, ўрнидан турғизиб, қаддини ростлашга, эгилишга ва мускулларини кўриш учун ҳар хил машқлар



қилишга мажбур этди.
Кейин бошқасининг олдига келиб, уни ҳам худди шу хилда кўриб чиқди. Ниҳоят у, боланинг қўлларини ушлаб кўриб, кейин чўздиёрди, бармоқларини кўздан кечирди ва унинг эпчиллигини билиш учун сакратиб кўрди.

— Бола менсиз сотилмайди,— деди кампир эҳтирос ва ҳаяжон билан.— Мен ҳали жуда бақувватман, хўжаин, анча иш қила оламан, хўжайин.

— Плантацияларда-я? — деди Гэли унга нафратомуз қараб.— Ишонса бўлади!

У, кўрикдан қаноат ҳосил қилгач, ўзини бир четга олди-да, қўлни чўнтағига тиқиб, шляпасини чаккаснга қўйиб, оғзида сигарани тутганича, савдо бошланишини күтди.

— Улар тўғрисида фикрингиз қалай,— деди Гэлига бирор; бу одам Гэлининг негрларни кўздан кечираётганлигини кўрганди. У: «қайси бирини олсан экан» деб, ўйланаётгандек кўринарди.

- Мен ана у ёшроқлари билан болани олиб қўя қолсан дейман,— деди Гэли ва тупурди.

— Бола билан кампирни бирга қўшиб сотмоқчишар,— деди ҳалиги одам.

— Сотолмайдилар! Эски суюклардан ясалган бу илгак кимга керак дейсиз? У ҳеч нарсага арзимайди-ку!

- Демак, сиз уни олмайсизми? — деди у одам.

- Уни аҳмоқ одам олади. Кўр, бод касалидан буқчайиб кетган ва бунинг устига тўнгакдек беақл.

— Баъзилар эса худди шунаقا кампирларни оладилар ва буни фойдали деб ҳисоблайдилар,— хаёл сурниб деди у одам.

— Тўғри келмайди,— деди Гэли.— Бекорга ҳам олмайман! Үлай агар!

— Уни ўғлидан ажратгани асло кўнглинг тортмайди-да. Үглига жуда овуниб қолибди! Уни арzonга сотсалар керак.

— Уни бекорчи пули кўп одам олсин. Болани мен плантация учун оламан. Кампирин беркорга берсалар ҳам олмайман: дардисарга тоқатим йўқ,— деди Гэли.

— Кампирининг энсаси қотиб қолади-да,— деди у одам.

— Бўлмасамчи!— деб жавоб қайтарди савдогар.

Бирдан ғовур-ғувур бошланиб кетиб, суҳбат узилди. Плакана ҳовлиқма аукциончи оломон орасини тирсаги билан туртиб ўзига йўл очиб борарди. Кампир, нафасини олар олмас, ўғлини маҳкам ушлаб олди.

— Менга ёпиш Альберт; маҳкамроқ ёпишиб олсанг, бизни бирга сотадилар,— деди кампир.

— Буви, қўрқаман, бирга сотишмайди...

— Улар бизни бирга сотишлари керак, болагинам. Борди-ю, ажратиб сотишса, ўлиб кетаман-ку!— куйиниб деди аёл.

Аукциончи йўлни очиб қўйиншни илтимос қилди, кейин гумбуrlаган овоз билан савдо бошланишини эълон этди. Жойни тозаладилар, шундан кейин нарх айтиш бошланди. Негрларининг бозори чаққон эди. Улар яхши нарх билан бирпасда сотилиб бўлди. Икки негрни Гэли олди.

Қани, бу ёқقا кел, бола,— деди аукциончи, болани болгачаси билан туртиб.— Яқин келиб, эпчиллигини кўрсат-чи!

— Бизни бирга қўйинг, бирга... ўтиниб сўрайман, мистер,— деди кампир, ўғлига маҳкам ёпишиб.

— Йўқол!— деб бақирди аукциончи, боладан унинг қўлини узиб.— Сен энг пировардида кетасан. Қани қоравой, ирги!

Шу сўзни айтиб, у, болани сўри устига итариб юборди.

Орқадан қаттиқ «оҳ» овози чиқди. Бола орқасига қаради. Аммо тўхташга вақт йўқ эди, шунинг учун у катта қора кўзларидан оқаётган ёшни артиб, сўрига чиқди.

Унинг қайишдек маҳкам ва сулув қадди-қомати, тезbosар оёқлари ва ақлли юзи дарҳол рақобат туғдирди ва ўндан ортиқ харидор уни қўлга киргизиш учун бирбирлари билан талаша бошладилар. Бола, атрофда кўта-

рилган шовқиндан чўчиб алангларди, гоҳ унда, гоҳ бунда янги баҳо айтишиб қичқиришарди. Ниҳоят, болғача пастга тушди. Болани Гэли олди.

Уни сўридан янги хўжайинга томон итариб туширдилар. У бир дам тўхтаб орқасига қаради, кампир она эса бор вужуди билан титраб, қалтироқ қўлларини унга чўзарди.

— Худо ҳақи, мени ҳам олинг, хўжайин! Олинг мени, йўқса ўламан!

— Агар сени олсанм чиндан ҳам ўласан,— деди Гэли.— Йўқ, олмайман.

Шундай деди-ю, орқасини ўғирди.

Бечора кампирнинг савдоси тез тәмом бўлди. Боя Гэли билан сўзлашган ва меҳрибонлилигини йўқотмагандек кўринувчи одам уни жуда арzon баҳога олди. Томошабинлар тарқала бошладилар.

Савдонинг бахтсиз қурбонлари, яъни бир неча йиллаб бирга яшаган кишилар бечора онани ўраб олишди. Унинг яянч ҳолига қарап жуда оғир эди.

— Наҳотки, лоақал биттагина боламни қолдирмаса-я? Хўжайнинг «болангни ўзингда қолдирмиз» деган эди-ку,— деб тақрорларди у.

— Буви, буви, қайғурманг,— дерди бола.— Сиз яхши хўжайнинг тушибисиз.

— Менга барибир, менга барибир! Эҳ, Альберт, ўғлим! Сен менинг охирги боламсан-ку! Ё раббим, бу жудоликка қандай чидаб тураман!

— Олсаларингчи буни бу ердан!— деди совуқ қилиб Гэли.— Бундай додлайвергани билан оғирни енгил бўлмайди!

Бир кекса негр, қисман алдаб, қисман зўрлаб, бечора кампирни ўғлининг қучогидан тортиб олди-да, янги хўжайнинг аравасига ўтиргизиб, қўлидан келганича юпатишга ҳаракат қилиб кўрди.

— Қани,— деди Гэли, ўз молларини олдинга итариб.

У, бир ўрам қўл кишанларни олиб, негрларнинг қўлларига солди. Кейин қўл кишанларни узун занжирга боғлади-да, негрларни олдига солиб, турмага ҳайдаб кетди.

Бир неча кундан кейин Гэли ва унинг мулки саналмиш негрлар, Оғайо дарёсида қатнаётган пароходларнинг бирига эсон-омон жойланди. Бу негрлар катта бир тўп қўлларнинг асосий мояси бўлиб, уларни Гэли ва унинг агентлари йўл-йўлакайда сотиб олгандилар...

Огайода қатнаётган кемалар орасида энг яхшиси савалгај «Гўзал дарё» пароходи чарақлаган осмон остида ёқим бўйлаб сузиб борарди. Унинг тепасида озод Американинг кўп юлдузли ва йўл-йўл бўйли байроғи ҳилпилларди. Ясанган хонимлар ва жентльменлар очиқ ҳавога севинишиб, пароход саҳнида сайр қиласарди. Ҳамма ўзини бардам, қувноқ ва шод ҳис этарди. Фақат Гэлининг қуллари ғамгин, уларни бошқа юклар билан бирга пастки саҳнга жойлаштиргандилар. Улар доира қуриб ўтиришиб, секин сўзлашардилар.

— Хўш, йигитлар,—деди Гэли, бирдан уларнинг ёнига хелиб,— хурсанд бўлиб, чақчақлашиб ўтирган бўлсаларингиз керак. Лабларингни осилтирманглар! Тетик бўлинглар. Менга яхши муомалада бўлсаларингиз, мен ҳам сизлар билан яхши муомалада бўламан.

Негрлар бирдан: «Хўп, хўжайин», деб жавоб беришли. Бу сўз баҳтсиз африкаликларнинг кўп асрлардан буён ҳамиша тақрорлаб келган ягона пароли эди. Шундай дейишиларига қарамай, уларнинг кўриниши унча тетик эмасди. Ҳаммаларида ғалати бир одат бор: улар яқиндатина жудо бўлган хотинларини, оналарини, болаларини ва опа-сингилларини севардилар. Уларни азоблаётган кишилар, хурсанд бўлишни талаб қиласалар, улар анчагача хурсанд бўлолмадилар.

— Менинг хотиним бор,—деди, газетадаги билдиришда «Жон — 30 яшар» деб кўрсатилган негр, кишланган қўлини Томнинг тиззасига қўйиб.— У бечора менинг бошимга тушган бу фалокатдан бехабар.

— Хотининг қаерда яшайди?— деб сўради Том.

— Шу ерда, ошхонада, бу ердан узоқмас,— деди Жон.— Уни яна бир марта кўрсам армоним йўқ эди!

Тепада, каюталарда эса ота ва оналар, эр ва хотинлар ўтиришарди. Қувноқ болалар улар срасида капалакдек ўйнаб-кулишар, ҳеч кимда гам йўқ, ҳамма осойишталиклар эди.

— Ҳой, ойн,— деди ҳозиргина пастдан чопиб келган бир бола,— пароходда қулфуруш келяпти; бештacha қули бор.

— Шўрликлар!— деди она ачиниш ва газаб аралаш өҳангда.

— Нима эмиш?— деб сўради бошқа бир хоним.

— Пастда бир нечта бечора қул келяпти экан,— деди она.

— Ҳаммасига кишан солинган,— деди бола.

— Шундай ҳангамаларнинг бўлиши мамлакатимизга ҳақорат келтиради!— деди бошқа бир хоним.

— Биласиёми,— деди ўз каютасининг эшиги ёнида ўтирган олифта хоним,— қулликнинг фойдасига ҳам, зиёнига ҳам анча сўз айтиш мумкин.— Бу хоним чок тинкар, қизи билан ўғли эса ёнида ўйнарди. У сўзини давом эттиради:— Мен жанубликман ва шуни айтишим керакки, негрлар озодликда яшагандан кўра, қулликда яхшироқ турмуш кечирадилар.

— Менингча, қулликдаги энг расво нарса — инсоний ҳиссият ва оиласий боғланишларнинг поймол қилиниши дир. Масалан, оиласдан жудо бўлишни айтмайсанми,— деди ўз сўзига жанубликдан жавоб олган хоним.

— Албатта, бу жуда ёмон-ку-я,— деди бошқа бир хоним, боласининг кўйлагига ҳозиргина қадалган попукни қааркан.— Лекин, бундай ҳодисалар кўп бўлмайди шекилли.

— Янглишасиз, жуда кўп бўлади,— қизгин хитоб қилди, гапни биринчи бошлаб юборган хоним.— Мен Кентукки билан Виргинияда кўп йил яшадим ва азобуқубатли манзараларни кўравериб, юрагим эзиларди. Хоним, сиздан иккала болангизни ҳам тортиб олиб, сотиб юборсинлар. Қани, шу ҳолни ўзингизга тасаввур этингчи!

— Негрлардаги ҳиссиятни бизнекига қараб ўлчаш керакмас, ахир,— деди бошқа бир хоним, тиззасидаги жун калавани ёзаркан.

— Агар шундай десангиз, сиз негрларни чиндан ҳам билмас экансиз,— деди биринчи хоним мулойимлик билан.— Мен улар орасида туғилиб ўсга нман ва уларнинг ҳам сиз ва биз каби, ҳатто биздан ҳам чуқурроқ ҳис этишларини биламан.

— Рости биланми?— Эснаб деди иккинчи хоним ва деразага қараб қўйиб, яна такрорлади:— Ҳар ҳолда, улар қулликда яхшироқ кун кечирадилар деб ўйлайман.

— Шубҳасиз, африкаликлар қул бўлсин, деб худонинг ўзи буюрган,— деди, домлаларнинг қора либосига ўралган мұтабар бир жентальмен. У каюта эшиги ёнида ўтиради.— Даний китобда: «Ханаанга лаънатлар бўлсин, у хизматкорларга хизматкор бўлсин» деб айтилади. Тагига етиб бўлмас сабабларга кўра, худо бу қавмни кўп йиллар қудликка маҳкум қилган. Биз эса, худо иродасига қарши бош кўтармаслигимиз керак.

— Ундей бўлса, ишлар жойида экан! Негрларни олиб тутаверамиз, чунки худонинг иродаси шу экан,— деди новча бир одам.— Тўғримасми?— деб у Гэлига қаради; Гэли, чўнтағига қўлини солиб, бўлаётган гапларни диққат билан тинглаб турарди.— Шундай,— деб давом этдиридни сўзини новча одам:— Биз ҳаммамиз худонинг иродасига бўйсунишимиз лозим. Негрларни сотиш керак, айирбош қилиш керак, эзиш керак. Худо уларни мана шунинг учун яратган. Рост эмасми, бегона юртлик масалага шундай назар билан қараш — бизни анча тетиклантиради-а?— деб сўради у Гэлидан.

— Бу тўғрида мен ҳеч ўйлаганмасман,— деди Гэли,— шунинг учун ҳеч нарса деёлмайман. Мен илмисиз одамман. Тирикчилигим ўтсин, деб бу савдога киришганиман. Борди-ю, бу иш гуноҳ бўлар экан, тавба қилишга тайёрман.

— Ҳозирча сиз ўзингизни виждон азобидан мутлақо покман, деб ўйласангиз керак, шундай эмасми?— деди новча одам.— Инжилни яхши билининг маъноси ана бундай бўларкан, кўрдингизми? Агар сиз ҳам уни ана у яхши киши каби ўрганганингизда эди, кўпгина андишалардан аллақачон қутулган бўлардингиз, «Лаънатлар бўлсин...» деб айтишингиз биланоқ ҳамма иш жойида бўларди.

Нотаниш одам шундай деди-да, ўтириб чека бошлиди — у, ўша ҳалол молфуруш бўлиб, уни биз ўқувчилаrimизга боя Кентукки ошхонасида таништириб ўтандик. Унинг узун ва қотма юзида ғалати табассум пайдо бўлди.

Гэли ёнидан қўйин дафтарчасини олиб, ўзининг келаҗак фойдаларини ҳисоблай бошлади. Гэли сингари кўпгина кишилар ана шу хилдаги машгулот билан виждон азобидан қутулиш йўлинни топиб олибдилар.

Эркаклар судбат, кулги, ўқиш ва чекиши билан бақд эдилар. Хотинлар чок тикардилар, болалар ўйнардилар, пароход эса ўз йўлинни давом этдиради.

У, бир куни Кентуккидаги кичкина шаҳар пристанида тўхтади. Гэли пароходдан тушди, чунки унинг бу ерда баъзи бир ишлари бор эди.

Томга оҳиста қимирлаш учун кишини шаҳар унча ҳалал бермасди, шунинг учун у, пароход чеккасига судралиб келиб, панжаранинг нариги томонида кўринаётган манзараларни бепарво томоша қила бошлади. Шу чоқ у, пароходга жадаллаб келаётган Гэлинин кўрди. Унинг орқасидан

қўлида кичкина бола кўтарган негр хотин келарди. Хотин башанг кийинган бўлиб, уни қўлига сандиқча кўтарган бир негр кузатиб келарди. Хотин, кузатувчи киши билан бамайлихотир сўзлашиб келаркан, пиллапоядан пароходга кўтарилиди. Кўнгироқ чалинди, ҳуштак уриб буғ чиқа бошлади, машина бўкириб вишиллади, яна йўлга чиқди.

Аёл яшик ва тойлар орасидан пастки палубага ўтиб, у ердан жой олиб ўтирди ва ўз боласи билан чақчақлашиб, сўзлаша бошлади.

Гэли пароходни иккι бор айланди, кейин непр аёл ёнинг келиб ўтирди ва унга илтифот кўрсатмай, алланималар ҳақида гапира бошлади.

— Том аёлнинг хўмрайиб олганини кўриб қолди. Кейин аёл Гэлига тез ва куйиниб, эътиroz билдира бошлади.

— Бунга ишонмайман, сира ишонгим келмайди.— деган сўзни эшилди Том.— Сиз мени аҳмоқ қилипсиз.

— Агар ишонгинг келмаса, ана буни кўр,— деди Гэли унга бир қофозни узатиб.— Мана бу сотиш ҳақидаги ҳужжат, унда хўжайнингнинг қўли бор. Сенга шуни айтломанки, хўжайнинг сен учун нақд қилиб катта пул олди!

— Ҳеч ишонмайман, хўжайнин мени бундай алдамайди. Бу ёлғон!— дерди аёл ҳаяжони тобора кучайиб.

— Бирор саводхон кишидан сўрагин... Мана, бор бўлгур...— деб у, шу чоқ уларнинг олдидан ўтиб бораётган бир кишига мурожаат қилди.— Шу қофозни ўқиб берниг, нима деб ёзилган экан. Бу аёл менга ишонмаяпти.

— Ҳа, сотиш ҳақидаги ҳужжат, Жон Фосдик деган одам қўл қўйибди,— деди у одам.— Бу ҳужжатга мувофиқ, сиз Люси деган хотиннинг эгаси бўласиз. Хотиннинг боласи ҳам сизга ўтади. Бу ҳаммаси мутлақо равшан.

Аёлнинг дод-фарёдларига олномон тўпланишди. Саводгар унинг ҳаяжонланиши сабабларини халойиқقا гуշунтира бошлади.

— У менга: «Луизвилла ге бориб, эринг ишлайдиган ошхонада ошпазликка кирасан» деган эди! Хўжайнинг ўз оғзи билан шу гапларни айтган эди! Унинг менга ёлғон гапирганига асло ишонмайман!— деди аёл.

— Лекин у сизни сотибди, бунда ҳеч шак-шубҳа йўқ, эй бечора!— деди хушкўнгил одам, қофозни кўриб.

— Ундаи бўлса, бу тўғрида ортиқ гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ,— деди аёл ва туйқусдан тинчиди қолгандай

кўриядай. Кейин боласини бағрига маҳкам босиб, сандиқчага ўтиради-да, дарёни бепарво томоша қила бошлади.

— Кўнгли тинчияпти,— деди савдогар.— Хулқи жойида хотинга ўхшайди!

Пароход ўз йўлини давом этдира пароход ва аёл тобора тинчирди. Майнин ёз шабадаси унинг бошини силар ва бу ёқимли шабада учун қора пешона ҳам, оқ пешона ҳам— барибир эди. Аёл сувда ялтираётган қуёш нурларига, олтин рангли сув мавжига қарап ва атрофидан келаётган шод ва хуррамлик садоларини эшитерди. Аммо унинг юрагига оғир тош босилганди. Бола унинг тиззасига чиқиб олиб, эркалангансимон онасининг юзини силаб-сийпай бошлади; у иргир ва чуғурларкан, онасини чуқур ўйга чўмиш ҳолатидан чиқариш учун ҳамма чорани қўллаётгандек кўринарди. Аёл болани бирдан кўкрагига босди; шу он қайноқ кўз ёшлари ҳайратда қолган боланинг бетчасига томчилай бошлади. Кейин аёл яна аста-секин тинчигандай кўринниб боласи билан овора бўлди. Бола ўн ойлик, гоят бўлиқ, тетик ва ёшига нисбатан анча бақувват бўлиб, бир минут ҳам тинч ўтирмас ва онаси доим ҳай-ҳайлаб туради.

— Жуда яхши бола экан!— деди бир одал, боланинг ёнида тўхтаб.— Нечага кирди?

— Ун ярим ойлик,— деб жавоб берди онаси.

Одал болага қараб ҳуштак чалиб, унга новвот узатганди, у олди-да, ҳамма болалар сингари, дарров оғзига солди.

— Отангга раҳмат,— деди одал.— Бунинг шималигиги ни билади!— деб яна бир марта ҳуштак чалиб жўнали.

У пароходнинг нариги томонига ўтди ва тахланган яшиклар устида ўтириб тамаки чекаётган Гэлининг ёнига келди.

У одал чўнтагидан гугурт олиб сигарасини тутатаркан, деди:

— Чакана хотин топмабсиз!

— Ҳа, уни биринчи нав деб ҳисоблайман!— деди Гэли оғзидан тутун чиқариб.

— Жанубга олиб кетялсизмий?— деб сўради киши.

Гэли чекишда давом этаркан, бошини қимирлатди.

— Плантациягами?— деб сўради ҳалиги киши.

— Ҳа,— деди Гэли.— Бир плантациядан заказ олгайман ъа бўаёлни ўша ерга жойласам керак деб ўйлайман. Менга уни жуда яхши ошлаз деб айтишди. Жуда бўлжама-

са пахта ҳам тераверади. Бармоқлари боп экан, кўрдим. Хайтовур ё у ишга, ё бу ишга осонгина сотилиб кетса керак.

Гэли чекишни давом этдириди.

— Бола плантацияда ишлай олмаса керак,— деди бегона киши.

— Уни пайт келиши билан сотиб юбораман да,— деди Гэли иккинчи сигаранин оғзига олиб.

— Уни арzonроқ сотсангиз керак.— деди Гэлининг суҳбатдоши, яшик устида ўнғайроқ жойга ўтириб олиб.

— Ҳали ҳеч нарса айттолмайман,— деди Гэли.— Ажойиб бола, бақувват, семиз, келишган. Бадани гиштдек маҳкам!

— Жуда тўғри айтасиз, лекин то катта бўлгунча ташвиш ва чиқими кўп бўлади.

— Беҳуда гап!— деди Гэли.— Уларнинг катта бўлганини билмай ҳам қоласиз. Буларнинг ташвиши кучукларнинг ташвишидан кам бўлса борки, ортиқмас. Бу бола бир ойдан кейин чопқиллаб юриб кетади.

— Менда болани ўстириш мумкин бўлган бир яхши жой бор,— деди бегона киши,— агар арzon берсангиз мен олардим. Ўтган ҳафта бизнинг ошлаз хотиннинг боласи онаси кир ёётгандага тогорага чўкиб ўлиб қолди. Бу бола ўшанга тарбиялагани берилса яхши бўларди.

Бирмунча вақт ҳар икковлари индамай чекишиб ўтиридилар. Асл масалага иккови ҳам тил теккизгуси келмасди.

Ниҳоят харидор деди:

— Бола учун ўн доллардан ортиқ сўрамасангиз керак? Ахир, сиз бир илож қилиб уни қўлдан чиқаришингиз зарур.

Гэли бошини қимиirlатди да, мазақ қилиб тупурди.

— Бу гапингиз асло тўғри келмайди.— деди у янча чека бошлаб.

— Ҳа, қанча дейсиз?

— Биласизми,— деди Гэли,— болани ўзим ҳам катта қила оламан. У жуда соз ва соғлом бола; олти ойдан кейин нархи юз доллар бўлади, бир йил ёки иккى йилдан кейин икки юз долларга ҳам етади. Шунинг учун мен ҳозир уни эллик доллардан камига сотолмайман.

— Омон бўлинг! Ҳазиллашмасангизчи!— деди харидор.

— Элликдан ками йўқ! — деди Гэли, шиддат билан бошини силкитиб.

— Майли, ўттиз доллар берай, лекин бундан ортиқ бир цент ҳам бермайман.

— Бўлмаса бунга қулоқ солинг,— қатъийлик билан деди Гэли ва яна тупурди.— Қолганини икковимиз қоқ яrim бўлишамиз — сизга қирқ беш долларга бераман. Қўлимдан келадигани шу.

— Хўп, кўндин! — деди харидор, бир оз ўйланиб.

— Иш битди! — деди Гэли.— Қаерда тушасиз?

— Луизвилда,— деди харидор.

— Луизвилда,—деб унинг гапини такрорлади Гэли.— Жуда соз. У ерга биз қоронги тушганда келамиз. Бола ухлаган бўлади, сиз дод-войсиз уни секин кўтарасиз. Мен ҳар бир ишни ортиқча, шовқинсиз ими-жими қилишни яхши кўраман. Шовқин-тўполонга сира ҳушим йўқ.

Бир неча қофоз ақчалар харидорнинг ҳамёнидан спутвчининг чўнтағига ўтганидан кейин, Гэли яна чека бошлади.

Пароход Луизвилда тўхтаганда гўзал ва тинч оқшом эди. Аёл боласини кўтариб ўтиради. Бола қаттиқ ухларди. Она «Луизвил» деган сўзни эшигач, боласини шонилганича яшиклар орасидаги очиқ ерга қўйиб, унинг остига уст кийимини солди. Кейин у пароходнинг ён-чекка-сига югуриб келди. У, маҳаллий мусофириҳонанинг шу маҳалда пристанда тўпланишадиган официантлари орасида ўз эрини кўришини умид қилганди. У пароход зинасининг нақ қаноти ёнинга келди ва бор бўйи билан энгашниб, соҳилда қимираётган каллаларни бирин-кетин синчилаб кўздан кечира бошлади. Бироқ, шу топда оломон уни бола ёнидан суриб қўйди.

— Роза пайти келди! — деди Гэли, ухлаётган болани кўтариб харидорга узатаркан.— Ўйготиб қўйманг, қичқириб юборса, кейин, бу хотинининг оворагарчилигини кўрасисиз.

Харидор ўровни авайлаб кўтарди-да, бир зумда пристанга чиқаётган оломон орасида ғойиб бўлди.

Пароход инқиллаб, бўкириб ва ҳуштак чалиб пристандан қўзгалга, ўз Йўлига қараб секин суза бошлаганда аёл жойига қайтиб келди. У ерда савдогар ўтирад, аммо бола йўқ эди.

— Нима?.. Нима?.. Қани у?.. — деди у, кутилмаган ҳодисадан эсини йўқотиб.

— Люси,— деди савдогар,— болангни мен олганман, шундайми? Ахир, уни сен барибир Жанубга оборолмайсан, бу ерда эса, қулай пайт келиб қолди: жуда яхши бир оиласа сотдим, у ерда болангни сендан кўра анча яхшироқ тарбия қиласидилар.

Дилнинг дардли ва чексиз умидсизлик билан тўлган кўз қараси, камроқ иш кўрган ҳар бир кишини беихтиёр ерга қаратиб қўяди. Аммо, Гэли бундақангি нарсаларга аллақачон кўникиб қолган. У, бундай қарашларни юз марталаб кўрган. У, бу қора бадан кишиларга ғоят қаттиқ азоб чектиришни, нима қилишларини билмасдан ўз баданларини чимчиб-чимчиб олишларини ўз касбнинг ажралмас қисми деб ҳисобларди: шунинг учун у: «бу хумпар додлаб пароходда жанжал кўтарармикан?» деб оғирлик билан ўйлана бошлади, чунки ҳамма савдогар каби, унинг ҳам ортиқча шовқинга асло тоқати йўқ эди.

Аёл додламади. Зарба ҳаддан зиёд кучли бўлганди.

У, қаттиқ гаранг ҳолда, ўликдай қотиб қолган қўлларини осилтириб ўтирди. Кўзи олга тикилгану, аммо ҳеч нимани кўрмасди. Пароходнинг шовқини, машинанинг бўкириши унинг қулоғига худди тушдагиңдек аранг эшитиларди. Йиглаб, мажақланган юракнинг дардини бўшатиб олиш учун кўзида ёш ҳам қуриган эди. Бундай қараганда у мутлақо хотиржам ўтиргандай кўринарди.

Уз фойдасинигина кўзда тутгани ҳолда, зоҳиран одамгарчиллик қилишга уринаётган савдогар, уни юпатмоқчи бўларди.

— Биламан, Люси, бу аввал жуда оғир бўлади,— дерди у,— лекин ақлли хотинсан, узоқ қайғурмассан, деб ўйлайман. Бу иш зарур эканлигини ва бошқа илож йўқлигини биласан.

— Қеракмас, хўжайин, қеракмас!— ҳансираф деди у.

— Сен ақлли хотинсан, Люси,— деб давом этди Гэли.— Мен сенга яхшилик истайман ва Жанубдан яхши жой топиб бераман. Тез орада янги эр ҳам топасан. Сендай чиройли...

— Ҳой хўжайнин, ёлвориб сўрайман сиздан: қўйинг, мен билан гаплашманг!— деди аёл ва унинг овозида қаттиқ қайғу-ҳасрат, аччиқ мусибат оҳанги эшитилди, ҳатто қулфуруш ҳам хижолат бўлди: у, юз берган бу воқианинг батамом бошқача эканлигини ва унинг синалган усувлари бу ерда мутлақо иш бермай қўйганини фаҳмлади.

У аёл ёнидан кетди, аёл эса, орқасини ўгириб боши-
ни плашчга ўраб олди.

Савдогар айланиб юрар, аҳён-аҳёнда тўхтаб, унга
қараб қўярди.

«Жудаям қаттиқ қайғуряпти, занғар,— дея ўйланиб
қолди у,— лекин жанжал қилмай, тинч ўтирибди, шу
ҳам яхши. Майли, азобланиб олсин: аста-секин боси-
либ қолади».

Том нима воқиа бўлганини кўрган ва ҳамма гапни
англаганди, у, аёлга яқинроқ келиб ўтириди ва бир
илож қилиб уни юпатишга уринди. Лекин, аёл бунга
жавобан оҳ тортарди, холос.

Сон-саноқсиз гўзал юлдузлари яшнаган тип-тинч
улуғвор тун ҳам келди. Узоқда эшитилаётган қувноқ
овозлар бирин-кетин сўнди. Ҳамма ухлади. Фақат па-
роход тумшуғи ёнида тўлқиннинг шилдирашигина рав-
шан эшитиларди. Том яшикка ўтириди. Шўрлик аёл-
нинг: «Энди нима қиласай? Е раббим! Узинг ёрдам бер!»
деган пичир-пичир овозлари ўқтин-ўқтин эшитиларди.

Кейин бу пичирлашлар ҳам тиниб қолди.

Ярим кечаси Том бирдан уйғониб кетди. Бироннинг
қораси унинг олдидан тез ўтиб, пароходнинг ён чекка-
сига югуриб кетди; шундан кейин Том сувнинг чайқал-
ган овозини эшитди. Ҳеч ким бир нарса кўрмади. У бо-
шини кўтарди — аёл ўтирган жой бўш эди. Ўрнидан
ирғиб туриб, уни излаб кўрди, аммо тополмади!

Савдогар эрталаб барвақт уйғонди ва кайфи чое
ҳолда ўзининг жонли молига қарагани чиқди. Энди
ҳайратланиш навбати унга келди.

— Савил қолгур, бу хотин қани? — деб сўради у
Томдан.

Ҳамма нарсани ичда сақлаш афзалроқ эканлигини
тажрибадан билган Том, ўз гумонини изҳор этмаслик-
ка қарор қилди ва «ҳеч нима билмайман» деб жавоб
берди.

— Кечаси бирор жойда соҳилга тушиб қолиши
мумкинмас. Пароход тўхтаганда ухламай, пойлаб ўти-
ганиман. Бундай ишларни мен ҳеч кимга ишонмайман.

Бу сўзларнинг ҳаммасини у Томга қараб айтди,
чунки у Томнинг тўлиқ ҳайриҳоҳлигига ишонарди. Том
эса, индамай, жим тураверди.

Савдогар пароходни у бошидан-бу бошигача ахтариб
чиқди. Яшиклар, тойпакталар, бочкалар орасини, ма-

шиналар атрофини, қуврларнинг ёнини, хуллас, ҳамма жойни кўздан кечирди, аммо тополмади.

— Қани, Том, айт,— деди узоқ ва натижасиз излашлардан кейин, Томнинг олдига келиб,— бу тўғрида ҳеч нима биласанми? Яширма, аминманки, сен биласан. Бу ерда ётганини соат ўнда, кейин ўн иккida, кейин бир билан иккининг орасида кўргандим. Соат тўртда ғойиб бўлибди. Сен эсанг шу ерда ухладинг. Йўқ, биласан сен, тонма.

— Менинг билганим шу, хўжайин,— деди Том,— саҳарга яқин бир нарса менинг ёнимдан югуриб ўтгандек бўлди, мен уйғондим. Кейин сувнинг қаттиқ чайқалганини эшитдим, қарасам хотин йўқ! Менинг билганим шу.

Савдогар чўчиб ҳам тушмади, таажжубланимади ҳам. У ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларга ўрганиб қолганди, ҳатто даҳшатли ўлим воқиасининг рўй берниши ҳам уни қўрқитиб, этини учиролмасди, у ўлимни кўп марта кўрган. Ўзининг касби соясида у ўлим билан яқиндан танишиб олган, у, ўлимга ўзининг пул ишларига жуда бесўнақайлик қилиб бош суқувчи ёвуз душман деб қаради. У аввал сўқинди, сўнгра, «менинг омадим юришмаяти! Бу сафарда бир чақа ҳам фойда қилмайман!» деган холосага келди. Лекин, бу билан у ўз ишини асло тузатолмади, чунки аёл, қочоқларни сира қайтиб бермайдиган штатга қочганди.

Ғашланган савдогар қўлига ёзув дафтарчасини олиб ўтириди-да, бедарак йўқолган тана ва жонни «зиёнлар» хонасига ёзиб қўйди.

XIII БОБ

Квакерлар қишлоғи¹

Олдимизда кеңт ва катта, покиза бўялган ошхона. Сариқ пол ёғ томса ялагудек ялтирайди. Топ-тоза ошхона печи, хаёлга ҳар хил лазиз таомларни соладиган ярқираб турган мис идиш-товоқ, лакланган эски ва

¹ Квакерлар — пуритан диний мазҳаби. Жанубдаги қулдорларга зид бўлган «озод» Шимолий штатлардаги фермерларнинг кўпчилиги квакерлар мазҳабини қўллардилар. Бу мазҳаб кишларининг асл, номи: «дўстлар» бўлгани ҳолда, уларни масхаралаб — квакер, деб, атардилар.

мустақкам зангор ёғоч курсилар, кичкина чайқалма кресло, унинг устида — жун мато лахтакларидан чеварлик билан тикилган ёстиқча. Унинг ёнида катта эски кресло, унинг кенг дасталари кишини гүё юмшоқ ёстиқ устига ўтириб дам олишга чақиргандай бўлади.

Бу креслода тебраниб, нозик чокдан кўзини узмасдан, бизнинг эски ошнамиз Элиза ўтирибди. Балла, бу хотин ўша, Элиза, ўзини олдириб қўйтган ва юзида қони қолмаган, узун киприклари остида ва чиройли оғзининг қатлари орасида яшириниб олган сокин ғамгилилк излари кўриниб турган Элиза. Унинг мулоийим юраги оғир мусибат зулми остида энди чиниққандек кўринар эди. Шунинг учун тропик капалаги каби ҳар томонга пирпираб юрган Гаррига у гоҳ-гоҳ қараб, қўй кўзларида аллақандай қатъият чақнаб кетардики, бурунги бахтли кунларда бундай хусусиятдан унда асар ҳам йўқ эди.

Унинг ёнида бир хотин ўтирибди; у хотиннинг тиззасида катта мис жом, унга у диққат билан шафтоли-қоқи соляпти. Бундай қараганда у, эҳтимол эллик беш ёки олтмиш ёшлардадир. Лекин, унинг юзи шундай юзларданки, ёши улғайган сарн унга ҳусн кираверади: юмвалоқ, пушти, пишган шафтоли каби юзининг баъзи жойларини майнигина тук босган. Ёши анчага боргани туфайли бир оз оқ тушган соchlар, кеяг ҳамда вазмини пешюнадан орқага тараалган. Катта кўзларидан ростгўйлик ва саховат нур беради. Бу кўзларга қараган ҳамон, бу хотиннинг кўксида яхши ва эҳсонпарвар юрак ураётганлигини дарҳол пайқаб оласан киши. Ен қизларнинг жамолини кўп қуylаганлар, бас, шундай экан, ҳари хотинларнинг жамолини нега қуylамаслик керак? Агар бирор бу мавзудан ором олмоқчи бўлса, биз уни дилсўз дўстимиз Раҳиль Голлидей ҳузурига юборамиз. У ўтирган кресло, балки ёшлигида шабодалаганидан, балки асабий касал бўлганиданми, ишқилиб, қисирлар эди. У, орқа-олдига бир меёрда липанглаб шундай бир садо чиқарардики, бошқа кресло бундай садо чиқарса чидаб бўлмас эди. Аммо, кекса Симеон Голлидей «бу садолар менга музикадай эштилади» деб, ўқтин-ўқтин айтиб қўяр, болалар эса — «онамиз ўтирадиган креслонинг ғижир-ғижирни биз учун дунёда ҳамма нарсадан азиз» деб эътироф қилишар эди.

— Сен ҳалиям «Канадага кетаман» деб юрибсанми, Элиза?— деб сўради Раҳиль, шафтоли қоқиларни бамайлихотир кўздан ўтиказаркан.

— Ҳа, хоним,— қатъий деди Элиза.— Менинг кетишим керак. Бу ерда қололмайман.

— У ерда нима қиласан? Ўйлаб кўр, қизим.

Раҳиль Голлидейнинг «қизим» деган бу хитобининг табиий ва самимилигига сабаб шу бўлдики, унинг ўзига «она» сўзи қуйиб қўйгандай ярашиб турарди.

Элизанинг қўлларини қалтироқ босди ва бир неча дона ёш томчиси унинг возик чоқига томди. Лекин у, қатъийлик билан жавоб берди:

— Рўпара келган ишни қилаверман, имоним комилки, менга лойиқ бирор иш топилиб қолар.

— Ахир, бу ерда истаганингча тура берсанг бемалол эканлигини биласан-ку,— деди Раҳиль.

— Ташаккур сизга!— деди Элиза,— лекин,— деб у Гаррини кўрсатди,— кечалари ухламай чиқаман. Бу ерда қололмайман. Ўтган кеча тушимда, ўша одам бу ҳовлига кириб келган эмиш.

— Бечора бўтам!— деди Раҳиль.— Бундай ташвишланаверма. Бизнинг қишлоғимиздан ҳалигача бирорта қочоқни ушлаб кетишган эмас. Ишонаманки, сени ҳам ушлашолмайди.

Эшик очилиб, остоңада юмaloқ, кичкина хотин тўхтади. Унинг юзи пишган олмадек қип-қизил эди. У, Раҳиль сингари соддагина кул ранг кўйлак кийган, балянд кўкси устида дока дурра ёзиқлиқ эди.

— Руфь-Стедмен!— деди Раҳиль, қувониб уни қаршилар ва самимий равишда икки қўлинини сиқар экан.— Қалайсан, Руфь?

— Жуда яхши!— деди Руфь, кичкина қора шляпасини бошидан олиб, дастрўмолча билан унинг чангини қоқар экан.

Момиқдек юмшоқ қўллари юмaloқ бошига кийган шляпасини ҳадеб тузатиб туришига қарамасдан, шляпача тўғри турмас, гайир кокиллари эса тўзиб турарди. Руфь соchlарини янга жойига ётқизиш учун кичкина кўзгуга томон ўгирилди ва ўзидан мамнун бўлгандай бўлди. Зотан, шу топда ҳар бир кимса ҳам унга қараб мамнун бўлар эди. У — йигирма беш яшар, соғлом, хушкўнгил, киши дилига қувонч бахш этадиган қақажон жувон эди.

— Руфъ, бу бизнинг дўстимиз Элиза Гаррис. Бу эса, сенга айтиб берган ўша бола бўлади.

— Сени кўрганимга хурсандман, Элиза, жуда хурсандман!— деди Руфъ, гўё Элиза унинг эски ва кўпдан буён кутган дўсти бўлганидек қўлини сиқиб.— Бу сенинг болангми? Унга мен прянк олиб келдим.

У болага юрак шаклида ишланган прянк узатди, Гарри унга қўнғир сочлари остидан қаради-да, қўрқиб-писиб олди.

— Сенинг кичкинанг қани?— деб сўради Раҳиль.

— Ҳозир уни кўрасан. Эшикдан киришим билан Мэринг кўтарди-да, «болаларга кўрсатаман» деб омборга олиб кириб кетди.

Шу чоқ эшик очилди ва онаси каби шаҳло кўз, қизил юз қиз Мэри, бўлмага болани олиб кирди.

— Ана!— деди Раҳиль, бора солиб, каттакон ва семиз оқ чақалоқни қўлига оларкан.— Мунча ҳам яхши бўлмаса! Жуда катта бўлиб қолибди-ку!

— Бўлмасамчи,— деди кичкина, тек турмас Руфъ.

У, болани қўлига олди-да, бошидаги ҳаво ранг шойн тумоқни ва устидаги қават-қават лиbosларни еча бошлади. Кейин у ёқ-бу ёғини қоқиб, силтаб тузатди-да, ўлиб полга ўтиргизди. Бола, бундай муомалага ўрганиб қолгандек кўринарди, чунки у бошмалдоғини оғзига тиқди-да, тездан ўз хаёлига шўнғиб кетди. Она ўтирди, оқ ва кўк йўлли узун пайпоқни олиб, илдам тўқий бошлади.

— Мэри, сув келтирсанг жуда соз бўларди,— деди майнин овоз билан онаси.

Мэри, пақирчани олиб қудуқقا кетди, тезда қайтди-да, пақирчани ўтга қўйди. Ҳаял ўтмай, пақирдаги сув биқирлаб қайнай бошлади. Раҳиль секин пичирлаб қизга алланимани буюрганди, Мэри шафтoliқоқи солинган жомни ҳам ўт устига қўйди.

Бу вақт ичиди Раҳиль оплоқ тахтани олди ва олди-га фартук тутиб, бисквит қилишга киришиди. Бу иш олдида у яна Мэрига қараб:

— Мэри, агар сен Жонга «товоруқни тевроқ қовуар экансан» деб айтсанг, жуда яхши бўлар эди,— деб қўйди.

Буни эшлиши биланоқ Мэри кўздан гойиб бўлди.

— Хўш, Абигайл Питерс қалай?— деб сўради Раҳиль, ош хамир ҳозирлар экан.

— Пича дуруст,— деди Руфь.— Бугун эрта билан мен уникига кириб, уйини шипир-сидир қилдим. Лия Хиллас уникига тушдан кейин бориб, бир неча кунлик пирог билан нон қилиб беради, оқшом мен борганимдан кейин Лия жўнайди.

— Мен эса эртага бориб, кирини ювиб, йиртиқ-ямоғини қилиб бераман,— деди Раҳиль.

— Жуда яхши бўлади,— деди Руфь.— Анна Стэнуvd бетоб бўлиб қолибди, деб эшитдим. Ўтган кечача у ерда Жон бўлган эди, мен эртага боришим керак.

— Агар у ерда куни билан қолиб кетишинг лозим бўлиб қолса, Жон бу ерга келиб овқат қилиши мумкин,— деди Раҳиль.

— Раҳмат, Раҳиль. Эртага кўрамиз. Ана, Симеон ҳам келди.

Қора куртка ва қора шим кийган новча Симеон Голлидей ошхонага кириб келди. У, бошига жияги энлик шляпа кийган эди.

— Қалай, яхшимисан?— деб, мулоим сўради у, Руфнинг момиқдек юмшоқ, кичкина қўлини катта қўли билан сиқар экан.— Жон қалай?

— Ҳаммамиздек, Жон ҳам саломат,— тетик жавоб берди у.

— Янгиллик йўқми, ота?— деб сўради Раҳиль, печа га бисквитин қўятуриб.

— Менга Питер Стеббис: «Кечаси сеникига дўстларим билан борамиз», деди,— тоза обтобада қўлини юваркан, маънодор қилиб деди Симеон..

— Шунақами!— деди Раҳиль ва хаёлсиранқираб Элизага қараб қўйди.

— Сен менга «фамилиям — Гаррис» деганимидинг?— деб сўради Симеон Элизадан.

Элиза титраб-қақшаб «ҳа» деб жавоб берганда, Раҳиль тез эрига қараб қўйди. Элиза юраги ёрилгудек бўлиб: «менинг тўғримда билдириш чиқарилган шекилли» деб ўйлади.

— Она, бу ёқقا қара!— деди Симеон, Раҳилни орқадаги бўлмага чақириб.

— Нима дейсан, ота?— деди Раҳиль, бўлмага киргач, ун юқи қўлини артаркан.

— Унинг эри қишлоғимизда ва бугун кечаси бизнисида бўлади,— деди Симеон.

— Рости билан-а, ота?— деди Раҳиль ва севинганидан юзи ёришиб кетди.

— Рост. Питер кеча фургонда, аввалдан гапирилиб қўйилган жойга бориб бир кампир билан икки эркакни кўрибди. Улардан бири «менинг исмим Жорж Гаррис бўлади» дебди. Ўзи ҳақида айтган гапларига қараганда ҳам, бу одам унинг эри бўлса керак, деган қарорга келдим. Хушчақчақ ва чиройли йигит экан. Элизага буни айтсанмикан?— деб сўради Симеон.

— Руфь нима деса ўшанга қараб иш тутайлик,— деб таклиф қилди Раҳиль.— Руфь, бу ёққа кел.

Руфь, чокини қўйиб, улар олдига кирди.

— Руфь мана бу нарса тўғрисида сен нима деб ўйлайсан?— деди Раҳиль.— Ота «шу бугун кечаси бу ерга Элизанинг эри келади» деяпти.

Кичкина квакер аёлнинг беҳад қувончи Раҳилнинг сўзини тўхтатиб қўйди. Руфь севинганидан сакраб чапак чала бошладики, унинг ғайир кокилларидан икки толаси шляпачаси остидан чиқиб, оқ дурра устига тушди.

— Секинроқ, азизим,— деди мулойимлик билан Раҳиль.— Секинроқ, Руфь. Қандай ўйлайсан, унга ҳозир бу тўғрида айтайликми?

— Албатта, ҳозир айтиш керак! Ўйлаб қўринг ахир: агар бу одам ўрнида менинг эрим бўлгандা, мен ўзими қандай ҳис этар эдим? Албатта, унга айтингиз,— деб у, қўлини Раҳилнинг елкасига қўйди.— уни ётоқхонага олиб кириб, у ерда айтинг, то сиз унга айтгунингизча мен товуқни пишириб қўяман.

Раҳиль, Элиза чок тикиб ўтирган ошхонага кирди ва кичкина ётоқхона эшигини очиб, мулойимлик билан деди:

— Бу ёққа, олдимга кел-чи, қизим. Сенга айтадиган баъзи бир янги хабарларим бор.

Элизанинг бўзрайган юзларига қон югурди. У, асабийлашган ҳолда титраб ўрнидан турди-да, болага қараб қўйди.

— Йўқ, йўқ,— деди кичкина Руфь, унинг ёнига келиб қўлидан ушлар экан,— қўрқма. Хушхабар айтмоқчиман, Элиза. Қиравер.

Шундай деб, Элизани оҳиста итарди-да, ичкарига олиб кириб, эшикни ёпди. Кейин ёнига қайрилиб, кичкина Гарричани кўтарди-да; ўпа бошлади.

— Тезда отангни кўрасан, қўзичофим! Отангни биласанми? Отанг шу ерда,— деб қайта-қайта тақрорлар, бола эса ҳайрон бўлиб унга боқар эди.

Бу вақт эса эшик орқасида бошқа бир ҳодиса юз берадётган эди. Раҳиль Голлидэй Элизани ёнига тортиб, деди:

— Қизим, эринг қулликдан қутулибди.

Элизанинг юрагига тўсатдан қон қўйилди. У ранги бўзрайган ва мадорсизланган ҳолда курсига чўкди.

— Тетик бўл, болам!— деди Раҳиль қўлинни унинг бошига қўйиб.— Эринг дўст-ёронлар орасида ва улар уни бугун кечаси бу ерга олиб келишади.

— Бугун кечаси-я! Шу бугун кечаси-я!— деб тақрорлади Элиза.

Увинг учун сўзлар асл маъносини йўқотганди. Каллани чигал ўйлар босган, ҳамма нарса туманга ўралганди.

Ҳушига келгач Элиза шу аҳволни кўрди: у одеялга ўралиб, каравотда ётар, кичкина Руфь эса, унинг қўлини камфора билан ишқар эди. У, аллақандай лаззат, мадорсизлик ҳис этиб кўзини очди. Қочган лақиқадан бошлаб унда ҳеч бир бўшашибмаган асабий ҳаяжон энди босилган ва қизиқ бир осойишталик ва хавфсизлик ҳисснёти чулғаб олганди. У, катта қора кўзларини очиб, мудраб ётар ва атрофлагиларнинг қимирилашини томоша қиларди. Қўшни бўлманинг эшиги очиқ; овқат столи устига оппоқ дастурхон солиб қўйилган, қайнайтган чойнакини шарақлаши эшитилиб турибди, пирог ҳамда мураббо солинган товоқчаларни кўтариб у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган Руфь, сал нарсага тўхтаб, Гаррининг қўлига пирог тутқазар ёки бошини силар, ёки унинг кокилига ўзининг оппоқ бармоғини ўрад эди. У, гоҳ-гоҳ чойшап ёки одеялни тузатиш учун унинг каравоти ёнига келиб турган Раҳилнинг йирик гавдасини кўради. У, Руфнинг эри келганини, Руфь унинг ёнига югуриб келиб, қўлларини қаттиқ-қаттиқ қимирилатиб ва Элиза ётган хонани бармоғи билан кўрсатиб, жиддий йўсинда алланималар деб пиҷирлай бошлагаини кўрди. Руфнинг қўлидаги боласи билан чой столи ёнига келиб ўтиргани ҳам унинг кўзига чалинди. У, ҳамманинг стол ёнига ўтирганинни ва кичкина Гарри-

унинг Раҳиль қаноти остида баланд курсичада ўтирганини ҳам кўрди. Секингина бўлаётган сұхбат овози, чойқошиқларнинг майин жаранглагани, пиёла ва ли-копчаларнинг музика сингари жингиллаши, хуллас, уларнинг ҳаммаси гўзал уйқуга аралашиб кетди. Элиза шундай ухладики, у боласини бағрига босиб, юлдузлар чараклаган совуқ кечаси қочган даҳшатли минутдан бўён бунчалик ширин ухламаган эди.

Унинг тушинг ажойиб бир юрт — истироҳат ва осо-йишталик мамлакати кирди. Яшил соҳиллар, гўзал ороллар, ярқираган сув ва майсазор ўртасида бир уй турибди. Дўстона овозлар: «Бу уй — сеники» дейишар ва у, боласининг — озод ва бахтли боласининг ўйнаётганини томоша қиласди; у, эрининг оёқ шарпасини эшитди ва унинг яқинлашиб келаётганини сезди. Эрининг қўли унинг бўйнидан қучоқлар, кўз ёшлари унинг устига томар экан, уйғониб кетди.

Бу — туш эди.

Кун ёруғи аллақачон сўнгай эди. Бола унинг ёнида тинч ухлар, токчада шам хира нур берар, каравот тўрида эса ёстиққа бошини тиқиб эри ҳўнграб йиғларди.

Қвакерлар уйида бахт сабоҳи бошланди. Она ўрнидан барвақт турди, унинг «яхшиси сен бундай қилсанг...» ёки «бундай қилсанг яхши бўлар эди...» деган мулоим буйруқларини бажарадиган ўғил ва қиз болалари билан ўралишиб, нонушта тайёрлаш билан вақти ўтмоқда эди. Негаки, Индиана водийсининг бу ажойиб жойларида нонушта тайёрлаш оғир ва мураккаб иш бўлиб, у анчагина вақт ҳам меҳнат талаб қилади. Жон, булоққа сувга бориб келгунча, кичик Симеон маис пирог учун ун элаб бўлгунча, Мэри эса қаҳва туйиб олгунча, Раҳиль бамайлихотир, бисквит ҳозирлар, жўжа тозалар, атрофига эса қуёш нур сочар эди. Ёш дастёrlарининг ҳаддан зиёд ғайратларидан бирор ишга зиён етишини кўриб қолгандা эса, мулоимлик билан «секин-секин!» ёки «мен бундай бўлишни истамасдим...» дерди, уларнинг тўлиб-тошган ғайратларини босиш учун эса шу кифоя қиласди.

Бу ҳозиргарликлар бораркан, катта Симеон бурчакда кичкина кўзгу олдида ўтириб соқолини оларди. Катта ошхонала ҳамма иш ғоят аҳиллик билан, бир-

бирига қовушғаң ҳолда жүн қилинарди. Ҳамма шундай ҳафса-la билан ишлар ва ҳамма ерда дўстона мұҳаббат ҳукм сурарди, ҳатто вилка билан пиçoқларни столга қўйганда, улар ҳам саломлашгандек жиринглаб сало беришарди. Жўжалар ва чўчқа гўши товада шундай жизиллашардики, гўё ўзларини қовуришаётгани учун севинаётгандек эди.

Жорж, Элиза ва Гарри ўз хоналаридан чиқишганда, улар хурсандлик билан самимий қарши олинди, бу уларга худди тушдек кўринди.

Нихоят, ҳаммалари стол теварагига ўтиришди. Бу чоқ Мэри плита олдида пирожки қовурав, уларнинг бети тилла ранг бўлиб қизаргандага столга узатиб турарди.

Рахиль ўзини ҳеч қачон бундай баҳтли ҳис этмаганди. Ҳатто товоқларда пирог солиб таратганда ва пиёлаларга қаҳва қўйганда ҳам ундан оналарга хос меҳрибонлик ва самимият зоҳир бўлиб турарди.

Жорж умрида биринчи марта оқ бадаи кишилар билан тенг ҳуқуқли одам сифатида бир стол атрофида ўтиради. У, аввал уялинқиради ва ўзини ўнгайсиз ҳис этди. Лекин, аста-секини бу ҳиссиёт уй эгаларининг самимияти остида тумандек тарқалиб кетди.

— Ота, мабодо яна қўлга тушиб қолсангиз нима бўлади? — деб сўради кичик Симеон, пирогга ёғ суртаркан.

— Штрафини тўлайман қўяман-да, — деб бамайли хотир жавоб берди Симеон.

— Агар турмага ўтиргизиб қўйсаларчи?

— Борди-ю, мени турмага ўтиргизиб қўйсалар, сизлар фермани оналаринг билан саришта қилиб туролмайсизларми? — деб кулимсираб сўради Симеон.

— Онамиз деярли ҳамма ишни қиласверади-ку-я, — деб жавоб берди бола.

— Азизим сэр, бизни деб сизнинг жонингиз хавфхатар остига тушиб қолмайдими? — дея ташвишланиб сўради Жорж.

— Ҳеч қўрқма, Жорж! Дунёда яшашдан мақсадимиз ҳақ иш учун жонимизни фидо қилишдир. Акс ҳолда биз ўз номимизга муносиб бўлмасдик.

— Аммо мени деб жонингизни хавфда қолдиришингиз-чи! Мен бунга чидаб туролмайман, — деди Жорж.

— Қўрқма, дўстим Жорж. Биз бу ишни сенинг учун қилганимиз йўқ, биз буни худо ва инсон учун қила-
миз,— деди Симеон.— Сен кундузи бу ерда бамайлихо-
тири турал оласан, кечаси соат ўнларда Филемон Флетчер
сени ҳамроҳларинг билан бирга нарироққа элтиб қўя-
ди. Таъқибчилар узоқда эмас, улар сени тинч қўйиш-
майди. Вақтни беҳуда ўтказмаслик керак.

— Ундаи бўлса, кечгача кутишнинг нима кераги бор?— деб сўради Жорж.

— Бу ерда сен кундузи хавф-хатардан тинчсан,
чунки атрофингда дўстлар бор ва улар айғоқ. Сафар
учун хатарсиз пайт эса кечасидир.

XIV БОБ

Евангелина

Жуда кўп юк ортилган пароход дарёнинг қуян то-
монига сузив бораради.

Палубаларга кўлгина плантацияларнинг ҳосили
бўлмиш тойпахталар шу қадар кўп ортилган элики,
пароход узоқдан катта кул ранг харсанг тошга ўхшаб
кўриниради. Агар биз, ювош дўстимиз Томни топмоқчи
бўлсак, пароходнинг тиқилиб кетган палубаларида
анча вақт айланиб юришга тўғри келарди. У, баланд
жойда, юқори палубада, тойпахталар орасида бир бур-
чакда ўтиради.

Қисман мистер Шелбининг мақтови, қисман Том-
нинг беозор ва ювош феълини пировардида сезганлиги
туфайли, ашаддий қулфуруш бўлишига қарамай, Гэли-
нинг ўзи ҳам Томга тўла ишонч билан қарай бошлади.

У, аввал Томни эртадан кечгача кўз ўнгидан нари-
латмас, кечалари эса, кишанин ечдирмасди. Аммо,
Томнинг ҳаддан зиёл чидамлилигини кўриб, унга нис-
батан аста-секин тузукроқ муомала қила бошлади ва
бирмунча вақтдан кейин, унинг лабзинга ишониб, паро-
ходда эркин юришга имкон берди.

Ҳар вақт ювош, мўмин ва хизматга тайёр Том, дўп-
ли тор келиб қолган маҳаллардагина ҳаммолларга ҳам
кўмаклашарди. Ҳаммоллар уни ҳурматлардилар, чун-
ки у бурун Кентуккида фермада қандай жонбозлик
кўрсатиб ишлаган бўлса, уларга ҳам шундай гайрат
билан ёрдам берарди. Қиласиган иш қолмагач, юқори

палубага, пахтатойлари орасидаги бурчакка чиқиб олиб, ўз инжилини мутолаа қилишга киришарди.

Янги Орлеандан юз милча нарида, дарё суви табиий қирғоқлардан анча баланд күтарилганидан, дарё ўз сувини йигирма фут баландликдаги ясама соҳиллар орасидан олиб боради. Худди сувда сузаётган қасрдек пароходнинг юқори палубасидан туриб сайёҳ атрофдаги бир неча миль жойни бемалол томоша қилоларди. Томнинг кўз ўнгидан плантациялар дастурхон каби ёзалиб ётар, у ўзини кутиб турган янги ҳаётни равшан тасаввур эта оларди.

Том палубадан туриб, қулларнинг ишлашини, уларнинг кўпгина плантациялардаги қатор-қатор бостирма-чаларини йироқдан кўрарди; бу бостирмалар плантация эгаларнинг ҳашаматли парклари ва данғилламз уйларидан анча нарида эди. Бу манзаралар унинг куз ўнгидан ўтаркан, унинг ақлга бўйсунмайдиган бечора юраги орқага — Кентуккига, қари чинорлар кўланка солмиши фермага, бегонияга ўралмиш ўз кулбасига томон ундарди. Унинг кўзига ёшлигидан бирга ўсган дўстлари кўринарди: у кечки овқат пишириш билан шу топда банд бўлган хотини — Хлоя холани кўрарди. Болаларнинг қувноқ кулгисини, тиззадан тушмас қиз-часининг чуғурлашини эшитгандек бўларди...

Кейин тўсатдан буларнинг ҳаммаси кўздан ғойиб бўлар ва у яна шакарпояларни, сарв дарахтларини, плантацияларни кўрар, яна пароход машиналарнинг пишқиришини эшитар ва булар ҳаммаси унинг ҳаётидаги ҳалиги даврнинг абадий ўтиб кетганлигидан дарак бериб туарди.

Агар сиз мана шундай аҳволга тушсангиз, хотини-нгизга хат ёзардингиз, болаларнингизга хабар юборардингиз; аммо Том хат ёзишни билмас, почта билан мутлақо иши йўқ ва жудолик жарлити устидан ҳеч қандай кўпринк солиб ўтолмасди.

Том тойпахта устида ётиб, инжилни хижжалаб ўқиркан, унинг саҳифалари устига озмунча кўз ёши тўқмади! Китобни секин ўқишига таажжубланмаса бўлади: у ўқиши ёши анчага борганда ўрганган, шунинг учун тез ўқиёлмас ва оятдан оятга секин ўтарди.

Пароходдаги мусофиirlар орасида Сен-Клэр деган бадавлат ва отоқли жентльмен бўлиб, у, Янги Орлеандада яшарди. Сен-Клэр билан бирга қизчаси ҳам борар-

ди; беш ёки олти жар бу қизча бир хонимнинг ғазоратида бўлиб, у хоним эса Сен-Клерга қариндош кўринарди.

Қизча Том олдилда тез-тез пайдо бўларди. У, ёзги шабада ёки қуёш нури каби бир жойда турмас, бесаранжом эди. Уни бир марта кўрган одам ҳеч унумасди.

Қизча гоятда чиройли бўлиб, кўпинча болаларга жос бўлган семизлик ва бесўнақайликдан унда асар ҳам йўқ эди. Унинг бежирим, келишган қадди-қомати ҳар химнинг завқини оширади. Унинг юз гўзаллигидан кўра ҳам, чуқур хаёлсурувчанилиги билан кишини кўпроқ ҳайратда қолдиради. Унинг жонон бошчасини худди булатдек ўраб турган олтин ранг — қизғиши узун еочлари, узун киприклар остидаги фируза кўзларининг чуқур ва маънодор жиддий боқиши — бу фазилатлар уни бошқа болалардан ажратиб тураган пароходда пирпираб юрганда ҳар бир кишини қайрилиб қарашга мажбур этарди.

Унинг отаси ва унга мураббиялик қилаётган хотин доим унинг орқасидан югуриш билан овора эдилар; у эса, ёзги булатча каби, уларга тутқич бермасди. У ни-маки қилмасин, отасидан ва мураббиясидан ҳеч қандай тап эшиитмаслигини яхши билганидан, пароходнинг у бошидан-бу бошига чопгани-чопган эди. У ҳамма вақт оқ кўйлак кияр ва фариштадек ҳар ерда югуриб юради; унга чанг-губор ҳеч юқмасди. На юқорида ва на пастда бу чиройли қизчанинг оёқчаси тегмаган ва гўзал орзу каби олтин ранг бошчаси кўринмаган жой қолмади.

У, гоҳо пароходнинг ўтхонасидағи катта ўчоқ ёнига келиб, унда мавж уриб ёнаётган оловга қараб ва ўзининг оғир меҳнати билан машғул кочегарнинг кўзи унинг таажжубланган кўзига тушиб қоларди. У, тўё кочегарни даҳшатли хавф остида қолгандек фаҳмлаб, унга юраги ёркілгудек термилиб туради. Баъзида пароход рулчиси ғилдиракни тўхтатиб, ўз хоначасининг деразасида қизчанинг акс этиб турган гўзал юзига кулимсираб қаради. У ўтиб бораркан, гоят бадқовоқ кишилар ҳам иржайиб, қовоқларини кўтарардилар. У, хатарлироқ жойларга қўрқмасдан чопиб келганда эса, қоракуя теккан қаттиқ қўллар уни сақлаш учун икти-ёрсиз чўзиларди.

Том негрларга
хос ҳалим табиатли,
таъсирга берилув-
чан киши эди. У.
қизчага берубор
завқланиб қарап ва
бу завқ кундан-кун
кучаярди.

Қизча Гэлининг
кишанланган эр ва
аёл қуллари ўтирган
жойдан ўксиниб
тез-тез ўтиб туарар-
ди. Қизча уларнинг
ёнига борар ва бу
одамларнинг нима
учун кишанланганини тушиумасдан, гам-ғуссага тўлиб-
тошган кўзлари билан уларга термилиб қаради: гоҳо
нозик қўлчалари билан уларнинг кишанларини кўтарар-
ди-да, маъюсона хўрсиниб, қабққадир югуриб кетарди.
Бирмунча вақтдан кейин икки қўли тўла ширинлик,
ёнғоқ ва апельсин кўтарган ҳолда туйқусдан уларнинг
орасида пайдо бўлиб қолар ва қўлидаги нарсаларни
негрларга улашиб, яна қочиб кетарди.

Том бу қизча билан танишишга журъат этишдан
илгари, унинг ҳаракатларига анча вақтгача қараб бор-
ди. У, болаларни қандай қилиб ўзига жалб этишини
билганлиги туфайли, бу ишга усталик билан киришли.
У, олча новдасидан ўриб жула боплаб майда саватча
ишлиар, ёнғоқдан оғзи иржайиб турган каллачалир
ясар, қандолат мағзидан сапчималар қилас ва турли-
туман ҳуштаклар ясашда эса тарафгузарлик уста эди.
Унинг чўнтаги ёш болаларни қизиқтирадиган ҳар хил
нарсаларга тўла бўлиб, илгари бундай нарсаларни у,
хўжайнининг болалари учун сақларди. Аниа шундай
ўйинчоқлар воситаси билан у энди бу қизча билан эҳ-
тиёт бўлиб, аста-секин ошначилик бошламоқчи бўлди.

Қизча бегоналил қилганлиги сабабли, уни ўргатиш
осон бўлмади. Бошда у худди саъвадек яқин-ўрталаги
яшикларнинг бирортасига ўтирас ва Томнинг қўлидаи,
шу ернинг ўзидаёқ тайёрланиб чиқсан нарсаларни
уялинқираб оларди. Мана шундай қилиб улар, пираварди, дўст бўлишиди.



- Кичкина қизнинг исми нима? — деб сўради Том.
- Евангелина Сен-Клер,— деди қизча.— Лекин, дадам ва бошқалар мени Ева деб чақиришади. Сенинг исмнинг нима?
- Менинг исмим Том. У ёқда — Кентуккита кичкина болалар мени Том тоға деб чақиришади.
- Үндай бўлса, мен ҳам сени Том тоға деб чақираман, сени яхши кўриб қолдим,— деди Ева.— Қаерга кетяпсан, Том тоға?
- Билмайман, Евакон.
- Билмайсанми? — деб ҳайрон бўлди Ева.
- Билмайман. Мени бирорта одамга сотишади.
- Ким олишини билмайман.**
- Менинг дадам сени олади,— шошилиб деди Ева.— Агар дадам олса сенга яхши бўлади. Мен бугуноқ дадамга айтиб сени олдираман.

— Ташаккур сизга, кичкина бекачам,— деди Том.

Пароход ўтин олмоқ учун кичкина пристанда тұхтади. Ева отасининг товушини эшишиб, шошилганича югуриб кетди. Том ўрнидан турди-да, ҳаммолларга қарашгани жүнадя ва дарҳол ишга киришди.

Ева отаси билан панжара ёнида туриб, пароходнинг пристандан узоқлашаётганини томоша қиласади. Фидирак сувда энди иккى-уч марта айланганди. Қаттиқ силкиниш натижасида қизча, мезонни йўқотиб, бир зумда сувга тушиб кетди. Отаси, қилаётган ишини чандон англамасдан, унинг орқасидан ўзини ташламоқни эди, орқада турган кишилар уни ушлаб қолишиди, чунки болага яхшироқ ёрдам кўрсатилажаклиги ўша ондаёқ ҳаммага равшан бўлиб қолди.

Қизча пароходдан тушиб кетганды, Том қуйи палубада борт ёнида турарди. У, қизчанинг сувга тушиб кўздан йўқолганини кўрган ҳамон ўзини сувга ташлали. Барваста ва бақувват Том учун қизча сув бетига чиққунча сувда сузиб туриш ҳеч гап эмасди. У қизчани ушлаб, пароход ёнига сузиб келди. Шу заҳотиёқ қизчани кўтариб олиш учун юзларча қўллар чўзилди. Бир секунддан кейин отаси сувга пишилган ва ўзидан кетиб қолган қизчасини қўлига кўтариб олди-да, хотинлар каютасига олиб кириб кетди. Бундай ҳодиса рўй берганды, одатда, хотинлар атайин тартибсизлик юзага келтириш учун зўр бериб ивирсирай бошлайдилар; улар

бу сафар ҳам шундай ивирсирашиб, қизчанинг ҳушига келишига халал берардилар.

Эртаниси пароход Янги Орлеанга яқинлаша бошлади.

Қуёш ғоят қизиган, ҳаво дим эди. Пароходда одатдагича бесаранжомлик ҳукм сурарди. Мусофиirlар каюталарда нарсаларини йигиштиришиб, соҳилга чиқишига тайёрланишарди. Малайлар ва ходима қизжуонлар кемани тозалашар, қиришар, шипиришар, катта шаҳарга келишига ҳозирлик кўришиб, кемага кўркам тус беришарди.

Қуйин палубада қўлини қовуштириб дўстимиз Том ўтирас ва пароходнинг нариги бурчидатўпланиб турган одамларга ўқтин-ўқтин ташвишланиб қараб қўярди.

У ерда гўзал Евангелина турарди. Унинг юзи кечагига қараганда сал оқаргандек кўринса ҳам, кечаги ҳодисадан унинг юзида бундан бошқа ҳеч асар қолмаганди. Жуда олифта бир йигит унинг ёнида тойпахтага суюниб турарди. Унинг олдида очиқ ҳамёни ётарди. Биринчи қарашибдай бу киши Еванинг отаси эканлиги билиниб турарди: ўша олижаноб шаклли бош, ўша катта фируза кўз-у, ўша олтин ранг қизғиш соч. Аммо чеҳраси мутлақо бошқача эди. Еванинг кўз қарашибдаги чуқур хаёл сурин аломатларининг аксича, у, кишига равшан, тетик ва қувноқ боқарди. Унинг келишган, чиройли оғзи бир нарсани мазақлагандек ғурурона кулимсирад, нозик қоматининг эркин ҳаракатларида бошқалардан ўзининг афзалигини англағанлик тушиунчалиси билиниб турарди. У, ўз молининг фазилатлари ҳақида маҳмаданалик қилаётгап Гэлининг сўзларини илтифотсизгина, ярим ҳазил-ярим нафратли кайфијатда тинглаб турарди.

— Хуллас, христиан динининг нимаини фазилатлари бўлса, бари шу қора тери остига жойланган денг!— деди Еванинг отаси, Гэли ўз сўзини тамомлагач.— Ҳўп, оғайни. Ҳўш, Кентуккида айтишларича, мендан қанча шилиб олмоқчисиз энди? Хуллас, уни қанчага пул қилмоқчисиз? Мени қанчага туширмоқчисиз? Бу ишни тезроқ битирайлик.

— Нима бўларди,— деди Гэли,— агар унинг учун мен бир минг уч юз доллар сўрасам, ҳеч қанақа фойда қилмаган бўламан. Үлай агар, бир чақа ҳам фойда қилмайман.

— Бечора!— деди йигит, Гэлинга зийрак фируза кўз-

ларини тикиб, мазақ билан бошдан-оёғига қарапкан.— Демак сиз менин айрим ҳурмат қилгалингиз учун, уни ўзингиз олган баҳога менга бермоқчисиз, шундайми?

— Албатта. Бунинг устига ёш бекач ҳам Томдан жуда хурсанд эканлар.

— Сизни беғараз бўлишга мажбур этаётган нарса шуми, дўстим? Хўш, агар сиз шундай саховатли бўлсангиз, Томдан гоят хурсанд бўлмиш ёш бекачнинг кўнглини олиш учун қанча тушасиз?

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир,— деди савдогар.— Унга бир қаранг: барваста, отдек бақувват. Калласига қаранг: унинг қобилиятли ва фаросатли негр эканлигини дўнг пешонаси равшан кўрсатиб турибди. Бундай барваста негрни, мабодо тентак бўлган чогида ҳам сўзсиз шу нархга оладилар. Аммо, яна бир марта айтаманки, у жуда қобилиятли, ақлли йигит. Ахир, қобилият билан ақлнинг ҳам қиймати бордир. Ўзингиз ўйланг: у, фермада хўжайинининг ҳамма ишини ёлғиз ўзи юргизарди. У мунақса ишларга жуда улдабурро, қобилиятли киши.

— Ана шуниси ёмон, шуниси жуда ёмон-да!— деди йигит, ҳамон боягича мазақлаб кулимсираб.— Мана шундан ёмони йўқ. Ақлли негрлар доним қочади, от ўғирлайди, бемазагарчилик қилишади. Менингча, сиз унинг ақлни учун икки юз доллар камайтиришингиз керак.

— Агар у бундай ахлоқли ва хушфеъл бўлмаганда, нархини сал-пал камайтиrsa бўларди-ю, шошманг, мен ҳозир сизга унинг хўжайини билан бошқа кишилар томонидан берилиган тавсияномаларни кўрсатаман, кейин сиз унинг нақадар тақводор, ювош ва содиқ эканлигини биласиз. У жойларда Томни «маддоҳ» дейишарди.

— Демак у бунинг устига хонаки домлалика ҳам ярайди, денг!— деб қўйди йигит.— Хайр, буниси ёмонмас: бизнинг уйимизда дин жуда камчил мол... Қани, қоғозларингизни кўрсатинг!

Агар савдогар йигитнинг катта фируза кўзларининг қўвноқ яшнашига қараб, бошланган бу ишнинг нақд пул билан тугашини билмаганда эди, аллақачон тоқатини йўқотган бўларди. У ўзининг кир ҳамёнини олдида, синичиклаб тита бошлади: йигит эса беларволик ва мазақ билан унга қараб турарди.

— Дада! Уни оласиз! Баҳоси қанча бўлмасин, барабирмасми?— деб мулойим пичирлади Ева, тойпахта-

га ўрмалаб чиққач,
отаенинг бўйнидан қу-
чоқлаб.—Пулиигиз ета-
ли, биламан. У мен-
га жуда керак, жуда.

— Нимага керак,
жонгинам? Уни қўлинг-
га олиб шақилдоқ қи-
либ ўйнайсанми? Еки
ёғоч от қилиб мина-
санми?

— Мен унинг баҳти-
ёр бўлишини истайман.

— Галати сабаб, аз-
баройи худо!

Бу чоқ савдогар ун-
га мистер Шелби қўл
қўйган қоғозни узатди.
Ингит, узун бармоқла-
рининг учн билан қо-
ғозни олиб, эътибор-
сизгина ўқиб чиқди.

— Жентльмен қўли
билан ёзилгани кўри-
ниб турибди,— деди
у,— бирорта ҳам имло
хатоси йўқ. Мана, пулингизни санаб олинг, чол,— деди
у, савдогарга бир тўп қоғоз пул узатаркан.

— Тўғри!— деди Гэли ва севинганидан башараси
яшнаб кетди.

У, эаки давотни олди-да, олди-сотди ҳужжатини
расмийлаштириб, йигитга узатди.

— Қизиқ,— деди Сен-Клэр, ҳужжатга кўз югуртиб
чиқиб,— менга қанча нарх қўярдингиз? Калламнинг
шаклига, дўнг пешонамга, қўл ва оёғимга, маълумотим,
лаёқатим ва тақводорлигим учун неча пул берардими-
гиз?.. Лекин, юр, кетдик, Ева.

У қизнинг қўлидан ушлаб Томининг ёнига келди ва
бармоқларининг учн билан унинг иягини эътиборсиз
кўтарди-да, мазақ, билан деди:

— Менга қара, Том, янги хўжайнинг сенга маъ-
кулми?

Том бошини кўтарди: йигитнинг гўзал, шавқли ва



қувноқ юзига қараб киши роҳат қиласади. Томнинг
қўзидан жиқ-жиқ ёш оқа бошлади. У, таъсирланиб, деди:

— Худо ёрлақасин, сизни, хўжайин!

— Ишонаманки, худо мени ёрлақар. Исминг нима?
Томми? Аравага от қўшиш ва ҳайдашни биласанми?

— От тагида катта бўлганман,— деди Том.— Мис-
тер Шелбининг отлари жуда кўп эди.

— Яхши, бўлмаса сени кучерликка қўяман, лекин
бир шарт билан: ҳафтада бир мартадан ортиқ ичмайсан.

Хўжайнинг бу гапи Томга қаттиқ таъсир қилди
ва тажжублантириди.

— Мен ҳеч ичмайман, хўжайнин,— деди у.

— Бунақа эртакларни кўп эшитганман, Том! Ле-
кин, кўрамиз. Агар гапинг рост бўлса, бу катта омад
бўлади. Ҳафа бўлма,— деди у хушкўнгиллик билан,
Томнинг маъюслигини кўриб.— Сен ўзингни чиндан
ҳам яхши тутарсан, деб ўйлайман.

— Шундай, хўжайнин,— деди Том.

— Бизникида турмушинг яхши бўлади,— деди
Ева.— Дадам ҳамма вақт ҳар нарсага кулаверса ҳам,
лекин ўзи жуда яхши.

— Бундай тавсиянг учун даданг сендан жуда мин-
натдор,— деди Сен-Клэр ва орқасига қайрилиб жў-
нади.

XV БОБ

*Томнинг ямги хўжайнин ва бошқа турш нарсалар
ҳақида*

... Огюстен Сен-Клэр Луизиана¹даги бадавлат-план-
таторнинг ўғли эди. Асли канадалик. Акаси Вермонт-
даги² обод фермерлардан бирига жойлашди, феъл-
авори жиҳатидан акасига ғоят ўхшаган укасига эса,

¹ Луизиана — Жанубий штатларнинг бирі, у Миссисипи
дарёсининг Мексика кўрғазига қуядиган жойларини заллаган.
Янги Орлеан — Луизиананинг энг катта шаҳари саналади. Жа-
нубдаги барча штатлардагидек, Луизианада ҳам қулдорлар ҳукм
сурарди. 1802 йилгача Луизиана Францияга қарам бўлиб, рома-
нимждаги воқизлар тасвир этилган даврда, Луизианада француз
тили жуда авж олганди.

² Вермонт — Шимоли-шарқий штатлардан бири. Америка
Кўшма Штатларнинг шарқи-шимолий қисми Янги Англия деб
заталади. Янги Англиянинг бошқа барча штатлари сингари Вермонт
ҳам озод штат бўлиб, ҳулдорлар Жанубига душманчилик муносабатини сақларди.

Луизианадаги бой плантация тегди. Огюстеннинг онаси тугенот мазҳабидаги француз аёллардан бўлиб, унинг ота-боболари Луизианага ҳижрат қилишганди. Огюстен ва унинг акаси ота-онанинг ёлғиз фарзандлари эди. Огюстенга онасидан нозик ва заиф қад-қомат мерос бўлиб теккан, шунинг учун «қаттиқ об-ҳаво шароити саломатлигимни маҳкамласа керак» деган умид билан врачларнинг маслаҳатига мувофиқ Вермонтдаги тоғасиникида кўп йиллар яшаганди.

У шимолий штатлардан биррида оқила ва гўзал бир қизни учратиб, уни яхши кўриб қолди ва шу ердаёқ уларни фотиҳа қилишди. У, никоҳ олдиндан ўз ишларини саранжомлаш учун Жанубга келганди. Шу кунларда қайлиққа ёзган хатлари қайтиб келди ва унинг ваннийдан бу хатлар ёнига кичкина хат илова қилингап, илова қофозда: «Бу хат сизга етиб бормасданоқ, қайлиғингиз бошқа эрга теккан бўлади», дейилганди. Кекига қаттиқ зарба еган Огюстен аввал: «Зўр бериб, бу бевафо хотинни бутунлай унудиб юбораман», деб ўйлади. Елвориш ва сабабини билиншга бўйин эгмайдиган, ҳаддан зиёд такаббур бўлганидан, юқори табақа оиласлари ҳаёти гирдобига ўзини ташлади ва уларнинг эшигидан келмай қўя қолди. Даҳшатли хат келганига иккиси ҳафта ўтар-ўтмас у, ўша мавсумда балларнинг пири бўлмиш бир жамиланинг ягона хуштори бўлиб танилди. Тез орада Огюстен бу жамилага уйланди ва нозик қомат, бир жуфт шаҳло кўз ва юз минг доллар сепнинг қонуний эгаси бўлиб қолди. Албатта, уни ҳамма: «Толен баланд йигит экан», деб айтарди.

Куёв ва қайлиқ никоҳдан кейинги биринчи фароғат ойни ўзларининг яқин дўстлари орасида, Поншартрен кўли бўйидаги ҳашаматли қасрчаларида ўтказа бошладилар. Бироқ, шу кунларда куёв бир хат олди: хат, унунтимас ўша қўл билан ёзилганди! Унга бу хатни меҳмонга тўла хонада, хушчақчақ ва тагдор сухбат қизиб турган чоқда беришди. У, таниш ёзуви кўриб, оппоқ оқариб кетди, лекин шу ондаёқ ўзини қўлга олди ва қаршиисда ўтирган бир хоним билан ҳазилкашлигини давом эттирди. Бир неча минутдан кейин у меҳмонлар ёнидан туриб, ўз бўлмасига кириб кетди. У ерда танҳо ўзи хатни очиб ўқиди: бу хат энди мутлақо керак эмасди. Бу хат илгариги қайлиқдан бўлиб, қайлиқ ўз хатида васий уни ўз Ҳулига олиб бермоқчи

бўлганини, шунинг учун уни қаттиқ таъқиб этганилиги-
ни, анча вақтгача Сен-Клэрнинг хатларини унга бе-
ришмаганини, у эса, қайта-қайта хат ёзавериб, ундан
жавоб ололмай, қаттиқ азоб чекканини ва пироварди
унинг муҳаббатига шубҳа қила бошлаганини, ғам-гусса
юта бериб касал бўлиб қолганини ва ниҳоят фирибгар-
ликнинг қандай очилганини муфассал ёзганди. Хат,
Сен-Клэрнинг унга содиқ ўқанлигига ишонч, ўзининг
ҳам уни севишига иқрор бўлиш ва бу севгининг абадий
 юқанлигига қасам ичиш билан тугаган эдик, бу эса,
 ёш йигит учун ўлимдан ҳам қаттиқ эди. Сен-Клэр дар-
ҳол унга қўйнадагича жавоб ёзди:

«Хатингизни.. ниҳоятда кечикиб олдим. Мен эшит-
ганларимга ишониб эдим. Нима қилишимни билмай,
 ганиб қолдим. Уйландим, энди иккимизнинг орамиз-
даги алоқа узилди. Бир-биримизни унутишдан бошқа
чорамиз йўқ».

Оғюстен Сен-Клэрнинг муҳаббат воқнаси шу билан
тутади ва ҳаёт идеали барбод бўлди. Ярқироқ кўк тўл-
қинлар босилиб, сув бетида қувноқ сузиб юрган оппоқ
қордек елканли кемалар ва қайиқлар кетганда, чайил-
кураклар ва майин кўйловчи сувларнинг нағмаси тиши-
ганда қуюн олиб келадиган ғамгии яйдоқ ва шилим-
шиқ кўпик каби чин воқеликнинг ўзгинаси қолди; бош-
қалари йўқолди, битди.

Одатда романлар шу билан тугайдики, юраги пора-
лнинг киши ўлади. Роман учун ўнгайи ҳам шу. Лекин,
турмушда эса, ўша турмушимизни безатиб турган
ҳамма нарса йўқолиб кетган бўлса ҳам, биз ўлмаймиз.
Еймиз, ичамиз, кийинамиз, ўйнаймиз, меҳмонга бора-
миз, оламиз, сотамиз, сўзлашамиз, ўқиймиз ва булар-
нинг ҳаммасидан одатда турмуш деган нарса келиб
чиқади. Оғюстен учун энди фақат ана шунинг ўзи қол-
ди. Агар унинг хотини чинакам хотин бўлганда эди,
узилган ҳаёт ипини улай олар ва ундан жуда яхши
яниги мато тўқиган бўларди. Лекин, Мари Сен-Клэр
ҳатто бу ипларнинг ўзганини ҳам пайқамади. Унинг
возик қомати, икки шаҳло кўзи ва юз минг доллар се-
пидан бўлак ҳеч нимаси йўқ эди. Бу билан эса, хаста
дилга далда бериб бўлмайди.

Кишилар Оғюстен қошига кириб, уни оппоқ, ранги
ўчган ҳолда кўришгач, ёш қайлиқ унга нашатирия
спирт ҳидлатишни тавсия қилди. Унинг юзидаги қон-

сизлиқ ва бош оғриқ касали бир нече ҳафталаб давом этаверғанидан кейин, қайлиқ: «Мен, мистер Сен-Клэрни бунчалик нимжон, деб сира ўйламагандим», деди. Бу одам тез-тез бош оғриқ бўлиб туралиганга ўхшайди, бу эса, қайлиқ учун жуда ўнгайсиз, чўнки бунақа дардчия одам ёш хотин билан ўйин-кулги қилолмайди; агар қайлиқ тўйдан кейин дарҳол ёлғиз ўзи меҳмонга бора бошлиса жуда ғалати бўлади. Оғюстен буидай калтабин хотинга ўйланганлиги учун ҳатто дилида хурсаид эди. Аммо, у, ўйин-кулги ва фароғат ойининг ноз-карашмалари тугагандан кейин, бир нарсага қаттиқ иқрор бўлдики, туғилган кунидан бошлаб эркалатиб ўстирган бу гўзал ёш хотин ғоят шафқатсиз ва бағри тош бўлиб чиқиши мумкин экан. Мари ҳеч қачон бирорни севиш лаёкатига эга бўлмадиган эди, ундаги озмоз ҳиссиёт эса кейинчалик кучли ва кўр-кўронга худбинликка айланиб кетди ва бу худбинлик ўз ҳуқуқидан, ўз манфаатларидан ташқари ҳеч кимининг ҳуқуқ ва манфаатларини писанд қилмаэди. Болалик чоғиданоқ унга қарашиб келган кўпгина хизматкорлар фақатгина унинг инжиқликларини қондириш билан овора эдилар. Бу хизматкорларда ҳам шахсий ҳиссиёт ва ҳуқуқ бўлиши мумкин, деган Фикр унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Мари ота-онасининг ягона қизи бўлиб, отаси унинг ҳеч бир майл ва истагини қайтармаган, ишқиблиб, унинг истагини бажариш инсон қўлидан келса, бўлди. Бой мерос эгаси, ғоят яхши тарбия берилган Мари, одамлар орасига чиқа бошлагач, ҳамма эркаклар — унинг муҳаббатига сазовор бўлиш умидида юрганлар ҳам, бунга заррача умиди йўқ қишилар ҳам тез кунда унинг оёғига йиқиладилар: шунинг учун у, Оғюстенга тегиб уни баҳтиёр қилганига шубҳа қилмаэди. Бағритош хотининг унга бошқаларнинг қандай қараши учун иши йўқ, деб ўйлаш хато бўларди. Дунёда ҳеч иким худбин хотин қадар шафқатсизлик билан ўзига муҳаббат талаб қилмайди. Бундай хотин ўзи қанча оз севса, рашки шунча кўп бўлади ва талаблари баҷканалашиб кетади. Сен-Клэр, Марини силаб-сийлашни тамомлар, қош-қовоғига қараши тўхтаттагач, кўрники, унинг ҳокимаси ўз қулини озодликка чиқаришни заррача истамайди. Кўз ёши, пичинг, майда жанжаллар, ворозилц ва гина-кудурат бошланди. Сен-Клэр хуш-

табиатли ва қўли очиқ киши эди: шунинг учун у, ҳадя-падиялар бериш ва хушомад қилиш билан қутулмоқчи бўлди. Мари ширингина қиз туғиб бергандан кейин эса, Огюстенда ҳатто хотинига нисбатан хушмуомаласимонроқ бир ҳис ҳам пайдо бўлди.

Сен-Клернинг онаси ғоят улуғ ва олижаноб табнатли хотин эди; шунинг учун Сен-Клер: «қизим онамга ўхшасин» деган умид билан болага ўз онасининг по мини қўйди. Бу унинг аразчи ва рашкчи хотинининг кекига тегди. Сен-Клер болага ғоят овунниб қолганидан, Мари бу ҳолга чандон рози бўлмасдан қараб борарди. Ў: «Эрим ўз муҳаббатини мендан тортиб олиб, болага беряпти», деб ўйларди. Бола туғилган кундан бошлаб, Марининг саломатлиги аста-секин заифланиб кетди.

Ақлин ишлатмаслик ва меҳнат қилмай доим бекорчилик билан ҳаёт кечириш, диққатчилик ва ҳар нарсадан хафа бўлавериш—оналикининг ҳамроҳи бўлмиш одатдаги заифлик билан қўшилишиб, пироварнида яшиаб турган ёш жамилани бир неча йил ичидагу ўз вақтини сон-саноқсиз хаёлий азоблар билан тўлдинувчи ва ўзини дунёда энг жафокаш, шўр пешона хотин деб ҳисобловчи дардчил ва кузги япроқдек сўлган хотинига айлантириб қўйди.

Унинг турли-туман ҳасратларининг ниҳояси йўқ эди. Аммо, у, кўпинча, бош оғриқдан шикоят қиласа ва шуни баҳона қилиб уч-тўрт кунлаб ўз хонасидан чиқмасди.

Рўзгор юргизиш хизматчи хотин қўлига батамом ўтгани учун, Сен-Клернинг кўзига уй жуда совуқ кўринадиган бўлиб қолди.

Унинг ёлғиз қизи жисмоний жиҳатдан жуда заиф бўлганидан, у, «онасининг беғамлиги касофатига қизининг саломатлиги ва ҳаёти хавф остида қолмаса эди» деб кўрқарди. У, Вермонтга жўнаркаш, қизини ҳам ёнинга олди ва аммаваччаси Офелия Сен-Клер хотимни Жанубга бориб ўз уйида туришга кўндириди. Мана ҳозир улар пароходда уйларига қайтгаптилар ва биз улар билан ўқувчиларимизни таништирмоқдамиз.

Янги Орлеанинг черковлари ва миноралари кўз ўнгимиздан ўтиб тургунча, сизларга Офелия хотимни таништириш учун ҳам фурсатимиз етади.

Янги Англия штатларида¹ саёҳат қилган киши шаббода гир-ғир эсиб турган салқин қишлоқларни, ҳовлилари озода шипирилган ва азамат заранг дараҳтлари соя ташлаб турган фермер уйларини эсласа керак. Бу жойларда ҳукм сурган тартиб ва сукунатни, абадий ва бузилмас осойишталикин у одам эсласа керак: бу жойларнинг деворларидан бирорта ёғоч диккайиб чиқиб турмайди, деразаларнинг ости сирензор, ҳовли юзида бирорта хас-чўп кўринмайди. Уйда эса, кенг ва озода хоналар кишини ҳайратда қолдиради ва буларга кирган киши: «бу хоналарда ҳеч қачон бирон воқиа юз бермас экан, уй эгалари ҳеч иш қилишмас экан, буюмлар ўз жойидан ҳеч қўзғатилмас экан» деб ўйлаши мумкин. Бу жойларда уй-рўзғор ишлари бурчакда турадиган эски соат механизмидек тўғри олиб борилади. Меҳмонхонада, ойнак эшикли эски китоб шкафида Роллиннинг «Тарих», Мильтоннинг «Йўқолган жаннат», Бэнъяннинг «Пиллигрим саёҳати» деган асарлари, бошқа шу каби тантанали ва мұтабар китоблар ёнида оиласвий инжил ҳам тартиб билан қатор тахлаб қўйилган. Уйда хизматкор хотин йўқ, ҳолбуки хоним тушки овқатдан кейин оппоқ дуррани ўраб, кўзайнагини тақиб, қизлари билан бирга ўтириб олади-да, худди уйда бошқа ҳеч бир иш йўқдек, худди бу ерда ҳеч иш қилинмагандек, бамайлихотир чок тикади. Уйнинг ҳамма иши эрталаб қилинади ва кундузи, қачон кирманг — уйла ҳамма нарса тайёр. Эски ошхона полида қатра доғ кўрмайсиз; курсилар, столлар ва ошхонанинг ҳар хил асбоблари шундай саранжом турадики, гўё уни ҳеч ким ҳеч қачон нари-бери қилмайдигандек кўринади: ҳолбуки бу ерда ҳар куни уч-тўрт марта овқатланадилар, кир ювазилар, дазмол урадилар ва сир тутгансимон секингина ёғ ва пишлоқ тайёрлайдилар.

Оғюстен, Офелияни Жанубдаги ўз уйига таклиф қилганга қадар, у шундай фермада, шундай уй ва оиласда ўз умриннинг қирқ беш йилини осойишталик билан ўтказди. У оиласнинг тўнғич қизи эди, аммо унинг

¹ Янги Англия — Америка Қўшима Штатларининг шимоли-шарқий қисми. Бунга Массагусетс, Мэн, Нью-Гэмпшир, Конектикут, Рид-Айленд штатлари ҳамда Офелия ҳовим түғилган Вермонт штати киради

ота-онаси ҳануз уни ёш бола деб ҳисоблашарди: шунинг учун Янги Орлеанга бориши ҳақидаги таклиф уларга жуда муҳим воқиа бўлиб кўринди. Офелияниг мўйсафид отаси китоб шкафидан Морзининг атласини олиб, Янги Орлеанинг географик кенглигини ва узоқлигини қаради ҳамда Флинтниг «Жанубга ва Farbga саёҳат» деган китобини яна бир марта ўқиб чиқди. Хушкўнгил она эса, ташвишланиб: «Янги Орлеанинг жуда ёмон жой дейишяпти, ростми?», «Янги Орлеанга бориши — Сандвич оролларига, ёввойи одамлар ва маҷусийларниг олдига бориши каби хавфли эмиш, тўғрими?» деб сўрарди.

«Офелияни, қариндоши Сен-Клэр Орлеанга олиб кетармиш» деган хабар тез орада докторга, домлата, мисс Пибодининг бозори чаққон дўконига ҳам бориб етди. Бутун қишлоқ аҳолисининг оғзида фақатгина шу ҳақда гап борарди.

Офелияниг Орлеанга боришига рози бўлганини ҳамма билгандан кейин, унинг ёр-дўстлари, қўни-қўшнилари икки ҳафтагача уни чойга чақиришди, унинг планлари ва мақсадларини ҳар томонлама муҳокама қилишди.

Дердиларки, сквайр Сниклер (бу ердагилар Сен-Клэрни шундай деб атардилар) эллик доллар санаб Офелияга берганмиш ва энг яхши усти-бош олишини буорганмиш; яна дердиларки, унга Бостондан иккита ажойиб шойи куйлак билан битта шляпача юборилганмиш; ҳамма унга Нью-Йоркдан юборилган гўзал зонтикини бу томонларда ҳали ҳеч ким кўрган ҳам эмас, деб айтарди. «Унинг бир шойи кўйлаги бор, полда ўзи бўш тикка туради», дердилар. Офелияниг гулдор дастрўмолчasi борлиги ҳақида ҳам овозалар тарқалди: «Офелияниг тўрт томонига тўр тикилган рўмоли бор экан», «рўмолининг бурчагидаги тўр ичидан тепчиб тикилганмиш», деб ҳам лоп қилдилар. Аммо, сўнгги хабарниг қанчалик ростлиги етарли даражада текширилмаганлигидан, ҳалим номаълум.

Уша новча, бесўнақай Офелияхон чиройли жигар ранг сафар либосини кийиб, бўйини чўзганча оядингизда турибди; Унинг юзи тиришқоқ, лаби, ҳамма нарса ҳақида маълум фикри бор кишининг лаби каби — қисиқ. Уткир қора кўзлари гўё эҳтиёт бўлиш лозим нарсанни ахтараётгандек, атрофдаги нарсаларни синчиклаб қарабди.

Унинг ҳамма ҳаракатлари кескин ва қатъий. Узи қамгап: бевосита ишга даҳли бор сўзнигина айтади. У — тартиб, бир мақомда ишлаш — ҳаракат қилиш ва аниқликнинг тимсоли. У соат каби аниқ ишлайди, паровоз каби ўз йўлидан тўғри боради. Узига ўхшамаганларин у жуда ёмон кўради.

У, эпашангликни энг катта гуноҳ деб билади ва «эпашанг» сўзини жуда кўп ишлатади. У, ҳеч нарса қилмайдиган ё нима қилишини аниқ билмайдиган, ёки бошлаган ишини қандай қилиб охирига етказишни билмай иккиланиб турадиган кишиларни «эпашанг» дерди. Бундай одамларга у чуқур нафрат билан қарап ва бу нафратини дангал изҳор қилаверарди.

Ўзи ақлли, ростгўй ва ишчан эди. У, тарихни ва ёски инглиз классикларини яхши биларди, у ўзининг ақл доирасидаги унча кўп бўлмаган масалалар устида тузук фикрлар бера оларди. Унинг диний тасаввурлари аниқ, ижобий ва равшан эди. Бу тасаввурлар — ошиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас, маълум бир миқдорда эди, ўй-рўзгор ишларини юргизишда ва ёр-дўстлари билан муносабатда ҳам у, ани шу йўлни тутарди. Турмушлаги ўзи амал қиласа эвг муҳим ва асосий принципи эса — соф виждонлилик эди.

Офелия ўз бурчининг асл қули эди. У, ўз бурчининг нимадан иборат эканлигини бир марта билиб олгандан кейин, шу йўлдан ҳеч оғишмай борар ва ўт ҳам, сув ҳам унга халал бера олмасди. Агар у «бурчим шунни талаб қилаётир» деган қатъий фикрга келса, буни амалга ошириш учун ўзини қудуққа ташлашга ёки замбаракнинг оғзига қўйиншга доим тайёр эди. Ўзининг бурч идеалини ғоят юксак погонага кўтарарди, бу идеал унинг назарида жуда кенг бўлгани ва ғоят кўп майда масалаларни ўз ичига олгани учун у инсоний заифликларга кам эътибор берарди. Шундай бўлса ҳам, у ўзининг зўр ғайратига қарамай, бу идеалнинг поёнига ҳеч етолмас ва шуцинг учун доимо ўзини қаноатланмаган ҳис этарди.

Энди Офелия Огюстен Сен-Клэр билан кетишга қандай қилиб кўнди деган масалага келайлик.

Ахир, Сен-Клэр шўх, сарбас, иш кўзини билмас, шаккок ва ўзининг бебошликлари билан Офелияничи энг қимматли одат ва маслакаларини мудом поймол қиласадиган киши-ку!

Ростини айтганда, Офелия уни севарди. Оғюстен болалик чоғнда Офелия унинг кийимини ямар, сочларини тарап ва тарбияларди. Устдан қараганда бераҳмадек кўринган афти-ангорини эътиборга олмаганди, унинг юрагида иссиқ ҳис сақланарди ва Оғюстен ўз одатича, бу ҳисни бутунислича ўзиники қилиб олганди. Шунинг учун, Офелияяга: «Сизнинг бурчингиз мени билан бирга Орлеанга бориб, Евани тарбиялаш ва хотинимнинг доимо касаллиги туфайли таҳдид қилаётган хонавайронликдан мени қутқазиб қолиш», деб айтиб, уни осонгина кўндира олди. Қаровсиз қолган уй ҳақида айтилган сўз Офелияга таъсир қилди. Бундан ташқари у, гўзал қизчани ҳам яхши кўриб қолганди.

Қитобхон, Офелия тўғрисидаги бошқа маълумотларни у билан шахсан танишганда билиб олади. Мана у, атрофига кўпгина катта ва кичик сафар сумкаларини, сандиқларни ва саватларни қўйиб, ўз каютасиза ўтирибди ва уларни маҳкам қилиб ёпляпти, боғлаяпти, уряпти, тумаларини қадаяпти.

— Хўш, Ева, нарсаларни нечта, эсингдами? Эсингда бўлмаса керак — бундақа нарсалар болаларнинг эсида турмайди! Мана, сафар сумкаси — бир, мана, кичкина зангори қути — ичида сарагина шияначант бор — икки, резинка сумка — уч, менинг иш қутим бор — тўрт, шляпа қутим — беш, ёқачалар солинган қутим — олти, чарм чамадонча — етти. Зонтигингин нима қилдинг? Менга бер, қоғозга ўраб, зонтигимга қўшиб боғлаб қўяман! Ана, бўлди!

— Нега, холажон? Биз уйга кетяпмиз-ку. Боғлашнинг нима кераги бор?

— Ҳамма нарсани батартиб сақлаш керак, бўтам. Агар нарса турсин десанг, уни эҳтиёт қилиш керак Ева, ангушванангни жойлга солиб қўйдінгми?

— Ростини айтсам, билмайман, холажон.

— Хайр, ташвишланма. Қани, яшигингни очиб қэрайчи, нималар бор экан: мум, иккита ғалтак, қайчи, пичноқча, игна, ангушвана. Жуда соз. Бу ерда экан. Отангиз билан иккянгиз, месиз қандай юргансизлар, тасаввур этолмайман! Бор нарсаларнинг ҳаммасини йўқотган бўлсаларнинг керак.

— Ҳа, холажон, мен анча нарсамни йўқотдим. Тўтаган жойимизда дадам ҳаммасини яна сотиб олиб берарди.

— Ё раббим,
бу қандай одат?

— Жуда ўн-
ғай бу, холажон.

— Ахир бу
жуда ёмон эпаша-
нглик-ку!

— Ҳой хола,
энди нима қила-
сиз, тиқилиб кет-
ганидан чамадон
ёпилмаяпти.

— Ёпилиши
керак,— деди хо-
ласи, саркардалар
сингари қиёфага
кириб ва ирғиб
чамадон қопқори
устига ўтиреди.

Шундай бўлса
ҳам, қопқоқ жисп
ёпилмай, бир оз
очилиб қолди.

— Сен ҳам
чиқ, Ева,— шид-
дат билан деди
Офелия.— Чама-
донни сўзсиз
ёпиш керан — гап
шу!

Эҳтимол бундай қатъиятликдан қўрққан бўлса ке-
рак, чамадон ёпилди. Қулф солинди, Офелия калитни
айлантириб уни қулфлади, кейин калитни керилди,
чўнтағига солди.

— Энди тайёрмиз. Даданг қани? Багажни олиб
чиқаверса бўларди. Бор, қара, Ева, даданг қаерда экан.

— Ҳов ана, нариги томонда, эркаклар каютасида.
Алельсин еяпти.

— Етиб қолганимизни у билмаса керак,— деди хо-
ласи.— Бориб айтсанг яхши бўларди.

— Дадам ҳеч шошилмайди,— деди Ева.— Ҳали ғи-
ганимиз ҳам йўқ-ку. Панжарага келинг, хола, бу ёққа
бир қаранг. Бизнинг уйимиз ҳув нариги кўчада!



Бу чоқ пароҳод бошқа кемалар ёнидан четлаб ўтиб, чарчаган дев сингари оғир бўкириб пристанга яқинлашарди. Ева том гумбазларини, улар устидаги найзалинни, қадрдан шаҳарнинг кўчаларини севиниб-севиниб холасига кўреатарди.

— Тўғри, тўғри, азизим, жуда чиройли! — дерди Офелияхон.— Вой шўрим! Пароҳод тўхтади! Даданг қани?

Пароҳод тўхташи билан одатдагича тўполон бошлиғди. Ҳаммоллар у ёқдан-бу ёққа югуришар, эркаклар чамадон, сандиқ ва саватларини кўтариб боришар, хотинлар ташвишланиб болаларини чақирадилар.

Офелия, ҳозиргина ўзи бекитган чамадони устига ўтириб, нарсаларни ҳарбийчасига батартиб қатор қилиб қўйди, у нарсаларни охиригача қўриқлашга қарор этгандек кўринарди.

Унинг атрофида ҳадеб «Чамадонингизни кўтариш мумкинми, хоним?», «Багажингизни олишга рухсат этинг!», «Келинг, мен нарсангизга қараб турай!» деган сўзлар эшитиларди. У, хўмрайган ҳолда қатънат билен қовуқ игна сингари ғўдайиб, ўраб олган зонтикларини маҳкам ушлаб ўтирас ва шундай кескин жавоб берардик, бундан ҳаммоллар ҳам чўчиб кетарди! Гоҳо таажжубланиб, у Евадан сўрарди:

— Нима бўлди бу дадангга? Пароҳоддан йиқилиб иетмагандир, ахир? Эҳтимол, бирор ҳодиса рўй берган бўлса!

У хавотир бўла бошлаган эди ҳам, Сен-Клэр одатича берам қадам ташлаб келди-да, Евага чоракта апельсин узатиб, деди:

— Хўш, Офелияхон, тайёр бўлиб тургандирсиз?

— Тайёр бўлганимга бир соатча бўлди, кутиб ўтирибман,— деди Офелия.— Ростини айтсам, ташвишлана бошлагандим ҳам.

— Мана бу ишончли одам чамадонларимизни кўтариб боради,— деди Сен-Клэр.— Бизнинг экипажимиз пристанда, одамлар ўтиб бўлди. Энди бамайлихотир тушсак бўлаверади. Қани,— деди у, орқасида турган ҳаммолга,— бу нарсаларни кўтар-чи.

— Мен бориб нарсаларни қандай жойлашига қараб тураман,— деди Офелия.

— Бе, эгачи, нима кераги бор?

— Майли бўлмаса, аммо эҳтиётдан мана бу... мана бу нарсаларни ўзим олиб тушаман...— деди Офелия бирнечча юкни ажратиб.

— Азизим Вермонт, ўз одатларингизни бизга сингдирилмайсиз. Энди бизнинг жанубдаги баъзи урф-одатларимизни билиб олишингиз ва ҳамма юкларингизни ўзингиз кўтариб тушмаслигингиз лозим, акс ҳолда, сизни оқ соч хотин деб ўйлаб қолишлари мумкин. Ҳаммасини ана бу одамга беринг; у чамадонни тухумни кўтаргандек эҳтиёт қилиб олиб тушади.

Офелия, ҳамма буюмларни тортиб олган қариндошига жони чиққудек қарали ва аравага ўтиргандан кеинингнина таскин топди: нарсаларнинг ҳаммаси бут эди.

— Том қани?— деб сўради Ева.

— У олдинда, кучер ёнида ўтирибди, жонгинам. Уни онангга совға қиласман. Том, аравамизни тўлтарниб юбэрсан ароқхўр кучернини ўринида ишласин.

— Том жуда яхши кучер бўлади, биламан,— деди Ева.— У ҳеч пиянисталик қилмайди!

Арава уй олдига келиб тўхтади. Уй қадимги замон уйларитан эди, қисман испан, қисман француз меъморчилик усули татбиқ қилинган бундай ғалати иморатнинг намуналари ҳали ҳам Янги Орлеанинг баъзи жойларидаги сақланиб қолган. Дарвоза устида баланд равоқ бор эди. Ҳовлининг ичи жуда кўркам. Ҳовлининг тўрт томонини кенг йўллар ўраб олган, уларнинг тоқилари, чор қирра устунлари ва гулдор нақшлари бир замонлар арабларнинг Испанияда ҳукмронлик қилганини сал-пал эсга соларди. Ҳовли ўртасида фонтан бор.UNDAN BALAND OTILIIB CHIQAETGAN SUV KUMUSH CHANG SINGARI, ATROFGA ҚАЛШИ ҚИЛИБ MUATTAR BINAFAŞALAR EKİNLGAN MARMAR XOVZUGA CHOCILIB TURADI. BILLURDDEK TOSA, ZİLOL SUVDA JONILI MARVARİLLDEK YARÇRAB SON-SANOQSIZ OLTIN VA KUMUSH RAING BALIÇCALAR UYNAŞADI. FONTAN ATROFIĞA SAİD ҚILMOQ UCHUN YÜLKAKA SOLINGGAN, YÜLKAKA BETİGA NAQSHİ-NAMO ŞAGAL BOSILGAN: YÜLKAKA ATROFIĞA ZANGOR BAHMALLDEK MAYİN MAYSİA ÜSİB ETADI. BULARNİNG ҲAMMASINNI ARAVA ҖATNAYDİĞAN KATTA YÜL DÖVİRA ŞAKLIÐA UYRBOLGAN. YAŞNAB-GÜLLAGAN İKKİ APELÝSİN DARAHTI ROXAÐATBAHİSH KÜLAÞKA SOLGAN. BETİGA ҲAR XIL RASMLAR TUŞIRİLGANCH MARMAR VАЗALAR MAYSALAR TEPEASIÐA KÜTARILIB TURADI, VАЗALAR TEPEASIÐA NODIR TROPİK ÜSİMLIKLER BOR. YILROËKLARI YALTILLAGAN, ҚİP-ҚİZİL GULLI KATTA ANOR DA-

рахтлари, гуллари кумуш юлдузга ўхшаш қорамтил баргли араб ясмини, геранлар, гулларининг вазминлигидан шохлари эгилиб кетган ҳашаматли атиргуллар, сариқ ясмин, лимон ҳидини берувчи вербеналар — барчasi тўла гуллаб, муаттар бўй беради. Унда-бунда учраган вазмин ва ажойиб япроқли алоэлар эса, гўзал гуллар ва мұаттарлик оламида мўйсафид сеҳргарга ўхшайди.

Ховли атрофидаги йўлларга гулларни офтоб қовжиратишидан асраш учун аллақандай араб матосидан тикилтган пардалар осилган. Умуман айтганда, бу ернинг манзараси хаёлий ва ҳашаматли эди.

Экипаж ҳовлига кирганда Ева жуда севинди. У, қафасдан учишга тайёр турган қушчага ўхшарди.

— Жонажон, азиз уйим, гўзал, ажойиб ва чиройли эмасми, ахир? — деди у Офелияга. — Қани айтинг-чи, гўзал эмасми?

— Ҳа, менга эски ва ёввойи жойга ўхшаб кўринса ҳам, чиройли жой экан, — деди Офелия, экипаждан чиқаркан.

Том пастга тушгач, атрофига завқ билан оҳиста разм солди.

Дилда эса шоир бўлган Сен-Клэр, Офелиянинг уй ҳақидаги мулоҳазасига жавобан кулимсиради-да, завқидан қора қиёфаси яшнаб турган Томга қараб, деди:

— Хўш, Том, бу ер сенга маъқул шекилли, оғайни?

— Ҳа, хўжайин, бу ер ёмон эмас экан, — деб жавоб берди Том.

Чамадонлар экипаждан олинар ва ҳаммолга ҳақ тўланар экан, турли ёшдаги эркак, хотин ва болалардан иборат хизматкорлар сафардан қайтган хўжайинни кутгани чиқишиди. Ҳамма кутувчилар олдида, жуда мұҳим амалдорга ўхшаб кўринган ёш бир мулат турарди. Сўнгги модада кийинган бу мулат атир сепилган дастрўмолчасини тез-тез елпирди. У кучининг борича негрларни орқага сурмоқчи бўларди.

— Қайт орқага! Ҳамманг орқага сурил! Мени чомусга ўлдирасизлар-ку? — деб бақира бошлади у. — Хўжайин оstonага энди қадам қўйди-ю, сизлар бўлсангиз унинг осойишталигини бузасизлар!

Мулатнинг бу назокатли гаплари ҳаммани уялтириб қўйди шекилли, улар тисарилиб, анча нарн бориб тўп-

заниши. Фақат икки бақувват ҳаммолгина экипаж ёнига келиб, нарсаларни таший бошлади.

Мулатни Адольф деб атардилар. У негрларни шидат билан орқага тислатди, Сен-Клэр кучерни жўнатиб, орқасига қараганда, унинг яқинида Адольфдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Атлас желетка, оқ шим кийиб, кўксига олтин занжирча тақиб олган Адольф жуда на зокат ва ҳурмат билан таъзим қилди.

— Ҳа, Адольф, сенмисан?— деди унинг хўжайини, кўлини узатиб.— Аҳволинг қандай, оғайнин?

Адольф икки ҳафтадан буён тайёрлаб, пишиқтирган нутқини ёракай айтиб берди.

— Яхши, яхши,— деди Сен-Клэр, одатича писанд этмасдан, мазақ қилиб унинг ёнидан ўтаркан.— Жуда яхши ҳозирланибсан, Адольф. Багажларга қараб тур, мен бир минутдан кейин одамлар олдига чиқаман.

У Офелияни эшиги айвонга чиқадиган катта меҳмонхонага кузатиб қўйди.

Бир вақт Ева қуш сингари чаққонлик билан меҳмонхонадан кичкина пардозхона га чопиб ўтди; пардозхона эшиги ҳам айвонга чиқарди.

Новча, қора кўз ва юзи қонсиз аёл күшеткадан андак кўтарилиди.

— Ой!— деб севиниб қичқирди Ева, бўйнига ташланиб уни қучоқларкан.

— Секнироқ, жонгинам, қўй, тагин бошим оғриб қолади,— деди онаси, уни ўпаркан.

Сен-Клэр ҳам кириб хотини қучоқлади, кейин унга Офелияни таништирди. Мари, қизиқсинган бўлиб, катта кўзларини Офелияга бирпас тиккандан кейин, эҳтиром билан сўрашди ва эсон-омон келганига хурсандлик билдириди. Бу вақт эшик ёнида хизматкорлар тўпланиши. Олдинда ўрта ёшар, қиёфаси жуда бамаъни



бир мулат аёл севинчини ичига сиғдиролмай, маҳтал бўлиб турарди.

— Ана, Мэмми — деб қичқирди Ева, бирпасда у ёққа учиг үтиб.

Ева унинг қучоғига ташланиб, ўпа бошлади.

Бу хотин: «Бошим оғриб қолади», демади, аксинча, Евани жон-дили билан бағрига босди ва севинганидан дам кулиб, дам йиғлади. Ева унинг қучоғидан чиққач, кутиб турган хизматкорларнинг олдига бирин-кетин пирпираб үтиб, уларни ўпди ва қўлларини ушлаб сўрашди.

Сен-Клэр кулиб даҳлизга чиқди.

— Ҳой, Мэмми, Жимми, Полли, Сәки хўжайинларингни кўриб хурсанд бўлдингизми? — деди у, уларнинг қўлларини қисиб кўришаркан. — Болаларнингизга қаранглар! — дели у, полда ўрмалаб юрган қора бадан чақалоққа қоқиниб. — Агар бирортани босиб олсам, дарҳол хабар қилсан.

Ҳаммалари қувониб кулишар, Сен-Клэр эса уларга майданача улашарди.

— Энди жўнаңлар, тўполон қилманглар, — деди у.

Ҳаммалари — қоралар ҳам, оқлар ҳам — эшикдан чиқиб ғойиб бўлдилар. Улар орқасидан катта сумкасини судраб Ева жўнади: сумканинг ичи олма, ёнгоқ, новвот, лента, тасма ва турли хил ўйинчоқларга тўла, буларнинг ҳаммасини у саёҳат вақтида тўплаганди.

Сен-Клэр орқасига қайрилиб қараб Томни кўрди: у, тоҳ у оёғини, тоҳ бу оёғини кўтариб, ўнғайсиз ҳолда турарди. Адольф эса бемалол панжарарага суюнган ҳолда, кўзига лорнет (оинак) кўйинб, Томга жиддий қиёфа билан қаради, уни кўрган ҳар бир олифтанинг ҳаваси келарди.

— Вой итвачча-ей! — деди хўжайнин. Адольфнинг қўлидан лорнетни тортиб олиб. — Киши ўртоғи билан ҳали шундай муомала қиласдими? Назаримда Дольф. — деб давом этди у, Адольф кийиб олган башанг гулдор атлас жилемтанин қўли билан тутиб, — назаримда бу жилемтка менникига ўхшайди.

— Ҳой мистер, жилемткаларнингизга бутунлай вино тўқилгани. Бас, энди, сиздақа жентльмен бу жилемткани энди киймайди. Уни энди мен кийишим керак, деган фикрга келдим. Бу жилемтка менга ўхшаган камбағал негрға боп.



Адольф бошини қимирлатиб ва атир сепилган сочини олифтагарчилик қилиб қўли билан силади.

— Э, ҳали шундайми? — деди Сен-Клэр эътиборенз йўсинда.— Бўбди, Томни бекасига кўрсатай, кейин уни ошхонага олиб борасан. Лекин, эсингдан чиқмасин, унинг олдида катталик қилма: у, сендақа итваччалар-пинг иккитасидан қимматроқ туради.

— Хўжайнин доим ҳазиллашадилар,— деди Адольф қулиб.— Хўжайнинин бундай димоғлари чоғ ҳолда кўрганим учун баҳтиёрман.

— Бу ёққа юр, Том,— деди Сен-Клэр, боши билан имо қилиб.

Том бўлмага кирди. Баҳмал гиламлар, кўзгулар, расмлар, ҳайкалчалар, чиройли пардалар билан безатилган хонани завқ билан кўздан кечирди. Бундай жиндоуз ва зийнатларни у илгари тасаввур ҳам этмаганидан боши гангид қолди. Бу ерга ҳатто оёғини қўйгани ҳам ботинмади.

— Мана, Мари,— деди Сен-Клэр хотинига,— охири тоширигинги бажариб, кучер сотиб олдим. У, қора ва тобут аравадек жўп, истасанг, қабристонга олиб

кетаётгандек сени тинч олиб юра олади. Қані, күзингни очиб, унга қара. Тағин: «Эрим сафарга чиққанда мени ҳеч эсига келтирмайды», деб ўпкалама.

Мари күзни очиб Томга қаради.

— Биламан, бу ҳам пияниста,— деди у.

— Йўғ-э, уни «художўй ва ичмайдиган мол» деб кафолат беришди.

— Ундан кўп нарса кутмайману,— деди хоним,— лекин бизга муносиб чиқиб қолар, деб ишонаман.

— Дольф,— деди Сен-Клэр,— Томни олиб бор, лекин катталик қилма. Айтган сўзим ёдингдан чиқмасин.

Адольф улуғвор қадам ташлаб олдинда, Том эса дукиллаб унинг кетида бораради.

— Бегемотнинг ўзигинаси!— деди Мари.

— Менга қара, Мари,— деди Сен-Клэр, унинг күшеткаси ёнидаги курсига ўтириб,— жонгинам, менга бирор оғиз ширин гап айтсанг-чи.

— Мұхлатдан иккى ҳафта ортиқ юриб кетдинг,— деди хоним аразлаб.

— Нима учун тўхталиб қолганимни ёздим-ку.

— Бундай ҳам қисқа ва совуқ хат бўларми!— деди хоним.

— Азизим! Почта кетаётган эди, шошилиб ёздим.

— Сенинг ишинг доим шундай,— деди хоним.— Саёҳатинг узоқ, хатларинг қисқа.

— Энди бу ёққа қара,— деди у, чўнтағидан чиройли баҳмал қутили футлярни олиб очиб.— Мана сенга Нью Йоркдан олиб келган ҳадям.

Кутича эскича усулда ишланган фоторасм бўлиб, унда Ева билан отасининг сурати аниқ қилиб туширилган эди.

Мари маъқул кўрмагандек қаради.

— Нега бунақа бесўнақай ўтириб тўшибсан?— деди у.

— Майли, ўтиришим ҳақида ҳар хил фикр бўлиши мумкин-у, сен айт — ўхшаймизми?

— Агар менинг бир масала тўғрисидаги фикрим сени қизиқтирмас экан, иккичи масала тўғрисидаги фикрим ҳам қизиқтирмаса керак деб ўйлайман,— деди хоним, қутини ёпиб.

«Жин ургур хотин-да, бу ўзи!» — деди Сен-Клэр дилида.

— Нима дейсан, Мари,—деди у яна,— ўхшайманми, йўқми? Бемаза гапларни қўй!

— Ҳар хил нарсаларни кўришга, гапиришга ва кўзимни толиқтиришга мажбур этиб, мени қийнама, Сен-Клэр,— деди хоним.— Бутун кун бошим оғриб ётганини биласан. Сизлар келганларнингиздан буён эса, бу ерда шовқин-сурон бўлиб кетди, мен чала ўлик бўлиб қолдим.

— Бош оғриқ дардингиз борми, хоним?— деб сўради Офелия; катта креслодан бирдан кўтарилиб: у, креслода тинч ўтириб, ичида анжомларнинг пархини ҳисобларди.

— Ҳа, мен қаттиқ бош оғриқ азобига тушганман,— деди хоним.

— Қора арчанинг мевасидан дамланган чой бош оғриқقا энг яхши даво,— деди Офелия.— Сўфи Абрагем Перрининг касаллар даволашга жуда уста хотини Огюста шундай дерди.

— Богимиздаги кўлнинг ёнида қора арча бор. Шу мева қилиши билан, уни маҳсус шунинг учун тердираман,— деди Сен-Клэр ва қўнғироқнинг ипини тортди.— Энди, эгачи, бўлмангизга чиқиб, сафардан кейин, бирпас дам олинг... Дольф, Мэммини чақир.

Тез орада боя Ева ўпган мұльтабар мулат аёл кирди. У, озода кийинган, бошида қизгиш-сариқ чалмаси қўнқалиб туарди — чалмани унга Ева совга қилгац ва ўз қўли билан ўраб қўйганди.

— Мэмми,— деди Сен-Клэр,— бу хонимни сенга топшираман. У ҷарчаган ва ҳозир дам олмоқчи. Хоними хонасига кузатиб қўй ва яхшилаб жой қилиб бер.

Офелия Мэммининг орқасидан чиқди.

XVI БОБ

Томининг бекаси ва укинга фикрлари

— Хўш, Мари,— деди Сен-Клэр,— энди яшайдиган кунларнинг келяпти: Яиги Англиядан келгайн тажрибали ва ишchan қариндошимиз сени рўзгор ташвишидан қутқазади, ўзингни парвариш қилиб, ёш, бақувват ва гўзал бўлишингга имкон беради. Яхиси, тезроқ қалит топшириш маросимини ўтказиш керак.

Бу сўзлар Офелия келганига бир неча кун бўлганда, нопушта вақтида айтилди.

— Унинг келганига жуда хурсандман,— деди Мари, нозлангансимон бошини қўлига секин қўйиб.— Мен ўйлайман, биз бекаларнинг асл чўри эканлигимизни у тезда пайқайди.

— Ҳеч шубҳасиз, у бу ҳақиқатни ҳам, бундан бошқа кўпгина фойдали нарсаларни ҳам фаҳмлаб олади,— деди Сен-Клэр.

— Айтишларига қараганда, биз қулларни роҳатимиз учун сақлар эмишмиз,— деди Мари.— Бу чиндан ҳам шундай бўладиган бўлса, буларнинг ҳаммасини биракайнига бўшатиб юбориш керак.

Евангелина маънодор катакон кўзларини онасиға тикиб сўради:

— Ундай бўлса, уларни нега тутиб турибсиз, ойн?

— Билмайман. Менимча улар бизни бездирисин деб тутиб турибмиз. Улар — баҳтсизлигимнинг сабабчиси, доим касал бўлишимнинг туб сабаби ўшалар. Бизнинг негрларимиз — негрларнинг энг ёмони.

— Эй, Мари, бугун таъбинг хира,— деди Сен-Клэр.— Бундай эмаслигини ўзинг ҳам биласан. Мана, мисол учун Мэммини олайлик — дунёда ундақа яхши хотин йўқ. У бўлмаса, нима қиласр эдинг?

— Мэмми башқалардан сал тузугу,— деди Мари,— лекин у ҳам худбин, жуда худбин. Бу ҳамма негрларнинг камчилиги.

— Худбинлик одамнинг энг ёмон камчилиги-ку-я,— жиддий суратда деди Сен-Клэр.

— Мана, масалан, Мэммининг қанақалигини кўринг,— деди Мари.— У кечаси жуда қаттиқ ухлайди. Мен буни ўтакетган худбинлик деб ҳисоблайман. Менинг қийналиб азоб чекишимни ва ҳар соат мендан хабар олиб туриш кераклигини у билмайди эмас, билади, албатта, лекин уни уйғотгунча ўлиб бўласан! Уни бугун кечаси уйғотаман деб тинкам қуриди... Мана энди ҳозир ҳолдан кетиб ўтирибман.

— Ойи, у яқиндагина бир неча кун кечалари билан тинмай ёнингизда ўтириб чиқмадими?— деди Ева.

— Буни сен қаердан билдинг?— деб қатъий сўради Мари.— У, арз қилдими?

— Мэмми арз қилгани йўқ. У, фақат аҳволингизнинг бир неча кунгача кечалари ёмон бўлганини айтди.

— Унинг ўрнига Жен ёки Роза бир-икки кечада турса-ю, у дам олса бўлмасмиди, айтмабсиз-да? — деди Сен-Клэр.

— Қизиқ гап гапирасан-а, Сен-Клэр! — деди Мари. — Ҳеч ўйламасдан гапирасан! Мен шу қадар асабийманки, сал шабада тегса — бас, ўламан-қоламан. Бегона қўл тегса жиним қўзгайди. Агар Мэмми менга астойдил қарамоқчи бўлса, бундай қаттиқ ухламас эди. Мен со-диқ хизматкорлар бўлади, деб эшигтанман, аммо бундай бахт менга муюссар бўлғани йўқ, — деб афсусланди Мари.

Офелия бу сўзларни дикқат қилиб, жиддий тинглар эди. У лабларини қаттиқ қимтиган, ўзини синамагунча, қандай вазият ишғол этишга журъат қилмағандек кўринарди.

— Мэмми ўзига яраша яхши, — деди Мари, — ювош, одобли, лекин дилида худбин. У ҳамиша эрини ўйлайди ва жон куйдиради. Биласизми, мен эрга тегиб, бу ерга кўчиб келганимдан кейин, албатта, Мэммини бирга олиб келдим, отам унинг эридан ажралгуен келмади. Унинг эри темирчи, шунинг учун у, хўжаликка зарур эди. Мен Мэммига: «Энди эринг билан бирга яшашни ҳеч умид қилма», деб айтдим. Албатта, мен ўз сўзимда қаттиқ туриб, Мэммини бошқа бирорга беришим керак эди, лекин раҳмдиллигимдан, бу ишни қилмадим. Мен ўшанда Мэммига: «Бундан буён эрингни бир ёки икки мартадан ортиқ кўришни умид қилмасанг ҳам бўлади, чунки отам қўргончасининг об-ҳавоси менга ёқмайди, шунинг учун менинг у ерга боролмайман» деб айтдим. Унга: «Бошқа бирортасига тегиб қўя қол» деб маслаҳат бердим. Лекин, у хоҳламади. Мэмми ўжар, лекин буни мендан бўлак ҳеч ким билмайди.

— Унинг боласи борми? — деб сўради Офелия.

— Бор. Иккита.

— Эҳтимол, уни болалардан ажралиш азоблар?

— Балки. Лекин, мен уларни қандай қилиб ўзим билан бирга оламан! Улар жуда иркит болалар эди, яқинимда юришига чидаб туролмас эдим. Бундан ташқари, улар Мэммининг жуда кўл вақтини олишар эди. Мэммининг аччиғи чиққан ва хафа бўлган бўлса керак, у ҳеч кимга тегишини истамайди. Имоним қомилки, у, менга қанчалик зарурлигини ва менинг саломатлигим ёмонлигини билса ҳам, ихтиёри ўзида бўлганда эди —

дарҳол эрининг олдига қайтиб кетарди. Бунга имоним комил,— деди Мари.— Улар шунақа худбин, уларнинг энг яхиси ҳам шундақа худбин бўлади.

— Дарҳақиқат ачинарли,— деди Сен-Клэр, жиддий йўсннда.

Офелия ҳамма нарсани фаҳмлагандай Сен-Клэрга разм солди ва унинг заҳарханда қилиб кулимснраганини, мазақ билан буришган лабида яширинган ғашликни кўрди.

— Мэмми доим менинг эрка канизим бўлиб келди,— деди Мари.— Сизларнинг шимолдаги хизматкорларингиз унинг кийим-кечак жавонини бир кўрсалар эди. Унинг жавонида, шойи ва муслии кўйлаклари бор, битта кўйлаги асл зингир поядан тўқилган, батисдан тикилган. Мен баъзан кун бўйи уриниб, унинг шляпасини тузатиб, меҳмонга боришга ясатаман. У ҳали биздан ёмонлик кўрган эмас. Уни фақат бир ёки икки марта урдик, холос. Ҳар кун қанд билан аччиқ қаҳва ёки чой ичади. Ростини айтсам, бу менга ёқмайди-ю, лекин Сен-Клэр ҳамма хизматкорларнинг тўралардай яшашини истайди, шунинг учун ҳаммаси роҳатда яшайди. Албатта, бизнинг негрларимиз нўхтасиз. Албатта, уларнинг бундай худбин ва ўзларини эрка болалардек тутишлари учун биз ўзимиз айблимиз. Мен бу тўғрида Сен-Клэрга айта бериб чарчадим.

— Мен ҳам чарчадим,— деди-да, Сен-Клэр, эрталабки газетани ўқий бошлади.

Ева, гўзал Ева, онасининг сўзларини ўзига хос чуқур ва мубҳам жиддият билан тинглар эди. У, стулнинг ёнидан оҳистагина онасининг орқасига ўтди-да, унинг бўйнидан қучоқлаб олди.

— Хўш, нима дейсан, Ева,— деди Мари.

— Ойи, бир кеча ёнингизда ўтириб, сизга қараб чиқсан майлими? Бир кеча, холос! Ғашингизни ҳелтирмаслигимни биламан, ухлаб ҳам қолмайман. Кўпинча кечаси уйқум келмайди, ўйлаб чиқаман.

— Беҳуда гап, болам, беҳуда гап!— деди Мари.— Ғалати табиатларнинг бор-да!

— Майлими, ойи?— деди у ҳадиксираб,— менингча, Мэмми бетоб бўлса керак. У: «Дойим бошим оғрийди» деб айтади.

— Ана, тағин янги гап! Мэмми бошқалардан ҳеч яхши эмас. Негрлар арзимайдиган нарса учун шовқин

күтариша беради, сал боши оғриса ҳам, бармоги оғриса ҳам бақира беришади. Уларга ҳеч қачон шам бермаслик керак, ҳеч қачон! Шам беришга асосан қаршиман,— деди у. Офелияга қараб,— шам бериш зиёнилгини ўзингиз ҳам кўрасиз. Агар сиз хизматкорга шам бера бошласангиз, агар сиз унинг ҳар қандай майдагасаллигига қўйиб берсангиз ва ҳар қандай аҳамиятсиз оғриқдан шикоит қилишта йўл берсангиз, ҳамма иш ўз бўйнингизга тушади. Мен ўзим ҳеч шикоит қилмайман — менинг қанчалик азоб чекишимни ҳеч ким билмайди, лекин дамимни чиқармайман, азоб чекаман, лекин бирорвга билдирамайман.

Гап кутилмаган йўсида тугаганидан Офелиянинг юмaloқ кўзларида ҳайрат зоҳир бўлди, буни кўриб Сен-Клэр қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Мен ўзимнинг азоб чекишим тўғрисида оғиз очдими — бас, Сен-Клэр кулади,— деди Мари азоб егандай юзини бужмайтиб,— ишонаман — у кейин пушаймон ҳам қилмайди! — Шундай деб Мари кўзига дастрўмолчасини тутди.

Оғир сукунат чўқди. Ниҳоят, Сен-Клэр ўринидан турди-да, соатига қараб, баъзи бир ишлари борлигини айтди. Ева унинг орқасидан югуриб кетди. Офелия билан Мари ёлғиз қолишиди.

— Сен-Клэр доим мана шундай! — деди Мари, дастрўмолча таъсир қилиши лозим бўлган айбдор гойиб бўлиши билан, уни дарҳол яширап экан. — Бир неча йилдан буён азоб чекаётганимни у тасаввур этмайди, тасаввур этолмайди ва буни истамайди ҳам. Мен бетоблигим тўғрисида ҳасрат қилсам ёки шовқин кўтарсам, бошка гап эди — оҳ-воҳчи ва йиглоқи хотинлар эркакларни зериктириб юборади. Лекин, мен дамимни чиқармай ўтипман, сабр қиляпман, чидаяпман, шунинг учун Сен-Клэр мени «ҳамма нарсага бардош беравергди». деб ўйлади.

Бу сўзларга Офелия нима деб жавоб беришни билмас эди. У то, жавоб ўйлаб топгунча, Мари кўзининг ёшини артди ва ёмғирдан кейин патларини тузатаётган каптар каби, кийимини текислай бошлади. Кейин улар хўжалик ишлари ҳақида, буфетлар, омборлар, шкафлар ва бошқа ҳар хил нарсалар тўғрисида сўзлаша бошладилар. Мари унга жуда кўп кенгаш ва кўрсатмалар берди, агар Офелиянинг ҳар нарсани тартиблаш-

га ва аниқлашга одатланган ишчан ақли бўлмаганда, у аллақачон гангиб қолган бўларди.

— Энди,— деб тамомлади сўзини Мари,— сизга ҳамма гапни айтиб бўлдим шекилли. Шунинг учун, мени дард тута бошлиши билан кўрсатувимсиз ҳам ишни эплайверасиз. Лекин, мана бу Ева... ундан кўпроқ хабардор бўлиб туриш керак.

— У жуда ажойиб қиз экан,— деди Офелия.— Мен ундақа яхши қизни ҳеч учратганим йўқ.

— Ева ғалати қиз,— деди онаси,— жуда ғалати. Унинг шунча ғалати қилиқлари борки, асти қўяверинг. У менга ўхшамайди, йўқ, сира ўхшамайди...

Бу ҳол ёмон нарсадек, Мари уф тортиди. Офелия ичидаги «Ўхшамагани яхшироқ» деди, лекин жуда эҳтиётчан бўлганидан, бу сўз унинг дилидагина қолди.

— Ева доим хизматкорлар орасида бўлишни яхши кўради. Менингча, баъзи болалар учун бу фойдали ҳам. Ўзим ҳам доим отамнинг кичкина негрчалари билан ўйнардим, бу нарса менга ҳеч бир зиён келтирган эмас. Лекин Ева ҳамма билан ўзини тенг тутади. Ёш болада тенгликка бундай муҳаббат бўлиши — қизиқ. Қанча уринсан ҳам уни қайтара олмадим. Менингча, Сен-Клэр унинг бу одатини қувватлайди. Умуман, Сен-Клэр ҳаммага раҳмдиллик қиласи-ю, фақат ўз хотинига раҳмдиллик қиласи-ю.

Офелия индамай ўтирап эди.

— Йўқ, хизматкорлар билан фақат мана бундай муомала қилиш керак: уларни ҳадидан оширманг ва маҳкам ушланг. Мен ёш чоғимданоқ буни яхши тушунардим. Еванинг эса, уйимиздаги ҳамма негрларни бузиш қўлидан келади. У, катта бўлиб, хўжаликка ўзи қарай бошлагандан кейин нима қиласар экан, буни асло тасаввур этолмайман. Хизматкорлар билан хушмуомала бўлиш керак, мен ҳам уларга хушмуомаламан, лекин улар ўз жойларини билишлари керак. Ева эса буни ҳеч тушунмайди. Боя, Мэзми ухлаб олсин, деб «кечаси сизга ўзим қараб чиқай» деганини эшигандирсиз? Агар жиловидан тортиб турмасангиз, унинг қўлидан мана бундай ҳунарлар ҳам келади.

— Аммо,— деди Офелия қатъий суратда,— ҳар ҳолда хизматкорларингизни, чарчаб қолганда дам олишга ҳақли тирик маҳлуқлар деб ҳисобларсиз деб ўйлайман.

— Бўлмасамчи, албатта! Уларга керакли ҳамма нарса бўлсин, мен буни айниқса диққат билан кузатиб турман. Мэмми бу кеча ухламаса, янаги кеча ухлар — унга барибир-ку. Ў жуда ёмон уйқучи. Мен бундай уйқичини сира кўрган эмасман. Ўтирган жойида ҳам, ишлаб турган жойида ҳам, тикка турган ерида ҳам ухлаб қолаверади, ҳамма вақт ва ҳамма жойда ухлайди. Шунинг учун, Мэмми уйқуга тўймайди, деб қўрқиши керак эмас. Лекин, хизматкорларга нафис гул ёки хитой чиннисини эҳтиёт қилгандай муомала қилиш жуда кулгили! — деди Мари, ўзининг катта күшеткасидаги ёстиқларга ботгани ҳолда, ичига атирили уксус солинган чиройли шишани олдига олар экан.

— Кўрдингизми, — деб давом этди у, заиф овоз билан, — кўрдингизми, эгачи Офелия, ўзим тўғримда кўп сўзлашни яхши кўрмайман. Бундай одат менда йўқ: буни ёқтирамайман. Ростини айтсам, бунинг учун менда мадор ҳам етмайди. Лекин, иқорор бўлишим керакки. Баъзи нарсаларда Сен-Клер билан бизнинг муросамиз келишмайди. Сен-Клер мени сира тушунган ва қадримга етган эмас. Бетоблигимнинг туб сабаби худди мана шу, деб ўйлайман. Мен аминманки, Сен-Клер яхши ниятили, тузук киши, лекин эркаклар маниман ва хотинларга жуда бепарво бўладилар! Мендаги таассурот ма-на шундай.

Ҳамма янги англияликлар сингари, бирорнинг оиласий ишига аралашишдан фоят қўрқадиган Офелия шу топда, Марининг ички бир сирини очишга шайланганини сезди. Шунинг учун юзига қайғули ва бепарво тус бериб, чок қутисидан узуналиги бир метр келадиган пайпоқни олди-да, зўр бериб тўқий бошлади. Унинг миясига, одамларнинг қўли бўш пайтида, шайтон уларни ўз домига илинтиради, деган тушунча азалдан сингдирилган эди, шунинг учун ҳам бу пайпоқ унда доим тайёр турар эди. У тўғё: «Мени сўзлашга мажбур эта кўрмашг, мен сизнинг ишингизга аралашишни сира истамайман» дегандек, лабини маҳкам қимтиб олди. Чиндан ҳам у тошдан ясалган арслон каби бепарво кўринар эди. Аммо, Мари бунга эътибор бермас эди. У, ҳасратини айтиш мумкин бўлган киши қўлга кирган ва унга сўзлашни ўз бурчим, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун у, атирили уксус исказ бармонга кириб, сўзида давом этди:

— Биласизми, мен Сен-Клэрга текканимдан кейин, уйнга ўз сармоям ва негрларим билан келганиман, шунинг учун ўз қулларимни нима хоҳласам қилавераман, бунга ҳаққим бор. Сен-Клэрнинг ўз мулки ва хизматкорлари бор, у ҳам буларни нима қилса қилаверсан, бунинг учун мен ўзимни баҳтиёр, деб биламан. Лекин, Сен-Клэр ҳадеб хўжалик ишларимга суқилаверади. Лекин, унинг ақл бовар қилмайдиган аллақандай ёввойи жинни назарлари бор. У, хусусан, хизматкорлар билан муомала қилиш масаласига ғалати қарайди. У хизматкорлар билан шундай муомала қиладики, гўё уларни мендан ҳам, ўзидан ҳам юқори қўяди деган хуносага келади киши. Хизматкорлар -унга жуда кўп ташвиш ортдиришади, у эса, уларни пишт ҳам демайди. Баъзи масалаларда Сен-Клэр жуда ёмон... Умуман, у хушкўнгил кўринса ҳам, ростини айтсам, ундан қўрқаман. У бу ерда ишни шундай қилиб қўйганки, биронни бир шапалоқ уришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кейин у бу тартибни шундай кузатиб борадики, унинг бу қилиқларига қарши бирон нарса дейишга тилим ҳам келмайди. Бунинг оқибати нима билан битишини тезда ўзингиз ҳам кўрасиз. Уларнинг биронтаси Сен-Клэрни оёқ остига олиб тепмоқчи бўлган чоқда ҳам у индамайди, мен бўлсам... ўзингиз кўриб турибсиз, мендан ҳеч нима талаб қилиб бўлмайди. Бу негрларни ўзингиз ҳам билсангиз керак. Аслида улар кекса болалар, ахир.

— Худога шукур, бундан хабарим йўқ,— деб совуққина жавоб бериб қўя қолди Офелия.

— Бўлмаса, бу тўғрида баъзи нарсаларни билиб ҳам оларсиз, агар бизнинг жойларимизда туриб қолсангиз, ўз бошнингизга ҳам тушар! Буларнинг ифлос, миясиз, гўдак табнат, аҳмоқ, бегам, ношукур маҳлуқ сканликларини ҳали билмайсиз!

Негрларнинг «ношукурлиги» ва аҳмоқлиги ҳақида сўз юритилган чоқда ҳар сафар Марни ўзига ажойиб янги куч кирганини ҳис этар эди. Ҳозир ҳам у қўзларини катта очди ва ўзининг бедармонлигини бутунлай унугандек бўлди.

— Сен-Клэр эса менга жуда жиддий қилиб, Мэмми ни эридан ажратиб олиб кетиш, сени мендан ажратиб олиб кетиш билан баббаравар, деди. Улар билан бизни баравар қилиб бўладими, ахир? Мэммида мендагидек ҳисснёт бор дейсиэми, унда бу қобилият ҳам йўқ. Шун-

дай бўлса ҳам Сен-Клэр бу-
ни сезмайди, унингча, мен
Евани қандай севсам, Мэм-
ми ҳам қора ифлосларини
шундай севармиш!...

Том ўзининг ҳозирги тур-
мушидан шикоят қилолмас
эди. Кичкина Ева отасидан:
«Мен томошага чиққанимда
ва отлиқ саёҳат қилганимда
Том доним мени кузатиб юр-
син» деб сўраб олди. Бу,
Еванинг муҳаббатбахш, оли-
жаноб дилидаги табиий
миннатдорлик ҳисларининг
бир ифодаси эди. Шунга
кўра Томга, Ева чақирганда,
ҳамма ишни ташлаб унинг
хизматига бориш ҳақида
буйруқ берилди. Бу хизмат
Том учун ўнг эмас эди, деб
айтиб бўлмасди. Энди Том
жуда яхши кийинган, чунки Сен-Клэр ўз хизматкорла-
рининг либосига айрим эътибор берар эди. Отхонадаги
ишни аслида иш демаса ҳам бўларди. Томга маҳсус
ёрдамчи берилди. Том унга йўл-йўриқ кўрсатиб туриши
лозим эди. Унинг ўзи отга қарашмас эди, чунки Мари
шундай деб талаб қилди: «Том менинг ёнимга келганда
ундан отхона ҳиди келмасин, чунки менинг асабларим
ҳеч қандай ҳидни кўтара олмайди; менинг жафокаш
ҳаётим умрбод сўниши учун заррача ёқимсиз ҳид
кифоядир» деди.

Яхши тозаланган костюм, юмшоқ шляпа, сара этик,
гардсиз ёқа, манжет — булар ҳаммаси Томга жиддий
ва салобатли тус берар эди.

Том учун яна шу ҳам ёқимли эдики, у энди жуда
чиройли қўргончада яшар эди, негрлар эса гўзалликка
жуда эътиборчан бўладилар. У, қушларга, гулларга,
фонтанларга, ёруг ва чиройли ҳовлига, шойи пардалар-
га, картиналарга, қандилларга, ҳайкалчаларга қараб
оҳиста завқланар эди (бу нағсалар туфайли меҳмонхо-
налар унинг кўзига Алавуддиннинг сеҳрли саройи бўлиб
кўринар эди).



Якшанба кунларининг бирни эрта билан жуда ясанган Мари Сен-Клер айвонда туриб, нозик қўлига брильянтлар билан безалгани билакузугини тақар эди. У брильянт ипак ва тўрларга ўралиб, ўзига мукаммал оро берниб, ўз художўйлигини кўрсатмоқ учун киборлар тўпланарадиган бутхонага боришга шайланарди. Мари якшанба кунлари жуда тақводор бўлишга одатлашганди. Мана, сарвқомат, латиф ва нозик бўлиб бека бутхонада турибди, унинг ҳаракатлари ҳам шунга монанд — гўзал! Тўр шарф оқ булатдек уни чулгаб олган. У ногат жилвали кўринар ва ўзини жуда саховатли ҳис этар эди. Унинг ёнида турган Офелия эса бус-бутун бошқача таъсир қолдиради. Бунга сабаб — унинг ҳалигидан зийнатлар, шойи рўмоли ва нафис дастгрўмолчаси йўқлигидан эмасди, балки шернигига жилва нақадар хос бўлса, қаттиқлик ва бесўнақайлик бунга шу қадар хос эди.

— Ева қани? — деб сўради Мари.

— У пиллапояда тўхтаб, Мэ́мми билан бир нарса тўғрисида сўзлашяпти.

Ева пиллапояда Мэ́мми билан нималар тўғрисида гаплашарди?

— Мэ́ммижон, биламан — сенинг бошинг жуда қаттиқ оғрияпти.

— Худо ёрлақасин сизни, Еваҳон! Кейинги вақтда бошим доим оғрийдиган бўлиб қолди. Лекин, сиз бу тўғрида ташвишланмангиз!

— Сен ҳозир томошага бораётганинг учун хурсандман. Ёзиласан. Мана бу сенга, Мэ́мми, — деб қиз уни қучоқлади, — атирли уксус солган шишамни ол.

— Сизга нима бўлди, Еваҳон! Тиллаю олмоедан қилинган шундай яхши нарсани-я? Эй, худойнм, ҳеч бўлмайди! Ҳеч қанақасига олмайман!

— Нега? Сенга уксус керак, шундай эмасми? Менга у керакмас. Ойимнинг боши оғриса, доим шуни ҳидлайди, сен ҳам ҳидласанг яхши бўлади. Мени хурсанд бўлсин десанг, оласан!

— Бу муборак зотнинг оғзидан чиқаётган сўзларни ёшитинг! — деди Мэ́мми. Худди шу пайт Ева унинг қўйнига шишани суқиб қўйди-да, уни ўпиб, пиллапоядан югуриб тушиб кетди.

— У ерда нима қилаётган эдинг? — деб сўради Мари.

— Мэ́ммига уксус солган шишамни бердим.

— Ева! — деди Мари чидамсизлик билан ср телиниб. — Олтин шишангни Мэмми га бердингми! Нимани қилиш мумкин у нимани қилиш мумкин эмаслини и қачон тушунасан? Бориб ҳозир қайтариб ол!

Ева ғамгин ва қайғуриб, орқасига жұнади.

— Мари, қүй болага озор берма. Майли, истаганини қылсии, — деди Сен-Клэр.

— Сен-Клэр, ахир бу феъли билан у дунёда қандай қилиб яшайди? — деб эътиroz билдирид Mari.

— Кузен, сиз бутхонага борасизми? — деб сўради Офелия, Сен-Клэр томон бирдан бурилиб.

— Йўқ, раҳмат, бормайман.

— Мен доим «Сен-Клэр бутхонага борса экан» деб орзу қиласман, — деди Мари, — лекин унда ҳеч қандай диний ҳиссият йўқ. Бу яхши әмас!..

— Мана, кўрдингми, Евангелина, — дер эди йўлда кетатуриб Mari, — хизматкорлар билан ҳар доим яхши муомалада бўлиш керак, лекин асло уларни ўзинг билан тенг деб муомала қилиб бўлмайди. Мабодо Мэмми касал бўлиб қолганида уни сен ўз каравотингга ётқи зармидинг?

— Албатта, ойи, — деди Ева, — чунки у вақтда унга қараш ўнғайроқ бўларди, бундан ташқари, менинг каравотим уни кидан анча яхши.

Бу жавобдан Mari ғазабга келди.

— Нима қилсам бу бола мени тушунар экан? — деб хитоб қилди у.

— Ҳеч нарса қилолмайсиз! — Маънодор қилиб деди Офелия.

Ева бир неча вақтгача ғамгин ва хижолат босгандек кўринади. Лекин, болалар бир кайфиятда узоқ қолмайдилар, бу бир баҳт. Дарҳақиқат, у бир неча минутдан сўнг гулдураб илгари кетаётган экипажнинг деразасидан қараб, курсандлик билан кула бошлиди.

XVII БОВ

Озод инсон ўзини қандай ҳимоя қиласди

Оқшом тугаб борарди. Квакерлар уйида сокин бе-саранжомлик бошланди. Раҳиль Голлидей уйнинг у бошидан-бу бошига шошилмасдан юриб, ўзининг хонаки запасларидан сафар учун зарур нарсаларни оларди, чунки мусофиirlар шу кечада жўнардилар.

Оқшом кӯланкалари шарққа томон чўзилди. Юмалоқ қизил қуёш уфқ устида тўхтаб хаёл сургандай, хотини билан Жорж ўтирган кичкина ётоқхонага оҳиста сариқ нур ташлади. Жорж тиззасига боласини ўтиргизган, Элизанинг қўли эса унинг қўли устига қўйилганди. Икковлари ҳам жиддий қиёфада хаёлга чўмиб ўтирас, юзларида кўз ёши излари кўриниб турарди.

— Шундай, Элиза,— деди Жорж,— биламан, сенинг айтганингнинг ҳаммаси рост. Сен саҳоватлисан, мендан кўра яхвисан. Мен ҳам сенинг айтганингни бажаришга ҳаракат қиласман. Мен шундай қиласманки, босган ҳар бир қадамим озод инсон номига муносаб бўлсин.

— Канадага етиб борганимиздан кейин эса,— деди Элиза,— мен сенга ёрдам бера бошлайман. Яхши тикишини биламан, кир юваман ва энг нағис кийимларни дазмоллаш қўлимдан келади. Иккимиз бир бўлиб тириклигимизни ўтказаверамиз.

— Шундай, Элиза, ишқилиб биз бирга бўлайлик ва ўғлимиз биз билан бўлсин. Оҳ, Элиза, ҳар кимнинг хотини ва боласи ўшанинг ўзи ники бўлиб, бунга бошқа ҳеч кимнинг дахли йўқ эканлигини билмоқ қандай зўр баҳт-а... Мана шуни кишилар тушунсалар экан! Мен, хотини билан болаларини ўзи ники, деб айтоладиган кишининг яна бошқа бирон нарса исташига доим таажжубланардим. Бизнинг икки қўлимиздан бошқа ҳеч нарсамиз бўлмаса ҳам, мен ҳозирнинг ўзидаёқ ўзимни кучли ва бадавлат ҳис қиляпман. Гарчи мен йигирма беш ёшимгача ҳар куни оғир меҳнат қилиб келган ва бир чақам, бошпанам ҳамда бир парча ерим бўлмаса-да, мен розиман... миннатдор бўласман, фақат менга озор бермасинлар. Мен ишлайман ва мистер Шелбига сен ва боланг учун пул юбораман. Лекин, илгариги хўжайнимдан эса бир тийин қарздор эмасман: у мени ишлатиб, мен учун тўлаган пулинни беш ҳисса чиқариб олди.

— Лекин, биз ҳали хавф-хатардан холи бўлганимиз йўқ-ку,— деди Элиза.— Биз ҳали Канадада эмасмиз.

— Рост,— деди Жорж,— лекин назаримда мен озодлик ҳавосини эмайтираман ва бу менга куч бермоқда.

Қўшни хонадан овоз кела бошлади, бирор эшикни қоқди. Элиза туриб эшик очди.

Симеон Голлидей кириб келди, у билан бирга бир квакер ҳам кирди; Симеон: «Бу киши Финеас Флещер бўлади», деб таништириди. Финеас муғомбирроқ ва зийрак, новчадан келган сариқ киши эди. Унинг кўзларидаги Симеон Голлидейнинг кўзларидаги тинчлик ва мўминлик аломатлари кўрнимасди. Аксинча, у айёр, ақли-хуши жойида ва ўз қадр-қимматини биладиган одам кўришар эди. Унинг бу хусусчятлари бошидаги чамбарак квакерча шляпаси ва квакерча шевваси билан яхши боғланмас эди.

— Дўстимиз Финеас, сен ва сенинг ҳамроҳларинг учун зарур бўлган баъзи бир муҳим нарсаларни билиб олибди, Жорж,— деди Симеон,— унинг сўзини эшигсанг яхши бўлар эди.

— Шундай, дарҳақиқат баъзи нарсаларни билдим, — деди Финеас,— бу эса баъзи вақтларда одам бир кўзини очиб ухламоги керак, демакдир. Ўтган кечадан йўлдан анча четдаги кичкина бир ошхонада тўхтадим. Бу жойни сен биласан. Симеон, у ерда биз бултур катта исирға таққан йўғон хотинга олма сотган эдик. Мен юбориб чарчаган эдим, шунинг учун, овқат еб бўлганимдан кейин бурчакдаги ғарам қоплар устига чўзилиб олиб, устимга қўтас пўстинин тортиб, жой солиб беришларини кута бошладим. Шу кўйича қаттиқ ухлаб қолибман.

— Бир кўзингни очибми, Финеас?— деб бемалол сўради Симеон.

— Йўқ, икки соатча иккала кўзимни ҳам юмиб ухладим, чунки жуда чарчаган эдим. Лекин, бир оз ухлаб олганимдан кейин қарасам, хонада, стол ёнида аллақандай одамлар гаплашиб ичиб ўтиришибди. Хусусан улар квакерларни оғизга олаётганларини эшигшиб, сўзларига қулоқ солмоқчи бўлдим. «Мана,— деди улардин бири,— улар, шубҳасиз, квакерлар қишлоғида бўлсанар керак». Буни эшигшиб, мен қулоқ солдим ва уларнинг қочоқлар ҳақида сўзлаётганини англадим. Улар менинг олдимда ўз планларини бутунлай очдилар. У йигитни,— дедилар улар,— қайтариб Кентуккига, хўжайнинникига жўнатишади, хўжайнини негрларда қочишга ҳзвасни ўқотиш учун яхшилаб унинг танвиҳини беради. Хотинини эса, ёнига иккита йигит қўшиб, сотгани Янги Орлеанг юборади. Улар хотинни бир минг олти юз ёки бир минг саккиз юз долларга пул қилишни мўлжаллаяп-

тилар. Болани уни сотиб олган савдогарга берадилар. Жимни эса онаси билан бирга Кентуккига, хўжайининг олдига юборадилар. Улар, қочоқларни ушлаш, бошқа шаҳардан иккى полиция ходими олишларини ва хотинни аввал судга чақириражакларини айтдилар. Уларнинг ичидаги бир мажриқ писмиғи судда — «бу менинг ўз қулем» деб қасам ичади, шундан кейин унга хотинни берадилар, у эса хотинни Жанубга олиб кетади. Улар, бизнинг бу кечаси қайси йўлдан жўнашимизни яхши биладилар. Улар олти киши бўлиб бизнинг орқамидан қувгани чиқишиади. Саккизта бўлиб чиқишиса ҳам ажаб эмас. Хўш, энди биз нима қилишимиз керак?

Бу маълумотни әшишиб ўтирган кишилар чиндан ҳам рассом қалами тасвирига лойиқ эди. Раҳиль Голлидей ҳамир қилишни ташлаб, ун юқи қўлларини баланд кўтарди. Уннинг афти-башараси қаттиқ ҳаяжонга тушганини билдириб турарди. Симеон чуқур ўйга ботиб қолди. Элиза эрини қучоқлаган ҳолда уннинг юзига пастдан юқорига термилиб қаради. Жоржнинг кўзлари чақнارди. У муштумини юмди ва юзида жиддий аломатлар зоҳир бўлдики, бу ҳол — хотинининг очиқ савдода сотилишини ва ўғли қулфурушга юборилишини билган ҳар бир эркакда содир бўлиши аниқ эди.

— Нима қиласиз энди, Жорж? — ҳадиксираб сўради Элиза.

— Нима қилишимни мен биламан! — деди Жорж ва нариги хонага ўтиб, тўппончаларни кўздан кечира бошлиди.

— Балли, балли,— деди Финеас.— Кўрдингми, Симеон, ажойиб ишлар бўладигангага ўхшайди!

— Кўрямман,— деди Симеон уф тортиб.— Отишмасиз иш битгандада яхшироқ бўларди-да.

— Мен бу ишга ҳеч кимни қатнаштиришни истамайман,— деди Жорж.— Агар сизлар менга араваларингизни бериб турсангиз ва йўлни кўрсатиб берсангиз, менга ҳеч қандай кузатувчи керак эмас. Нариги манзилга ўзим ёлгиз бориб оламан. Жим девдай паҳлавон, жонидан кечган кишидек жасур. Мен ҳам юраксизлардан эмасман.

— Яхши, дўстим,— деди Финеас,— лекин ҳар ҳолда кузатувчи керак. Сен жуда боллаб муштлашарсан, истаганингча олишавер. Лекин, йўлни сендан яхшироқ биламан.

— Мен сизни бу ишга қатнаштириши иштамайманда, бутун гап шунда,— деди Жорж.

— Қатнаштириши дейсанми? — эътиroz қилди Финеас, юзида мугомбирлик аломати билан.— Бўлмаса мени қатнаштира бошлаганингизда ўзимни огоҳлантириб қўй.

— Финеас ақлли ва иш кўрган одам,— деди Симеон,— агар, Жорж, унга ишониб қўйиб берсанг, жуда яхши иш қилган бўлур эдинг. Кейин,— деди у, қўлини Жоржнинг елкасига оҳиста қўяр экан, тўппончаларни кўрсатиб,— бу нарсаларни ишлатишга шошилмасанг ҳам бўлади: ёшлик қилиб, қизиққон бўлма.

— Мен ҳеч кимга ҳужум қилмайман,— деди Жорж.— Бу мамлакатда мен фақат шунигина сўрайман; менга тегмасинлар ва тинч кетишимга имкон берсинлар. Лекин,— деб у даҳшат билан хўмрайди,— менинг опам бор эди, уни Янги Орлеанда бозорга олиб чиқиб сотганлар. Мендан хотинимни тортиб олиб, уни ҳам ўша бозорда сотадиган бўлсалару, уни ҳимоя қилмоқ учун кучли қўлларим бўлатуриб, индамай қараб турайинми? Йўқ, мен сўнгги нафасимгача олишаман, уларга хотиним билап боламни бермайман. Хўш қайсингиз бу ишимни чакки дейсиз?

— Ҳеч ким чакки деяётгани йўқ, Жорж. Бошқача йўл тутиш мумкин ҳам эмас,— деди Симеон.

Менинг ўрнимда сиз бўлсангиз шундай қилмасмидингиз, сэр?

— Бу ишлар ҳеч қаочон бошимга тушмас, деб ўйлайман,— деди Симеон.— Киши занфлик қилади!

— Агар тузукроқ мушт кетди бўлиб қолса, муштлашиш учун қурбим етади,— қизғинлик билан деди Финеас.— Дўстим Жорж, сенга ҳужум қилган одамга омон бермайман, имонинг комил бўлсин!

— Тўғма квакерлардан эмаслигинг яққол билиниб турибди, Финеас,— деди Симеон.— Турив-туриб, бирдан аслингга қайтиб қоласан.

Финеас яқиндагина қалин ўрмонларда мардонавор ҳаёт кечирган кийикларни усталик билан отиб оловчи мерган эди. Унинг муштлари зўрлиги билан машҳур эди. Лекин, у, гўзал бир квакер аёлга уйланди ва унга мафтунлигидан квакер бўлишга мажбур бўлди. У, квакерлар жамоасининг ҳалол, камтар, ҳушёр ва фаол аъзоларидан бўлиб қолса ҳам, квакерларнинг энг тақ-

водорлари уни ҳали анча ёввойи ва жиловсиз деб ҳисоблар эдилар.

— Дўстимиз Финеас доим ўз билганича кўмаклашади,— деди Раҳиль қулимираб.— Лекин, шундай бўлса ҳам, унинг беғаразлигини биламиз.

— Қани,— деди Жорж,— йўлга чиқсан ҳам бўлар энди?

— Мен соат тўртда йўлга чиқдим, отларни роса қираб келдим, у газандалар айтган вақтларида йўлга чиқкан бўлсалар, мен уларни икки-уч соат орқада қолдирдим. Ҳар ҳолда қоронғи тушгунча йўлга чиқилмагани яхшироқ. Нега десангиз, биз ўтадиган қишлоқда бир қанча ярамаслар бор. Улар аравамизни кўриб қолиша, бизни у ерда узоқроқ ушлаб қолишларни мумкин. Менимча, икки соатдан кейин жўнасак. Мен Майкл Кроснинг олдига кириб: «отингни миниб орқамиздан юр ва кимки орқамиздан қувса, хабар қил» деб илтимос қиласман. Унинг оти чопқир, ҳар қандай отдан ўзади. Эпди мен бориб, Жим билан кампирни огоҳлантирай, йўлга тайёрлансинлар, ўзим ҳам отни тайёрлай. Биз уларни жуда орқада қолдириб кетамиз. Улар бизга етиб олмасдан мўлжалланган жойимизга етиб оламиз, имконимиз бор. Хўш, тетик бўл, дўстим Жорж. Бундай ишларни биринчи марта кўраётганим йўқ,— деди Финеас ва чиқиб кетди.

— Яша Финеас!— деди Симеон. — Бу одамдан панд емайсан, хотиржам бўй!

— Биз деб сизлар балога қолишларингиз мумкин, шунга қайғураман,— деди Жорж.

— Дўстим, бизни хурсанд бўлсин десанг, бу ҳақда ортиқ сўзлама. Биз бурчимишни ўтаётирмиз. Бошқача қилолмаймиз. Энди, она,— деди Раҳилга қараб,— тезроқ бўл — дўстларимизни оч жўнатиш яхши эмас.

Раҳиль билан унинг болалари макка зогора пишишлар, чўчқа гўшти ва жўжа қовураг ҳамда столга дастурхон ёзар эдилар. Бу чоқ Жорж хотини билан кичкина уйчада қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлашиб ўтирадилар. Улар бир неча соатдан кейин абадий жудолик таҳдид қилаётганини билган эр ва хотин каби сўзлашар эдилар.

— Элиза,— деди Жорж,— биласанми, дўстлари, уйи, ери ва пули бор одамлар сен билан биздай — ғуруқ бўйларидан бошқа ҳеч нарсаси йўқлар каби бир-бир-

ларини севолмайдилар. Элиза сен билан тағиши масимдан илгари, мени бечора онам ва опамдан бўлак ҳеч ким севмас эди. Мен, бечора Эмилиямни, уни олиб кетмоқ учун қулфуруш келган куни эрталаб охирги марта кўрдим. У, мен ухлаб ётган бурчакка келиб: «Бечора Жорж, сенинг ягона жигаргўшанг кетяпти! Сенинг холинг нелар кечади энди, шўрлик бола?» деди. Мен, иргиб туриб, уни қучоқлаб йиғладим, унинг кўзларидан ҳам ёш қуюлди. Бу сўз менинг қулоғим эшитган сўнгги ширин сўз эди, кейинчалик, узоқ йиллар ўтиб кетди, бундай сўзни ҳеч эшитмадим. Менинг бағрим қотди ва то сенга дуч келганимгача кулдек қуриб қолди. Сенинг ишқининг бағримга ҳаёт бахш этди. Ўша чоқдан бошлаб бошқа одам бўлиб қолдим. Эндиликда эса, Элиза, тирик эканман, сени мендан тортиб ололмайдилар! Агар ўлигум устидан босиб ўтсалар, унда бошқа ран!

— Е, раббим, ўзинг раҳм қил! — Хўнграб йиғларкан, деди Элиза. — Сендан биргина нарса сўраймиз: шу мамлакатдан бирга чиқиб олсак бўлади.

Рахиль кириб, астагина Элизанинг қўлидан ушлаб, стол томон етаклади. Стол ёнига ҳаммаларни ўтиришганда, эшик тақиллаб, Руфь кирди.

— Мен болага пайпоқ обориб берай, деб чопиб келдим,— деди у.— Мана, уч жуфт иссиқ жун пайпоқ. Биласанми, Қанадада жуда совуқ... Қўрқмаяпсанми, Элиза?— У, Элизанинг ёнига келиб, қўлинни сиқди, кейин Гаррига кулчача тутқизди.— Бунга бир пакет кулчача келтирдим... Болалар тез-тез очқаб туради.

— Қуллуқ! Жуда валломатсиз!— деди Элиза.

— Ўтириб, овқат е, Руфь,— деди Рахиль.

— Раҳмат, иложи йўқ! Болани Жонга ёлғиз қолдирганиман, пирожкилар печкада. Бир минут ҳам ўтиролмайман, ўтириб қолсам, Жон пирожкиларни куйдириб қўяди, қанддондати қандларни битта қўймай белага егизади. У киши шунаقا!— деди кулиб қичкина квакерча.— Хўш, хайр Элиза. Хайр Жорж. Оқ йўл бўлсин!— деди-да шошилганича чиқиб кетди.

Овқат еб бўлишлари билан, хиёл ўтмай, эшик ёнига катта соябон арава келиб тўхтади. Юлдузлар чақнаган кеча эди. Финеас аравадан сакраб тушиб, пассажирлари ни жойлай бошлади. Жорж, ўғлини кўтариб, Элиза билан қўлтиқлашиб чиқди. У салмоқлаб ўқтни қадам таш-

лар, юзида қатъяят барқарор эди, Раҳиль билан Симеон улар ортидан чиқишиди.

— Бирлас тушиб туринглар,— деди Финеас азавала ўтирганларга,— мен аёллар билан болага жой ҳозирлай, уларга ўнгайроқ бўлсин.

— Манави иккита пўстакни ол,— деди Раҳиль.— Бутун тун юришга тўғри келади, таглари юмшоқроқ бўлсин.

Аввал Жим аравадан кампир онасини авайлаб туширди; кампир унинг қўлига ёпишиб, қувғинчилар ҳозир етиб келиб қоладигандек қўрқиб, алантларди.

— Тўппончаларнинг жойидами, Жим?— дея секин, аммо қатъий йўсина сўради Жорж.

— Бўлмасамчи!— деди Жим.

— Агар улар етиб олишса, нима қилишинг даркор — биласамми?

— Билсам керак,— деди Жим зўр кўксини кериб.— Еки улар онамни тортиб олса қараб туради, деб ўйлайсанми?

Бу қисқа сўзлашув чоғида Элиза кўнгилчан дўсти Раҳиль билан хайрлашди. Симеон унга аравага чиққали ёрдам берди ва уни Гарри билан бирга пўсташ устига ўтқазди. Кейин кампирни ўтқаздилар; Жорж билан Жим уларнинг рўпарасига, Финеас эса олдинга ўтири.

— Яхши боринглар, дўстларим!— деди Симеон.

Арава қатқалоқ йўлда силкиниб, гулдураб жўнади. Гилдираклар гулдурашидан сўзлашиб бўлмас эди. Улар тоғузоқ ва қоронги чакалакзор йўллардан, тоғ яйдоқ ва бўм-бўш далалардан юриб бордилар. Улар тепаликларга кўтарилиб, водийларга тушиб борган сайин узоқлашавердилар. Бола тез орада онасининг тиззасида ухлаб қолди. Юрагини олдириб қўйган бахтесиз кампир, аста-секин ўзига келиб қўрқмайдиган бўлиб қолди. Элиза ҳам ташвишини унуга бошлади ва мудраб кўзини юмди. Финеас ҳаммадан тетик кўринар ва художўй квакерларнинг дидига унча ёқмайдиган куйларни ҳуштак қилиб чалиб борарди.

Соат учга яқинлашганда Жорж орқа томонда, анча шаридан, чопиб келаётган от түёқларининг товушини эшишиб, Финеасни тирсаги билан туртиб қўйди. Финеас отларни тўхтатиб, қулоқ солди.

— Майкл бўлса керак,— деди у.— Унинг оти шекили, чопишидан биламан.

— У пастга тушиб, ҳадиксираб йўлга кўз тутди. Тепалик устида от бошини барада қўйиб келаётган суворининг қораси кўринди.

— Ҳа, рост, бу Майкл,— деди Финеас.

Ўзларининг нима қилишларини билмасдан туриб, Жорж билан Жим ҳам бирдан аравадан тушдилар. Ҳамма қайрилиб қараб, суворига кўз тикиб жим қолишиди. Отлиқ яқинлашиб келар эди. Мана у, водийга тушиб, кўздан гойиб бўлди. Лекин, тез чопиб келаётган отнинг оёқ товушлари борган сари яқинлашар эди. Охири, у, тепалик чўққенда, киши овози эшитилгудек масофада пайдо бўлди.

— Балли, бу Майклнинг ўзи! — деди Финеас ва қичқирди.— Ҳой Майкл!

— Финеас, сенмисан?

— Ҳа! Нима янгиликлар бор? Улар яқинми?


— Орқамиздан келишяпти... маст... сўкишяпти... саккиз-ўнтача бор... Бўридек даргазаб.

У сўзлар экан, шамол тез чопиб келаётган отларнинг оёқ товушлари иштади.

— Жой-жойингизга ўлтириинг, йигитлар! — деди Финеас.— Борди-ю, олишсаларингиз ҳам, сал нарироқ элтai!

Икковлари ирғиб аравага чиқишлиари билан, Финеас отларни ҳайдади. Сувори уларнинг ёнида чопар эди. Арава гумбурлар, силтанар, қатқалоқ ерда сапчир; қувгин товушлар эса борган сайнин яқинлашарди. Шовқинни эшитган хотинлар қўрқиб аравадан қарадилар ва анча орқада, узоқдаги тепаликда, тонг шафаги нурида отлиқлар тўдасини кўрдилар. Яна бир тепаликдан ўтгач, таъқибчилар аравани кўрдилар. Унинг оқ қопдан қилинган соябони узоқдан яққол кўринар эди. Қаттиқ қийқириқлар қочоқлар қулогига етди. Элиза, ҳушдан кетаёзиб, боласини қаттиқ кўксига босди. Кампир, худога сифиниб оҳ тортар, Жорж ва Жим эса ғазаб билан тўппончаларини қисиб ушлаб борардилар. Таъқибчилар уларга тез етиб келмоқда эди.

Арава бирдан бурилди, қочоқлар тепаликлар устида тик кўтарилиб турган қоятош ёнига етдилар. Бу якка қоятош оқариб бораётган осмонда тунд қорайиб турар ва бошланда ҳамда нажот ваъда қилгандек кўринар эди. Финеас овчилик қилиб юрган вақтларида бу жойни яхши ўрганганди.



— Чиқинглар! — деди у, бирдан отларни тұхтатиб ва ерга сакраб түшиб. — Ҳаммаларинг чиқинглар, дар-ров бўлинглар, энди орқамдан қоятош ёнига юринглар! Майкл, отингни аравага боғлаб Амариянинг олдига чоп, у одамларни олиб, ёрдамга келсин!

Бир лаҳзада ҳаммалари аравадан чиқишиди.

— Бу ёқса! — деди Финеас, Гаррининг қўлидан ушлаб. — Югуринг, югуринг, аёлларга кўмаклашинг, орқада қолишмасин!

Зотан, уларга гап уқдиришнинг ҳожати йўқ эди. Қочоқлар жуда тез четан девордан ошиб ўтиб, қоятошга қараб югурдилар. Майкл эса иргиб отдан тушди ва отини араванинг орқасига боғлаб, ўзи аравага ўтириб, отларни ҳайдади.

— Тепага чиқинглар! — деди Финеас, улар қоятош ёнига етиб юлдуз ва тонг шафақлари нурида сўқмоқларни кўргач. — Бу ер биз овчиларнинг қадимги паноҳимиз. Тезроқ юқорига чиқинглар!

Финеас болани кўтариб, тошлар устидан сакраб-сакраб олдинда борарди, унинг кетидан Жим онасини опичлаган, Жорж ва Элиза эса орқада борардилар.

Суворилар бақириб ва сўкиниб четан деворга етдилар ва отдан тушиб, қочоқларнинг орқасидан чиқишига тайёрландилар. Бир лаҳзада қочоқлар чўқчи ёнига етишди. Бу ердан сўқмоқ жуда тор дара ичидан борар, унга фақат бир киши сигар эди, холос. Дара уларни тўсатдан кенг чуқурликдан чиқарди, бундан нари ба-



ландлиги ўттиз фут келадиган нишоб тепали тоғлар юксалар эди. Финеас чуқурдан лип этиб ўтиб, болани барра ўт босган ерга ўтқазди.

— Ҳаммангиз бу ёқса! — деб чақирди у.— Агар жонингиз азиз бўлса, сакранг!

Ҳаммалари бирин-кетин чуқурдан сакраб ўтдилар. Харсанглар уларни пастидагилардан яшириб турарди.

— Жуда яхши, ҳаммамиз шу ердамиз,— деди Финеас, шовқин солиб тоққа чиқаётган таъқибчиларга қараш учун тошлар орасидан бошини чиқариб.— Қўлларидан келса — қани, олдимизга чиқиб кўрсинглар. Кимки бу ерга кирмоқчи бўлса, сизларнинг тўппончаларингиз таҳдиди остида харсанг тошлар орасидан ўтиб келиши керак, шундай эмасми, йигитлар?

— Шундай,— деди Жорж.— Модомики, бу жанг биз учун бўлар экан, ўзимиз ёлғиз уришамиз.

— Марҳамат, Жорж, истаганингча уришавер,— деди Финеас,— тут баргини чайнаб.— Майли! Уришиш ёмон иш эмас. Фақат менга халақит берма, сизларнинг жонингизни бир томоша қилай. Уни қара, улар у ерда, пастида маслаҳат қилаётганга ўхшайди, қара, худди қўноққа чиққани интилаётган товуққа ўхшаб, юқорига қарайптилар. Улар чиқмасдан, уларга яхши кенгаш берсанг, бу ниятларидан қайтсалар, йўқса ҳаммалари ўқка учади.

Тонг нурида, пастида турган кишилар аниқ кўринниб турарди. Улар, эски танишларимиз Том Локэр билан

Мэркс бўлиб, ёнларида иккита полиция билан бир тўда безорилар бор эди, одатда буларни негр овига олиб бормоқ учун майхоналардан бир шиша ароққа ёллар эдилар.

— Хўш, Том, улар эди қўлга тушди! — деди бирори.

— Ҳо, ана улар! — деб жавоб берди Том. — Мен уларнинг юқорига чиқаётганларини кўрдим... Мана, сўқмоқ ҳам бор экан, қоянинг устига чиқсак бўлди — таппа босиб оламиз. Ахир, улар ўзларини тоғдан пастга ташламас.

— Лекин, Том, улар қоянинг орқасига ўтиб олиб ўқ узсалар нима дейсан? — деди Мэркс. — Унда унча маъқул иш бўлмайди.

— Ўхў! — кулимсираб деди Том. — Сен доим жонингнинг омонлигини ўйлайсан, Мэркс! Негрлар жуда қўрқоқ бўлади. Ўқ узишга журъят этолмайди.

— Жонимнинг омонлигини нега ўйламайин экан! — деди Мэркс. — Бисотларимнинг энг яхшиси — жоним. Негрлар гоҳида девдек муштлашади.

Бу чоқ қоя тепасида Жорж кўринди.

— Жаноблар, сизлар ким бўласиз, сизларга нима керак? — хотиржамлик билан, дона-дона қилиб сўради у.

— Бизга қочоқ негрлар керак, — деди Том Локер. — Бизга Жорж Гаррис, Элиза Гаррис ва уларнинг ўғли керак. Бизга Жим Селден билан унинг камлири керак. Бу ерга биз билан бирга полисменлар келишган, қамаш учун қўлимизда ордерларимиз ҳам бор. Биз, керакли одамларни қўлга оламиз ҳам эшитдингми? Шелби округидаги кентуккилик мистер Гаррисга қарашли Жорж Гаррис сен эмасмисан?

— Ҳа, Жорж Гаррис мен бўламан. Илгарик кентуккилик мистер Гаррис мени чиндан ҳам ўз мулким, деб айтар эди. Лекин, энди мен озод кишиман ва хотиним билан боламни ўзимники деб ҳисоблайман. Жим ва унинг онаси шу ерда. Ўзимизни ҳимоя қилмоқ учун бизнинг қуоралимиз бор, шу сабабли биз олишэмиз. Истасангиз, бу ерга чиқишингиз мумкин, лекин қайси бирингиз ўқ етадиган жойга келиб қолсангиз — тил тортмай ўласиз. Ким яқинлашса ўла беради, битта қолдирмай, қириб ташлаймиз.

— Хайр, бас, — деди кўпчиган семиз бир одам олдинга чиқар экан, мишириниб. — Ҳой, ёш йигит, биз билан бундай сўзлашманг. — Биз — қонун одамларимиз. Қонун,

куч ва ҳокимият биз томонимизда. Шунинг учун тинчлик билан таслим бўлинглар, чунки барибир таслим бўласиз.

— Конун ва ҳокимият сизнинг томонигизда эканини жуда яхши биламан,— афсусланиб деди Жорж.
— Сиз менинг хотинимни олиб Янги Орлеандга сотмоқчи бўласиз. Ўглимни эса бузоқ сингари қулфурушнинг қулхонасига ташла-моқчисиз. Жимнинг кекса онасини эса яна ўша муттаҳамга жўнатасиз, у муттаҳам эса, Жимга озор беролмасдан, унинг она-сини урар ва ранжи-тар эди. Мен билан Жимни эса, хўжайин деб айтган кишиларни гиз яна урсин, азобла-сни ва оёқлари остида пийпаласин учун қай-тариб юбормоқчи бўласиз. Агар сизнинг қонунларингиз шуларга йўл қўяр экан, сизларга ва қонунлари-нгизга минг лаънат! Ле-кин, бизларни ушлаёл-майсиз. Биз сизнинг қонунларингизни тани-маймиз! Биз сизнинг мамлакатнингизни танимаймиз! Биз бу ерда сизлар каби озод ту-



рибмиз ва ўз озодлигимиз учун сўнгги томчи қонимиз қолгунча уриншамиз.

Жорж ўзининг мустақиллик декларациясини баён этаётib, яққол кўриниб турарди. Тонг нурлари унинг қорача юзини ҳамда ғазаб ва изтиробдан ёнган қора кўзини ёритиб турарди.

Унинг туриши, овози, кўзи ва ҳаракати пастда турганларга таъсир қилди, улар индамай қолишди. Кишидаги тетиклик ва қатънийликда хосият бор, у энг дағал одамларни ҳам жим қолишга мажбур этади. Жоржнинг сўзи ёлғиз Мэрксга таъсир қилмаган эди. У, шошилмасдан тўппончасини ўқлади-да, худди Жорж сўздан тўхтаган чоқда, ўқ узди.

— Барибир, ўликми, тирикми, Кентуккида унинг учун бир хил ҳақ тўлайдилар,— деди у бепарво нимчасининг сингига тўппончасини артар экан.

Жорж орқага ташланади, Элиза қичқириб юборди. Ўқ Жоржнинг сочи тепасидан ўтди-да, Элизанинг юзини сал ялаб, дараҳт танасига кириб кетди.

— Ҳечқиси йўқ, Элиза,— шошиб деди Жорж.

— Агар ваъз айтмоқчи бўлсанг, пана жойда туриб айт,— деди Финеас.— Булар муттаҳамлар-ку, кўрмайсанми!

— Хўш, Жим,— деди Жорж.— Тўппончангга қараби, тузукмикан, мен билан шу дарани қўриқла. Бу ерга биринчи тумшуқ суққанни мен ўлдираман, сен иккинчисини ва ҳоказо. Битта одамга иккита ўқ сарф қилмаслик керак, буни унутма!

— Теккизолмасанг-чи?

— Теккизаман,— совуққонлик билан деди Жорж.

— Жуда яхши! Йигит ишига пишиқ кўринади!— тиш орқасидан рудинглади Финеас.

Мэркс ўқ узгандан сўнг таъқибчилар бир неча вақт нима қилишларини билмай турдилар

— Ўқингиз биттасига текканга ўхшайди!— деди уларнинг бири.— Бироннинг додлаганини эшитдим.

— Мен юқорига чиқаман,— деди Том.— Негрлардан ҳеч қачон қўрқкан эмасман, эндилиқда ҳам қўрқмайман. Қани менинг орқамдан ким боради? — деди-да, қоямакоя юқорига сақрай бошлади.

Жорж бу сўзларни аниқ эшитди. У, ёнидан тўппончасини олиб, уни сийлаб кўрди-да, дарадан биринчи таъқибчи чиқадиган жойни нишонга олди.

Таъқибчилар орасида энг жасури деб ҳисобланган биттаси Томнинг кетидан эргашди, қолганлар унинг орқасидан эргашди. Орқадагилар олдиндагиларини туртарди. Улар юқорига тез-тез чиқа бошлашди ва дарага кираверишда тўсатдан Томнинг барваста қомати кўринди.

Жорж ўқ узди. Ўқ Томнинг биқинига тегди, лекин у, ярадор бўлса ҳам, чекинини истамас ва маст буқа каби бўкириб чўқурликдан сакраб ўтди.

— Ошнам,— деди Финеас тўсатдан илгари одимлаб ва узун қўли билан Томни итариб,— бу ерда сенга орзуманда эмасмиз.

Том, ўттиз фут баландликдан пастга ағдарилди, у, дараҳтлар, тошлар, ғўлавурлар ва чанглалар орасидан жарнинг тубига қулаб тушди. Унинг ҳамма ёғи тимдаланди. У қаттиқ оҳ тортар эди. У, йиқилганда кийими дарахт шохига илиниб, ерга унча қаттиқ тушмади ва ўлмай қолди.

— Е, раббим, раҳм қил, булар шайтоннинг ўзгинасинку!— деб гудуллаб қоча бошлади Мэркс. У юқорига чиқишидан кўра, пастга анча жадал чопар эди.

Қолганлар унинг орқасидан югурдилар. Айниқса, семиз полисомен инқиллаб ва нафаси оғзиға тиқилиб, ўлар-қоларига қарамай чопар эди.

— Гап бундай, йигитлар,— деди Мэркс, тоғ айланиб ўтиб,— Томни кўтариб олинглар. Мен эса отда бориб ёрдамчилар келтирай.

Мэркс, ҳамроҳларининг қичқириқ ва мазақлашларига қарамай, қочди. Тезда узоқ тепаликлар устида унинг от чопиб бораётган қораси кўринди.

— Дунёда бундай ҳам беномус газандалар бўлар экан!— деди таъқибчилардан бири.— Биз бу ерга унинг иши билан келганмиз, у эса бизни ёлғиз ташлаб қонди.

— Унисини олиб келиш керак,— деди яна биттаси.— У тирик қолдими, ўлдими — ростини айтсан, менга баримир.

Дараҳтлар, тошлар, ғўлавурлар ва чанглалар орасидан ўрмалашиб, Томнинг эвози чиқаётган томонга бордилар; полвон эса қаҳр билан сўқиниб ва инқиллаб ётарди.

— Жуда қаттиқ бақирипсан-а, Том,— деди улардан бири.— Қаттиқ ярадор бўлдингми?

— Билмайман. Мени кўтаришлар. Кўтара оласизларми? Малъун квакер! Агар шу бўлмаса, мен негрлар-

нинг бир нечтасини телиб ташлаган бўлардим, кейин улар мен билан бошқача гаплашардилар.

Ҳамроҳлари анча қийналиб уни ўрнидан турғиздилар; у тўхтосиз оҳ тортар эди. Унинг қўлтиғидан ушлаб, от ёнидан етакладилар.

— Мени ўша ошхонага олиб боролганингизда яхши бўларди. Менга рўмол ёки бошқа нарса беринглар, лаънати ярага тиқиб қўйяй...

Томни эгарга миндираётганларини Жорж қоя орасидан кўриб турди. Икки-уч бор уриниб кўрганларидан кейин, Том чайқалиб, гумбурлаб ерга йиқилди.

— Ўлмаган бўлса керак-а?— деб қўйди, бошқалар каби бўлаётган воқиага қараб турган Элиза.

— Садқайи афсус!— деди Финеас.— Бадтар бўлсин! Лекин, бирдан яна, деди:

— Азбаройи худо, уни ташлаб кетишмоқчи!

Зотан бу гап рост эди. Таъқибчилар бирпас маслаҳатлашганларидан кейин, отларига миниб, жўнадилар.

Улар кўздан бутунлай йўқолгандан сўнг, Финеас ҳам қўзгалиш тараддудини кўра бошлади.

— Пастга тушиб, бир оз пиёда юришимиз керак,— деди у.— Мен, Майлга — ёрдамчилар олиб, бу ёққа аравада кел, деганиман. Тез орада уни йўлда учратсан керак. Ишқилиб, у тезроқ қайтсин! Ҳозир вақт жуда эрта, йўловчилар йўлда кам учрайди. Узоги билан икки миль йўл босишимиз керак. Йўл бунчалик ёмон бўлмаганида, улар бизни ҳеч бир қувиб етолмасдилар.

Улар четан девор ёнига етганларида, узоқда ўз араваларини кўрдилар, араванинг ёнида бир неча отлиқлар келар эди.

— Ана Майл, Стивен, Амариялар ҳам келишяпти!— деди Финеас қувониб,— энди эсон-омон қутулиб қолдик.

— Шошманглар,— деди Элиза,— бу шўрликка ёрдам берайлик, ахир. Жуда қаттиқ оҳ торяпти.

— Қани, уни аравага солайлик,— деди Жорж.

— Ва уни квакерларникида даволаймиз!— деди Финеас.— Фикрингизга балли!.. Менгэ барибир, билганларингни қиласверинглар. Қани, ўзини бир кўрай.

Овчилик қилиб юрган маҳалларида жарроҳликдан унча-мунча билим ортдирган Финеас ярадор устида энгашиб ярасини кўра бошлади.

— Мэркс,— секин овоз чиқарди Том,— сенмисан, Мэркс?

— Йўқ, ошнам, у эмас,—деди Финеас.—Меркс сенинг фамилгни емайди — ўз жонини олиб қочади. Унинг гум-дон бўлганига анча бўлди.

— Оҳ, энди ўламан! — деди Том.—Разил, қўрқоқ, кўплак, ёлғиз ўлаверсин, деб ташлаб қочибди-да! Шўрлик кампирим: доим мана шундай аҳволга тушиб ўласан, дер эди.

— Оҳ, бечора! Сўзини әшигинг. Онаси ҳам бор экан! — деди кекса негр хотин.—Унга раҳмим келяпти.

— Секироқ, секироқ, ошнам, питирлама, бўкирма,— деди Финеас Том оғриниб-титраб унинг қўлини итариб юбораркан:— Қонингни тўхтатмасам, ишинг чатоқ бўлади.

Финеас дастрўмол ва латта-путталарни яра ўрагани тайёрлай бошлади.

— Мени пастга итариб юборган сенми? — деб сўради Том, зўрга овоз чиқариб.

— Ҳа, мен. Мен итариб юбормаганимда, сен бизларни итариб юборардинг,— деди Финеас, унинг ярасини боғларкан.— Ҳозир, ҳозир ярангни маҳкам боғлаб қўйяй. Хотиржам бўл, сенга ёмонлик қилмаймиз, сендан хафа ҳам эмасмиз. Бир уйга олиб борамиз, у ерда онангнинг уйидагидек сенга қарашади.

Том инқиллаб кўзини юмди.

Томга ўхшаш одамлардан қон билан бирга мардлик ҳам йўқолади. Бу пайт қўлидан ҳеч иш келмайдиган бу улкан кишининг ҳоли жуда аянч эди.

Арава етиб келди. Пўстакни тўрт қават қилиб солдилар, кейин тўрт киши Томнинг катта ва оғир танасини зўрга кўтариб аравага солди, Том батамом ҳушидан кетган эди. Негр кампир унга раҳми келиб, Том ёнига ўтириди-да, бошини тиззасига олди. Элиза, Жорж ва Жим сиқилишиб ўтирганларидан кейин арава жўнади.

— Яраси тузалармикан? — деб сўради Жорж, ёнида ўтирган Финеасдан.

— Яраси чуқур, лекин суюкка теккан эмас. Жарга қулаб фойда қилмади. Қон кўп кетибди, жуда кўп кетганидан, мадорсизланиб қолибди. Хайр, ҳеч нима қилмайди, булар ўтиб кетади, эҳтимол, бу ҳодиса унга анча-мунча сабоқ бўлса.

— Хайрият, аҳволи унча қўрқинчли эмас экан,— деди Жорж.— Уни ўлдиришга ҳақли бўлсан ҳам, батамом ўлдирганимда виждоним азобланган бўларди.

— Дунёда ўлдиришдан ёмон иш йўқ,— деди Финес.— Одам ўлдириш ҳам оғир, ҳайвон ўлдириш ҳам. Мен илгари жуда ишқивоз овчи эдим. Қаттиқ ярадор бўлиб, жони бўғзига келган кийикнингодамдек термилишини кўриб, қилмишимга пушаймон ер эдим. Одамни ўлдириш бундан ҳам оғир-ку.

— Хўш, буни нима қиласиз энди?— деб сўради Жорж.

— Амарияникига олиб борамиз. У ерда Стивеннинг битта кампири бор, оти Доркас. Яхши табиб. Касалларни жон деб парвариш қиласди. Хавотир бўлма. Икки ҳафтадан кейин уни оёққа турғизиб юборади.

Бир соатдан сўнг яхши бир фермага етдилар, бу ерда жафокаш сайдёнларга яхшигина озқат тайёр эди. Том Локерни авайлаб, озода, юмшоқ кўрпага ётқиздилар, бундай кўрпада у ҳеч бир ётмаган эди. Жароҳатини авайлаб боғладилар, у чарчаган болага ўхшаб ётар ва кўзини дам очиб, дам юниб, оқ пардаларга ва товуш чиқармай юрган кишиларга тикар эди.

XVIII БОБ

Өфелияниң кузатишлари ва фикрлари

Сен-Клэр пул ишига бепарво қарайдиган қўли очиқ хиши эди. Шу вақтгача барча рўзгор харидларини Адольф қиласар эди; лекин, Адольф ҳам ўз хўжайинига ўхшаган бегам бўлиб, икковлари пулни пала-партиш сарфлайверардилар. Кўп йиллар давомида хўжайининг мулкини ўз мулкидек асрашга одат қиласган Том, рўзгорнинг истрофгарчилик билан юргизилишига ачинар ва тоҳо буни ҳазм қилолмаганини киноялар билан изҳор қиласди.

Аввал унга Сен-Клэр майдачуида топшириқлар бериб турди, лекин унинг бамаънилигини ва иш биларманлигини кўриб, кун сайин кўпроқ ишона бошлади: пировардида, хўжалик ишларининг ҳаммаси унинг қўлига ўтди.

— Адольф, ундаи қиласа,— деди Сен-Клэр, иш қўлидан кетаётгани учун Адольфнинг норизо бўлаётганини сезиб,— Томга озор берма. Сен ўз раъйнингга қараб сарф қиласан, Том эса нарх-навога, қўлида бор пулга қараб иш тутади. Бу ишнинг ҳаммасини бирорга топшириб қўймасак, бора-бора хонавайрон бўлишимиз мумкин.

Қўли очиқ хўжайин Томга ҳаддан зиёд ишонар ва пулни қарамай берниб, ортиб қўлганини ҳам санамай чўн-тагига солиб қўярди. Шундай экан, ҳаромзадалик қилиш учун ҳар доим қулай пайт бўларди. Лекин, виждонли Том нафсини тиярди. Бундай одамларга чексиз ишонч билдирангиз, улар янайм ҳалол бўлишади.

Адольфнинг феъли эса бошқача эди. Адольф бегам, нафси бузуқ, хўжайинни ҳам унинг шахдини қайтармас эди. Шунинг учун ҳам у, нима ўзиники ва нима хўжайинники эканини билмай, чувалашиб қолди. Бу ҳол баъзида Сен-Клэрни ҳам ғазаблантирас эди. Бамаъилик тушунчаси Сен-Клэрга «хизматкорларингни ўғирликка ўргатиш нотўғри ва ҳатто ҳавфли» дер эди. Бу нарса унинг виждонини азобларди, лекин бу азоб унинг одатини ўзгартиш даражасида зўр эмас эди.

Том ўзининг хушчақчақ, енгилтак, гўзал ёш хўжайинига иззат-икром ва оталарча меҳрибонлик билан қарап эди.

Лекин, жанубдаги уйда рўзғор ишларини юргиза бошлаган Офелиянинг сон-саноқсиз қайғуларини ким тасвирлай олсин? Мари ялқов ва гўдактабиат бўлганидан, унинг хиэматкорлари ҳам ўзига ўхшаган эли. У, уйдаги тартибсизликни Офелияга тўппа-тўғри айтib берди, аммо у, бунинг учун ўзини гуноҳкор деб ҳисоблас- мас эди.

Офелия ўз вазифасини бажаришга киришган биринчи куннадаёқ эрталаб соат тўртда турди, у ўз бўлмасини йиғишитирди, бу ерга келгандан бери у, оқсоқ хотинни ўкситиб бу ишни ўзи бажаарди, кейин калитларни қўлига олиб, шкаф ва омборларни астойдил кўздан кечиришга киришди.

Бир куннинг ўзиндаёқ омбор, кийим шкафлари, чинни илиш-товоқ хонаси, ошхона ва ертўлалар — ҳаммаси жуда синчиклаб кўздан ўтказилди. Кўрик вақтида юракдаги анча яширин сирлар юзага чиқди, ошхона ва бўлмаларда ҳукмронлик қилганлар жуда ҳаяжонландилар, «бу шимол ойимлари ҳақида» анча-мунча пичир-пичир ва гап-сўзлар бўлиб ўтди.

Ошхонадагилар орасида катта обрў қозонган бош ошпаз Дина кампир, ўзи идора қиласидан ишларга аралашилгани учун қаттиқ жаҳли чиқди.

Динанинг ўзига хос феъли-атвори бор эди, бу тўғрида ўқувчиларимизга баъзи бир тасаввурот бермасак бўлмас. Хлоя хола каби ошпазлик унга ҳам тутма касб эди,—

умуман, негр хотинлар ошпазликка қобил бўлади. Аммо, Хлоя хола тартибга ўрганган, Дина эса ўжар ва ўзига ишонганилигига бориб, тез-тез янгишар эди. У ақл ва мантиқ билан ичи йўқ, фақат ўз илҳомига, завқига ишонар ва уни бу йўлдан қайтариш амири маҳол эди. «Сен тутган усулдан яхшироқ усул ҳам бор ёки сенинг усулингга бир оз ўзгартиш киргизиш мумкин» деган гаплар унга заррача кор қилмас эди. Унинг эски бекаси — Марининг онаси бунга йўл қўйган эди. «Мисс Марихон» (Дина, ёш бекаси эрга чиққандада ҳам уни доим Марихон деб чақирап эди) Дина билан тортишишдан кўра, бўйсуниш афзалроқ деб топган, шунинг учун ҳам Дина ўз билганича ҳукмронлик қиласерди. Бунинг устига, унинг мулизаматчанлиги, ишда эса бениҳоя ўзбошимчалик ва ўжарлик қилиши бу ҳукмронликка қўшимча бўлиб тушди.

Дина тегирмонга тушса бутун чиқадиган уста хотин эди. У, ошпаз хато қилмоғи мумкин эмас, деган узил-кеシリл фикрда эди. Жанубдаги ошпаз хотин эса, ҳар қандай гуноҳ ва қилғилиқни бошқаларнинг зими маснига ағдаришни билади ва шундай қилиб ўз обрўсига заррача дор туширмайди. Агар овқат пишираётганда бирор ножӯя иш рўй бериб қолса, сўзсиз бунга элликтака сабаб чиқар, элликтака гуноҳкор топилар ва Дина буларнинг таъзирини берарди.

Лекин, Динанинг омади келмайдиган пайт камдан-кам бўлар эди. У, кўпинча, жой ва вақтни эътибрга олмасдан, ҳамма нарсани тескари қилса ҳам ва одатда унинг ошхонаси қуюн тургандек тўполон кўринса ҳам ва ошхонанинг ҳар бир буюни бир кунда юз жойга қўйилиб турса ҳам, унинг шундай бир фазилати бор эди: агар уй эгалари Динани шоширмай тоқат қилиб кутсалар, у ўт-кир, лаззатли таомлар тайёрлаб берарди, уни еган ҳар қандай инжиқ шинаванда ҳам таомдан бирор нуқсон топа олмасди.

Овқат пишириш учун тайёргарлик кўриш вақти бўлди. Динага дам олиш ва ўйлаш учун кўп вақт зарур эди. У осойишта дам олишни яхши кўради. Ҳозир у, калта ва йўғон трубкачани чекиб, ошхона полида ўтироқда. У, овқат қилиш учун зўр ҳафсала келтириш учун доим шуни чекарди.

Унинг теварагида бир талай негр болалар ўлтироқда. Умуман, жанубдаги ҳар бир хўжаликда бундай бола-

лар жуда кўп бўлади. Улар нўхат пўчогини арчишади, картошка тозалашади, товуқнинг патини юлишади. Дина, ёш ёрдамчилардан бирортасини муштлаш ё бўлмаса ёнидаги қошиғи билан бошига шақиллатиб солиш учун бавзан хаёл суришдан тўхтарди. Хуллас, Дина бу қўнгир соч болаларни қаттиқ исканжага олган эди. Унинг ўза ҳам шу тахлитда ўсган ва эндилликла шу усульнини қаттиқ қўлларди.

Янги тартиб жорий этмоқ учун уйни кўрикдан ўтказаётган Офелия, ошхонага ҳам кирди. Дина, хўжаликда бўлиши кутилган ўзгаришлар ҳақида турли манбалардан хабар эшигтгач, муҳофазат йўлини тутиб, ғалва кўтармасдан эски тартибини ҳимоя қилишга, ошкора эътироуз ҳилмай янги тартибга бўй эгмасликка қарор берди.

Ошхона кенг, полига ғишт ётқизилган, унинг анча жойини эски ўчоқ эгаллаганда, Сен-Клэр, бу ўчоқ ўрнига анча ўнгай бўлган ҳозирги замон плитасини қуриш ҳақида Динага бир неча бор айтган бўлса ҳам у кўнмаган эди.

Сен-Клэр биринчи марта шимолга бориб келишида амакисининг ошхонасида ажойиб тартиб ҳукм сурганини кўрди ва ошхонаси учун идиш қўялигидан шкафлар, қутилар ва бошқа ҳар хил анжомлар сотиб олди, бу нарсалар Динага ақалли тартиб ўрнатиш учун бир оз ёрдам берар, деб ўйлади у. Лекин, бу нарсаларни Динага олиб бериш билан олмахон ёки ҳаккага олиб берган баравар эди. Яшик ва шкафлар қанча кўп бўлсез, Дина учун ўшанча яхши: унинг эски латталари, тароқлари, ямоқ кавушлари, ленталари, эскириб кетган ясами қофоз гуллари ва кўнгли қувончи бўлмиш бошқа нарсаларини яшириш учун жой кўпайтган бўлар эди.

Офелия ошхонага кирганда, Дина қимиirlамади ҳам у кўз қири билан Офелиянинг ҳаракатини кузатар экан, бамайлихотир тамаки чекиб ўтираверди. У ўзини фикризикри атрофда бўлаётган воқиа билан бандек кўрсатарди.

Офелия яшикларни оча бошлади.

— Бу яшикка нима солиб қўйгансан, Дина? — деб сўради у.

— Ҳар хил буюмларни, хоним,— деди Дина.

Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Офелия даставвал яшикдан юпқа тўр дастурхон олди. Дастурхон қон юқи эди, унга хом гўшт ўралган бўлса керак.

— Бу қандай гап, Дина? Уз бекангнинг энг яхши дастурхонига гўшт ўрайсанми ҳали?

— Худо урсин, хоним, ундан эмас! Битта ҳам сочиқ қолмаган экан, шу дастурхонни олиб қўйа қолдим. Мен уни ювгани ажратиб қўйган эдим, у ерда туришининг сабаби шу.

«Эпашанглик» деди ичиди Офелия, яшикни ковлар экан.

Офелия яшик ичидан мускат ёнғоқ қирғични олди, яна икки-учта мускат ёнғоқ, дуо ёзилган китоб, бир неча кир дастрўмолча, ҳом ип ва тўқий бошланган тўр, бир қутича тамаки, трубка, бир неча печенье, ичига аллақандай упа-элик солинган зар югуртирилган иккита чинни ликопча, эски ботинкалар, ичига анчагина майдоқ пиёз ўралган латта, ҳар хил сурп сочиқлар, бир неча бўз сочиқ, чилвир, қавиқ игналар ва йириқ пакетлар чиқди, пакетлардан яшикка хушбўй қуруқ ўтлар тўкилиб ётар эди.

— Мускат ёнғоқларни қаерда сақлайсан, Дина?— деб сўради Офелия, ғазабини зўрга босиб турган кишидай.

— Рӯпара келган жойда, хоним. Бир нечтаси синиқ косада ётибди, ҳов анави шкафда ҳам мускат ёнғоқлар бор.

— Бир нечаси мана бу ерда — қирғич ёнида ётибди,— деди Офелия, ёнғоқларни олар экан.

— Рости билан-а? Айтмоқчи, бугун эрталаб солиб қўйган эдим — ҳамма нарсанинг кўз ўнгимда бўлишини яхши кўраман,— деди Дина.— Ҳой, Жек! нега ишни тўхтатдинг? Ҳой, ер юткур!— У узун қошиқ билан болани бир туртди.

— Бу нимаси?— деб сўради Офелия, упа-элик солинган ликопчани оларкан.

— У менга қарашли мой. Кўз ўнгимда турсин, деб солиб қўйганиман.

— Мойни бекангнинг энг яхши ликопчаларида сақлайсанми?

— Шошилиб солиб қўйибман... Бугун бошқа идишга солмоқчи эдим.

— Бу икки сурп сочиқ-чи!

— Ювгани бераман деб эрталаб солиб қўйган өдим.

— Кирларни солиб қўйгани бошқа жой қуриганми?

— Мистер Сен-Клэр кир учун катта қути сотиб олган. Лекин, мен унинг устида печенеъ қилишни яхши кўраман. Кейин унинг қопқоғини кўтариш ҳам қийин.

— Печеньени стол устида қилсанг бўлмайдими?

— Сира мумкин эмас, хоним. Столнинг усти ҳадеб ифлос идиш ва ҳар хил нарсага тўлиб кетганидан, унинг устида бўш жой бўлмайди.

— Идишларни ювиб, столни тозалаб қўйсанг бўлмайдими?

— Идиш ювиш дейсиэм?— шанғиллаб қичқирди Дина, жаҳли чиққанидан вазминлигини йўқотиб.— Хоним, ўзлари ишни тушунадиларми? Билгим келади. Агар бутун вақтимни идиш ювиш билан ўтказсам, хўжайнинга қай маҳалда овқат тайёрлаб бера оламан? Мариконим менга ҳеч қачон «идиш юв» деган эмаслар, ҳеч бир!

— Хўп, яхши, ундай бўлса, бунинг ичига пиёз қандай кириб қолибди?

— Эҳе, у бу ерда экан-да!— деди Дина,— қаерга қўйганимни эсимдан чиқариб юрибман. Бу бошқача пиёз, уни бугун тайёрлайдиган гўшт-қоқинга атайин олиб қўйганиман. Латтага ўроғлиқ экани ҳам ёдимдан кўтарилибди, савил.

Офелия хушбўй ўт солингган қоғозларни олди.

— Хоним бу ерадаги икир-чикирларга тегмасалар, дейман. Нарсаларимнинг қаерда турганлигини билишини яхши кўраман,— деди қатъий равиша Дина.

— Пакетлар йиртиқ-ку, ахир.

— Йиртиқдан тўкиш осонроқ бўлади,— деди Дина.

— Ахир, кўргин, ҳаммаси яшикка сочилиб ётибди-ку.

— Албатта, хоним алғов-далғов қилганларидан кейин ўтлар сочилиб кетади-да. Хонимнинг ўзлари сочганлар,— деди безовталанган Дина яшик ёнига келиб.— Агар хоним, уй йигиштирадиган кунимни кутиб, юқорига ўтиб кетаверганларида, ҳамма нарса жой-жойида бўларди-қўярди. Лекин, хоним тепамда тураверсалар, мен ҳеч иш қилолмайдман. Сәм, нега ёш болага қанддонни бердинг? Ҳозир адабингни бераман, ҳали тўхтаб тур.

— Дина, ошхонани кўриб чиқиб, бу ерни доимий қилиб тартибга соламан. Кейин сен уни яхши тутарсан деб умид қиласман.

— Офелияхон, эй худойум, хоним деган бундай ишларга қўл теккизмасликлари керак. Хонимларнинг ошхонада иш қилганини ҳеч кўрганим йўқ. На катта бека, на

Марихоним бундай ишни қилмаганлар. бунга эҳтиёж ҳам йўқ.

Офелия ликопчаларни териб, бир дюжина қанддондаги қанд юқини тўплаб битта қанддонга солиб, салфетка, дастурхон ва сочиқларни ювмоқ учун ажратаркан. Дина жаҳли чиқиб ошхонада у ёқдан-бу ёққа юради. Офелия нарсаларни ўз қўли билан жуда эпчил, жуда тез ювиб, тозалаб артишини кўриб, Дина ҳайратда қолди.

— Агар шимолдаги хонимларнинг ҳаммаси шундай ишласа, улар ҳеч ҳам хоним эмас эканлар! — деди у ёрдамчиларнга, сўзини бирор өшитмаслигига қулайлик туғилиши билан.— Йигиштириш вақти келганда, ўзим ҳам бошқалардан қолишмайдиган қилиб йигиштираман. Лекин, атрофимда хонимларнинг ўралишиб, нарсаларимни йигиштиришларни истамайман, чунки кейин уларни қўйган жойимдан тополмайман.

Динага тан бермоқ керак: унда гоҳи-гоҳида озодалик ва тартиб тутқаноги пайдо бўлиб қолар ва бундай вақтла у «йигиштириш вақти келди» дер эди. Бу пайт у, зўр гайрат билан яшик ва омборлардаги ҳамма нарсани остин-устин қилиб, ошхонадаги тартибсизликни янада ортдиради. Кейин у, трубкасини чекиб, бу манзарани оҳиста томоша қиласади; сўнг ёш ёрдамчиларига қалайдан ясалган идишларни тозалашни буюради, бунинг натижасида ошхонада бир неча соат ҳаддан зиёд тўс-тўполон бўларди. Ҳар қандай эътироzlарга пинагини бузмасдан: «Бунинг отини йигиштирув дейдилар, мен ёшларни ҳамма нарсани батартиб тутишга мажбур этмоқчиман», деб жавоб берарди. Дина ўзини тартибининг мужассами, деб билар, у, тартибсизликларнинг ҳаммасини ёрдамчиларни қиласади, деб ҳисобларди. Ҳамма идиш ювилиб тозаланганди, столлар оппоқ қилиб қирилганди, қолган-қутган нарсалар бурчак-бурчакларга тиқиб ташланганида, Дина яхши кўйлак ва озода фартугини кияр, узун ва ярқироқ чалмасини бошига ўпар ва ошхонага яқинлашмаслик ҳақида ёрдамчиларга буйруқ берарди, у бирорининг тартиб бузинини хоҳламасди. Бу озодалик тутқаноги уйдагиларга зўр ўнғайсизлик туғдиради, чунки Дина ювилган идиш-товоқларнинг умрбод тоза сақлапишини истар ва бу тозалик тутқаноги босилмагунча, идишлардан фойдаланишга унамасди.

Офелия уйдаги ҳамма одатларни бир неча кун ичидаги тубдан ўзгартириди, лекин хизматкорларнинг феълинни

ўзгартириш учун қилган ҳаракатлари бекор кетди. Шунинг учун у бир куни умидсизланиб Сен-Клэрга мурожават этди:

- Буларни тартибга ўргатишнинг сира иложи йўқ.
- Гапингиз тўғри, сира иложи йўқ,— деди Сен-Клэр.
- Бундай эпашанглик, исрофгарчилик ва тартибсизликни ҳеч кўрган эмасман!
- Бўлмасамчи! Албатта кўрган эмассиз.

— Рўзгорни ўзингиз юргизганингизда, бундай бамайлихотир гапирмаган бўлардингиз. Оғюстен, мен ошхонада шундай нарсаларни кўрдимки, ақлингиз бовар қилмайди!

— Ақлим бовар қилмайди? Уқлоғинг Дина каравоти остида ётишини, қирғич унинг тамаки соладиган чўнтагида юришини, уйнинг бурчак-бурчагида камида олтмиш бешта қанддон ётишини, идишни бир кун салфетка билан артса, иккинчи кун эски ички юбкасининг ирkit латтаси билан артишини билмайман, деб ўйлайсизми? Ҳар қандай бўлганда ҳам, у жуда даззатли овқат тайёрлайди, ажойиб қаҳва пиширади. Шунинг учун унинг ҳақида бир парса дер эканмиз, жангчи ёки давлат арбоби ишига қарагандай, унинг ишига қараб ҳукм чиқаришимиз керак.

— Қанча озиқ-овқат ва пул исроф бўляпти, буни ҳам эътиборга олиш керак-да...

— Албатта ошхонага бериладиган озиқ-овқатни ўз назоратингизга олинг, қулф-калит қилиб қўйинг. Ҳисоблаб беринг, қолгани билан ишингиз бўлмасин.

— Бу ҳол мени қийнайди, Оғюстен. Хизматкорларинингзининг ҳалоллигига гумоним бор. Уларнинг ҳалоллигига ишонса бўладими? Бунга имоннинг комилми?

Офелия жиддият ва ташвиш билан саволни берганидан, Оғюстен қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Э, кузина, бунингиз ҷаддан энёд! Ҳалоллик эмиш! Улардан ҳалоллик талаб қилиб бўладими? Ҳалол дедингизми? Албатта ҳалол эмас! Нима учун улар ҳалол бўлсин? Уларга буни ким ўргата олади.

— Нега уларни тўғри йўлга солмайсан, ҳалолликка ўргатмайсан?

— Ўргатиш эмиш? Беҳуда гап! Уларни сизча мен нимага ўргата оламан? Мен фақат шунинг учун яратилибманми? Марига келганимизда, қўйиб берсам, бир қўра негрларнинг бошини ейиш қўлидан келади-ю, лекин уларни ҳаромхўрликтан қайтара олмайди.

— Наҳотки уларнинг ичида ҳалоли бўлмаса.

— Албатта, қайси бирини табнат тўғри, ростгўй ва содиқ қилиб яратган бўлса, ҳар қандай ёмон таъсир уни бузолмайди. Лекин, сизга шуни ҳам айтиб қўяйки, нега болаларга тўғри йўл бизга ёпиқ деган тушунча она сутн билан киради. Улар аввал ота-оналарига, сўнгра хўжайинларига, бирга ўйнайдиган ўртоқларига шумлик қиласилар. Муғомбирлик ва алдаш улар учун зарур ва муқаррар одат тусиға кириб қолади. Улардан бошқа нарсанни кутиш бефойда. Бунинг учун, уларни жазолаб ҳам бўлмайди. Ҳалоллик масаласига келганда гап бундай: қул доим шундай қарам аҳволдаки, у хусусий мулк деган нарсадац мутлоқ бехабар, уларга «хўжайниннинг мулки сенини эмас» деган нарсанни тушунтириб бўлмайди. Уларнинг қандай қилиб ҳалол бўла олишини тасаввур этолмайман. Лекин, Том тамоман бошқача одам.

— Ой, шўрим қурсин! — деди Офелия. — Ўзингиз ҳам номус қилсангиз керак!

— Мен ҳатто номус қилиш-қилмаслигимни ҳам билмайман. Бутун дунёдаги юқори ва пастки табақа кишиларига қарангиз; ҳамма ерда бир аҳвол: пастки табақадагилар юқори табақадагиларга танларнин ҳам, жонларини ҳам, идрокларини ҳам қурбон қиласилар. Англияда аҳвол мана шундай... Умуман бутун дунёда аҳвол шундай... Лекин, ол-а, қўнғироқ чалинди. Кузина, қани, Шимол билан Жануб ўртасидаги жанжални қўйиб, овқатга борайлик.

Кечқурун, Офелияхон ошхонага кирганди, негр болалар қичқиришди:

— Ана, Прю келяпти, жағи очиқ кампир келяпти.

Новчадан келган қотма негр хотин ошхонага кирди. Бошида сават, сават ичида иссиқ булка ва сухарилар бор эди.

— Ҳа, келдингми, Прю? — деди Дина.

Прюнинг қовори солиқ, жаҳли чиққан, овози мингилаб чиқар эди. У саватини полга қўйиб, чўккаларди ва қўлларини тиззасига қўйиб, деди:

— Эй, худойим! Тезроқ ўла қолсам эди!

— Нега ўлишни истайсан? — деб сўради Офелия.

— Улсам, бу азоб-уқубатлардан қутулардим, — кўзини полдан узмасдан, деди аёл хириллаб.

— Ичишга ким мажбур этяпти сени, Прю? — деб сўради олифта оқсоқ квартиронка, исиргаларни селкиллатиб.

Аёл норизо бўлгандек
маъюс қаради.

— Эҳтимол бир кун
келиб сен ҳам ича бош-
ларсан. Ўшанда сенинг
аҳволингни бир кўраман!
Қайғунгни босиш учун
сен ҳам менингдек, бир
қултум ароқ топсангт хур-
санд бўлаф эдинг.

— Бери кел-чи, Прю,—
деди Дина,— сухарила-
рингни кўрсат. Бека
унинг ҳақини тўламоқчи.

Офелия йигирма-ўт-
тизтacha сухари олди.

— Токчадаги синиқ
кувачада анча-мунча ку-
пон бор,— деди Дина.—
Тур, Жек, уларни бу ёққа
ол.

— Купон? Нима учун
керак?— деб сўради Офе-
лия.

— Биз купонни Прю-
нинг хўжайниндан сотиб
оламиз, Прю бўлса, ку-
понни олиб, бизга булка
беради.

— Мен уйга қайтга-
нимда, хўжайнин пул билан купонни санайди, кам чиқса
мени ўласи қилиб уради.

— Ажаб қилади,— деди шўх оқсоч Жен,— сен унинг
пулини ичкиликка сарфласанг, шундай қилиб яхши қи-
лади. Сендақа хўжайнинни кўтарсан...

— Бўлганим шу. Бошқача иложим йўқ. Ичаман ва
қайғумни унутаман!

— Ўз хўжайнингни пулини ўғирлаб, ўзингни ҳай-
вон даражасига келтиришинг жуда номаъқул иш ва аҳ-
моқлик,— деди Офелия.

— Жуда, тўғри айтяпсиз, хоним. Лекин, мен шундай
қиласвераман, ҳа қиласвераман. Ё раббим! Ула қолсам
кошки эди! Азоб тортавермай, тезроқ ўла қолсам!



Кампир кучаниб зўрға ўридан турди-да, саватни бошига қўйди. Лекин, чиқиб кетишдан илгари, ҳамон исирғасини силкиллатиб ўйнаб турган қизга қаради

— Бу исирғам ярашади, деб ўйлайсанми? Қувончингдан бошингни силкиб, атрофга мўралайсан! Сен ҳам мендақа қариб, ҳунугинг чиқиб, мижигланарсан! Илоҳим, сен ҳам мендек бўлгил. Ана унда ичишингни кўрасан! Ана унда сенга ҳам одамлар: «Яхши қилади-да, хўжайнинг...» дейишади Аҳа!

Шундай деди-да, инқиллаб, ошхонадан чиқди.

— Бундай ҳам ҳунук қари ҳайвон бўлармикин! — деди хўжайнининг топшириги билан, соқол олиш учун қайноқ сувга келган Адольф. — Агар мен унинг хўжайнини бўлсам, янайм баттарроқ урар эдим.

— Бундай қаттиқ уриб бўлмайди, — деди Дина. — Унинг орқаси моматалоқ бўлиб кетган, у ақалли кўйлак ҳам кия олмайди.

— Менингча, бундай пласткаш маҳлуқларнинг бамаъни оиласарга келишига йўл қўйиш керак эмас, — деди Женхоним. — Бу тўғрида сиз нима ўйлайсиз, мистер Сен-Клэр? — эркаланиб сал бош силтаб, Адольфдан сўради у.

Шуни ҳам айтиш керак. Адольф хўжайнининг бир қанча бошқа нарсалари ичida унинг номига ҳам эгалик қилган эди. Янги Орлеан негрлари уни тўппа-тўғри Сен-Клэр деб аташар эди.

— Фикрингизга қўшиламан. Бенуархоним, — деди Адольф.

Мари қиз чоғида Бенуар фамилиясида бўлиб, Жен унинг оқсочи эди.

— Бенуархон, сўрасам мумкиними: бу исирғалар бу кунги бал учун эмасми? Бу исирғалар чиндан ҳам кишини сеҳрлайди.

— Мистер Сен-Клэр, эркакларнинг ўтакетган сурбетликка борганларига ҳайрон қоламан, — деди Жен, исирға яна шиддирасин деб чиройли бошини силкиб. — Агар бундақа саволларни бераверсангиз сиз билан бугун ҳеч рақста тушмайман!

— Бунчалик шафқатсанз бўлмасангизчи! Бугун пушти тўр кўйлагингизни киясизми? Шу кўйлагингизда кўришга интизорман, — деди Адольф.

— Нима деганингиз? — деб сўради келишган, шўх квартеронка Роза, пиллапоядан югуриб тушар экан.

— Мистер Сен-Клэр сурбетлик қиляпти!

— Азбаройи худо,— деди Адольф,— буни Розахон ўзи ҳал қилсин!

— У доим шундақа сурбет, биламан,— деди Роза, оёқчасини ерга уриб ва Адольфга жаҳл билан қараб.— У мудом ғашимга теккани-теккан.

— Оҳ, хоним, хоним! Юрагимни юз пора қилдингиз!— деди Адольф.— Бир кун эмас, бир кун кўрпамда ўлиб қоламан, бунинг учун сиз гуноҳкор бўласиз.

— Бу ярамаснинг оғзидан чиқаётган гапларини эши-тинг!— деб хитоб қилишди ҳар икки хоним, қаттиқ хи-қиллаб.

— Қани, бу ердан туғингизни шиқиллатиб қолинг! Ошхонамда ваққиллашаверишларингга тоқатим йўқ,— деди Дина.

— Дина холанинг ўзи балга боролмайдигани учун ғу-дунглайпти,— деди Роза.

— Сиздақа мулатларнинг балларингга борадиган бекорчи оёғим йўқ!— деди Дина.— Пириллаб айланишиб, ўзларингни оқ деб гумон қиласизлар. Аслида сизлар мен-га ўхшаган ҳора мўндинизлар!

— Дина хола, жингалак соchlарини тўғри қилиб ёзмоқ учун ҳар кун сочига ёғ суркайди,— деди Жен.

— Лекин, барибир сочи жингалаклигича қоляпти,— деди Роза, узун ипак кокилларини силкитиб.

— Сочим жингалакми, тўғрими, олло-таоло учун барибир эмасми?— деб эътиroz этди Дина.— Лекин, яхиси бека айтсин-чи: сизга ўхшаганинг иккитаси кимматми ёки менга ўхшаганинг биттаси қимматми. Йўқолинглар, шаллақилар! Бу ерда пашшалашманглар.

Буларнинг суҳбатини Сен-Клэр бузди, у: «Ҳой Адольф, соқол учун қайноқ сувга кетиб, ошхонада тунамоқчимисан», деб қичқирди. Худди шу он овқатхонадан Офелия чиқиб, деди:

— Ҳой Роза, Жен, нега бекор ўтирибсизлар! Бориб ишларингни қилинглар.

Ошхонада кекса Прю билан бўлган гапларни эши-тган дўстимиз Том, унинг орқасидан кўчага чиқди. У, Прюнинг гоҳ-гоҳ йиғисини босиб бораётганини кўрди. Ана, Прю кампир саватни айвонга қўйиб, елкасидаги ўнгган эски рўмолини тузата бошлади.

— Саватингни сал кўтаришиб борайми?— деб кўн-гилчанлик қилди Том.

— Нега? — деб сўради кампир.— Менга ёрдаминг керак эмас.

— Тобинг қочиб қолган, ё бўлмаса бирон балога йўлиқсан кўринасан,— деди Том.

— Бетоб эмасман,— деб чўрт кесди кампир.

— Ичкиликни ташлаганингда қандай яхши бўлар эди,— деди Том жиддий равишда.— Ичкилик сени нобуд қилади, билмайсанми? Қаерлик бўласан?

— Кентуккилик. Мени бир одам, бола туғдириб ўстириш учун сақлар ва болаларим катта бўлгач уларни сотар эди. Энг охири, у, мени ҳам қулфурушга сотиб юборди. Қулфуруш эса, мени ҳозирги хўжайнимга сотди.

— Бўлмаса нега ичасан?

— Қайғумни унугтиш учун ичаман. Бу ерга олиб келганиларидан кейин янга туғдим. Мен бу боламни ўзимга қолдиарлар, деб ўйловдим. Чунки менинг хўжайним одамфурушлик қилмайди. Ўғил шўх, тетик эди! Бекам ҳам унга аввал ғамхўрлик қилгандек кўринди. Бола йигламас, жўн, бўлиқцина эди. Лекин, беканинг тоби қочиб қолди, мен унга қарай бошладим. Ўзим ҳам иситма бўлиб қолдим, сутим қуриб, боламда эт билан суюк қолди, бекам эса унинг учун сут сотиб олишни истамади. «Сутим қолмади» деган сўзни бекам эшитгуси ҳам келмади. У — «болангга бошқалар ейдиган овқатдан бериб боқавер» деди. Болам ориқлаб кетаверди. Туну-кун йиглаб, ҳаммамизни қийнаб юборди, бека эса «балога қолдим» деб ақлидан озаёди. У, боламнинг ўлишини истарди, кечаси уни ёнимда ётқизмасди, «сен билан бирга ётса, ухламай чиқасан, кейин, кундузи, ишга ярамай қоласан» дер эди. У мени ўз уйида ётишга мажбур этди, боламни эса мен болохонага — чердакка олиб чиқардим, бола бечора у ерда йиглайвериб, охири дами ичига тушиб ўлди. Ҳа, болам ўлди, унинг дод-фарёди менинг қулоғимдан сира кетмайди. Мен ана шу овозни ўчириш учун ичаман. Ҳа, мен ичадиган бўлиб қолдим. Энди гўрга киргунча ичаман.

У, хўрсинди-да, бошига саватни қўйиб, жўнади.

Том орқасига ўгирилиб, қайғурганича уйга кетди. Ҳовлида у кичкина Евани учратди. Унинг бошида гулчамбар бўлиб, завқланган кўзлари порлар эди.

— Ҳой Том, келдингми? Келганинг жуда яхши бўлди. Дадам: «Том тойни олиб чиқиб, сени янги аравачанга ўйнатсан» деди,— Ева унинг қўлидан тутиб, деди:— Ийи, нима бўлди, Том? Нимага хафасан?

— Жуда мазам йўқ, Евахон,— деди маъюс бўлиб Том.— Лекин, сизнинг учун отларни қўшиб чиқаман.

— Ҳар ҳолда, айтчи Том, нима гап? Баджаҳл Прю кампир билан сўзлашаётганингни кўриб турувдим.

Том Евага Прюнинг бошидан кечирганларини содда ва тўғри қилиб айтиб берди. Ева бошқа болалар кабин кичқирмади ҳам, таажжубланмади ҳам, йигламади ҳам. Ўзидан қон қочди ва ақлли кўзларини чуқур кўланка қоплади. У икки қўлини кўксига қўйиб, оғир уф тортди.

XIX БОБ

Офелияning кузатишлари ва фикрлари (Давоми)

— Том, отни аравага қўшма. Сайр қилишни истамайман,— деди Ева.

— Нега, Евахон?

— Ҳалиги гап юрагимга игна бўлиб санчиляпти. Том,— деди Ева.— Юрагимга санчиляпти,— деб такрорлади у, жиддий суратда.— Аравага тушишни хоҳламайман.

У қайрилиб, уйга кирди.

Бир неча кундан кейин сухарини Прю кампир эмас, бошқа хотин олиб келди.

Бу чоқ Офелия ошхонада эди.

— Э худо!— деди Дина.— Прюга нима бўлди?

— Прю энди ҳеч келмайди,— деб жавоб берди хотин сирли йўсинда.

— Нега? Ўлдими?— деб сўради Дина.

— Унга нима бўлганини унча яхши билмаймиз. У, ертўлада,— деди хотин, Офелияга қараб.

Офелия сухарини олди. Дина эса аёлни эшик ёнигача кузатиб борди.

— Айтинг, унга нима бўлди?— деб сўради у.

Афтидан, хотиннинг ҳам айтгуси келиб турган экан, сирли қилиб жавоб берди:

— Хўп, айтсан айтай. Лекин, ҳеч кимга айтмайсан. Прю яна ичган экан, кун бўйи ертўлагага қамаб қўйишиди. Эшишишмга қараганда маст Прюни ўлдирибдилар.

Дина қўлларини осмонга кўтарди ва орқасига қараб ёнида турган Евангелинани кўрди. Қизчанинг жовдираган катта кўзлари даҳшатдан каттайган, юзларидан қон қочган, лаблари оппоқ эди.

— Вой худо! Евахон ҳозир ҳушдан кетади! Қандай қилиб у гапларни эшитиб қолибди. Отаси жинни бўлади ёнди!

— Ҳушдан кетмайман Дина,— деди қиз қатъий йўсинда.— Нега бу гапларни эшитмайин. Менга бу гапни эшитишдан кўра, бечора Прюга азоб чекиш анча оғирроқ бўлгандир.

— Сизга ўҳшаган нозик ва одобли ёш қизлар бундай гапларни асло эшитмаслиги керак! Сиз учун бу гап ўлимдай ваҳима!

Ева уф тортиб, оҳиста пиллапоядан тепага чиқа бошлади.

Офелия ташвиш тортгансимон: «Прюга нима бўлибди?» деб сўради. Эзма Дина унга ҳамма гапни ипилан иғнасигача бирма-бир айтиб берди. Том эса, Прюнинг ўзидан эшитган гапларини бунга қўшиб қўйди.

— Ана бундақа расво ишлар ҳам бўлади!— деб хитоб қилди, Офелия, Сен-Клэр газета ўқиб ётган уйга кирапкан.

— Хўш, яна қандай қонунга хилоф иш юз берди?— деб сўради Сен-Клэр.

— Қандай дейсизми? Прю кампирни уриб ўлдиришибдилар!— деди Офелия, у воқиани бошдан-оёқ ҳикоя қиласкан, унинг энг даҳшатли жойларини бўртдириб айтди.

— Бир кунмас бир кун худди шундай бўлади, деб ўйлаган эдим,— деди Сен-Клэр, газета ўқишида давом этиб.

— Сиз шундай деб ўйлайсиз-у... унинг тарафини олмайсиз-да,— деди Офелия.— Наҳот бу ерда ҳеч ким бундай ишларга аралашмаса?

— Тирик мулкнинг омон бўлишига мулкдор манфаатдор бўлса — шу негр учун энг яхши ҳимоя ҳисобланади. Лекин, кишилар ўз мулкларини йўқотиб юборишга киришар эканлар, бунисига ҳайронман. У шўрлик ўғри ва пияниста ёди шекилли, шунинг учун у, эгасидан айрим марҳамат ҳам кутмаган бўлса керак.

— Ахир, бу ҳаддан зиёд бераҳмлик-ку! Бу жуда ёмон гап-ку, Огюстен!

— Азизим, кузина, бу тартибларни мен яратган эмасман ва уларни ўзgartини қўллимдан келмайди. Қўлнимдан келса, бундай шафқатсизликларга йўл қўймас эдим. Ахир, бағри тош, тунд одамлар доим шафқатсиз ва ёмон

иш қиласылар. Улар мутлақ ҳукмронликларидан фойдаланадылар; улар, масъулият нима эканини билмайдылар. Негрларни ҳимоя қиласылар қонунлар йүз. Яхшиси күзни юмиб, қулоқни беркитиш ва қулдорларни ўз билгандарига қўйиб бериш. Бизнинг қўлимиздан келадигани ёлғиз ана шу.

— Кўзни юмиш? Қулоқни беркитиш? Бундай жабрзулмлардан қандай қилиб кўз юмиб бўлади, ахир?

— Азиз жигарим, нима демоқчисиз? Бутун бошлиқ хўрланган, эзилган кишилар синфи ўзларига ўҳшаган бошқаларнинг ихтиёрига тўла-тўқис ва назоратсиз топширилган ва улар ўз манфаатлари ғамни ейишни ҳам билмайдылар. Бинобарин, бу разил жамиятда яшовчи яхши одамга фақатгина кўзни юмиб, бағри тош бўлиш қолади, холос. Мен жабрланган негрларнинг ҳаммасини сотиб ололмайман, ахир! Шунингдек, мен жаҳонгашта паҳлавонга айланиб, шаҳримизда содир бўлаётган ҳар қандай ишга аралашолмайман. Менинг қўлимидан келадиган энг катта иш — бошқалар тутгандай иш тутмасликдир.

Сен-Клэрнинг мулойим юзини бир лаҳза ғам босди. У, жаҳллангандек бўлди, лекин бирдан яна хуррач кулимсираб деди:

— Бўлди, кузина, менга койиб қараманг. Сиз парданни салгина кўтариб, дунёда бўлаётган ишларни кўрдингиз. Агар биз турмушдаги барча қоронғи томонларни актариб топиб, уларга суқилаверсан, булар учун юрагимиз етмайди. Бундай қилиш, Динанинг ошхонасидаги майдачуда нарсаларга синчилаб қараш билан баравар бўларди.

Сен-Клэр яна газета ўқишига киришди.

Офелия жуда газабланниб ўтириб, қўлига ишини олди. У зўр бериб тўрни тўқий бошлади, лекин кўксидаги ўтжўш ура берди. Охири у чидамади, Сен-Клэрга қараб, деди:

— Шуни айтиб қўяйки, Огюстен, мен бу нарсаларга сиз каби қарай олмайман. Бундай системани ҳимоя қилишингизни жуда бемаънилик деб ҳисоблайман.

— Нима деяпсиз? — деб сўради Сен-Клэр, унга қараб.

— Ҳалиям ўша тўғридами?

— Бундай системани ҳимоя қилишингиз зўр расво-гарчиллик, деялман,— деди Офелия тобора қизиб.

— Уни ҳимоя қиласан, деяпсизми, азизим? Уни ҳимоя қиласди, деб сизга ким айтди? — деб сўради Сен-Клэр.

— Албаттага, ҳимоя қиласиз. Сиз жанубликлар, ҳаммангиз, уни ҳимоя қиласиз. Йўқса нега қул сақтайсанлизлар?

— Кузина, наҳот дунёда бир ишни нотўғри деб ҳисоблаган одамларнинг ҳеч бири ўша ишни ўзи қилмайди, деб ўйласангиз? Шунча соддамисиз? Сиз ҳеч қачон ўз маслагингизга қарши иш қилмаганимисиз?

— Агар мен ёмон бир иш қилиб қўйсам, кейин тавба қиласман,— деди Офелия, тўр игналарини қаттиқ силкиб.

— Мен ҳам,— деди Сен-Клэр, апельсин арчиркан,— мен доим тавба қиласман.

— Ундай бўлса, нега ёмон иш қилаверасиз?

— Сиз ўзингиз-чи, дилбар кузинам, бир марта тавба қилиб, унинг орқасидан ҳеч бир ёмон иш қилган эмасмисиз?

— Қилганман, лекин нафс жуда зўр келгандагина қилганман,— деди Офелия.

— Ана холос, менда ҳам нафс зўр келади,— деди Сен-Клэр.— Бутун қийинчилик ҳам ана шунда-да...

— Тавба қилгандан кейин ҳар сафар — «энди қилмайман» деб астойдил аҳд қилардим ва ўз ваъдамни бажаришга ҳаракат этардим.

— Мен ҳам ўн йилдан бўён «энди қилмайман» деб қаттиқ аҳд қилиб келдим,— деди Сен-Клэр,— лекин ҳозиргача бажара олганим йўқ. Сиз-чи, кузина, ўз нуқсонларингизнинг ҳаммасидан холос бўлолдингизми?

— Огюстен,— деди Офелия жиддий суратда ва ишини ёнига қўйиб,— камчиликларим учун сиздан дакки ейишим керак, деб ўйлайман. Сиз айтган гаплар ҳаммаси тўғри, ҳақ гап. Ҳеч ким буни менча хис этмайди. Менимча, ҳар ҳолда, икковимизнинг орамизда бир оз фарқ бўлса керак. Мен, ўзим ёмон деб кўрган ишни кун сайин қилгандан кўра, ўнг қўлимни шартта кестириб ташлашга розиман.

— Эй, кузина,— деди Огюстен, полга ўтириб, унинг тиззасига бошини қўяркан,— бунчалик ёмон жиддий бўлманг! Менинг ҳамма вақт ярамас, бебош бола эканлигимни билардингиз. Мен ғашингизга тегишни яхши кўраман, вассалом. Сизнинг жудаям кўнгилчанлигингизни биламан. Лекин, ҳақ гапки, сизнинг ана шу кўнгилчанлигинги жонимга тегди.

— Ахир, бу масала устида бош қотирмаса бўлмайди жонгинам,— деди Офелия, унинг пешонасига қўлини қўйиб.

— Нима қилай, ахир,— деди Сен-Клэр,— чивин чақар иссиқ кунлардаги жиддий гапни ёмон кўраман! Бундай жазирама иссиқда юксак ахлоқ тўгрисида гапириб бўлмайди. Мен ишонаманки,— деб хитоб қилди Сен-Клэр, тўсатдан иргиб туриб,— шимол халқларининг жанубликлардан кўра саҳоватлироқ бўлишининг сабаби мана шунда.

— Оғюстен, сиз ёмон эзмасиз!

— Менми? Балки шундайдир. Лекин, ҳаётимда бир марта жиддий бўлай-чи. Бунинг эвазига сиз менга ҳув авави апельсинли саватни беринг. Ўзимни шу гапни давом этдиришга мажбур қилиш учун менга хушомад қилишингиз керак, ахир. Қани,— деб давом этди Оғюстен ёнига саватни тортиб,— бошлайман. Баъзи шароитда ўттиз-ўттиз бештacha қул сақлаш зарур бўлиб қолганда афкор оммага ҳурмат шуни талаб қиласдики...

— Ҳали жиддий бўлганингизча йўқ, кўрмаяпман,— деб унинг сўзини бўлди Офелия.

— Сабр қилинг, ҳозир жиддий бўламан, эшитасиз. Иш шундаки,— деди у ва қўйқисдан унинг гўзал чеҳрасида хаёлпарастлик аломати зоҳир бўлди,— қуллик тўғрисида фақат битта фикр бўлиши мумкин. Қул ишлатиб капитал ортдирувчи илантаторлар, буларга хушомац қилувчи бўлган руҳонийлар, қуллик ёрдами билан давлатни идора қилишни хоҳловчи сиёсий арбоблар ҳақиқат тўғрисидаги ҳар қандай тушунчани истаганча буза оладилар, уларнинг бу кашфиётчиликларидан эса бутун дунё ҳайратланади. Лекин, пировардида уларнинг сўзларига ўзларидан бўлак ҳеч ким ишонмай қолди. Қулликни иблис ўйлаб чиқарган ва менимча, унинг ўйлаб чиқаргандаридан ҳеч қайси бири унга қулликдай зўр омад етказган эмас.

Офелия тўр тўқишдан тўхтади. У таажжубланган кўринарди. Бунчалик ҳайратда қолгани учун қувонган Сен-Клэр, бошлаган гапини улаб юборди:

— Сиз таажжубландингиз, шекилли? Сизга ҳозир ҳамма нарса равшан бўлади. Лаънати қулликнинг ўзи нимадир. Унинг устидаги зийнат-пийнатларниг ҳаммасини олиб ташланг-да, тўғри унинг илдизига боқинг. Нимани кўрасиз? Негр заиф ва нодон бўлгани, мен эсам

кучли ва ўқимишли бўлганим учун унинг бор нарсасини оламан, унга эса хоҳлаганимни бераман. Менинг учун оғир бўлган ҳар бир ишни, ифлос ва ёқимсиз ишнинг ҳаммасини негрнинг гарданига юклайман. Мен қуёшнинг иссиғини ёмон кўраман, шунинг учун ҳам офтобда негр ишлаши керак! Негрнинг ишлаб топган пулинни тортиб олиб, ўзимга сарфлайман. Мен кўлмакдан ўтамак, деб этигимни ҳўл қилишни истамайман, демак бу кўлмакда негр ётиши керак, мен уни кўпrik қилиб босиб ўтай. У ҳар кун ўз тилагини эмас, менинг тилагимни бажаради ва то ўлгунча шундай қиласди. Қуллик мана шундан иборат. Бизнинг қуллик ҳақидаги қонунлар мажмуасини ўқинг, қанни бундан бошқа нарсанни мажмуадан топишга ҳаракат қилиб кўрингчи. Қулликка сунистеъмол қиласидар, дейишади одамлар. Беҳуда гап! Қулликнинг ўзи бошдан оёқ сунистеъмолдан иборат-ку.

Сен-Клэр иргиб туриб, у ёқдан-бу ёққа тез-тез юра бошлади,— қаттиқ ҳаяжонланганда, у доним шундай қиласди. Унинг юони ҳайкалларининг юзларини эслатадиган гўзал чеҳрасида бутун фикрлари ифодаланганди. Унинг катта кўк кўзлари чақнар ва у, беихтиёр ҳовлиқиб, қўлини силкирди. Офелия уни бундай ҳаяжонланган ҳолда ҳеч кўрмаган эди.

Офелия жим турди.

— Мен сизга зътироф қилмоқчиман,— деб давом этди Сен-Клэр, тўсатдан Офелия олдида тўхтаб.— шундай вақтлар бўлардики мен ўйлардим: шу қабоҳатни ер юзидан тозалаб юбормоқ учун бутун мамлакатимиз ер остига тушиб кетса, мен ҳам дарҳол у билан бирга ер остига тушиб кетардим. Мен пароходда саёҳат қилганимда ёки ўз ерларимни айланиб юрганимда бизнинг қонунларимизга мувофиқ, ҳар бир дағал, разил ва паст одам жуда кўп эр, аёл ва болаларнинг мутлақ ҳокими бўлиши; уларни алдаши ва талаб олиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, ватанимга лаънатлаар айтишга, бутун сишилик дунёсига лаънат айтишга тайёр бўлар эдим.

— Ҳой, Огюстен!— деди Офелия.— Бўлди! Мен Шимолда ҳам бундақа сўзларни ҳеч эшитган эмасман.

— Шимолда эмиш!— деб хитоб қилди Сен-Клэр ви дарҳол одатдагича бамайлихотир сўз бошлади.— Сиз, шимолликларнинг қонуларингиз совуқ. Сизлар доним хо-

тиржамсизлар. Сиз, керак чоқда, биз каби лаънат ўқиши ҳам билмайсиз!

— Тузук, лекин у масала...— деб сўзламоқчи бўлди Офелия.

— Э, ҳа, қандай қилиб шу аҳволга тушиб қолишим масаласими? Лаънат шу масалага. Бўбди, мен сизга ўша қадимги яхши сўзлар билан жавоб бераман: булар ҳаммаси менга мерос. Менинг қулларим отамнинг, яна тўғрироқ қилиб айтганимизда, онамнинг қуллари бўлган. Энди эса улар — меники, уларгина эмас, яна анча кўпаядиган авлодлари ҳам меники... Ана, чойга ҳам занг урилди. Юринг ва бундан буён «Огюстен умрида мен билан очиқ ва жиддий сўзлашган эмас» деб айтманг.

Стол ёнида Мари Прюдан сўз очди.

— Кузина, бизларни «булар ҳаммаси ёввойи экан», деб ўйлайсиз, деб қўрқаман,— деди у.

— Мен бу ишни ёввойиллик деб ҳисоблайман,— деб жавоб берди Офелия,— аммо сизларнинг ҳаммангизни ёввойи демоқчи эмасман.

— Лекин,—деди Мари,— баъзи бир негрларни эплаб олиш мумкин эмаслигини биламан. Улар шундай ёмонки, ер юзида яшашга ҳаҷи ҳаққи йўқ, деса бўлади. Бундай ҳодисаларга сира парво қилмайман. Негрлар ўзларини жўн тутишса, уларни ҳеч ким ранжитмайди.

— Лекин, ойи,— деди Ева,— бечора Прю жуда шўр пешона экан! Шунинг учун у ича бошлаган экан.

— Аҳмоқона гап! Бўлмағур баҳона! Менда ҳам баҳтсизлик тез-тез бўлиб туради. Аниқ гап,— деди у хаёл суриб,— мен Прюдан кўпроқ қайғу-ғам тортганиман. Бунга сабаб шуки, уларнинг ўзи аҳмоқ. Баъзиларини қаттиққўл бўлмасангиз, эплаб бўлмайди. Отамнинг бир негри бор эди, эсимда, жуда ялқов эди... У ишдан қутулиш учун доим қочарди. У, аллақандай ботқоқларда дайдиб, ўғирлик ва ҳар хил ёмон ишлар билан шуғулланарди. Уни тутиб ураддилар, кор қилмасди. Энг охира, юролмаганидан ўрмалаб кетиб, ботқоқда ўлиб қолди. Дадамникода негрларга жуда яхши муомала қилганларидан, бунинг ҳаммаси ҳеч сабабсиз содир бўлди.

— Мен эсам, назоратчилар ва хўжайнилар тузатолмаган бир негрни тузатганиман,— деди Сен-Клэр.

— Сен-а? — деб сўради Мари.— Қани айтчи, қандай қилиб тузатдинг?

— Бу негр асли африкалик полвон эди. Африканинг чин арслони эди. Унда озодлик туйруси бениҳоят кучли эканлиги кўриниб туарди. Номи Сципион эди. Ҳеч ким уни эплай олмас ва у бир хўжайиндан иккинчисига, қўлдан-қўлга ўтиб юарди. Пироварди: «тузатиб оларман» деган ният билан уни Альфред сотиб олибди. Бир кун бу негр, назоратчани уриб шалпайтириб, қочиб кетибди. Мен бу вақтда Альфредникида меҳмонда эдим. Альфред жуда аччиғланди. Лекин, унга: «айб ўзингда» дедим ва у билан «шу негрни тузатаман» деб гаров ўйнадим. Биз шундай шартлашдик: агар негрни ушлаб келишсалар синаш учун уни олиб кетадиган бўлдим. Шундан кейин, олти-етти киши, қўлларида милтиқ, олдиларида ит, уни ушлагани чиқишиди. Биласизми, кишилар кийик овига қандай қизиқсалар, одам овига ҳам шундай қизиқадилар. Ҳатто мен ўзим, негрни ушлаган чоқларида, бир бало қилиб қўйишмасин учун воситачи бўлиб борган бўлсан ҳам, бунга анча қизиқсендим. Итлар ҳура бошлади, биз от бошини қўйиб юбордик, энг охир, Сципионни топдик. У кийикдай чолар ва сакрар эди, шунинг учун уни узоқ вақт тутолмадик. Лекин, охири у жуда қалин қамишзорга кириб, ботиб қолди ва ўзини ҳимоя қила бошлади. Итлар билан мардона олишганини кўрсангиз эди! У итларни тўрт томонга юмалатди. Яланг мушти билан уриб уч кўпракни ўлдириди. Лекин, шу чоқ ўқ узилди, ўқ еб, қонга беланиб оёғимга йижилди. Бечора менга термилиб қаради, унинг кўзларида мардлик ва жасорат барқ уриб туарди. Унинг атрофига тўпланиб турган одамлар ва итларни ҳайдаб, уни ўз асирим, деб эълон қилдим. Менинг қўлимдан келгани шу бўлди, чунки овнинг юришиб кетганига қизиқиб қолган овчилар уни отиб қўймоқчи эдилар. Мен айтганимни қилдим — уни Альфреддан сотиб олдим. Кейин ишга sola бошладим ва икки ҳафтадан кейин шундай итоаткор ва юввош бўлиб қолдики, асти қўйинг.

— Хўш, қандай қилиб? — деб сўради Мари.

— Уни ўз уйимга жойладим, яхши кўрпа-тўшак солдириб бердим, яраларини боғладим ва бутунлай тузалгунча ўзим қарадим. Анчадан кейин унга озодлик қоғозини тайёрлаб, ўз қўлига бердим ва «энди озодсан, хоҳлаган ерингга кетавер» дедим.

— Кетдими? — деб сўради Офелия.

— Йўқ. У ақлсиз, озодлик қоғозини парчалаб ташлади-да, ҳеч қаёққа кетмайман» деб айтди. Үндай ҳалол, яхши ва вафодор хизматкорни кўрмадим, кейин унга кўл бўйидаги қўргончамни назорат қилиб туришни топширдим, у бу топшириқни жуда яхши бажариб тури. Кейин вабодан ўлди. Аслини олганда, у менинг учун ҳаётини фидо қилди. Мен касал бўлиб ётиб қолдим, ўлим тўшагида эдим, теварагимдаги одамларнинг бари қўрқиб мендан қочиб кетди, ёнимда ёлғиз Сципион қолди ва жон-жаҳди билан уруниб, мени ўлимдан қутқазди. Бечора! Шундан кейин, кўп вақт ўтмай, ўзи оёқдан йиқилди, уни қутқазиц иложи бўлмади. Бунга чеккан мусибатни мен ҳеч кимга чекмаган эдим.

Сен-Клэр бу воқиани ҳикоя қиласкан, Ева борган сари унинг ёнига яқинлашар эди. Унинг оғзи аинграйган, маънодор кўзлари каттайган, бу эса отаси гапираётган воқиани зўр диққат билан тинглаб турганини кўрсатарди.

Сен-Клэр ҳикояни тамомлагач, Ева отасининг бўйнита қўл солди-да, титраб йиглай бошлади.

— Ева, Қизгинам! Нима бўлди? — деб сўради Сен-Клэр.

Еванинг жажожи гавдачаси йигидан титрарди.

— Бу боланинг бундай воқналарни эшитмагани яхши, у жуда асабий, — деб пичирлади Сен-Клэр.

— Йўқ, дада, мен асабий эмасман, ҳеч бир, — деди Ева, болаларга хос бўлмаган қатъийлик билан ўзини тутиб. — Мен асабий эмасман, аммо шундай воқналарни эшитсан, юрагим санчиди.

— Бу нима деганинг, Ева?

— Буни сизга тушунтириб бера олмайман, дада. Умуман, ҳозир кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Эҳтимол, вақти билан ҳаммасини сизга айтиб берарман.

— Жуда соз, истаганингча ўйлан, азизим, лекин йифлаб, отангни хафа қилма, — деди Сен-Клэр. — Буни кўр, сенга ажойиб бир шафтоли келтирдим!

Ева шафтолини олиб илжайди, аммо асабланганидан, ҳамон лабиннинг бир бурчаги титрарди.

— Юр, олтин балиқларни томоша қиласмиш, — деди Сен-Клэр, қизининг қўлидан ушлаб равоққа чиқаркан.

Бир неча минутдан сўнг шод-хуррам кулги овози эшитилди. Ева билан Сен-Клэр бир-бирларига гул отишар ва хиёбонларда қувалашиб ўйнашарди.

Бизнинг камтарин Том оғайнимиз бу юксас зот қаҳрамонларнинг саргузаштлари кўланкасида анча орқа планда қолиб кетади, деб хавфсираш мумкин. Аммо, ўқувчиларимиз, бизнинг орқамиздан юриб, отхона төпасидаги кичкина болохонага чиқсалар, Том ҳақида баъзи бир нарсаларни билиб оладилар.

Том каравот, стул ва кичкина стол ўрнатилган бејирим бир уйчада яшайди. Шу топда Том, ана шу стол устидаги тоштахтани олдига қўйиб; мияни жуда қотирадиган иш билан банд бўлиб ўтирибди.

Том, юртини соғинганлигидан, Евадан бир варақ қоғоз сўраб олди ва ёш мистер Жорж берган сабоқлардан орттирган оз-моз билимини тўплаб, болаларига хат ёзмоқчи бўлди. Ҳозир у, тоштахтада ёзадиган хатини машқ қилмоқда. Том жуда хуноб бўлиб ўтирибди, чунки, баъзи ҳарфларининг қандай ёзилишини мутлақо ёдидан чиқарган, ёдида қолганиларини эса қандай ёзишни билмайди. У, оғир уф тортиб ўтиаркан, Ева қушдек парпираб унинг орқасидан курсига чиқди ва елкаси устидан қарай бошлади.

— Ҳой, Том тоға! Қандақа қизиқ илгаклар чизяпсан?

— Бечора кампирим билан болаларимга хат ёзишга уриняпман, Еваҳон,— деди Том кўзини артиб.— Лекин, бу урининшимидан ҳеч нарса чиқмас, деб қўрқаман.

— Жоним билан сенга ёрдам қиласдим, Том! Мен хат ёзишни оз-моз ўрганиб эдим. Утган йили ҳамма ҳарфни билардим, эҳтимол ҳозир ёдимдан чиққан бўлса.

Шундай деб, Ева тилла ранг бошчасини Томнинг бошига ёндаштириди, улар қандай қилиб ёзиш ҳақида астойдил муҳокама юрита бошладилар, бироқ ҳар иккала-ларининг ҳам ҳеч нарса билмасликлари маълум бўлди. Шундай бўлса ҳам, улар ҳар бир сўзни муҳокама қилиб ва кенгашиб хат ёза бошладилар.

— Ана, Том тоға, энди жуда яхши чиқяпти-ку!— леди Ева, тахтага завқ билан қараб.— Хотининг билан бечора болаларинг жуда севинишади, энди! Уларнинг олдидан кетганинг жуда ёмон бўлибди! Мен дадамдан сўрайман, бир қанча вақтдан кейин қайтиб кетгани сенга руҳсат берсин.

— Менинг бекам: «зарур миқдорда пул жамғариб сени қайтариб сотиб оламан» деб ваъда қилган эди,— деди Том.— Бекамнинг ўз въядасини бажаришига ишонаман. Ёш мистер Жорж чам: «Сени олиб келгани бо-



раман» девди у ўз ваъдасини бажариш нишонаси учун мана бу долларни бериб эди.

Шундай деб Том, кўйлаги остида осиғлиқ долларни олиб Евага кўрсатди.

— Ундай бўлса албатта келади! — деди Ева. — Мени жуда севинтирдинг!

— Шунинг учун, улар менинг қаерда эканлигимни билишсин ва бу ерда турмушим жуда яхши эканлигини бечора Хлояга айтишсин, деб хат ёзмоқчи бўлган эдим, йўқса, у бечора жуда ташвишланаётгандир.

Шу чоқ эшикка яқинлашиб келаётган Сен-Клэринг:

— Том! — деб чақирган овози эшитилди.

Том билан Ева ўрийларидан туришди.

— Бу нима? — деб сўради Сен-Клэр, киравериб, тахтага қааркан.

— Бу Том ёзаётган хат. Мен унга ёзгани ёрдамлаш япман, — деди Ева. — Емон чиқибдими?

— Икковларингни ҳам хафа қилмоқ истамайман, — деди Сен-Клэр, — лекин, хат ёзиб беришни мендан сўраганингда яхшироқ бўлар эди, Том. Майли, от сайридан қайтгач ёзиб бераман.

— Бу жуда мұхим хат,— деди Ева. — Биласизми да-да, унинг бекаси: «Сени қайтариб сотиб олиш учун пул юбораман» деган экан. Том бекасининг гапини менга айтди.

Сен-Клэр «Кўнгилчан хўжайинлар эски хизматкорларининг қайғусини юмшатиш учун, кўпинча сотиш олдидан шундай деб ваъда берадилар, лекин уни бажаришни ўйламайдилар ҳам. Эҳтимол, бу ҳам шундай ваъдалардан бироридир» деб ўйлади. Аммо у, бу тўғрида Томга ҳеч нима демай, саирга чиқиш учун отларни эгарлашни буюрди.

Кечқурун Том номидан хат кўнгилдагидек ёзилиб, почта қутисига ташланди.

Офелия эса, хўжаликни ўз изидан юргизмоқда эди. Динадан тортиб, негр болагача ҳамма Офелияни «стен-так» дейишарди. Жанубда қуллар ўз хўжаларини ёқтири-масалар одатда шундай дейдилар. Бу уйдаги негрлар жа-моасининг юқори табақаси бўлмиш Адольф, Жен ва Розалар Офелияни «хоним» эмас, деган қарорга келишди. Хоним ҳеч қачон бунга ўхшаб иш қилмайди. Бундан ташқари, унда «мағрур қиёфат» ҳам йўқ. Шунинг учун улар: «бу одам қандай қилиб Сен-Клэрниң қариндоши бўлиб қолди экан?» деб таажжуланар-дилар.

Мари ҳам: «Офелиянинг ишлашини кўриб чарчаб-ман» дейишгача борди. Бу шикоят асосли эди. Офелия, худди қаттиқ зарурият мажбур қилаётгандек, эртадан кечгача зўр бериб иш тикарди. Кун кеч бўлгач, тикуви-ни йигиштириб, тўр тўқишига тушар ва буни жуда тез ишлар эди. Дарҳақиқат, унинг ишлашига қараб турган киши толиқар эди.

ХХ БОБ

Толси

Бир кун эрталаб, Офелия рўзғор ишида банд экан, Сен-Клэрниң овозини эштди, у пастан қичқиради:

— Бу ёққа тушинг, кузина! Бир нима кўрсатаман.

— Нима ўзи?— деб сўради Офелия, қўлидаги тикуви билан пастга тушаркан.

— Сизга бир нарса сотиб олдим, кўринг,— деди Сен-Клэр.

Шундай деб, у, саккиз-тўққиз яшар негр қизни Офелияниңг олдига сурди.

У, бошқа негр болалардан ҳам қорароқ эди. Унинг шиша мунчоққа ўхшаган юмалоқ ва ярқироқ кўзлари олазарак эди. Қизчанинг оғзи таажжубланишдан ним очилган: янги хўжайининнинг меҳмонхонасида кўрган ажойиботлар уни жуда ҳайратга солган эди. Оғзида садафдек оппоқ тишлари ярқирарди. Жингалак соchlari бир нечта кокил қилиб ўрилган, улар ҳар томонга чўччайиб туради. Чеҳрасида баджаҳллик ва айёлликдан иборат ғалати бир аломат кўринарди, фақат ўзини маъюс ва сипоҳ тутишигина буни учча билинтирмас эди. Унинг ифлос ва жулдур кўйлаги қопдан тикилган эди.

Офелияга унинг кўриниши ёқмади. У, Сен-Клэрга юзини ўгириб, деди:

— Оѓюстен, буни нега олиб келдингиз?

— Уни тарбиялаб, ҳақ йўлга солиб юборинг, деб маҳсус сиз учун олиб келдим. У менга ҳудди Жимга ўхшаб кўринди. Бу ёққа кел, Топси,— деб, у кучукни чақираётгандек, ҳуштак чалди.— Қани, бизга ашула айтиб, ўйин қилиб бер.

Ярқироқ қора кўзларда аллақандай айёллик ялтираб кетди. У, қўл ва оёқларини уриб, чинқирма тоза овози билан негрларнинг ажойиб бир ашуласини айта бошлади. У пилдираб айланар, чапак чалар, жуда чақонлик билан тиззаларини уриштирас ва томогидан ғалати садо чиқаради. Энг охир у икки марта иргиди, паровоз ҳуштагига ўхшатиб чинқирди ва қўққисдан қўл қовуштириб тўхтади, юзида ясама таъзим ва тантана акс этарди. У атрофга кўз қири билан муғомбир назар ташларди.

Офелия ҳайратланиб, жим туради. Сен-Клэр унинг ҳайратланишидан лаззатлангандек кўринарди. У, негр қизга қараб, деди:

— Топси, сенинг янги беканг мана шу киши бўлади. Сени шу кишига бердим. Ўзингни яхши тут.

— Хўп, хўжайин,— деди Топси итоатомуз, лекин унинг баджаҳл кўзлари чақнади.

— Сен яхши қиз бўлишинг керак, Топси,— деди Сен-Клэр.

— Хўп, хўжайин,— деб такрорлади Топси, кўзини ялтиратганча, қўлларини одоб билан қовуштиаркан.

Офелия Сен-Клэрга хитобан деди:

— Огюстен, айтинг-чи, буни олиб нима қиласдингиз? Уйнингизда бундақа негр болалар тўлиб ётибди-ку. Бирортасини босиб олмайни, деб қадам босгани қўрқасан. Эрталаб эшикни очсан, биттаси эшик остида ухлаб ётади, яна биттаси стол тагидан қора бошини чиқариб турди, учинчиси эшик олдидаги бордонда ётади. Булар иуқул ошхона полида юмалашади, ўралишади, иржайишади, ағанаб ётишади. Хўш, бу қизни олиб келиб нима, қиласдингиз?

— Тушунтиридим-ку. Тарбия қиласиз деб олиб келдим. Тарбия тўғрисида кўп гапирасиз. Шунинг учун, уни сизга инъом этмоқчи бўлдим: у билан шуғулланиб, тўғри йўлга солинг.

— Хўп, бу иш чиндан ҳам менинг вазифамdir, балки,— деди Офелия қизга хайриҳоҳлик билан разм солиб.

Сен-Клэр унинг заниф торига тегди. «Сизнинг бурчигиз мана шундан иборат», деб секин айтиш билан уни ҳар ишни қилишга мажбур этиш мумкин эди.

— Лекин, тушунмаяпман,— деди Офелия,— уни нега олдингиз? Уйда негр болалар тўлиб ётибди. Уларнинг ўзлари ҳам жонимки олишади.

— Кузина,— деди Сен-Клэр, уни бир четга тортиб,— беҳуда эзмалигим учун афв этинг. Сизнинг жуда кўнгилчанлигингизни биламан, бинобарин, сизни беҳуда гаплар билан алдашнинг ҳожати йўқ. Гап шундаки, бу қиз бизнинг яқинимиздаги ошхона эгалари бўлган иккита пиянистанинг қўлида экан. Ҳар кун шу ошхона ёнидан ўтаман, мен қизнинг дод-войидан зерикдим: эгалари ҳадеб уни сўқиб ва калтаклаб турадилар. Қиз эпчил ва хушфеъл кўринади; менимча, ундан бир иш чиқариш мумкин. Шунинг учун, сизга инъом қиласман, деб уни олдим. Уз йўлингизга солиб, Янги Англияда қандай тарбиялашса, шундай тарбия қилишга ҳаракат қилиб кўринг, қани, ундан нима чиқар экан. Менинг тарбиячиликка қобил эмаслигимни биласиз, лекин сиз бунга ҳаракат қилиб кўрсангиз, хурсанд бўлар эдим.

— Яхши, қўлимдан келганини қилиб кўраман,— деди Офелия, кейин қора ўргумчакдан ҳазар қилгандай юриб ёш қизнинг олдига борди.

— Жуда ифлос... ҳам яланғоч экан,— деди у.

— Пастга олиб тушинг-да, бирортасига айтинг: ювиб-тараб, кийинтирсинглар,— деди Сен-Клэр.

Офелия қизни ошхонага олиб кетди.

— Ҳайронман, янги негр қиз хўжайнинга нимага керак бўлиб қолди экан?— деди Дина, қизни ётсираб назардан ўтказаркан.— У оғим остида ўралмас, деб ўйлайман!

— Фў!— дедилар Роза билан Жен нафрат билан.— Кўзимизга кўринмасин! Тушуниб бўлмайди, хўжайнинг яна янги негрлар нима учун зарур экан!

— Жим! Сен бундан оқ эмассан, Роза,— деди Дина, кейинги гап азбаройи ўзига тегиб кетганидан,— ўзингни оқ деб ўйлайсанми ҳали? Сен қора ҳам эмассан, оқ ҳам. Қайта бутунлай қора бўлиш яхшироқ.

Офелия билса, буларнинг ҳеч бирин қизни ювиб-траб, кийинтириши эп кўрмайди, шунинг учун бу ишни ўзи қилишга мажбур бўлди. Жен истар-истамас, зўрға унга қарашарди.

Шўрлик боланинг кирлигини асти қўйинг. Дарҳақиқат дунёда кўп кишилар шундай шароитда яшайдиларки, уларнинг кун кечиришларини тасвирлашнинг ўзи одамларни ҳаяжонга солади. Офелия бошлаган ишини охирига етказишга аҳд қилди, у ҳазар қилишни йигиштириб қўйиб, ишга киришди ва зарур нарсани қилди. Қиз баданида, айниқса елкаси билан орқасида чуқур яра изларини қўриб, раҳми келганидан юраги увишди, бу излар болага нисбатан қўлланилган тарбия усулининг излари эди.

— Бу ёққа қарангчи,— деди Жен, яра изларини кўрсатиб.— Булар қизнинг ёмонлигини кўрсатмайдими, ахир? Қиз деб ўлиб-бўламиш ҳали, кўрасиз! Шу негр болаларни жонимдан бадтар ёмон кўраман! Афти қурсин! Ҳайронман, хўжайнин буни олиб нима қиларкан!

Бу гапларни Топси одатдагича итоаткорлик ва маъюслик билан тингларкан, Женинг яшнаб турган исиреасига яширинча ўткир назар ташлади. Уни ювинтириб, сочини калта қилиб қирқиб, яхши кўйлак кийгизганларидан кейин, Офелия унинг мутлақо бошқа қиёфага қирганини қўриб, қаноат ҳосил қилди.

Уни тарбиялаш ҳақида Офелиянинг миясида баъзи бир фикрлар пайдо бўлди. У, Топси олдига ўтириб, сўрай бошлади:

— Неча ёшга кирдинг, Топси?

— Билмайман, хоним,— деб жавоб берди қиз, тишларини иржайтириб.

— Нечага кирганингни билмайсанми? Ҳеч ким айтган эмасми? Онанг ким?

— Ҳеч қачон онам бўлган эмас,— деди қиз иржайиб.

— Ҳеч қачон онам бўлган эмас дейсанми? Нима деганинг? Қаерда туғилгансан?

— Мен туғилган эмасман,— деди қиз қатъий ва юзини ғалати қилиб тириштириди. Мабодо Офелия асабиёроқ бўлганда эди, ўз олдиға турган болани шайтонвачча деб гумон қиласарди.

Лекин Офелиянинг асаблари жойида, ўзи ақлли ва ишчан, шунинг учун у, жиддий суратда деди:

— Менга бундай жавоб бермагин, хўпми. Сен билан ҳазиллашаётганим йўқ. Айт: қаерда туғилгансан, отонанг ким?

— Ҳеч туғилмаганман,— деб қизғин жавоб берди қиз,— на отам, на онам — ҳеч кимим бўлган эмас! Мен бир савдогарникида ўзимга ўхшагэн болалар билан ўстганиман. Бизларни Сью деган қари хотин боқарди.

Қиз афтидан самимий сўзламоқда эди. Шунинг учун Жен кулимсираб деди:

— Хоним, бунга ўхшаганлар кўп. Буларни савдогарлар кичкиналигида арzonга олишади, кейин сотиш учун боқишиади.

— Хўжайнларингникида кўп яшадингми?

— Билмайман, хоним.

— Қанча ахир, бир йилми, ё кўпми, озми?

— Билмайман, хоним.

— Кўрдингизми, хоним, бу қабиҳ негрлар бир оғиз гапни ҳам уddaлаб айтолмайдилар. Йил билан ойнинг нималигини билмайдилар,— деди Жен.— Неча яшарликларини ҳам айтиб беролмайдилар.

— Тикишни биласанми?— деб сўради Офелия, гап мавзунин ўзгартиб.

— Билмайман, хоним.

— Бўлмаса, нимани биласан? Хўжайнларингникида нима қиласардинг?

— Сув таширдим, идиш ювардим, пичоқ тозалардим, келган-кетгандарнинг хизматини қиласардим.

— Улар сени хафа қилишмасмиди?

— Йўқ,— деди қиз, Офелияга муғомбирларча қараб.

Офелия гапни тўхтатишга қарор қилди. Унинг орқасида, курсига суяниб, Сен-Клэр турарди.

— Мана сизга очилмаган қўриқ, ўтоқ қилишнингзининг ҳожати йўқ. Хоҳлаган нарсангизни экаверинг.

Офелиянинг бошқа фикрлари сингари, тарбия соҳасидаги фикри ҳам жуда қатъий ва мустаҳкам, юз ийнилгари Янги Англияда ҳукм сурган ва темир йўл бормаган узоқ бурчакларда ҳозир ҳам ҳукм сураётган фикрлар каби қатъий эди. Уларни бир неча сўз билан ифода этиш мумкин: болалар сўзлашдан илгари яхшигина ўйласинлар. Уларга тикиш ва ўқиши ўргатиш керак. Елғон гапирсалар уриш керак. Ҳайтовур, Офелиянинг тарбия ҳақида билганлари шу эди. Офелия зўргайрат билан бу ёввойи ёш қизга ана шу системани қўлашга киришди.

Ўйдагилар, Топси Офелиянини, деб ҳисоблардилар. Ошхонада қизга унча тузук қарамаганлари учун, Офелия уни ўз хонасида тарбияламоқчи бўлди. У, ўзига жой солиш ва бўлмани йиғиб-сидирини ишини Топсига ўргатиш керак, деган қатъий қарорга келди.

Офелия ишни шундан бошлади. Топсини бўлмасига олиб кириб, кўрпани қандай солиш кераклигини аниқ ўргатишга киришди.

Ювинган, бир вақтлар ўзининг қувончи бўлган кокиллари қирқилган, тоза кўйлак ва оҳорли фартук кийган Топси, Офелия олдида одоб сақлаб тик турагар эди.

— Энди, Топси, сенга жойни қандай солишини кўрсатай. Мен жуда яхши жой солинганини ёқтираман. Жойни солишини яхши ўрганишинг керак.

— Хўп, хоним,— деди Топси, чуқур уф тортаркан, маъюс ва жиддий суратда.

— Қани, энди бу ёққа қара, Топси: мана бу — рӯжанинг магизи, мана бу — авраси, мана бу — астари. Эсингдан чиқармайсанми?

— Ҳа, хоним,— деди Топси, у яна уф тортди.

— Яхши. Пастки рўжани ёстиқ остидан солиб, кейин яхшилаб тўшак остига мана бундай қилиб қистиришинг керак, кўрдингми?

— Ҳа, хоним,— деди Топси, зўр эътибор билан боқаркан.

— Устки рўжани эса,— деди Офелия,— мана бундай қилиб солиш керак, силлиқ бўлсин учун оёқ томонини тўшак остига маҳкамгина қистириш керак, мана бундай қилиб: энсиҳ мариз оёққа тўғри бўлсин.

— Ҳа, хоним,— деб тақрорлайверди Топси.

Лекин, Офелия орқасини ўғириши билан, у бир жуфт қўлқоп билан лентани ола солиб, дарров енги ичиға тиқди, кейин қўлларини қовуштириб тураверди.

— Қани, Топси, кўрсатчи, қандай қилиб жой соласан,— деди Офелия ва каравотдаги нарсаларни олиб ташлаб, курсига ўтиргди.

Топси жиддият билан, Офелиянинг айтганиларини чаққон бажариб, уни хурсанд қилди. Топси рўжанинг гижимларини ёзди, лекин бу ҳаракати вақтида енгидан лентанинг бир учи чиқиб, осилиб қолди, бунга Офелия-нинг назарин тушди. Офелия дарҳол уни ушлади.

— Муттаҳам, бузук қиз, бу нима қилганинг? Ҳали лентани ўғирладингми?

Лента Топсининг енгидан тушди, лекин у уялмади, балки таажжублангансимон маъюс назар билан Офелияга боқди.

— Бу лента Офелияхоннинг лентаси-ку? Бу менинг енгимга қандай қилиб кириб қолди экан?

— Аҳмоқ қиз, ёлғон гапирма! Буни ўғирлагансан!

— Хоним, ўғирлаганим йўқ деяпман-ку. Мен уни энди кўриб турибман.

— Топси, ёлғон сўзлаш яхши эмас, билмайсанми?— деди Офелия.

— Мен ҳеч бир ёлғон сўзламайман, Офелияхон,— деди Топси кўринишидан жўда тўғри одамга ўхшаб.— Ҳозир ҳам рост гапни айтяпман.

— Топси, ёлғон гапирадиган бўлсанг, калтаклайман!

— Хоним, мени эртадан кечгача урганингизда ҳам барibir бундан бошқа нарсанни айтольмайман,— деб жавоб берди Топси, йиги аралаш.— Уни ҳеч кўрганим йўқ. У, енгимга, ўрайин агар, ўзи кириб қолган. Эҳтимол, Офелияхон эсидан чиқарниб, каравотда қолдирган бўлса-ю, у рўжага тушиб, ундан менинг енгимга кириб қолган бўлса.

Бу ёлғонни эшитиб, Офелия жуда ғазабланди ва Топсининг икки қўлидан ушлаб, силкий бошлади.

— Ёлғон гапирма!

Силкиш зўридан иккинчи енгидаги қўлқоплар ҳам тушди.

— Аҳа,— деди Офелия.— Тағин: «Лентани ўғирладим» дейсанми?

Топси қўлқопни ўғирлаганига иқрор бўлса ҳам, лентани ўғирлаганини асло бўйнига олмади.

— Ҳой, Топси,— деди Офелия,— агар иқрор бўлсанг, калтакламайман.

Буни эшитгач, Топси ҳамма ўғирлигини бўйнига олди ва ошкора тавба қилди.

— Энди менга ҳаммасини айтиб бер. Биламан, уйга келганингдан буён бошқа нарсани ҳам олгансан, чунки кеча мен сенга ижозат бердим. кун бўйи ҳамма хоналарда юрдинг. Хўш, айт-чи, яна нималарни олдинг? Айтсанг урмайман.

— О, хоним! Евахон бўйнига тақадиган қизил нарсани олиб эдим.

— Оббо, ифлос қиз-эй! Хўп! Яна нима олдинг?

— Розанинг қизил исирғасини олдим.

— Икковини ҳам дарров келтириб бер!

— Улар йўқ энди. Ҷиб юборганман.

— «Ҷиб юборганман дейсанми?» Елғон гапирасан!

Бор, олиб кел, бўлмаса, калтак ейсан.

Топси қаттиқ йиғлаб, калтира олмаслигини баён этди.

— Улар ёниб кетган, ёниб кетган!

— Нега ёндиридинг уларни?— деб сўради Офелия.

— Чунки мен ёмон қизман. Жуда ёмонман! Ўзимга кучим етмайди.

Бўлмага Ева кириб келди. Унинг бўйнида бир шода марジョン бор эди.

— Ева, бўйнингдаги марジョンни қаердан олдинг?— деб сўради Офелия.

— Қаердан олдим? Кун бўйи тақиб юрибман,— деди Ева.

— Кечак ҳам бўйнингдамиди?

— Ҳа. Энг қизиги — бўйнимдан олмай ухлабман. Ётарканман, бўйидан ечиш эсимдан чиқибди.

Офелия жуда гангиг қолди. Лекин, бўлмага дазмолланган либос солинган саватни бошига қўйиб, қулоқларида исирғаси билан Роза кириб келганда, янайм ҳайрон бўлиб қолди.

— Бу болани нима қилсан экан энди!— деди Офелия, гарант бўлиб,— нима учун менга: «бу нарсаларни олдим» дединг, Топси?

— Хоним, ўзлари «ҳаммасини бўйнингга ол» деб айтдилар-ку. Мен нимани бўйнимга олишни ўйлаб топмадим,— деди Топси, кўз ёшини артаркан.

— Мен сенга «қилмаган гуноҳни бўйнингга ол» деганим йўқ,— деди Офелия.— Ахир, бу ҳам боягидақа ёлғон тап-ку!

— Ростми?— деб сўради Топси, маъсум таажжубланиш билан.

— Бу ўзи шунақа ёлғончи бола,— деди Роза, ўқраиниб Топсига қараб.— Агар мен мистер Сен-Клернинг ўрнида бўлсанам, қонига белангунча ураддим! Менга ёлғон гапириб кўрсин эди!

— Йўқ, йўқ, Роза,— деди Ева, буйруқ қилган оҳангода.— Бунақа дема, Роза. Мен бунақа гапларни ёқтиримайман.

— Худойим! Евахон, сиз жуда кўнгилчалигингиздан негрлар билан қандай муомала қилишни билмайсиз. Уларни урмоқдан бўлак чора йўқ.

— Роза!— деди Ева.— Бўлди, гапирма! Бунақа гапни гапирма... бир оғиз ҳам гапирма!

Унинг кўзлари чақнади, юзлари қизарди.

Роза дарҳол шаштидан тушди.

— Евахон дадаларига ўхшаган қизиқкон. Бу киши ҳам дадаларига ўхшаб, ҳар кимнинг тарафини олаверадилар,— деди-да Роза хонадан чиқиб кетди.

Ева Топсига қараб туради. Ниҳоят у, мулоиймгина:

— Бечора Топси, нега ўғирлик қиласан? Энди сени яхши парварищ қилишади. Яхшиси, сенга нарсаларимдан берайин, лекин ўғирлик қилма,— деди.

Топсининг умрида биринчи марта эшитган яхши сўзи шу эди. Шунинг учун ҳам бу яхши сўз унинг қотиб қолган, дағал юрагига қаттиқ таъсир қилди ва унинг юмaloқ, ўткир кўзлари жиққа ёшга тўлди. Лекин, у дарҳол қиқиллаб кулиб, одатича тишини иржайтириди. Йўқ! Ҳақоратдан бўлак нарсани эшитмаган қулоққа яхши сўзлар аллақандай ишончсиз эшитилади. Еванинг сўзлария Топсига шубҳали ва кулгили кўриниди, шунинг учун бу сўзларга ишонмади.

Энди Топсини нима қилиш керак? Бу ҳодиса Офелияни боши берк кўчага киргизиб қўйди. Унинг тарбиялаш соҳасидаги қонун-қондалари мутлақо қўллаб бўлмайдиган чиқиб қолди. Офелия ҳамма нарсани ўйлаб чиқмоқчи ва ўйлаб чиққунча, Топсини қамаб қўйди. Офелия, қандай иш тутиш тўғрисида бир қарорга келгунча, қоронғи омбор яхшилик нималигини қизга англатиб қўяр, деган умидда эди.

— Бу болани урмай, қандай қилиб тарбияласам экан, билмай қолдим,— деди Сен-Клэрга.

— Ҳа, истаганингизча калтаклайверинг. Нимани маъқул кўрсангиз, ўшандай қилинг, деб тўла ҳуқуқ бе-риб қўйдим.

— Болаларни доим урадилар,— деди Офелия.— Ур-масдан уларни тарбиялаш мумкин, деган гапни ҳеч бир эшиитмаганиман.

— Албатта,— деди Сен-Клэр.— Сизнингча қандай маъқул бўлса, шундай қилинг. Сизга фақат биттагина маслаҳат бермоқчиман: бу болани косов, белкурак, оташкурак ва қўлга кирган бор нарса билан урганла-рини кўрганман. Афтидан, у бундай муомалага қўнишиб қолган. Сиз, унга кор қилсин дессангиз, янайм қаттиқ-роқ урарсиз, деб қўрқаман.

— Ундаи бўлса, нима қилиш керак уни? — деб сўра-ди Офелия.

— Масала жиддий,— деди Сен-Клэр,— бу саволга ўзингиз жавоб берсангиз яхши бўлар эди. Калтак зўри билан идора қилинадиган инсон боласини нима қилиш мумкин? Агар калтак етмасачи? Ахир, кўпинча шундай бўлади-ку...

— Нима қилишини билмай қолдим. Бундай болани умримда кўрган эмасман.

— Бизда бундақа болалар кўп. Болаларгина эмас, әркак ва хотинлар ҳам бор. Буларни қандай идора қи-лиш керак?—деб эътиroz қилиб сўради Сен-Клэр.

— Бунга ақлим етмайди,— деди Офелия.

— Менини ҳам етмайди,— деди Сен-Клэр.— Газета-ларда ёзилган бениҳоя раҳмисизлик ва хўрлаш ҳодиса-лари, масалан, Прою ҳодисаси — нимадан бўлади? Бун-дай ҳодисалар кўпинча икки томоннинг аста-секин да-ғал бўлиши орқасида рўй беради, яъни қулдор борган сари шафқатсиз бўлади, қуллар эса бора-бора ҳиссиз бўлиб қолади. Ҳақорат ва калтак афъон сингари таъ-сири қиласди: сал кўпроқ афъон берсангиз, сезги-ҳис кўпроқ камаяди. Қулдор бўлганимдан сўнг буни тез орада англаб олдим. Шунинг учун мен бу ишни бошла-масдим, башарти бошласам, қаерга бориб тўхташини билмайман. Хизматкорларим ўзларини эрка болалардек тутадилар. Менинча, бир-биримизни пасткашликка сол-гандан кўра, бундай қилиш улар учун ҳам, мен учун ҳам яхшироқ. Сиз, уларнинг тарбияси учун бизнинг жа-

вобгарлигимиз ҳақида жуда кўп сўзлар эдингиз. Бинобарин, мен истардим — мана шунга ўхшаш мингларча болалардан лоақал биттасини тарбиялаб кўрсангиз.

— Шундай болаларни вужудга келтирган сизнинг системангиз,— деди Офелия.

— Биламан. Лекин улар вужудга келтирилганлар, улар мавжуд, уларни нима қилиш керак?

— Менга бу тажрибани қилишга имкон бераётганингиз учун сизга миннатдорлик билдириб, риёкорлик қилмайман. Лекин, бу иш менинг бурчим бўлиб қолгани учун бутун кучимни сарф қиласман,— деди Офелия.

Шундан бошлаб, Офелия зўр бериб Топсени тарбиялашга киришди; маълум соат вақт ажратиб, уни ўқиш ва тикишга ўргата бошлади.

Қиз алифбени осон ўрганди. У ҳарфларни тез билиб, унча қийин бўлмаган хатларни ўқийдиган бўлиб қолди. Аммо, тикишга анча қийналди. У мушукдек чаққои ва маймундек эпчил бўлса ҳам, тикув ишини ёқтиргмади. Ниналарни синдириб, яширинча дeraзадан отиб юборарди ёки деворнинг ёриғига тиқиб қўяди. Ипни эса чигаллар, узар ва кир қиласарди; баъзида ипни галтаги билдириб отиб юборарди. Кўз бойловчилик, афти-башарасини ҳар хил қиёфага кирита оларди. Гарчи Офелия, кетма-кет бунча ёмон ҳодисалар ўз-ўзидан содир бўлиши мумкин эмаслингини яхши тушунса ҳам Топсенни бу найрангларни қилиб турганда қўлга туширолмас эди.

Тез орада уйдагиларнинг ҳаммаси Топсига эътибор қилишадиган бўлиб қолди. Унинг ҳар қандай тентаклик, юз буришириш ва тақлид этишга бўлган қобиллигининг охири ўйқдай эди. У, ўйинга тушар, иргишлар, қўшиқ айтар, ҳуштак чалар, ўзини мафтун қилган ҳар бир овозга тақлид этиб, ўшандақа овоз чиқарарди. Ёзсан ишдан бўш эканида, уйдаги болаларнинг ҳаммаси таажжуб ва завқдан оғизлари очилиб, унинг орқасидан югурадилар. Бу болалардан Еваҳон ҳам истисно эмас. У, ялтироқ илонга мафтун бўлган капитар каби, Топсенинг ажойиб найрангларидан сеҳрлангандай кўринарди. Еванинг Топси билан бунча кўп вақт ўтказиши Офелияга ёқмас эди, шунинг учун у, Сен-Клэрдан Евага буни ман этишни сўради.

— Болани тинч қўйинг,— деди Сен-Клэр.— Топси билан бирга бўлиши унга фойда етказади, холос.

— Ахир, Топси жуда бузилган бола! Евани ёмон йўлга киргизишдан қўрқмайсизми?

— У Евани ҳеч бир ёмонликка ўргата олмайди. Бошқа болаларни ўргатиши мумкин. Евага ёмонлик юқмайди, карамнинг устига тушган шабнамдек, юқмай тўкилиб кетади.

— Бунчалик ишонаверманг,— деди Офелия.— Мен ўз боламга асло Топси билан ўйнагани ижозат бермасдим.

— Бўбди — сизнинг болаларнингизга ман қилинади,— деди Сен-Клэр,— менинг қизимга эса мумкин. Евани бузиш мумкин бўлганда, уни аллақачон бузган бўлар здилар.

Аввалда юқори даражали хизматкорлар Топсига нафрат билан қарадилар, кейин бу фикрдан қайтдилар. Топсини ким ранжитса, ўша бир балога йўлиқиши маълум бўлди: ё исирғаси, ёки яхши кўрган бирорта нарсани йўқолади, ё бўлмаса кийимининг бирор жойи бутунлай йиртиб ташланган бўлади, ёки у дилозор одам қайнотоқ сув тўла пақирга қоқилиб кетади, ёки янги кўйлак кийган бўлса, устига юқоридан ифлос сув қўйилар эди. Бу ҳодисаларнинг ҳеч бирида айбордor бўлганни топиб бўлмас эди. Топсини хонаки суд қилишардилар, лекин ҳамма синовлардан у омон чиқар эди. Бу ишни ким қилганлиги ҳаммага аён бўлса ҳам, гумонларни тасдиқлайдиган ҳеч қандай далил йўқ эди. Офелия эса азбаройи одил бўлганидан, Топсини бекордан-бекорга жазолашни истамас эди.

Топси ўз «қилиқлари» учун эпчиллик билан пайттопарди ва шунинг учун ҳеч бир кўлга тушмасди. Ҳасалан, Розадан ёки Жендан ўч олиш учун шундай пайтни танларди; улар беканинг ғазабига учраган вақтда, у ўч оларди ва бу чоқда уларнинг ҳар қанча шикоятлари назарга олинмасди — бундай пайтлар эса кўп бўлар эди. Хуллас, Топси ўзига озор бермаслик анча фойдалироқ эканини тезда исбот қилди. Шунинг учун унга ҳеч ким тегмайдиган бўлди.

Топси жуда чаққон ва эпчил, нимани ўргатсалар жуда тез ўрганарди. Бир-икки кўргазишдан кейин у Офелиянинг бўлмасини жуда пухта йигиштирадиган бўлди, ҳатто Офелиянинг ўзи ҳам бундан ҳеч қандай нуқсон тополмасди. Ҳеч ким Топсидаقا рўжа ёза олмас, ёстиқ тузатолмас ва чанг арта олмасди; бунинг учун фақат



бир нарса, яъни Топсида истак бўлиши шарт, аммо истак унда камдан-кам бўларди. Агар уч-тўрт кун яхшилаб ва чидам билан назорат қилгандан кейин Офелия соддалик қилиб: «Энди Топси ҳамма ишни ўзи қиласди», деб назоратсиз қолдирса ва бошқа ишга овора бўлиб кетса борми, Топси дарҳол бутун хонани остин-устун қилиб юборади. У жой солиш ўрнига, ёстиқ жилдини ечиб, жингалак соч бошини суркар ва натижада сочига пар ва тивитлар ёпишиб, ажониб безакка ўхшаб кўринарди. У каравот-

нинг панжарасига чиқиб, бошини паастга осилтирад, рўжаларни ҳилпиратиб айлантириб полга солиб қўярди, ёстиқларга Офелиянинг тунги кўйлагини кийгизар, уларга турли йўсинда ўйнаб, тинмай қўшиқ айтар, ҳуштак чалар ва кўзгу олдига келиб, юзини турли-туман қилиб буриштирад эди.

Бир куни Офелия, парвосизлик қилиб, яшиклардан бирининг калитини унтиб қолдирибди. Қайтиб келгач кўрса, унинг энг яхши ҳинд рўмолини бошига чалма қилиб ўраб, Топси кўзгу олдида томоша кўрсатмоқда.

— Топси! — деб қичқирди у, тоқати-тоқ бўлиб.— Бундай қилишга нима ҳақининг бор?

— Ўзим ҳам ҳайронман, хоним. Ёмонлигимдан бўлса керак.

— Сени нима қилсан экан, Топси?

— Мени уришингиз керак, хоним. Илгари бекам мени ургани-урган эди. Урмасалар, ишлашни билмайман.

— Ахир, Топси, сени уришни истамайман. Бекалтак ҳам жуда яхши ишлайсан. Нега ишлагинг келмайди?

— Нима қилай, ахир, калтакка ўрганиб қолганманда. Ҳадеб калтак емасам, иш қилгим келмайди, шунинг учун калтак менга фойдали, деб ўйлайман.

Аҳён-аҳёнда Офелия бу кенгашга мувофиқ иш тутар ва бундай чоқларда Топси доим қаттиқ додлар, қичқирап, инқиллар ва тавба қилиб ёлворарди. Ярим соатдан кейин сеа бир тўда негр болалар ўртасида, бирорта айвон четида ўтириб, рўй берган ҳодисани сира писанд қилмаганини билдиради.

— Офелиянинг уриши уришми? Бундақа урган билан пашшани ҳам ўлдириб бўлмайди. Илгариги хўжайинимнинг уришини кўрсангиз эди. Ана у пўстагимни боллаб қоқар эди!

Топси қилган ёмонликлари ва помаъқул ҳаракатларидан ҳар доим ғуурланарди.

— Сиз, негрлар! — дер эди у сомеларига. — Биласизми, ҳаммангиз гуноҳкорсизлар? Ҳа, ҳа, ҳар бирингиз гуноҳкорсиз. Оқлар ҳам гуноҳкор — Офелия шундай дейди. Лекин, менимча, негрларнинг гуноҳи кўпроқ бўлса керак. Аммо, ҳеч қайсиларинг менга етолмайсизлар! Мен шундай ёмонманки, ҳеч ким мени ҳеч цима қиломайди. Илгариги бекам мени ҳадеб қарғарди. Менимча, бутун дунёда мендан ёмон одам бўлмаса керак.

Топси дўмбалоқ ошар ва ўзидан мамнун бўлиб, сира тузалмас гуноҳкор эканлиги билан мақтанар эди.

Офелия якшанба куни уни ибодатга ўргатарди. Топси жуда зеҳнили бўлганидан, дуоларни тез ёдлаб олар ва шу билан устозини ҳайратга соларди.

— Бу ёд олишдан унга нима фойда? — деб сўради Сен-Клэр бир куни.

— Ед олиш болалар учун ҳар доим фойдали. Шунинг учун уларга ҳамма нарсани ёд олишни буюрадилар, — деб жавоб берди Офелия.

— Ед олаётган нарсаларини тушунмасалар ҳам-а? — деб сўради Сен-Клэр.

— Хотиржам бўлинг: болалар аввал ҳеч нимани тушунмасалар ҳам катта бўлганиларидан кейин тушуниб оладилар.

— Кичкиналигимда миямга ўрнатган нарсаларигизнинг ҳаммаси ёдимда бўлса ҳам, — деди Сен-Клэр, — мен ҳалигача ҳеч нимани тушунганим йўқ.

•

— Сиз доим яхши ўқир эдингиз, Огюстен. Сиздан умидим катта эди.

— Умидингиз ҳалиям йўқолган эмасми! — деб сўрали Сен-Клэр.

— Мен сизни болалигингиздагидақа яхши бўлишингизни истардим, Огюстен.

— Узим ҳам шуни истардим,—деди Сен-Клэр.—Бўбди, Топсига ўргатадиганингизни ўргатаверингчи. Балки яна бирор нарсага эришарсиз.

Бу суҳбат чоғида, одоб билан қўйловуштириб, қора ҳайкалдек қотиб турган Топси Офелиянинг имоси билан сабоғини ўқий бошлади. У сабоқни жуда яхши билар, фақат баъзан қийин сўзларни ғалати қилиб бузиб айттар ва хатони тузатиш учун Офелиянинг зўр бериб уринишларига қарамай, бу хатони ҳадеб тақорорлайверарди. Сен-Клэр эса, Топсининг бундай хато қилишидан аллақандай ором олар ва эрмакни истаган чоқда ёнига чақирав ва Офелиянинг норозилигига қарамай, бу хатоларни тақорорлашга мажбур этарди.

— Уни сиз ҳадеб хатони тақорорлашга мажбур этаверсангиз, менинг ҳаракатларимдан бир нарса чиқармиди? — дерди у.

— Тавба қилибман, энди қилмайман. Нима қилай? Бу қизнинг узун жумлаларни айтганда тутилишини яхши кўраман.

— Ахир, сиз бу билан уни атайн хато қилишга ундаяпсиз да.

— Барибир эмасми? Унга сўзни қандай қилиб айтма, ҳаммаси бир.

— Уни бирор нарсага ўргатинг, деган эдингиз. Сиз шуни унутмангки, у — ақлли жонивор, шунинг учун унга таъсир жорий этишга ҳаракат қилишнинг ўзи яхши иш.

— Шўрим қурсин! Унутмасликка тиришаман. Лекин, Топси айтгандек, мен жуда ёмонман!..

Топсини бу хил тарбиялаш икки йилча давом этди. Офелия, уни ўқитаман деб, эски касал билан олишган одамдек, туну кун азоб чекарди, пировардида у, кишилар невралгияга ёки бош оғриққа кўнинканларидек, бунга кўнишиб қолди.

Сен-Клэрни эса, Топси, найрангбоз тўти ёки ҳунарманд ит каби овунтирас. Бинобарин, Топси қилмишли учун шаккок ейиши лозим бўлган пайтларда доим

Сен-Клер курсиси ёнида жон сақлаб қоларди. Ишқилиб, Сен-Клэр уни ҳар доим қийин аҳволдан қутқазиб оларди. Баъзида Сен-Клэр Топсига пул берарди, Топси бўлса ёнғоқ, новвот олиб, уйдаги ҳамма негр болаларга улашарди. Инсоф билан айтганда, Топси кўнгилчан, саҳий эди ва ўзини сақлаш туйғусигина уни баджаҳл бўлишга мажбур этарди.

XXI БОБ

Кентукки

Ўқувчиларимиз бир оз вақтларини бериб, Том тоғанинг Кентуккидаги кулбасига қайтиб, у қолдирган одамлар аҳволидан хабар олишдан бош тортмасалар керак.

Дим ёз куни. Оқшом яқинлашмоқда. Қатта меҳмонхонанинг эшик ва деразалари ланг очиқ, гўё у, бу уйни зиёрат қилишни истаган ҳар бир елпинди шабадани таклиф қилгандай кўринарди.

Мистер Шелби, қўрани гир айлантириб ўраб олган узун айвонда ўтирибди. У тушки овқатни еган, ҳозир эса, креслога чалқанча ётган ҳолда, оёқларини иккинчи бир креслога қўйиб, сигарани чекиб ором олмоқда. Эшик орқасида чок тикиб Шелбихоним ўтирибди.

— Янги гап: Хлоя Томдан хат олибди,— деди Шелбихоним.

— А! Хат олибдими? Том у ерда дўст ортдирганга ўхшайди. Хўш, нима деб ёзибди? Турмуши қандай эмиш?

— Уни олижаноб бир оила сотиб олибди,— деди Шелбихоним.— Унга яхши муомала қилишар змиш, иши ҳам оз змиш.

— Жуда соз, тинч бўлса, хурсандман... жуда хурсандман!— самимий суратда деди мистер Шелби.— Менингча, Том жанубда яшашга ўрганиб қолиб, бу ёққа қайтишни ҳам хоҳламас.

— Аксинча, у ташвишланиб — «мени қайтариб сотиб олиш учун сизлар қачон пул жамғарасизлар?» деб биздан сўрабди,— деди Шелбихоним.

— Қачон жамғарилишини ўзим ҳам билмайман,— деди мистер Шелби.— Одам бир марта қарзга ботма-

син, кейин ундан чиқиб олиши жуда қийин бўлади. Худди бир ботқоқдан иккинчи ботқоққа сакраётгандек, бирордан қарз олиб иккинчи одамга берасан, кейин учинчи бир кишидан олиб биринчи одамга берасан, кейин қарайсанки, кўз очиб-юмгунингча векселлар, қарз хатлари ёгилаверади, хуллас, калава чувалган, бир минут тинчлик йўқ!

— Менингча, бу кўнгилсиз ҳоллардан қутулиш қийин эмас; отларнинг ҳаммасини сотайлик, ферманнинг ҳам бирини сотайлигу қарзларимизнинг ҳаммасини бира-тўла узиб қўя қолайлик.

— Кулгили гапни гапирасан, Эмили! Жуда жонон хотисан, Кентуккита сендан яхши хотин йўқ. Лекин бундай ишларда ҳеч нима тушунмаслигингни эснингга ҳам келтирмайсан. Умуман хотинлар бундай ишларни тушунмайдилар.

— Майли, шундай ҳам бўлсан. Лекин сен, қийинчиликларинг ҳақида ҳеч бўлмаса мен билан кенгаша олмайсанми? — деди Шелбихоним.— Қарзларингнинг рўйхатини, қарздорларингдан олишинг лозим бўлган пулларнинг миқдорини менга айтсанг, ишни амаллаш йўлини кўрсатишга уриниб кўрадим, ахир.

— Ажаб гапни гапирасан-а! Қийнамасанг-чи, Эмили! Сенга аниқ ва равшан ҳисоб бериш қўлимдан кела-дими? Сен, бу ишларни Хлоя холанинг пирогидага юмaloқ-ёстиқ қилиб силлиқлаб бўлади, деб ўйлайсанми? Йўқ, бу иш знача қийин... сен барибир ҳеч нима тушунмайсан!

Мистер Шелби, далиллари ишончлироқ бўлсан учун овозини баландлади — жентльменлар ўз хотинларни билан иш ҳақида мунозара қилганларида шундай оддий ва қулай усуслини қўллайдилар.

Шелбихоним бир уф тортиб, гапни тўхтатди. У идрокли, ишchan, уddaburon хотин; иродаси эса эриникидан кўра кучлироқ эди. Шунинг учун ҳам, унинг ишларини биргалашиб муҳокама этиш ҳақидаги таклифи, мистер Шелби ўйлаганча мантиқсиз эмасди. У, Том билан Хлоя холага берган ваъдасини чиндан бажариши истарди, аммо тўсиқ тобора ортаётганини кўриб, қайғурди.

— Томни қайтариб сотиб олиш учун пул жамғаришига бирор чора топиб бўлмасмикин? Бечора Хлоя хола-еи! У жуда ишонган эди!

— Афсуски, иложи йўқ. Мен, енгиллик қилиб уларга ваъда бериб қўйган эканман. Хлоя холага: «Том яқин ўртада қайтади, деб умид қилма» деганимиз яхши бўлмасмиди? Бир-икки йилдан кейин Том бошқа хотин оларди, Хлоя ҳам ўзига бошқа эр қилса яхши бўларди.

— Мистер Шелби, мен Хлояга ҳеч вақт бундай маслаҳат беролмайман. Биз каби Том билан Хлояга ҳам никоҳ бузилмас бир аҳд. Бошқа йўл билан пул топиш мумкин бўлмаса, мен музикадан дарс бера бошлайман. Хотиржам бўл, пул топиш қўлимдан келади.

— Йўқ, Эмили! Сен бу аҳволга тушмайсан! Сенинг хўрланишингга йўл қўймайман!

— Хўрланиш эмиш! Одамларга вижданан сўз бериб қўйиб, уни бажармасликдан ортиқ хўрланиш бўлмайди.

— Сен ҳамма вақт тантлилик қилишни яхши кўрасан, Эмили,— деди мистер Шелби,— лекин бу сафар сендан астойдил илтимос қиласман: донкихотчилигингдан қайт.

Равоқда Хлоя хола кўриниб қолганидан, суҳбат узилди.

— Бека, марҳамат қилсангиз,— деди у.

— Нима гап, Хлоя?— деб сўради Шелбихоним туриб айвон четига келаркан.

— Бека, жўжани бир кўрмайдиларми?— деб сўради Хлоя.— Балки беканинг кўнгиллари жўжадан паштет хоҳлар?

— Хлоя хола, ростини айтсан, менга фарқи йўқ. Истаган овқатингни қиласвер.

Хлоя қўлида жўжаларни ушлаб данг қотиб турарди. Бу он унинг фикри асло жўжаларда эмаслиги сезилди. Охири у бўлиб-бўлиб кула бошлади: кўпинча негрлар бирорга бир нарсани таклиф қилмоқчи бўлсалар-у, бунинг бажарилишига унча ишонмасалар шу йўсинда куладилар.

— Оҳ, хоним!— деди у.— Нега мистер билан сиз пулдан ташвишланяпсиз? Кўз ўнгингизда турган нарсадан фойдалансангиз бўлмайдими?

У яна кулди.

— Гапингга тушунмадим, Хлоя,— деди Шелбихоним.

У, Хлояниг ҳаракатларидан, зри билан орада ўтган гапни ишидан игнасиғача эшиятганини тушунди.

— Жуда осон, хоним,— деди Хлоя ўша бўлиқ култ

ки билан,— бошқа хўжайинлар ўз негрларини пул ишлагани юборадилар ва бу уларга яхши даромад келтиради.

— Пул ишлагани кимни юборсак дейсан, Хлоя?

— Ҳеч кимни. Сэм айтдики, Луизвилда бир одамга кекс, пирог ва печеньеларни яхши пиширадиган негр хотин керак эмиш. У одам ҳар ҳафтада тўрт доллардан ҳақ берарминиш.

— Ҳўш, нима бўлибди, Хлоя?

— Мен ўйладимки, хоним, энди Сэллининг ўзи ҳам ишлайверса бўлади. У менинг шогирдим, овқат тайёрлашни яхши билади. Бекам менга жавоб берсалар, пул топардим. Менинг печеньем кондитерхонаникидан ёмон эмас. Мен ҳар қандай кондитерни йўлда қолдириб кетаман.

— Лекин, Хлоя, болаларингни ташлаб кетгани кўнглинг бўладими?

— Уларга ҳеч нима қилмайди. Үғилларим ўсиб қолди, ишга бораверса ҳам бўлади. Ишнинг уддасидан чиқиша олади... Кичкинасини эса вақтинча Сэлли олади... Қизалоқ ювош, унга қараб туриш унча қийинмас.

— Луизвил... жуда узоқ-ку.

— Узоқ бўлса нима? Қўрқмайман. Бу жой Жанубда-ку. Чолим ҳам у ердан узоқда бўлмаса керак?— деб сўради Хлоя Шелбихонимга назар ташлаб.

— Йўқ, Хлоя. У ундан ҳам узоқда, у ердан бир неча юз миль нарида яшайди...— деди Шелбихоним.

Хлоянинг юзида маъюслик акс этди.

— Майли, Хлоя, у ерда сен Томга ҳар ҳолда яқинроқ бўласан. Майли, бор. Ойлигинги тийинигача эҳтиёт қилиб олиб қўявераман. Томни шу йўл билан қайтариб сотиб оламиш.

Ярқироқ қуёш нури порлаши билан қора булат кумушга айлачгани каби, Хлоянинг юзи ҳам бу сўзлардан чарақлаб кетди.

— Бундай меҳрибон бекам бўлмаганда, қандай ахволга тушар эдим! Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Менга ҳеч нарса керак эмас, на кўйлак, на кавуш; ҳеч нима керак эмас, мен битта тийинигача эҳтиёт қиласман. Бир йил неча ҳафта, бека?

— Эллик икки ҳафта,— деди Шелбихоним.

— Рости билан-а! Ҳар ҳафтада тўрт доллардан! Бир йилда қанча бўлади?

— Икки юз саккиз доллар,— деди Шелбихоним.

— Ростми?!— дея севиниб ва таажжубланиб қичқирди Хлоя.— Пулнинг ҳаммасини жамғариш учун кўп ишлашим керакми?

— Тўрт-беш йил, Хлоя. Лекин, бунча узоқ ишламассан — мен ёрдам бераман.

— Хонимнинг дарс бериб қийналишларини ҳеч-ҳеч истамайман! Хўжайнин тўғри айтди: бу ишингиз ярамайди. Ишонаманки, қўлларим билан бошим омон экан, оиласандан ҳеч ким бу қийноққа тушмайди.

— Кўрқма, Хлоя. Оиласни ерга қаратмайман,— кулимсираб деди Шелбихоним.— Сен қачон жўнамоқ ниятидасан?

— Менда ҳеч қандай ният-пият йўқ; Сэм у ерга тойларни олиб кетар экан: «Хоҳласанг, сени ҳам олиб кетаман», деди. Шунинг учун нарсаларимни йигиштирсан бўлади. Агар бека жавоб берсалар, Сэм билан эртага эрталаб жўнасам, фақат бека менга паспортимни берсалар ва тавсиянома ёсалар бўлгани.

— Яхши, Хлоя, мистер Шелби қарши бўлмаса, ҳаммасини тўғрилайман. Мен у билан сўзлашишим керак.

Шелбихоним эри олдига кетди. Хлоя эса қувониб, йўл тараффудини кўргани кулбаснига жўнади.

Кулбага кирган Жорж, Хлоянинг болалар кийими ни титаётганини кўрди. Хлоя эса унга:

— Эй, мистер Жорж! Мен эртага Лунзвиллга кетяпман, билмайсиз ҳам!— деди,— ҳар ҳафтада тўрт доллардан ишлайман. Бекам эса, чолимни қайтиб сотиб олгани у пулларни йигади.

— Жуда соз!— деди Жорж.— Яхши ният — ярим мол, шундай эмасми? Қачон жўнайсан?

— Эртага, Сэм билан. Энди, мистер Жорж, ўтириб чолимга хат ёзиб берсангиз.

— Албатта ёзаман,— деди Жорж.— Том тоғага биздан хабар борса жуда севинади-да! Ҳозир уйга бориб қоғоз билан сиёҳ келтираман. Биласанми, Хлоя хола, мен хатга янги қулуналар ва ҳамма нарсалар тўғрисида ёзаман!

— Албатта, албатта, мистер Жорж! Тезроқ боринг, мен эсам сизга товуқми, ишқилиб, бир нарса пишириб қўяман. Бундан кейин сиз бечора Хлоя холангиз билан ужин қилолмайсиз.

«Ут қурийди... гул сўлшийди»

Икки йил Томга унча билинмасдан кунма-кун ўтиб кетаверди. У, ўз дилига яқин ҳамма нарсадан ажратилганидан тез-тез оиласини соғинар, шунга қарамасдан, ҳар ҳолда уни бутунлай баҳтсиз деб бўлмас эди.

У, юқорида эслатиб ўтилган хатига ёш Жорждан жавоб олди; бу мактуб ўқувчи бола томонидан чиройли ва юмалоқ қилиб ёзилган, Томнинг айтишича, хатни хонанинг у четида туриб ўқиш ҳам мумкин эди. Мактубда, ўқувчиларимизга маълум бўлган турли янгиликлар, масалан, Хлоя холавининг Луизвиллдаги бир кондитерникига ишга кирганлиги, у ерда кекс, пирожки ва крендель пишириш йўли билан жуда кўп пул топажаклиги, бу пулларни тийиннагача сарф қилмай тўплаб, Томни қайтариб сотиб олиш учун ишлатилиши; Моз ва Питнинг омон-эсонлиги, кичкинанинг эса Сэлли билаи хўжайнининг ҳамма оиласи назорати остида уйда ўйнаб юрганилиги ёзилганди.

Хозир Том тоғанинг кулбаси ёпиқ, лекин Том уйга қайтгандан кейин, кулбанинг ёнига қандай янги бинолар солинишини ва уни қандай ясатажакларини Жорж ўз хатида жуда боплаб тасвиirlади. Хат охирига Жорж мактабда ўқиётган дарсларининг рўйхатини солган, ҳар бир дарснинг номи жимжимадор бош ҳарфлар билан ёзилган. Хатнинг бир чеккасига, Том кетгандан кейин туғилган тўрт қуулувнинг номлари ёзилган ва отонасининг саломатлиги билдирилган эди.

Умуман хатда изчиллик йўқ ва жумлалар ҳам унча силлиқ эмас эди; лекин, Том назарида, у дунё адабистининг шоҳ асарларидан юқори кўринди. У хатга қарашдан сира толиқмас ва ҳатто бир кун Ева билан «бу хатни рамкага солиб, деворга осиб қўйсан қандай бўларкан» деб кенгашди ҳам. Лекин қофознинг ҳар икки томонини баравар кўрадиган қилиш мумкин эмаслиги уни ниятидан қайтарди.

Қиз ўсган сари, Томга меҳри оша борди. Шунинг учун унинг истакларини бажариш ва айтганиларига кўниш Том учун энг катта қувонч бўлиб қолди. Эрталаб у Евага бозордан энг яхши гулдаста топиб келарди; унинг учун энг яхши шафтоли ва апельсинлар оларди.

Ҳаммадан ҳам Еванинг олтин соч бошчасини девордан чиқариб, ингичка овозчиаси билан: «Ҳа, Том тоға, бугун менга нима олиб келдинг?»— деб сўраганини у яхши кўрарди.

Уз навбатида Ева ҳам Томга хизмат қилгани тиришарди. Кичиклигига қарамай, ҳарфни яхши танир ва Томга тез-тез китоб ўқиб бериб турарди.

Шу кунларда Сен-Клэр онласи Поншартрэн кўлидаги боф уйларига кўчиб борди. Саратоннинг жазирама иссики, имконияти борларнинг ҳаммасини дим ва иссиқ шаҳардан ёқимли денгиз шабадаси эсадиган кўлга қочишга мажбур этди.

Сен-Клэрнинг ҳинд стилида солингган боф уйи (вилла)ни енгил бамбуқ айвонлар ўраб олган эди. Меҳмонхонадан хушбўй, нафис тропик ўсимликлар ва гулларга тўла катта боғчага чиқиларди. Илонизи сўқмоқлар кўлга олиб борар, унинг кумуш сатҳи эса, қуёш нурларида тўхтовсиз жилваланиб, янайм гўзалроқ кўринарди.

Оқшом пайти. Олтин тусли шафақ уфқни қоплади, у, осмон сингари жилвалангани сувда акс этди. Бутун кўл пушти ва олтин фангга ўралди; оқ елканли кемалар сув сатҳида сузмоқда; осмондаги олтин юлдузчалар шафақ алангаси орасидан мўралашиб, сувдаги жилвагар аксларига боқадилар.

Том билан Ева шийпондаги юмшоқ скамейкада ўтиришмоқда.

— Том тоға,— деди Ева,— мен у ёққа кетаман.

— Қаерга, Еваҳон?

Қиз, ўрнидан туриб, осмонни кўрсатди. Шафақ алангаси унинг сочини ва ловиллаган юзини ёритди.

Томнинг вафодор кекса юраги шув этиб кетди. Кеянги олти ой ичидаги Еванинг қўллари ориқлаганини, териси оқариброқ қолганини, нафас олиши ёмонлаша ётганини сезган эди. Илгари Ева боғда бир неча соатлаб ўйнар ва югуради, энди бўлса тез чарчайдиган бўлиб қолди. Том Офелиядан «Йўтал дори Евага фойда килмаяпти» деганини эшитган эди. Айни шу топда ҳам Еванинг юзи билан қўллари сил касали ҳароратидан ёниб турарди. Лекин шунга қарамасдан, Еванинг ҳозир айтган гапи ҳеч бир Томнинг ақлига кирмаган эди.

Офелиянинг хавотирланиб айтган чақириғи уларнинг суҳбатини бузди.

— Ева! Ҳой Ева! Совуқ тушиб қолди! Боғда ўтирганинг бўлар энди!

Офелия анчага борганидан болаларга қарашни яхши биларди. У, болалик чоғиданоқ Янги Англияда яшаб, азиз ва гўзал одамларни кўплаб қабрга олиб кетадиган ва ҳаёт ипини узмасдан, аввал уларга ўлим тамғасини босувчи бу устдан унча билинмайдиган ўғринчи касалнинг илк нишоналарини яхши ўргана олган эди.

✓ У, Еванинг қуруқ қилиб енгил йўталганини ва юзининг дард аралаш қизарганини сезди. Ева кўзларининг чақнаб туриши ва қувноқлиги Офелияни чалғитолмасди.

У, хавфсирашини Сен-Клэрга баён этди. Лекин Сен-Клэр бунга жеркиб қатъий ёътиroz билдири, бу ҳол унинг бепарво ҳазилкашлиги билан ҳеч боғланмас эди.

— Қагиллайверманг, кузина, мен қагиллаганини ёмон кураман! — деди у. — Бола ўсаётиби, кўрмаяпсизми? Болалар ўсаётганда доим эти қочади.

— Йўталиши-чи?

— Ҳечқиси йўқ! Йўтал ҳеч нарса эмас. Бир оз шамоллаган бўлса эҳтимол.

— Ахир Элиза, Жен, Эллен ва Мэрайя Сендерсларнинг касаллари ҳам худди шунаقا бўлиб бошланган эди.

— Э, беҳуда афсонангизни қўйинг! Сиз, кампирлар ҳаммангиз эски урф-одатга ботгансиз; бола йўталса ё акса урса борми — назарингизда ўлаётгандек кўринади. Қиздан боҳабар бўлинг, тунги совуқдан эҳтиёт қилинг, ўйнатан чоғида чарчаб қолмасин, шундай қилинса, у саломат бўлади.

Сен-Клэр шундай деди, лекин унинг юрагига ташвиш тушди. У, кун сайин қаттиқроқ ҳаяжонланиб, Евани кузатиб борарди ва унинг ташвишланиши:

— Бола соппа-соғ, йўтали ҳеч нарса эмас: бу — болаларда тез-тез бўладиган ошқозон йўтали, — деган сўзни ҳадеб такрорлашидан билинади.

У илгаригидан кўра кўпроқ Ева билан бирга бўлэ бошлади, ўзи билан Евани от сайрига олиб чиқди ва кишига дармон берадиган дорилар рецептини тез-тез уйга келтириб турди». — Қиз бунга мұхтар жилигидан эмас, — дерди у рецептни олиб келганда, — балки бу дорилар унга зиён қилмайли».

Аммо Евадаги фикр ва туйгуларнинг тобора ўсиши уни қаттиқ азобга қўйди. Гарчи бундай қараганда Ева ёш бола бўлса ҳам, сўзлашганда кўпинча ўйламай-нетмай жуда маънодор чуқур фикрларни айтарди. Бундай пайтларда Сен-Клернинг бадани живиллашиб кетар ва у Евани қаттиқ қучоқлаб оларди, бу астойдил қучоқлаш гўё болани хатардан ҳимоя қила оладигандек бўлар, дилида эса ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, қизни яқинлашиб келаётган ўлимдан олиб қолиш қарори авж олар эди.

Еванинг ёш юраги яхшилик қилиш ва севиш нияти билан тўлиб-тошгандай эди. У ҳамма вақт кўнгилчан эди, лекин ҳозир ҳамма Евада аёлларга хос таъсирчан сезгириликни пайқай бошлади. У, боягидек, Топси ва бошқа негр болалар билан ўйнашни яхши кўфарди, лекин энди ўйинга бевосита қатнашмай, кўпроқ томоша-бинлик қиласарди. Топсининг қизиқ-қизиқ қилиқларини кўриб ярим соатча шўх-шўх кулар, кейин юзига аллақандай кўланка тушар, кўзи хаёлчанланиб, фикри узоқларга кетиб қоларди.

— Ойи,— деди у бир кун онасига,— нега биз негрларимизни ўқишга ўргатмаймиз?

— Бу нима деганинг, болагинам? Уларни ўқитиш расм эмас.

— Нима учун?— деб сўради Ева.

— Чунки улар учун ўқишни билишининг ҳеч кераги йўқ. Ўқишни ўрганиб, кейин яхшироқ ишлайдиган бўлармидилар? Улар фақат ишлагани яратилган.

— Офелияхон Топсини ўқишга ўргатди-ку.

— Ҳа, ўргатган билан унга фойда етказибдими, кўряпсан-ку. Умрим бино бўлиб Топсидақа расво қизни кўрган эмасман!

— Бўлмаса бечора Мэмми-чи?— деди Ева.— Унга мен ўқиб бера олмайдиган бўлиб қолсам, улар нима қиласади?

Мари бу вақт аллақандай бир қутини титмоқда эди.

— Тез кунларда бошқа нарсалар тўғрисида ўйлайдиган бўласан, Ева. Негрларни хат ёзишга ўргатиш хаёлингдан кўтарилади. Кийиниб, жамоат ичига кира бошлаганингдан кейин, бўш вақting қолмайди. Бу ёққа қара,— деб гапини улади у,— бу марваридларни маросимга бораётганингда бераман. Биринчи марта бал-

га қатнашганимда таққан эдим. Сенга айтсам, Ева, балда ҳамманинг кўзи менда бўлган.

Ева қутидан марварид олди. Кўзи хаёлга ботиб, шодага тикилди, аммо фикри узоқда юргандек эди.

— Марваридга ҳеч бир қизиқмайсан-а, қизим?— деди Мари.

— Марварид қиммат турадими, ойи?

— Албатта! Отант уни Франциядан олдириб келган. Бу шода марварид бутун бир давлат бўлади.

— Шу марваридлар менини бўлса-ю, хоҳлаганимни қилсан,— деди Ева.

— Нима қиласдинг?

— Сотиб, пулига озод штатлардан жой олардим, у жойга негрларимизни ўтқазардим, уларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш учун ўқитувчи ёллардим...

Онанинг кулгиси Еванинг сўзини кесди:

— Негрларга пансион қилассан-да! Уларни яна рояль чалиш ва баҳмалга расм чизишга ҳам ўргатарсан?

— Мен уларни бир-бировларига хат ёзишга ва бир-бировларидан олган хатни ўқишга ўргатардим,— қатъий қилиб деди Ева.— Биламан, ойи, саводсизликдан улар жуда қийналади. Томга ҳам қийин. Мәммига ҳам, бошқаларига ҳам. Уларни ўқитмай, жуда ёмон иш қиласмиш.

— Бўлди, бўлди, Ева, сен ҳали ёшсан! Бу масала-ларда сен ҳеч нима тушунмайсан,— деди Мари.— Бундан ташқари, эзмалингингдан бошим оғриб қолди.

Агар бирор гап маъқул келмаса, дарров Марининг бош оғриғи қўзғар эди.

Ева чиқди. Шундан кейин зўр бериб Мәммини ўқита бошлади.

XXIII БОБ

Анрик

Сен-Клэрнинг акаси Альфред, ўн икки яшар ўғли билан бирга, бир неча кунга меҳмон бўлиб келди.

Ака-укалар эгизак бўлиб, уларни кўрган одамлар жуда ҳайратда қолишаради. Табиат уларни бир-бировларига ўхшатиб яратиш ўрнига, батамом бошқа-бошқа қилиб яратган эди. Шундай бўлса ҳам уларни алла-

қандай сирли бир тугун бир-бировларига оддий дўстлардан кўра кўпроқ ва маҳкамроқ боғлаган эди.

Огюстенниг кўзи мовий, соchlари тилла ранг, ўзи қотма, чаққон, чеҳраси очиқ эди. Альфреднинг кўзи қора, чеҳраси қадимги румоликларга ўхшар, қомати келишган, юзидан такаббурлиги кўриниб турарди. Улар ҳар доим бир-бировларини айблар, бир-бировларининг қилган ишлари ва фикрларини номаъқул топар, лекин булафга қарамай, бирга бўлганларида, ўзларини жуда яхши ҳис этардилар. Монандсизлик уларни бир-биралига тортарди.

Альфреднинг катта ўғли Анрик чиройли, ғуур, қора кўз, тетик ва ақлли бола эди. Евангелинанинг ҳавоий жилнаси биринчи қарашдаёқ болани ўзига жалб қилди.

Еванинг қордек оппоқ, жимит отчаси бор эди. Ева бу отчани жуда яхши кўрарди. Уни минганида отча бешикда терватгандек элтарди. Отча Еванинг ўзидақа беозор эди. Том жимит отчани айвон ёнига олиб келди, ўн уч яшар мулат бола эса, Анрикка атаб яқинда катта пулга сотиб олинган тўриқ араб отини олиб чиқди.

Анрик ўзининг янги оти учун болаларча ғуурланаради. Ўзининг кичкина кучеридан тизгинни оларкан, у, отни диққат билан қаради-да, хўмрайди.

— Ҳой, Додо, эринчоқ итвачча! Нима учун бугун эрталаб отимни тозаламадинг?

— Тозалаб эдим, хўжайнин,— дея садоқат билан жавоб берди Додо,— лекин у яна ағанаб, ифлос бўлибди.

— Жим, абраҳ!— деб қичқирди Анрик, ғазаб билан қамчисини кўтариб.— Гап қайтарма!

Додо чиройли ва шаҳло кўз мулат бўлиб, бўйи Анрик билан баравар эди. Жингалак соchlари очиқ ва тетик юзига гардиш бўлиб турарди. Унинг юзи ловиллаб, кўзи чақнади.

— Мистер Анрик...— деб гап бошлади у.

Анрик унинг юзига қамчи билан урди. Қўлидан ушлаб, ўз олдидаги тиз чўкишга мажбур қилди, кейин дармони қуригунча қамчилади.

— Мана сенга, шилқум ит! Энди гапимга гап қайтармасликни ўрганасан! Отни ол-да, яхшилаб тозала. Мен сенга кўрмаганингни кўрсатиб қўйман!



— Ёш хўжайин,—
деди Том,— Додо сиз-
га, отни отхонадан
олиб чиқаётганда туп-
роққа юмалаганини
айтмоқчи эди. Отингиз
жуда шўх экан. Шу-
нинг учун ифлос. Додо
тозалаб эди. Унинг то-
залаётганини ўз кўзим
 билан кўрганман.

— Тилингни тий,
сендан сўраётганим
йўқ!— деди Анрик ва
бирданига ортга қай-
рилиб, от сайри учун
маҳсус тикилган либос-
ни кийиб айвонда тур-
ган Ева билан сўзлаш-
гани пиллапоядан чиқа
бошлади.— Кечир, синг-
лим, бу аҳмоқ сени ку-
тишга мажбур қиляп-
ти,— деди у.— Отни то-
залааб бўлгунча, дам
олиб ўтиришни иста-
майсанми?.. Ийи, нима
бўлди сенга? Нега бун-
дай маъюссан?

— Нима учун До-
дога бундай бераҳм-
лик қилдинг, нега ёмон
ранжитдинг? — деди
Ева.

— Бераҳмлик қил-
динг? Ёмон ранжит-
динг?— деб хитоб қил-
ди Анрик, чиндан ҳай-
ратланиб.— Нима де-
ганинг, Еваҳон!

— Бунақа қилсанг,
мени Еваҳон деб айт-
ма!— деди Ева.

— Жон жиянгинам, Додони сен билмайсан. Бошқача йўл билан уни эплаб бўлмайди. У шундай ёлғончи, айёрки, доим бир баҳона топади. Бирдан-бир чора — дарров таинбиҳини бермоқки, шунда қайтиб оғзини очмайди. Дадам ҳам шунақа қчлади.

— Том тоға: «У рост айтди» деди-ку. Том тоға ҳеч вақт ёлғонламайди.

— Ундаи бўлса, бу қари негр аллақандай аломат экан-да,— деди Анрик,— Додо оғзини очди дегунча, ёлғон гапира бошлайди.

— Бунинг учун ўзинг айбдорсан. Уни ҳадеб қўрқитаверганинг учун сени алдайди.

— Ева, уни мунча ёқлайсан, бундай бўлса, мен сени рашк қила бошлайман.

— Унинг ҳеч гуноҳи йўқ эди, сен эса урдинг.

— Бўбди, буни келгуси яхшилик ҳисобига ёзиб қўйсин. Янаги сафар у гуноҳ қилганда урмайман. Бир неча ортиқча қамчи еса зиён қилмайди. У — шайтоннинг ўзгинаси! Лекин, сенга ёқмас экан, олдингда уни ҳеч урмаганим бўлсин.

Бу ваъда Евани қаноатлантирумади, лекин у, ўзининг барча фикр ва ҳисларига қўшилишни тўзал қариндошидан талаб қилиш мумкин эмаслигини тушунди.

Кўп ўтмай, отларни етаклаб Додо келди.

— Балли Додо, жуда боллабсан,— деди Анрик, анча шахтидан тушиб.— Бу ёқقا кел, Евахоннинг отини ушлаб тур, мен у кишини эгарга ўтиргизиб қўйяй.

Додо жимит от ёнига келиб, тўхтади. Унинг қайфи бузуқ эди, кўзларидан йиғлаганлиги билиниб турарди.

Ўзининг назокатлигидан ғуурланувчи Анрик Евани илдам эгарга ўтқизди-да, тизгинларни берди.

Лекин Ева Додо турган томонга эгилиб:

— Раҳмат сенга, Додожон!— деди.

Додо қизнинг нафис юзига ҳайрат билан назар ташлади, юзига қон югурди, кўзи яшнади.

— Додо, бу ёқقا кел!— дея буюргансимон қичқирди хўжайин.

Додо югуриб бориб, Анрик эгарга ўтириб олгунча унинг отини ушлаб турди.

— Мана бу чақа пулга новвот ол, Додо,— деди Анрик, кейин Ева оғқасидан чолиб кетди.

Додо анчагача улар кетидан қараб қолди. Бири унга пул берди, бири унинг учун пулдан қимматроқ бўлган

ёқимли, яхши сўз айтди. Додони онасидан ажратганларига бир неча ой бўлган эди. Альфред қул бозоридан уни чиройли юзига қизиқиб сотиб олган эди, чунки у гўзал араб отига мос эди.

Ака-ука Сен-Клерлар бўлиб ўтган можарони бошдан-оёқ кўрдилар.

Огюстенниг юзи ловиллади, лекин одатича, мазақ ва беларво оҳанг билан деди:

— Бизда буни республикача тарбия, деб айтадилар шекилли-а, Альфред?

— Анрикнинг жаҳли келиб қолса, шайтоннинг ўзи бўлиб кетади,— деда парвосиз жавоб берди Альфред.

— Жаҳли тезлик Анрик учун фойдали деб ҳисобласанг керак?— совуқцина деди Огюстен.

— Бу менга маъқулми, йўқми, начора, барибир, қўлимдан ҳеч нима келмайди. Анрик қуюннинг ўзи. Биз хотин иккимиз унга аллақачон қўл силтаб қўйғанмиз. Лекин Додо ҳам тузук, бир-икки калтак бўлса ортиқчалик қилмайди.

— Бундан ташқари, бу нарса Анрикка республика катехизисининг: «Барча кишилар тенг ва озод туғилади»¹, деган биринчи сатрини ўргатади.

— Бе!— деди Альфред.— Французларга хос беҳуда гапни айтасан-а! Бу сўзларни бизнинг замонимизда эслаш куялди.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— деда мубҳам жавоб берди Огюстен.

— Одамларнинг ҳаммаси,— деди Альфред,— тенг ва озод туғилмаслиги мутлақо равшан. Мен бу республикача маҳмаданаликни беҳуда гап деб ҳисоблайман. Тарбияли, маълумотли, нафосатнинг нималигини тушунадиган ва бой одамлар тенг бўла олади... Лекин авом озодлик учун туғилган эмас.

— Кошки сен авомга бу фикрларни тушунтиrolсанг эди!— деди Огюстен.— Авом ўзининг ким эканлигини Францияда бир бор кўрсатди².

— Шунинг учун уни исканжада тутиш, қаттиқ ва шафқатсиз идора қилиш керак... Мен худди шу йўсинда

¹ «Барча кишияр тенг ва озод туғилади»— бу сўз Франциядаги биринчи буржуа революцияси эълон этган «Инсон ва гражданик ҳуқуqlари декларацияси»дан.

² Бу ерда Франциядаги биринчи буржуа революцияси ҳақида сўз боради. Бу революция вақтида халқ ўз золимлари — дворянлар ва попларни шафқатсиз жазолаган эди.

иш тутаман,— деди Альфред қаттиқ депсиниб, гүё разил авом ўша ерда бўлгандек.

— Аммо авом сизнинг бўйинтуруғинтизни иргитиб ташласа, осмоннинг ҳам алансаси чиқиб кетади,— деб жавоб қайтарди Огюстен.—~~Сан~~-Домингодаги воқиаларни эслаб кўр¹.

— Лекин,— деди Альфред,— ўз мамлақатимизда бунга йўл қўймаймиз. Негрларни тараққий этдириш керак, уларга билим бериш керак, деган ва ҳозир расм бўлиб қолган гапларга қарши курашишимиз лозим. Паст синфа билим керак эмас.

— Ҳозир бу тўғрида сўзлашнинг вақти ўтган,— деди Огюстен,— улар билимли бўладилар, лекин бутун масала — улар оладиган билимнинг қай хилда бўлишида. Биз уларни нимага ўргатишимиз мумкин — ёввойилик билан шафқатсизликка ўргатишимиз мумкин, холос! Биз улардаги барча инсоний хислатларни йўқотамиш-да, дағал ҳайвонга айлантирамиз. Бир кун келиб улар бизга ҳоким бўлиб қолсалар, ана унда бунинг мевасини ўзимиз тотиб кўражакмиз.

— Улар ҳеч қачон бизга ҳоким бўлолмайдилар!— деди Альфред.

— Пар машинани ол,— деди Огюстен,— қопқоқларини ёп ва устига ўтири, кейин кўрамиз, ўзингни қаерда кўрар экансан.

— Бўбди,— деди Альфред,— кўрамиз. Қозон бутун бўлиб, машина яхши ишласа, мен қопқоқ устида ўтиришдан кўрқмайман.

— Людовик XVI² замонида дворянлар ҳам шундай деб ўйлаган эдилар. Шу чоққача Австрия билан Пий IX³ ҳам шундай деб ўйлайдилар. Бир кун келарки, қозонлар ёрилиб кетар, ана ўшанда сизлар ҳаммангиз осмонда учрашиб қоласизлар.

¹ Сан-Доминго—Вест Индиядаги Гаити оролида кичкина Республика. Гаити оролидаги қул негрлар, қаттиқ зулмга чираб турулмай, 1791 йилда қўзғолон кўтариб, ўз қулдорларини ўлдирган эдилар.

² Людовик XVI (1774—1793)—француз қироли, Францияда революцияни босиши учун чет эл қўшинларини ёрдамга чақирмоқчи бўлгандаги революционерлар томонидан қўлга олинниб, ўлдирилган.

³ Пий IX—Рим папаси (1846—1878). У, 1850 йилда Австрия ва француз аскарлари ёрдами билан Римдаги халқ қўзғолонини тормур этган. Австрия 1848—1850 йиллардаги Венгрия ва Италия революцияларини босгани.

— Тирик бўлсак, кўрамиз! — деди Альфред кулимсираб.

— Лекин мен сенга айтиб қўйай,— деб эътиroz этди Огюстен,— худди бизнинг замонимизда омма бош кўтарида ва қўйи синф ҳокимиятни ўз қўлига олади.

— Республикачиларнинг бу қизил сафсалаларини эшитганмиз, Огюстен! Сен ўткир кўча агитатори бўлинг мумкин. Сенинг ифлос, ирkit авоминг ҳукмровлик қилмасданоқ ўлсам кошки эди.

— Ирkitми, ирkit эмасми, лекин вақти келади — ўша авом устингиздан идора қилади,— деди Огюстен.— Сиз ҳозир у билан қандай муомала қилаётган бўлсангиз, у ҳам сизлар билан шундай муомала қилади. Француз дворянлари халқни иштонсиз қилди¹ ва иштонсизлар дворянларни тумтарақай ҳайдади. Ганида ҳалқ...

— Қўйсангчи, Огюстен! Шу расво, разил Ганини оғзингга олма энди! Ганиликлар паст, разил ва хароб одамлар экан, лекин улар инглиз-саксонлар² эмас-ку. Улар инглиз-саксон бўлганларида иш бутунлай бошқача бўларди. Инглиз-саксонлар аз алдан дунё ҳокими, ҳамма ерда ҳукмрон ирқ бўлганлар ва доим шундай бўлажак. Биздан кўнглинг тўқ бўлсин! Ҳокимият — бизнинг қўлда. Бу қашшоқ, қарам ирқ эса,— деди у яна қаттиқроқ ер тепиб,— пастда турибди ва шундай бўлиб қолажак ҳам. Яроғ-аслаҳамизни ишлатиш учун бизда етарли куч бор.

— Ҳали, ўғлинг Анрик каби тарбия олган фарзандлар яроғ-аслаҳа оморларини яхши қўриқлайди, демоқчимисан? Фарзандларингизнинг қанчалик сабот ва вазминлиги маълум-ку! «Ўзини идора қилолмаган одам, бошқаларни ҳам идора қилолмайди» деган мақолни унутма,— деди Огюстен.

— Ҳа, албатта,— хаёл суриб деди Альфред,— бизнинг ижтимоий системамиз шароитида болаларни тарбиялаш қийин. Бу система ихтиросларимизнинг кучайишига кенг майдон очиб беради, ҳолбуки бизнинг иқлимимизда ихтирослар бусиз ҳам жўшқин. Анрик мени ташвишлантиради. У кўнгилчан, лекин жаҳли тез бола. Ўтнинг ўзгинаси. Мен уни ўқигани шимолга юбормоқ-

¹ Иштонсизлар — (французча санкюлотлар) — француз дворянлари Франциянинг революцион халқини ҳақоратлаб, мана шундай лақаб берган эдилар.

² Гани оролида қулдорлар — француз ва испанлар эди.

чиман, у ердаги кишиларда итоат қилиш — биздагидан кўра кучлироқ, у ерда у бўйсунгандар ичиде эмас, балки тенгдошлар орасида бўлади.

— Болаларни тарбиялаш инсоннинг энг муҳим мақсади бўлганидан,— деди Огюстен,— сенинг сўзларинг яна бир марта бизнинг бу системамизнинг ҳеч нимага ярамаганлигини тасдиқлайди.

— Шунча эзмалик қилганимиз етмасми, Огюстен! Буни биз минг марта мұхокама қилганимиз. Яхиси, бир триктрак¹ ўйнаб олайлик.

Ака-ука айвонга чиқиб, енгил бамбуқ столи ёнига ўтирилар. Соққаларни тахтага терарканлар, Альфред деди:

— Биласанми, Огюстен, мен ҳам сен каби ўйлаганимда эди, бирор иш қилган бўлур эдим.

— Бунга шак-шубҳа йўқ. Сен корчалон одамсан. Хўш, нима қиласдинг?

— Тажриба учун қулларингнинг ақлини ўстириш билан шуғуллан,— ярим нафратомуз табассум билан деди Альфред. — Уларга билим бер, ўқит!

— Уларнинг гарданига, Этна тоғи каби оғир, барча ҳоким синифлар миниб олган. Бу шароитда улар ўқий оладиларми? Бутун жамият унга қарши бўлар экан, битта одамнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Уларни давлат ўқитиши керак ёки, ҳеч бўлмаса, уларнинг ўқишига қаршилик кўрсатмаслиги лозим.

— Юриш сендан,— деди Альфред.

Ака-ука ўйинга шўнчиши ва айвон ёнида от туёқлари овози эшитилганга қадар ўйнашиди.

— Болалар ҳам келишиди,— деди Огюстен тураркан.— Бу ёққа қара, Альф! Бундай гўзалларни ҳеч кўрганимисан?

Чиндан ҳам болалар гўзал болалар эди. Қора сочли, қип-қизил юзли, кенг, очиқ манглайли Анрик гўзал кузинасига энгашиб шод-хуррам куларди. Ева кўк амазонка билан кўк қалпоқча кийган эди. Отда тез юрганликдан унинг юзи қизарган ва шу сабабли унинг газарган териси ва олтин сочи янайм гўзалроқ кўринарди.

— Худойим! Бунинг гўзаллиги кўзни олади!— деди Альфред.— Катта бўлганда, қанчадан-қанча юракларни мафтун қиласмиш!

¹ Триктрак — қадимги француз ўйини.

— Сўзсиз мафтун қиласди. Худога аён. Мен ана шундан қўрқаман!— деди Огюстен ва унинг овозидан бу онда азоб чекканлиги билинди.

У, Евани эгардан тушириш учун шошилиб пастга тушди.

— Ева, азизим, унча чарчамадингми?— деди у. Қизини бағрига босиб.

— Йўқ, дада,— деди қиз.

Лекин унинг қисқа ва оғир нафас олиши отасини ҳаяжонлантирди.

— Нега отни қаттиқ чоптиридинг, жоним! Сенга зиёнлигини биласан-ку.

— Маза қилдим! От чоптиришни жуда яхши кўраман. Шунинг учун, от минганимда фойда-зиён эсимдан ниқади.

Сен-Клэр уни кўтариб меҳмонхонага олиб кирди-да, күшеткага ётқизди.

— Анрик, Евадан ҳушёр бўлиб тур,— деди у.— Бирга бўлганингда отни тез чоптирма.

— Доим ҳушёр бўламан,— деди Анрик күшеткага ўтиаркан, Еванинг қўлини ушлаб.

Тез орада Ева ўзини тузук ҳис этди. Қатталар янга ўйинни бошладилар. Болалар ёлғиз қолишибди.

— Биласанми, Ева, мен хафаман: дадам икки кундан кейин кетамиз деяпти. Сени анчагача кўрлмайман! Сен билан қолганимда, хушкўнгил бўлишга тиришардим. Додони урмасдим. У билан ёмон муомала қилишни асло истамайман, лекин жаҳлим тез! Биласанми, Додога унча ёмон муомала қилганим йўқ. Унга баъзан пул бераман. Унинг яхши кийинганлигини кўрдинг. Менимча у, ёмон яшамайди.

— Қалай, дунёда ҳеч ким сени севмаса, турмушинг яхши бўлармиди?

— Меникими? Албатта яхши бўлмас эди!

— Сен эса Додони ота-она, қавми-қариндошидан ажратиб олгансан, унинг ҳозир меҳрибонлик қиласиган яқин кишиси йўқ. Инсонни бирор севмаса, унинг турмуши яхши бўлмайди.

— Хўш, мен нима қиласди! Унга она топиб беролмасам, ўзим ҳам уни ҳеч бир севолмасам.

— Нимага уни севолмайсан?— деб сўради Ева.

— Додони-я? У менга ёқиши мумкин. Лекин сен ҳам хизматкорларингни севмайсан-ку?

— Албатта севаман.

— Қизиқ иш-ку!

Ева жавоб бермади. Уннинг кўзлари бир лаҳза йироқ-йироқларга тикилди.

— Ҳар ҳолда, азиз кузиним,— деди у,— бечора Додони сев ва унга яхши муомала қил, ҳеч бўлмаса, азбаройи менинг учун шундай қил!

— Сенинг учун мен ҳар кимсанни севишга тайёрман, чунки сендақа олампаноҳ зотни кўрганим йўқ!

Анрик бу сўзларни ихтирос билан айтганидан, гўзал юзи ловиллаб кетди. Ева бўлса бу мақтоворни, юзини ҳам ўзгартмай, шунчакни қабул этди ва қувноқлик билан деди:

— Сенга ёққаним учун хурсандман, Анрик. Ишона-ман, мени ёдингдан чиқармассан.

Тушки овқатга урилган қўнғироқ овози уларнинг суҳбатини узди.

XXIV БОБ

Машъум нишоналар

Анрикнинг келишидан хурсанд бўлган Ева отга ми-ниб чопар - ва ўзи ҳам ҳаддан ташқари кўп югуради. У кетгандан кейин, қиз тез дармонсизлана бошлади. Сен-Клэр врач билан маслаҳатлашмоқчи бўлди. Ҳозиргача у врача мурожаат қилмай келди, чунки улардан даҳшатли гап эшитишдан қўрқарди.

Лекин охири Еванинг ҳоли жуда ёмонлашди, у, икки кунгача уйдан чиқмади. Шундан сўнг Сен-Клэр докторга одам юборди.

✓ Марн қизининг бетоблиги ва ҳолдан кетишига эътибор бермасди, чунки икки-учта янги дардни ўрганиш билан банд эди. У, ўзини бу дардларнинг қурбони деб ҳисобларди. У «ҳеч ким мендек азоб чекмайди ва чека олмайди», деб қаттиқ ишонганди. У, атрофидаги одамлардан бирортаси касал бўлиши мумкин, деган гапни сира-сира эшитгуси келмасди. У, бошқаларнинг касалини ялқовлик ва бебошлик натижаси деяр, ўзи чекаётган захматларни эса ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди, деб ҳисобларди.

Офелия унинг оналик шафқатини қўзғатишга жуда кўп уринди, аммо барчаси муваффақиятсиз чиқди.

— Мен унда ҳеч касаллик аломатини кўрмайман,— деб эътиroz билдиарди Мари.— Югуради, ўйнайди, шўхлик қиласди.

— Йўталини кўрмайсизми, ахир!

— Йўталмиш! Йўталдан гапирманг менга. Мана менинг йўталимни йўтал деса бўлади, ёшлигимдан бери, бутун умр йўталаман. Евадай бўлганимда, мени сил деб ўйлашган. Мэмми кечалари бошимда ўтириб чиқарди. Эй, Еванинг йўтали меники олдида ҳеч нима эмас.

— Ахир у дармонсизланиб кетяпти, йўталганда нафас ололмай қолади.

— Эй, бу аҳвол менда йиллаб бўларди! Бунинг ҳамаси — асаддан.

— Кечалари терга ботиб кетади, ахир!

— Мен ҳам... кейинги... ўн йил ичиди... кўпинча кечалари шунча терлайманки, сиқсангиз кўйлагимдан сув оқади. Тўнги кўйлаклар шилта бўлади, рўжаларимни эса Мэмми ёзиб қурилади. Ева мендақа қаттиқ терламас.

Офелия анча вақт индамай юрди.

Лекин Еванинг касали равшан бўлиб қолди, уйда доктор пайдо бўлди. Мари қўйқисдан фикрини ўзгартди. Унинг сўзига кўра, ўзининг шўр пешона оналардан эканлигини илгаридан сезиб келган. Мана энди, беморлиги устига, севган ва ягона боласи унинг кўзи олдида қабр ёқасида. Кечалари у тўхтовсиз йиғлайвериб, Мэммини безор қила бошлади, кундузларни эса ўзининг бошига тушган янги кулфатлар учун янаям кўпроқ ҳайратланиб мингиллай берди.

— Жон Мари! Бўлди!!— дей уни юпатарди Сен-Клэр.— Бирданига бунча умидсизланиш керак эмас.

— Сен она ҳиссини тушунмайсан, Сен-Клэр! Сен мени тушунмагансан. Сен ҳеч нима тушунмайсан!

— Лекин, умид узилди, деб гапириш керак эмас-да!

— Мен бунга сендай бепарво қаролмайман. Ёлгиз боламизнинг жони хатарда бўла туриб, сен ҳеч нарсани сезмасанг ҳам, мен сезаман. Кечирган азобларим устига бу ҳол менга ҳаддан зиёд зарба.

— Рост!— деди Сен-Клэр.— Ева жуда нозик қиз, буни билардим. У жуда тез ўси, бу ҳол унинг кучини янаям камайтирди. Бундан ташқари, у ҳозир ўспиринлик даврига ўтмоқда. Боз устига ҳозир ёз иссиғидан

зайфланган, кейинги кунларда эса, Аникининг келиши уни безовта қилди. Доктор — «тузалиб кетар, умид бор» деб айтди.

— Ҳамма нарсага хом хаёл билан қараганингдан кейин, шундай бўлади-да! Бағритош одамлар бахтли бўладилар. Сезаётган нарсаларимни сезмаган бўлганимда шод бўлардим. Гашвишланавериб охирги соғлиғимни ҳам йўқотдим. Кошки сизлардақа совуққон бўлсан.

Ҳамма унинг совуққон бўлишини истарди, чунки у, атрофдагиларни азоблаш ва қийнаш учун ўзининг янги бахти қоралигидан фойдаланарди. У, теварагида айтилаётган ҳамма сўзлар, бўлаётган ҳамма ишлар уни шафқатсиз ва мөҳрсиз кишилар ўраб олганлигини ва булар унинг зўр қайғусига бепарво қараётганларини яна бир бор тасдиқлайди, деб ўйларди.

Бечора Ева баъзан бу сўзларни эшитар ва онасиға раҳми келиб, уни шунча азобга солғанлари учун қайғуриб, йиғларди.

Икки ҳафтадан кейин Еванинг аҳволи анча яхшиланди. Лекин бу ҳол кишини алдайдиган, юракда қабр ёқасида ҳам умид уйғотадиган яхшиланишлардан эди. У боғда ва айвонда югуриб юради, яна кулиб-кулиб ўйнарди ва буни кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлган отаси: «У тезда бутунлай тузалади ва бахтли бўлади», дерди. Лекин касалнинг бу соҳта осойишталиги Офелия билан докторгагина таскин бермасди.

Улардан бошқа яна бир юрак бунинг ҳаммаси алдов эканлигини сезарди, у — Еванинг юраги эди.

Ева айрилиб кетиши лозим бўлган кишилари ҳақида чин қалбидан қайғурарди. Хусусан отасига раҳми келарди. Отаси уни дунёда ҳаммадан ортиқ севишини у ич-ичидан сезарди. У, онасини севарди, чунки севувчани қиз эди ва онасидаги ўжар худбинлик уни фақат қайғуртирас ва ҳайратга соларди. У, болалик қилиб, оймининг ёмон иш қилиши мумкин эмас, деб ўйларди. Шундай бўлса ҳам онасида аллақандай бир нарса бор эдники, Ева унинг тагига етолмасди.

Ева яхши ва содиқ хизматкорларга ҳам шафқат қиласар, улар учун у чин қуёш нури эди. Болалар хулоса чиқаришга мойил эмаслар, лекин Ева ҳаддан ташқари ақли расо бола бўлганидан, фалокатли қуллик системаси туғдиралигидан ҳамма нарса юрагига маҳкам жойлашиб қоларди. Гира-шира бўлса ҳам унда фақат ўз қул-

ларнингина эмас, балки дунёдаги ҳамма қулларни баҳтиёр қилиш истаги бор эди.

Оқ кўйлак кийган Ева айвон зинасидан отаси олдига чиқди; унинг юзи ловиллар, кўзи аллақандай ғалати чақнарди; оқшом қуёшининг нури унинг олтин соч бошига тушган эди.

Сен-Клэр Евага атаб олган ҳайкалчани кўрсатиш учун уни чақирган эди. Қизни кўриб, Сен-Клэр қаттиқ таъсиrlанди. Шундай барқ урган ва мурт гўзаллик бўладики, кўрган замон юрак ачиниб кетади. Ота қизини бирдан бағрига босиб, айтмоқчи бўлган сўзини унуди.

— Ева, азизим, кейинги кунларда анча яхши бўлиб қолдинг-а? Шундайми?

— Дада,— деди Ева қатъий йўсинда,— сиз билан гаплашмоқчиман! Аҳволим янайм ёмонлашиб қолмасдан илгарни сиз билан бир сўзлашиб қўймоқчиман.

Евани тиззасига ўтқизаркан, Сен-Клэр бир чўчиб тушди. Қиз унинг елкасига бошини қўйиб, деди:

— Энди гапни яширишнинг ҳожати йўқ, дада: сизларни ташлаб кетадиган вақтим яқинлашяпти. Мен кетаман ва ҳеч қайтиб келмайман.

Шундай деб, йиғлаб юборди Ева.

— Йўқ, ундей эмас, азизим, кичкина Евам!

Сен-Клэр ичидан зил кетаётган бўлса ҳам овозида қувноқлик оҳангти бор эди.

— Сен асабийлашяпсан, холос,— деб сўзини улади Сен-Клэр,— руҳинг тушниб, умидсизланяпсан. Бундай ёмон фикрларга берилиш керак эмас. Буни кўрчи, сенга қандақа ҳайкалча олибман.

— Йўқ, дада,— деди Ева, чинни ҳайкалчани нари суриб,— ўзингизни алдаманг! Аҳволим яхшилангани йўқ, жуда яхши биламан. Асабийлашаётган ҳам эмасман, руҳим ҳам тушаётгани йўқ. Сиз билан ва барча дўстларим билан жудолик бўлмаганда эди, мен ўзимни жуда баҳтиёр ҳис этардим.

— Бу ерда сенга нима ёқмаяпти, болагинам, сени нима қайғуртади? Сени баҳтиёр қилиш учун ҳамма нарсани қилдим, бериш мумкин бўлган нарсанинг ҳаммасини бердим.

— Мен ўз дўстларим учунгина яшашни истардим. Бу ерда мени кўп нарса қайғуртади, кўп нарса менга жуда ёмон кўринади. Бундан ташқари, сизни ташлаб кетишни хоҳламайман. Сиз билан жудолик юрагимни поралайди!

— Сени нималар қайгуртади! Нималар сенга ёмон, хунук бўлиб кўринади, Ева?

— Мен бечора қулларимиз учун азоб чекаман. Улар ҳаммаси мени севишади, ҳаммаси менга хушкўнгил. Уларниң ҳаммасининг озод бўлишини истардим, дада.

— Ийи, Ева, қўзим, бу нима деганинг? Бизникида улар яхши яшяятилар-ку...

— Ҳой, дада, сизга бирор ҳодиса бўлиб қолса, кейин уларниң аҳволи нима бўлади? Сизга ўхшаган одамлар жуда кам, дада. Альфред амаким сиздақа эмас, онам ҳам. Бечора кекса Прюнинг хўжайинларини эсланг.

Шундай деб Ева титраб кетди.

— Азиз болагинам, сен жуда таъсирчан қизсан! Бундай воқиаларни эшлишига йўл қўйганим учун жуда афсусланаман.

— Мени мана шу аҳвол азоблайди, дада. Сиз менинг баҳтиёр бўлишимни, ҳеч бир қайғу-ҳасрат ва азоб чекмаслигимни, жуда кўп кишилар бутун умр баҳтсиз бўлганилари ҳолда, менинг қайғули воқиаларни эшитмасдан яшашимни истайсиз. Мен эсам ўша шўрликлар ҳақида ўйлаганим-ўйлаган. Дада, наҳотки қулларниң ҳаммасини озод қилиб бўлмаса?

— Бу мушкул масала, азизим. Шубҳасиз, қуллик жуда ёмон нарса. Кўп кишилар шундай деб ўйлайдилар. мен ҳам шундай деб ўйлайман. Мен мамлакатимизда битта ҳам қул бўлмаслигини истайман. Лекин бунга қандай қилиб эришиш йўлини билмайман.

— Дада, сиз яхисиз, олижаноб, хушкўнгил киши-сиз ва сиз кўнгилга монанд гаплар гапирасиз — сиз юриб, одамларга — «мана шундай қилиш керак» деб ташвиқот қилсангиз бўлмасмиди? Дада, мен ўлганимча мени ўйлайсиз ва буни менинг учун қиласиз, хўпми? Ба-шарти озод қилиш ихтиёrimda бўлганида, ҳамма қулларни озод қилардим!

✓ — «Ўлганимда» дейсанми, Ева?! — ҳаяжонланиб хи-тоб қилди Сен-Клэр.— Оҳ, болам, бу сўзни менга айтма! Менинг учун дунёда энг азиз нарса — сенсан!

— Бечора кекса Прюнинг боласи ҳам дунёда унинг энг қадрдон, азиз жигаргўшаси эди. Прю эса боласининг додлаганини эшитар, унга ёрдам беролмасди! Дада, сиз мени қандай яхши кўрсангиз, бу шўр пешоналар ҳам ўз болаларини шундай яхши кўришади. Азбаройи шулар учун бир иш қилинг! Мана, бечора Мэмми болаларини

шунча яхши кўради... Мен бир кун унинг болалари ҳақида сўзлаб йиғлаганини кўрдим. Том ҳам болаларини яхши кўради. Уларнинг болаларидан ажралиб яшашлари жуда ёмон-ку, дада!

— Хўп, хўп, азизим! — деди Сен-Клэр уни юлатиб. — Фақат қайгурма ва ўлим тўғрисида сўзлама, мен эсам истакларингни тўла-тўкис бажараман.

— Менга ваъда беринг, дадажон! — Ева тўхтади ва кейин иккиланиброқ деди: — Сизлардан айрилишим биланоқ Том тоғани дарҳол озод қиласиз...

— Хўп, азизим, дунёда нима истагинг бўлса, барчасини бажо келтираман, нимани сўраган бўлсанг, ҳаммасини қиласман.

— Дадажон, — деди қиз, унинг юзига ловиллаган юзини босиб, — кошки эди иккимиз бирга кетсан!

Сен-Клэр индамай, уни бағрига қаттиқроқ босди.

— Менинг олдимга келасиз, — деди қиз хотиржамлик ва ишонч билан.

— Орқангдан бораман. Сени унутмайман.

Оқшом кўланкаси тобора қуюқлашарди. Сен-Клэр гап-сўзсиз, қизининг нозик гавдачасини бағрига босарди. У энди Еванинг чуқур кўзларини кўрмасди ва орқада қолган бутун ҳаёти, яъни: илгариги яхшилик қилмоқ учун тиришганликлари, кишилар мақтайдиган киборларча бекорчи ҳаёт кечириш йиллари кўз олдидан парпираб ўтди! Сен-Клэр кўп нарсани тушунди, аммо ҳеч нима демади. Коронгилик туша бошлиши билан, қизини ётоқхонага олиб кирди, Евани ечинтирганларидан кейин, хизматчиларни чиқариб юборди ва то ухлатгунча қизини қўлидан қўймай, аллалаб ўтириди.

XXV БОБ

-Еш насиҳатефф

Якшанба кун, оқшом пайти. Айвонда бамбуқ кресло да ўтирган Сен-Клэр ўз ташвишини сигара чекиб босмоққа уринарди. Очик дераза қаршисида, диванда Мари ёнбошлаб ётарди. Сийрак тўқилган парда уни чивинлардан сақларди. Марининг қўлида чиройли муқовали дуо китоб. Мари китобни якшанба бўлгани учун қўлинига

олган¹ ва ўзини гўё ўқиётгандек кўрсатса ҳам, аслда мудраб ўлтиради.

— Огюстен, менга қара,— деди Мари, бошини кўтариб,— шаҳарга одам юбориб, эски докторим Позини олдириб келиш керак. Юрагимнинг мазаси қочаётганга ўхшайди.

— Позига одам юборишнинг нима кераги бор? Евани даволаётган доктор ишнинг кўзини биладиган, тажрибали врач кўринади.

— Касалим жиддий, унга ишониб қаратолмайман,— деди Мари.— Касалим жуда ёмон, биламан! Бутун кечаси билан шуни ўйлаб чиқдим. Касал жуда оғритяпти. Таъбим хира!..

— Мари, бу одатдаги ваҳманг, холос. Юрак касалинг борлигига ишонмайман.

— Ишонасан деб ҳам ўйлаганим йўқ,— деди Мари.— Бўндай дейнишингни билардим, Ева йўтала бошладими, ҳаяжонланасан. Еванинг заррача тоби қочса, қаттиқ ташвишга тушасан, лекин мени ҳеч ўйламайсан.

— Юрагинг касал бўлишини маъқул кўрсанг — марҳамат, қаршилигим йўқ.— деди Сен-Клэр.— Лекин, юрагинг касалини биринчи марта эшитиб турибман.

— Кейин аттанг деб қоласан, деб қўрқаман, аммо унда ҳеч асқатмайди!— деди Мари.— Хоҳ ишон, хоҳ ишонма. Еванинг соғлиғи тўғрисида тортган ҳамма ташвишларим, бу қизни қутқазиб қолиш учун қилган бутун ҳаракатларим — ҳаммаси ичимда яшириниб ётган касалимнинг кучайишига сабаб бўлди.

Уни ўз қизини «қутқазиб қолиш» учун қилган «ҳаракатлари» нимадан иборат эканлигини аниқлаш мумкин эмас. Сен-Клэр «тошюрак» одам каби чекишини давом этдиаркан, айвон ёнига арава келиб тўхтади ва ундан Ева билан Офелия тушди.

Офелия шляпа ва рўмолини бошидан олиб қўймоқ учун ҳар қачондагидек, тўғри ўз хонасига ўтиб кетди. Ева эса отасининг тиззасига ўтирди.

Офелия бўлмасининг эшик ва ойналари айвонга чиқарди. Ҳаял ўтмай, у ердан аллақандай ғазабли сўзлар эштилди.

— Топси нима балолар қилибди?— деди Сен-Клэр.— Бу тўполонлар ўшанинг учун бўлса керак.

¹ Христианларда якшанба муқаддас кун ҳисобланади (тарж. шарҳи).

Бир минутдан сўнг Топсини судраб, ғазабланган Офелия чиқди.

— Юр, бу ёққа юр! — дёрди у. — Ҳаммасини хўжайи-нингга айтмоқчиман.

— Хўш, нима гап? — деб сўради Сен-Клэр.

— Гап шуки, ортиқ бу бола билан олишиб жонимни азобга қўёлмайман! Унинг устидан қулфлаб — «дарснинг-ви ўрган» деб кетган эдим. Нима қилибди, денг? Қалит қўядиган жойимни топиб, шкафни очибди, шляпаларнинг майда-чуйдасига кетадиган газламани олибди ва ўз қўғирчоқларига кўйлак қилиш учун уни парча-парча қилиб қирқибди! Умримда бундай болани кўрган эмасман!

— Мен сизга, кузина, бу негрларга қаттиқ муомала қилмасангиз бўлмайди деб айтдим-ку. — деди Мари. — Агар ихтиёр менда бўлса эди, — давом этди у, Сен-Клэрга таъна қилгандек қараб, — бу қизни боплаб калтак-матдиардим. То чўзилиб қолгунча урдиардим.

— Гумоним йўқ, — деди Сен-Клэр. — Мана керак бўлса хотинларнинг нозиклиги...

— Бу ерда сендақа иккиланишнинг кераги йўқ, Сен-Клэр. — деди Мари. — Кузина — ақлли хотин, мана у ҳам мендақа холосага келибди.

Рўзгорда ишнинг кўзини биладиган ҳар қандай аёл сингари, Офелия ҳам Топсининг қилиқларини кўриб, ғазабини тўхтатолмади. Шубҳасиз, асаримизни ўқувчи кўпгина аёлларнимиз ҳам шу кайфиятда бўлардилар. Лекин, Марининг сўзлари унинг нафсига тегди, шу сабабли унинг ғазаби бир оз босилди.

— Қизни чала ўлик қилиб ургани ҳеч йўл бермайман ва буни қилмайман, — деди у. — Лекин, рости, Огюстен, нима қилишимни билмай қолдим. Унга жуда кўп таълим бердим, қизартирдим, урдим, ақлимга келган ҳар бир йўл билан жазоладим, лекин у қандай бўлса, ўшандай қолди!

— Бу ёққа кел, Топси, маймун бола! — деб қизни ёнига чақириди Сен-Клэр.

Топси келди. Унинг ҳадиксираган юмaloқ кўзларида мугомбирлик кўринарди.

— Нега ўзингни бундай ёмон тутасан? — деб сўради Сен-Клэр. Топсининг башараси ҳадеб ўзгариб туриши уни овунтирди.

— Чунки мен ярамас қиз бўлсан керак, — деб босиқ

жавоб берди Топси.— Филихон: «Сен ярамассан», деб айтади.

— Офелияхоннинг сенга қилган яхшилигини билмайсанми? У, ақлимга келган нарсанинг ҳаммасини қилдим деяпти-ку.

— Ҳа, ҳа, хўжайин! Менинг илгариги бекам ҳам шунақа дерди. У мени Филихондан кўра қаттиқроқ урарди, сочимдан судрарди, бошимни эшикка урарди, лекин бу ҳам менга ёрдам бермасди! Мен ўйлайманки, бошимдаги сочимни биттадан юлиб олсалар ҳам менга ёрдам бермайди, мен шундай ярамасман! Ахир мен негр қизман.

— Уни бировга бериб юбораман,— деди Офелия.— У билан ортиқ жонимни қийнашга мадорим қолмади.

Бу манзарага индамай қараб турган Ева, Топсига се-кингина «корқамдан юр» деб ишора қилди. Айвон ёнида кичкина ойнали равоқ бўлиб, унга Сен-Клэрнинг қиратхонаси жойлашган эди. Ева билан Топси ўша ерга кирдилар.

— Ева нима қилмоқчи экан — кўриш керак,— деди Сэн-Клэр.

У, оёқ учиди юриб эшик ёнига келди ва пардани кўтариб, равоққа қаради. Кейин барморини лабига қўйиб, Офелияга «бу ёққа келинг» деб имо қилди.

Болалар юзларини эшик томонга ўгириб, полда ўтирадилар. Топсининг юзи одатдагича, қизиқ ва беғам эди, унинг қаршисида ҳаяжонланган ва кўзидан ёшлар томизиб Ева ўтиради.

— Топси, нега бундақа тентак-алишсан? Нега яхши қиз бўлишни хоҳламайсан? Ҳеч кимни яхши кўрмайсанми, Топси?

— Мен ҳатто яхши кўриш нима эканлигини ҳам билмайман. Новвотни яхши кўраман, холос,— деди Топси.

— Ота-онангни яхши кўрарсан, ахир?

— Менда ота-она ҳеч бўлмаган, биласиз. Сизга буни айтган эдим, Евахон.

— Ҳа, биламан,— маъюс деди Ева.— Аканг, сингилларинг ё холанг, ҳеч кимнинг йўқми?..

— Ҳеч кимим йўқ. Аслида ҳеч кимим бўлмаган.

— Лекин, Топси, агар яхши бўлишга ҳаракат қиласанг эди, у вақтда...

— Барибир қанча ҳаракат қиласам ҳам негр қизлигимча қолавераман,— деди Топси.— Агар пўстимни си-

дириб олиб, оқ бўлганимда эди, у вақтда, уриниб кўрсам бўлар эди.

— Қора бўлсанг ҳам одамлар сени яхши кўришлари мумкин, Топси. Агар яхши бўлганингда, Офелия сени яхши кўрган бўлар эди.

Топси узуқ-узуқ қилиб қаттиқ кулиб қўйди. Бундай кулиши, унинг ишонмаганлигини ифода этарди.

— Ишонмайсанми ҳали?— деб сўради Ева.

— Ишонмайман, у мени ёмон кўради, чунки мен негр қизман! У, қурбақадан ҳам менча ҳазар қилмайди! Негрларни ҳеч кимнинг яхши кўриши мумкин эмас, шунингдек, негрлар ҳам ҳеч кимни яхши кўра олмайдилар! Ҳа, яхши кўрмаса кўрмасин, манга барибир,— деди Топси ва ҳуштак чала бошлади.



— Ҳой, бечора Топси, сени мен яхши кўраман!— деди Ева бирдан унга раҳми келиб ва оппоқ, нозик қўлини унинг елкасига қўйиб.— Сени мен яхши кўраман, чунки сенинг на отанг, на онанг, на дўстларинг бор, чунки сен бечорасан, хўрланган бир боласан! Мен сени севаман ва сенинг хушкўнгил бўлишинигни истайман. Мен қаттиқ касалман, Топси ва узоқ яшамайман. Шунинг учун сенинг тентаклигиндан қаттиқ азобга тушаман. Мен истардимки, мени деб яхши бўлишга ҳаракат қиласанг — ахир тезда сен билан умрбод айрилишаман.

Қора қизнинг юмaloқ ўткир кўзлари ёшга тўлди. Дона-дона ёш томчилари бирин-кетин оппоқ қўлчага томди. Топси бошини тиззаси орасига олди-да, ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Ҳой, азизим, Еваҳон, жонгинам, Еваҳон,— дерди у,— яхши бўлишга ҳаракат қиласман, тиришаман! Мен илгари буни ҳеч ўйламаган эдим!

Сен-Клэр пардани туширди.

— Ева онамни эслатади,— деди у Офелияга.

— Негрларни азалдан жиним ёқтирасди,— деди Офелия,— Топси рост айтади: ундан ҳазар қиласадим. Лекин менинг ҳазар қилишимни у сезади, деб ўйламаган эдим.

— Ўз нафратингизни боладан яшираман, деб ўйламанг,— деди Сен-Клэр.— Агар сизда болаларга нафрат ҳисси бўлса ва улар буни сезсалар, қанчаки яхшилик ва илтифот қиласанг, улардан ҳеч қачон миннатдорлик кўрмайсиз. Бундай қараганда ғалатироқ кўринса ҳам, аслида шундай.

— Билмайман, ўз нафратимни қандай қилиб енгсам экан,— деди Офелия.— Негрларни умуман ёқтирамайман, бу болани эса айниқса. Сезгим шундай бўлса, нима қиласай?

— Мана, Ева ўз нафратини снгяпти шекилли.

— Унинг ўзи жуда меҳрибонда, ахир,— деди Офелия.— Мен ҳам Ева каби бўлишини истардим. Ундан кўп нарсани ўрганишим мумкин.

— Катталарнинг кичкина боладан таълим олиши биринчи марта бўлаётгани йўқ,— деди Сен-Клэр.

XXVI БОБ

Ўлим

Бошқа хоналар каби Еванинг ётоғи ҳам кенг айвонига чиқадиган катта бўлмалардан эди. Ётоқнинг бир томони ота-оналар бўлмасига, иккинчи томони Офелия бўлмасига туташганди, Еванинг ётоғини Сен-Клэр ўз дидига мос қилиб жиҳозлаган эди. У, ётоқнинг қизининг характеристига мос қилиб ясатилган бўлишини истарди. Деразаларга оқ ва пушти пардалар осилган. Полга Сен-Клэр чизиб берган нусхага қараб Парижда тайёрланган маҳсус бордон — полос ёзилган, полоснинг теварагига япроқлар ва гул гунчаларининг расми солинган, ўртасида очилган гуллар сурати бор; каравот, курсилар ва креслолар бамбуқдан бўлиб, жуда нафис; улар жуда чиройли стилда ишланган. Каравотнинг қошида — ганч

устида, қўлига гулдаста ушлаган фаришта қанотларини осилтириб турди. Гулдастага кумушдан тикилган нозик пушти пардалар қадалган; улар бу иқлимда, ҳар бир ётоқда бўладиган чивинлардан сақларди. Чиройли бамбуқ креслоларга кўплаб пушти атлас ёстиқчалар ташлаб қўйилган. Ётоқхонанинг ҳар жой-ҳар жойига қўйилган ҳайкалчалар каравот устидаги ҳайкалга ўхшаб, дока пардаларни қўлларида ушлаб турди. Енгил, чиройли бамбуқ стол ётоқхона ўртасига қўйилган, устидаги нилуфар гунчаси шаклидаги оқ чинни ваза доим гулга тўла турди. Бу столда Еванинг китоблари, ҳар хил ўйинчоқлари ва қизининг хат ёзишни ўрганишга ҳавасини кўриб отаси ҳадя қилган жуда чиройли ёзув асбоби турди. Деворларга болалар расмлари солинган анчагина гўзал суратлар осилган. Хуллас, теварак-атроф гўзаллик, осойишталик ва беғубор болалик даврини ифодаларди. Ева эрталаб уйқудан туаркан, таскинилик берувчи ва ёқимли фикрлар туғдирувчи нарсаларнигина кўрарди.

Еванинг ёлғондакам тетикланиш пайти тез орада тамом бўлди. Айвонда унинг енгил қадамлари тобора кам эшитила бошлади; у очиқ дераза олдидағи креслода, каттакон, мовий кўзларини кўлнинг жилвагар тўлқинларига тикиб ётгани-ётган эди.

Оқшом яқинлашмоқда. Ева креслода ёнбошлаб ётибди; у, тўсатдан онасининг айвонда туриб, қаттиқ қичириганини эшилди:

— Бу нима қилганинг, ярамас? Гулни сен уздинми, а?

Еванинг қулогига шапалоқ овози келиб етди.

Топсининг:

— Оҳ, бека! Гулни Еваҳонга узиб эдим,— деган овози келди.

— Еваҳонга? Ана баҳона! У, сенинг гулингга орзуманд деб ўйлайсанми, ярамас! Гулинг билан йўқол бу ердан!

Ева шу ондаёқ креслодан ирғиб туриб, айвонга югуриб чиқди.

— Ўндей қилманг, ойи! Бу гул жуда керак менга! Гулни беринг! Гулни беришсин!

— Ева, ахир, хонангда гул тўлиб ётибди-ку.

— Гул қанча кўп бўлса, шунча яхши,— деди Ева.— Топси, гулни бу ёққа олиб кел.

✓ Бошини хам қилиб турган Топси, Ева ёнига келиб, гулни узатди. У ҳадиксираб, уялиб турар, унинг ўзига хос одатдаги шўхлиги батамом йўқолган эди.

— Жуда чиройли гулдаста бўлибди!— деди Ева, гулни томоша қиласкан.

Бу гулдаста оддий гулдасталарга сира ўхшамасди, яшнаган, қип-қизил анжиргул ва япроқлари ялтираб турган оқ япон розаси бир даста қилиб боғланган эди. Топсининг дастани ранг-баранг қилишга астойдил урингани яққол кўришиб турарди. У ҳар бир гул ва баргни зўр ҳавас билан тўплаб, боғлаган эди.

— Топси, гулдаста қилишга жудаям уста экансан,— деди Ева.— Мана — гул вазани ол. Ҳар кун мана шу вазага гулдаста қилиб тур.

Топси Евага миннатдорлик билан қаради.

— Қизиқ одат,— деди Мари.— Бу сенга нима учун даркор бўлиб қолди.

— Даркор-да, ойи, Топсининг гулдаста қилишига қаршимисиз?

— Йўқ, қарши эмасман. Сен нимани хоҳласанг, шуни қилсан, жоним. Топси, бекачангнинг гапларини эшитдингми? Эсингдан чиқарма.

Топси дарров тиз чўкиб, бош этди. Қейин, кетмоқчи бўлиб орқасига қайриларкан, Ева унинг қора юзларидан оқаётган кўз ёшларини кўрди.

— Мана, кўрдингми, ҳай,— деди Ева,— мен бечора Топсининг мен учун бирор ёқимли нарса қилмоқчи эканлигини билардим.

✓ — Бўлмаган гап! У одамнинг ғашига тегишни яхши куради, буни мана шунинг учун қилган. У гул узмаслиги кераклигини билади, билгани учун узади. Ҳа, унинг феълини биламан! Лекин, сен уни «гул узаверсин» десанг, майли узаверсин, сен айтганча бўлсин.

— Ойи, менинг назаримда Топси ҳозир илгаригидақа эмас. У яхши қиз бўлишга тиришяпти.

— Ҳа, унинг яхши бўлишига ҳали кўп замон бор,— нафратомуз кулиб деди Мари.

— Унинг қанчалик бахтсизлигини билмайсан, ойи. Унга доим ҳамма қарши.

— Лекин, бизнинг уйинмизда эмас. Унга насиҳатлар ҳам бердик, ялиндик, ўргатдик, аммо у ярамаслигича қолди. Умрбод шундай бўлиб қоладијам. Қанча ҳаракат қилма, барибир ундан ҳеч нима чиқмайди.

— Лекин, ойи, мендақа дүстлари орасидаги тарбияланиши билан бизникіга келгандың күрган тарбияси орасыда катта фарқ бор: менинг дүстларым фақат мени яхши ва баҳтли қилиш ҳақида ўйлайдилар.

— Эҳтимол,— деди Мари эснаб.— Эй худойим, мунча иссик бўлмаса.

— Ойи, мен бир неча кокилимни кестирмоқчиман,— деди Ева.— Айчасини кестирмоқчиман.

— Нима учун?— деб сўради Мари.

— Қурбим етганида уни дүстларимга улашмоқчиман. Холамни чақиринг, сочимни қирқсин.

Мари ён бўлмада ўтирган Офелияни чақириди.

Офелия кирганда қиз ёстиқдан турди-да, узун олтин кокилларини силкитиб, ҳазиломуз деди:

— Келинг, қўзичноқнинг сочини олинг.

— Нима гап?— деб сўради Сен-Клэр, Евага мева олиб кирапкан.

— Дада, холам сочимни олиб қўйсин, деяпман. Сочим кўплигидан бошим қизиб кетяпти. Бундан ташқари, сочимни улашиб бермоқчиман.

Офелия қайчи келтирди.

— Эҳтиёт бўлинг,— деди ота,— пастдан, кўринмайдиган еридан қирқинг. Еванинг кокиллари — кўнглимнинг қувончи.

— О, дада!— деди Ева маъюс.

— Ҳа, кўнглимнинг қувончи. Мен сени амакингнинг плантациясига, Анрик билан кўришгани олиб бораётганда ҳам соchlарингнинг шундай гўзал бўлиб туришини истайман,— деди Сен-Клэр хурсандлик билан.

— У ерга ҳеч бормайман, дада! Сўзимга ишонинг! Кун сайин дармондан қолаётганимни кўрмайсизми?

— Нима учун бундай раҳмисизликка ишонмоғимни истайсан, Ева?— деб сўради ота.

— Шунинг учунки, бу ҳақ гап, дада. Агар сиз ҳозир ишонсангиз, эҳтимол, мен бўлмаганимдан кейин сизга енгилроқ бўлар.

Сен-Клэр лабини қимтиди ва бирин-кетин Еванинг тиззасига тушаётган гўзал ва узун соchlарга ғамгин назар солди. Ева соchlарини қўлига олиб, хаёлчан тикилиб турар, ингичка бармоқларига ўрар ва гоҳо отасига ташвиш билан кўз ташларди.

— Буни азалдан билардим!— деди Мари.— Бу ҳол саломатлигимни кун сайин кетказиб, мени қабрга тор-

тиб боради. Лекин менга ҳеч ким эътибор бермасди. Бу ишларнинг нима билан тамом бўлишини аллақачон англагандим. Ҳақ эканимни тез кунда кўрасав, Сен-Клэр!

✓ — Кейин бундан тасқин топасан, албатта,— деди соvuқ ва заҳарханда билан Сен-Клэр.

Мари креслога чалқанчасига ётиб, юзини батист дастрўмолча билан ёлди. Еванинг ёрқин кўзлари гоҳ отасига, гоҳ онасига тикиларди. Ева, уларнинг ҳар хил одамлар эканлигини энди аниқ билиб ва тушуниб олган эди.

У қўли билан отасига ишора қилди. Отаси келиб, қизи ёнига ўтирди.

— Дада, кун сайин дармоним қурияпти. Ўлишимни биламан. Лекин, яна айтадиган баъзи сўзларим, қила-диган баъзи бир ишларим бор, аммо сиз бу ҳақда сўзлашимни истамайсиз. Лекин энди пайт келди, кечиктириб бўлмайди. Энди гапларимни айтиб олишга рухсат беринг!

— Болагинам, айтадиган сўзларнингни айт, жоним билан эшитаман!— деди Сен-Клэр.

У бир қўли билан кўзини тўсди, иккинчи қўли билан Еванинг қўлидан ушлади.

— Гап бундай: ҳамма одамларимизни бу ерга чақирсангиз. Уларга айтадиган сўзларим бор.

— Яхши,— деди бўйсуниб Сен-Клэр.

Офелия негрларга одам юборди, ҳаял ўтмай хона ичи хизматкорларга тўлди.

Ева ёстиқлар устида ётарди. Сочлари сочилган, оқ юзида хасталик даракчиси бўлган қизил хол ёниб турада ва каттакон кўзлар хизматкорларнинг ҳар бирисига ўйчан боқарди.

Қуллар тўсатдан ҳаяжонлана бошладилар. Еванинг руҳланган юзи, ёнида сочилиб ётган қирқма соchlари, Сен-Клэрнинг юзини ўгириб туриши, Марининг йиғлаши — уларга зўр таъсир қилди. Қуллар хонага кирап-канлар, бир-бирларига қарашар, уф тортишар ва бошларини қимирлатишарди. Жанозадаги каби чуқур жимжитлик ҳукм сурарди.

Ева жойидан андак қўзғалиб, теварагига узоқ тикилиб қаради. Ҳамма маъюс ва паришон кўринарди. Кўп хотинлар юзларини этакларига яшириб йиғлардилар.

— Сизларни шунинг учун чақиритирдимки, дўстларим,— деди Ева,— мен сизларни севаман. Тезда мен



сизларни ташлаб кетаман. Бир неча ҳафтадан кейин мени қайтиб кўрмайсизлар...

✓ Оҳ-воҳ ва йиғи-сиғилар қизнинг сўзини узди. Бу садолар қизнинг занф овозини босиб кетди. Ева бир лаҳза тўхтаб, кейин давом этди:

— Агар мени яхши кўрсаларингиз, халақит берманг...

— Албатта! Албатта! Сизни ҳаммамиз яхши кўрамиз! — деган овозлар эшитилди Евага жавобан.

— Ҳа, биламан... Ҳаммангиз менга хушкўнгил эдингиз. Шунинг учун сизларга бир нарсани хотира учун бермоқчиман. Ҳар қайсингизга сочимдан жиндак бераман.

Унга қараганингизда, сизларни севганимни эслаб юри-
нгиз.

Қуллар йиғлашиб, додлашиб, қизни ўраб олганлари-
ни, қиз қўлидан унинг муҳаббатининг сўнгги нишонаси
бўлган нарсани олиш манзарасини тасвирлашнинг им-
кони йўқ. Улар тиз чўкишиб, ҳўнграшар, дуо қилишар
ва қизнинг этагини ўпишарди.

Сочни олган замон бўлмадан чиқиб кетишни Офелия
ишора қилиб турди.

Энг охир бўлмада Том билан Мэмми қолди.

— Мана, Том тоға,— деди Ева,— сенга мана бу гў-
зал кокилимни бераман. Сенга ҳам азиз, жонажон, хуш-
кўнгил Мэмми!— деди у, кекса энагасини меҳрибонлик
билан қучоқлаб.

— Еваҳон, мен сизсиз яшаёлмайман! Асло яшаёлмай-
ман!— деди Мэмми,— назаримда, сиз кетсангиз, бу ер
ҳувиллаб қолади!— деди Мэмми за куюниб йиғлаб
юборди.

Офелия Том билан уни очиқ кўнгил билан бўлмадан
чиқариб юбориб, энди ҳеч ким қолмади, деб ўйлади. Ле-
кин орқасига қайрилиб, Топсини кўрди ва:

— Бу ерга қандай кирдинг? — деб сўради.

— Мен шу ерда эдим,— деди Топси кўз ёшини
артиб.— Еваҳон, мен мудом ёмон қиз бўлдим! Лекин сиз
менга ҳеч нима бермайсизми?

— Бечора Топси, сенга ҳам бераман, албатта. Мана..
Ҳар қачон бу сочга қараб, сени яхши кўрганимни ва
яхши қиз бўлишингни истаганимни эсла.

— Еваҳон! Ҳаракат қиласман,— деди Топси жиддий
равишда.— Эй худойим, лекин, яхши қиз бўлиш жуда
қийин экан! Балки бу ҳали ўрганмаганимдандир.

Топси юзини этаги билан ёпди. Офелия уни бўлма-
дан оҳиста узатиб қўйди. Чиқиб кетаркан, Топси азиз
соҳ толасини бағрига маҳкам босиб борарди.

Ҳамма чиқиб бўлди, Офелия эшикни ёпди. Соч ула-
шиш маросими пайтида бу муҳтарам хонимнинг кўзи-
дан анча ёш тўкилди. Офелия бу ҳол Ева учун заарли
деб қўрқарди.

Сен-Клэр юзини қўли билан бекитиб ўтиради.

— Дада!— мулоимгина деди Ева, унинг қўлига
тегиб.

Сен-Клэр чўчиб тушди, лекин жавоб бермади.

— Дадажоним!— деди Ева.

— Чидолмайман! — деди Сен-Клэр, ўрнидан туриб,— бунга бардош беролмайман!

✓ — Дада, юрагимни пораламанг! — деди Ева, ўрнидан туриб ва унинг қучоғига отилиб.— Бунча азоблашиш керак эмас.

✓ Шундай деб-қиз қаттиқ йиглаб юборди.

У, ҳолдан кетган кабутар каби, отаси қўлида ётарди. Отаси эса, қизининг устига энгашиб, уни ширин сўзлар билан юпатарди.

Мари, ўрнидан туриб, шошиб ўз бўлмасига жўнади, Марининг қаттиқ тутқаноги бошланди.

— Ева, менга сочингдан бермадинг,— деди отаси, маъюс бўлиб.

— Сочларим ҳаммаси сизники, дада,— деб жавоб берди у кулимсираб,— сиз билан ойимники. Сизлар азиз холачамга ҳам сочимдан истаганча беришингиз керак. Сочларимни одамларимизгагина ўзим улашмоқчи эдим, чунки, биласизми, дада, мендан кейин уларни унудишилари мумкин, яна шуниси ҳам борки, улар мени яхшироқ эсларида тутсинглар, дедим.

Сен-Клэр ортиқ бир сўз демади.

Ева тез сўнмоқда эди. Ортиқ ҳеч умид қолмади. Унинг шинам ётоги касалхона палатасига айланди. Офелия кечаю кундуз Еванинг ёнида ўтиради, унинг бу хизматини кўрган кишигини, бу олижаноб аёлнинг фазилатларига тўла баҳо бера олади. Унинг қўли жуда эпчил, кўзи ҳушёр бўлиб, касаллик важидан келиб чиққан кўнгилсиз ҳодисаларни жуда усталик билан йўқотар, ҳамма ишни ўз вақтида бажаар, ақли-ҳуши жойида, докторнинг топшириқларини ёдиди шунча. яхши тутардик, унинг ўрнини ҳеч ким босолмас эди. Унинг унча-мунча ғалати одатларини кўриб, елкаларини қисиб таажжубланиб юрган бегам жанубликлар, энди уйда унинг энг керакли одам бўлиб қолганини эътироф қилишга мажбур бўлдилар.

Еванинг бўлмасига Том тез-тез кириб туради. Қизда асабий ҳолат кучайган, бундан у қаттиқ азоб тортар ва қўлда кўтариб юришгандা ўзини анча тузук ҳис этарди. Унинг ёстиқ устига ётқизилган нозик гавдасини тоҳ бўлма ичиди ва тоҳ айвонда кўтариб юриш Том учун энг зўр қувонч эди. Кўлдан ёқимли шабада эсиб,

қиз сал тетикланди дегунча Том уни кўтариб боққа, апельсин дарахтининг остига чиқар ва улар яхши кўрган эски скамейкага ўтирадилар.

Отаси ҳам Евани тез-тез кўтариб юрарди. Лекин Сен-Клэр Томдан кучсизроқ эди ва у чарчаганда Ева дер эди:

— Дада, мени Том кўтарсин! У бечора мени кўтаришни жуда яхши кўради. Менинг учун бундан бошқа бир нарса қилиш қўлидан келмайди! Ҳолбуки, у менга кўп яхшиликлар қилишни истайди!

— Мен ҳам, Ева! — дерди отаси.

— Лекин сиз истаган нарсангизни қила оласиз, дада. Сиз менга китоб ўқиб берасиз, кечалари мен билан ўтирасиз. Том эса фақат кўтариб юра олади, холос. Кейин, биламан, бу иш сиздан кўра унга осонроқ. У жуда бақувват!

Томнинг бутун фикри-зикри Ева учун бирор ёқимли иш қилишда эди, лекин, фақат угина эмас, уйдаги ҳар бир негр Евани хурсанд қилишга ҳаракат этар ва ҳар бири қўлидан келганини қиласди.

Бечора Мэмми жон-дили билан ўз арзандаси олдига киришга уринарди. Лекин унинг олдига кириб туриш учун Мэммида ҳеч қандай имкон йўқ эди. Марида уйқусизлик бошланди. Модомики у ухламас экан, бошқаларни ҳам ухлагани қўймасди. У кечаси билан Мэммини йигирма марта уйғотар ё оёғини уқалаб қўйишни, ё бошига латта ҳўллаб қўйишни, ё дастрўмолчасини топиб беришни, ёинки Еванинг ётоғида нима шовқин бўлаётганлигини билишни, бўлмаси жуда ёруғ бўлиб кетганлигидан пардани ташлаб, ёки жуда қоронги бўлиб кетганлигидан пардани кўтариб қўйишни талаб қиласди. Мэмми, Еванинг олдига кундузи кириб, унинг кам-кўстига қарашиб чиқишга уринса, Мари ақл бовар қилмайдиган ғалати ишларни ўйлаб топарди. Шунинг учун Мэмми Ева билан фақат яшириқча кўришишга муяссар бўларди.

— Сезишимча, ҳозирги бурчим — ўзимни яхшилаб парвариш қилишдир! — дерди Мари. — Умуман олганда, мен жудаям дармонсизман, бунинг устига азиз болами парвариш қилишга ҳам тўғри келади.

— Эй, шундайми, азизим! — деди Сен-Клэр. — Мен эсам, кузина Офелия сени болага қарашдан бўшатиб қўйгандир, деб ўйлаган эдим.

— Сиз эркаклар ҳаммангиз шундақа ўйлайсиз. Бола шу ахволдá ётар эмиш-у, онасини унга қарашдан бўшатиб бўлармиш! Айтгандай, бошимдан нима кечаттанини ҳеч ким билмайди! Мен сенга ўхшаб парвойн-палак эмасман.

Сен-Клэр қулимсиради. Шундай вақтда ўзини табассумдан тўхтатғолмагани учун афв этишингиз керак. Бу чоқда у ҳам қулимсирай оларди! Ева шундай бемалол ва тинч ҳолда гўр ёқасида ётардики, ўлманинг яқинлашаётганини тасаввур этиш ҳам мумкин эмасди. Қиз қийноқни сезмасди, бу ҳол осойишта ва аста-секин дармонсизланиш эди, у билинмай кун сайн зўрайиб борарди. Ева шунча гўзал, шунча сермуҳаббат, шунча вафодор ва баҳтиёр эдики, ҳамма унинг пок юрагига мафтун эди.

Сен-Клэрда ғалати хотиржамлик пайдо бўлди. Бу туйғу — кузда, қўққисдан ёруғ ва зилол ўрмонга кириб, ранг-баранг товланиб турган дарахтни ва булоқ ёнида сўлиётган сўнгги гулларни кўрганимизда пайдо бўладигандай осойишта ва тинч туйғу эди. Гарчи биз, бу нарсаларнинг тезда йўқолиб кетишини билсак ҳам уни кўрибоқ қувонамиз.

Вафодор Том, Еванинг орзу ва сезгиларини бошқалардан кўпроқ билар эди. Отасига айтишга ботинолмаган гапларнинг ҳаммасини Ева унга айтарди. Том, бора-бора ўз бўлмасида тунамайдиган бўлиб қолди ва чақириқни эшитгани замон ўрнидан туриш учун тайёр бўлиб айвонда ётарди.

— Том тоға, нима учун дайди ит каби рўпара келган жойда ётадиган бўлиб қолдинг? — деди Офелия.— Мен сени ҳар доим ўз кўрпасида ётишга одатланган тузук одамлардан, деб ўйлардим.

✓ — Ҳа, бўлмасамчи, Офелияхон,— деди Том сирли қилиб.— Лекин энди...

— Нима энди?

— Астароқ гапиришайлик, мистер Сен-Клэр эшитиши мумкин. Биласизми, Офелияхон, бугун кечаси бирортамиз ухламасак, дейман,

— Том тоға, нима бўлди, Евахон бугун ўзини ёмонроқ сезялман, деб айтдими?

— Йўқ, лекин бугун эрталаб «узилишим яқин» деб айтди.

Офелия билан Том орасида ўтган бу гап кечаси соат

ўн билан ўн бир ўртасида бўлди; Офелия ухлагани ётиш олдида ичкари эшикни ёпгани борди ва остона ёнида чўзилиб ётган Томни кўрди.

Офелия асабий ёки ҳар нарса таъсирига берилувчан хотин эмасди, лекин Томнинг галати сўзлари уни жуда ҳайратда қолдирди. Ева бутун кечаси ўзини жуда хурсанд ва тетик ҳис этди; У, каравотда ўтириб, ўнинчоқларини қараб, уларни дўстларига тақсим қилди. Унинг ҳаракатлари жонлироқ, овози ҳам кейинги вақтдагидан кўра хийла дадилроқ эди. Кечаси унинг қошига отаси келди. Унинг назарида, қизи касал бўлмасдан илгаригидек кўринди. У, хайрлашиб Евани ўпаркан, Офелияга деди:

— Кузина, уни қутқазиб қоламиз. У анча тузук.

У кетди, шунда юрагида енгиллик ҳис этди, бир неча ҳафталардан бери ҳеч бундай бўлмаганди.

Ярим кечаси Еванинг ётоғида шовқин эшитилди. Аллакимнинг тез юриб кетаётгани билинди. Шошилиб бораётган одам — тонг отгунча ухламасликка аҳд қилган Офелия эди. Ярим кечаси у қизнинг юзида шундай бир нарсани куриб қолдики, тажрибали энагалар буни «айниш» деб айтадилар. У шошиб эшикни очган замон, ҳар доим тайёр турган Том чаққон иргиб турди.

— Докторга ютур, Том! Бир минут ҳам кечикма! — деди Офелия, кейин Сен-Клэрнинг эшигини қоқди.

— Огюстен, буёққа чиқинг.

Бу сўз Сен-Клэрнинг юрагига, тобут қопқоги ерга тегиб чиқарган овоздай тақиллаб тегди. У ўридан ирғиб турди. Бир лаҳзада Еванинг ётоқхонасига кириб, жимгина ухлаётган қизи устида энгашди.

Нима кўрди денг? Нега унинг юраги гумуриб кетди? На Сен-Клэр ва на Офелия бир-бирларига бир оғиз сўз қотмади.

Қизнинг юзида ҳеч қандай ўлим нишонаси йўқ. Унинг юзи ёруғ ва улуғвор эди. Шунга қарамай, Сен-Клэр ҳамма нарсанинг тамом бўлганини бутун вужуди билан сезди. Бир неча минутдан кейин Том докторни олиб келди. Доктор қизга қаради-да, индамай тўхтаб қолди.

— Ўзгариш қачон бошланди! — деб секингина пичирлаб сўради у, Офелиядан.

— Ярим кечага яқин,— деб жавоб берди у.

Докторнинг келиши билан уйғонган Мари, ёндаги бўлмадан шошилиб югуриб кирди.

— Огюстен!.. Кузина!.. Ҳой! Нима гап?..— деб тез сўрай бошлади у.

— Секин!— хириллаб деди Сен-Клэр.— Қиз жон беряпти!

Бу сўзни эшитиб Мэмми хизматкорларни уйғотгани югуриди. Ҳаял ўтмай, уйдагиларнинг ҳаммаси оёққа кўтарилиди. Чироқлар милтиллар, қадам овозлари эшитилар, қўрқкан ва йиғлаган кишилар ойнакли эшикдан мўралардилар. Лекин Сен-Клэр ҳеч нарса эшитмас ва сўзламасди— у, ухлаётган қизининг чеҳрасинигина кўрарди.

— Оҳ, агар у уйғониб бир нарса деса эди!— деб пицирлади у.

Кейин унга энгашиб, қулоғига деди:

— Ева, азизим!

Каттакон кўк кўзлар очилди, юзида табассум кўринди. У бошини кўтариб, сўзлашга ҳаракат қиласади.

— Мени танияпсанми, Ева?

— Дадажоним!— деди қиз ва сўниги кучини йиғиб, унинг бўйнидан қучоқлади.

Лекин қўлчалар шу ондаёқ тушиб кетди, Сен-Клэр унинг бошини кўтарган эди, қизнинг юзини ўлим титрорги босди. У, нафас олишга уриниб, кичкина қўлларини юқори кўтарди.

— Қандай даҳшат!— деди Сен-Клэр, юзини ўгириб ва нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, Томнинг қўлини сиқди.— Оҳ, Том, дўстим, бунга чидаёлмайман.

Том ҳам хўжайнининг қўлини сиқди. Унинг қора юзидан ёшлар оқарди.

— Тоат қил, тезроқ азобдан қутулсин. У, юрагимни тилка-пора қиляпти!— деди Сен-Клэр.

— Тамом бўлди! Тамом бўлди, азиз хўжайн! Унга қаранг,— деди Том.

Қиз оғир нафас олиб ёстиқларда ётарди. У бўғилар, каттакон, равшан кўзлари олайиб, сўнг тўхтаб қоларди. Лекин унинг чеҳраси ҳали ҳам улуғвор, ҳали ҳам порлар эди. Буни кўрган одамларнинг қайғули йиғиси учуб қолди. Ҳаммалари нафас олмай, жимгина унинг теварагига тўпланиши.

Сен-Клэр майин қилиб, меҳрибонлик билан:

— Ева,— деб чақирди уни.

У ортиқ отасининг овозини эшитмади. Унинг юзидан нурли табассум ўчди ва у бўлиб-бўлиб, деди:

— Мұҳаббат... шодлик... ором...;

Бир неча минутдан кейин у узилди.

XXVII БОБ

Дунёнинг иши жана шундай тугар экан

✓ Еванинг ётөғидаги ҳайкал ва расмларга оқ пардалар тортилди. Кишиларнинг босиқ оҳ-воҳлари ва сёкин босаётган қадам овозлари эшитиларди; кундузги ёргулук деразалардан, ним ёпиқ пардалардан ўтиб уйга тушганди.

Каравотга оқ чойшап ёзилган, унда кичкина жасад мангу ухламоқда.

Евага унинг энг севган одлй оқ кўйлаги кийинтирилганди. Пардалардан ўтаётган оч пушти нурлар мурданинг муздек юзига иссиқ шуъла сепарди. Узун киприклар қизнинг нозик юзига тушган, боши бир ёнига сал қийшайган, у гўё ухлаб ётгандай эди.

Сен-Клэр қўлларини қовуштириб қизига боқиб турарди. Оҳ! Унинг нима ўйлаётганини ким билади? Кишиларнинг: «У ўлди» деган овозлари эшитилган чоқдан бошлаб бу хонани даҳшатли қоронгилик босди. Сен-Клэр атрофидаги кишиларнинг сўзларини эшитарди; ундан сўрасалар жавоб берарди; «Евани қачон кўмасиз, қаерга қўясиз?»— деб сўрадилар; у бетоқатлик билан: «Менга барибир», деб жавоб берди.

Адольф билан Роза бўлмани тузадилар. Улар иккаласи ҳам енгилтак, бегам ва бачканга, лекин юраклари мулойим ва сезгир эди. Бўлмани тузашга Офелия бошлиқ қилиб, кам-кўстларини кўрсатиб турди, лекин ҳамма нарсага нозик ва шонронга тус берган ва муздек хонадан ҳамма оғир ва мотамсаро кўринишни қувиб чиқарган Адольф билан Роза бўлди, Янги Англиядаги жаноза маросимлари худди мана шуниси билан фарқ қиласди.

Бурунгидек этажеркаларда барглари сўлган, оқ, нозик, муаттар гуллар турарди. Еванинг оқ дастурхони солинган столчасига унинг энг севган вазаси қўйлди ва унинг ичига сербарг оқ гулнинг битта гунчаси солинди. Ўз халқига хос юксак дидли Адольф билан Роза анча



вақт сўзана ва пардаларнинг қатларини ёзиш билан шуғулланди.

Роза аста-аста юриб, оқ гуллар солинган саватни кўтариб бўлмага кирганди, Сен-Клэр хаёлга чўмиб, қизи олдида турарди. Роза уни кўриб, ҳурмат юзасидан чекинди, лекин унинг сезмаётганлигини билиб, ўлик ёнига келди-да, теварак-атрофига гуллар қўя бошлади. Роза Еванинг кичкина қўлчасига чиройли раъногул шохчасини ушлатганини, қолган гуллар билан эса каравотни чиройли қилиб безатганини Сен-Клэр тушида кўраётгандек бўлди.

Эшик очилиб, Топси кўринди. Кўзлари йигидан шишган эди. У ниманидир этагига яшириб туради, Роза «кирма!» дегандек пўписа қилса ҳам у бўлмага кирди.

— Бу ердан чиқ,— деди Роза пицирлаб.— Бунда сенинг керагинг йўқ!

— Қўйвор мени! Мен гул олиб келдим... Жуда чиройли!— деди Топси, ним очилган қизил гул фунчасини узатаркан.— Рухсат бер, фақат мана шу биттагина тулимни қўяй.

— Йўқол бу ердан!

— Уни қўй!— деди Сен-Клэр, бирдан ер депсиб.— Унинг кириши мумкин. Кираверсин.

Роза кўнишга мажбур бўлди. Топси ўлик ёнига яқинлашиб, оёқ томонига гулни қўйди, кейин бирдан ўзини каравот ёнида полга ташлаб, қаттиқ йиғлай бошлади.

Бўлмага шошилиб Офелия кирди. У, Топсини турғизиб, тинчитишга уринди, лекин уринишлари беҳуда эди.

— Оҳ, Еваҳон! Мен ҳам ўлай! Ўлиб қўя қолай!

У ўкириб ва чинқириб додларди. Сен-Клэрнинг мурдадек оппоқ юзига қон кирди ва Ева ўлгандан кейин биринчи бор унинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Тур, болам,— деди Офелия.— Бундай додлама. Керакмас... Еваҳон энди самога учган...

— Уни энди ҳеч қачон кўрмайман, ахир!— деб хитоб қилди Топси:— Уни энди ҳеч қачон кўра олмайман!

Шундай деб Топси яна қаттиқ йиғлади,

Анча вақт ҳаммалари индамай туришди.

— У менга: «Сени яхши кўраман» дерди! Менинг ҳеч кимим қолмади, энди нима қиласман, ҳеч кимим қолмади,— деди Топси.

— Бу тўғри гап! — деди Сен-Клэр.— Лекин, кузина,— деб у, Офелияга мурожаат қилди.— Бир илож қилиб шўрликни тинчтинг.

Офелия уни ёркалааб, аммо даст кўтариб, бўлмадан олиб чиқди. Офелиянинг кўзидан ёш оқмоқда эди.

— Топси, бечора қизча,— деди у, Топсини ўз бўлмасига олиб келиб.— Ундан дема! Гарчи, мен Евага ўхшаган бўлмасам ҳам, сени яхши кўраман. Энди яқинларимни севишни ундан ўрганаман. Энди мен сени яхши кўра оламан... Ҳозир сени яхши кўрдим.

Офелиянинг овози айтган сўзидац кўра ишончлироқ эди, юзидан оқаётган ёшлар эса сўзининг самимилигини тасдиқлаб тушарди. Шу ондан бошлаб у Топсини ўзига узил-кесил мафтун этди.

«Оҳ, жоним Ева, калтагина умрингда қанчадан-қанча яхшиликлар қилдинг! — деб ўйларди Сен-Клэр.— Лекин мен ўзимнинг арзимас ва самарасиз ўтган кўпкўп йилларимдан нимани кўрсата оламан?»

Бўлмада анча вақт секин пичирлашиш ва юриш эшитилиб турди. Дўстлар Ева билан видолашгани келардилар. Кейин тобут келтиришди... Сўнгра кўмиш маросими бошланди. Эшик ёнига экипажлар келиб тўхтар, уйга бегона кишилар киради... Оқ рўмол ва ленталар, қора мотам белгилари кўзга чалинади... Сен-Клэр ҳаёт, юрар ва қимирларди. У ортиқ кўз ёши тўкмасди. У фақат бир нарсани — тобутдаги олтин соч бошчани кўради. Кейин у, буни рўжа билан ёпишганини ва тобут қолқонининг бекилганини кўрди... Кейин у ҳамма билан бирга боғнинг этагиша, скамейка ённига борди: бу ерда Ева кўпинча Том билан гаплашинб ўтирас, қўшиқ айтар, китоб ўқир эди, ҳозир эса бу ерда кичкина қабр қазилган... Сен-Клэр қабр четида туриб, унга холис тикилиб қолди. У тобутни туширганларини кўрди... Кичкина қабрга тупроқ ташлаб, уни кўмганларидан сўнг эса, у ерда қизи — Еважони ётганлигига ва ундан умрбод ажралганига ишонмасди.

Кейин ҳамма тарқалиб, ортиқ Ева қайтиб келмайдиган хоналарга келишди. Мари хонасининг деразасига парда ташлоғлиқ эди. Мари каравотда ётиб, жони

борича додлар ва ҳамма хизматкорларини минут сайнин ёнига чақиради. У ҳатто уларни йиғлагани ҳам қўймасди. У чуқур ишонардики, ёлғиз угина қайгу чекади, дунёда ҳеч кимнинг у каби сезгиси йўқ, бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

— Сен-Клэр, сендан бир қатра ҳам ёш томмади! — деди у.— Одам бунча ҳиссиз бўладими! Менинг қандай азоб чекаётганимни у тушуна олардими!

Кишиларни ташки таассурот кўпинчча алдаб қўяди; шунинг учун ҳам қулларнинг кўпи чиндан ҳам: «Мари қизи учун ҳаммадан ортиқ қайгуарларкан», деган фикрга келди. Айниқса унда тутқаноқ талвасаси бошланиб, у докторга киши юборгандан кейин ва ниҳоят:—«Мен ҳам бугун-эрта ўламан», деб айтганидан сўнг, бу фикр яна мустаҳкамланди. Ҳамма уйнинг у бошидан-бу бошига югурап, қайноқ сув тўлдирилган шишалар ва қайноқ сувга ҳўлланган докаларни кўтариб боришаради. Ҳамма гангид қолган, тўполон — бу эса аслида беморга ором берарди.

Лекин Том хўжайининг чин меҳр қўярди. Сен-Клэр қаерга бормасин, Том қайгуриб кузатарди. Сен-Клэр Еванинг бўлмасида, ранги оқариб, индамасдан ўтираскан, Том унинг қуруқ ва ҳаракатсиз кўзларидан, у, Марининг барча дод-фарёл ва йиғи-сигиларидан кучлироқ бўлган азоб-уқубат кечираётганини кўради.

Сен-Клэр оиласи бир неча кундан кейин шаҳарга қайтди. Қайғу-ғам эзган Огюстен, фикрларини бошқа нарсага йўналтиromoқ учун шароитни ўзгартириши лозим эли. Шунинг учун улар, кичкина қабрли бое билан, ёзлик уйни ташлаб, Янги Орлсанга қайтдилар. Оворагарчилик ва янги таассуротлар билан ўз дардини ушуммоқ мақсадида Сен-Клэр кўп гақтини кўчада ўтказарди. У кулимсираб сўзлашар, газеталарни ўқир, сиёсат ҳақида сўзлар ва ишлар билан қизиқиб турарди. Йўқса, бу кўчада ёки қаҳвахонада учратганилар, унинг мусибатини фақат шияпасидаги мотам аломатидан билардилар. Бегам табассум тагида қабр сингари қопкоронгий юрак яшириниб ётганини ким биларди дейсин?

— Сен-Клэр қизиқ одам,— деб Мари Офелияга ҳасрат қиласиди.— Унинг яхши кўрган кишини бўлса, у фақатгина бечора Евамиз, деб ўйлардим. Лекин у Евани сингка ёдидан чиқариди. Уни ақалли Ева ҳақида сўз-

лашга ҳам мажбур этолмайман. Ҳеч бўлмаса у галиришганда дардини айтар, деб ўйлаган эдим.

— Дарёнинг қаери тинч оқса, ўша ери чуқурроқ бўлади,— доно мақол тарзида деди Офелия.

— Бе, бунга ишонмайман! Булар ҳаммаси сафсата. Агар киши чуқур ҳис этса, бошқага билдиради, уни яшириб туролмайди. Чуқур ҳис этмоқ катта бахтсизлик демакдир! Сен-Клэрдақа бўлсан кошки эди. Менинг зўр сезгирилгум юрагимни поралайди.

— Эй, хоним, мистер Сен-Клэрнинг суюги қолди, холос! У ҳеч нима емас эмиш,— деди Мэмми.— Мен биламан, Евахон сиражам унинг ёдидан чиқмайди. Ёлғиз унингтина эмас, азиз кичкинтаймиз ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайди!— деди у, кўз ёшини артаркан.

— Ҳар ҳолда у менга нисбатан жуда бегам,— деб давом этди Мари.— У менга бир оғиз ширин сўз айтгани йўқ ахир, у ота юрагига қараганда она юраги сезгирироқ бўлишини билиши керак. Ичимдан нималар ўтаётганини ҳеч ким тасаввур этмайди. Мени ёлғиз Ева тушунарди, лекин у йўқ энди!

Шундай деб Мари ўзини креслога чалқанча ташлаб, бетиним йиғлай бошлади.

Мари ҳар бир нарса йўқолгандан кейингина унинг қадр-қимматига стадиган одамлардан эди. У, ўзига қарашда ҳар бир нарсадан ёлғиз камчиликгина топарди, лекин бирор нарсаси қўлдан кетдими, бунинг учун бениҳоя аза бошларди.

XXVIII БОБ

Бирлашув

Сен-Клэрнинг уйида кунлар, ҳафталар бирин-кетин ўтаверди. Қичкина қайиқча ботиб кетган жойда ҳаёт тўлқинлари ўз одатларича тебранарди. Кундалик кўнгилсиз ҳаёт ҳиссиётларимизни менсимасдан, илтифот қилмай, совуқ, бепарво ўтиб бораради. Биз емоғимиз, ичмоғимиз, ухламоғимиз, ўйғонмоғимиз, сотмоғимиз, ҳарид қилмоғимиз, суриштироғимиз, саволларга жавоб бермоғимиз лозим—хуллас, ҳеч қандай қизиқиш қолмагани ҳолда, мингларча руёлар кетидан қувиш ва совуқ-қина, шундайин кун ўтказмоққа одатланиш қолади.

Сен-Клэр бутун орзу-истаклари қизининг бошида эканини илгари сезмаган ҳам экан. У, Евани деб ўзининг пул ишларини тўғрилар, Евани деб вақтини тақсимлар эди. У ҳамма ишни — нарсалар харид қилишни, ишларни яхшилаш, ўзгартиш ва йўлга солишини фақат Ева учун қилишга жуда ўрганган экан; энди Ева кетгандан кейин, унга ўйладиган нарса ва қиласидаги ўш қолмагандек кўринди.

У Янги Орлеангага қайтгандан кейин, тезда Томни озод қилиш пайнга тушди; ишнинг барча расмий томонларини тамомлаши биланоқ, Томни озод қилиб юбормоқчи эди. Лекин кундан-кун, у Томга қаттиқроқ боғлана бошлади. Унинг назаридаги, бўшаб қолган бу оламда ҳеч ким Евани Том каби эслатмасди. Шунинг учун у доим Томнинг ўз ёнида бўлишини талаб қиласди ва кишилар олдида ички ҳисснётларини ошкор қилишни севмайдиган, ичидаги сир сақлайдиган бўлишига қарамай, кўпинча Том ҳузурида ўз фикрини барада айтаверади. Ўзининг ёш хўжайини орқасидан Томнинг доим, ҳамма жойда, муҳаббат ва садоқат билан эргашиб юриши шунинг учун ҳам таажжубланарли эмасди.

— Гап шундай, Том,— деди Сен-Клэр, уни озод қилиш ҳаракатига киришган кунининг эртасига,— сени озод киши қилмоқчиман. Нарсаларингни йигиштиравер. Кентуккига жўнайсан.

Томнинг юзида қувонч нури сочилди. У, қўлинин осмонга кўтариб, руҳланниб, деди:

— Тангрим, сенга шукур!

Бу гап Сен-Клэрни ажаблантириди. У:—«Том мендан осонликча ажралиб кетолмас», деб ўйлаганди.

— Бизнигда турмушинг ёмонми? Нега бундай қувонасан?— деб совуққина сўради Сен-Клэр.

— Йўқ, йўқ, хўжайин! Сизнигдан кетишим учун қувонмайман, озод бўлишим учун қувонаман!

— Том, сенинг учун озод бўлишдан кўра, қулликда яаш яхшироқ эмасми?

— Йўқ, албатта йўқ, мистер Сен-Клэр!— қатъни деди Том.— Албатта йўқ!

— Лекин сен менинидагидек яшамоқ учун ўз меҳнатинг билан пул тополмайсан-ку. Бундай яхши кийим кийиш учун ҳам...

— Бунинг ҳаммасини биламан, мистер Сен-Клэр,

Хўжайин, сиз менга жуда саҳниңиз. Шундай бўлишига қарамай, хўжайнин, ёмон бўлса ҳам ўз кийимим бўлсин, ёмон уй бўлса ҳам ўз уйим бўлгани афзалроқ ё гапим нотўрими, хўжайнин?

— Тўғри айтасан, Том. Бир ойдан кейин кетишинг мумкин,— андак койингандек деди Сен-Клэр.— Чиндан ҳам сенга кетмаслик учун сабаб йўқ!— анча хурсандлик билан деди у.

Шундай деб ўрнидан турди-да, бўлмада юра бошлиди.

— Хўжайниннинг мусибати йўқолмагунча, мен кетмайман,— деди Том.— Хўжайниннинг зарур эканман, у билан қоламан.

Дераза ёнида турган Сен-Клэр Том ёнига келди-да, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Эй Том, юрагинг мунча мулоим ва тентакалиш!

Меҳмонларнинг келиши улар сұхбатини узди.

Мари Еванинг вафотига қўлидан келганча қайғу чекарди. Ева, шафқатсиз беканинг худбин талабларидан хизматкорларни тез-тез қутқазиб туради; Мари бошига бирор кулфат тушнаб қолганида, бошқаларнинг тинкасини қутишига қобил бўлганидан, хизматкорлар Еванинг ўлимига қаттиқ афсусланаардилар. Хусусан, оиласидан ажратилган бечора Мэмми кампир бетиним қайғуради; Ева унинг ягона овунчоги эди. У куну тун йиғлар, бекасини илгаригидек парварни қилолмас ва шунинг учун бекасидан тез-тез дакки эшитарди.

Офелия ҳам Евадан жудо бўлганидан қайғуради, лекин бу дард унинг меҳрибон, соф дилида самара қолдирди. Яна ҳам назокатли ва мулоим бўлиб қолди. У, Топсинни ўқитишга янаям жиддийроқ киришди, Топсиннинг қўли баданига тегиб кетганда, ижирғанмайдиган ва умуман ундан ҳазар қилмайдиган бўлиб қолди. Топси ҳам бирданига яхши бўлолмади, албатта, лекин, Еванинг ҳаёти ва ўлими унда яққол ўзгариш ясади. Ҳеч нарса билан иши бўлмаслик кайфияти йўқолди, умид ва орзулар пайдо бўлди, яхшилик қилиш учун интилишлар туғилди; булар бари қандайдир тартибсиз ҳолда, ўқтин-ўқтин, лекин тобора кўпроқ рўй бера бошлиди.

Бир сафар Офелия чақирганида, у қўйнига бир нарсани шошилганича тиқиб келди.

— Қўйнингдаги нима, ярамас? Яна бирор нарсанни ўғирладингми?— деди Роза ва дағаллик билан унинг қўлидан тортди.

— Кечирасиз, Розахоним!— деди Топси унинг қўлидан чиқишга уриниб.— Бу сизнинг ишингиз эмас!

— Бир нарсанни яшираётганингни кўрдим. Найрангларингни биламан!— деди Роза ва қўлидан туттапича, қўйнига қўлтиқмоқчи бўлди.

Топсининг жаҳли чиқди ва кучи борича қўл ва оёқлари билан тепиниб, ўзини ҳимоя қила бошлади. Тўстўполон устига Офелия билан Сен-Клэр етиб келишди.

— Бу бир нарсанни ўғирлабди!— деб қичқирди Роза.

— Ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ!— деб жавоб берди Топси, қаттиқ йиглаб.

— У ерингдаги нима? Бу ёққа бер.— қатъий деди Офелия.

Топси аввал иккиланиб турди, аммо иккинчи бор «бер» деб талаб қилингандан сўнг, қўйнидан ўзининг эски пайлоғига солинган пакетни олди.

Офелия пакетни ёзди. Унинг ичидаги қогозга ўралган нарса соч экан: буни ҳамма билан хайрлашган ўша унутилмас кунда Ева Топсига берган эди.

Сен-Клэр қаттиқ таъсирланди.

Топси полга ўтириб, бошига этагини ёпди-да, додлаб йиглай бошлади. Бу воқия бир томондан кишини таъсирлантирса, иккинчи томондан кулгисини қистатарди.

Сен-Клэр кулимсиради. Лекин:—«Қўй, йиглама, нарсанги қайтариб оласан!»—деяркан, қўзидан жиққа ёш оқди.

Кейин унинг тиззасига пакетни ташлаб, Офелия билан меҳмонхонага кирниб кетди.

— Мен чиндан ҳам ундан бир нарса чиқара оласиз, деган фикрга келялман,— деди у.— Чинакам қайгу чекишга қобил ҳар бир дил ҳамма яхшиликка ҳам қобил бўлади.

— Қиз бало чиқяпти,— деди Офелия.— Ундан умидим катта. Лекин, Огюстен,— деб давом этди унинг енгига қўлинни қўйиб,— унинг кимникилигини билмоқчиман — меникими, сизникими?

— Уни сизга ҳадя қилганман,— деди Огюстен.

— Ҳа, сўзда, лекин мен унинг қонунан менини бўлишни истардим,— деди Офелия.

— Ҳали' шундай денг! — деди Огюстен. — Аболицио-
нистлар¹ нима деб ўйлар экан? Агар сиз қулдор бўлиб
қолсангиз, бундай гуноҳни ювиб юбориш учун улар бу-
тун кун рўза тутадилар.

— Беҳуда гап! Уни ўзимизнинки қилиб олмогимниш
сабаби шуки, уни озод штатларга олиб кетиб, у ерда
озод қилиб юбормоқчиман. Йўқса, барча ҳаракатларим
бекорга кетади.

— Эй, кузина, бу ҳандай гуноҳки, киши «яхшилик
қилиш учун ёмонлик қиласди». Мен бу тентаклигингиз-
ни маъқул топмайман.

— Ҳазиллашмасдан, ақллироқ фикр юргизишингиз-
ни истардим, — деди Офелия. — Агар уни қулликдан
халос қилолмас эканман, тарбиялашга ҳаракат қилиш-
ниш кераги ҳам йўқ. Агар, чиндан ҳам уни менга
беришни истасангиз, қонунда белгиланганича ҳужжат
ёзинг.

— Хўп, — деди Сен-Клэр. — Ёзаман.

У ўтириб, газета ўқий бошлади.

— Лекин мен истардим — шу ҳужжатни ҳозир ёз-
сангиз, — деди Офелия.

— Нега бунча шошиласиз?

— Қолган ишга қор ёғади, ҳозирги ишни кечга су-
риш керак эмас, — деди Офелия. — Мана қофоз, перо ва
сиёҳ, ёзинг!

Ўзига ўхшаган кўп одамлар каби, Сен-Клэр бир
ишини шу оннинг ўзидаёқ қилишни унча ёқтиирмасди, шу-
ниш учун Офелиянинг қаттиқ туриб олиши унга ёқмади.

— Қаёққа шошиласиз? — деди у. — Сўзимга ишон-
майсизми?

— Мен бу ишниш албатта юзага чиқишини истай-
ман, — деди Офелия. — Сизнинг ўлиб қолишингиз ёки
хонавайрон бўлишингиз мумкин, у вақтда Топсини ким-
ошли савдосига қўйиб сотиб юборадилар.

— Сиз жуда пишиқ хотинсиз! Хайр, модомики янки-
нинг² қўлига тушган эканман, итоат қилишдан бўлак
иложим йўқ.

Сен-Клэр ишниш барча расмий томонларини яхши
биларди; у инъом хатини дона-дона қилиб, катта ҳарф-

¹ А болиционистлар — негрларни дарҳол озод қилиш
тарафдорлари.

² Я и к и — Жанубдаги қулдорлар томонидан шимолий штат-
лар ахолисига берилган ҳақоратли лақаб.

лар билан қийналмай ёзди ва остига чиройли қилиб нимзосини чекди.

— Ана, масала ҳал, Вермонтхоним! — деди у, Офелияга қофозни узатаркан.

— Балли! — кулимсираб деди Офелия. — Айтгандай, қофозни тасдиқлатдириш керак эмасми?

— Оҳ, бунисиям бормиди! — деди у ва Мари хонаси-нинг эшигини очиб, — Мари, кузина автографингни¹ ёд-нома қилиб олмоқчи. Мана бу ерга, тагига номингни ёз.

— Нима ғал? — деди Мари, қофозга кўз югуртиб. — Ажаб! Кузина тақводор ва художўй одам, қулдорликни гуноҳ ҳисоблайди, деб ўйлардим... Лекин унинг миясида бундай хаёл туғилган бўлса, жоним билан хоҳишлирини бажараман.

Шундай деб Мари, эътибор қилмай, ўз номини ёзди.

— Ана энди жони ва тани сизники, — деди Сен-Клэр, унга қофозни бераркан.

— Илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, — деб жавоб берди Офелия. — Лекин энди унга ёрдам бериб, ҳомийлик қила оламан.

Сен-Клэр меҳмонхонага кириб, яна газета ўқинига киришди.

Мари билан ўтиришни ёқтирмаган Офелия, қофозни эҳтиёт қилиб яшириб, Сен-Клэрнинг кетидан меҳмонхонага кирди.

У, креслога ўтириб, иш тўқий бошлади. Кейин бирдан сўради:

— Оғюстен, мабодо ўлиб қолсангиз, унда қуллари-нгизни нима қилиш ҳақида бирорта васиятнома ёзиб қўйдингизми?

— Йўқ, — деди Сен-Клэр, ўқишида давом этиб.

— Ундай бўлса, сизнинг беғамлигингиз зўр шафқат-сизликка айланниб кетиши мумкин.

Сен-Клэр ўзи ҳам бу ҳақда кўп ўйларди, лекин мен-симай жавоб берди:

— Ҳа, мен васиятнома ёзиб қўймоқчиман.

— Қачон?.. — деб сўради Офелия.

— Шу купларда.

— Сиз ундан илгарироқ ўлиб қолсангиз-чи?

— Нега мунча менга ёпишаверасиз, кузина? — деди Сен-Клэр ва газетани ўқишидан тўхтаб, Офелияга тааж-

¹ Ўз ҳўли билан ёзилган хат.

жубланиб қаради.— Менда сариқ иситма ёки вабо нишонасини сездингизми? Нега бунча жон куидириб, ўлимимдан кейинги ишларимни тузиш билан шуғулланасиз?

— Ўлим ҳаётимиз яшнаб турганда ҳам бизни олиб кетгани келади,— деди Офелия.

Сен-Клэр ўрнидан туриб, газетани қўйди ва кўнгилсиз сухбатга хотима бериш учун парво қилмай, айвоннинг очиқ эшиги ёнига келди. У «ўлим» деган сўзни ўзича такрорлаб панжарага сунди-да, фонтандаги сувнинг отилиб чиқишига қарай бошлади. Ҳовлидаги гуллар, дарахтлар, вазалар, унинг кўзига тутун ичидан кўрингандек эди, ва у, ҳамманинг оғзида оддийгина бир сўз сингари айтиладиган, лекин аслида жуда даҳшатли кучга эга бўлган сирли «ўлим» сўзини дилида такрорлади.

«Қизиқ,— деб ўйлади у,— шундай сўз бор ва шундай ҳодиса бор, лекин биз доим уни унутамиш. Одам бугун шўх, чиройли, умид ва орзуларга тўлиб яшайди, эртага эса у йўқ, бутунлай йўқ ва абадий бўлмайди!»

У, хаёл суриб, айвонда юарар ва бутунлай ўз фикрларига чулғангандек кўринарди. Том тоға:— «Чойга занг урилди», деб икки марта айттандан кейингина, Сен-Клэрнинг диққати унга тортилди.

Чой вақтида у пароканда ўйланиб ўтирди. Чойдан кейин эса, индамай, Мари билан Офелия кетидан меҳмонхонага кирди.

Мари, чивиндан қўриқлайдиган шойи чойшапни устига ёпиб, күшеткага ёта солиб қаттиқ ухлаб қолди.

Офелия жим иш тўқирди.

Сен-Клэр бўлманинг у бошидан-бу бошига юарди. Кейин:

— Бир кўчани айланиб келай. Баҳона билан кечки газеталарни ҳам қарайман,— деди, кейин шляласини олиб чиқиб кетди.

Том, Сен-Клэрни дарвозагача кузатди ва:— «Сиз билан бирга чиқайми?»— деб сўради.

— Йўқ, дўстим,— деди Сен-Клэр.— Мен бирор соатдан кейин қайтаман.

Том айвонда қолди. Гўзал ойдин кеча эди. Том отилиб тушаётган фонтан сувини томоша қилиб ва сувнинг жилдирашини тинглаб ўтирди. У, ўз оиласини, ўз уйини эслади. Тез кунда у озод киши бўлади ва оиласига

қайта олади. У хотинини ва болаларини сотиб олиш учун кўп ишлайжак. У тез кундз ўз қўлларим ўзимниги бўлади, оиласми озод қилиш учун шу қўллар билан ишлайман, деб ўйлади-да, бақувват мускулларни ушлади. Кейин у, ёш ва олижаноб хўжайнин ҳақида ўйлай бошлади; кейин унинг эсига гўзал Ева тушди, Том уни шунча кўп ва узоқ ўйладики, фонтанинг ярқироқ сувлари орасидан Еванинг олтин сочли бошчаси, хурсанд бўлиб кулимсираган юзи кўзига кўрина бошлади. Сувнинг жилдираши уни аллаларкан, ухлаб қолди ва тушига Ева кирди: гўё у, бошида ръяно гулчамбар ўралган ҳолда, одатдагидек сакраб-сакраб Томнинг ёнига келаётганимиш, унинг юзлари қип-қизил ва кўзлари завқланиб чақнармиш.

Бирдан аллаким дарвозани қаттиқ қоқди, одамларнинг овози эшитилди, Том уйғонди.

У югуриб бориб дарвозани очди. Бир қанча бегона одамлар, оҳиста қадам қўйнишиб, аллақандай бир чакмонга ўралган одамни кўтаришиб кирдилар. Одамнинг юзига ёруғ тушди ва шуонда Том қаттиқ овоз билан додлаб юборди. Бегона одамлар, юкин кўтариб, Офелия иштўқиб ўтирган меҳмонхонанинг очиқ эшигидан кирдилар.

Кечки газеталарни кўриш учун Сен-Клэр қаҳвахонага кирган экан. У, газета ўқиб турган вақтда, икки маст одам чуштлашиб қолибди. Сен-Клэр ва яна бирорлар уларни ажратмоқчи бўлиб, муштлашаётгандардан бирининг қўлидаги пичоқни олмоқчи бўлибдилар. Шу вақтда ҳалиги маст одач іу личноқни Сен-Клэрнинг бикинига суқиб юборибди.

Ўй дод-фарёд ва йиги-сигига тўлди. Хизматкорлар ақлидан озганлек, соchlарини юлишар, ўзларини ерга кўтариб уришар ва дуо ўқиб, нима қилишни билмай, теварак-атрофда ўралишарди. Фақат Том ва Офелия бир оз тетик эдилар; Марининг қаттиқ тутқаноги бошланди. Офелиянинг буйруғи билан меҳмонхонадаги диванга дарров жой қилиб, қонга белангандан танани қўйдилар. Сен-Клэр, оғриқ азоби ва кўп қон кетиши натижасида ҳолдан кетган эди. Офелия унга мадор киргизувчи дори бергандан кейин, ўзига келиб, кўзини очди, бўлмага разм солиб, ҳар бир нарсани диққат билан қараб чиқди, энг охир унинг назари онасининг расмida лўхтади.

Доктор келиб кўрди. Докторнинг юзидан маълум бўлди — умид йўқ. Доктор, жароҳатни ўзи боғламоқчи

бўлди ва Офелия ҳамда Томнинг бўрдами билан буни бамайлихотир бажарди. Бу чоқ эшик ҳамда айвон дे-разалари ёнида тўпланган ва қўрқсан хизматкорлар оҳ-воҳлашар ва дуо ўқишарди.

— Энди,— деди доктор,— буларнинг ҳаммасини чи-қариш керак. Қасал жуда тинч бўлсин.

Сен-Клэр кўзини очди ва Офелия билан доктор чи-қараётган шўрлик қулларига тикилиб қаради.

— Бечора одамлар!— деди Сен-Клэр ва унинг юзи-да аччиқ пушаймон акси кўринди.

Адольф чиқишидан қатъий бош тортди. Бу даҳшатли ҳодиса, уни жудаям ақлдан оздириб қўйган эди; у, ўзи-ни полга кўтариб урди, уни ҳеч ким ётган жойидан кўтара олмасди. Бошқалар, Офелияниң талабига бўй-суниб, чиқиб кетдилар. Офелия:— «Қасал хўжайини-нгизнинг ҳаёти уйнинг тинчлиги ва осойишталигига боғ-лиқ», деб хизматкорларни ишонтирди.

Сен-Клэр зўрга гапиравди. Унинг кўзи очиқ эди; афтидан, уни аччиқ фикрлар азобларди. У, анчадан кейин ёнида тиз чўкиб турган Томнинг қўлини қўйиб деди:

— Том, бечора!

— Нима дейсиз, хўжайин?— деб маъюс сўради Том.

— Мен ўляпман,— деди Сен-Клэр, униң қўлини қисиб.

У, Томнинг қўлидан ушлаганича, жим, унга тикиларди. Кейин кўзини юмди, лекин қўлинин қўймади. Мангу-лик дарвозаси олдида қора ва оқ қўллар бир-бирларини дўстона қисишиб бирлашдилар.

— Ҳушидан кетяпти,— деди доктор.

Сен-Клэрнинг юзи мурдадек оқара бошлади. Аммо шу билан бирга, ухлаётган гўдакнинг юзидаги каби гўзал осойишталик пайдо бўлди.

У бир неча лаҳза мана шундай ётди.

Кейин у қувонган кўзларини очди, гўё бирорни тани-гандек: «Она» деди ва жон берди...

XXIX БОБ

Ҳимоясизлар

Биз, ўзларининг саховатли хўжайинидан ажралган қўл негрларнинг қанчалик умидсизликка тушиши ҳәқида кўп эшитамиз. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки

жудоликка учраган қуллардан ортиқ ҳимоясиз киши дунёда бўлмайди.

Отасидан ажраптган болани дўстлафи ва қонун ҳимоя қиласди; унинг ҳуқуқлари эътироф қилинади. Қулнинг ҳеч нимаси йўқ. Қонун бўйича унинг ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ, чунки қонун унга мол деб қарайди. Қулларга инсон сифатида яшамоқ имконияти ёлғиз, тасодифан улар саховатли хўжайин қўлига тушган чоқларидагина берилади, хўжайин ўлганда эса, қулнинг ҳеч нимаси қолмайди.

Ўз ҳукмронлигидан инсонларча ва олижаноб фойдалана оладиган одамлар дунёда кам. Бу ҳаммага маълум; ҳаммадан кўра қулларга яхшироқ мъълум, ўндан тўққизталари ёмон ва золим хўжайнинг қўлига тушишлари муқаррарлигини жуда яхши тушунадилар. Мана шунинг учун қуллар саховатли хўжайнинг вафоти учун узоқ вақт мотам тутадилар.

Сен-Клэр жон бергандা бутун уйни даҳшат ва умидсизлик босди. У кучга тўлган, қирчиллама чоғида, қўқ-қисдан ҳалок бўлди! Ҳамма хона ва йўлаклардан йиги овози чиқарди.

Ҳамма инжиқликлари ва ҳавоий орзуларига ҳар доим йўл қўйиб келиниши орқасида асаблари бўшашиб кетган Мари бу оғир зарбага бардош беролмади ва эри жон бераётган пайтда, ҳадеб ҳушидан кетаверди, шунинг учун ҳам унга никоҳ аҳди билан биритирилган киши уни агадий қолдириб кетар экан, унга ҳатто сўнгти «калвидо»ни ҳам айтольмай, дунёдан ўтди.

Офелия, ўзига хос субут билан, сўнгти дамгача Сен-Клэр ёнидан кетмади. Унинг бутун вужуди кўз, қулоқ ва ғамхўрликка айланди; шу топда нима қилиш мумкин бўлса, у ҳаммасини қиласди.

Сен-Клэрни дафи этишга ҳозирлаётганларнида, оддий кўкрак тумор топдилар; унинг қопқоги пружинали: босса очилади. Унда аслзода, қора соч, париваш хотининг расми бор эди. Туморни қайтиб, жонсиз кўкракка қўйдилар.

Қўмиш дабдабали ўтди, шундан кейин кундалик турмушнинг совуқ ва лойқа тўлқинлари яна мавжлана бошлади; ҳамманинг кўз олдида: «Энди нима қилиш керак», деган савол туғилди.

Бу савол Мари олдида ҳам пайдо бўлди. Ташибинланган қуллар билан ўралган Мари катта креслода ўтириб,

мотам учун келтирилган қора матоларни кўрарди. Бу савол Офелия олдида ҳам пайдо бўлса-да, у ватанига қайтиб кетиш ҳақида ўйлай бошлаганди. Бу даҳшатли савол беканинг меҳр ва шафқатсиз феълини яхши билган қуллар олдида ҳам пайдо бўлди; улар энди ана шу бераҳм бекаларининг қўлида қолган эдилар. Уларнинг ҳаммаси шу чоққача фойдаланиб келган илтифотларнинг бекадан эмас, балки хўжайиндан чиқсанлигини жуда яхши тушунарди. Энди у вафот этиб, шафқатсиз ва бунинг устига, дард тортавериб бераҳм бўлиб қолган хотиннинг бебошлиги ва зулмидан уларни ҳимоя қила-диган ҳеч кимса қолмаган эди.

Сен-Клэр дағи этилганидан кейин икки ҳафтача вақт ўтди. Кунларнинг бирода Офелия ўз бўлмасида иш қилиб ўтираркан, эшикнинг секин-секин қоқилганини ёшитди. Офелия эшикни очди ва чиройлигина ёш квартеронка — Розани кўрди. Унинг соchlари тўзиган ва кўзи йигламоқдан шишган эди.

— Оҳ, Офелияхон! — деб чинқира бошлади у, тиз чўкиб йиқилиб ва унинг этагидан ушлаб. — Боринг, боринг, Марихонимдан илтимос қилиб, мени қутқариб қолинг! У мени калтаклатиш учун ахлоқ тузатув уйига юборяпти! Мана кўринг!

Шундай деб, у Офелияга бир қофоз узатди.

Бу қофоз — Марининг нозик қўлчаси билан раҳмсиз бир аплаҳга ёзилган буйруқ эди, бу аплаҳ эса ўша вақтда қулларни дарралаш учун маҳсус жазохона тутарди. Қофозда:

«Ушбуни кўрсатувчига ўн беш калтак урилсин», деб илтимос қилинган эди.

— Нима қилиб қўйдинг? — деб сўради Офелия.

— Биласизми, Офелияхон, феълимнинг ёмонлигини биласиз-ку! Мен ўзим жуда ёмон иш қилдим! Мари хонимни кийинтираётган эдим, юзимга бир шапалоқ урди. Мен эсам, ўйламай-нетмай унга қаттиқ гапириб юбордим. У:—«Сени таптингдан биракай тушириб қўймасам бўлмайди», деб шу хатни ёзиб, қўлимга берди ва:— «Ўзинг олиб бор!»— деди. Бундан кўра мени ўлдиргани яхши эди.

Офелия, нима қилиш кераклигини ўйларди.

— Биласизми, Офелияхон,— деб давом этди Роза,— мени сиз ёки Марихонимнинг ўзи урса, майли эди. Лекин эркак кишиига, тағин ҳалигидай ёмон одамнинг ол-



дига юбориб урдиришини ўйланг. Офелияхон, бундан уят нарса борми!

Офелия, хотин ва қизларни маҳсус жазохонага калтаклаттани юбориш ва уларни энг бадтағын, қабиҳ әркакларнинг қўлига топшириш одатини яхши биларди, бу әркаклар шундай касбни таилаганликлари учун ҳам энг қабиҳ кишилардир.

Келишган қоматли Роза, ни ма қилишини билмасдан питилларди. Офелияда аёллик номуси жўш урди, Янги Англияниг озод фуқароси қон томиридаги кучлар юришди, юзи қизарди ва газабдан юраги ура бошлади. Лекин ҳар қачонгидек эҳтиёткор Офелия, ўзини оғир тутди ва қўлидаги қофозни маҳкам сиқиб, Розага оддий қилиб, деди:

— Туратур, болам, беканг билан сўзлашиб кўраман.

— Шармандали! Разиллик!
Дунёда бундан ҳам расво иш бўладими! — деб меҳмонхонага бораркан, ўз-ўзига айтарди Офелия.

Мари креслода ўтиради. Мэмми унинг сочики тарар, Жен эса, полда ўтириб, оёғини уқаларди.

— Бугун кайфингиз қандай? — деб сўради Офелия.

Мари аввал жавоб бермади, фақат чуқур уф тортиб, кўзини юмди. Кейин:

— Эй, билмайман, кузина! Бирдай шекилли,— деди.

Шундай деб Мари, кенг қора ҳошияли батист дастрўмолча билан қўлинни артди.

— Мен сиз билан,— деди Офелия, одатда қийин гап олдидан бошланадиган қисқа ва қуруқ йўталиб,— бечора Роза тўйрисида сўзлашгани келдим.

Мари кўзини очди, қонсиз юzlари қизариб кетди ва:

— Унга нима бўлибди? — деб кескин сўради.

— У, қилган гуноҳига жуда пушаймон.

— Пушаймон? Буни аввал ўйлаши керак эди! Унинг безбетликлариға хўп чидадим. Энди у мени эсидан чиқармайди!.. Адабини бераман... Қўлимда ипакдек мулоийим бўлиб қолади...

— Уни бундай расво йўл билан қилмай, бошқачароқ йўл билан жазолай олмайсизми? Ахир уни, бу уятга ўлдиради-я!

— Мен ҳам худди уятга ўлдиromoқчиман-да! Ҳадидан ошиб кетди! Ўзини катта олиб юборди! Бека қизман, деб ўйлади, чиройли бўлмай ўлгур! Оддий чўрилигини эсидан чиқарган. Мен унинг шундай таъзирини берайки, кўзи очилсан!

— Лекин ўлаб кўринг, кузина, сиз унинг уятчанлик ҳиссаётини таҳқирлассангиз, беҳаё қилсангиз, уни бузиб юборасиз!

— Уятчанлик эмиш!— деди Мари, нафратомуз ханда қилиб.— Қоралар кошки бу нозик нарсанинг фаҳмига етса! У, кўча чангитиб юрган йиртиқ кийимли фоҳишлардан асло яхши эмас — шуни исбот қилмоқчиман. Калтакдан кейин олдимда тумшуғини кўтармайди!

— Бундай қилиш — жуда раҳмсизлик бўлади,— деди қатъий йўсина Офелия.

— Раҳмсизлик! Бунинг нимаси раҳмсизлик экан? Унга ўн беш калтак урилсин, кейин қаттиқ урилмасин, деб буйруқ бердим. Менимча, бу ҳеч раҳмсизлик бўлмаса керак!

— Раҳмсизлик эмасмиш!— деб хитоб қилди Офелия.— Мен аминман — унинг ўрнида бошқа қиз бўлганда ҳам бундай жазодан кўра, ўлишга рози бўларди.

— Сиз ўзингизга қараб бичяпсиз. Аммо негр хотинлар бундай жазога ўрганишиб қолган. Улар билан сат хушмуомала бўлсангиз бошингизга чиқиб олишади. Ҳамиша қулларимнинг аҳволи шу. Энди мен уларни ўз жойларига ўтириғизиб қўяман! Улар ўзларини қандай тутиш кераклигини билсинглар — мен шуни истайман, йўқса, уларнинг ҳаммасини калтаклатавераман!— деди Мари, теварагига қатъият билан қараб.

Бу гапларнинг ҳаммаси бевосита ўзига тааллуқли эканлигини тушуниб, Жен жунжикди ва бошини ҳам қилди. Офелиянинг кўриниши милтиқ дориси ютган-у. салдан кейин бу дори портлашга тайёрдек эди. Лекин

у, бу кажбас ва шафқатсиз хотин билан адик-бадик қилиб ўтиришнинг фойдасиз эканини билиб, лабини қаттиқ қимтиди-да, ўрнидан туриб бўлмадан чиқди.

Розага, «илтимосингни қайтардилар», деб айтиш унга оғир бўлди. Тезда қуллардан бири келиб:— «Бека менга Розани калтакхонага олиб боришни буюрди», деди ҳам ялинишлари ва кўз ёшлар тўкишига қарамай, Розани олиб кетишди.

Орадан бир неча кун ўтиб кетди. Том ғравоқда туарди, унинг ёнига Адольф келди. Хўжайнин ўлгандан кейин бу йигитнинг юраги бежо ва жуда руҳи тушган эди. У, Марининг ҳеч ёқтираслигини билар, лекин Сен-Клэр ҳаёт экан, бунга кам эътибор берарди. Энди, Сен-Клэр ўлгандан кейин эса Адольф, тақдирининг қандай бўлишини билмасдан, бутун кун қўрқиб, титраб-қақшаб юради. Мари ўз гумаштаси билан бир неча марта кенгашган эди. Сен-Клэр акасининг маслаҳати билан Мари бутун қўрғончани ва шахсан ўзиники бўлганлардан бошқа ҳамма хизматкорларни сотишга қарор қилди; ўзи эса отасини кўчиб кетмоқчи, ўзига қарашли хизматкорларни ҳам отасининг плантациясига обормоқчи бўлди.

— Биласанми. Том, бизнинг ҳаммамизни сотишади.— деди Адольф.

— Ким айтди?— деб сўради Том.

— Бекамиз гумашта билан сўзлашаётгандан, парда орқасига яшириниб олгандим. Бир неча кундан кейин ҳаммамизни аукционга юборадилар, Том.

— Худога топширдик!— деди Том ва қўлинин қовуштириб, чуқур уф тортиди.

— Бундай хўжайнини энди ҳеч кўрмаймиз,— ишонч билан деди Адольф.— Лекин бизнинг бекамизнинг қўлида қолгандан сотилиб кетган афзалроқ!

Том орқасини ўғирди. Унинг юраги зирқиради. Озод бўлиш умиди, узоқдаги хотини ва болаларининг орзуси унинг серсабр жонини ғалаёнга келтирди, соҳилга етай деганда сувга ботаётган денгизчи катта тўлқинлар орқасидаги қўнгироқхонани ва туғилган қишлоғининг жонажон томларини кўрганда ва улар билан видолашганда шундай бўлади... Том, кўксига қўйган қўлларини яна қаттиқроқ сиқди. Унинг захмат чеккан кўнгли озодликнинг яқинлигига қаттиқ ишонганидан, Адольф айтган бу янгилик унинг учун жуда қаттиқ зарба бўлиб

тушди ва у: «Худога топширдик!»— деб қанча күп айтса, шунча қаттиқроқ азоб чекди.

У, Ева вафотидан кейин, унга аяча хушкүнгиллик билан қарайдиган бўлиб қолган Офелияни, ахтариб кетди.

— Офелияхон,— деди Том,— хўжайн Сен-Клэр менга озодлик ваъда қилган эди. У менга озодлик қозгларини тўғрилаётганини айтган эди. Энди, Офелияхон бир яхшилик қилсалар-у, бека билан гаплашиб кўрсалар; балки бекам мистер Сен-Клэрнинг иродасини бажо қиласлар.

— Сенинг тўғрингда гаплашаман, Том, қўлимдан келганини қиласман,— деди Офелия.— Аммо бу иш Сен-Клэрхоним билак битадиган бўлса, олдидан айтиб қўя қолай: умид оз.

Бу гап Роза воқнасидан бир неча кун кейин, Офелияхоним Шимолдаги ўз юртига қайтиб кетиш ҳозирлиги. билан банд вақтда бўлди.

У жиддий ўйлаб кўриб, шундай фикрга келди: Мари билан у сафар сўзлашганда ҳаддан ташқари қизиқ-қонлик қилган экан, шунинг учун бу сафар имкон борича оғир бўлишга қарор қилди. У, тикаётган ишини кўтариб, Мари бўлмасига жўнади. У, аввалданоқ: «Том ҳақидаги гапни бутун лаёқатимни ишлатиб, дипломатларча эпчиллик билан олиб бораман», деб аҳд қилди.

Мари, диванда тирсагини ёстиққа тираб ётар, бозор қилгани борган Жен эса, унинг олдига ҳар хил нозик қора матоларнинг намуналарини бирма-бир ёзиб кўрсатарди:

— Мана буниси бол экан,— деди Мари, намуналардан бирини танлаб.— Лекин бунинг чинакам азабоп эканига унча ишончим йўқ.

— Иўғ-э, хоним! Асл ўзи!— деб гапга чечан Жен жавоб берди.— Генерал Дербеноннинг хотини, ўтган ёз, генерал ўлгандан кейин, худди мана шунаقا кўйлак кийган эди. Жуда ярашган.

— Сиз нима дейсиз?— деб, Мари Офелиядан сўради.

— Ҳар кимнинг диди бошқа,— деди Офелия.— Сиз, либос кийишни мендан кўра яхшироқ тушусангиз кепрак.

— Гап шундаки,— деди Мари,— ҳеч бир киядиган нарсам қолмади. Ишларни тамомлаб, янаги ҳафта

отамнига кетмоқчиман, шунинг учун бирор матони танлаб олишим керак.

— Шунча тез жўнамоқчимисиз?

— Ҳа, Сен-Клэрнинг акаси билан гумашта: жиҳозлар билан негрларни аукционга чиқартириб сотиш яхшироқ, қўргончани сотишни эса гумаштага топшириш керак, деялтилар.

— Бир иш тўгрисида сиз билан сўзлашмоқчи эдим,— деди Офелия.— Оғюстен, Томга озодлик бериши ваъда қилиб, батзи бир зарур расмий жиҳатларини ҳам тайёрлай бошлаган экан. Эрингиз бошлаган ишни охирига етказсангиз керак, деб ўйлайсан?

— Томни озод қил дейсизми? Бўлмайди!— кескин деди Мари.— Том энг қиммат баҳо қуллардан ҳисобланади.. Йўқ, бу ҳа ҷда өғзингизни ҳам очманг, бунинг иложи Йўқ! Унга катта пул беришади. Кейин, унга создликнинг нима кераги бор? Унинг учун ҳозирги турмуш минг марта яхши.

— Ахир у озод бўлишни жон деб истайди, бундан ташқари, хўжайини: «Сени озод қиласман», деб ваъда берган,— деди Офелия.

— Истаса истайверсин!— деди Мари.— Улар ҳаммаси озод бўлгуси келади, чунки улар доим норизо ва мумкин бўлмаган зурсаларни хоҳлади. Йўқ, мен негрларнинг озод қилинishiiga қатъян қаршиман. Ўз негрларнга ғамхўрлик қилишни хўжайнинг топшириб қўя қолинг, натижада уларнинг ҳеч бир қайгу ва эҳтиёжиз яшашини кўрасиз. Озод қилишингиз биланоқ, улар дангаса бўлиб олади, ишга хушёқмаслик қиласди, пиянисталик қила бошлади ва бутун умрини ичкилик билан тутгатади. Бундай ҳодисаларни юз марталаб кўрганман. Озодлик улар учун эйён.

— Ахир, Том, меҳнаткаш, вазмин ва художўй-ку.

— Бу билан нима демоқчисиз? Бундайларни юзлаб кўрганман. У, яхши одамнинг қўлида тургунча яхши, вассалом!

— Менга қаранг,— деди Офелия,— агар сотсангиз, у жуда ёмон одамнинг қўлига тушиб қолни мумкин-ку.

— Бўлмаган гап!— деб эътироуз билдириди Мари.— Яхши негрларнинг юздан биттаси ёмон хўжайнининг қўлига тушади. Хўжайниларнинг кўпчилиги хушкўнгил ва ишончли одамлар. Улар тўгрисида ҳар нарса дейи-

шаверади. Мен мана шу ерда, Жанубда ўсиб, яшаб келялман ва мен кўрган хўжайинларнинг ҳаммаси негрлар билан уларнинг юриш-туришларига қараб муомала қилади, негрлар нимага лойик бўлса, шунга қараб иш тутишади. Бундан хавфсирамаслик керак.

— *Майли*, бу шундай бўлсин,— қатъий деди Офелия,— лекин мен биламанки, эрингизнинг ўлим олдидан билдирган истакларидан бири — Томни эркинликка чиқариш эди. У Ева ўлаётганда бу ваъданни унга берган. Эрингизнинг ўлим олдидан айтган сўзини менсимас экансиз, деб ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим.

Буни эшитиб *Мари* кўзини рўмол билан ёпди-да, қаттиқ йиғлаб, дори солинган шишиасини ҳидлай бошлади.

— Ҳамма менга қарши! — деб минғиллади у.— Ҳеч кимда шафқат йўқ. Үлгапларни эслатасиз, деб ҳеч кутмаган эдим. Раҳмингиз келмайдими? Ҳеч ким, бошимга тушган оғир кулфатларни ўйлагуси келмайди. Худойим, қандай бебаҳт эканман! Биттаю битта қизим бор эди, у ҳам йўқ! Менинг ҳар бир гапимни тушуниб, қадримга етадиган эрим бор эди, у ҳам мендан тортиб олинди! Мени тушуниш эса жуда қийин. Сиз бўлсангиз, бошимга тушган даҳшатли мусибатларни эсимга солиб, шафқатсизлик қиласиз. Эҳтимол, бу гапларни яхши ният билан айтгандирсиз, лекин аслида бу яхши гап эмас, жуда шафқатсизлик бўлиб чиқди.

Шундай деб, *Мари* яна йиғлай бошлади. Унинг нафаси қисилар, *Мэммини* чақириб — «деразаларни оч, камфорани олиб кел, бошимни ҳўлла, кўйлагимнич еч», дерди. Одатдаги тўполон бошланди ва Офелия шошилиб ўз бўлмисига чиқиб кетди.

У *Мари* билан гаплашишдан ҳеч нарса чиқмаслигини узил-кесил тушунди. *Мари* ўзини тутқаноқ тутганга солишга ниҳоятда уста эди. Унга «марҳум эрингиз ва Ева ҳамма хизматкорларни озод қилмоқчи эдилар» деб айтилиши биланоқ, у дарҳол тутқаногини ишга солди. Шундай бўлса ҳам, Офелия Том учун қўлидан келган сўнгги ишни қилди: у, Шелбихонимга хат ёзиб, Томнинг кулфатларидан дарак берди ва Томни қайтиб сотиб олишини илтимос қилди.

Эрғасига олтитача қуллар билан бирга Том ва Адольфни қул бозорига жўнатдилар. У ердан қулфуруш савдоғар уларни аукционга жўнатмоқчи эди.

Қуллар бозори

Қуллар бозори! Бу даҳшатли жойни ўқувчиларимизнинг баъзилари Дантенинг жаҳаннами¹ каби, йиртқич ҳайвонларнинг қоп-қоронғи, сассиқ уясига ўхшаш бўлса керак, деб ўйлашлари эҳтимол. Йўқ, унда эмас, соддалил дўстларим! Ҳозирги давримизда кишилар, тузуккина жамиятнинг назар ва ҳиссийетини тақҳир қилимасдан, усталик ва мулойимлик билан жиноят қилишни билиб олганлар. Бозорда мол ўрнида сотиладиган одам қиммат туради, шунинг учун уни яхши боқиб семиртирадилар, озода сақлайдилар; у саломат бўлсин ва харидорни ўзига тортсан, деб парвариш қиласидилар. Янги Орлеандаги қуллар бозори оддий бир уйга жойлашган; бу уй бошқа уйлардан унча фарқ қиласиди. Уни покиза туладилар; бино ёнидаги узун бостирма тагида сиз эр ва аёл негрларни кўришингиз мумкин: улар, бу бино ичидаги нима сотилиши ҳаммага аён бўлсин, деб бу ерда туришади. Сизни ҳурмат билан, ичкари кириб, молни кўришга таклиф қиласидилар: сиз, у ерга кириб, жуда кўп эркаклар, хотинлар, ака-укалар, опа-сингиллар, оталар, оналар, кичкина болаларни кўрасиз. Буларни «харидорнинг хоҳишига қараб алоҳида-алоҳида ёки биргага» сотадилар. Уларни нақд пулга олиш ёки гаров қолдириб насияга олиш, ё бўлмаса бошқа бир молга алмаштириш мумкин — хуллас, харидорнинг хаёли нимани истаса ўшани қиласа бўлади.

Офелия билан Мари ўртасида бўлиб ўтган гапдан икки кун кейин Сен-Клэрнинг қулларидан Том, Адольф ва яна беш-олтитаси, эртасига белгиланган кимошиб савдосида сотиш учун қул бозорининг эгаси — мистер Скеггсга топширилди.

Кўпгина қуллар каби, Том ҳам ичига кийим-кечак ва бошқа буюмларини соглан сандигини кўтариб олган эди. Кечаси негрларнинг ҳаммасини узун бир хонага жойладилар. Турли ўшдаги ва бадани турли рангдаги эркаклар тўпланганди бу хонадан хохолаб кулишган овозлар эшитилиб турарди.

¹ «Жаҳаннам» — Буюк итальян ёзувчиси Дантенинг «Нлоний комедия» номли поэмасининг биринчи қисми, унда гуноҳкорларнинг қиёмат кунидаги азоблавишлари тасвири этилади.

— Мана бу ишларинг жойида! Хурсандчилик билан ўтириングлар, йигитлар! — дерди мистер Скеггс.— Менинида ҳамиша негрлар хурсандчилик қилишади! Балли, Сэмбо! — деде маъқуллаб хитоб қилди у, тўмтоқ ҳазилла-ри билан теваракдагиларни хурсанд қилиб турган бар-васта негрга қараб.

Томнинг хурсандчиликка майли йўқ ва ундан хурсанд бўлишни кутиш ҳам мумкин эмас. У, сандиқчасини шов-қин солаётган халойиқдан мумкин қадар нарироқ қўйиб, бошини деворга суюб ўтириди.

Одамфурушлар ҳар доим қулларни тўполон ва хурсандчиликда тутишга ҳаракат қиласидилар, бу усул — қай-ғули фикрга чўмишга қарши энг яхши воситадир, вақтингча хурсандчиликда қуллар ўзларининг оғир аҳволларини унутадилар. Шимол бозорида сотилиб, то Жанубга олиб келингунча, негрни беларво, ўйсиз ва дағал ҳолда тутишга ҳаракат қиласидилар. Қулфуруш бир тўда негрларни Кентуккидан ёки Виргиниядан мол сингари териб олади ва уларни семиртириш учун ҳавоси яхши жойга, кўпинча курортга олиб боради. У ерда қулларни кун бўйи боқадилар; баъзилари шунда ҳам диққатчиликка берилиб кетганидан, улар учун атайнин скрипкачин ёллайдилар ва уларни рақсга тушишга мажбур этадилар. Хотинини, болаларини, уйини ўйлаб, хурсандчилик юрагига сифмайдиганлар бўлади, бундайларни хафақон, ўжар ва хавфли деб ҳисобладилар; бундайларни масъулиятсиз ва шафқатсиз кишилар қўлларидан келган қадар ҳақоратлайдилар. Қулларни, айниқса бегона одамлар олдида шод, шўх ва эпчил бўлишга мажбур этадилар, қуллар ҳам яхши хўжайин қўлинга тушиш умидида кучлари борича шод бўлишга тиришадилар.

Шу пайт:

— Бу негр бу ерда нима қилиб юрибди? — деб сўради Сэмбо, мистер Скеггс бўлмасидан чиққач, Томнинг ёнига келиб.

Сэмбо қозон куядек қоп-қора, ҳаракатчан ва эпчил улкан негр эди. У доим ҳазиллашар ва масхарабозлик қиларди.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? — деб сўради яна Сэмбо, Томга яқинроқ келиб ва ҳазиллашиб унинг биқининга мушт билан туртиб.

— Эртага мени кимошдида сотишади,— ювош деди Том.

— Қимошдида сотишади дейсанми? Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳей, йигитлар, бунинг гапини эштинглар! Мен ҳам кимошдида сотилсам дердим! Айтинглар-чи, ҳамма харидорни кулдирмасмидим-а? Хўш, буниси ким ўзи? Буни ҳам эртага сотишарканми?— деди Сэмбо, тортинаасдан Адольфнинг елкасига қўлини қўйиб.

— Менга озор берманг!— деди газаб билан Адольф ва нафратланиб ўзини тортди.

— Эй, йигитлар, буни қаранглар! Бу оқ негр экан, момақаймоқдек оқ!— деди Сэмбо, Адольфнинг ёнига келиб, уни ҳидлаб.— Ё раббим! Бу асл тамаки дўкони учун яратилган экан-ку — худди атирдек, худди ҳидлайдиган тамакидек бўй беради! Азбаройи худо, дўконни анқитиб юборади-ку бу!

— Тегма деяпман сенга!— деб бақирди жуда газабланган Адольф.

— Биз, оқ негрлар, жуда нозик бўламиш-да! Бизга бир қараб қўйинг!— деб Сэмбо қизиқ қилиб Адольфнинг ғашига тегди.— Мағрурланиб, тумшуғимизни осмонга кўтариб оламиш! Яхши оиласида яшаганга ўхшаймиз-а?

— Ҳа,— деди Адольф,— менинг шундай хўжайиним бор эдикки, у ҳаммангизни қора чақага сотиб ололарди.

— Шунақа денг-а,— деб қичқирди Сэмбо,— жуда келишган жентльменмиз-да!

— Мен Сен-Клэр оиласига қарашли эдим,— деди фахрланиб Адольф.

— Рости билан-а! Агар у оила бундай асл зотдан қутулгани учун хурсанд бўлмаса, мени осинглар! Улар сенини идиш-товорига қақир-қуқур билан бирга сотиб юришар!— деди Сэмбо, Адольфнинг ғашини келтириш учун юзини буриштириб.

Бу масхаралашдан жуда жаҳлланган Адольф сўнишиб ва қулочкашлаб душманига ҳамла қилди. Хонада ўтирганлар ҳаммаси бақириб кула бошладилар, бу тўсполонни эшишиб, хўжайнин кириб қолди.

— Нима гап, йигитлар?— деди у, киаркан узун қамчини ўйнатиб.

Ҳамма ҳар томонга сочилди. Масхарабозлиги учун имтиёздан фойдаланаётган Сэмбогина жойида туриб, юзини буриштириб, хўжайнин қамчисига чап берди.

— Бизда ҳеч гэл йўқ, хўжайнин, биз тинч ва жўн ўтирибмиз, янгилар бемазагарчилк қилишяпти! Жуда бур-

ни шишган... Бизнинг ғашимизни келтириб, масхара қилишяпти.

Буни эшишиб хўжайин Том билан Адольф томонга бурилди-да, ким ҳақли ва ким айборлигини суриштирмасдан, уларни бир неча мушт ва тарсаки билан «сийлади». Кейин ҳаммага ухлашни буюриб, чиқиб кетди.

Бу пайтдан фойдаланиб, китобхон, эҳтимол, хотинлар биносига кириб чиқишни ҳам истар. Китобхон у ерда қорадан тортиб оққача — ҳамма рангдаги ва гўдаклардан тортиб кампирларгача — ҳамма ёшдаги жуда кўп аёлларни кўради. Булар ухлаб ётадилар. Мана, ўн ёшларга кирган яхшигина нозик бир қиз: унинг онаси ни кеча сотганлар, қиз бутун кечаси билан йиглаб-йиглаб, кейин ухлаб қолган ва ҳеч ким унга қарамаган. Мана, ҳилвираб қолган кекса негр кампир: унинг ингичка қўли ва илгакдек бармоқлари оғир меҳнат қилганидан дарак беради. Эртага уни ярамас мол сифатида кепак нархига сотадилар. Яна қирқ-элликтacha хотин бошларини одеялга ёки бирорта кийимга ўраб унда-бунда ётибди. Лекин бурчакда бошқалардан ажralиб, икки аёл ўтирибди; уларнинг афт-башараси ҳам бошқачароқ. Бири — ювош кўз, ёқимли юз, эллик ёшларга борган, яхши кийинган мулат аёл. У бошига энг яхши оч қизил мадрас рўмолини узунасига чиройли салла қилиб ўраган, эгнида яхши матодан бежирим тикилган тоза кўйлак. Хўжайнлари унга яхши қарашганлиги кўриниб туради. Ёнида, унга ёпишиб ўн беш ёшлар чамасидаги қизи ўтиради. Қиз онасига жуда ўхшаса ҳам, баданинг анча оқлиги унинг квартиронка эканини кўрсатиб туради. Қизнинг кўзлари ҳам жозибали ва қора, лекин киприклари онаси никидан ҳам узунроқ, ҳашаматли, жингалак соchlари эса долчин ранг. У ҳам башанг кийинган ва оппоқ нозик қўллари унинг оғир ишни кўрмаганлигидан дарак беради. Улар иккаласи ҳам эртага Сен-Клэрнинг қуллари билан бирга сотилишлари керак.

Уларнинг иккиси, онасининг номи — Сусанна, қизининг номи — Эммелина, Яngi Орлеанда тузук бир художўй хонимнинг қўлида ишлашарди, у хоним буларга ғамхўрлик қиласарди. Она ва қизнинг ҳар иккаласини ўқишиб ёзишга ўргатишган, улар энг тузук чўри даражасида баҳтиёр эдилар. Уларга қарашли бўлган беканинг ёлғиз ўғли онасининг хўжалик ишларини юргизарди. Бу ўғил бегам ва бепарволиги орқасида қарзга ўралиб қолиб,



пировардида хонавайрон бўлди. Нью-Йоркдаги Б. ва К. иомли зўр ферма унинг энг катта кредиторларидан ҳисобланарди. Бу ферма эгалари Янги Орлеандаги вакилларига унинг сингани ҳақида хабар қилди. Вакил унинг асосан ўша икки аёл ва плантацияда ишлайдиган бир неча негрдан иборат бўлган мулкига қамоқ солди. Вакил бу тўғрида Нью-Йоркка хат ёзди. Б. озод штатда яшагани учун вакилнинг бу хати уни қийин аҳволга солиб қўйди. У қул савдосини ёқтиримас эди — ҳа, ёқтиримас эди, албатта — лекин гап ўттиз минг доллар ҳақида борар бу эса жуда катта пул бўлиб, принцип учун уни назарга илмаслик мумкин эмасди. Б. кейин виждан азобини чекмаслиги учун тегишли кишилар билан узоқ маслаҳатлаша бошлади. Бу кишиларнинг эса «сизники маъқул» дейишларини у илгаридан биларди. Шундан сўнг у, вакилига: «Ўз билганингизча иш кўринг ва қарзниundiриш учун суд ишини охирига етказинг», деб хат ёзди.

Хат Янги Орлеанга келгандан кейин, эртаниси Сусана билан Эммелинани яқинда бўладиган аукционда сотмоқ учун қул бозорига жўнатдилар. Мана ҳозир, панжарали деразадан тушаётган ой нури уларни ёритаркан,

биз уларнинг сўзларини тинглайлик. Икковлари ҳам йиғлашяпти, лекин бир-бирларига эшиздирмаслик учун оҳиста йиғлашга уринмоқда.

— Ойи, бошингилини тиззамга қўйиб, пича ухласангизчи,— деди қиз, онасига ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб.

— Ухлаёлмайман, Эмма, сира ухлаёлмайман! Сен билан энг охирги кечада бирга бўлишимиз, қизим!

— Ойи, бундай демант! Эҳтимол, икковимизни бирга сотишар. Ахир у одам, бизни — яхши мол экансизлар, яхши жойга сотамиз,— деб айтди-ку.

У одамнинг кўзи ва сўзлари Сусаннанинг эсига тушди. У киши Эммелинанинг қўлларини ушлаб, жингалак сочларини кўтариб кўриб, биринчи навли мол, деб эълон қилган эди. Сусанна бу манзарани эсларкан, юраги ёрилгудек гумурди. Унинг ҳимоя қилувчи кишиси, ишонадиган нарсаси йўқ.

— Ойи, биз жуда яхши жойланамиз. Бирорта оиласа сиз ошиаз бўлиб кирасиз, мен бўлсанм хизмагкор ёки тикувчи бўлиб кираман. Худди шундай бўлади, бунга ишонаман. Шод-хуррам бўлиб кўринайлик, қўлнимиздан келадиган ҳамма ишни айтайлик, эҳтимол, биз бирга сотилиб кетсак,— деди Эммелина.

— Эртага сочингни силлиқ қилиб тараб қўяман,— деди Сусанна.

— Нега, ойи? Силлиқ соч менга ярашмайди.

— Лекин яхши одамга сотиласан

— Нима учун?— деб сўради қиз.

— Агар камтар ва содда кўринсанг, ўзингни чиройли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмасанг, сени мұтабар бир оила дарҳол сотиб олади. Буларнинг ҳаммасини сендаш яхшироқ биламан,— деди Сусанна.

— Бўбди, ойи, сочини силлиқ таратдираман.

Мана, тоңг ҳам отди, ҳамма қўзғалиб қолди. Муҳтарам мистер Скеггс молларини кимошдига яхшилаб тайёрлаш учун, зўр бериб ҳаракат қилмоқда. У, қулларнинг кийим-бошларига бир назар ташлаб, ҳар қайсисига «ўзингни курсандроқ тут» деб буйруқ берди; энг охир у, сотиш олдидан қулларнинг ҳаммасини доира қилиб тизди ва сўнгги бор кўздан кечирмоқчи бўлди.

Бошига пальметто деб аталадиган шляпа кийган ва оғзига сигара солған мистер Скеггс атрофда айланиб юрибди.

— Бу нимаси?— деди у, Сусанна билан Эммелина ёнида тўхтаб.— Жингалак соchlаринг қани, ҳой қез?

Қиз қўрқиб-писиб онасига фирмайди. Она эса; негр хотинларга хос мулойим сўзлик билан оҳиста, деди:

— Сочи ҳар томонга ҳурпайиб турмасин учун, унга силлиқ ва соддагина қилиб тарашни буюрдим. Унинг шу кўрниши мулойимроқ.

— Бўлмаган гап!— деди хўжайин ва қизга буюрди:— Бор, сочингни чиройли кокил қил!— у, таёгини ҳамла қилгансимон силтаб давом этди:— Тезроқ қайт. Сен унга кўмаклашгин,— деди у, қизнинг онасига.— Кокили бўлса, уни юз доллар қиммат сотиш мумкин.

Чиройли, қуббали бинонинг мармар полида ҳамма миллат кишилари у ёқдан-бу ёққа юриб туришади. Ҳамма бурчакларга аукциончилар учун кичкина минбарлар қўйилган. Хонанинг икки четидаги икки минбарни олифта ва қобил иккита жентльмен банд қилган. Улар, инглизчани французчага аралаштириб, ўзларига қарашли ҳар турдаги молларининг афзаллигини шукуҳ билан мақтаятилар. Учинчи минбар ҳозирча банд қилинмаган; савдо қачон бошланишини кутиб турган бир гуруҳ кишилар уни ўраб олишган. Сен-Клэрнинг хизматкорлари — Том, Адольф ва бошқалар шу ерда эди. Қўрқкан ва ақл-ҳушларини олдирган Сусанна билан Эммелина ҳам ўз қисматларини кутиб шу ерда турардилар. Уларни турли-туман томошибинлар ўраган ва буларни олиш-олмаслик ҳақида уларнинг ўзлари ҳам бир қарорга келмаган эдилар. Улар, отларнинг фазилатини муҳокама қилаётган чавандоз каби, қулларни бемалол ушлаб кўрас, қадди-қоматини, афт-башарасини ўзаро муҳокама қилишарди.

— Салом, Альф. Бу ёққа сени қайси шамол учирди?— деб хитоб қилди бир олифта йигит, Адольфга лорнеткан¹ қараётган ва башанг кийинган йигитнинг елкасига уриб.

— Менга малай керак эди. Эшитсан Сен-Клэрнинг қуллари сотилармиш. Шуларни бир кўрай деб келдим...

— Сен-Клэрнинг одамларини олишдан худо сақласин. Бузуқ негрлар, ичиди бирорта тузуги йўқ. Шайтондан ҳам бадтар сурбет, жиловсиз,— деди бошқаси.

¹ Лорнетка — бир хонали қўзойнак (таржимон).

— Бундан қўрқмайман! Менинг қўлимга тушсин-чи, дарров энақага солиб қўйяй. Улар, хўжайнилари энди мисе Сен-Клэр эмас, бошқа одам эканлигини тезда тушуниб олишади. Азбаройи худо, шу сатангни олганим бўлсин! Кўриниши менга маъқул.

— Сенга қиммат тушиб кетади, кўрасан. У пулни беҳуда исроф қилишга ўрганиб қолган. Ҳамма нарсангни талон-торож қиласди.

— Ҳеч-да, бу тўра қўлимга тушсин — хўжайнининг молини исроф қилиш одатини дарров ташлайди. Бир неча марта полиция участкасига юбориб, пўстагини яхшилаб қоқдирсам бўлгани. Кўрасан, унинг миясинни жойига солиб қўя оламан! Уддасидан чиқаман, хотиржам бўл! Сотиб оламан, гап шу!

Том «кимни хўжайним десам экан» деб, атрофига мильтилаб турганларга тикилиб қаради. Ўқувчи, мабодо сиз икки юз киши орасидан ўзиңигизга мутлоқ ҳукмронлик қилувчи бир кишини таилаб олиш заруриятига тушиб қолсангиэ. Том каби сиз ҳам ўз қисматингизни хотиржамлик билан ишониб топшириб қўядиган одамларининг жуда кам эканлигини гушуниб олардигиз. Том ҳар хил одамларни: новча, барваста, дағал одамларни; кичкина, чийилдоқ, қуриб-қовжираб қолган одамларни; жуда совлатли, қотма ва баджаҳл одамларни, ақлсиз ва эси паст кўпгина одамларни кўрадики, буларнинг бари қуллар билан худди чўпдек муомала қилардилар. Улар зарур бўлса бу чўпни ўтга ташлар, зарур бўлмаса — саватда қолдирадилар. Лекин Том Сен-Клэрга ўшаган битта ҳам кишини кўролмади.

Савдо бошланай деб қолган пайтда бир турӯҳ қуллар ёнига катак кўйлакли, кўкраги очиқ, эски, ифлос чоловор кийган, елкаси кенг, пайдор бир киши келди. У тирсаги билан оломонни туртиб ўзига йўл очиб бораради. У яқинлашиб келаркан, Томни ниҳоятда қаттиқ жирканч ва кўрқув ҳисси чулгаб олди. Пасть бўйлилигига қарамай, бу одамнинг жуда бақувват эканлиги кўриниб туарди. Тўғрисини айтганда, унинг юмалоқ калласи, оч кул ранг катта кўзлари, пахмоқ оқиш қоши, қуёшда ўнгидек кетган ва симдек гайир соchlари кишида аллақандай ёмон таъсир қолдиради. У, бесўнақай катта оғзини тўлдириб ноевий отган ва гоҳ-гоҳ шиддат билан оғзидан тамаки аралаш тупуарди. Сепкил босган сержун қўлларини бениҳоя қотган, у қуёшда қорайган; кир тирноқлари жуда



ўисиб кетган. Бу одам назар-писанд қилмай, қулларни бирин-кетин кўздан кечириб чиқди. У, Томнинг жағидан ушлади ва тишини кўриш учун оғзини очди; пайларини кўриш учун енгини шимарди; орқа-олдига айлантирди ва қанчалик эпчиллигини билмоқ учун сакратиб ҳам кўрди.

— Аслинг қаердан? — деб лўнда қилиб сўради у, Томни бошдан-оёқ кўраркан.

— Кентуккидан, хўжайин,—деди Том, худди нажот излагандек атрофига қараб.

— Нима қиласдинг?

— Ферма бошқаардим, хўжайин,— деди Том.

— Ишониб бўлман сўзингга! — деди у қисқа қилиб, Том ёнидан кетаркан.

Адольф олдида у бир оз тўхтади. Кейин унинг ярқириқ ботинкасига тамаки сувини тупурди-да, нафратомуз кулиб, бошқаларни кўргани ўтди. Кейин Сусанна билан Эммелина олдида тўхтаб, оғир ва ифлос қўли билан қизни ўзига тортди ва унинг кўкраги ва бўйини, қўлларини ушлаб кўрди, тишларини қаради ва кейин онасининг олдига итариб юборди.

Бу бадбуруш бегона кишининг қўли қизига теккан сари муштипар она қаттиқ азобланар ва бу азоб унинг жафокаш юзида акс этарди.

Киз қўрқиб йиглай бошлади.

— Йиглама, ҳароми! — деди сотувчи.— Йиглаш мумкин эмас, савдо бошланяпти!

Шу билан савдо бошланди.

Биринчи кўришдаёқ сотиб олишга қарор берган ёш жентльменга Адольфни катта пулга сотдилар.

Сен-Клэрнинг бошқа қулларини ҳар хил харидорлар сотиб олишиди.

— Қани, энди навбат сенга келдя, чол! Эшитдингми, ҳой? — деди аукциончи Томга қараб.

Том ҳадиксираб атрофига разм согланича кат устига чиқди. Атрофдаги ҳамма овозлар — унинг фазилатини мақтаб, инглиз ва француз тилида қичқираётган сотувчининг овози, шошилиб баҳо айтаётган харидорларининг овози — ҳаммаси бир-бирига қўшилиб гала-ғовур ҳосил қилганди. Бир минутдан кейин, сўнгги марта болганинг тақиллагани ва жумланинг «долла» деган охирги сўзи эштилди. Шу билан Томнинг масаласи ҳал этилди. У хўжайинли бўлди.

Уни катдан итариб юбордилар. Ҳўқиз бош, елкаси кеңг бир одам Томнинг елкасидан ушлаб олиб, четга туртиб юборди ва: «Бу ерда тур!» — деди.

Нима бўлаётганини Том зўрга фаҳимларди. Савдо давом этарди: қарс-қурс ва тақир-туқур овозлар, гоҳ инглизча, гоҳ французча хитоблар. Болга яна бир марта тақиллади, Сусаннани сотдилар! У катдан тушаётганида бир лаҳза тўхтаб, саросима билан орқасига қаради. Қизи унга қўлинин чўзяпти. Сотиб олган кишиига у, юзини бужрайтиб қарайпти. У одам кўринишидан хушкўнгил, ўзи ўрта яшар эди.

— Ҳой, хўжайин, умрингиз узун бўлсин, қизимни ҳам олинг!

— Жоним билан олардим, лекин пулим етмас, леб қўрқаман, — деди жентльмен.

У, ёш қизнинг кат устига кўтарилишига, чўчиб ва юраги дов бермай, теваракка ола-зарак боқишига ачин-тансимон қизиқиб қаради.

Қизнинг оппоқ юзига қон қўйилди, ҳаяжонланганидан кўзи чарақлади, бу билан янам чиройлироқ бўлиб кетганини кўрган она оҳ тортди. Аукциончи унинг гўзаллигидан фойдаланишга шошилди ва инглиз тилини французчага аралаштириб, унинг хислатларини чиройли иборалар билан мақтайдарди. Қизнинг баҳоси тез кўтарила бошлади.

— Кучимга яраша бир нарса қилишга уриниб кўрайчи... — деди хушкўнгил кўринишли жентльмен, харидорларга қўшилиб,

Аммо бирласда қизнинг баҳоси шундай ошдики, ҳалиги жентльменнинг пули камлик қилиб қолди. У дим бўлди. Аукциончи қизиб кетяпти, лекин харидорлар астасекиң чекинмоқдалар; фақат иккى киши қолди: қари бир аристократ билан ҳалиги юмaloқ калла ошнамиз. Аристократ ўз рақибига нафрат билан қараб, бирмунча вақт нархни ошириб борди. Лекин юмaloқ калла устунлик қилди: у, жуда ўжар ва кўриниши хунук бўлса ҳам бой экан. Тортишув тўхтади. Ниҳоят, болға тушди ва қиз юмaloқ каллага қолди.

Қизнинг хўжайинини мистер Легри дейдилар, у Қизил дарё бўйидаги пахта плантациясининг эгаси экан. У, қизни Том ва яна иккى қул турган томонга итарди. Қиз ҳўнграй-ҳўнграй қуллар ёнига келди.

Хушкўнгил жентльмен ачиняпти. Лекин бундай ҳодисалар ҳар кун юз беради-ку! Бундай савдоларда кўшинча йиғлаганларни кўрасан: бар-бирларидан жудо бўлаётган оналар ва қизлар ҳар доим йиғлайдилар. Иложингиз йўқ! Дунёнинг иши шундай экан. Шунинг учун хушкўнгил жентльмен ўзининг янги харидини олиб иккинчи томонга қараб кетди.

Иккى кундан кейин Б. ва К. вакиллари фермага тенишли пулни тўла-тўқис юборишиди.

XXXI БОБ

К ғ ч и ш

Қизил дарёда¹ сузиб бораётган кичкина ва ёмонгина кеманинг қуби чалубасида қўл ва оёқлари кишанланган Том ўтиради. Унинг юрагида кишандан ҳам оғир тош ётарди. Том учун ҳамма нарса сўнган — осмон ҳам, ой ҳам, юлдузлар ҳам. Сузиб бориларкан, ҳув инави қирғоқлар ва дараҳатлар бирин-кетин ўтиб кетаётгани каби, Том учун ҳамма нарса ўтиб кетди ва энди ҳеч қачон қайтиб келмайди. Кентукки, хотини ва болалари, саховатли хўжайинлари, Сен-Клэрнинг уйи, ундаги нозик табиатлилик ва зеб-зийнатлар, ёқимли ваз маъсум кўз Еванинг олтин сочли бошчаси, ўзига мағрур, чиройли ва беларво бўлган хушкўнгил Сен-Клэр, енгил ва беташвиш истироҳат чоғлари — ҳаммаси ўтиб кетди! Хўш, буларнинг ўрнига нима қоляпти?

¹ Қизил дарё — Миссисипининг ўнг тармоғи,

Кулликнинг энг аччиқ томонларидан бири шуки, зийрак ва ҳушёр негр олижаноб оиласа яшаб, бу оиланинг дид ва одатларини ўзига сингитиб олади; шундан кейин у, дағал ва шафқатсиз хўжайининг қўлига тушиб қолади. Масалан, бир вақтлар гўзал меҳмонхонани безаб келган курси ёки стол, пировардида, синиб ва шилқиллаб ифлос ошхонага ёки фаҳш бир жойга тушиб қолади. Лекин икки ўртадаги катта фарқ ўзундаки, курси ёки стол ҳеч нима ҳис этмайдилар, аммо инсон ҳис эта олади. Негрни «тутиб олиш, қонунга мувофиқ суд қилиш ва жонли мулкка айлантириш» мумкин; лекин бунга қарамай, уни муҳаббат, қўрқув ва умид каби жажжи хотирот ва кечинмалар оламидаи маҳрум этиш мумкин эмас.

Томнинг хўжайини мистер Саймон Легри, Янги Орлеанинг турли жойларидан қул харид қилди. Уларни жуфтлаб кишанлади ва Қизил дарёда сузишга тайёр бўлиб турган «Пират» пароходига олиб келди.

Пароход жўнагандан кейин, Легри айланниб, ўз қулларини биларманлик билан кўздан кечира бошлади. У, Том олдида тўхтади. Том жуда ясанган эди: аукциончининг буйругига мувофиқ харидорларни яхшироқ тортиш учун, Том энг яхши костюм ва крахмалланган ички кўйлак кийган эди. Легри унга:

— Тур! — деб қисқа қилиб дўқ урди.

Том ўрнидан турди.

Ташла бу бўйнитуруқни!

Кишандан вазминлашган Том ечина бошлаганди, Легри унга ёрдам бера бўшлади, кейин дағаллик билан Томнинг бўйнидан ёқасини тортиб олиб, чўнтағига солди.

Кейин у, Томнинг сандиқчаси ёнига келди — буни илгари кавлаб кўрган эди — ундан иккита эски чолворни ва Том отixonада ишлаганди киядиган жулдор курткани олди, кейин Томни қўлинни кишандан бўшатди да, яшиклар орасидан пана жойни кўрсатиб, буйруқ берди:

— Ана у ерга бориб, буларни кий!

Том унинг буйругини бажариб, бир неча минутдан сўнг жойига қайтиб келди.

— Этикни еч! — деди мистер Легри.

Том этикни ҳам ечди.

— Мана,— деди Легри, одатла қуллар киядиган бир жуфт қўпол кавушни олдига ташлаб,— кий буни!

Кейин мистер Легри Томни яна кишанлади ъа шошмасдан, унинг чўнтакларини тинта бошлади. Чўнтакдан шойи дастрўмолчани олиб ўз чўнтағига солди. Ева яхши кўрадиган ҳар хил майда-чуйда нарсаларни Том чўнтағида асраб юрарди; Легри буларни олиб, нафрат билан кўздан кечириб, елкасидан ошириб дарёга ташлади.

Кейин Легри Томнинг маъюс юзига қараб, нари кетди. У, Томнинг анча-мунча либоси солинган сандиқ-часини олди-да, кеманинг гумшуқ қисмига борди: ҳаял ўтмай бу ерда уни матрослар ўраб олишди. Жентльмен бўлишни истовчи негрларни зўр бериб масхара қилдилар; тезда ҳамма нарсалар бирин-кетин сотилди, бўш сандиқча эса кимошди савдосига қўйилди. Ҳаммалари бу ишни ҳазилкашлик, деб ҳисобларди. Том ўзининг ҳар бир нарсаси қисматига жудаем ачиниб, йиғлагундек бўлиб унга қарапарди; бу қарашига айниқса мазақ қилиб кулишдилар. Аммо сандиқчанинг кимошди савдосига қўйиб сотилиши янада қизиқроқ кўринди ва кўлгина заҳарли қочирмаларга сабаб бўлди.

Саймон бу ишни тамомлаб, қуллари олдига қайтди.

— Энди, Том, сени ортиқча юқдан ҳалос қилдим. Бу либосни яхшилаб асра, сенга ҳаливери бошқа либос тегмайди. Негрларни мен ўз нарсаларини асрашга ўргатаман. Менда бир йилда бир мартагика кийим берилади.

Кейин Саймон Эммелина олдига келди; у, бошқа бир хотин билан қўшилиб кишанланганча ўтиради.

— Қани, дилбарим,— деди Легри унинг бағбақасига уриб,— хурқандроқ бўлиб ўтирангчи!

У, қизнинг юзида беихтиёр пайдо бўлган қўрқув ва жирканчни пайқади-да, жаҳл билан хўмрайди:

— Сен бу ҳунарларингни ташла, жоним! Сен билан сўзлашаётганимда ширин-ширин кулимсирашга мажбурсан, эшитдингми? Сен эса, эски сариқ пўстак,— деди у, Эммелина билан кишанланган мулаг аёлни тениб,— нега қовоғингни солиб олисан? Кулиброқ қара! Кулимсира!— кейин икки қадам чекиниб, бошқаларга қараб, деди:— Ҳаммангиз менга қаранг... менга қаранг... Кўзимга тикилиб қаранг... Тўғри кўзимга қаранг...— деб такрорлади тениниб.

Худди сеҳрлангандек, ҳаммалари унинг чақнаётган кул ранг зангор кўзинга тикилиб қарай бошладилар.

— Энди,— деб у, темирчининг болғасига ўхшаш катта ва оғир муштини юмиб кўрсатди,— бу мушти кўрдингизми? Қани, буни тортиб кўр-чи!— деди у, муштини Томниңг қўлига қўйиб.— Сизларга айтсан, мен шу мушт билан негрларни ураман. Бир мушт уришм билан думбалоқ ошиб йиқилиб тушмаган негрч ҳали кўрганим йўқ,— деб у, муштини Томниңг юзига щунча яқин олиб келдик, Том, кўзини пирпиратиб, ўзини орқага тортид.— Мен лаънати назоратчилар сэклиамайман, мен ўзим назоратчиман. Мен ҳамма нарсани сезаман. Ҳамма нарсани... Шунинг учун, олдиндан айтиб қўяй: бир оғиз сўз айтишм билан, хурсанд бўлиб юр, кулиб қара! Мен билан фақат мана шундай қилиб муроса қилишингиз мумкин. Мендан силлиқ муомала кутманг. Менда қитдак ҳам шафқат йўқ.

✓ Аёлларниңг кўксидаги нафас беихтиёр тўхтади ва саккиз нафар қулниңг ҳаммаси ҳуши учиб, ғамгин ҳолда полга чўкди. Бу вақт Саймон орқага қайриди-да, бир-икки рюмка ароқ ичгани пароход буфетига кетди.

— Мен ўз негрларим билан мана шундан таниша бошлайман,— деди у, ёнида турган олижаноб қиёфали нотаниш одамга.— Менинг системам — муштдан бошланади, токи уларни нима кутишини ўзлари билсин.

— Рости билан-а?— деб сўради нотаниш киши, табиатшунос шу вақтгача ҳеч бир кўрилмаган йиртқич ҳайвонни қандай синчилаб кўздан кечирса, у ҳам Саймонга шундай қизиқиб қараб.

— Мен негрлар билан ҳалала-ҳашту ўйнайдиган ва абраҳ назоратчиларга аллатадиган оқ билак планторлардан эмасман. Мускулларимни ушлаб кўринг, муштумга бир қаранг. Биласизми, сэр, негрларни уриб машқ қилавериб мускулларим янайм қаттиқ бўлиб қолди, буни ушлаб кўринг-а!

Нотаниш одам унинг муштини ушлаб кўриб, деди:

— Тўғри, муштингиз анча қаттиқ экан. Кейин, менинг назаримча,— деб давом этди у,— муштингиз билан бирга юрагингиз ҳам тош бўлиб кетгандир.

— Хотиржам бўлинг!— деди Саймон, ўзидан ҷэмнун ҳолда қулиб.— Мен каби меҳру шафқати кам одам дунёда бормикан? Мени алдаш ҳам осон эмас. Мени алдай оладиган негр ҳали онасидан туғилгани йўқ. Кўз ёши билан ҳам, хушомад билан ҳам мени қўлга олиб бўлмайди — бу аниқ гап!

— Олган қулларингиз ёмон эмас,— деди нотаниш одам.

— Бўлмасамчи! — деди Саймон. — Мана масалан, анави Томни олайлик. Уни менга бир музъиза деб айтишди. Унинг учун пича ортиқроқ тўлаб юбордим, аммо зиёни йўқ — уни мен кучер ва қўргончанинг бош-қарувчиси қилиб қўяман. Лекин илгари ишлаган жойида миясига сингиб қолган ҳамма бемаъниликларни



юлиб ташлаш керак. У ерда уни жуда эркалатишган, Негрларни эса эркалатиб юбориш ярамайди; мана шунинг учун у тентак бўлиб қолган. Мана бу сариқ жодугарга эса, мени қўлга туширишди. Назаримда у, нимжон ва дардчил кўриняпти, лекин ҳар ҳолда унга тўлаган пулимни қайтариб оламан; у ҳали яна икки йилга иш беради. Мен, негрларни унча узоқ асраламайман. Негрдан охиригача фойдаланаман-у, янгисини сотиб оламан — ушлаган йўлим ана шу. Ташвиш ҳам озроқ, арзон ҳам тушади,— деди Саймон, стакандан оз-оз хўплаб.

— Сизникида улар неча йил бардош бера олади?— деб сўради нотаниш одам.

— Очиғини айтсам, ўзим ҳам яхши билмайман. Саломатлигинга боғлиқ. Бақувватлари олти-етти йилга боришади, бўлмағурлари эса икки-уч йилдан кейин ишдан чиқади. Бу ишни бошлаган вақтимда, уларга кўп беҳуда уринган эдим: уларни қўллашга ҳаракат қилим, касал бўлиб қолса ҳатто даволадим, кўрпашак ва либос бердим; хуллас, уларга ҳар қандай қуляйликлар туғдиришга ҳаракат қилим. Кейин қарасам, буларнинг ҳаммаси бефойда экан. Ортиқча пул сарфу бирталай ташвиш. Энди, мен негрдан: касалмисан, соғмисан, деб сўраб-нетиб турмайман. Негр ўлиши билан, бошқасини сотиб оламан ва шундай қилиш осон ҳам арzon деб биламан.

Бу вақтда пароходнинг қуий палубасида Эммелина билан унга кишанланган мулат аёл орасида мутлақо бошқа мавзуда суҳбат бораради. Улар табиий, бир-бирларига ўз қиссаларини ҳикоя қилишарди.

— Сенинг хўжайнинг ким эди? — деб сўради Эммелина.

— Хўжайним мистер Эллис эди. У Ливестритда туради. Балки уйини кўргандирсан?

— Сенга у яхши муомала қилармиди? — деб сўради Эммелина.

— Қасал бўлмасидан илгари ёмон эмас эди. У олти ойдан ошиқроқ қасал бўлиб ёстиқда ётди ва жуда инжик бўлиб қолди. На кундузи, на кечаси ҳеч кимга ором бермасди. Мени кечалари ухлагани қўймасди, шунинг учун мен бутунлай ҳолдан толиб қолдим. Бир марта кечаси ухлаб қолган эдим, у мени сўкиб — «Сени энг ашаддий, ёмон хўжайнинг сотаман» — деди. Илгари эса — «Мен ўлгандан кейин сен озод бўласан» — дерди.

— Дўстларинг бормиди? — деб сўради Эммелина.

— Эрим бор. Темирчи. Одатда хўжайн уни бошқа жойларга пул ишлагани юборарди. Мени шундай тез олиб кетишдикни, ҳатто у билан кўриша олмадим ҳам. Менинг тўртта болам ҳам бор! Ё раббим! — деди хотин ва қўли билан кўзини ёпди.

Баъзи одамлар, бирорнинг чекаётган жафолари ҳақида ҳикоя эшитганларида, уни юпатиш учун ўзларида табиий бир истак ҳис этадилар. Эммелина ҳам унга таскин берувчи сўз айтмоқчи эди, лекин ҳеч нарса ўйлаб тополмади. Уни нима деб юпата оларди ҳам? Улар, ҳозирги хўжайнилари бўлгап расво одам ҳақида,

худди сўз биритириб қўйгандек, қўрқанлари ва жир-канганларидан сўз очмасдилар.

Қайғули юк ортилган пароход Қизил дарёнинг лой-қа-қизил суви устида тик ва эгри-бугри ястанган қирғоқлар орасидан сузиб бораради. Кўлгина маъюс кўзлар қизил тупроқли тикка қирғоқларга толиқиб боқарди. Ниҳоят, пароход кичкина бир шаҳарча ёнида тўхтагач, Легри ўз негрлари билан пароходдан ташди.

XXXII БОБ

Хафагазак жойлар

Том билан ҳамроҳлари юриш қийин бўлган йўлдан, бесўнақай арава кетидан оғир қадам босиб бордилар.

Араванинг олдида Саймон Легри, кишанланган икки аёл эса орқадаги юклар орасида ўтиради. Булар Легрининг олис плантациясига борардилар.

Бузук йўл гоҳ шамол шоҳларини силкиб, гамгин шитирлаётган қарағайлар ўсмиш яйдоқ ерлар орасидан, гоҳ ёғоч кўприклар ташлаб қўйилган ботқоқлардан ўтарди;



мотамсаро қорамтил туклар босган сарв дарахтлари суюқ ботқоқлик устидан бўй чўзиб туарди; унда-бунда сув ичидан чириб ётган шохлар устидан бадбуруш заҳарли илонлар ўрмалаб ўтарди.

Яхши от устида, чўнтағини пулга тўлдириб, бирорта муҳим иш билан бу йўлдан биринчи марта чопиб бораётган одамни тасаввур этинг. Бу одамга ҳам бу йўл ҳеч сўзсиз кўнгилсан кўринарди.

Лекин ҳар қадам босган сари, орзу қилган ва севган нарсаларидан узоқлашаётган қулларга бу йўлнинг қанчалик даҳшатли ва ноумид эканини тасаввур қила оласизми?

Кулларнинг қора юзлари ғамгин эди. Уларнинг маъюс кўзлари йўлда учраган ҳар бир нарсага диққат ва итоат билан қарабарди.

Фақат от ҳайдаб бораётган Саймоннинггина димоги чоғ кўринарди. Гоҳ-гоҳ, у ичига ароқ қўйилган чўнтак шишасини оғзига тутиб, ўзини тетикларди.

— Ҳой! — деб қичқирди у, орқаснга қарабаркан, ғамгин юзларни кўриб.— Қани, бир ашула айтинглар, йигитлар!

Куллар саросималаниб, бир-бирларига қарадилар. Легри даҳшат билан қамчинини силтади.

Дарҳол ашулачи топилди; у, қуллар орасида кўп тарқалган маъносиз ашулалардан бирини айта бошлиди:

Бир кун сухсурни тутдим,
Ҳой, ҳой, ҳой!
Хўжайнинни кулдиридим:
«Ойни қаерда кўрдинг?»
Хо-ҳо-ҳо! Ҳой! Ҳо!
Хо-ҳо-ҳо! Э! О!

Ашулачи оғзига келган сўзни айтар, оҳангни буз-маслика уриниб, маънога эътибор бермасди. Негрлар унга жўр қилишарди.

Хо-ҳо-ҳо! Ҳой! Ҳо!
Тенара! Э! О! Тенара! Э! О!

Улар жони борича хурсанд бўлиб кўринишга ҳаракат қилишарди. Бироқ энг қаттиқ фарёд ҳам бу чапанича ашуладаги каби қайғули садо бермасди. Лекин

Саймон уларнинг овозларида яширинган ғамгин ёлворув оҳангларини эшиитмасди. У фақат қўшиқнинг шовқинини ва негрларини «шодлантириб» юборгани учун хурсанд эди.

— Хўш, кичкнитой,— деди у Эммелинга қайрилиб ва унинг елкасига қўлини қўйиб,— ярим соатдан кейин уйда бўламиз.

Легри сўкиниб газаби тошар экан, Эммелина қўрқувдан титтарида, лекин Легри мулойим сўзлаганда эса Эммелина бадтарроқ қўрқарди. Унинг қараши Эммелинани қизартирди. Қиз ёнида ўтирган мулат аёлга, ўз онасидай беихтиёр ёпишади.

— Сен ҳеч вақт исирға тақмаганига ўхшайсан-а,— деди Легри, қизнинг жажжи қулоқчасини йўғон, дагал бармоқлари билан ушлаб.

— Ҳеч, хўжайнин,— деб жавоб берди Эммелина, титраб-қалтираб ва ерга қараб.

— Агар сен яхши қиз бўлсанг, исирға олиб бераман. Қўрқма, сен кўп ишламайсан. Сен вақтингни мен билан ўтказасан, уйимнинг бекаси бўлиб яшайсан. Факат яхши қиз бўлишининг керак.

Легри маст эди. У, кўп ичганидан, кўнгли хушумомалани тусаб қолди. Узоқда унинг плантацияси кўринди. Бир вақтлар бу плантация ҳафсаласи зўр бадавлат бир жентльменники эди, у одам мулкининг чиройли бўлиши учун астойдил ҳаракат қиласди. Лекин, у жентльмен синиб қолди, кейин ўлди. Легри унинг ерини сотиб олди ва дунёда бошқа нарсалардан қандай фойдаланса, бу мулқдан ҳам шундай фойдалана бошлади — ишқилиб, ундан кўпроқ пул сиқиб олинса бас эди. Ҳозир бу ерда ҳамма нарса қаровсиз ва ярим вайрон ҳолда эди.

Бир вақтлар олдида гулзор ва тараашланган майсалар бўлган уй олдини энди от пайхон қилган, ёввойи ўтлар босиб кетганди; унда тешик пақирлар, похол, сомон ва бошқа ҳар хил балою бадтарлар сочилиб ётарди. У ер-бу ерда раъногул новдалари учар, уларнинг таналари ёнбошлаб қолган нафис устунга чирмашганди; устунлар ҳозир от боғлайдиган қозиқ хизматини ўтаганидан ёнбошлаб қолган эдилар. Қенг боғни ҳам ёввойи ўтлар босганди, фақат ҳар жой-ҳар жойда ноидир ўсимликлар сақланиб қолган, уларнинг ҳеч кимга керак бўлмаган гуллари диккайиб туради. Оранже-

рея¹нинг ҳамма ойнаклари синган, лекин токчаларда тупроғи қуруқ бир неча тувак кўринар ва улардан барглари хазон бўлган қуруқ шохчалар чиқиб туради..

Арава шагал тўкилган йўлкага кирди: Йўлканни ҳам ўт босганди. Йўлканнинг ҳар икки тарафига бир вақтлар жуда чиройли хитой даражатлари ўтқазилган, улар ҳали-ям ўзларининг гўзалликларини ва тўқ зангор япроқлари-ни йўқотмаганлар, чунки, бу даражатлар ерга жуда чуқур томир отганликларидан ҳар қандай оғат уларга шикаст етказолмасди.

Жанубдаги ҳамма уйлар каби, кенг ва гўзал уй эса ҳамма томондан икки қават айвон билан ўралган ва ҳамма хоналарнинг эшиклари шу айвонларга чиқарди. Бу айвонларнинг остига гишт устунлар қилинганди.

Лекин бундай қараганда уй, одамсиз ва қаровсиздек ҳувиллаб кўринарди; деразаларнинг баъзисига тахта қоқилган, баъзисига эса тўр парда ўрнига кир латталар осилган; ҳамма нарса уйга ҳеч ким қарамай, ташлаб қўйилганидан дарак бөрарди.

Ҳамма ерда ғўлалар, тўп-тўп похол, бўш бочка ва яшиклар ётарди. Гўртта қопонгич ит аравага ташланди; агар жулдур кийимли қуллар ёрдамга келиб итларни ҳайдамаганда, улар Том ва ўртоқларини ғажиб ташларди.

— Сизларни нима кутишини энди кўрдингизми? — деди Легри, итларни эркалаторкан, Том ва унинг ҳамроҳларига.— Энди кўрдингизми, мабодо менинидан қочмоқчи бўлсангиз, сизни мана нима кутади. Бу кўппаклар қочқин негрларни овлаш учун ўргатилган. Буларнинг фикри-зикри сизларни ғажиб ўлдиришда. Бу нарса ёдингиздан чиқмасин... Ишлар қандай, Сэмбо? — деб қич-қирди у эгилиб таъзим қилиб турган йиртиқ шляпали саёққа.— Ишларнинг қалай?

— Жойида, хўжайнин.

— Қвимбо,— деди у, жони борича хўжайнинниг эътиборини ўзига тортмоқчи ўлаётган иккинчи саёққа қараб,— сенга берган буйруғим эсингда турибдими?

— Эсимда турибди, хўжайнин.

Бу икки негр плантацияда энг эътиборли кишилар эди. Легри ўз бульдоглари²ни қандай ўргатган бўлса,

¹ Оранжерия — иссиқ гултона (*таржимон*).

² Бульдог — йўғон тумшуқли бақувват ит (*таржимон*).

буларни ҳам шундай ўргатиб, уларга баджаҳллик ва қонхўрликни сингдиришга уринганди. Узоқ машқлардан сўнг у, ўз мақсадига эришди ва бу икки негр кўп-паклардан ҳам бадтар бўлиб етишди.

Бизга тарихдан маълум бўлган кўпгина ҳокимлар каби, Легри ҳам қўл остидаги кишилар орасида низо-жанжаллар чиқариш йўли билан уларга ҳукмронлик қилиларди. Сэмбо билан Квимбо бир-бирларини жон-жаҳдлари билан ёмон кўрадилар; бошқа негрлар эса буларнииг иккисини ҳам жон-жаҳдлари билан ёмон кўради. Булар орасидаги ўзаро адоватдан фойдаланган Легри бир нарсадан кўнглини тўқ тутиши мумкин эди: агар плантациялда бирор ҳодиса юз берса, унга албатта хабар беражаклар.

Ҳар бир одам бошқа кишилар билан ҳеч бўлмаса бир оз яқинлик қилиб туришга муҳтож. Шунинг учун Легри бу иккала лаганбардорига, гарчи жуда дагал ви камситган тарзда бўлса-да, дўстлик қиласарди. Лекин бу дўстлик уларнииг ҳар иккиси учун жуда хавфли эди, чунки хўжайинният битта имо-ишораси биланоқ, улар бир-бирларини жон-жон деб, гажиб ташлашга тайёр турардилар.

— Қани, Сэмбо,— деди Легри,— бу азаматларни баракларга олиб бор-чи... Буни кўр, сенга қандай хотин олиб келдим,— деди яна у, мулат аёлнинг заңжирини Эммелинадан бўшатиб ва уни Сэмбо томонга туртиб юбориб.— Мен сенга хотин ваъда қилган эдим, сўзимнииг устидан чиқдим.

Аёл чўчиб тушди ва ўзини орқага ташлаб, ёлвора бошлади:

— Ҳой, хўжайин, менинг эрим Янги Орлеанда қолди-ку.

— Ҳа, нима бўлибди? Бу ерда эринг бошқа бўлади. Оғзингни юм! Бор!— деб бақирди Легри, қамчини кўтариб.— Сен эса, жонгинам,— деб Эммелинага мурожаат қилди,— мен билан юрасан.

Деразадан қора юзи ғазабланган бирор кўринди, кейин, Легри эшикни очганда, шошилиб дўқ қилаётган аёл овози эшитилди. Эммелина кетидан ташвишланиб қараб турган Том, Легрининг жаҳл билан берган жавобини эшиитди:

— Тилингни калтароқ қил! Нимани хоҳласам, ўшани қиласман, сени ҳам, бошқаларни ҳам.

Том ортиқ ҳеч нарса эшитолмади. Сэмбо уни баракка олиб кетди. Неглар посёлкаси хўжайин уйидан узбекда — ифлос кўччанинг икки четига жойлашган аянч бостирмалардан иборат эди. Бу баракларни кўриб Томнинг юраги орзиқди. Том эса, бечораҳол бўлса ҳам, оғир ишдан кейин дам олиш мумкин бўлган ўзига қарашли тинч ва озода, кичкина уйни орзу қилганди! У аввал бир баракка қаради, кейин иккинчисига кўз ташлади. Бараклар ичидаги қаттиқ тахталардан бўлак ҳеч қандай жиҳоз йўқ эди. Полда ифлос похоллар ётар, улар оёқ остида роса топталган эди.

— Қайси барак менини бўлади? — деб маъюс сўради Том, Сэмбодан.

— Билмадим... Сени бу ерга тиқсанмикан, — деди Сэмбо. — Бу ерда битта жой бўшга ўхшайди. Ҳамма баракларда неглар тўлиб ётибди. Янгиларни қаерга тиқиши билмай қолдим.

Узоқ ва оғир меҳнатдан ҳориган қуллар, гала-гала бўлиб баракларига қайтганларида вақт анча кеч бўлиб қолганди. Бу жулдур кийимли эркак ва аёллар янги келганларга қовоқларидан қор ёғиб хўмрайиб қарадилар. Бутун посёлкада заҳарли ўшқириш овозлари эшитиларди. Неглар ўзларига хос кекирдак овози билан кели учун бир-бирлари билан сўнишардилар: кечаси ейдиган нонларини пишириш учун уларнинг ҳар қайсиси ўзига тегишли ярамас маккажӯхорини келида туйиб олиши керак эди. Уларниг бор-йўқ овқати ёлғиз ўша нондан иборат эди. Улар тонгдан қоронғи кечгача назоратчиларнинг қамчиси остида далада ишларди. Қизғин иш вақти бўлганидан, уларнинг ҳар бирини ҳолдан кетгунча ишлатар эдилар.

Эҳтимол, бирон бекорчи такасалтант назар-писанд қилмай: «Пахта терниш шунча оғир иш эканми?» — деган савонни берар.

Оғир эмасми? Бошингизга бир томчи сув тушса, шунга бардош бериш оғирми? Қани айтинг-чи? Ҳеч оғир эмас. Лекин инквизициянинг¹ энг қаттиқ жазо чораларидан бири шундан иборатки, киши бошининг бир жойига кўп соатлар давомида сув томчилаб тураверади. Ҳадеб айни бир ҳаракатни бир неча соат такрорлайверсангиз

¹ Инквизиция — динсизларни қидириб топиш ва жазолаш мақсадида Рим папалари томонидан XIV асрда таъсис этилган диний жинонӣ суд маҳкамаси (ред.).

ва буни ўз хоҳишиңгиз билан қилмаётганингизни бўйсангиз, аслида оғир бўлмаган иш ҳам кишини ҳолдан толдирадиган даражада оғир бўлиб қолади. Том, янги ўртоқлари орасидан, лоақал бирорта хушкўнгил ва хушюзлисини топишга уринди, лекин бундай кишини тополмади. У фақат бадқовоқ ва баджаҳл эркакларни, мадорсиз ва юрак олдирган хотинларни ёки заррача хотинлик хислати қолмаган дағал аёлларни кўрди. Кучли одам күчсизини эзарди. Ҳар ким фақат ўз ғанини ерди. Бу қуллар билан ҳайвон каби муомала қиласдилар; бинобарин, уларнинг худди ҳайвондай бўлиб қолганликларига таажжубланмаса ҳам бўлардил. Ярим кечагача баракларда жанжал ва сўкиниш тўхтамасди. Кели етишмасди; заифроқ кишилар ҳаммадан кейин туярдилар.

— Ҳой, менга қара!— деди Сэмбо мулат аёлнинг ёнига келиб, унга бир халта дон ташларкан.— Отинг нима?

— Люси,— деди аёл.

— Хўш, Люси, энди сен менинг хотинимсан. Мана бу донни туйиб, менга кечки овқат тайёрлагин. Эшиятсанми?

— Мен сенинг хотининг эмасман ва ҳеч қачон хотининг бўлмайман ҳам!— деди аёл, жуда ташвишланган ҳолда, ўзида ботирлик ҳис этиб.— Йўқол кўзимга кўринма!

— Менга қара, калтак ейсан!— деди Сэмбо, даҳшат билан оёғини кўтариб.

— Майли, ўлдириб қўя қол! Қанча тез ўлсам, шунча яхши. Дунёда яшагим келмайди,— деди у.

— Ҳой, Сэмбо, қулларни майиб қилсанг, хўжайнинг арз қиласман,— деди Қвимбо.

У, донларини туймоқчи бўлиб турган иккى-учта мадорсиз аёлни кели ёнидан телиб юбориб, ўзи кели билан овора бўлиб турган эди.

— Мен ҳам хотинларга кели бермаётганингни хўжайнинг айтаман!— деб бақирди Сэмбо.— Навбат кутишинг керак.

Иўл юриб чарчаган Том жуда оч эди. У сўқат егуси келиб, юраги гумурганидан ҳушидан кетаёзган эди.

— Ол,— деди Қвимбо, унга халтачада дон ташлаб.— Биратўла ҳаммасини еб қўйма, негр. Бошқа олмайсан. Шу бир ҳафталигинг.

Том донни туйиб олиш учун ярим кечагача навбат кутди. Лекин навбати етганда икки хотинни кўрди: булар жуда ҳолсиз эдилар, дон туйишга кучаниб кўрдилар, бўлмади, ҳолсизланиб йиқилиб қолдилар. Том буларнинг донини туйиб берди, улар учун ўтга бир неча ғўла ташлади, шундан кейингина ўз овқатини тайёрлагани тутиндиди. Том икки аёлга хизмат қилиб арзимас ёрдам кўрсатди, холос, аммо уларнинг шафқатсизлик туфайли дағаллашган юракларини юмшатиш ва уларда миннатдорлик ҳиссини ўйғотиш учун шугина ҳам кифоя бўлди. Аёлларнинг дағал юзларида мулойим табасум пайдо бўлди, шундан сўнг улар ишга тутиндилар ва Томга ҳамир қилиб, нон пишириб бердилар.

Том овқат еб бўлиб, боя «шу ерда яшайсан» деб айтилган баракка оёғи тортмай бориб, ухламоқ учун жой қидира бошлади. Пол ухлаётган одамларга тўлиб ётар эди. Дим баракдан сассиқ ҳид анқиб турарди. У ташқарида ётмоқчи бўлди, очиқ ҳаво совуқ ва заҳ эди. Үнинг танаси истироҳат талаб қиласарди. У похолга узаниб, устига йиртиқ кўрпани ёпди.

XXXIII БОБ

Касси

Ўзининг янги ҳаётида Том нимага ишониш мумкин ва нимадан қўрқиши кераклигини жуда тез тушуниб олди. У ҳар қандай ишни ҳам уддалаб кетаверарди; у буюрилган ишни ўз вақтида, кўнгилдагидек қилиб бажарувчи, виждонли одам эди. У оғир ва ювош бўлиб, шу феъли билан зўр бериб ишлаб, аҳволини яхшилашни умид қиласарди. У шунча захмат-машақкат чекди, унга шундай озор беришди ва азоблашдики, охирида кучдан кетиб, ўзини ҳар доим касал ҳис этабошлади; шундай бўлишига қарамай: «Аҳволим бир кун бўлмаса, бир кун яхшиланиб қолар», деган умид билан тинмай ишлайверди.

Томнинг кучи борича тиришиб ишлаганини Легри аллақачон сезган бўлса ҳам, индамай юрди. У, қўлига бундай яхши хизматкор тушиб қолганига жуда хурсанд эди; лекин дилида Томга чуқур нафрат билан қаардики, зотан ёмон одам яхши одамга шундай қарайди. Легри, ҳимоясиз кишилар билан ваҳшиёна муомала қили-

шини Томнинг кўраётганлигини сезарди; Том бир карса демасада, Легрининг қилиқларига чин қалбидан ранжиғанини ҳам сезарди. Хўжайин эса, табиий, ўз қулининг бундай қарашини ёқтирумайди. Том қайғудош ўртоқларига хушмуомила қилас, жон-дили билан уларга ҳар хил ёрдам кўрсатарди, бу эса қулларга қизиқ ва ғалати кўринарди. Легри буни пайқаб қолди. Томни сотиб оларкан, кейинчалик уни назоратчи қилиб, у ёқ-бу ёққа жўнаган вақтида бутун хўжаликни Томга топшириб кетмоқ ниятида эди. Аммо, унинг назаридаги, яхши назоратчи, биринчи галда шафқатсиз бўлиши лозим эди. Шунинг учун Легри Томнинг табиатидан раҳм-шафқат деган туйғуларни сиқиб чиқаришга қарор берди. Томнинг плантацияга келганидан бир неча ҳафта ўтгач, Легри бу иннатини амалга оширишга киришди.

Бир кун эрталаб Том ҳамма қатори ишга бораркан, бир вёлни кўриб қолди; Том уни илгари ҳеч кўрмаганди. Лёлнинг устки қиёфаси уни ҳайратда қолди. У, новча, қомати келишган, қўл ва оёқлари нозик, озода ва яхши кийинганди. Ёши ўттиз беш ёки қирқда бўлса кепрак. Унинг юзи биринчи қарашдаёқ эсда қоларди. Шунингдек, бир қарашдаёқ, унинг бошидан аллақандай ваҳшиёна, азоб-уқубат тўла бир ҳодиса кечирганини ҳам фаҳмлаш мумкин эди. Унинг пешонаси кенг, қошлиари қаламдек гўзал тортилган. Тўғри бурин, кичкина, нафис оғзи, чиройли боши ва бўйни унинг яқин орада гўзал аёл бўлганидан дарак бериб турарди. Лекин энди юзига қайғу ва хўрлик ажинлари тушганди. Юзи қонсиз, хаста, икки чаккаси ичига ботган, бутун қиёфаси озганди, қаттиқ жафо чекканидан, у мадорсизлангандай кўринарди. Унинг маъюслик ва умидсизлик билан тўлган қоп-қора, катта кўзлари, тим қора, узун кипприклари кишини ҳаммадан ортиқ ҳайратлантирарди. Унинг юзидаги ҳар бир чизиқда, лабининг тузилишида, аъзойи баданининг ҳар бир ҳаракатида фуурллик ва кишининг жигига тегадиган аллақандай такаббурлик сезилиб турарди; мана шунинг учун ҳам унинг мағрур, заҳарханда ва нафрат изҳор этиб турган юзидаги умидсизлик ҳамда чуқур азобланишини билдириб турган кўзларини кўриш ғалати таъсир қолдиарди.

Том унинг кимлигини ва қаердан келганини билмасди. Фира-шира қоронги бўлган мунгли илиқ тонг пайти у, Том ёнида тик ва мағрур борарди. Бошқа негрлар уни

танир әдилар. Унинг атрофидаги жулдур кийимли, ярим оч кишилар ўз ораларида унинг пайдо бўлишига жуда ҳайрон қолишиди.

— Уйнаб бўлибди! — деди бир негр.— Аллақачон шундай бўлиши керак эди.

— Ҳи-ҳи-ҳи! — деб кулди яна биттаси.— Энди бизнинг турмушнимиз қандай эканлигини биласан.

— Кўрамиз, қандай қилиб ишга қўл урар экан!

— Кечқурун калтак ейиши турган гап!

— Савалаганларини кўрсам бир ҳордиқдан чиқардим-да!

Аёл бу масхаралашларга эътибор бермас, фақат нафратомуз кулимсиради. Бутун умри яхши тарбия олган, маданий кишилар орасида ўтган Том унинг яхши тарбия топган аёллардан эканини дарҳол фаҳмлади. Том, бу аёлнинг қандай қилиб чўри бўлиб қолганини билишга уриниб кўрса ҳам, ҳеч нима чиқмади. Аёл унга ҳеч қарамади, бир оғиз сўз демади, аммо ҳамма вақт унинг ёнида бораверди.

Том зўр бериб ишлай бошлади, аммо бояги ғалати аёл унинг яқинида ишлаётгани учун, аҳён-аҳёнда кўз қирини солиб қўярди. Аёл туғма эпчиллиги ва уддабур-ролигидан бошқалардан кўра яхшироқ ишларди; Том дарҳол буни пайқади. Хотин, жадал ҳам пухта ишлар ва ўз-ўзини ҳамда уни бу ишга мажбур этган аҳволни масхаралагансимон нафратомуз кулимсиради.

Томнинг яқинида яна бир хотин — у билан бирга сотиб олинган мулат аёл ишларди. У хотин жуда ҳолдан кетиб, зўрга оёқда турганидан, Том тез-тез унинг оҳфарёдини эшишиб турарди. Том аёлнинг ёнига келди-да, гап-сўзсиз, қопидан бир неча тутам пахтани олиб, унинг қолига солди.

— Керакмас! Керакмас! — деди аёл унга таажжубланаб қараб.— Балога қоласан.

Улар ёнига Сэмбо югуриб келди. Бу аёлни у айниқса ёмон кўтарди. Қамчини кўтариб, хирқираб даҳшат билан қичқирди:

— Бу нимаси, Люси? Муттаҳамлик қиляпсанми? А?—Сэмбо, аёлни нағал қоқилган оғир этиги билан тепди ва Томни қамчи билан урди.

Том индамай ишини давом эттирди. Аммо, бусиз ҳам сўнгги даражага этиб ҳолсизланган аёл ҳушидан кетди.

— Ҳозир буни ҳушига келтираман! — деди назорат-

чи, қаҳрланиб кулимсираб.— Менда камфорадан ҳам яхши дори бор!

Бу сўзларни айтиб, у енгидан тўғноғични суғуриб олди-да, аёлнинг баданига бор бўйи суқиб юборди. Аёл оҳ тортди-да, ўрнидан турди.

— Тур, ифлос, ишга туш, йўқса терингга янги бир дори юбораман!

Аёл инсон қурбидан келмайдиган зўр куч билан ўрнидан турди-да, ишига тутниди.

— Тезроқ қимиirla!— деди Сэмбо.— Дангасалик қилсанг, гўштингни узиб оламанки, жонингдан ҳам кечиб юборасан!

— Шундай ҳам жонимдан тўйғанман,— деб пиҷирлади аёл.

Том, яна калтак ейишини ўйлаб-нетиб турмай, терган пахтасининг ҳаммасини олиб Люсининг қопига солди.

— Керакмас! Улар сени, худо кўрсатмасин, жуда ёмон қилиб қўйишлари мумкин!— деди мулат аёл.

— Калтакка сендан кўра мен тузукроқ бардош бера оламан,— деб Том, ўз жойига қайтиди.

Бунинг ҳаммаси бир минут ичиди бўлиб ўтди.

Бояги ғалати хотин Томнинг сўнгги сўзини эшилди. У, қора кўзларини сизиб, таажжуб билан Томга оғир назар ташлади. Кейин ўз саватидан озгини пахта олиб Томнинг қопига солди.

— Сен бу плантация тўғрисида ҳеч нарса билмайсан,— деди у.— Агар ўзингга нима таҳдид қилишини билганингда эди, пахтангни бирорларга бермасдинг. Бир ойдан кейин ҳеч кимга ёрдам бермайсан, фақат ўз жонингни ўйлайдиган бўлиб қоласан!

Аёл ўз пахтасини Томнинг қопига соганини назоратчи кўрди ва қамчисини ўқталиб, аёл олдига кела бошлади.

— Нима?! Нима?!— деб бақирди назоратчи унга ғазаб билан.— Сен ҳам муттаҳамлик қиляпсанми? Энди қўлимга тушдинг-ку, адабингни бераман.

Аёлнинг қора кўзлари чақмоқдек ялтираб кетди. Лаблари буришди, бурун парраклари титради. Қайрилиб, ғазаб ва нафрат билан назоратчининг юзига тикилди.

— Кўпрак!— деди у.— Қани, менга тегиб кўр-чи. Сени итларга егизиб юборишга, тириклай ўтга ёндиришга ёки тилка-пора қилдириб ташлашга ҳали кучим етади. Бир оғиз айтсан кифоя!..

Сэмбо чўчиб тушди.

— Ҳайронман, бу ерда нима қилиб юрибсан? — деди у ва лаби осилиб, икки қадам чекинди. — Мен сизни ранжитишни истамагандим, Кассикон!

— Кимлигингни унутма! — деди аёл.

Сэмбо, даланинг нариги бурчагига қараб жўнаб қолди.

Аёл яна ишга киришди, у жуда абжир ишларди, буни кўриб Том ҳайрон қолди. Унга аллақандай бир жоду ёрдам беради, деб ўйлаш мумкин эди. Қун ҳали ботганича йўқ, лекин унинг савати лиқ тўлиб, ёпилган ва боғланганди; ҳолбуки у, терган пахтасидан бирқанчаси-ни Томнинг қопига ҳам солған эди.

Қоронри тушгац, негрлар саватларини бошларига қўйиб саройга жўнашди; саройда пахта тортиб олинэр ва шу ерда сақланарди. У ерда Легри иккала назоратчи билан қизғин сўзлашиб ўтироқда эди.

— Том бўлмағур ишларни қиляпти: Люсининг саватига пахта солмоқчи бўлди. У хумпар тезда ҳамма негрларни «бизни хафа қилишяпти» деб арз қилишга ўргатади. Хўжайин уни қўлга олиши керак, йўқса ишни расво қиласди, — деди Сэмбо.

— Ҳе, қора шайтон-эй! — деди Легри. — Унинг танбиҳини бериш керак!

Иккала негр хунук иржайишли.

— Хўжайин Легрининг ўзи унинг танбиҳини берсия! Шайтон ҳам негрни хўжайнимиздек дарров бўйсунди-ролмаса керак, — деди Квимбо.

— Бирор кишини калтақлашга Томни мажбур қиласиз, йигитлар! Шундай қилинса, миясидаги ҳамма ярамас фикрлари, тентаклиги йўқолади.

— Хўжайич унинг қўлига осонликча қамчи олдиролмаса керак.

— Нима бўлса ҳам унинг миясидан аҳмоқона фикрларни тозалаб ташлаш керак, — деди Легри, оғзига табак сола туриб.

— Ана, Люсининг ўзи ҳам келяпти! Бутун планта-цияда ундақа заҳар ва гушна абллаҳ йўқ! — деди Сэмбо.

— Эҳтиёт бўл, Сэм! Уни нима учун ёмон кўрасан — биламан.

— Шунинг учун ёмон кўраманки. у хўжайнинг буй-руқларига бўйсунмайди. Хўжайин унга: «Сэмбога хотин бўласан» деб эди, у унамаялти.

✓ — Сўзимга кўнмаса, қамчига кўнади,— деди Легри, тупуриб.— Афсуски, ҳозир далада ишнинг қизиган пайти, у эса жуда озғин; озғин одам эса узоқ вақт туриши керак, чунки улар ёмон ўжар бўлади. Уни раъйидан қайтариш учун чала-ўлик бўлиб қолгунча уриш керак, урсанг у ишга ярамай қолади.

— Ахир у бадбаҳт барибир ҳеч иш қилмайди, бунинг устига вайсагани-вайсаган, унинг учун Том ишлаб беради.

— Том дейсанми? Ундаи бўлса уни Том урсин. Қани, Том бир оз ҳузур қилсинг-чи. Том учун бу яхши сабоқ бўлади, кейин менга ҳам фойда бўлади, сабабки, Том уни сизлар сингари қаттиқ урмайди.

— Хо-ҳо-ҳо! Ҳу-ҳу-ҳу!— деб қаҳ-қаҳлади икки абллаҳ.

— Лекин унинг савати тўла, хўжайин. Том билан Кассихон пахталаридан Люсининг саватига солиб беришган, хўжайин.

— Унинг саватини ўз им торта ман,— деди Легри манъодор қилиб.

Икки назоратчи яна хунук хоҳолаб кулишди.

— Кассихон улар билан кун бўйи бирга ишладими?— деб сўради Легри.

— У шайтондек эпчил ишлади!

— Чиндан ҳам унинг ичига шайтон ҳамма болалар! билан кириб олган,— деди Легри ва қўпол сўкиниб, тарози қўйилган саройга жўнади.

Хориган кишилар саройга оҳиста киришар ва ўз саватларини тортмоқ учун қўрқиб тарозибонга берардилар.

Тош тахтага қулларнинг номлари ёзилган қоғоз ёпиштирилганди. Ҳар қайси номнинг рўпарасига Легри ўша қул терган пахтанинг миқдорини ёзиб қўярди.

Томнинг савати тортилиб, унинг оғирлиги маъқулланди. Том, иш вақтида иноқ бўлиб қолган мулат аёлга ташвишланиб қаради.

Мулат аёл, кучсизликдан чайқалиб юриб бориб, тарозига саватини қўйди. Легри саватиниг оғирлигидан етарли пахта терилганини пайқаса-да, жўрттага жаҳли чиқкан бўлиб, бақирди:

— Дангаса, ҳайвон! Тағин етмайди! Бир четга ўт, сен билан кейин гаплашамиз!

Мулат аёл, нима қилишини билмай, бир оҳ тортиб, скамейкага ўтириди.

Тарози ёнига «Қассихон» деб айтилган аёл келди. У. тақаббурлик ва нафрат билан тарозига саватини қўйди. Легри заҳарханда, аммо ташвишланиб унинг кўзига термилиб қаради.

Аёлнинг қора кўзлари унга тикилди, лаблари андак ҳаракатга келди, у француздабир нима деди. Унинг нима деганига ҳеч ким тушунмади, лекин Легрининг юзи газабдан буришиди. У қўл кўтариб Кассига ҳамла қилай деганда, Касси унга нафратланиб ғазаб билан қаради, ўгирилиб жўнади.

— Бу ёққа кел-чи, Том,— деди Легри.— Сени қора иш қилдиргани олмаганимни ўзингга айтгандим. Сенга мен юқорироқ мансаб бериб, назоратчи қилиб қўйишга қарор қилдим. Бугун янги вазифангга тушишинг керак. Мана бу хотинни савала. Одамни қандай савалаганликларини бир неча марта кўргансан.

— Афв этинг, хўжайин,— деди Том.— Мен бундақа ишга ярамайман. Умримда ҳеч кимни урган эмасман. Бу мумкин эмас, хўжайин.

— Кўп ишларни қилмаган бўлишинг мумкин. Менинг қўлимда ё тез мулла бўласан, ёки гўрга киргизиб юбораман!— деди Легри ва мол терисидан қилинган қайишни ушлаб, Томнинг бетига устма-уст урди.

— Хўш, нима дейсан?— деб сўради у, қўли чарчаганда.— Ҳалиям «уролмайман» деяверасанми?

— Уролмайман, хўжайин,— деб жавоб берди Том, юзидан оқаётган қонни артаркан.— Мен туну кун ишлашга, ўлгунимча ишлашга тайёрман, лекин ноҳақ ишни қилолмайман. Мен ҳеч кимни ҳеч қачон урмайман, хўжайин. Ҳеч қачон!

Томнинг овози жуда майин эди, у ўзини одобли тутарди, шунинг учун Легри уни қўрқоқ ҳисоблаб, элақага солиш осон бўлади, деган фикрга келган эди. Лекин Томнинг сўнгги сўзларидан шу ердаги халойиқнинг ҳаммасини ҳайрат титроби босди.

— Е худо!— деб хитоб қилди шўрлик мулат аёл, қуличини ёзиб.

Ҳамма ихтиёrsиз бир-бирига қаради ва қаттиқ тўстўполон бўлишини кутиб, энтикиб қолди.

Легри биринчи пайтда гаранг бўлиб қолди шекилли, кейин, бениҳоя ғазабланиб, ўшқира бошлади:

— Нима дединг?! Лаънати қора ҳайвон! Мен уни ноҳақ ишни қилишга мажбур этаётган эмишман-а! Сизларга ўхшаган қабиҳ қора галанинг нима иш ҳақ, нима иш ноҳақлиги ҳақида бир нарса дейишга ҳақи борми? Йўқ, бунга чек қўяман! Сен кимсан ўзинг? Ўз хўжайнингга ҳаққоният тўғрисида таълим баришга журъат қиларкансан, демак, ўзингни жентльмен деб ҳисобласанг керак, а, жаноб Том? Демак, сенингча, бу хотинни савалаш адолатсизликми? Ноҳақ ишми?



— Ноҳақ, хўжайнин,— деди Том.— У бечора касал, заиф. Бундай одамни уриш шафқатсизлик бўлади, мен буни ҳеч қилмайман. Мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, ўлдинг. Лекин мен ҳеч кимга ҳеч качон қўлимни кўтармайман. Улсам ўламан, кўтармайман!

Томнинг юмшоқ овозида пўлат каби мустаҳкамлик сезиларди. Легри разабланганидан титрарди. Унинг оч зангор кўзлари жаҳлидан ялтиради. Лекин Легри, худди ўз сайидини тилка-пора қилишдан илгари, уни ўйнатишни истаган йиртқич ҳайвондек, бирпас ўзини тутиб турди.

— Қаранг, биз гуноҳкор одамларга қандақа тақводор кўплак келиб қолибди!— деб бошлади у сўзини.— Бу авлиё ҳамда жентльмен биздақа гуноҳкорларни ва бизнинг гуноҳляримизни фош қиляпти. Сендақа художўйни қара-ю! Сен муттаҳам ўз инжилингда: «Қуллар, хўжала-

рингизга бўйсунингиз» деган сўзни ҳеч ўқимаганмисан? Мен сенинг хўжанг эмас эканманми? Сенинг қора пўстагинг тўла ҳамма нарса учун бир минг икки юз доллар тўламадимми? Сенинг танинг, сенинг жонинг менини эмасми?— деб қичқирди у, кучининг борича оғир этиги билан Томни телиб.— Жавоб бер!

Қон кўз ёши билан аралашиб Томнинг юзидан оқарди. Шундай бўлса ҳам у жавоб берди:

— Йўқ, йўқ, йўқ, менинг жоним сизники эмас, хўжанин. Уни сотиб олмагансиз, сотиб ололмайсиз ҳам. Сиз менинг жонимга ҳеч қандай ёмонлик қилолмайсиз ҳам.

— Қилолмайманми?— деб қайтариб сўради Легри, кулимсираб.— Кўрамиз! Ҳой Сэмбо, Қвимбо! Бу кўпнак шундай боплаб урилсинки, бир ойгача қимирлаёлмасин!

Икки улкан негр дарров Томни ушлаб олишиди. Уларнинг юзи тантанабозлик ва ёмонликка қувонишдан ёришиб кетди. Шўрлик мулат аёл дод деб қичқирди. Ҳамма тўсатдан пайдо бўлган бу ғала-ғовурда ўрнидан қўзғалди. Аммо бу вақъ энди жаллодлар Томни судраб чиқишиган, у эса ҳеч бир қаршилик кўрсатмай, ўша жаллодлар ёнида борарди.

XXXIV БОБ

Квартеронканинг қиссаси

Тун. Том ташландиқ тахта омборида синиқ асбобускуналар, брак қилинган пахта ва ҳар хил ахлатлар орасида қонига беланиб, оҳ-воҳлаб ётарди.

Тун ҳаҳкаш ва қоронги; ҳаода гала-гала чивинлар визиллашар ва Томнинг яраларига қўниб, оғриқни бенихоя зўрайтиради; лекин Том, ҳаммадан ҳам юракни ёндирувчи ташналиқдан ортиқроқ азоб чекарди.

Бирдан у аллакимнинг оёқ шарғасини эшилди, унинг кўзига фонус шуъласи урди.

— Ким у? Сув! Үтиниб сўрайман, сув беринг!

Олдода Касси пайдо бўлди. У фонусни ерга қўйди; ўзи билан олиб келган кўздан кружкага сув қўйди-да, Томнинг бошини кўтариб ичкизди. Том жуда ташна бўлганидан, кетма-кет бир неча кружка сув ичди.

— Шу топда сенинг учун энг зарур нарса — сув ичиш,— деди Касси.— Сув ичиш сен учун энг муҳим эканлигини билардим. Қалтакланганларга кечалаб сув ташишим биринчи мафта эмас.



— Ташаккур сизга, бека,— деди Том, чанқови босилгач.

— Мени бека дема! Мен ҳам сен каби баҳтсиз қулман, балки сендан ҳам баҳтсизроқдирман,— деди у ачиниб.— Энди,— деди у, совуқ, ҳұл чойшап қолланған кичкина түшакни Томнинг ёнинга ёзиб,— мана бу ёққа күчишга ҳаракат қыл, шүрлик.

Ярадор Том жуда қийналиб, зүрге түшакка үтиб олди ва баданига нам рўжа тегиши билан дарди бирдан енгиллашгандай бўлди.

Ваҳшиёна калтакланган кишиларни парвариши қилишга Касси одатланган; шунинг учун у, Томнинг ярларига азобни сингиллаштирадиган аллақандай докаларни ҳўллаб қўйиб, яхшилаб боғлади.

— Сенинг учун қўлимдан келгани шу,— деди у, Томнинг бошига ёстиқ ўрнига брак қилинган бир қучоқ пахтани қўйиб.

Том унга ташаккур билдириди. Аёл тиззасини қучоқлаб полга ўтириди. Унинг юзида ачинганилик ва ғамгинлик бор эди. Шляпаси орқасига сурилган, узун гажим қора сочлари мағур ва ғамгин юзларига тушганди.

— Қилган ишларингнинг ҳаммаси бефойда,— деди у ниҳоят.— Сен ҳеч нарсадан қўрқмас одам экансан, ҳақиқат ҳам сенинг томонингда. Аммо ҳаммаси беҳуда, кураш мумкин эмас. Сен шайтоннинг қўлига тушгансан. У сендан зўр чиқади, шунинг учун унга бўйсунишинг керак.

Бўйсуммоқ! Аттанг, инсон қанчалик заиф! Унинг тун бўйи тортган азблари унга: «бўйсун! бўйсун!» демадими? Мана энди бу жоду кўз ва қайғули юз хотин ҳам унга шуни айтяпти, уни шу томонга суряпти.

— Ё раббим! Ё раббим! Қандай қилиб бўйсуна оламан?— деб оҳ тортди Том.

— Худога илтижо қилишининг фойдаси йўқ — у ҳеч қанон, ҳеч кимнинг оҳ-фарёдини эшигтан эмас,— деди аёл ўжарлик билан.— Ҳудо йўқ демайман, мабодо бўлса ҳам у бизга қарши. Ҳамма бизга қарши — ер ҳам, осмон ҳам.

Том кўзини юмиб, чўчиб тушди.

— Бу ерда нималар бўлаётганини сен ҳали билмайсан,— деди аёл,— мен биламан. Мен бу ёвуз золимнинг зулми остида ролғў-роса беш йилдан бўён яшайман. Уни жуда ҳам ёмон кўраман. Бизнинг бу плантациямиз жуда олис жойда, ботқоқлар орасида, энг яқин қўшни плантация бу ердан ўн миль нарида; бу ерда бирорта оқ одам йўқ, демак, сени тириклай ёндирысалар ёки қозонга солиб қайнатсалар, ёки тилка-пора қилсалар, ёки итга ташлаб еидирсалар, осиб қўйиб ўлгунингча урсалар — судга бориб ҳеч ким гувоҳлик бермайди. Бу ерда қонун йўқ, ҳеч ким сенинг тарафингни олмайди. Бизнинг хўжайин эса ҳар қандай шафқатсизликлан қайтмайди. Агар бу ерда бўлаётган ишларни айтиб берсам, одамнинг сочлари тикка бўлиб кегади. Қаршилик кўрсатишнинг ҳеч фойдаси

йўқ: наҳотки мен у билан яшашни истасам? Мен ихши тўпдан чиқсан маълумотли хотин эмасмидим? У ким эди? Унинг ўзи ким? Лекин уни кечаю кундуз қарғасам ҳам мана шу беш йил давомида у билан яшадим! Энди эса у янгисини, ўн беш яшарини олиб келди...

Том қўлинни қовуштириди. Атрофии зулмат ва даҳшат чулгаб олганди.

✓ Аёл қатият билан сўзини давом эттириди:

— Сен билан бирга ишлайтган разил кўппаклар сенинг жафо чекишингга арзийдиларми? Шуни билиб қўйки, уларнинг ҳар бири пайт топган ҳамон сенга хиёнат қиласди. Уларнинг ўзлари ҳам бир-бирлари билан шундай меҳру шафқатсиз ва разилларча муомала қилишади. Уларни калтакдан қутқазаман деб ўзингни шунча азобга согланингни кўр!

— Нимаики бўлмасин, улар баҳтсиз одамлар! — деди Том.— Уларнинг шафқатсиз бўлиб қолишларининг сабаби нима? Агар мен ҳам бўйсунсам эста-секин уларга ўхшаб қоламан. Йўқ, йўқ, ҳеч қачон! Мен ҳамма нарсани йўқотдим — хотинимни ҳам, болаларимни ҳам, бирор ҳафта кўпроқ яшаганда мени албатта озод қиласиган саховатли хўжайнимни ҳам — менинг учун азиз бўлган ҳамма қишиларни йўқотдим, шундай бўлса ҳам шафқатсиз ва ёмон одам бўлишни истамайман.

— Бизнинг ҳаммамиз хўрланганмиз, оёқ остида пий-пасланганмиз,— деди Касси.— Мана, Эммелина ҳам тагиё курашмоқчи, сен ҳам... Не фойда? Сен ё таслим бўласан, ё үлиб кетасан.

— Э, ундей бўлса жон дердим,— деди Том,—майли, менга қандай хоҳласалар, ўшандай азоб бераверсинилар, барибир ўлимдан қочиб бўлмайди. Улганимдан кейин эса, ҳеч нарса қилолмайдилар...

Аёл индамади, унинг қора кўзлари полга тикилганди.

«Эҳтимол у ҳақлидир,— дерди аёл ўзинга.— Бир марта бўйсунгани қиши, кейин ҳеч нарсага умид қилолмаслиги табиий. Биз ифлослик ва ёмонлик ичиди яшаймиз, аввал бошқаларни ёмон кўрамиз, кейин ўзимизни! Лекин, шундай бўлса ҳам ўзимизни ўлдиришга журъят этолмаймиз! Ҳеч қандай умид йўқ! Ҳеч қандай нажот йўқ! Ман энди бу қизчани олайлик... Мен ўша чогда неча ёшда бўлган эсам, у ҳам шу ёшда...»

— Менга қара,— деди у Томга ошиғич.— Кўрдингми, мен ҳозир қандай бўлиб қолибман? Мен зеб-эйнатлар ичидаги ўсгандим. Кичкина қизлигимда ҳашаматли меҳмонхоналарда ўйнардим. Мени қўғирчоқдек ясатиб кинтиришарди. Менга қараб ҳамма завқланарди. Меҳмонхона ойналаридан боғчамиз кўринниб турарди, бу боғчада, апельсин дарахтлари остида ака-укаларим ва сингилларим билан яшинн-тополоқ ўйнардим. Мени монастирга беришди, у ерда музикани, француз тилини, чок тикиши ўргандим. Ўн тўрт ёшимда отам ўлди, унинг жанозасига келдим. Отам тўсатдан ўлиб қолганда, унинг ишларини тартибга сола бошлаб кўрсалар, мол-мулки қарзлирини тўлаш учун зўрга етаркан. Кредиторлар унинг бор мулкими рўйхатга олишди, бу рўйхатга мен ҳам тушиб қолдим, чунки онам чўри эди. Отам мени озод қиласман, деб юрган, лекин баҳтга қарши, орзусига етолмай ўлиб кетди. Соппа-соғ ва бақувват отамини бундай тез ўлади, деб ҳеч ким ўлламаган эди. Ўлишдан тўрт соат бурун у соппа-соғ бўлган, лекин ўша пайтда Янги Орлеанда пайдо бўлган вабодан энг олдин отам ўлган. Отамини кўмганларидан кейин эртаниси, унинг хотини ҳамма болаларини олиб, ота-онасингин плантациясига кетган. Уларнинг бу қилган муомаласи менга аллақандай ғалати кўринади, лекин мен воқиа нима эканлигини тушунмасдим. Қолган ҳамма мулк-рўзфор ёш бир юристининг қарамонига эди. У уйга ҳар кун келар ва менга яхши муомала қиласади. Бир марта у жуда чиройли бир йигитни олиб келди. Бу нақа чиройли йигитни мен ҳеч кўрмаган эдим. Ўша кечани то ўлгунимча унутмайман. Бу йигит билан боғда сайр қилиб юрдим. Ота-онасиз, танҳо қолганимдан маъюс эдим, у эса, менга жуда хушмуомала қиласади ширинширин сўзлар айтилди... У менга: «Сизни монастирга бермасларидан илгарни кўрганман, сизни севаман» деди-да, кейин «дўстингиз ва ҳимоячингиз бўлсан» деб, мендан рухсат сўради. Қисқасини айтганда у, менга бу ҳақда бир оғиз галирмай, икки минг доллар пул тўлабди; ана шундан кейин мен унинг мулки бўлиб қолдим. Мен хурсанд эдим, чунки уни севардим. Севардим!— деб такрорлади Касси ва сўзидан бир лаҳза тинди.— Бу одамни мен жуда-жуда севардим! Уни мен ҳозир ҳам севаман, то ўлгунимча севаман! У жуда чиройли, жуда олижаноб эди! У менин ажойиб бир уйга жойлаштириб қўйди. Хизматчи-

лар, отлар, экипаж, мебель ва либослар берди. У менга пулга ниманики сотиб олиш мумкин бўлса, ўшанинг ҳамасини берди. Лекин менинг учун унинг ўзидан бўлак ҳеч нарса керак эмасди. Уни мен жонимдан ортиқ севардим, ҳатто истаган чоғимда ҳам, унинг ҳирсларидан бирортасига қаршилик кўрсатолмасдим.

Мен ёлғиз бир нарсани истардим: у менга уйланса экан, дердим Агар у мени ўз айтганича яхши кўрса, менга тортинимай уйланади ва мен озод бўламан, деб ўйлардим. У: «Сени никоҳ қилиб ололмайман, лекин биз бир-биримизга содиқ бўлсак, барибир никоҳсиз ҳам уйланган ҳисобмиз» дерди. Чиндан ҳам мен бу одамнинг хотини әмасмидим? Мен унга вафодор әмасмидим? Етти йил давомида ҳар доим унинг раъйига қараб иш тутмадимми? Уни қувонтириш учун ўзимнинг бутун ҳаётимни бўлчи этмадимми? Унга сариқ иситма тегди. Мен йигирма кун ва йигирма кечада унинг бошида мижжа қоқмай ўтирудим: унга дори-дармон қилдим, ҳеч қандай ёрдамсиз уни парваришлидим. У менга: «Сен менинг фариштамсан, мени ўлимдан қутқаздинг» дерди... Бизнинг иккита жуда чирсбили боламиз бор эди. Каттаси ўғил эди, унга биз Генри деб от қўйдик. У отасига ўхшарди — кўзлари жуда чиройли, пешонаси ва қўнғир сочлари худди отасининг ўзи эди. Кичкина қизимиз Элиза эса, отасининг айтишига қараганда, менга ўхшарди. У менга: «Сен Луизианадэ энг чиройли хотинсан», деб айтар ва мени ҳамда болаларимизни кўриб фахрланарди. У, болаларимизни ясатишими севар, очиқ экипажда биз билан бирга юрар ва босшқаларнинг биздан завқланганини эшитишни яхши кўрарди; бизнинг тўғримизда эшитган мақтоз гапларини менга доим айтарди. Оҳ, у кунларда мен нечоёлик баҳтиёр эдим! Дунёда мен ҳаммадан баҳтли эдим! Лекин тезда бошимга оғир кулфатлар тушиди.

Янги Орлеанга унинг яқин қариндоши келди, эрим у билан жуда иноқ бўлиб қолди. Мен эса, янима учунидир, уни бир кўришдаёқ, кўрқиб қолдим. Унинг пойқадами бизга ёқмаслигини сездим. У, Генрини бирга олиб кетар ва Генри вақтини кечалари аллақаерларда ўтказиб, уйга соат икки-учларда қайтарди. Мен чурқ этишга журъаг қилмасдим; чунки Генри қизиққон эди, ундан қўрқардим. Амакиваччаси уни қиморхоналарги олиб борар экан; Генрининг феъли шундай эдикни, у ерга кирдими, бас, қайтиб чиқолмасди. Кейинчалик маълум бўлдики, амакивач-

часи уни бошқа хотин билан таништирибди; қарасам, тез орада Генри мендан совиб қолди. У, бу ишларини менга айтмасди, лекин ҳамма ишларни ўзим пайқаб олдим. Юрагим пораланди, лекин мен бир сўз айтишга ботинолмасдим. Пировардида, у аглаҳ, Генрини авраб: «Бу хотинни болалари билан менга сотиб, картанинг қарзларини уз ва ўзинг бошқа хотинга уйлан» дебди. Қарзлар уйланиш учун тўсиқлик қилиб турган экан, шунинг учун Генри болаларим билан мени сотибди. У менга бир куни: «Қишлоққа бораман, ишим бор; икки-уч ҳафтадан кейин қайтаман» деди. У мен билан одатдагича ширин сўзлашиб, қайтишга ваъда берди, лекин мени алдаёлмади. Мен тошдек қотиб қолдим; тилим ҳам сўзга келмасди, йиғлаёлмасдим ҳам. Мени ўпди, болаларни бир неча бор ўпди-да, чиқди. Унинг отга иргиб минганини кўрдим, кейин то кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан қараб турдим; кейин ҳушдан кетиб, йиқилиб қолибман.

Кейин у — ҳалиги бадбуруш аглаҳ пайдо бўлди! У ўз мулкига яга бўлиш учун келган эди. У менга: «Сени ва болаларингни сотиб олдим» деб ҳужжатларини кўрсатди. Уни қарғадим ва: «Ўлсам-ўламан, лекин сен билан яшамайман» дедим. «Билганингни қил. Аммо ўзингни жўн тутмасанг, иккала болангни сотаман ва сен уларни қайтиб ҳеч кўрмайсан» деди у.

У: «Сени сотиб олиш фикри менда аллақачон, сени биринчи марта кўрган куннимдаёқ туғилганди», деб иқрор бўлди. У, мени тезроқ сотсин, деб Генрини жўрттага қарзга ботириб қўйган экан. У, Генрини бошқа хотин билан жўрттага таништирганига ҳам иқрор бўлди ва менга: «Йиғлама, барибир кўз ёши билан ҳеч нарсага эришолмайсан» деди. Таслим бўлдим, чунки қўлим боғланган, болаларим унинг қўлида эди; қачон унинг бирор талабидан бош тортишга уринсам, доим «болаларингни сотаман» деб қўрқитарди, шунда унинг талабини бажаришга мажбур бўлардим. «Хе, қуриб кетсин бундай турмуш! Пора-пора бўлган юрак билан кун кечириш, севгинг бахтсизликка айланган бўлса-да, тўхтамай севмоқ ва ёмон кўрган одамингга бўй эзмоқдан ҳам ёмон кун бўлармикин! Мен Генрига китоб ўқиб беришга, ўйнашга, вальс рақсига тушишга, ашула айтиб беришга ўрганиб қолгандим; бу одамнинг хурсандчилиги учун бир нарса қилиш эса, менга оғир азоб бўлиб кўринарди; лекин мен унинг бирор талабини рад этмасдим, чунки ундан қўр-

қардим. Болаларим билан у шафқатсиз ва дағал мұома-ла қыларди. Элиза жүн ва ювош қыз эди. Генри эса, ота-си сингари довюрак ва қизиққон, үз деганидан қайтмас-ди. У одам эса Генрига доим осилар ва мудом уни жазо-ларди. Мен болани одобга үргатишига уринниб күрдим; унинг күзига бола камроқ күрениши учун ҳаракат қыл-дим, чунки болаларим жонимдан ҳам азиз эди, лекин менинг тадбирларимдан ҳеч бир натижә чиқмади: у, болаларни сотиб юборди! Бир куни ү мени экіпажда саір қылғани олиб чиқди; кейин уйга қайтиб келиб қарасам, болаларим йўқ! У менга «болаларингни сотдим», деб, уларнинг танаси ва қони учун олган пулни кўрсатди. Мен жуда қаттиқ ғазабландим ва уни шундай қарғадим — шундай қарғадим; у мендан қўрқандек кўрили. Лекин йўлидан қайтмади. У менга: «Энди болаларингни кўриш-кўрмаслигинг үз юриш-туришингга боғлиқ, агар тиличимасанг, болаларингни қисмати ёмон бўлади» деди. Хайр! Агар сиз үз қўлингизда хотин кишининг болала-рини ушлаб турсангиз, уни ҳар нарса қила оласиз. У мени итоат қилишга мажбур этди, мени ювош қилиб қўйди. Шу тахлитда бир ҳафта ўтди, икки ҳафта ўтди. Бир куни менга турма ёнидан ўтишга тўғри келди. Дар-воза олдида оломонни күрдим ва битта боланинг додла-ган овозини эшитдим; шу онда кичкина Генримни кўриб қолдим: у, ўзини тутиб турган учта эркак қўлидан қуту-либ чиқди-да, додлаб, менга югурди ва кўйлагимга ёпи-шиб олди. Эркаклар ёмон сўкиниб, унинг орқасидан чоп-дилар, бир эркак — уни ҳеч унумтамайман — Генрининг орқасидан: «Турмада шундай адабингни берайликки, иккинчи қочмайдиган бўласан» деб қичқирди. Мен улар-дан илтимос қилдим, ялиниб-ёлвордим, лекин жавоб ўр-нига, фақат кулардилар. Бечора бола юзимга термилиб додларди, у менга шу қадар қаттиқ ёпишдикি, улар болани менинг ёнимдан тортиб олганларида юбкамнинг этаги унинг қўлида қолди. Улар боламни етаклаб кет-дилар, у эса: «Ойи! Ойи! Ойи!» деб қичқирафти. Уткинчи бир кишининг менга раҳми келгандай бўлди. Унга мен ёнимда бор пулимнинг ҳаммасини таклиф қилиб, болаги ёрдам кўрсатишни сўрадим. Лекин у бошини чайқалти-риб, шундай деди: «Ўғлинигизнинг хўжайини айтадики, ўғлинигиз унга ҳамма вақт дағаллик қилас әмиш, унинг гапига кирмас әмиш, шунинг учун ўғлинигизни адабинн биракай бериб қўймоқчи бўлибди». Бу гапни эшитиб

орқамга қайрилдим-да, уйга югурдим. Уйга етгунча йўлда боламнинг доди қулогимдан кетмади. Уйга кирдим, нафасим бўғилганча меҳмонхонага югурдим; Бэтлер шу ерда экан. Кўрган-эшитганларимнинг ҳаммасини айтдим ва ундан болага ёрдам бериб, қутқазиб олишни илтимос қилдим. Лекин у кулиб юборди ва: «Уғлинг қилимишига яраша жазосини топибди. Боланинг кажбаслигини йўқотиш керак; қашчаки тез йўқолса, ўшанча яхши» деди.

Бошим айланиб, кўзим тинди. Стол устида катта пи-коққа кўзим тушганлиги эсимда; пишоқни олиб, ўзимни абллаҳга ташлаганим ҳам эсимда. Кейин кўзимни қордн-ғилик босди ва у ёғи ҳима бўлганини билмайман.

Ҳушимига келсам, яхши бир хонада ётибман. Кекса бир негр хотин мени парваришларди; доктор келди ва умумав ҳамма менга ғамхўрлик қиласарди. Секин-секин билсам, хўжайниним кетибди ва мени сотмоқ учун бу уйда қолдирибди. Мана шунинг учун менга ғамхўрлик қилишашётган эканлар.

Мен тузалишни истамасдим, ўламан деган умидла эдим. Лекин муродимга етолмадим, иситмам босилди, соғайиб, оёқда босадиган бўлиб қолдим. Ҳар куни мени ясанишга мажбур қилишарди. Менинг олдимга жентльменлар келишар, сигара чекишиб, мени кўришар, саволлар беришар ва менга қанча баҳо қўйиш мумкинлиги устида ўзаро тортишишарди. Мен шундай хафақон ва индамас эдимки, ҳеч ким олгиси келмади. «Агар ўзингни хушчакчақ ва ширин сўз қиласанг, калтакка ётқизамиз» деб менга пўписа қилишли. Бир куни менинг олдимга Стюарт деган битта жентльмен келди. Унинг раҳми келди шекилли, қайғумни сезиб бўлса керак, ёлғизлигимда олдимга кела бошлади; ниҳоят, унга бутун воқиани ҳикоя қилиб бердим. У мени сотиб олди ва болаларимни сотиб олиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қалишга ваъда берди. У Генрим ишлаётган мусофирихонага борибди; у ерда Генрини Марварид дарёдан келган бир плантаторга сотиб юборганларини айтибдилар. Шу-шу, ўғлимнинг дарагини ҳеч эшитмадим. Аммо Стюарт қизимни ахтариб топди: қизим бир кампирникода экан. Стюарт қизим учун катта пул бермоқчи бўлса ҳам унашмаган. Бэтлер, қизни менга сотиб олишмоқчи эканини эшитиб: «У хотинга айтиб қўйингизки, қизини энди ҳеч қачон кўролмайди» деган. Капитан Стюарт мен билан яхши

муомала қиласади. Унинг жуда яхши плантацияси бор экан, мени ўша оёққа олиб кетди. Бир йилдан кейин ўғил туғдим. Бу болани нақадар севардим! У менинг Генримга ўхшарди. Лекин мен унинг ўсиб катта бўлишини истамасдим, йўқ, сира истамасдим. У икки ҳафталик бўлганда, қўлимга олдим, ўпдим, йигладим, кейин оғзиға афъюн сувини қўйиб, бағримга босдим. У ухлади-ю, иккинчи мафта кўзини очмай қўя қолди. Унинг устида эгилиб юм-юм йигладим! Ҳамма мени унга янглишиб афъюн бериб қўйған деб ишонишарди. Мен эса уни ўлдирганимга ҳозир ҳам қувонаман, чунки уни азобуқубатлардан халос қилдим. Мен ўз боламга ўлимдан яхшироқ бир нарса беролармидим? Тезда капитан Стюартга вабо тегиб ўлди. Яшаш истаганларнинг ҳаммаси ўлишарди, мен бўлсам... мен ўлишни истасам ҳам яшардим! Мени яна сотдилар, қўлдан-қўлга ўта бошладим, ниҳоят, қарий бошладим, юзимда ажинлар пайдо бўлди... Исимта бўлиб қолдим... Ушанда мени абллаҳ Легри сотиб олиб, бу ерга олиб келди... Ана энди бу ердаман!

Касси ўз ҳаёт достонини аллакандай ички ҳаяжон билан ҳикоя қиласади. У гоҳ Томга қараб сўзлар, гоҳ ўз-ўзи билан сўзлашаётгандек кўринарди. Унинг сўзларида шу қадар эҳтирос ва зўр куч сезилардики, Том гоҳо ўз жароҳатининг дардини ҳам унутиб юборарди. У, баъзи баъзида тирсагига суюниб туриб, Кассининг у бурчакдан бу бурчкка шошилиб юришига ва узун, оғир қора сочларининг орқасида силкинишига қаради.

— Улар, бизнинг тортган жафоларимиз, болаларимизнинг тортган жафолари ҳеч нарса эмас, деб ўйлайдилар. Баъзида кўчада кетасан, аммо юрагингда шунча қайғу тўпланиб қолганки, унда шаҳар бутун кўмилиб кетиши мумкин. Кўчада юриб кетаётганимда: икки томондаги иморатлар бошимга ағдарилиб тушса экан, оёқ остимдаги йўллар ёрилиб кетса экан, дейман! Қиёматда ҳам мени худо олдида, мени нобуд қилганларга, болаларимни, жонимни ва танимни нобуд қилганларга даъвогар бўламан.

У бармоқларини қирсиллатди, қора кўзларида ғазаб ўти яшнади.

— Легрининг эса тез кунда ой-кунини тамом қиласман,— деди у.— Уни дўзахга.. тўғри шайтоннинг олдига жўнатаман. Майли, бунинг учун мени тириклай ёндириシンлар, қўрқмайман.

Бўш саройдан унинг ниҳоятда қаттиқ кулги овози чиқа бошлади, кулги, кейин тутаноқли йигига айланди; у йиглаб туриб, полга йиқилди ва питирлаб ўзини ура бошлади.

Бир неча вақтдан сўнг у ҳушига келди. Ўзини тутиб олгач, секин ўрнидан турди.

— Сенга яна ҳеч нарса керак эмасми, бечора? — деб сўради у, Томнинг ёнига келиб. — Сув ичсанми?

Том сув ичаркан, ачиниб унинг юзига қаради. Бир нарса демоқчи эди, лекин у:

— Кўй, галирма, шўрлик. Ухлаёлсанг ухла, — деб пичирлади. Касси кўзани унинг ёнига яқинроқ қўйди-да, жойини тузатиб, саройдан чиқиб кетди.

XXXV БОБ

Белгилар

Легрининг уйидаги меҳмонхона — катта манқал-печкали кенг ва узун бир бўлма эди. Бир вақтлар унинг деворларига ҳашаматли ва қиммат баҳо гулқоғозлар ёпиштирилган, энди буларнинг ранги ўчиб кетган, йиртилган ва зах деворлардан парча-парча бўлиб осилиб турарди. Зах босганилиги, ифлослиги ва одам кирмаганидан, бу хонадан қуюқ ва кишини касал қиласиган ҳид димоқقا уради; одамлари кетиб, дераза ва эшиклари уриб ташланган уйлардан одатда шундай ҳид келади. Гулқоғозларда пиво ва вино доғлари кўринарди, бўр билан аллақандай хатлар ва устун қилиб рақамлар ёзилган: гўё деворда бирор ҳисоб масаласини ҳал қиласига ўхшарди. Манқал-печкада чўғ яшнамоқда, чунки ҳавонинг иссиқлигига қарамай, бу катта хонада кечқурин доим зах ва совуқ бўларди; бундан ташқари, Легри сигара чекиш ва пуншга сув иситиш учун, яқинида олов ёниб туришини талаб қиласиди. Манқал-печкадан тушаётган қизил шуъла уй ичидағи эгар-жабдуқ, қамчилар, пальто ва ерда тартибсиз сочилиб ётган ҳар хил кийим-кечакларни ёритиб турарди; биз илгари кўрган кўпнаклар ҳам худди ўз катакларидагидек баҳузур шу ерда юради.

Легри ўзига пунш тайёрларди ва жўмраги учган ёрниң чойиакдан қайноқ сув қуяркан, одати бўйича вай-сарди:

— Падарига лаънат шу Сэмбонинг! Мени қайраб янги иегримни урдирди, баччағар! Дала ишларининг энг қизғин пайтида у чўзилиб ётибди, бир ҳафтагача ишга чиқмайди энди!

— Бўлмағур феълинг бор-да шунаقا,— деган бирор-нинг овозини эшилди у.

Бу овоз хонага билдириласдан кирган Кассининг овози эди.

— Эй, сенмисан, шайтон! Қайтибсан-да?

— Ўз билганимни қилгани қайтдим,— деб совук жавоб берди у.

— Бекор айтибсан, мен сўзимдан қайтмайман. Ё жўн юр, ё бўлмаса баракка бориб, бошқалар нима еса, ўшани еб, ишла.

— Сенинг уйингда яшагандан кўра, энг ифлос баракда яшаган минг марта яхшироқ!— деди аёл.

— Шундай бўлса ҳам уйимга келибсан-ку,— деди Легри, унга қайрилиб қарапкан заҳарханда қилиб.— Келганингдан кейин, тиззамга ўтири, жоним, қулоқ сол, сенга галим бор,— деди уни белидан қучоқлаб.

— Эҳтиёт бўл, Саймон Лерги!— деди аёл ва кўзларида ғазаб олови яшнади.— Ҳа, мендан қўрқасан-а, Саймон!— деди яна.— Бу ишинг дуруст! Эҳтиёт бўл, менинг жиним бор!

Кейинги сўзларни у, Легрининг қулоғига пицирлаб айтди.

— Рост айтасан, сенинг жининг бор!— деди Легри уни ўзидан нари итарапкан, ҳадиксираб қараб.— Қулоқ сол, Касси, кел, икковимиз яна бурунгидек дўст бўлайлик.

— Бурунгидек?— деб тақрорлади аёл, ачиниш билан. Шуни айтди-ю, бирдан индамай қолди. Шу чоғ унда жуда зўр туйғу уйғонди ва бундан бошқа бир оғиз сўз айттолмай қолди.

Агар аёлнинг иродаси кучли ва жўшқин бўлса, энг дағал эркак ҳам бора-бора бундай аёлнинг таъсирига берилади; шунинг учун бўлса керак, Легри Кассига тез-тез бўйсуниб қолади; Касси эса қуалликнинг энг даҳшатли зулми остида аста-секин нотинч ва кўпирит кетувчан бўлиб қолди. Баъзида у, ақлдан озгандай, ўзини тутолмай қоларди; дағал ва нодон одамларнинг кўплари жиннилардан қўрқанлари сингари, Легри ҳам Кассининг тутаногидан жуда қўрқарди. Легри Эммелинани

ўйга олиб келгандан кейин Кассида шу дамгача яшири-ниб ётган аёлларга хос меҳр-муҳаббат туйғулари намоён бўлиб қолди ва у кучи борича қизни ёқлай бошлади. Бунинг натижасида Легри билан иккаласи ўртасида қаттиқ низо туғилди. Легри ғазабланган ҳолда: «Агар тинчимасанг, далага ишлагани юбораман», деб қасам ичди. Касси эса кеккайиб, нафрат билан: «Далага ишлагани жон-жон деб бораман», деди. У дўқ-пўлисага назар-писанд қилмаганини кўрсатиш учун, юқорида кўрсатиб ўтганимизча, чиндан ҳам далада кун бўйи ишлади.

Уша кун Саймон Легри, гарчи ҳеч кимга билдирма-са ҳам, эртадан кечгача ичини ит талаб, ўзини қўйгани жой тополмади. У, Кассининг кучли таъсиридан қутулолмас, бунга ожиз эди. Касси саватни тарозига қўйганди, Легри: «Энди феълидан қайтгандир» деб умид қилиб, ярим мазақ ва ярим муроса оҳангига сўзлай бошлаган эди-ю. Касси бунга жавобан фақат нафрат билдириди.

Унинг Томга ваҳшиёна муомаласи Кассини янада қаттиқроқ ғазаблантириди; у Легрини инсонга доғ туширадиган бу қилиғи учун жазолаш мақсадида, унинг кетидан уйга кирди.

— Касси,— деди Легри,— мен билан мўмин ва жўн бўлсанг.

— Мўмин ва жўн бўл дейсанми? Хўш, ўзингни қандай тутялсан? Ишнинг қизғин пайтида энг яхши хизматкорингни майиб қилдинг! Ҳаммаси ўзингнинг баджаҳл-лигингдан.

— Рост, мен аҳмоқлик қилдим. У билан жанжаллаш-маслигим керак эди,— деди Легри.— Лекин қул ўз гапида туриб олса уни қайриш керак, ахир.

— Уни қайиролмайсан.

— Қайиролмайман?— деди Легри, иргиб туриб.— Кўрамиз! Мен қайиролмайдиган негр ҳали дунёга келган эмас! Суякларининг ҳаммасини бирма-бир синдираман, лекин ўз айтганимни қиласман.

Шу чоғ эшик очилиб, Сэмбо кирди. У эгилиб таъзим қилиб Легрининг ёнига келди ва қофозга ўралган бир нарсани узатди.

— Бу нима, кўппак? — деб сўради Легри.

— Жодугарлик, хўжайин.

— Нима, нима?

— Жодугарлик. Сеҳрланган нарсалар. Буни неглар жодугарлардан оладилар. Кимда шунаقا нарса бўлса, қанчаки урманг, барибир унга ҳеч нарса қилмайди. Мана шу нарсани Томнинг бўйнидан топдик. Қора ипга боғлаб осиб олган экан.

Легри ҳар хил хурофотларга ишонувчи мутаассиб киши эди. У қоғозни олди-да, жуда қўрқиб, уни ёзди.

Унинг ичидан кумуш доллар чиқди; кейин ялтироқ, узун олтин соч чиқиб, жони бордек, Легрининг бармоғига ўралди.

— Падар лаънат! — деб қичқирди Легри, тепикиб ва соч худди уни чақиб олгандек бармоқларини силтаб. — Қаердан олдинг буни? Йигиштир! Ёндири! Ёндири! — деб бақирди-да, сочни манқал-печкага ташлади. — Буни нимага менга олиб келдинг?

Сэмбо таажжубланганича оғзини очиб қолди. Чиқиб кетмоқчи бўлиб турган Касси, нима бўлганини тушунмай, тўхтаб қолди.

— Ҳар қанақа бўлмагур нарсаларни менга иккинчи бор олиб келма! — деди Легри, эшикка тисарилиб кетаётган Сэмбога муштини ўқталаркан.

У, кумуш долларни слиб деразадан ташқариға, қоронгиликка отиб юборди.

Сэмбо омон-эсон қочиб олганига хурсанд эди. У кеттандан кейин, Лепри ўзининг бунчалик қўрққани учун уялди. У, диққат бўлиб, креслоға чўкли-да, хўмрайиб пуншини шимира бошлиди.

Касси билдирамасдан хонадан чиқди ва Томга қарашиб, дардини енгиллатиш учун, унинг олдига жўнади.

Ажабо, Легрига нима бўлди? Нима учун бу тошюрак одамни оддийгина оч сарғ соч ўрами



бунчалик безовта қилиб қўйди? Бу саволларга жавоб бериш учун биз унинг илгариги ҳаётидан пича ҳикоя қилишга мажбурмиз.

Бу бераҳм, жиловсиз золимни ҳам бир вақтлар онасиning мулойим қўллари силаб-сийпаган. Олис Янги Англияда оч сарир сочли бир аёл ёлгиз ўғилчасининг бешигини тебратарди. Аммо, ўғил отасининг изидан борди; ота эса, тошюрак ва шафқатсиз одам эди. Жанжалкаш, баджаҳл ва катталикни севувчи Саймон, онасиning барча кенгашларига қулоқ солмай, ёшлигидәёқ уйдан чиқиб кетди ва баҳт излаб денгиз сафарига жўнади. У, уйга фақат бир марта қайтиб келди. Мехрибон она чин юрагидан ўғлини бундай дағал ва бузуқ ҳаётдан қайтаришга үринди.

Легрининг тузалиши мумкин эди. У иккиланиб юрди. Лекин ёмонлик галаба қилди. У ўз кўксидаги виждан овозини қаттиқ ғазаб билан бўғиб ташлади. Пиянисталик қиласвериб, сўкиниб, пировардидан ҳам бадтар дағал бўлиб қолди. Бир кун кечаси она унинг тиззасини қучоқлаб: «Бу юришингни ташла, жон ўғлим!» деб ёлворган эди, у онасини полга тепиб юборди. Она ҳушдан кетди. Саймон эса, сўкиниб, кемата жўнади. Бир неча ойдан сўнг, у улфатлари билан пиянисталик қилиб ўтирганда хат олди, у конвертни очди. Унинг ичидан узун соч ўрами тушиб, Саймоннинг бармоқларига ўралди. Хатда, онасининг ўлгани ва ўлиш олдидан уни афа этгани ҳақида ёзилганди.

Мутаассиб ва жоҳил Легри чўчиб тушди. Хат билан соч ўрамини ўтга ташлади; лекин у, сочнинг ўтда жизғин бўлиб буралишини кўриб, даҳшат ичиди: «Дўзахла мен ҳам мана шундай ёнармиканман» деб ўйлади. У, ўзининг ташвишли фикрларини йўқотмоқ учун тез-тез ича бошлиди; лекин, гоҳо, жимжит кечалар қўққисдан унинг кўзига ўзи ётган жойи ёнида онаси тургандек ва соchlари унинг бармоқларига ўралаётгандек кўринарди. Бундай вақтларда у, совуқ терга ботиб, юраги ёрилгудек каравотдан сапчиб турарди.

Ҳозир эса пунш ичиб ўтиаркан, Легри ўз-ўзига бундай дерди:

— Падарига лаънат бу негрнинг! Бу сочни қаердан топди экан? Худди ўшанинг ўзи-я! Мен бўлсан, бу воқиани энди эсимдан чиқарганман, деб юрадим. Падар қусур, наҳотки бу ҳеч эсимдан чиқмаса?.. Йўқ,

ёлғиз ўтиришим яхши әмас. Эммані чақираймикин? Бу баджаҳл маймунча мени ёмон кўради. Эй, менга барнибир, келишга мажбур қиласман!

Легри катта йўлакка чиқди — бир вақтлар гўзал айланма пиллапоя орқали бу йўлакдан юқорига чиқиларди; йўлак ифлос ва қоронги бўлиб, яшиклар ва ҳар қандай қақур-қуқурға тўлганди. Гилам солинмаган зиналар коронғида аллақаёққа кўтарилиб кетгандай кўринарди. Эпик устидаги ойнаги синиқ деразадан оппоқ ой нури тушарди. Ҳаво захкаш ва гўр сингари бадбўй эди.

Легри пиллапоянинг пастки зинасида тўхтаб, бирорвинг ашула айтиётган овозини эшилди. Бу эски ва машъум бинода ашула ғалати ва мавҳум садо берарди. Легри жуда асабий эди. Бу нима ўзи?

Ёввойи ва эҳтиросли овоз қуллар орасида кенг тарқалган ашулани айтиарди:

Уша куни бўлур кўз ёш ва кулфат,
Унинг номи қиёматдир, зўр даҳшат.

— Лаънати қиз! — деди Легри. — Бўғиб ўлдираман уни! Эмма! Ҳой Эмма! — деб қаттиқ овоз билан чақирди.

Унга ўз чақириғининг мазақли акс-садоси жавоб берди. Эҳтиросли овоз эста қўшиқни давом этдиарди:

Ажралгай бола отадай,
Жудо бўлгай онадан,
Юз кўришмас улар абадий!

Бўш деворлардан нақарот равшан ва қаттиқроқ чиқарди:

Уша куни кўз ёш бўлур ва кулфат,
Унинг номи қиёматдир, зўр даҳшат.

Легри қотиб қолди. У ўзининг бу ҳолини эътироф қилишга уяларди, аммо пешонасида катта-катта тер доналарни пайдо бўлди, қўрқувдан юраги оғир тепарди; қоронғида унинг кўзига хира милтиллаган бир оқ нарса пайдо бўлгандек кўринди; гўё унинг олдида онаси тургандек туюлди.

«Энди ҳамма нарса намоён,— деди у ўзига, меҳмонхонага қайтиб келиб, ҳалиги жойига ўтиаркан.— Бу баччағарни безовта қилмасликка тўғри келади. Унинг лаънати қофозига нимага қўл тегиздим? Энди албатта

сехрландим. Ҳалиям қалтираялман... Ҳамма ёғимни тер босиб кетди-я! Бу сочни қаердан топди экан? Йўт-эй, бу соч онамнинг сочи бўлмаса керак! У сочни куйдириб юборганман, аниқ эсимда! Жуда қазиқ бўлади-да, агар ўша соч бошқатдан дунёга келса!

— Ҳой! Бах-бах! — деди у, итларга қараб.— Тулинглар, менинг ёнимда ўтиринглар!

Лекин кўпаклар уйқусираган кўзларини ним очдилар-да, яна мудрайвердилар.

— Сўмбо билан Квимбони чақирай, ашула айтиб беришсин ёки шайтоннинг ўйинига ўхшаган ўйинларидан бирортасини ўйнашсин, диққатчилигимни ёзишсан,— деди ўзинга Легри.

Шундай деб у, шляпасини кийди-да, айвонга чиқиб мугузни чала бошлади — у, ўзининг иккала лаганибардорини одатда мана шу йўсунда чорларди.

Легри кайфи чоғ пайтларда уларни кўпинча меҳмонхонага чақирап, ароқ ичкизиб, қизитиб қўйиб, уларнинг ашуласини эшитар, ўйин ва муштлашини кўриб роҳатланарди.

Касси бечора Том олдидан қайтганда, кечаси соат бирдан ўтганди, меҳмонхонадан қаттиқ ҳайқириқ ва тепки овози чиқар, аҳён-аҳёнда итлар ҳам вовиллашарди. Ичкилик энг авжига чиққан пайт эди.

Касси айвонга чиқиб, деразадан қаради. Легри ва иккала назоратчи негр ўлгудай маст, ашула айтиб бақиришар, курсиларни йиқитишар, афтларини иржайтириб ва бадбуриш қилиб бир-бирларини масхаралашарди.

Касси кичкина, нозик қўлини дераза тоқласита қўйиб, уларга тикилиб қаради.

«Наҳотки оламни шундай абраҳдан жалос этмоқ гуноҳ бўлса?» деб сўради ўзидан.

Кейин қайрилиб шошилганича пиллапоядан кўтарилиди ва Эммелинанинг эшигини қоғди.

XXXVI БОБ

Эммелина ва Касси

Кўрқувдан ранги ўчган Эммелина бўлманинг бир бурчагида ўтирафарди. Касси кирганда қиз чўчиб, иреиб турди, лекин уни таниб, олдига югорди ва қўлини ушлади.

— Сизмисиз, Қасси? Қелганингиз жуда яхши бўлди? Қўрқиб эдимки... Билмайсиз, улар бутун кечаси билан пастда шовқин-сурон кўтариб чиқиши!

— Билмайсиз дедингми? — совуққина деди Қасси.— Биринчи марта эшитаётганим йўқ.

— Ҳой Қасси, менга айтинг: бу ердан қутулиб, бирор ёқса кетишимизинг иложи йўқми-а? Қаерга бўлмасин — барибир, ҳатто илон тўла ботқоқликка бўлса ҳам майли, ишқилиб шу ердан нарироққа қочиб кетсан!..

— Фақат гўрга қочиб кетсан мумкин,— деб жавоб берди Қасси.

— Үзингиз ҳеч қочиб кўрганмисиз?

— Бошқаларнинг қочганини кўрганман; бунинг нима билан тугаганини кўрганман,— деди Қасси.

— Мен жон-жон деб ботқоқда яшардим, дарахтнинг пўстлоғини чайнардим. Илондан қўрқмайман! Ундан илон яхшироқ,— қизғин деди Эммелина.

— Сенга ўшаб гапирганлар бу ерда кўп эди,—деди Қасси.— Лекин ботқоқда сени ит билан тутадилар, ана ундан кейин... ундан кейин...

— У мени нима қиласди? — деб сўради қиз ва нафасини тўхтатиб, Қассининг юзига тикилди.

— Тўғриси: «Мени нималар қилмасди?» деб сўрагин,— деди Қасси. — У, бу касбини Вест-Индиянинг қароқчиларидан ўрганган. Агар унинг баъзи вақт қиласди ган ҳунарларини, тоҳ-тоҳ ўзига эрмак учун айтадиган ҳикоятларини сенга айтиб берсан, кечалари уйқунг келмайдиган бўлиб қоласан. Бу ерда мен шундай дол-фарёдларни зшигандан, улар бир неча ҳафталаб қулогимдан кетмаган. Уйнинг яқинида қоп-қора қуриган дарахт бор, унинг теварагига, тупроқ устига кул селилган. У ерда нима қилинишини кимдан хоҳласанг сўра, лекин ҳеч кимса жавоб беришга журъат қилмайди.

— У ерда нима қилишади?

— Сенга айтишин истамайман. Ҳаёлимга келса юрагим ёрилгудек бўлади. Агар шўрлик Том гапида туриб олмоқчи бўлса, худо билади, эртага нима бўлар экан.

— Ҷон-эй, қуриб кетсан!— деди Эммелина ва юзидан қон буткул қочди.— Ҳой Қасси, нима қилай, ўргатиб қўйинг!

— Мен нима қилған бўлсам, шундай қил. Бундан яхши чора тополмайсан. Унга итоат қил, аммо лаънат ва нафрат билан.

— У: «Мен билан ароқ ич», дейди. Мен эса, бу савил қолғур ароқни ёмон кўраман... — деди Эммелина.

— Ичавер,— деди Касси.— Мен ҳам ароқни ёмон кўрардим. Энди усиз туролмайман. Ҳар ким бир нарса билан қайғусини ўчириб туриши керак. Бу ер шундай даҳшатлики, ароқсиз кун кечиролмайсан.

— Онам менга: «Ҳеч ичма!» деганди.

— Эй, онанг «ичма» дебмиди! — деди Касси, «она» сўзини айрим бир ғамгии ва ачиқ тарзда ифодалаб. — Нима учун бу оналар ўз болаларига насиҳат қилишар экан? Сен сотиб олингансан, сенинг учун ақча тўланган, сен энди, сенинг-чун пул тўлаган одамникисан. Сенга кенгашим шу — ичавер. Кўтарганингча ич, мусибатинг енгил бўлади.

— Ҳой Касси! Менга раҳм этинг, ахир!

— Менга раҳм эт эмиш! Сенга раҳм қилмаяпманми? Менинг ўзимнинг ҳам қизим йўқми, ахир? Худо билади, қизим қаерда ва кимнинг қўлида саргардон бўлиб юрибди. У ҳам онаси босиб ўтган ва болалари босадиган издан кетяпти! Дунё тамом бўлгунча бу малъунлик тамом бўлмайди!

— Нега мен дунёга келган эканман! — деб хитоб қилди Эммелина, қулочини ёзиб.

— Мен ҳам дунёга келганим учун кўп марта пушаймон қилганиман,— деди Касси.— Ўзими-ўзим ўлдирадим, лекин юрак дов бермайди,— деди яна у юзида тинч умидсизлик акс этдириб: у, хотиржам бўлса, юзида ҳар доим мана шундай кайфият зоҳир бўларди.

— Ўз-ўзини ўлдириш яхши эмас,— деди Эммелина.

— Нега яхшимас? Бизга ўхшаб кун сайни азоб-уқубат тортиб яшагандан, ўз-ўзингни ўлдирганинг яхшироқ.

Эммелина юзига қўлини ёлиб, тескари қараб олди...

Бу вақт паства жуда кўп ичиб юборган Легри учиб қолди. Легри камдан-кам ўлчовдан ортиқ ичарди. Соғлом ва бақувват бўлганидан, у шунча кўп ича олардики, унинг ўрнида бошқа одам бўлса аллақачон ақлдан озар ёки ўларди. Лекин, одатда, у эҳтиёт бўлар ва ҳушдан кетгунча ичмасди. Бу кеча эса унда виждан азоби қўзғалгач, у шу қадар ичдики, ўзини йўқотиб қўйди.

Легри ухларди. У қаттиқ уйқуда экан, юзини ўраган бир хотин келиб, унинг устига совуқ ва юмшоқ қўлини қўйгандек туюлди. Юзини кўрмаса ҳам, бу хотин унга танишдек сезылди; Легри чўчиб тушди. У, ўша сочнинг ўз бармоқларига ўралаётганини сезди... йўқ, бармоқقا эмас, бўйнига ўралаётганини сезгандек бўлди; худди илмоқдек соч, уни бўғялти, ана у ҳозир нафас ололмаятти. Кейин у, бирорнинг пичирлаганини эшилди ва қўрққанидан томирларида қон тўхтаб қолди, кейин, ўлим даҳшати босган ҳолда, ўзини тубсиз жар ёқасидан кетаётгандек ва аллаким қора қўллари билан уни жарга итариб ташлашга ҳаракат қилаётгандек кўринди; ёнида Касси турган эмиш, кулар эмиш ва у ҳам уни жарга итараётган змиш. Жар тагидан юзи ёпиқ хотин чиқибди. У юзини очибди. Қараса, унинг онаси эмиш. Оиласи увдан юзини ўғриб, пастга, жуда пастга учебкетган эмиш, атрофдан эса дод-вой, оҳ-фиғон ва гувиллаган кулгилар келар эмиш... Легри уйғониб кетди.

Тонг шафағининг қирмизи нури хонага туша бошлисанда. Оқаришиб қолган осмондан ёрқин тонг юлдузи унга чароқлаб боқарди. Ҳар бир янги кун нақадар тантамали гўзаллик билан туғилади! Лекин йиртқич ҳайвонга айланган Легри тонг лаззатини сезмасди. У, ўрнидан туриб, стаканга тўлдириб ароқ қўйди-да, ярмини ичди.

— Бу кечани жуда ёмон ўтказдим, падарқусур! — деди у, бўлмага кирган Кассига.

— Бунақа кечаларни ҳали кўп кўрасан. Тўхтаб тур.— деди у, хотиржамлик билан.

— Нима демоқчисан, ярамас?

— Яқинда биласан,— деб жавоб берди Касси.— Менга қара, Саймон, сенга бир маслаҳат бермоқчиман.

— Маслаҳатларинг керакмас менга!

— Маслаҳатим шуки, Томга озор берма,— қатъият билан деди Касси, бўлмани йигиштиаркан.

— Сенга нима дахли бор?

— Ҳақиқатан ҳам, бунга менинг ҳеч қандай дахлим йўқ. Сен, бир минг икки юэ доллар пул тўлаб бирорни оларкансан, кейин уни энг қизғин иш пайтида ўзингга ишлатиб олишдан маҳрум қиларкансан — бу билан менинг нима ишим бор! Унинг яраларини боғлаб қўйдим.

— Яраларини боғлаб қўйдинг? Менинг ишимга аралашсин, деб сенга ким рухсат берди?

— Сенинг ишингга аралашганим йўқ, хотиржам бўл. Сенинг қулларингни парвариш қилиб, бир неча минг долларингни сақлаб қолсам-у, бунинг эвазига сен менга мана бу хилда ташаккур айтасан. Далангда ҳосил бошқаларникидан кам бўлади, ўйнашган гаровингни ютқизасан. Томпкинс сени масхара қила бошлийди, сен эса пулни тўлайсан, холос.

Бошқа кўлгина плантаторлар сингари, Легри ўз далисадан унадиган ҳосил билан мақтанишни яхши кўрар ва қўшни шаҳарчадаги кўп кишилар билан «ҳаммада» кўп ҳосил оламан» деб, гаров бойлашган эди. Касси хотинларга хос айёргик билан унинг сезигр жойига тегиб қўйди.

— Хўп, унга энди тегмайман,— деди Легри.— Лекин у мендан кечирим сўраб, ўзини жўнроқ тутишга ваъда берсин.

— У сендан ҳеч қачон кечирим сўрамайди,— деди Касси.

— Нима? Сўрамайди дейсанми?

— Сўрамайди.

— Нима учун кечирим сўрамас экан? Шуни билмоқчиман, хоним,— деб сўради Легри нафрат билан.

— Чунки у ҳақли ва ўзининг ҳақли эканлигини билади, шунинг учун ҳақли эмасман, дёб айтмайди.

— Унинг билиш ёки билмаслиги билан кимнинг иши бор? Негрға нимани буюрсам, шуни айтиши керак ёки...

— Еки сен пахтангдан яхши ҳосил ололмай, гаровни ютқизасан, чунки мавсумнинг энг қизғин пайтида уни ишлатгани қўймайсан.

— Қандай бўлса ҳам, уни қайриб оламан. Наҳотки мен негрларни билмасам? Шу бугун зрта бланоқ мендан итдек ялниб афв сўрайди.

— Йўқ, Саймон, сўрамайди. Бундай одамларни сен билмайсан. Уни тилкалаб ташласанг ҳам ўз деганидан қайтмайди.

— Хайр, кўрамиз... Қаерда у? — деб сўради Легри, эшикка томон юриб.

— Машина саройи олдидаги пахта омборида,— деди Касси.

Касси билан сўзлашаркан, Легри ўзини жуда тетик ва тинч тутди. Лекин уйдан чиқаркан, аллақандай бе-зовталик ҳис этди, илгари ўзини ҳеч бундай сезмасди. Кечасидаги даҳшатли тушлар ва Кассининг машъум

фолбинликлари унга таъсир қилди. У, Томнинг олдида ўзимдан бошқа ҳеч ким бўлмайди, деган қарорга келди. Агар Том оёғини тираб олса-ю, афв ўтингмаса, кейинчалик қулай пайт келганда, унинг жазосини бермоқчи бўлди.

Тантанали тонг нури, бесўнақай дераза орқали Том ётган саройга ҳам тушарди.

— Салом, оғайни! — деди Легри, нафрат билан Томни тепиб.— Аҳволинг қандай? «Баъзи бир нарсаларни сенга ўргатиб қўйиш қўлимдан келади», деб сенга айтмабмидим? Қалай, маъқул бўлдими? Кечаси билан озмоз эсинг кириб қолгандир?

Том ҳеч жавоб бермади.

— Тур, ҳайвон! — деб бақирди Легри, уни яна тепиб.

Бундай шалайимланиб, ҳолдан кетган одамнинг ўрнидан туриши қийин эди, лекин Том туришга уриниб кўрди. Легри хохолаб кулди.

— Бугун унча абжирмассан, Том. Оқшом шамолламадингми, ишқилиб?

Том охири ўрнидан кўтарилди ва хўжайини олдида қимирамай, тик турди.

— О, шайтон-эй, ўрнингдан тура олар экансан-ку! — деди Легри, унинг у ёқ-бу ёғига қараб.— Демак, сени кеча кам савалашган экан. Хўш, Том, олдимда тиз чўкиб, мендан афв сўра.

Том қимирамади.

— Тиз чўк, ит! — деб қичқирди Легри ва қамчи билан туширди.

— Мистер Легри,— деди Том,— мен сиздан афв сўраёлмайман. Менинг қилган ишим тӯғри. Эндиғи сафар ҳам худди шундай қиласман. Сиз менга қандайки таҳдид қиласман, мен ҳеч кимни калтакламайман.

— Йўқ, мистер Том, сени нима қилишимни ҳали билмайсан шекилли. Кечагиси эндиғисининг олдида ҳолва. Сени дараҳтга боғлаб, секин кабоб қила бошлаганимдан кейин — кўрамиз, қандай сайраркансан. Сени ёқадими шу?

— Биласман, хўжайин, қўлингиздан энг ёмон ишлар келади,— деди Том.

— Сенинг кажбаслигинги йўқ қиласман! — газаб билан бақирди Легри.

— Йўқ, хўжайин, йўқотолмайсиз,— деди Том.— Менинг ёрдамчим бор.

— Ердамчингиз ким?
— Қудратли тангрим.
— Вой, аблаҳ! — деб бақирди Легри ва бир муштлаб
Томни ағдарди.

Биронинг совуқ ва юмшоқ қўли Легрининг қўлини
ушлади. У, орқасига ўгирилди, олдида Касси туаради.
Кассининг совуқ ва юмшоқ қўли даҳшатли тушни унинг
ёдига солди. Унинг юрагида тунги қўрқувлар қўзғалиб,
янгидан ҳаракатга келди.

— Аҳмоқ бўлма,— деди унга Касси французчалаб.—
Тегма унга! Менга топшир. Йўқса далага иккинчи чи-
қолмайди. Сенга айтмадимми, бу одам айтганидан
қайтмайди, деб. Гапим тўғри эканми?

Ҳатто тимсоҳ билан каркидон зирҳга қопланган бў-
лишларига қарамай, шуларнинг ҳам нозик жойлари
бор, дейдилар. Ҳар қандай виждонини йўқотган золим
аблаҳнинг ҳам иримдан қўрқишидек нозик жойи бўлади.

Легри Томга жазо беришни қулайроқ пайтга қол-
дирмоқчи бўлиб, орқа ўгириди.

— Сенинг айттанинг бўлсин,— деди у хафақонлии
билан, Кассига қараб. — Билиб қўй,— деб ўшқирди
Томга,— бу сафар сенга тегмайман, фақат шунинг учун-
ки, ҳозир, далада айни иш қизиган пайтда менга ишлай-
диган одам керак. Лекин мен ҳеч нарсани унутмайман!
Ҳамма қиммишларингни ҳисоб-китобингта ёзиб қўяман.
Буларнинг товони учун бир кун эски қора пўстагингни
батамом шилиб оламан. Буни унутма!

Легри қайрилди-да, чиқиб кетди.

— Кўрамиз, сен ўз товонингни қандай тўларкин-
сан! — деди Касси унинг орқасидан хўмрайиб қараб.—
Хўш, шўрлик, аҳволинг нучук?

XXXVII БОБ

Озодлик

Ҳозирча Томни қийновчилари қўлида қолдириб,
Жорж билан Элизанинг саргузаштларига қайтайлик;
уларни биз катта йўлдаги фермада, дўстлар орасида
қолдирган эдик.

Том Локер ҳам худди тоби қочган бизондек¹, жан-
жалкаш хасталардан эди. У оҳ-воҳ қилас, инграр ва

¹ Бизон — Шимолий Америкада яшовчи ёввойи буқа.

Доркас холанинг оналарча назорати остида оппоқ тўшакда ётаркан, ўзини ҳар томонга урарди.

Викорли, хуымумала, кўк кўз ва дўнг пешона, кумушдек оппоқ сочларини озода дока қаллоқча остида бекитиб турган новча аёлни кўз олдингизга келтиринг. Унинг кўкрагидаги оқ дурра учлари боғланган; у жигар ранг шойи кўйлагини оҳиста шилдиратиб хонада юрибди.

— Ҳу, падар лаънат! — деди Том Локер, одеялга муштини уриб.

— Сенга айтишга мажбурман, Томас, бундақа гапларни галирман,— деди Доркас хола, унинг тўшагини сенин тузатиб.

— Хўп, ача,— деб жавоб берди Том.— Бундай иссиқда сўкинмай иложим йўқ-да!

Доркас хола унинг бўйиндан жун шарфни олиб, одеял билан яхшилаб ўради, шундан кейин Том Локер уясида ётган ипак қуртига ўхшаб қолди; уни ўтаркан, Доркас хола насиҳатомуз деди:

— Илтимосим шу, дўстим, оғзингни шалоқ қилма. Кейин сен, умуман, ўз феъли-атворингни ўйла.

— Ҳе падарига лаънат,— деди Том Локер,— ўйлашманинг нима кераги бор! Бошимда бундан бошқа ташвиш йўқми, падарига қусур!

Шундай деб у яна питирлади ва жойини ағдар-тўнтар қилди.

— У олифта хотини билан ҳали шу ердадир? — деб хафақон сўради у, бир оз индамай ётиб.

— Ҳа, шу ерда,— деб жавоб берди Доркас хола.

— Улар кўлга борсинлар,— деди Том.— Қанча тезроқ кетсалар, шунча яхши.

— Узлари ҳам шундай қиссалар керак,— деди Доркас хола, хотиржам иш тўқишини давом этдириб.

— Ҳой,— деди Том.— Сандаскида бизнинг агентларимиз бор. Улар пароходларнинг ҳаммасини назардан ўтказиб туришади. Энди менга сир сақлашнинг кераги йўқ. Лаънати Меркс билан ўчакишиб қолдим: уларнинг қутулиб кетишини энди ўзим истайман, патарига қусур!..

— Томас! Яна бошладинг!

— Бутунлай сўкинмасдан туролмайман, ахир, ача: агар оғзим жуда танғиб қўйилса, шишадек ёрилиб, майда-майда бўлиб кетаман, ахир... Ҳа, у хотин тўғри-

сида... Уларга тайинла — уига бошқа кийим кийдириши-
син, йўқса таниб қолишиади. Унинг нишонлари ҳақида
Сандаскига хабар қилинганди.

— Биз, буни назарда тутамиз,— деди Доркас хола,
одатдагича ўзини вазмин тутиб.

Том Локер ёнига иккинчи бор қайтмаслик учун шундай
айтишимиз лозим: у, жароҳатлари ва бод иситманинг
азобини тортиб уч ҳафта ётди, кейин соғайди ва бурун-
гидан сал ақллироқ бўлиб қолди. У, негрлар орқасидая
овлашни ташлаб, одам кам борадиган бир ўлкага жў-
нади ҳамда у ерда айик, бўри ва бошқа ўрмон жонивор-
ларини овлай бошлади ва пировардида бутун мамла-
катга донг чиқарди.

Агентларнинг Сандаскида пойлаб турганликлари ҳа-
қида Том томонидан огоҳлантирилган қочоқлар иккига
бўлиншта қарор қилдилар. Кампир онаси билан Жим
олдин кетди, икки кеча ўтказиб, уларнинг орқасидан ўз
болаларини олиб Жорж билан Элиза жўнадилар: Сан-
даскида уларга меҳмондўст бир оила бошпана берди.
Кейин улар кўлдан ўтишга шайлана бошладилар.

Тун тез ўтди, улар устида озодлик тонгининг юлдузи
порлади. Озодлик! Қандай жозибали сўз! Бунинг маъ-
носи нима? Нега бу сўзни айтганда Америкадаги ёр ва
аёлларнинг юраклари қаттиқроқ ура бошлайди? Нега
бу сўзни деб уларнинг оталари ўз қонларини тўқдилар,
оналари эса ўзларнинг энг яхши фарзандларини ўлим-
га юбордилар?¹

Аммо, бутун бир мамлакатга озодлик кераг-у, айрим
бир кимсага озодлик керак эмасми? Мамлакатнинг
озодлиги — унинг ҳар бир фуқаросининг ҳам озодли-
гидан иборат эмасми ахир? Қора кўзлари яшнаган,
томирларига Африка қони аралашган мана бу йигит
учун озодлик нима, яъни Жорж Гаррис учун озодлик —
мамлакатнинг мустақил бўлиш ҳуқукини ифодаларди.
Жорж Гаррис учун эса озодлик — кишининг ҳайвон
эмас, балки инсон бўлиш ҳуқуқидан, ўз хотинини «ўз
хотиним» деб айтиш ва ҳар қанлай жабру зулмдан
уни ҳимоя қилиш ҳуқуқидан, ўз боласини асрраб тар-

¹ Америкаликларнинг мустақиллик учун олиб боргав урушлари
ҳақида сўз боради (1775—1783). Бунгача Шимолий Америка Анг-
лияга қаради.

биялаш ҳуқуқидан, ўзининг хусусий уй-жойига, ўз дин-эътиқодига, бирорлар томонидан сиқилмайдиган ўз хусусий дидига эга бўлиш ҳуқуқидан иборатдир. Жорж жосусларни гафлатда қолдириш учун эркакча лиbos кияётган нозик ва жонон хотинига, бошини қўлига қўйганча қараб тураркан, мана шу ҳақда ўйларди.

— Сочимни қирқишга тўғри келади,— деди кўзгу олдида турган Элиза, қалин, ипакдек кўркам қора сочиши ёсиб.— Эсизгина сочим, нима дединг, Жорж?— деб ёрига қаради у, бир неча толим сочини кафтига олиб салмоқлаб кўраркан.— Эсизгина, қирқишга тўғри келади.

Жорж маъюс кулимсиради, аммо ҳеч нима демади.

Элиза кўзтуга ўғирилди-да, кокилларини қайчи билан бирин-кетин қирқа бошлади.

— Тамом,— деди у, бош чўткани олиб,— энди тариман, шу билан иш битади.

У қизарди ва ёрига ўғирилиб, кулганча деди:

— Қара, чиройли ўғил бола бўлибманми?

— Қандай кийим кийма, барнибир чиройлисан,— деди Жорж.

— Нега бундай маъюссан?— деб сўради Элиза, бир тиззасига чўкиб, унинг қўлидан ушлаб.— Иигирмэ тўрт соатдан кейин Канадада бўларканмиз. Бир кун ва бир кечка кўлда бўламиз, кейин... кейин!..

— Ҳа, Элиза,— деди Жорж, уни ўзига тортиб,— келажак, бутун тақдирим ана шу кўлдан ўтишга боғлиқ. Мақсадга яқин қолганда, ҳамма нарсадан маҳрум бўлмайлик!. Агар мени, тутиб олишса, ўзимни ўлдираман, Элиза.

— Қўрқма,— деди у, умидвор овоз билан.

— Бу мусибатли йиллар пировардига етятпими-а? Биз озод бўламизми-а?

— Бундан кўнглим тўқ, Жорж,— қатъийлик билан олдинга қараб деди Элиза, унинг узун қора киприклари орасидан умид ва завқ ёшлиари томди.



— Сенга мен ишонаман, Элиза,— деди Жорж, бирдан қўзгалиб.— Сенга ишонаман! Юр! Вақт бўлди!

У Элизадан бир қадам чекинди, аммо қўлинин қўймай завқланиб унга қааркан, давом этди:

— Сен чиндан ҳам чиройли ўғил бола бўлиб қолибсан. Қалта соч сенга ярашар экан. Шапкангни кий. Хўп. Бир оз мана бу томонга сурнаброқ кий. Сен, ҳеч қачон бунчалик чиройли бўлган эмассан! Энди бориб арава кира қилиш керак. Смитхоним бизнинг Гаррига бошқа кийим кийинтиридимикин?

Эшик очилди; хуш чехрали бир аёл, қиз либосига кийинтирилган кичкина Гаррини олиб кирди.

— Жуда соз қизча бўлибдими бу!— деди Элиза унга ўгирилиб.— Энди уни Гарриста деб чақирамиз. Йесми яхши-а?

Бола эркак либоси кийган онасига хафақон қаради. У, гарант, индамас ва қаттиқ хўрсинарди.

— Гарри онасини танимадими?— деди Элиза, боласига қўлинин узатиб.

Лекин бола уялиб, Смитхонимга ёпишди.

— «Мени танисин» деб овора бўлма, Элиза,— деди Жорж.— Барибир, кемада унинг ёнимизга келиши мумкин эмас.

— Бекор қилаётганимни ўзим ҳам биламан,— деди Элиза,— аммо мендан юзини ўғирганига дилим оғрияпти. Плашчим қани? Жорж, эркаклар плашчини қандай кийишади, менга кўрсат.

— Мана бундай,— деди эри, елкасига плашчини ташлаб.

— Шундайми?— деб сўради Элиза, унинг ҳаракатларига тақлид қилиб.— Энди мен қадамни катта-катта ташлашим, этикни тарақлатиб, чапанича юришим керак.

— Чапанича юрмаса ҳам бўлаверади,— деди Жорж.— Яххиси, уятчан йигиттага ўхшаб юр. Сенга шундақа юриш кўпроқ ярашади.

— Қўлқоп катта экан!— деди Элиза.— Бунинг ичидага қўлим йўқолиб кетди.

— Қўлқопингни камроқ еч,— деди Жорж.— Сенинг кичкина нозик қўлчаларинг ҳаммамизни нобуд қилини мумкин. Хўш, Смитхоним, унутманг: сизни биз қўриқлаб борамиз, сиз бизнинг холамиз бўласиз.

— Менга,— деди Смитхоним:— «Хотини ва ўғли билан кетаётган эркакка назар ташлаб борилсин», деб

ҳамма капитанларга топшириқ берилганини айтишганди.

— Майли, назар ташлашаверсин! — деди Жорж. — Агар биз ҳам ёнида хотини ва ўғли билан кетгётган эркакни кўрсак, дарҳол капитанга хабар берамиз.

Кўча эшикка арава келиб тўхтади; қочоқларга уйидан бошпана берган саҳоватли оила меҳмонларни куватгани чиқди.

Том Локернинг айтганини қилишибди — бошқатдан кийинганларидан сўнг, қочоқларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Канадада тугилган ва ўз ватанига қайтаётган Смитхоним, кўлдан ўтаетган вақтда кичкина Гаррининг холаси ролини бажаришга рози бўлди; Гаррини ўзига ўргатиб олиш учун у кетиш олдидан сўнгги икки кун ичидаги Гарридан ажралмади; ширин сўз, прянник ва конфетлар ёрдами билан Смитхоним уни батамом ўзига қаратиб қўйди.

Арава уларни пристанга олиб борди. Йигитга вайлануб қолган Элиза, Смитхонимга назокат билан қўл узатиб аравадан тушишга ёрдамлашди; Жорж юклар тараддудини қилди; сўнгра ҳаммалари бирга пароходга чиқишибди.

Жорж билет сотиб оларкан, касса ёнида турган иккичаракни кўрди; улар ўзаро сўзлашардилар.

— Мен, кемага чиққанларга бирма-бир қараб турдим, — деди бири. — Улар бу кемада йўқ.

Сўзлаётган киши кема хизматкорларидан эди: унинг суҳбатдоши бизнинг эски танишимиз Мэркс бўлиб, у, Сандаскига сайилини ушлаш учун ўзига хос корчалонлик билан етиб келганди.

— Хотинни оқ хотиндан ажратиш қийин, — деди Мэркс, — эркаги ҳам жуда оқ мулат. Қўлига тамға босилган.

Жоржнинг билет ва пул ушлаб турган қўли бир оз титради; лекин у хотиржам ўгирилиб, Мэркснинг кўзига беларво қараб, уни кутиб турган Элизанинг ёнига шошилмайгина жўнади.

Смитхоним қизлар кўйлакчасини кийиб олган Гарри билан хотинлар каютасига жойланди; бу ерда қораҷадан келган кичкина қизнинг гўзаллиги ҳамма аёлларни завқлантирди.

Сўнгги занг урилди; Жорж, пиллапоядан қирғоққа тушаётган Мэркснинг орқасидан қафаркан, ўзида йўқ

хурсанд эди; кема қимирлаб, палуба билан қирроқ оралиги женгая бошлагандан кейин, у, енгил нафас олди.

Ҳаво очиқ, жуда яхши кун. Эри кўлининг кўм-кўк тўлқинлари қуёшда жилваланиб ўйнар, ярқирав ҳам кўпикланарди. Соҳилдан оромбахш шабада эсиб турарди, дабдабали кема эса олдинга тез сузиб борарди.

Ҳар бир кишининг юраги қанчадан-қанча яширии сирларни ўзида сақлайди! Палубала, уятчан ҳамроҳи билан секин айланиб юрган Жоржга қараган киши унинг миясидаги фикрлари, юрагида қайнаётган туйгуларни била олармиди? Соат сайн яқинлашаётган баҳт Жоржга шу қадар гўзал ва шу қадар ажойиб кўринардики, у ҳатто бу баҳтнинг яқин қолганига ишонгуси келмасди; кўпдан бўён кутилган озодлик яқинлашган сайн Жорж, уни қўлдан бой бериб қўймасам, деб кўркарди.

Кема зўр бериб олдинга борарди. Вақт ўтиб турарди; ниҳоят, узоқда Канада соҳили кўринди.

Жорж ва унинг хотини бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб турадилар, шу вақт кема Канаданинг Ахмерстберг деган кичкина шаҳарчасига яқинлашиб қолди. Жорж тез-тез ва калта нафас ола бошлади; кўзларя тинди; у, ўз қўлида титраб турган кичкина қўлчани деч нима демасдан сиқди. Занг урилди; кема тўхтади. Жорж, худди тушдаги каби, ўз юкини кўтариб, ҳамроҳларини чакирди. Кичкина тўда соҳилга тушди ва кема кетгунча тўхтаб турди.

Смитхоним уларни саховатли бир миссионерникига олиб келди; бу одам ўзили чегарадан ўтиб келган қочоқ қулларга бошпанга бериш каби олижаноб ишга бағишлаганди.

Биринчи озодлик кунининг бутун лаззатини қандай тасвирлаш мумкин? Ҳар бир кишида, бошқа беш туйғудан кўра нозикроқ ва юксакроқ олтинчи ҳиссият— алоҳига озодлик ҳиссияти йўқми, ахир? «Бирор мени пойлаб юрибди» демасдан, қўрқмай юриш, сўзлашиш, нафас олиш ва ўзингизни хавфсизликда ҳис этиш нақалар яхши! Она ўз боласига мингларча даҳшатли оғатларнинг таҳдид қилганини эслаб, унинг тинч ужлашига қаараркан, бу чоқдаги зўр қувончини ким тасварлай олади? Бошдан кечирилган ҳамма машаққатлардан

кейин бола унинг кўзига илгаригидан ҳам азизроқ кўринарди. Жорж билан Элиза бир минут ҳам ухламадилар. Бу бахтили кечада уларнинг кўзига уйқу келмасди. Рост, бу икки бахтиёрининг на бир парча ерлари бор эди ва на бош суқадиган жойлари; улар пулларини бир доллар ҳам қолдирмай сарфлаган эдилар. Шундай бўлса ҳам бахтиёрикдан уларнинг кўзларига уйқу келмасди.

XXXVIII БОБ

Галаба

Турмушининг энг оғир чоғида: «Бу кунимдан ўлтаним яхшироқ» деб ўйлаган одамлар дунёда озми дейсиз?

Том ўз қийновчиси олдида туриб, унинг пўписаларини эшитаркан, қўрқмади; у ҳар қандай азобларга бардош бериш учун ўзида етарли куч, мардлик борлигини ҳис этарди. Аммо, жаллод кетиб, вақтинча кўтарилиган ҳаяжон босилгач, ҳолсизланган ва шалпайган бадан яна оғрий бошлаганда, уни умидсизлик чулғаб олди: унга батамом ожизлик ва умидсизлик ҳисси қайтиб келди. Бутун кун уни ғам босди.

Ҳали унинг яралари битмаганди, лекин Легри уни далаға ишга юборишни талаб қилди. У, дард ва чарчашдан азоб чекарди; бунинг устига жоҳил хўжайн томонидан ҳадеб кашф этиладиган ҳар хил ноҳақ азоб ва масхараланишларга бардош бериш зарурияти қўшиларди. Ўртоқларининг ҳамиша ғамгин юришларига Том энди таажжубланмасди: у бурунги хушкўнгиллигини, мулойим табнатлигини, қувноқлигини ўзи ҳам йўқотганлигини сезарди. Унинг бўш вақти бўлмасди. Иш қизғин чоқларда, Легри қулларни тонг отгунча ишлашга мажбур қиласди; якшанба кунлари ҳам бошқа кунлардагидек ишлардилар. Нима учун улар якшанба куни ишламасликлари керак экан? Ўлар қанча кўп ишласалар, Легри ўшанча кўп пахта олади; қанчаки кўп пахта олса, чўнтағига ўшанча кўп пул киради-ку, ахир. Агар қуллар ҳаддан зиёд чарчаб ўлиб қолсалар, зарари йўқ — Легри янгисини сотиб олади. Ишдан кейин Том бутунлай ҳолсизланиб, йиқилиб қоларди.



Ҳафталар ўтар, ойлар ўтар, Томнинг дили эса ҳамон
рамгни эди. Офелияning Кентуккига ёзган хати унинг
эсига тушди ва ҳамон: «Мени қайтиб сотиб олсалар
керак» деб умид қиласади. У: «Мана келиб қолишар,
ана келиб қолишар» деб ҳар кун кутарди. Лекин ҳеч
ким келмасди. Гоҳо у Касси билан учрашарди, гоҳо
хўжайнинг уйига кириб, ориқлаб кеттган Эммелинага
кузи тушарди; лекин уларнинг ҳеч қайсиси билан бирор
марта дурустгина сўзлашолмади. Сўзлашиш учун энди
унинг вақти ҳам йўқ эди.

Бир марта кечаси, қуллар барагида ҳамма ухлаб ётганда, Том уйғониб кетди ва ходалар орасидаги—дергза хизматини бажарувчи тешикда Кассининг юзи-ни кўрди. Касси имо билан уни ташқарига чақи-рарди.

Том чиқди. Тун соат бирдан ўтганди. Ой тиник ва равшай нур сочарди. Кассининг кўзлари ой ёруғида аллақандай ғалати бўлиб яшнарди; унинг кўзида одат-даги ғамгин умидсизлик кўринмасди.

— Бу ёққа кел, Том тоға.—деди у, кичкина қўлинни унинг елкасига қўйиб ва уни қаттиқ олдинга итарарди, Том эса: «Бунинг қўли пўлат шекилли» деб ўйларди.—Бу ёққа кел, Гапим бор.

— Нима бўлди, Кассихоним?—деб сўради ташвишланган Том.

— Том, озод бўлишни истайсанми?

— Мени озод қилишадиган вақт келиб қолар, деб ишонаман.

— Ўша вақт келди!—деди Касси, аллақандай завқ-ли жўшқинлик билан.—Юр!

Том юраги дов бермай тўхтади.

— Юр!—деб пичирлади у, қора кўзларини унга ти-киб.—Қани, юр дейман! Ухлаяпти. Қаттиқ ухлаяпти. У кўпроқ ухласин, деб ароғига баъзи бир нарсаларни сепдим. Афсуски бу доридан менда оз эди; кўпроқ бўл-ганда сен менга керак ҳам бўлмасдинг. Юр, орқа зинк очиқ. Болтани даҳлизга қўйиб келдим. Ётгая хонаси-нинг эшиги ҳам очиқ. Сенга йўлни кўрсатиб қўяман. Ҳамма ишни ўзим қиласдим-у, қўрқаман: қўлларим жуда заниф. Юр!

— Дунёнинг ҳамма хазиналарини берганларида ҳам бормайман!—деди Том қатъий суратда ва гарчи Касси унинг орқасидан итараётган бўлса ҳам тўхтади.

— Бу баҳтсизларни ўйла, ахир,—деди Касси.—Биз уларнинг ҳаммасини озод қиласмиз, ботқоқларга кета-миз, у ерда бопроқ қаттиқ жой топиб, ўша ерда яшай-верамиз. Мен бундай воқиаларчинг бир неча марта бўл-ганини эшигтанман. Бизни нимаки қиласинилар, биз учун бу срга қараганда бошқа ерда яхшироқ бўлади.

— Йўқ, олтин берсангиз ҳам бормайман,—деди Том қатъий равишда.—Ёмонлик ҳеч қаҷон яхшилик туғди-майди. Яхиси, ўнг қўлимни чопиб ташлайман.

— Ундан бўлса, буни ўзим қиласман,—деди Касси.

— Ҳой Кассихон!— деб қичқирди Том.— Жонингизни шайтонга сотманг! Бу ишнингиздан кулфатдан бошқа ҳеч нарса чиқмайди.

Касси индамай қолди. Унинг ерга қараган кўзларидан катта-катта ёшлар оқарди.

— Кассихон!— деб юраги дов бермай сўз бошлади Том, унинг индамай қолишидан фойдаланиб,— яхшиси, сиз бу ердан қочинг... сиз ва Эммелина... Қочинг, агар бунинг учун бирорнинг қонини тўкиш талаб қилинмаса, қочинг.

— Сен ҳам биз билан бирга қочасанми, Том тоға?

— Йўқ,— деди Том.— Менсиз қочинг. Бир вақтлар қочмоқчи бўлгандим, лекин энди...

— Бу ердан фақат қабрга қочиш мумкин,— деди Касси.— Ҳар бир ҳайвоннинг, ҳар бир парранданинг бошпана жойи бор. Ҳатто илонлар ва тимсоҳлар ҳам хотиржам дам олиш мумкин жойларни биладилар. Лекин биз учун бошпана йўқ. Ҳатто одам боролмайдиган бот-қоқларда ҳам бизни итлар топиб олади. Қаерга қочайлик биз?

Том индамасди.

Ростини айтганда, Касси қочишини аллақачонлар орзу қиласди.. У жуда кўп планларни тузиб чиққан, лекин уларнинг ҳеч бирини амалга ошириш мумкин бўлмаганидан қолиб кетганди. Аммо бу сафар унинг миясида содда ва бажарилиши мумкин бир фикр пайдо бўлдикя, бунинг натижасида, унга тўсатдан яна умид қайтиб келди.

— Том тоға, мен қочишига ҳаракат қилиб кўраман,— деди у, қўйқисдан.

— Худо кўмак берсин сизга!— деди Том.

XXXIX БОБ

Адёрик

Легри уйининг парамони бошқа кўпгина чердаклар каби кеңг, бўш, ифлос, ўргумчак уя босган сески-туски нарсаларга тўла эди. Бир вақтлар бу плантациянинг эгаси бўлган бой оила, уйга жуда яхши жиҳозлар олиб келганди; жиҳозларнинг бир қисмини уй эгалари ўзлари билан олиб кетдилар, бир қисми пўпанак босиб, бўшаб қолаётган хоналарда қолди, бир қисми esa чердак-

ка тахлаб қўйилганди. Бир вақтлар мебель солиб келинган иккита катта яшик ҳам шу ерда туарди. Чердакка кичкина даричадан ёруғ тушарди; даричанинг ойналарини чанг босиб кетгани сабабли, ундан тушадиган ёруғ фира-шира бўлиб, илгари тез-тез тозаланиб турган — орқаси баланд курсилар ва столлар зўрга кўринарди. Бу парамонга кирган киши ихтиёrsиз сеҳргарлик ва ажиналар ҳақида ўйлаб қоларди. Шунинг учун бу парамондан ҳамма қўрқарди; афсоналар бу қўрқувни янада кучайтирадилар. Иримчи негрлар эса афсонага ўч бўладилар. Бир неча йил муқаддам Легрининг аччинига теккан бир негр аёл бу парамонга қамаб қўйилган ва унда бир неча ҳафта ёлғиз ўтирган. У ерда нима ҳодиса бўлгани номаълум; негрлар ўзаро пицирлашиб ҳар нарсаларни гумон қиладилар, лекин шуниси маълумки, энг охири шўрлик аёлнинг ўлиги парамондан пастга олиб тушилиб, кўмилганди; шундан буён кечалари парамондан қарғиш, дод-фарёд, ёлвориш ва оҳ-фон овози чиқади, деб айтадилар. Бу овозларни эшитиб Легри ғоят ғазабланди ва: «Кимки парамон ҳақида оғиз очаркан, унинг ҳамма сирлари билан мукаммал танишиш имкониятига эта бўлади, яъни кишанга солиниб парамонга жўнатилади ва у ерда бир ҳафта ётади» деб қасам иди. Парамон ҳақида гапларни тўхтатиш учун бу пўписа кифоя бўлди, лекин ундаги ажиналарга ишониш — заррача бўшашибади.

Аста-секин ҳамма, парамонга олиб чиқадиган пиллапояндангина эмас, ҳатто бу пиллапоя солинган даҳлиздан ҳам ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолдилар. Кассининг миясига тўсатдан: ўзини ва Эммелинани озод қилиш учун, Легрининг хурофотларга ишониб, ажинадан қўрқишидан фойдаланиш керак, деган фикр келди.

Кассининг ётоқхонаси худди парамоннинг тагида эди. У, бир куни Легридан ижозат сўрамасдан ўз ётоқхонасидан ҳамма нарсаларни ва жиҳозларни уйнинг энг четидаги бошқа хонага ташишни буюрди. Касси бу ишни бошламасдан илгари Легри от миниб саирга кетганди; ивирсираш ва шовқин кўтариб кўчиш айни қизиб тургандада Легри қайтиб келди.

— Ҳой, Касси! — деб қичқирди Легри. — Бу нима қилганинг?

— Ҳеч нима, — деб ғашланиб жавоб берди Касси. — Бошқа хонага кўчяпман.

— Нима учун? — деб сўради Легри.
— Қўнглим шуни истади,— деди Касси.
— Бу нима гап! Нима учун?
— Тинч ухлашни истайман.
— Тинч ухлашни? Сенинг уйқунгга нима халақит беряпти?

— Қулоқ солишини истасанг, айтиб беришим мумкин,— деб совуқ жавоб берди Касси.

— Гапир, ит!— деди Легри.

— Балки сен у ерда жуда тинч ухлардинг. Ҳар кун кечаси, соат ўн иккidan тонг отгуича чердакда бирор оҳ-воҳлаб чиқади. У ерда аллақандай одамлар муштлашади, тўполон кўтариб, полда юмалашади.

— Чердакда одамлар бор эмиш!— деб хитоб қилди Легри, кулишга қийинчилик билан ўзини мажбур этиб.— Бу қандай одамлар экан, Касси?

Касси ўткир қора кўзларини кўтарди ва Легрига шундай назар билан боқдики, бу назар унинг суюгигача тешиб ўтди; Касси деди:

— Қандай одамлар дейсанми, Саймон? Уларни сен яхшироқ биларсан. Ё билмайсанми?

Легри ёмон сўкиниб, Кассига қамчи туширмоқчи бўлган эди-ю, у чап бериб, эшикка кириб олди ва орқасига қараб:

— Нималар бўлаётганини билгинг келса чердагингда бир кеча ёт,— деди ва эшикни ичидан ёпиб, кейин қулфлаб олди.

Легри бақирад, сўкинар, «эшикни синдираман» деб пўписа қиласди, лекин кейин фикридан қайтди шекили, юраги безовта бўлиб, меҳмонхонага жўнади. Касси ўз найрангининг муваффақиятли чиққанини тушунди ва шу чоқдан бошлаб Легрини янгидан-янги уйдирмалар билан қўрқитиш йўлига тушди.

У, чердакда бир ёриқ жой топиб, унга эски шиша-нинг бўғзини жойлаб қўйди; озгина шамол эсса, шиша бўғзи узун ва киши йиғисига ўшаган маъюс овоз берарди, қаттиқ шамол турганда эса, бу овоз чинқириқ садога айланар ва иримчи қулоқларга худди даҳшат ҳамда умидсизлик билан тўлган киши фарёдидек бўлиб эшитиларди.

Бу садони эшитган негрлар чердакда яшовчи ажина ҳақидаги афсонани дарҳол эсларига туширдилар. Ажиналар даҳшати бутун уйни босди; Легрига бу ҳақда

биров сўз очишга журъат қилмаса ҳам, умумий қўрқув беихтиёр унга ҳам ўтар ва заҳарларди.

Касси аллақандай ғалати йўл билан Легрига таъсир қила оларди. Легри унинг хўжайини, золими ва қийновчили эди; Легри уни ҳар нарса қилишга қодир бўлиб, Касси унинг олдидаги ҳимоясиз эди; бироқ, агар аёл кучли ва қатъий иродали бўлса, энг баджаҳл эркак ҳам бу аёлнинг таъсирига берилиб қолиши мумкин. Легри сотиб олган вақтда Касси нозик ва заиф характерли хотин бўлиб, Легри уни аёвсиз эди. Аммо вақт ўтган сайни, умидсизлик уни ғазаблантириди, унга куч берди, ашаддий нафрат алангасини ёндириди Шунинг учун Легри ундан қўрқар ва кўпинча унинг гапига бўйсунарди.

Касси сал айниб қолиб, ҳамма сўзларида қандайдир бир ёввойилик, мавҳумлик ва тушуниб бўлмайдиган иборалар пайдо бўлгандан кейин, бу бўйсуниш айниқса кучайди.

Орадан икки кун ўтди; Легри эса меҳмонхонада, деворга нурсиз хира ёруғ берадиган ўт ёнида ўтиради. Кечки пайт эди. Бўрон ғувилларди. Бундай бўронли кечаларда қаровсиз қолган ҳамма панд уйларда ғалати овозлар эшиглиб туради. Деразалар энриллар, дарпардалар шилдишар, шамол ўқирав, мўридан ғувиллаб ўтиб, хонани ажиналар галасига ўҳшаган тутун оқимлари билан тўлдиради. Легри аввал ҳисоб-китобини тўғрилаш билан банд бўлди, кейин газеталарни кўриб чиқди, Касси эса бурчакдаги ўтга ғамгин қараб ўтиради. Ниҳоят, Легри газетани қўйди-да, стол устидаги эски китобга кўзи тушди; кечки пайт бошланадиганда бу китобни Касси ўқиётганлиги эсига тушди; у, китобни олиб, варақлай бошлади. Емон нашр қилинган бу китоб, одам ўлдиришлар, ажиналар, ўликлар, нариги дунёдан келадиган арвоҳлар ҳақида ёзилган ҳикоялар тўплами эди. Китобда анчагина суратлар ҳам бор эди.

Легри фирқиллади, жийранди, шундай бўлса ҳам китобни бирмунича варақлади, кейин уни полга отди-да, сўкинди.

— Ажиналарга ишонмайсан-ку, Касси? — деб сўради у, маңжал-печкани косов билан титаркан. — Сен ақлли хотинсан ва ҳар қандай тасодифий шовқиндан қўрқмасанг керак.

— Ишонманми, ишонмайманми, сенга барибир эмасми? — ғамгни деди Касси.

— Мен кемада хизмат қилғая чоримда матрослар мени ҳар хил даҳшатли афсоналар билан қўрқитмоқчи бўлардилар,— деб давом этди Легри,— лекин менга булар кор қилмасди. Ҳар қандай беҳуда гапларга ишона-диган аҳмоқ эмасман.

Касси қоронғи бурчакдан унга тикилиб қаради. Унинг кўзларида Легрини ҳар доим қўрқитадиган ғалати аланга чақнарди.

— Бу шовқининг ҳаммасини каламушлар билан шамол кўтаради,— деди Легри.— Хусусан, лаънати каламушлар. Кема трюмини остин-устин қилиб тарақла-тишганларини кўп эшигтанман. Шамол-чи... Азбаройи худо, шамол қутуриб гувиллаганда ҳар балони эшитиш мумкин.

Узининг тикилиб қарашидан Легрининг қўрқаёт-ганларини Касси жуда яхши биларди ва шунинг учун аллақандай сирли кўзларини ундан узмасди.

— Нега индамайсан, ҳой хотин? Е менинг сўзим ко-тўгрими?

— Устидан қулфлаб, курси тираб қўйилган эшикни каламушлар оча оладими?— деб сўради Касси.— Каламушлар сенинг каравотинг атрофида юриб-юриб, ке-йин устингга ана бундай қилиб чангалларини қўя ола-диларми?

Кассининг чақнаётган кўзлари Легрига тикилған ва Легри ҳам Қассига, қўрқинчли тушда кўргандек қараб турар эди. Касси унга муздек совуқ қўлини тегизганди. У орқага тисарилиб, сўкина бошлади.

— Бўлмаган гапларни гапирмасанг-чи, хотин! Гапла-раётган ҳодисаларингни ўзинг кўрганмисан?

— Йўқ, кўрганмасман, албатта... Мен «кўрдим» деб айтдимми?— деб жавоб берди Касси, нафратомуз совуқ кулимсираб.

— Лекин... айт... кўрганмисан? Айт, Касси, айт...— деди Легри.

— Уша хонада бир кеча ёт,— деди Касси,— кейин ҳаммасини биласан.

— Касси, чердакдан тушадими у?

— «У» деганинг нимаси!— деб сўради Касси.

— Ўзинг айтдинг-ку, ахир...

— Сенга ҳеч нима деганим йўқ,— деб аччиғи чиқиб ва хафақон жавоб берди Касси.

Легри ҳаяжонланиб хонада юра бошлади.

— Мен бунинг ҳаммасини текшираман. Шу кечәёқ аниқлайман. Тўппончаларимни олай...

— Текшириб кўр,— деди Касси.— Менинг илгариги хонамда ухлагани ёт. Уша ерда ётиб кўришингни жуда хоҳлайман. Тўппончаларингни от. Текшириб.

Легри тепиниб жуда шалоқ сўкинди.

— Сўкинма,— деди Касси.— Шу топда гапларингга ким қулоқ солиб тургани номаълум. Жим! Бу нима?

— Нима?— деб сўради Легри, чўчиб.

Бурчакда турган эски голландия соати ўн икки марта секин занг урди.

Легри индамас ва қимиrlамасди. Уни ғоят қаттиқ қўрқув босди. Касси масхараомуз кўзини яшнатиб унинг юзига қарап ва зангни санаиди.

— Ўн икки,— деди у.— Энди ҳаммасини кўрамиз.

У даҳлизнинг эшигини очди-да, остоңада тўхтаб, қулоқ сола бошлади.

— Жим! Бу нима?— деди у, бармоғини кўтариб.

— Шамол,— деди Легри.— Бугун у қутургандек ҳайқиряпти.

— Бу ёққа кел, Саймон,— деди Касси пичирлаб ва унинг қўлидан ушлаб пиллапояга қараб судради.— Бу нима? Қулоқ сол.

Юқоридан жуда хунук овоз эшитилди. Бу овоз уларга чердакдан эшитилди. Легрининг оёғи титради. Қўрқувдан юзи оқарди.

— Тўппончаларингни нега олмайсан?— деб сўради Касси кулимсираб; бу кулимсирашини кўриб Легрининг томирларидаги қони қотиб қолди.— Ахир, ҳаммасини текшириб чиқмоқчи эдинг-ку. Юқорига чиқ, улар юқорида.

— Қеракмас!— деди Легри, сўкиниб.

— Нима учун? «Ажина бўлмайди» деб ўзинг айтапсан-ку. Юр!

Касси пиллапояга бир оз кўтарилди-да, кулиб орқасига қаради:

— Юр юқорига!

— Шайтон — худди ўзинг бўласан!— деди Легри.— Қайт, жодугар! Қайт, Касси! У ёққа чиқа кўрма!

Касси қаттиқ қаҳқаҳа отиб пиллапоядан юқорига югуриб чиқиб кетди. Легри унинг чердакка олиб борадиган эшикни очганини эшилди. У қўлида шам ушлаб

турганди; қаттиқ шамол шамни ўчирди. У, даҳшатли, ғайри-табиий ув-в-в овозларини эшилди; бу овозлар унинг қулоғини ўярди.

Қўрқувдан тепа сочи тик турган Легри меҳмонхонага югуриб кирди; унинг кетидан Касси ҳам қайтиб кирди: унинг ранги ўчган, хотиржам ва қасоскор каби совуқ эди. Кўзларида илгаригидек даҳшат солувчи аланга яшнарди.

— Хўш, кўрдингми, хурсандмисан энди? — деб сўради Касси.



— Жин урсин сени, Касси! — деди Легри.

— Нега? — деб сўради Касси. — Мен фаҳат юқорига чиқиб, эшикни ёпиб тушдим. Нима деб ўйлайсан, Саймон, сенингча чердакда нима бор?

— Сенинг ишингмас! — деди Легри.

— Шунақами? Менинг ишим эмасми? Яна яхши, — деди Касси. — Шунга севинаманки, энди чердак тагида ётишдан қутулдим.

Кассининг найранги жуда содда эди. У, кечаси шамол бўлишини билиб, қош қорайнш олдидан парамонга кўтарилиди-да, дераза билан эшикни очиб қўйди. Шунинг учун шамол кириб, шамни ўчирди.

У, мана шундай найранлар билан Легрини аҳмоқ қила бошлади, натижада Легри шу даражага бориб етдики, баров унга: «Чердакка чиқасанми ёки бошиигни шернинг оғзига тиқасанми?» деса у бошини албатта шернинг оғзига тиқишига рози бўларди. Кечалари уйда ҳамма ухлаганда, Касси парамонга секин-секин озиқ-овқат ташиди, шунинг соясида у ерда оз-моз овқат гамлаб қўйди, кейин у ерга ўзининг ва Эммелинанинг кийимларини олиб чиқди. Ниҳоят, ҳамма нарса тайёр бўлди ва улар ўз планларини бажаришга киришиш учун қулай пайтнитина кута бошладилар.

Кейинги вақтда Касси Легрига айниқса хушмуомга бўлиб қолди. У, бир марта Легрининг кайфи чоғ бўлгаш вақтдан фойдаланиб, Қизил дарё бўйидаги қўшни шаҳарчага бирга олиб боришга кўндириди: бу шаҳарчага бораркан, у, атрофга диққат билан қараб, йўлларниң ҳар бир муюлишини ёдига олиб, бу йўлларни писда босиш учун керак бўлган вақтни ҳисоблади.

Қайттач у, энди планни бажаришга киришиш мумкин, детан қарорга келди.

Кун кеч бўяиб борарди. Легри уйда йўқ — у қўшни Фермага кетганди. Касси анча кундан буён унга жуда шарин сўз ва унинг қош-қовоғига қараб иш тутарди; Легри Фермага кетаётганда Касси уни жуда яхши кузатиб қўйди. Энди Кассининг орқасидан Эммелинанинг хонасига кирайлик; бу ерда улар ўз буюмларини икки тугумчага солиб боғлаяптилар.

— Бизга ортиқ ҳеч нарса керакмас, — деди Касси. — Шляпачангни кий. Вақт бўлди!

— Ҳали ёруғ, — деди Эммелина. — Бизни кўриб қолишлари мумкин.

— Кўришаверсин,— деди Қасси хотиржамлик билан.

— Уларга бизнинг орқамиздан «қидир-қидир» қилиш имкониятини бериш кераклигини билмайсанми? Менинг планим мана шундай: биз орқа эшикдан чиқиб, баракларнинг ёнидан қочамиз. Сэмбо билан Қвимбо бизни албатта кўрадилар ва овни бошлайдилар. Орқамиздан қувадилар, биз эса ботқоқликка қараб қочамиз. Ундан кейин улар одам чақира бошлайдилар, итларни қўйиб юборадилар, ўзаро жанжаллаша бошлайдилар; биз эса вақтдан фойдаланиб, ариққа тушамизда, сувнинг ичи билан уйга қайтамиз; итлар изимиизни йўқотадилар, чунки ит сувда из билмайди. Ҳамма бизнинг орқамиздан қувиб кетади ва уй бўшаб қолади; биз даҳлизнинг орқа эшигидан кириб, чердакка чиқамиз. У ерда мен катта яшикнинг ичига жуда соз жой тайёрлаб қўйғанман. Парамонда анча вақт ўтиришга тўғри келар, чунки Легри, бизни топиш учун ер ва осмонни афдар-тўнтар қиласди. У, қўшни плантациялардаги ҳамма назоратчиларни чақириб, қидир-қидир қиласди; улар ботқоқликнинг ҳар бир қаричигача титиб чиқишиади — ахир, биласан-ку, у: «Мениндан ҳали ҳеч ким қочиб кетолганмас», деб мақтанишини жуда яхши кўради. Майли, агар вақти бўлса ов қиласверсин.

— Планингиз жуда соз, Қасси! — деди Эммелина.— Сиздан бошқа ҳеч ким қочиши йўлларини ҳар томондан бундай яхши ўйлаб қўймайди.

Қассининг кўзларида на завқланиш ва на шодлик бор эди — унда ёлғиз қатъий қарордан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

— Юр! — деди у Эммелиннинг қўлидан ушлаб.

Қочоқлар уйдан оҳиста чиқдилар-да, қуйилиб бораётган оқшом кўланкалари орасидан бараклар бўйлаб югурилар. Фарбда кумушдек оппоқ ярим ой, қоронеилик бошланишини тўхтатиб, нур сочарди. Улар, плантацияни ўраб олган ботқоқликларга етаёзган эдиларки, бирдан «тўхта!» деган овозни эшилтилар. Улар орқасидан Қвимбо эмас, балки Легрининг ўзи чориб бораарди; у, даҳшат ва ғазаб билан югуради. Ўнинг овозини эшитиб, Эммелина саросималанди. У, Қассининг қўлини қўйиб юориб:

— Ҳозир беҳуш бўлиб йиқиламан! — деб пичирлади.

— Агар беҳуш бўлиб йиқилсанг, ўлдираман сени! — деди Қасси ва ёнидан кичкина ярқироқ ханжарини олиб

қизининг кўзи олдида, пўписа қилган йўсинда сиљкиб қўйди.

Пўписа таъсир қилди. Эммелина Кассининг орқасидан ботқоқзорга кириб кетди; ботқоқзор эса, шундай қалин ва қоронғи здики, Легри уларни бу ердан ёрдамчиз топишга умид ҳам қилолмасди.

— Хўп,— деди у, даҳшатли кулимсираб.— Удар ўзларини-ўзлари тузоққа илнитирди. Майли, у ерда пича ўтирислар. Ҳаял ўтмай ҳисоб-китобларини тўргилайман.

У, баракларга қараб жўнади; у ерда ишдан ўндигина қайтган эркак ва аёллар тўпланишиб турарди.

— Ҳой, Сэмбо!— деб бақирди у,— Қвимбо! Ҳой, негрлар! Иккита хотин ботқоқликка қочди. Қайси негр ўшаларни ушласа, унга беш доллар бераман. Итларни ечиб юборинглар! Йўлбарсни, Фурияни ва бошқа ҳамма итларни қўйворинглар!

Қочиш ҳақидаги хабар негрларга жуда катта таъсир қилди. Баъзи эркаклар олдинга югуриб чиқиб, ўз хизматларини таклиф қилдилаф; буларнинг баъзи бирлари ваъда қилинмиш мукофотга учган, баъзилари эса хўжайнинг қулларча лаганбардорлик қилмоқчи эди. Бирорлар ёғли қарағай таёқларини ёндириб, уларни машъал каби ҳавода айлантирас, бошқалари даҳшатли ҳуришлари ҳамма ёқни босаётган итларни ечарди.

— Хўжайнин, уларни мабодо тутолмасак, отсак ҳам майлими?— деб сўради Сэмбо, Легридан милтиқ оларкан.

— Ҳоҳлассанг, Кассини от. У ўзининг эски оғайниси шайтоннинг олдига кетаверсин — вақти бўлган. Ешига тегма,— деди Легри.— Қани, йигитлар, илдамроқ бўлинглар, ивирсираманглар. Уларни ким тутса беш доллар олади. Қолганларга бир стакандан ароқ!

Ёрқин ёнаётган машъаллар нурида бу кишилар галаси итлар галаси билан бирга ҳуриб, бақиришиб, қийдиришиб ботқоқликка югуришиб кетди. Қолган негрлар — плантациядагиларнинг ҳаммаси — бир оз кейинроқда, бу галанинг орқасидан жўнади. Шунинг учун Касси билан Эммелина уйга қайтганларидан уй мутлақо бўш эли. Таъқибчиларнинг қичқириқлари ҳамма жойдан эшитилиб турарди. Касси ва Эммелина, меҳмонхона деразасидан қараб, ботқоқлик четида милтиллаётган машъалларни кўрдилар.

— Қидир-қидир бошланди! — деди Эммелина. — Уни қара, чироқлар ўйнай бошлади! Жим! Ана итлар! Агар у ерда қолсак, ҳолимиз нима бўларди. Яшириниш керак. Тезроқ!

— Шошилиш керакмас,— деди Касси хотиржамлик билан.— Улар ов билан овора ва бу томоша бутун кечасига етади. Зарур бўлган ҳолда тепага чиқа қоламиз. Ўнгача,— деб давом этди у, Легри шошилиб полга тушириб қолдирган қалитни нимчасининг чўнтидан олиб,— унгача мен йўл харажати учун пул олай.

У ёзув столининг тортмасини очиб, бир даста пул олди ва шошилиб санади.

— Керакмас! — деди Эммелина. — Қўйинги!

— Қўймайман,— деди Касси.— Ботқоқларда очликдан ўлишни истайсанми? Бу пул билан озод штатларга етиб оламиз. Пул билан ҳар нима қилиш мумкин, қиз.

Шундай деб, у пулни қўйнига солди.

— Ахир бу ўғирлик эмасми? — ачиниб пицирлади Эммелина.

— Үғирлик дейсанми?! — деб хитоб қилди Касси ва ижирғаниб кулди.— Бизнинг танимиз ва жонимизни ўғирлаган одамдан ўғирлаш—ўғирлик бўлмайди. Бу дол ларнинг ҳар бири очликдан ўлаётган, ҳориган, хўжайинлари фойда олсин учун ҳалок бўлиб кетаётган баҳтсиз одамлардан ўғирлаб олинган. Биз эмас, у ўғирлайди!. Хайр, чердакка чиқадиган вақт бўлди. У ерга мен бир талай шам билан бир нечта китоб чиқариб қўйганман, диққат бўлмаймиз. Ишонаманки, улар бизни излаб парамонга чиқишга журъат қилмасалар керак. Лекин, агар у ерга чиқиб қолсалар, менинг ўзим ажинага айланаман.

Чердакда Эммелина бир вақт мебель ташиш учун хизмат қилган катта яшикни кўрди, бу яшикнинг очиқ томони деворга, тўғрироқ айтганда томнинг ён бағир томонига айлантириб қўйилганди. Касси кичкина лампани ёқди ва улар томнинг ён бағир четидан ўрмалаб яшикка кирдилар. Яшикда иккита кичкина матрас ва бир неча ёстиқ бор эди, тепалатиб шам ва озиқ-овқат билан тўлдирилган сандиқча ҳам шу ерда эди; Уларнинг сафарига керакли ҳамма кийим-кечакни Касси иккита кичкина тугунчага жойлаганди.

— Шу ерда яшаймиз,— деди Касси, лампани яшик деворига қоқиб қўйилган михга иларкан.— Маъқулми сенга бу ер?

— Улар бизни чердакка чиқиб ахтармасликларига ишонасизми?

— Кошки эди, Легрининг чердакка чиқишини маза қўлиб томоша қиласдим-да!— деди Касси.— Йўқ, бу ерга у чиқмайди. Олтин сочиб қўйгандага ҳам чиқмайди. Негрлар эса отилишга рози бўладиларки, аммо пармонга чиқмайдилар.

Андак кўнгли тинчнинг Эммелина ёстиққа чўкди.

— Касси, нега мени «ўлдираман» дедингиз?— деб сўради у, содда диллик билан.

— Беҳуш бўлиб йиқилмаслигинг учун,— деб жавоб берди Касси.— Агар беҳуш бўлиб йиқилганингда, сени муқаррар ўлдирадим. Беҳуш бўлиб йиқила кўрма, Эммелина! Бизга беҳуш бўлиб йиқилиш асло тўғри келмайди. Агар ўшанда йиқилишнинг йўл қўйсан, ҳозир у абллаҳнинг панжасида бўлардинг.

Эммелина чўчиб тушди.

Улар анчагача индашмадилар. Касси французыча китоб ўқирди, можаролар вақтида чарчаб қолган Эммелина мудрай бошлади. Аллакимларнинг қичқириб гапириши, от туёклари овози, итларнинг ҳуриши уни уйготди. У сапчиб кетиб, кейин секингина қичқириб юборди.

— Овчилар қайтишди,— деди Касси, оҳиста.— Қўрқма. Мана бу тешикка қара. Уларнинг ҳаммаси пастла эканлигини кўрмаяпсанми? Бугун энди Саймон ов қилмайди. Отининг ифлослигини кўр: ботқоқда жуда кўп чопган бўлса керак. Итлар ҳам чарчашганидан чўзилиб қолишяпти. Эй саховатли тўрам, ҳали кўп югурасиз. Илласинингиз излаган ерда эмас.

— Жим!— деди Эммелина.— Эшитиб қолишса нима бўлади?

— Эшитишса тумтарақай қочишади,— деди Касси.— Қўрқмасак ҳам бўлаверади. Қанча кўп шовқин қилсак, шунча тезроқ муродимизга етамиз.

Үй фақат ярим кечада тинди. Легри ўз номардгарчилигини лаънатлаб, ухлагани кириб кетди. У: «Эртага қочоқларни албатта тутиб олиб, боллаб жазосини бераман», деб қасамёд этди.

ХЛ БОБ

Жафонаш

Касси билан Эммелинанинг қочиши Легрини ғоят ғазаблантириди ва у, бутун газабини ҳимоясиз Томнинг бошига ёғдирди — зотан бундай бўлишини кутиш ҳам керак эди.

Легри аёлларнинг қочганини қулларга шошилиб зълон қилган вақтда Томнинг кўзлари шодликдан яшнади. Легри буни сезди. Томнинг овда қатнашмаганини ҳам билди.

Легри аввал Томни зўрлаб мажбур қилмоқчи бўлди, лекин Томнинг инсон шаънига тўғри келмайдиган ишларга қатнашишдан нақадар қаттиқлик билан бош тортишини тажрибада кўргани учун, бадбаҳт негрни, вақтсоати келгунча, тинч қўйишга қарор қилди.

Омади юришмаганидан пушаймон ва номус қилган Легри қайтгач, унинг ўз қулига нисбатан бўлган ва узоқдан берли босиб келинаётган қаҳр-ғазаби жуда қаттиқ қўзгалди. Бу одам ҳув сотиб олинган кунидан бошлаб унга зўр бериб, қатъий, огишмай, нафрат билан қарамадими? Бу одамда Легрини жаҳаннам алангаси каби қўйдирган сокин куч бўлмаганими, ахир?

— Уни ёмон кўраман! — деди Легри, кечаси каравотдан сапчиб. — Жуда ёмон кўраман! Наҳотки у менинг мулким бўлмаса? Наҳотки уни истаганимча жазолаш қўлимдан келмаса? Ким менга халақит бераркан, билиб қўяй!

Шундай деб, у муштини юмди.

Бироқ Том жуда қиммат баҳо хизматкор эди. Бу мулоҳаза Легрининг нафратини заррача камайтирмаса ҳам, ҳар ҳолда уни бирмунча илгариги шаштидан тушурди.

Эрталаб у Томга ҳеч нима демади. У, қўшни плантаторларни милтиқ ва итлари билан чақиртириб келиб, ботқоқликни ҳамма томондан ўрашга ва унинг бир энлигини қолдирмай тинтиб чиқишига қарор берди. Агар қочоқлар тутилса — яхши, агар тутилмаса — Том жавоб беради. Шундай фикрлар скан, Легри томирларидаги қоннинг қайнайётганини сезиб, тишларини гижирлатди. — «Е унинг кажбаслигини йўқ қилиб ташлайман, ёки...»



Ичкаридан чиққан овоз мабодо Томнинг кажбаслигини йўқотиб бўлмаса, уни нима қилиш кераклиги ҳақида разилона бир маслаҳат берди.

Дейдиларки, хўжайиннинг манфаатлари — қулнинг энг яхши ҳимоячиси эмиш. Бунда шуни назарда тутмайдиларки, қаҳр-ғазаби авж олган пайтларда, ҳамма манфаатларини эсдан чиқариб, фақат «ўз деганим бўлсин» дейдиган кишилар ҳам бўлади.

— Жуда соз,— деди Касси, ёриқдан қараб,— бугун яна ов бўлади.

Бир неча отлиқлар уй олдида тўхтадилар; бошқа плантациялардан келган бир неча ит галалари ҳуриб, вангиллаб, қолишиб, ўзларинни жангга ташламоқчи бўлардилар ва негрлар уларни зўрга босиб туришарди.

Отлиқларнинг иккитаси қўшни плантациялардан келган назоратчилар эди, қолганлари эса Легрининг қовоқхона улфатлари бўлиб, уларни Легри яқиндаги шаҳарчадан чақирганди. Бундай қабиҳ газандалар тұдасини тасаввур этиш қийин. Легри оқларга ҳам ва атроф плантациялардан ёрдам учун келган негрларга ҳам ароқни мўл-мўл қўйиб берарди. Қулдорлар орасида одам овини—«қидир-қидир» га қатнашадиган негрлар учун бир байрамга айлантириш расм бўлиб қолганди.

Касси қулоғини ёриқча қўйиб тингларди. Эрталабки шамол тўғри уйга қараб эсгани туфайли, у, ҳовлида айтилган сўзларнинг кўпини эшитиб олди. Касси, уларнинг жойни қандай ўзаро тақсим этганилларини, ўз итларининг қонхўрлигини таърифлаб мақтанишларини, қандай ҳолатда отиш кераклигини олдиндан тушунтиришларини ва қочоқлар қўлларига тушгач, уларни нима қиласар эканликлари ҳақида қаттиқ овоз билан айтилган сўзларни эшитаркан, қорача юзида ғамгин табассум пайдо бўлди.

Ниҳоят, Касси орқага тисарилди-да, қулочини ёзиб, қаттиқ ҳаяжонланган ҳолда Эммелинага, деди:

— Агар сен бўлмасанг эди, ўзим уларнинг олдига чиқардим-у, мени отиб ташлайдиган одамга раҳматлар айтардим. Менга озодликнинг нима ҳам кераги бор? Озодлик менга болаларимни топиб ёки ёшлигимни қайтариб берадими!

Қайгу-ҳасрат билан айтилган бу сўзлар болаларча содда дил Эммелинани қўрқитиб юборди. У қаттиқ ҳаяжонланиб, бунга ҳеч нима жавоб бермай, секин Кассининг қўлини ушлади.

— Керакмас!— деди Касси, уни ўзидан итариб ташлашга уриниб.— Сен ўзингни севдиришга мажбур қиласан. Мен эса, энди ҳеч кимни севмоқчи эмасман.

— Бечора Касси!— деди Эммелина.— Бу фикрларигизни ташланг. Озод бўлганингиздан кейин, балки қизингизни топарсиз. Агар тополмасангиз, сизга мен қиз бўламан. Шўрлик онамни қайтиб кўришга энди умид қилмайман. Мени севмасангиз ҳам сизни севаман!

Бу ювош болавинг ширин сўзлиги Кассини енгди. У Эммелинанинг ёнига ўтириб, бўйнидан қучоқлади-да, унинг юмшоқ жигар ранг сочларини силай бошлади. Эммелина унинг ярқираб ёш оқиб турган кўзининг гўзаллигига қараб ҳайратда қолди.

— Оҳ, Эмма! — деди Касси. — Болаларимни нақадар соғинганимни билсанг эди! Уларни шундай кўргим келади! — деб у кўкрагига урди. — Агар бу қалбнинг нақадар пучлигини билсанг эди!

Зўр бериб узоқ ов қилдилар, аммо бундан ҳеч натижча чиқмади. Легри уй олдига келиб отдан тушди. Касси чарчаган ва руҳи тушган Легрига ғамгин табассум билан қаради.

— Ҳой Kvимбо! — деб бақирди Легри, меҳмонхонадаги диванга чўзилиб. — Томни олиб кел, дарроғ бўл! Уларнинг қаердалигини бу қари доғули билади. Унинг қора пўстагидан битта ҳам гап қолдирмай суғуриб оламан.

Бир-бирларини ёмон кўрган Сэмбо билан Kvимбо Томни жон-жаҳдлари билан ёмон кўрардилар. Том келган вақтда биринчи куплардаёт Легри: «Томни бош назоратчи қилмоқчиман» деб уларга айтганди. Уларнинг Томни ёмон кўриб қолишларига мана шу сабаб бўлганди: Том хўжайнинг қаҳри остига тушиб қолганини сезганиларидан кейин эса, уни янада қаттиқроқ ёмон кўрдилар, чунки улар лаганбардор, хушомадчи ва кўп йиллардан буён малайлик қилиб бузилгандилар.

Квимбо, Легрининг буйруғини жон-жон деб бажаргани кетди.

Том нима учун йўқлатилганини дарҳол тушунди. У, қочоқларнинг ҳамма планларини ва ҳозир қаерда эканликларини биларди: у, юзма-юз бўладиган одамнинг кимлигини ва унинг беҳад золимлигини ҳам биларди. Лекин у, ўзининг ўлимига рози бўлса бўладики, аммо ҳимоясиз аёлларнинг қаердалигини айтмаслигини ҳам биларди.

У, саватини ерга қўйди ва Kvимбо ғазаб билан ёқасидан ушлаганда ҳам асло қаршилик кўрсатмади.

— Энди тоза калтакни ейсан-а! — дерди улқан Kvимбо, уни олдига солиб туртаркан. — Бу сафар омон қутулмайсан! Йўқ! Қочоқ негрларни яширишнинг фойдасини кўрасан! Калтакни ейсан-а!

Лекин Том унинг сўзига қулоқ солмасди. У ўзида қудратли руҳий куч ҳис этарди. Дараҳтлар, ниҳоллар ва қулларнинг бостирмалари милтилларди. Унга шунчалик мусибат кечиртирган бу хафақон жой унинг ёнидан тез ўтиб боради. — Томга гўё тез юриб кетаётган вагон деразасидан бу жойга қараётгандек туюларди. У, ўлкманинг яқинлигини сезди.

— Салом, Том! —
бир-бирига босиб ол-
ган тишлари ора-
сидан овоз чиқариб
бақирди Легри қаҳр-
ғазаб билан ва
унинг олдига югу-
риб бориб ёқасидан
ушлади.—Шу бугун-
нинг ўзида жонинг-
ни олишга қарор
қилганимни била-
санми?

— Шундай бўли-
шини сезаяпман, хў-
жайин,— деди Том,
оҳиста.

— Сени...
мен... ўлдириш-
га... қарор қил-
дим,— деб тақроф-
лади Легри, ниҳоят-
да даҳшатли хотир-
жамлик билан.—

Агар сен бу хотинлаф тўғрисида билганларингни бата-
мом айтмасанг, ҳозир ўлдираман.

Том индамасди.

— Эшитдингми? — деб, қутурган арслондек бўкирди
Легри.— Гапир!

— Гапирадиган сўзим йўқ, хўжайин,— деди Том,
оҳиста ва қатъий.

— «Уларнинг қаердалигини билмайман» деб айтиш-
га журъат ҳам қиласанми? — деди Легри.

Том индамади.

— Гапир! — деб ўшқирди Легри, унинг ёқасидан си-
қиб, ғазаб билан силтаркан.— Ҳеч нима билмайсанми?

— Биламан, хўжайин. Лекин айта олмайман... Ули-
ши мига розиман.

Легри нафас ололмай қолди. Қаҳрини қийинлик би-
лан босаркан, Томнинг қўлидан ушлаб олдига тортди-
да, юзини-юзига яқинлаштириб, даҳшатли овоз билан,
деди:

— Ҳой, Том! Агар сени бир марта омон қўйворган



эканман, бугун ҳам омон қўйворади, деб ўйлайсанми? Иўқ, энди мен қарор қилиб қўйганман, ҳатто зиёнларни ҳам ҳисоблаганман. Сен мудом менинг зиддимга юргансан. Аммо сени ё қайнириб оламан, ё ўлдираман. Менга бўйсунмас экансан, қонингни томчи-батомчи оқизаман.

Шундай деб у, оғзи кўпикланган ҳолда ўз сайидини ерга йиқитди...

— Жони чиқай деб қолди, хўжайин,— деди Квимбо. Томни пийпаларкан, унинг мутеълигидан беихтиёр таъсирланиб.

— Ўз ишингни қилавер!— деб бақирди Легри.— То иқрор бўлмагунча қонини оқизаман.

Том кўзини очиб хўжайинга қаради.

— Бечора одам!— деди у.— Қўлингдан бошқа ҳеч нарса келмайди...

Шундай деб ҳушидан кетди.

— Ҳақиқатан, ўлиб қолганга ўхшайди,— деди Легри унинг ёнига келиб, юзига фирмайиб қаараркан.— Тамом бўлибди. Майли, энди оғзини очавермайди-ку, шу ҳам фойда.

Лекин Том ҳали ўлмаганди.

Томнинг ажойиб мардлиги уни пийпалаган икки негрнинг юрагини ларзага солди ва Легри кетгач, улар уни ҳушига келтира бошладилар.

— Аттанг, жуда ёмон иш қилдик-да!— деди Сэмбо— Ишонаманки, бунинг учун нариғи дунёда биз эмас, хўжайин жавоб берса керак.

Улар Томнинг яраларини ювдилар, брак тахтадан унга дағал ётоқ жой қилиб, авайлаб ётқизиб қўйдилар. Улардан бири югуриб уйга кирди ва Легридан «ўзимга» деб озгина ароқ сўраб олди. Қайтиб келиб, ароқни Томнинг оғзига қўйди.

— Ҳой, Том, биз сени қийнаб ўлдираёздик!

— Сизларни чин юрагимдан афв этаман!— деди Том, эшитилар-эшитилмас.

XLI БОБ

Еш хўжайин

Орадан икки кун ўтгац, енгил экипажда ўтирган бир йигит, хитой дараҳтлари ўтқазилган хиёбон ичидан экипажини чоплириб ўтди-да, Легрининг уйи олдида тўхтади. У, отнинг орқасига тизгинни шошилиб ташлаб,

экипаждан иргиб тушди ва: «Хўжайнин кўриш мумкинми?» деб сўради.

У йигит Жорж Шелби эди.

Офелияниң Шелбихонимга ёзган хати тасодифан бир почта бўлимида иккى ойча босилиб ётган. Табийким, хат ўз эгасига етгунча Томни сотиб юборгандар ва уни Қизил дарё ботқоқликларига олиб кетганлар.

Шелбихоним хатни жуда ҳаяжонланиб ўқиди, лекин ўша онда у бирор тадбир кўришга ожиз эди; чунки уининг эри қаттиқ иситма бўлиб, талвасада ётар, Шелбихоним касал эрининг бошидан қўмирлаёлмасди. Бу вақт ичидаги катта йигит бўлиб қолган Жорж Шелби отасининг рўзгор ишларини юргизишда онасиға зўр бериб ёрдамлашарди. Хайриятки Офелия, Сен-Клэрларнинг ишини ўз зиммасига олган адвокатнинг номини ўз хатида ёзиб юборганди; шунинг учун Шелбихоним бу адвокатга хат ёзиб, Томнинг тақдирини қандай бўлганини хабар қилишини сўради. Бир неча кундан сўнг мистер Шелби ўлди ва она билан ўғилнинг бошига кўпгина янги ташвишлар тушди.

Мистер Шелби ўз хотинининг қобилиятига ишонч билдириб, қўрғончадаги ишлар юзасидан уни ягона мутавалли қилиб тайинлаганди; бу эса уининг устига кўпгина ишларни ортдирди.

Шелбихоним эридан мерос бўлиб қолган мушкул ишлар чигалини ўзига хос ғайрат билан ёза бошлади. У, Жорж билан бирга ҳамма вақтини счёtlарни текширишга, мулк сотиб қарзларни тўлашга сарфлади; чунки у, биринчи галда ҳамма қарзларни узиб, кейин қоладиган мол-мulkни равшан аниқлаб олишни истардия. Худди шу вақтда адвокатдан хат келди; адвокат ўз хатида Томнинг аукционда сотиб юборилганилигидан бошқа, уининг ҳақида ҳеч нима билмаслигини ёзганли.

Бу жавоб на Жоржни қаноатлантириди ва на Шелбихонимни. Олти ой ўтгач, Жорж, онасининг иши билан Жанубга бораркан, Янги Орлеанг ҳам ўтиб, Томни топишга ва уни қайтариб сотиб олишга қарор қилди.

Бир неча ой муваффақиятсиз ахтаришдан кейин, Жорж Янги Орлеанда бир одамни учратди; бу одам унга зарур бўлган ҳамма нарсани айтиб берди. Ана шундан кейин, ёш қаҳрамонимиз ўзининг эски дўстини топиб, уни қутқазиб олиш учун чўнтағига пул солиб, Қизил дарёга жўнади.

Легри меҳмонни анча дағал қабул қилди.

-- Менинг билишимча,— деди йигит,— сиз Янги Орлеанда Том деган негрни сотиб олгансиз. Бир вақтлар у, отамнинг қўргончасида яшарди, мен ўшани сиздан қайтариб сотиб олмоқчи эдим...

Легри қовоғини солди-да, чидамсизлик билан унинг сўзини бўлди:

— Падар лаънати бу Томни мен ҳақиқатан сотиб олганман! У фитначи ва тиниб ўлмас кўлпак экан! Менинг негрларимни авраб қочириб юборди. Ҳар бири саккиз юз — бир минг доллар туродиган иккита хотинни олиб кетди. Ундан «хотинлар қаерда?» деб сўрасам, «биламану, айтмайман» деб жавоб берди. Ҳеч кимдан ҳеч қачон емаган калтакларини егизсан ҳам айтмади. Ҳозир у ўлим тўшагида ётибди, лекин бу ниятига етиша олмаса керак.

— Қани у?— сесканиб ва шошилиб сўради Жорж.— Унинг ўзини кўрайин!

Йигитнинг юзи қизарди, кўзида аланга порлади; лекин ўзини босиб, ортиқ ҳеч нима демади.

— Ҳу у ерда, саройда,— деди Жорж отининг юганини ушлаб турган негр бола.

Легри болани бир шапалоқ уриб, қаттиқ сўкли. Жорж эса ҳеч нима демасдан, орқасига қайрилиб, саройга қараб кетди.

Уша фалокатли кечадан бошлаб Том икки кундан бўён саройда ётарди. У танасида оғриқ ҳис этмасди, чунки, ваҳшиёна пийпаланишдан сўнг унинг сезгиси қотиб қолганди. У деярли ҳамма вақт ўзини унудиш ҳолатида эди.

Бахтсиз қуллар, қисқа вақтли истироҳат чоридан воз кечиб, тун қоронғисида унинг олдига яшириниб киришар ва ҳанузгача юлатиб келган кишиларини энди ўзлари юлатишарди. Улар унга совуқ сувдан бошқа ҳеч нарса олиб келолмасдилар.

Уларнинг кўз ёшлари Томнинг пок, лекин ўнди ҳеч нима сезмаётган юзига томарди.

Яширин жойидан тоҳ-тоҳ чиқиб туродиган Касси, Томнинг уни ва Эммелинани қутқазиш учун ўз ҳаётини қурбон қилганлигини тез орада билди ва бундан бир кун илгари, хавф-хатарни писанд қилмай, Томни кўргани келди. У Кассига зўрга пицирлаб бир неча оғиз сўз айтди: бу сўзлар унинг дилини қоплаб олган музни

эритди ва беҳад умидсизланган маъюс аёл унинг устида йиғлаб юборди.

Жорж саройга кираркан, боши айланиб, юраги орзиқаётганини сезди.

— Бу нима гап?.. Бу нима гап?.. — дерди у, Томнинг олдига чўккаласб.— Том тоға, бечора қадрдан дўстим!

Унинг овози ўлаётган Томнинг қулоғига етди, у бошини оҳиста қимирлатиб, кулимсиради.

Иигит кўзидан мард юракка ярашадиган ёшлар оқа бошлади.

— Ҳой, Том тоғажоним! Кўзингни оч!.. Мен билан сўзлаш! Менга қарасанг-чи! Мен мистер Жоржман, сенинг кичкина мистер Жоржинг бўламан! Мени танияпсанми?

— Мистер Жорж!— деди Том заиф овоз билан ва кўзини очди.— Мистер Жорж!

У, ҳалиям ҳеч нима тушунмаётгандек кўринарди.

Лекин у, секин-секин ҳушига кела бошлади. Мурда кўзларда жон ва нур пайдо бўлди, юзи батамом яшнади. У қадоқли қўлларини қовуштириди ва юзидан ёш оқа бошлади.

— Орзуумга етишдим... Улар мени унутмаган эканлар! Ўзимни энди яхши ҳис этяпман. Энди хотиржам ўламан. Худога шукур!

— Сен ўлмайсан! Ўлмаслигинг керак, йўқ! Мен сени қайтариб сотиб олиб, уйга олиб кетгани келдим,— деди Жорж ҳаяжон ва жўшқинлик билан.

— Э, мистер Жорж, вақт ўтгандан кейин келдингиз.

— Ўлма! Сен ўлсанг мен ҳам ўламан! Сенинг қанча азоб чекканингни ўйласам, юрагим пора-пора бўлади... Шунаقا эски саройда ётибсан... Бечора, бечора!

— Мени бечора деманг!— деди Том тантанали суратда.— Мен бечора эдим, аммо ҳозир бундай эмас. Мен эшик ёнидаман, фароғатга бораман! Ҳой, мистер Жорж, осмон яқин! Мен енгдим.

Жорж унга диққат билан тикиларди. Атроф жим эди.

Том унинг қўлинни сиқиб, деди:

— Менинг қандай аҳволда учратганингизни бечора Хлояга айта кўрманг. Унинг учун жуда ҳам ёмон бўлади... Оҳ, бечора болаларим... кичкинам! Уларни ўлағанимда бағрим ёнади? Мендан хўжайнинга, дилбар ва саховатли бекага, ҳаммага... ҳаммага салом айтинг.



Уларнинг ҳаммасини нечоғлик яхши кўришимни сиз билмайсиз!

Сарой эшиги ёнига Легри келди. У ясама бепарвонлик билан эшикдан қараб, орқасини ўгирди.

— Қари шайтон! — деб қичқирди, қаҳр-ғазаб билан тўлган Жорж.

Ёш хўжайин билан учрашув шодлиги натижасида пайдо бўлган тетиклик йўқолди. Том бўшашди, кўзлари юмилди, юзи тинч ва тантанали қиёфа олди.

У хириллаб оғир нафас оларди; унинг кенг кўкраги оғир-оғир кўтарилиб ва тушиб турарди.

Жорж унга чуқур эҳтиром билан қараб турди. Улганидан кейин унинг кўзини Жорж ўзи ёпди.

Орқада хўмрайиб Легри турарди. Жорж қайрилиб уни кўрди.

— Сиз ундан олишингиз мумкин бўлган нарсанинг ҳаммасини олибсиз,— деди Жорж, мурдани кўрсатиб.— Унинг жасади учун қанча олишни истайсиз? Уни мен иззат-жером билан кўммоқчиман.

— Мен ўлик негр билан савдо қилмайман,— хўмра-йиб жавоб берди Легри.— Хоҳлаган ерингизга кўма-веринг.

— Ҳой йигитлар!— деб бўйруқ бергансимон қичқири-ди Жорж, мурдага қараб турган учта негрга.— Қани бу ёққа келиб, ёрдамлашинг, буни аравамга олиб борайлик. Менга битта курак ҳам олиб келинг.

Негрлардан бири куракка югорди. Қолган иккитаси Жоржга ёрдамлашиб, Томнинг жасадини аравага олиб боришиди.

Жорж, Легрига бир оғиз сўз демади, ҳатто унга қа-рамади, лекин Легри ҳам Жоржнинг бўйруқларига ара-лашмади, фақат ясама бамайлихотирлик билан ҳуштак чаларди.

Жорж, арава кенгроқ бўлсин учун ундан ўтиргични олди, тагига ўз плашчини ёзиб, Томнинг жасадини оҳис-та қўйди. Кейин ўгирилиб Легрига қаради ва зўрга ўзини босиб, деди:

— Сизнинг аblaҳларча одам ўлдиришингиз ҳақида қандай фикрда эканлигимни ҳали ўзингизга айтганим йўқ. Ҳозир вақти эмас ва бу ер гаплашадиган жой ҳам эмас. Лекин, сэр, бу гуноҳсиз тўкилган қон учун одил суд қасос олади. Йўл устидаги биринчи шаҳардаёқ сиз-нинг жиноятингизни ҳукумат идораларига айтаман.

— Айтаверинг,— деди Легри, нафрат билан бармоқ-ларини шақиллатиб.— Кўрай-чи, қўлингиздан нима ке-ларкан. Сизнинг даъвонгизни тасдиқлайдиган гувоҳла-рингиз борми?.. Айтаверинг!

Легрининг сўзи тўғрилигини Жорж дарҳол тушунди. Бу атрофда бирорта оқ одам йўқ эди. Жанубнинг судья-лари эса негрларнинг гувоҳликларини эътиборга олмас-дилар.

— Ўлик негр учун шунча шовқин кўтариш — арзий-диган иш-да!— деди Легри.

Бу сўзлар Жоржга бочкадаги милтиқ дорисига туш-ган учқун каби таъсир қилди. Кентуккилик йигит ўзини тутиб туролмади. У Легрининг юзига айлантириб бир мушт солдики, Легри ерга ағдарилиб тушди, газабдан чўғ бўлиб кетган Жорж эса, аждарни енгган баҳодир каби унинг тепасида турарди.

Баъзи одамларга калтак наф қиласди: улар, ўзлари-ни яхшилаб уриб, лойга йиқитган кишига дарҳол ҳур-мат билан қарай бошлайдилар. Легри ҳам мана шун-

дай одамлардан эди. У, ўрнидан туриб, кийимининг чангини қоқди-да, узоқлашиб бораётган араванинг орқасидан ошкора ҳурмат билан қараб турарди. У, экипаж кўздан гойиб бўлгунча ҳатто оғзини ҳам очмади.

Плантация чегарасидан ўтгач Жорж, бир неча дараҳт кўкариб турган қуруқ қум тепаликни кўрди. Шу ерда негрлар Том учун қабр қазишиди.

— Плашчингиз нима бўлади, хўжайин? — деб сўраши негрлар, қабр қазилгач.

— Қабрга қўйинглар. Сенга бошқа ҳеч нима беролмайман, Том, ҳеч бўлмаса плашчими ол.

Томни қабрга туширдилар. Негрлар, овоз чиқармай, унинг устига тупроқ ташладилар, янги гўр устига кўк акриқ сепдилар.

— Жўнангиз энди, йигитлар, — деди Жорж, уларниң ҳар қайсисига чорак доллардан бериб.

Лекин улар кетмадилар.

— Еш хўжайин бизни сотиб олсалар... — деди уларниң бири.

— Үнга садоқат билан хизмат қиласардик, — деди иккинчиси.

— Бу ерда қийин, хўжайин, — деди биринчиси. — Бизни сотиб олсангиз-чи, хўжайин!

— Йўқ, сотиб ололмайман! — қийналиб, овозини зўра чиқариб пичирлади Жорж ва қўли билан: «Жойларингга бораверинглар» дегандек имо қилди. — Йўқ, мумкин эмас.

Бечораларниң ҳушлари учди ва индамай қайтиб кетишиди.

Жорж, шўрлик дўстининг қабри олдида тиз чўкиб:

— Қасамёд қиласман! — деди у. — Ўз ватанимдан шармандали қуллик тамғасини юваб ташлаш учун шу ондан бошлаб ҳаётимни бағишлашга қасамёд қиласман!

XLI БОБ

Бир арвоҳ ҳақида ишончли ҳикоя

Легрининг хизматкорлари орасида арвоҳлар ҳақида бу кунлардаги каби гап-сўз ҳеч қачон бўлган эмасди, энди эса бунчалик гап-сўз бўлишига айрим сабаблар бор эди.

Одамлар бир-бировларига пичирлашиб: «Ҳар кун кечаси бирор чердакдан пиллапояни босиб тушиб уйга

киради» деб гапиришарди. Юқори эшикни қулфлатиб қўярдилар, аммо бу ҳам фойда бермасди. Ёки арвоҳда яна бир калит бор, ёки у, ҳамма арвоҳларда азалдан бўлган имтиёздан фойдаланиб, калит солинадиган тешикдан ўтарди. Арвоҳ кечаси билан бутун уй бўйлаб шу қадар енгил сайр қиласдик, том маъноси билан ҳамманинг юрагини ёради.

Ажинанинг қиёфаси ҳақида биларманларнинг фикрлари хилма-хил бўлиб чиқди. Бунга сабаб шу эдик, негрларда ва бизга маълум бўлишича, кўпгина оқларда шундай одат бор: «арвоҳ пайдо бўлди» дегунча, улар бошларига кўрпа, юбка ёки бошқа бирор нарсани ёпиб оладилар. Кўз ёпиқ бўлган маҳалда, киши сезгисининг ўткирроқ бўлиб қолишини ким билмайди! Ҳамма бостирмаларда ажинанинг қиёфасини, бошдан-оёқ, лекин турлича қилиб тасвирлардилар. Ҳар ким «менини рост» деб қасам ичарди. Фақат битта нарса, яъни ҳамманинг бир оғиздан: «У кафанга ўралган» деб гапириши, ҳалиги қарама-қарши фикрларни бир-бирига яқинлаштириб қўярди. Негрлар қадимги замон тарихини ўқиб ўрганишмаган ва Шекспирнинг ажина-арвоҳлар либоси ҳақида ёзган сўзларини билмасдилар. Шекспир эса, уни шундай тасвирлаганди:

...Оқ кафанга ўралган мурза
Рим кўчаларида
Чийиллар, ваҳший увуллар...

Шундай қилиб, бизга аниқ маълумки, ажиналар севадиган соатларда Легрининг уйида оқ кафанга ўралган новча бир нарса юрар, ҳамма эшикларни очар, тоҳ кўринар, тоҳ ғойиб бўлар ва ниҳоят ўтичириш пиллапоясидан чиқиб, фалокатли парамонга кириб кетарди; эрта билан эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ҳамма эшик яна қулфланган бўларди.

Бу ҳақда овозалар Легрига ҳам бориб етди. Бу тўғридаги хабарни яширишга қанча зўр бериб ҳаракат қилсалар, Легри шу қадар қаттиқроқ ҳаяжонланарди. У, ҳар қачонгидан кўпроқ ичкликка берила бошлади, илгаригидан ҳам қаттиқроқ бақириб сўкинарди, кечалари хунук тушлар кўфарди. Том ўлган кун кечқурун у, шаҳарга бориб, имкон борича кайф-сафо қилди. Ўйга, чарчаб кеч қайтди, эшикни қулфлади-да, калитни олиб ухлагани ётди.

Ҳа, шундай, у эшикни қулфлади, курси билан унинг олдини тўёди, каравотнинг бош томонига жинчироқни ёқди, каравот ёнита тўпточаларини қўйди, деразаларнинг ҳамма дарпардаларини ва тирагичларини текширди, на арвоҳ ва на шайтондан қўрқмаслиги ҳақида қасамёл қилиб, ухлашга уринди.

Ҳа, у ухлаб қолди, чунки ҳориган эди, қаттиқ ухлади. Лекин қаттиқ уйқу орасида ҳам аллақандай даҳшатли бир нарсанинг яқинлашаётганини юраги ёрилгудек бўлиб сезди. Унинг устида аллақандай бир кўланка энгашди. Легри: «Онамнинг кафани кўриняпти», деб ўйлади: ҳолбуки у. Касси ушлаб турган оқ матони кўрафди. У, аллақандай дод-вой ва оҳ-фиғон садоларини эшитарди; у ҳамон ухлаётганини билар ва қийналиб, уйғоницга ҳаракат қиларди. Шундай ҳолатда у ярим уйқуда ётди. У, хонада бировнинг юрганини, эшик очиқлигини сезар, аммо қўлини ҳам, оёғини ҳам қимиirlата олмасди. Ниҳоят у кучи борича ҳаракат қилиб, тўсатдан иккничи биқининг қўлини кўрди: қўл жинчироқни ўчирди.

Деразадан хира ой нури тушарди. Аллақандай оқ нарса хонада юрарди! Легри ҳатто арвоҳ кафанинг шилдираган овозини ҳам эшитди. Бу оқ нарса каравотнинг худди ёнида тўхтади; Легри совуқ бир қўлнинг текканини сезди ва уч марта пичирлаган овозни эшитди:

— Юр! Юр! Юр!

Легри қўрққанидан терга пишиб ётаркан, ажина ғойиб бўлди. У, каравотдан иргиб турниб, эшикка югурди. Эшик қулф эди. Легри ҳушидан кетди.

Ушандан бўён Легри илгаригидан янада кўпроқ ича бошлади. У ҳар қандай ўлчов ва эҳтиётгарликни йўқотиб, кучининг борича, тўхтовсиз ичарди.

Кўп вақт ўтмай, теварак-атрофда: «Легри қаттиқ бетоб, эрта-индин ўлармиш», деган овозалар тарқалди. Унда оқ иситма бошланди. У, шу қадар қўрқинчли эдики, ҳеч ким уни келиб кўргани ботинолмасди. У, сўкинار, бўкирар, ҳўнграпар, ҳайқирар, арвоҳлар ҳақида шундай даҳшатли нарсаларни айтардики, уни эшитган кишилағнинг томирларида қон юрмай қоларди. Кечаларни унинг ўлим тўшаги олдида даҳшатли оқ хотин пайдо бўлар ва қаттиқ туриб олиб:

— Юр! Юр! Юр! — деб такрорларди.

Легрига арвоҳ кўринган кечадан кейин эрта билан

ташқари эшик алланечук очиқ қолғанлиги ва негрларнинг баъзи бирорлари иккита оқ нарсанинг хиёбондан катта йўлга ўтиб бораётганини кўргавликлари маълум бўлди.

Қуёш чиқмасдан олдинроқ Касси билан Эммелина шаҳардан узоқда бўлмаган катта чакалакзорга кирдилар.

Касси бошдан-оёқ қоп-қора кийинди — у ўзини испан креолкаси¹ қилиб кўрсатишга қарор қилди, испан креолкалари эса фақат қора либос киядилар. Тўр билан безанганд қора шляпача ва қора вуаль² унинг юзини мутлақо ёпиб турарди. Эммелина ўзини атоқли креолканинг хизматчиси қилиб кўрсатиши керак эди.

Касси кичкиналигидан бадавлат хонадонда ўсгани учун ҳозир ўзини бемалол атоқли хонимлар сингари тутар ва сўзлашарди. Унда ҳали ҳам тоза либослардан сақланганди. Яхши либос ва бир қанча қиммат баҳо нарсаларнинг ёрдами билан у, ўзини киши кўзига кўнгилдагидек қилиб кўрсатишга муваффақ бўлди.

Шаҳарга кираверишда у яхши бир чамадон сотиб олди. Шу ернинг ўзидаёқ бир одамни ёллаб, унга чамадонни кўтариб юришни топширди. Шундай қилиб, Касси чамадон кўтарган хизматкор ва қутича ҳамда саватчалар кўтарган Эммелина ҳамроҳлигига бир хоним қиёфасига кириб, кичкина мусофирихонага келди.

Унинг мусофирихонада биринчи кўрган кишиси — Жорж Шелби бўлиб, у ҳам пароход кутарди.

Касси, Жоржни чардак даричасидан кўрган, Легрини юзига урганини хурсанд бўлиб томоша қилган, Томнинг жасадини олиб кетганини ҳам кўрганди. Уйда арвоҳ қиёфасида юрганда негрларнинг Жорж ҳақида айтган ҳамма сўзларини эшиганди ва унинг кимлигини ҳамда Томга қандай муносабатда бўлганини биларди. У, Жоржга дарҳол ишонч ҳис этди ва у билан бир пароходда кетишини билиб севинди.

Кассининг афти-ангори, қадди-қомати, хуяқи ва энг муҳими пулни аямасдан сарф қилиши, унга нисбатан ҳар қандай гумонсираш имкониятини йўқотди. Кўп одамларнинг назарида бойлик инсоннинг асосий фазилати бўлгани учун катта-катта пуллар сарф қилган

¹ Креоллар — оға-боболари испан ёки француз бўлиб, иссиқ мамлакатларда туғилиб ўсган оқ бидан кишилар.

² Вуаль — қора тўр рўмолча.

кишига ҳеч ким гумонсираб қарамайди. Касси, одамларнинг бу хусусиятини аллақачонлар билар ва шунинг учун эҳтиётдан пул ғамлаб олганди.

Кечқурун пароход келди. Жорж Шелби кентуккиликларга хос одоб билан Кассининг қўлтиғидан олди ва палубага олиб чиқиб, унинг учун алоҳида каюта топиб берди.

Касси ўзини касалликка солди ва Қизил дарёда борарканлар, бир марта ҳам каютадан чиқмади. Оқсочи эса зўр бериб уни парвариш қиласди.

Миссисилига етганда Жорж, креолканнинг ҳам дарёнинг юқорисига кетишини билди ва унга ўзи кўчиб ўтадиган пароходдан алоҳида каюта топиб беришни вайда қилди, шу билан бирга ғоят назокат билан унинг бетоблиги учун таассуф изҳор этди, йўлда кета туриб, унинг ҳар қандай хизматини бажаришга тайёр эканлигини билдириди.

Шундай қилиб, уларнинг учовлари ҳам эсон-омон «Цинциниати» пароходига ўтдилар ва дарё юқорисига тез суръат билан сузиб кетдилар.

Касси тузала бошлади. У, палубага чиқиб, кўпчилик билан бирга овқатланадиган бўлиб қолди. Пароходдагилар унинг ҳақида: «Бу хотин ёшлигига ажойиб гўзал бўлган экан-да» деб сўзлай бошладилар.

Жорж уни биринчи кўриши биланоқ, аллақандай бир кишига ўхшатиб, ғоят таажжубланган, аммо ўхшатган одамининг ким эканлигини сира ёдига келтира олмасди. Шунинг учун у, разм солмаслигини истамагани ҳолда, доим ундан кўзини узмасди. Касси, стол ёнида ёки ўз каютасининг эшиги олдида ўтиаркан, бу йигитнинг кўзи унга тикилганлигини ҳамиша сезарди. У: «Қарайверманг, ҳижолат бўляпман» дегандек қилиб қовоғини солганда, Жорж тушуниб, камтарлик билан ундан ўз назарини оларди.

Касси, ташвишга тушиб, «Бу йигит мендан шубҳаланмаяптимикан?» деган фикргача борди. Ахийри у: «Унинг олий ҳимматлигига ишониш хавфсизроқ бўлади» деган қарорга келди-да, ўз тарихини унга ҳикоя қилиб берди.

Жорж, Легрининг плантациясини ғазабланиб эсларкан, ундан қочган ҳар бир кишига чин қалбидан хайриҳоҳлик қилишга тайёр эди, шунинг учун, унинг ёшига хос довюраклик билан оқибатда рўй берниши мумкин

хавф-хатарни писанд қилмай, Касси билан Эммелинага қўлидан келган ҳамма ёрдамни кўрсатишга ваъда берди.

Кассининг каютаси ёнидаги каютани ўн икки яшар дилбар қизи билан кетаётган де-Тухоним деган бир француз аёли ишғол қилганди.

Бу хоним Жоржнинг кентуккилик эканини эшитиб, у билан танишишни истади. Йўл йироқ — икки ҳафта давом этар, табиий йўловчилар зерикардилар зерикишни де-Тунинг қувноқ чиройли қизчаси ёзиб борарди. Де-Тунинг Жорж билан танишуви мана шу қизчанинг ёрдами билан бўлди.

Жорж кўпинча де-Тухоним каютасининг эшиги ёнида креслода ўтирар ва палуба чеккасида ўтирган Касси, уларнинг сўзларини эшитарди.

Де-Тухоним, ундан Кентукки ҳақида сўради — хонимнинг айтишича, у Кентуккида анча йил яшаган экан. Жорж бу хонимнинг бир вақтлар уларнинг ерига қўшни бўлиб яшаганлигини ҳам билиб олди. У Жоржнинг туғилган округига бўлган кўпгина воқиаларни билар ва бу билан Жоржни ҳайратда қолдиради.

— Гаррис деган фамилияли одамни билмайсизми? — деб сўради де-Тухоним, ундан бир куни. — Унинг жойи сизларга яқин.

— Биламан, шундай бир чол бор. Унинг жойи отамнинг ерига яқин, — деди Жорж, — лекин биз у билан кам учрашамиз.

— У жуда катта қулдорлардан шекилли? — деди де-Тухоним, ўз ҳаяжонини яширишга қўлидан келганча уриниб.

— Шундай, — деди Жорж ва унга таажжубланиб қаради.

— Балки сиз эшитгандирсиз... унинг қули бор эди, бола... Жорж деган мулат?..

— Бўлмасамчи! Жорж Гаррис! Яхши биламан уни. У онамнинг ходимасига уйланганди, ҳозир Канадага қочиб кетди.

— Қочиб кетдими? — деб шошилиб сўради де-Тухоним. — Худога шукур!

Жорж унга таажжубланиб ва қизиқиб қаради, аммо ҳеч нима демади.

Де-Тухоним қўлини юзинга ёпди-да, йиглаб юборди.

— У менинг укам бўлади, — деди у.

— Сизнинг укангиз, хоним?!— деб хитоб қилди Жорж чуқур ҳайратда қолиб.

— Ҳа,— деди-да, де-Тухоним бошини ғурур билан кўтарди ва кўз ёшларини артди.— Мистер Шелби, Жорж Гаррис менинг укам бўлади!

— Буни ҳеч кутмагандим! Бу жуда ажойиб иш-ку!— деди Жорж ва креслосини орқага суриб, де-Тухонимга бошдан-оёқ қарай бошлади.

— У болалик вақтида, мени Жанубга сотдилар.— деди у.— Мени бир саковатли ва ҳимматли одам сотиб олди. У мени Вест-Индияга олиб кетди; у ерда озол қилиб менга уйланди. Яқинда у ўлди. Мен ҳозир Кентуккига боряпман. Укамни топиб, қайтариб сотиб олмоқчи эдим.

— У менга: «Эмели деган опам бор, Жанубга сотилиб кетган» деб айтарди,— деди Жорж.

— Рости билан-а? Уша Эмели мен бўламан,— деди де-Тухоним.— У ҳозир қандақа, айтиб беринг...

— Анча вақт қул бўлиб юришига қарамай, жуда яхши йигит бўлиб чиққан-да,— деди Жорж.— Ажойиб, ақлли, олижаноб йигит. Мен уни яхши биламан, чунки, у бизнинг уйдаги қизлардан бирига уйланган.

— Хотини қандай?— қизиқиб сўради де-Тухоним.

— Муъжиза!— деди Жорж.— Чиройли, ақлли, хушмуомала. Уни онамнинг ўзи тарбиялаб, ўз қизидек муомала қиласади. У ўқиш-ёзишни билади, жуда чевар. Яхши ашула ҳам айтади.

— Сизнинг уйингизда туғилганми?— деб сўради де-Тухоним.

— Йўқ. Отам уни бир марта Янги Орлеанга борганды сотиб олиб, онамга совға қилганди. У вақтда у саккиз ё тўққиз яшар қизча бўлган. Отам бу қиз учун қанча тўлаганини онамга ҳеч айтмаганди; лекин бир куни унинг қофозларини кавлаётганимизда бир ёски счёт чиқиб қолди; шундан билдикки, отам унинг учун жуда катта пул тўлаган экан. Қиз жуда чиройли эди; шунинг учун қулфурушлар бунча катта пул талаб қилган бўлсалар керак.

Жорж Кассига орқасини ўгириб ўтиради, шунинг учун ҳам унинг нақадар зўр эътибор билан бу тафсилотларга қулоқ солаётганини кўрмасди.

Бирдан Касси Жоржнинг қўлидан тутди-да, ранги ўчган ҳолда сўради:

— Қизни сотган одамларнинг номлари нима экан?

— Агар янглишмасам, бу олди-сотдини Симмонс деган бир киши қилган. Ҳар ҳолда сотиқ хатда «Симмонс» деган имзо бор.

— Ё раббим!— деб хитоб қилди Касси ва беҳуш бўлиб каюта полига йиқилди.

Жорж билан де-Тухоним нима бўлганини тушумай, иргиб турдилар. Кассининг ҳушдан кетишининг сабаби уларга номаълум эди; лекин улар бундай ҳодиса юз берганда одатда кўриладиган тадбирларнинг ҳаммасини кўрдилар. Жоржнинг инсонпарварлик ҳислари кучайиб, ҳовлиққанидан ичиди суви бор кўзани ағдариб юборди ва иккита стакан синидирди; бироннинг мазаси қочганлигини эшигтан хонимлар каюта эшигига тиқилдилар ва бу туфайли каютага тоза ҳаво кирмай қолди.

Бечора Касси! Ҳушига келгач, у, деворга ўгирилдида, йиғлаб юборди. Оналар, сиз унинг нима учун йиғлаётганини фаҳмласаларингиз керак. У, ўз қизини кўриш умиди пайдо бўлгани учун йиғларди.. Бир неча ойдан сўнг у, қизини кўрди ҳам.. Лекин биз жуда илгари чолиб кетяпмиз.

XLIII БОБ

Бу воқиалар нима билан тамом бўлди

Қолганини ҳикоя қилиш узоқ эмас. Романтик воқиалар йигитларни жуда ҳаяжонлантириб қўяди; бу воқиаларнинг романтиклиги Жорж Шелбига ҳам жуда қаттиқ таъсир қилди. Бунинг устига, Жоржнинг хушкўнгиллигини ҳам қўшиб қўйиш керак. Шунинг учун у, имкон бўлиши биланоқ, Элизанинг сотилиши ҳақидаги ҳужжатни Кассига юбориш учун бутун кучини сарф қилди. Ҳужжатда кўрсатилган вақт ва имзо Кассининг ўз қизи ва унинг қисмати ҳақида билганларининг ҳаммасига тамом тўғри тушарди, шунинг учун Кассининг Элиза ўз қизи эканлигига заррача шак-шубҳаси йўқ эди. Энди қочоқларни топиш қолди, холос.

Кутилмаган ҳолда ўз қисматларининг бир хилда бўлиб чиқиши туфайли бир-бирларига боғланиб қолган Касси билан де-Тухоним дарҳол Канадага жўнадилар ва қочоқ негрлар одатда бошпана топадиган қишлоқларда суриштириш, қидириб топишга киришдилар. Амхерстбергда, Жорж билан Элиза икков Канада чега-

расидан ўтгач, уйда тўхташган миссионерни булар тариб топдилар. Миссионер уларни Монреалга¹ натди.

Жорж билан Элиза беш йилдан буён озод яшардлар. Жорж, бир мұльтабар механикнинг устахонаси, ишлар ва эндилікда янайм кўпайиб қолган оиласини қийналмасдан боқа оларди, Элиза қиз туғиб олган эди.

Чиройли ва қобилиятли кичкина Гарри мактабга қатнаб, яхши ўқирди.

Жорж Канада чегарасидан ўтиб кетаётганда унга бошпана берган Амхерстбергнинг эътиборли пастори (имоми) де-Тухоним билан Кассининг ишларини енгиллаштиришга жуда ҳаракат қилиб, ҳатто Жоржни ахтариб топиш учун Монреалга бирга боришга ҳам рози бўлди. Сафар чиқимларининг ҳаммасини де-Тухоним ўз устига олди. Монреаль атрофларидаги озодагина, бежирим бир кичкина квартирани тасаввур этингиз. Оқшом яқинлашмоқда. Манқал-печкада роҳатбахш олов ёнади. Оппоқ дастурхон солинган стол устида кечки овқат тайёр. Бурчакда кўк мовут қопланган яна бир стол туради; унинг устида чизмакашлик таҳтаси, қалам-қофозлар ётибди; тепасида — яхши китоблар терилган токча.

Бу жой — Жоржнинг кабинети. Қизғин ҳаваскорлиги соясида у энг оғир вақтларда ўқиш ва ёзишни ўрганганди; мана шу ҳаваскорлиги уни бутун бўш вақтини билимини ортдириш учун сарфлашга ундейди.

Мана у, стол ёнида ўтириб «Оилавий кутубхона» деган бир китобдан алланималарни кўчирмоқда.

— Бўлди, Жорж,— деди Элиза.— Бутун кун уйда бўлмайсан, бу ерга келиб ҳам биз билан ишинг бўлмайди. Китобингни қўй, чой дамлагунимча гаплашиб ўтирайлик.

Кичкина Элиза онасининг илтимосини қувватлаб, отасидан китобни тортиб олди ва унинг тиззасига чиқди.

— Ҳа, шўх қиз!— деди Жорж ва бундай чоқларда ҳамма эркаклар ўзларини қандай тутсалар, у ҳам шундай тутиб, қизласининг амрига бўйсунди.

— Ана бу иш жойида!— деди Элиза, кейин нонни кеса бошлади.

Элиза бир оз улғайган ва андак семириб қолган,

¹ Монреаль — Канаданинг ёнг катта шаҳри,

— чини ҳам ёши улуғ хотинлар каби тараган. Лекин да мамнунлик акс этади.

— Гарри, болам, мактабда берилган масалангни дингми?— деди Жорж, қўлини ўғлининг бошига қўйиб.

Гаррининг бошида чегарадан қочиб ўтаётганда қилинган кокиллар йўқ, лекин унинг пешона, киприк ва кўзлари илгариги каби. У, фахрланганидан қизариб жавоб берди:

— Ечдим. Ўзим ечдим. Ҳеч ким ёрдам бергани йўқ!

— Баракалла!— деди Жорж.— Ҳаммасини ўзинг қил, ўғлим. Үқиш учун отангда учалик имкон бўлмади, сенда эса имконият бор.

Шу чор аллаким эшикни тақиллатди. Элиза эшик ёнига келиб, уни очаркан, севиниб баланд овоз билан деди:

— Вой, сизмисиз?

Бу овозни эшитиб даҳлизга эри ҳам чиқди. Амхерстберглик муътабар пастор бу уйнинг азиз меҳмони. Уйга у билан бирга икки аёл ҳам кирди. Элиза улардан ўтиришни сўради.

Ростини айтсак, софдил пастор бўлажак учрашув режасини олдиндан ўйлаб қўйган ва йўлда келишаркан, аёллардан унинг кўргазмаларига амал қилишни қайта-қайта сўраган эди.

У, аёлларни ўтиргизди, чўнтағидан дастрўмолчасини олиб, оғзини артди ва аллақачон ўйлаб қўйган нутқини бошлашга тайёрланди. Аммо худди шу онда де-Тухоним унинг ҳамма планини бузиб, Жоржни қучоқлади-да:

— Ҳой, Жорж! Мени танимаяпсанми? Мен онанг Эмили бўламан-ку!— деб қичқирди.

Планлари барбод бўлган пасторнинг кайфи жуда бузилди.

Касси ўзини анча босиқ тутарди ва эҳтимол ўз ролини охиригача бажаарди; аммо бир ҳол ишни бузди: унинг олдида тўсатдан кичкина қиз Элиза пайдо бўлди; у юз, бўй ва сочининг ҳар бир тори жиҳатдан, бир вақтлар Кассидан тортиб олишган кичкина Элизанинг худди ўзгинаси эди; шунинг учун Касси ҳам ўзини тўхтатолмади ва набирачасини бағрига босиб:

— Жон қизим, мен сенинг онанг бўламан!— деди. Бу сўзининг чин ҳақиқат эканлигига унинг имони комил эди.

Бундай учрашувларни илгаритдан ўйлаб қўйилг. режа билан ўтказиш қийин, албатта; шундай бўлса ҳамманинг ҳаяжони бирмунча босилгач, пастор ушув олдида айтмоқчи бўлган нутқини сўзлади. Бу ну. кечикиб айтилган бўлишига қарамай зўр таъсир қолдирди; тингловчилар шу қадар оҳ тортиб йигладиларки, хоҳ ҳозирги замоннинг ва хоҳ қадим замоннинг ҳар бир нотиги ҳам бундай муваффақиятдан тўла қаноат ҳосил қиласарди.

Мана энди дўстларимиз стол теварагида бирга ўтиришибилар. Кутимаган шодлик натижасида пайдо бўлган қаттиқ ҳаяжон босилган ва улар қизғин суҳбатлашяптилар. Стол устида турли ноз-неъматлар ёзилган, фақат Қассигина кичкина Элизани тиззасига ўтиргизиб, уни бағрига маҳкам босган ва у лабини қаттиқ юмиб олиб, қизча оғзига тиқмоқчи бўлган пирогни ейишдан бош тортади. У кичкина Элизага: «Бугун пирогсиз ҳам қорним тўқ, энди менинг ҳар қандай пироглардан ҳам ширинроқ ва аълороқ нарсам бор», дейди ва қизча буни эшитиб ҳайрон бўлади.

Касси озодлик шароитида икки-уч кун яшashi биланоқ шундай ўзгариб кетдики, уни таниб бўлмасди. Унинг юзини хафақон қилиб турган умидсизлик нишоналари йўқолди ва унинг ўрнига оҳиста меҳрибонлик ва дилкашлик белгилари пайдо бўлди. Ахир у, оиласини кўриш муродига эришиди ва ўз юрагидаги барча меҳру муҳаббатни болаларга бағишлай оладиган баҳтили кунни кўрди, қулликда эса бундан мутлақо маҳрум эди! Кичкина Элизага нисбатан бўлган меҳрибонлик ўз туққан қизига бўлган меҳрибонликдан ҳам ортиқроқ кўришарди, чунки бу қизча юз ва бўй-басти жиҳатидан бир вақтлар ундан тортиб олинган қизчанинг худди ўзи эди. Кичкина Элизага бундай муҳаббат соясида она билан қиз яқиндан танишиб, маҳкам боғланишдилар.

Биринчи учрашувдан кейин бир икки кун ўтгач, де-Тухоним ўзининг ҳол-аҳволини укасига муфассал гапириб берди. Үнга эридан анчагина давлат қолган экан; шунинг учун у, Жоржга пул бермоқчи бўлди. Жорждан: «Нимани истайсан? қанча пул керак?» деб сўраган эди, Жорж:

— Менга ўқиши учун имкон туғдириб бер, Эмили. Менинг орзум — илм олиш. Қолганини ўзим топаман,— деб жавоб берди.

Ҳар томонлама муҳокамадан кейин оиланинг ҳам-
масини Францияга кўчириб кетишга қарор қилинди.
ез кунда улар Эммелинани ҳам олиб йўлга чиқдилар.

Кемада, океанда юзиб кетаётганларида гўзал Эмме-
линага капитаннинг биринчи ёрдамчиси ошиқ бўлди ва
портга етиб келгач, унга уйланди.

Жорж француз университетларидан бирида тўрт йил
ўқиди, чарчамасдан зўр бериб ишлади ва кенг маълу-
мотли одам бўлиб етишиди.

Биз энди Офелия билан Топси ҳақида бир неча сўз
айтишимиз лозим. Жорж Шелбинг эса навбатдаги хайр-
лашув бобини бағишлаймиз.

Офелия Топсиния ўз ватани Вермонтга олиб кетди.
Янги Англиянинг мартабали кишилари буни кўриб
таажжубландилар. Уларга Топснинг бу ерга келтири-
лиши аввал маъқул тушмади, лекин ўз бурчига содиқ
Офелия қизни зўр бериб ўқитиб тарбиялади ва бу со-
ҳада шундай муваффақиятларга эришдик, Топси ҳамма
қўшнилар учун эрка қиз бўлиб қолди.

Эҳтимол, баъзи оналарга хушхабар бўлар, шунинг
учун хотима сўзимизда шуни айтиб ўтайлик: де-Тухоним
тез орада Кассининг ўғлини ҳам топди — Кассининг ўғ-
ли — жуда ғайратли йигит бўлиб, онасидан кўра бир
неча йил илгарироқ қочишига муваффақ бўлганди. Ши-
молда мазлумларнинг дўстлари унинг ҳам илмли киши
бўлиб етишишига ёрдам бердилар.

XLIV БОБ

Озод этувчи

Жорж Шелби онасига қисқача хат ёзиб, уйга қаҷон
боришини хабар қилди. Томнинг ўлганлиги ҳақида хат-
да ҳеч нарса ёзмади, чунки бунга юраги дов бермади.
Бу тўғрида ҳам бир неча сўз ёзай деб, қандай ўлганли-
гини тасвирлашга уриниб кўрди, лекин қўлига қалам
олиши билан кайфи бузиларди; қоғозга кўз ёшлигини
оқиза-оқиза, ўрнидан туриб кетар ва ўзига таскин бе-
рарди.

Шелбининг уйидагилар ёш мистер Жорж келадиган
куни севинишиб, ивиқсираша бошладилар.

Куз оқшоми, совуқ эди; Шелбихоним ўзининг шинам
мехмонхонасидаги манқал-печка ёнида ўтга исиниб ўти-

парди. Эски ошнамиз Хлоя хола эса кечки овқат учун столга дастурхон ёзар, кумуш ва биллур идишларни, қўяди.

У янги чит кўйлак кийганди; олдига покиза фартур тутган, бошига яхшилаб оҳарланган баланд қалпоқча кийган, унинг ялтироқ қора юзи мамнун эди. Бекаси билан тўйиб гаплашиш имкони бўлсин учун у столга дастурхонин секин ёзарди.

— Ҳаяллашяпти. Ұзоқ йўл, ҳаяллашса ажаб ҳам эмас,— деди у.— Унинг тарелкасини ўтга яқинроқ қўйдим. Мистер Жорж иссиқда ўтиришни яхши кўради. Бизнинг энг яхши чойнагимиз қани? Сэлли уни нега келтирмабди? Рождествода мистер Жоржbekага совға қилган кичкина янги чойнак қани! Уни мана бу ерга қўяман! Хоним, мистер Жорждан хат олдиларми?— деб сўради у қизиқиб.

— Олдим, Хлоя. Хати жуда қисқа. У хатида: «Бугун кечқурун уйга етиб бораман» дебди, бошқа ҳеч гап ёзмабди.

— Чолим тўғрисида ёзмабдими?— деб сўради Хлоя, стол устига ҳамон стакан ва пиёлаларни тераркан.

— Иўқ, ёзмаган. У бошқа ҳеч нарса ёзмаган, Хлоя. Келганида ҳаммасини ўзи айтиб беради.

— У киши шунаقا. Мистер Жорж ҳамма нарсани ўз оғзи билан айтиб беришни яхши кўради. Унинг бу фельини мен аллақачон билганиман. Тушунмайман, нега бу оқ одамлар узундан-узун хат ёзишни яхши кўришаркан? Ахир хат ёзиш жуда қийип, серташвиш иш-ку!

Шелбихоним кулди.

— Чолим келиб қолса, на ўғил ва на қизларини танийди энди. Худойим, қизимиз Толли кап-катта бўлиб қолди-я! Яхши шўх қиз. Уни маис пирогига қараб тургин, деб уйда қолдириб келдим. Мен чолимга маис пирог қилияман; у маис пирогни жуда яхши кўради. Чолимни олиб кетишаётган куни эрта билан ҳам шунаقا пирог қилгандим. Уша кун жуда қаттиқ қайғургандимда!

Шелбихоним уф тортди: у дилида ғашлик ҳис этди. Үғлидан келган хатининг қисқалиги уни шубҳага солиб қўйганди.

— Бекам счёtlарни тайёрладиларми?— деб сўради Хлоя.

— Ҳа, тайёрладим, Хлоя.

— Мен кондитердан олган счёtlаримни чолимга

кўрсатмоқчиман. Қондитер: «Менинида яна ишлаб тур» ейди: «Раҳмат, хўжайин,— дедим,— яқинда чолим келади; бекам ҳам менсиз қийналади», дедим унга. Хўжайиним Жон яхши одам экан!

Ўз хизматлари нималарга қобил эканини исбот қилиш учун Хлоя кондитер унга тўлаган маошларнинг ҳамма счётларини эрига кўрсатмоқчи эди. Шунинг учун у Шелбихонимдан: «Бу счётларни эҳтиёт қилинг», деб қаттиқ илтимос қилган, Шелбихоним ҳам унинг илтимосини бажарганди.

— Чолим Полинни танимайди... Уни олиб кетганларига беш йил бўлди-я! У вақтда Полли кичкина эди... зўрга юради. Юрмоқчи бўлса: «Ҳой, эҳтиёт бўл, йиқилади», деб қўрқарди чолим... Ана келишяпти!

Шу чоқ гидирак овозлари эшитилди.

— Мистер Жорж!— деб қичқирди Хлоя хола, деразага қаарди.

Шелбихоним эшикка шошилиб бориб, ўғлининг қучсига ташланди. Хлоя хола ташвишланиб қоронгиликка қаарди.

— Бечора Хлоя хола!— деди Жорж унинг ёнига келиб ва қора қўлларини ачиниб ушлаб.— Уни бирга олиб келиш учун бутун давлатимни беришга рози эдим. Аммо у дунёдан ўтди.

Шелбихоним оҳ тортиб қичқирди. Аммо Хлоя хола овозини чиқармади.

Улар овқатхонага кирдилар. Хлоя холани жуда фахрлантирган счёtlар ҳамон стол устида ётарди.

— Буларни олинг!— деди Хлоя қўллари титраган ҳолда, счёtlарни йигиштириб бекага узатаркан.— Уларни кўришимнинг кераги йўқ. Шундай бўлишини илгаридан билардим. Уни сотиб, ўша ёқда, плантацияда ўлдиришди.

Хлоя орқасига қайрилди-да, гурур билан уйдан чиқиб кетди. Шелбихоним секин унинг изидан чиқди, қўлидан ушлаб креслога ўтиргизди ва ўзи унинг ёнига ўтирди:

— Бечора, яхши Хлоям!— деди у.

Хлоя унинг елкасига бошини ташлади ва ҳўнграб:

— Оҳ, бекам, афв этинг! Юрагим пора-пора бўлди! Бундан бошқа сўзим йўқ,— деди.

— Биламан, биламан,— деди Шелбихоним, унга қўшилишиб йигларкан.

Жимлик бошланди. Ҳаммалари йиглардилар. Ниҳоят,

Жорж Хлояннинг ёнига ўтириб қўлидан ушлади-да, Томнинг қандай ўлганини, Томнинг унга айтиб қўйиш учун топширган ҳамма ширин сўзларини айтди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Шелбининг мулкида яшаган барча қуллар катта уйга чақирилди. Уларга: «Еш хўжайин, сизлар билан сўзлашмоқчи», деб хабар қилинди.

Жорж ҳаммани таажжублантирган ҳолда залга бир тўп қофозни кўтариб кирди; булар — қулларнинг озод қилинишини билдирадиган ҳужжатлар — эркинномалар эди. Жорж, ҳар бир ҳужжатни навбатма-навбат ўқиб, уни ўз эгасининг қўлига топширади. Йиғи-сиғи ва шодлик овозлари эшитиларди.

Бироқ, Жоржни ўраб, «бизни ҳайдаманг» деб ёлворган қуллар ҳам бўлди. Улар зўр ташвишга тушиб, Жоржга ўз эркинномаларини қайтарардилар.

— Биз ҳозир ҳам озодмиз. Ўзимизга зарур бўлган ҳамма нарсамиз бор. Биз туғилган жойларимиздан кетишини хоҳламаймиз. Хўжайнини ва бекани ташлаб кетишини истамаймиз,— дейишарди улар.

— Дўстларим,— деди Жорж, ҳаммани жимжит қилиб,— бу ердан сизни ҳеч ким қувмайди. Далага ҳам, уйга ҳам илгари қанча бўлса, ҳозир ҳам ўшанча одам керак. Аммо сизлар энди озод одамларсиз. Сизнинг меҳнатингиз учун сизларга маош тўлайман. Мабодо мен қарздор бўлиб, ишларим чатоқлашиб қолса ёки ўлибнетиб қолсам, сизларга ҳеч ким тегмайди, сотиб юбормайди. Мен бу ерда сизларнинг орангиизда яшайман ва сизларга озод киши ўз ҳуқуқидан қандай фойдаланиши кераклигини ўргатаман. Сизларнинг яхши шогирд бўлишларингизга имоним комил. Мен эса, яхши муаллим бўлишга ҳаракат қиласман.

Озод этилганлар севиниб бир-бирларини табрикладилар.

— Яна бир неча оғиз айтай,— деди Жорж.— Бизнинг саховатли қари тоғамиз Том эсингизда борми?

Жорж, Томнинг қандай ўлганини қисқача ҳикоя қилиди. Томнинг ўлиш олдидан ўз оғайниларига юборган дўстона видолашув сўзларини уларга айтди-да, ўзидан қўшимча қилиб, деди:

— Дўстларим, унинг қабри устида мен: «Ҳеч қачон менда қул бўлмайди, менинг айбим билан ҳеч кимса оиласидан ажратилиб, плантацияга—ўлимга юборилмайди»,

деб қасамёд қилганман. Сиз ўз озодлигингиз учун шодланаркансиз, саховатли кекса Том шарофати билан бунга эга бўлдингиз. Ундан миннатдор бўлиб, хотини ва болаларига ғамхўрлик қилинг. Том тоғанинг кулбаси ёнидан ўтганингизда ҳар қачон ўз озодлигингиз ҳақида ўйланг.



МУНДАРИЖА

Бичер-Стоу ва унинг китоби (К. Чуковский).	3
<i>I боб. Бунда китобхон энг инсонпарвар шахс билан танишади</i>	17
<i>II боб. Она</i>	27
<i>III боб. Эр ва ота</i>	31
<i>IV боб. Том тоға кулбасида бир кечади</i>	37
<i>V боб. Тирик молнинг эгаси ўзгаргач, ҳоли нима кечади?</i>	50
<i>VI боб. Матъум бўлиш</i>	60
<i>VII боб. Онанинг кураши</i>	70
<i>VIII боб. Элизанинг қочиши</i>	85
<i>IX боб. Бундан матъум бўладики, сенатор ҳам одам экан</i>	101
<i>X боб. Мол жўнатиш</i>	117
<i>XI боб. Тирик мулкда нобоп фикрлар пайдо бўлатти</i>	126
<i>XII боб. Конуний савдо натижасида юз берган саргузашт</i>	140
<i>XIII боб. Квакерлар қишлоғи</i>	155
<i>XIV боб. Евангелина</i>	164
<i>XV боб. Томнинг яиги хўжайини ва бошқа турли нарсалар ҳақида</i>	172
<i>XVI боб. Томнинг бекаси ва унинг назарлари</i>	189
<i>XVII боб. Озод инсон ўзини қандай ҳимоя қиласи</i>	199
<i>XVIII боб. Офелиянинг кузатишлари ва фикрлари</i>	216
<i>XIX боб. Офелиянинг кузатишлари ва фикрлари (давоми)</i>	229
<i>XX боб. Топси</i>	240
<i>XXI боб. Кентукки</i>	255
<i>XXII боб. Ўтлар қурниди . . . гул сўлниди.</i>	260
<i>XXIII боб. Анрик</i>	264
<i>XXIV боб. Машъум нишонзлар</i>	273
<i>XXV боб. Эш насиҳаттгўй</i>	278
<i>XXVI боб. Улим</i>	283
<i>XXVII боб. Дунёнинг иши шу билан тугар экан</i>	295
<i>XXVIII боб. Бирлашув</i>	297
<i>XXIX боб. Ҳимоясизлар</i>	301
<i>XXX боб. Куллар бозори</i>	316
<i>XXXI боб. Кўчиш</i>	326

<i>XXXII боб.</i> Хафагазак жойлар	332
<i>XXXIII боб.</i> Касси	339
<i>XXXIV боб.</i> Квартеронканинг қиссаси	347
<i>XXXV боб.</i> Белгилар	357
<i>XXXVI боб.</i> Эммелиса билан Кесси	363
<i>XXXVII боб.</i> Озодлик	369
<i>XXXVIII боб.</i> Галаба	376
<i>XXXIX боб.</i> Айёрлик	379
<i>XL боб.</i> Жафокаш	391
<i>XL' боб.</i> Ёш хўжайин	396
<i>XLII боб.</i> Бир арвоҳ ҳақида ишончли ҳикоя	402
<i>XLIII боб.</i> Бу воқиалар нима билан тамом бўлди	409
<i>XLIV боб.</i> Озод этувчи	413

ЎРТА ВА КАТТА ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

ГАРРИЭТ БИЧЕР-СТОУ

ХИЖИНА ДЯДИ ТОМА

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент—1960

Редактор *И. Мусалим*

Рассом-редактор *К. Назаров*

Техн. редактор *Я. Пинхасов*

Корректор *Э. Миробидов*

* * *

Босмахонага берилди 15/VII 1960 й. Босншга
руҳсат ғилиди 9/XI 1960 й. Формати
84×108¹/?2. Босма листи, 13,125. Шартлик
босма листи 21,53. Нашр листи 22,79.

Тиражи 20 000.

«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий
кӯчаси, 30. Шартнома №840

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавизда-
тилиниг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза
кӯчаси, 21, 1960 й. Заказ № 382.
Баҳоси 7 с. 90 т.